Шарқ юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

12 '1991

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Неъмат АМИНОВ
Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул котиб)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

60-йил чиқиши

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

«...Ўн саккизинчи йилнинг қиши Қўқон учун ниҳоятда оғир келди. Қўқонда рўй бераётган воқеалар силсиласи бутун Туркистонни қамраб олди. Шаҳарда икки ҳокимиятчилик ҳукм сурарди. Қўқон Шўроси ва Мухторият ҳукумати ўзларича бир-бирига зид қарорлар чиқарар ва ўзларича иш тутарди.»

(Ойноманинг саҳифаларида «Мухторият қисмати» деб номланган ҳужжатлар асосида ёзилган мақолани ўқийсиз.)

● ● ●

«Бошимни кўтарганда тепамда Иблис турганини, юзида совуқ истеҳзо пайдо бўлганини кўрдим. Энди най ноласига сеҳрланиб қолган илондек ҳамма нарсани унутиб, оғзим ланг очилиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатар, таажжубки, қўрқувдан асар қолмаган, инон-ихтиёрим буткул Иблис қўлида эди. Ҳатто унинг шайтоний қиёфаси ҳам ёқимли, нуроний туюла бошлади. Энди оёқларига бош уриб, сиғиниш тараддудига тушган эдим — кутилмаганда у шитоб билан кичрайиб, аввалига чала туғилган гўдакка, сўнг жимжилоқча ҳам келмайдиган ҳашаротга айланди»...

(Ёш ёзувчи Жаҳонгирнинг илк катта асари — «Жаҳаннамга йўл» қиссаси билан ойноманинг 63 — 89 саҳифаларида танишасиз.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зоҳир Аълам

ЖОМБОЙ ҲАНГОМАЛАРИ

(Ён дафтардан)

Ит учун энг катта мукофот эгасининг суяк ташлаб, бошини силаб қўйишидир.

Жомбой фольклори

Дунёнинг ҳамма шаҳарларидаги каби Жомбойда ҳам турлича шеваларда гаплашишади одамлар. Раҳбарий идораларда, пахта пункти ва заводларининг идораларида аксари Пойариқ шеваси ишлатилади; савдо нукталарида, ресторан ва ошхоналарда Самарқанд шаҳри шеваси жаранглайди; завод, телефон станцияси, почта, умуман техника билан боғлиқ корхона ва муассасаларида (Туркистоннинг ҳамма ерида бўлганидек), аксар ўрис тили қулоққа чалинади. Хўш, Жомбойнинг маҳаллий шеваси-чи? Жомбойнинг маҳаллий шеваси (бу ҳам бутун Ўзбекистонга хос бўлганидек) пахтазор ва экинзорларда, шунингдек, ишсизлар орасида жаранглайди.

«Жомбойди жеб жотибди» деган ибора — маҳаллий Жомбой шеваларидан бирида туғилган. Бу гап ростми, ёлғонми (адлия нуқтаи назаридан), буни аниқ айтолмаймиз-у, аммо унинг маҳаллий аҳоли орасида пайдо бўлгани ва тез-тез такрорланиб туриши рост.

Ким еб ётибди, деган савол ҳам туғилади. Яъни, Жомбой халқ ижодига тааллуқли бу ибора кимнинг иштаҳасига тегишли, кимнинг хатти-ҳаракатини изоҳлайди, деган саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Оғзаки ижоднинг бу намунасида туман раҳбариятининг фаолияти ўз ифодасини топган. Яна такрорлаймиз, адлия томони билан ишимиз йўқ. Бир фольклорчи сифатида фольклор намунасидаги мазмунини гапираяпмиз, холос.

Оғзаки ижоднинг мазмуни ҳақида туман раҳбарларининг фикрини билишга ҳам қизиқдик. Мана уларнинг фикри: «Буларнинг бари қайта қуриш, ошкоралик ва демократиянинг касофати. Халқ оғзаки ижодига ҳаддан зиёд эркинлик бериб юборилди. Партиянинг, раҳбариятнинг обрўсини тўкишда баъзи бир ғаламислар ундан жуда фойдаланишяпти. Бу ғаламис демократларга ишонманг. Улар сизнинг кетингиздан ҳам ёзишади. Оғзаки ижоддаги эркинлик тўхтатилиб, бўғиб қўйилмаса, партия билан раҳбариятнинг обрўсини тиклаб бўлмайди».

Яъни, раҳбариятнинг фикрига кўра, унинг обрўси оғзаки ижодга берилган эркинликнинг яшаши ва бўғилиши билан қаттиқ боғлиқ экан. Халқ оғзаки ижодининг эркин ривожланиши раҳбариятнинг обрўсини тўкар экан ва аксинча, халқ оғзаки ижоди бўғиб қўйилса, раҳбариятнинг ва партиянинг обрўси тезда тикланиб, аввалгидан ўтиб кетар экан.

Шунисн қизиқки, раҳбарият ҳам худди ўзимизга ўхшаб, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги мазмунга, унинг рост ёки ёлғонлигига аҳамият беришни эп билмади. Шу ўринда айтиб ўтайликки, биз раҳбарият билан суҳбатда уларни ўзимиз туманда юриб тўплаган фольклорнинг жуда кўп намуналари билан таништирдик. Бу намуналарнинг кўпини матбуотда бериш ноқулай. Берганингизда ҳам бир хилларини аҳлоқ цензураси ўтказмаса, бошқаларига давлат цензураси йўл бермайди. Хуллас, юқорида айтганимиздек, туман раҳбарияти халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунининг рост ёки ёлғон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лигига эътиборни каратмай, фақат эркинлик ва ошкораликнинг обрўга қандай таъсир этиши хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Бу нарса бизга ҳам айни мос эди. Чунки халқ оғзаки ижоди яратган ривоят, достон, латифа, ибора ва сўкишларнинг рост ё ёлғонлиги бизни қизиқтирмасди. Гўрўғли ростдан ҳам қаҳрамонлик қилганми ё йўқми, ёки бу фақат достон айтувчининг хаёлими, буни текширишга имконимиз йўқ. Худди шунга ўхшаш, фалончи ростдан «Жомбойди жеб жотипти»ми ёки «жўқми», бизнинг зиғирчалик ишимиз йўқ. Рост-да, нима ишимиз бор! Еса ер, ўмарса ўмарар. Менга қайнамаган қозонда нима пишса пишавермайдими, деган экан бир донишманд, яна битта халқ оғзаки ижодининг намунасини ярата туриб. Биз учун қизиғи фольклорнинг яратилиши. Унинг қай тақлидда айтилиш маҳоратида. Шу нуктаи назардан туриб, Жомбой халқ оғзаки ижоди айрим намуналарининг мантиқий, услубий томонларига, шунингдек, уларнинг айтилиш усулларига, жойларига ўзимизнинг айрим фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз. (Илмий ишларнинг оҳангини сақламоқчилигимизни ўқувчи сезиб турган бўлса керак).

Мисол учун «Жомбойди жеб жотипти» иборасини олайлик. Авваламбор, бу иборанинг айтилиш жойларига диққат қилайлик. «Жеб жотипти» деб жомбойликлар мажлис минбарларидан ёки матбуот саҳифаларидан айтишмайди. Еб ётганлар мулзам бўлмаслигини ўйлашадими, матбуотнинг ошкоралигига ишонишмайдими (тўғри ҳам қилишади), ёки халқ оғзаки ижоди бўлгандан кейин оғзаки айтилиши шарт, деб ўйлашадими, ҳарҳолда, аҳвол шунака. «Жеб жотипти» деб жомбойликлар бир пиёла чой устида ёки икки-уч пиёла ароқ устида гаплашишади. Аёллари қандай қилишади — номаълум-ку, аммо йигитлари ва эркаклари халқ оғзаки ижоди намуналарини кўпроқ пиёла устида ривожлантиришаркан. Бу хусусда жомбойликлар ўз юртини «жеб жотганлари» ҳақида ароқ устида бир-бирига гап уқтирадиган туркистоннинг барча йигиту эрларидан, айниқса, зиёлиларидан фарқ қилишмайди. Туркистоннинг зиёлилари бошқа жумҳуриятларнинг зиёлиларидан фарқли равишда фақат дастурхон устида (ҳа, фақатгина дастурхон устида, бошқа жойда эмас!) бир-бирига гап уқтириши билан ажралиб туриши жаҳон афкор оммасига маълум. Хуллас, жомбойликлар ҳам шунақа экан, хўроз ҳамма жойда бир хил қичқириши рост экан.

«Жомбойди жеб жотипти», «Жомбойди жеб жуборди» сингари бундан чўзиқроқ ёки қисқароқ, шунингдек ичидаги мазмуни бундан кучли ёки суюқроқ фольклор намуналарининг илгари замонлардаги яратилиши шароитлари қандайлигини билмаймизу аммо ҳозиргиси пичагина ёзма ижоддан кейин туғилар экан. Яъни, афкор омма юқорига қўндириб қўйилган раҳбарнинг фаолияти ҳақидаги фикрини вилоят, жумҳурият, империя марказига ёзиб, таскин топаркан. Лекин у ерга ёзганлари ўз туманларининг раҳбарларига қайтиб келаркан. Бу нарса халқнинг ғазабини келтираркан-да, ғазаб эса халқ оғзаки ижоди сифатида ташқарига чиқар экан.

Жомбойда халқ оғзаки ижодининг ривожланишига авваламбор, бу ердаги раҳбарият ҳар томондан ғамхўрлик қилиб келади. Жомбойликлар бошқа ерлардан ёрдам сўраганлари натижа бермагач, нажот тилаб Ёзувчилар Уюшмасига мурожаат этадилар. Бошқа ташкилотлардан фарқли ўлароқ, бу ташкилот ўз вакилини жўнатади. Бу вакил, яъни камина, аҳволни ўргана бошлайди. Бу нарса раҳбариятнинг турли даражадаги шахсларига ёқмайди.

Хуллас, Жомбойга ёзувчи келгани туман раҳбариятининг ғайратига ғайрат қўшиб, яна ёзма ижодни оғзаки тарафга буришнинг эски усулларини зўдлик билан амалга оширдилар.

«Улуғбек» давлат хўжалигидан йигирма нафар ишчи имзоси билан хат жўнатилганди. Камина уларни тўплаб, суҳбатни ёзиб олган кунимиз шундай воқеа рўй берди.

Хўжалик директори ўртоқ Сатторов туман прокурори ўртоқ Ҳасановга мурожаат этади. Мурожаатида давлат хўжалигидаги «демократлар» аҳолини бузғунчиликка етаклаб, иш ташлашни тарғиб қилаётир. 3-бўлимда иш ташлаш рўй берди. Зудлик билан чора кўришингизни талаб қиламан, дейилган эди. Шуни айтиш керакки, оддий ишчиларнинг ўз назарларида давлат хўжалигида қилинаётган талон-тарожлар ва номаъқулчиликлар ҳақида берган бир неча сигналларига миқ этиб ҳам жавоб бермаган прокурор Ҳасанов негадир хўжалик раҳбарининг бир имоси билан енг шимариб ишга киришиб кетди. «Юртбузар демократ»ларни чақирув қоғози билан чақиртириб суҳбатлашди.

Шу ўринда сийқаси чиқиб кетган ундов белгисини ишлатиб: «Ажаб ҳамжиҳатлик!» дейиш мумкин. Дарҳақиқат, прокурорнинг бундай ошиғич ҳамжиҳатлигида (директор билан албатта) бир неча тахминлар бор. Лекин биз халқ оғзаки ижоди билан шуғулланаётган эканмиз, шунинг учун оғизда юрган гапларни бериб қўя қоламиз. «Барининг тили бир», «Бари бир тешикка с...». Хўш, модомики, гап прокурор хусусида борар экан. биз яна бир карра халқ оғзаки ижодининг намуналари, унинг узвий қисми бўлмиш ҳангомалар мазмунидаги воқеаларнинг рост-ёлғонлигини таъкидламаётганимизни эслатишга мажбурмиз.

Хўжалик ишчилари, асосан, халқ пулининг чет одамларга таркатиб юборилаётгалигини ёзгандилар. Давлатимиз раҳбарлари эса «биз ҳуқуқий давлат тузамиз» деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапириб ётишипти. Маъноси бири-биридан узоқ бу икки гапнинг кетма-кет келтирилганидан ҳайрон бўлманг. Ҳуқуқий давлат учун худони таниган, «Инсон ҳуқуқлари декларацияси»ни маҳкам ушлайдиган прокурорларни ишга тайинлаш керак. Партократия ҳақ деганда қўлига қўнадиган адлия ва милиция ходимлари билан эса биз 37- ёки 70-йиллар атрофида айланиб юраверамиз.

Жомбойдаги ушбу воқеада эса хўжалик директори билан прокурор ҳарҳолда озроқ фарқ қилишар экан. Директор ўзининг илтимосидан кейин 37-йил усулларини кутган экан. Прокурор Ҳасанов эса Москвада чиқадиган айрим яхши рўзномаларни ўқиган, шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари декларацияси»ни орқаворотдан эшитган экан шекилли, «юртбузар»лардан тушунтириш хати олиш билан кифояланди. Агарда прокурорда имон, инсоф бўлганда шуни ҳам қилмасди. Умрида «давлат буюртмаси» деган ўпконни «ихтиёрий бажариш» йўлида арзимас ҳақ олиб ишлаётган одамларнинг талабларини тушунган бўларди. Афсуски, ундай бўлмади.

Шундай экан, фольклор намуналарининг ривожланишига кенг йўл очилаверади. Масалан, ривоятларимиздаги «Улуғбек» давлат хўжалигидаги воқеаларни олайлик. Ўргимчаккана еб кетган ерёнгоқнинг бадалини ишчилардан 2,5 сўмдан ундириб олишган, иш ҳақини эса 1,65 сўмдан расмийлаштирилган. Худди шунингдек, планга етмаган картошка ўрнига ҳам аҳолидан сотув нархида пул олинган ва бу картошка керакли жойга топширилган, деб ҳужжатлаштирилган. Ёки, сертификатга давлат хўжалиги учун ажратилган «Волга» қонун бўйича ишчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинмади, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси бу «Волга»нинг бор-йўқлигини ҳатто эшитмаган ҳам, бу машина директорнинг қайнисигами ёки қайнинсинглисигами-ей расмийлаштирилди. Мана шу уч мисолни бемалол гапираверинглар. Хоҳланг чой устида, хоҳланг арақ устида. Буни ҳатто вилоят ва туманнинг назорат ва адлия идораларига ҳам ёзишингиз мумкин. Сизга ҳам, хўжалик директорига ҳам ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч нарса демайди. Аммо текширишга келган вакиллар «олгани учун ёнди-ёнди қилиб кетипти», десангиз ўзингизни шартта сиртмоққа илинтирган бўласиз.

Аҳолининг катта-кичик талаблари қондирилмас экан, бу бора-бора норозиликка айланади. Талаблар — давлат буюртмасини бажариш учун қарийб текин ишлаш керак, деган иккинчи талабга дуч келганда норозиликка ёки ҳозирги модага кирган сўз билан айтилса, ижтимоий тангликка айланади. Бюрократиянинг айтишига кўра, бу ижтимоий тангликни ҳамиша демократлар яратар эмиш. Агар демократлар нормал иқтисодий ва ҳуқуқий талаблар билан чиқмаса, ҳеч қандай ижтимоий танглик юзага келмас эмиш. Буни янада очиқроқ гапирсак, қулчиликнинг энг мукаммал шакли бўлмиш сталинча социализм яратган қонунлар остида меҳнатингга сариқ чақа олиб яшайвериш керак эмиш.

Яна ўша «Улуғбек» давлат хўжалигига қайтайлик. Қўрасоломон қишлоғининг аҳли номидан, қисқача таърифлаганда, шундай мазмунда хат келди. «Қишлоқдаги мактаб ночор аҳволда, боғчада эса бир ўринда икки-учтадан бола ётишга мажбур. Давлат хўжалигининг икки миллион сўм пули бўлатуриб, боғча ва мактаб қуриш ўрнига четдан келган ва аҳолига бир тийинлик фойдаси бўлмаган кооперативларга ярим миллион сўмни бериб юборди». Бу хат Самарқандга, Тошкентга ҳам юборилган. Ҳеч ким жавоб бермаган. Шу жумладан, туман раҳбарияти ҳам, хўжалик директори Сатторов ҳам.

Биз билан суҳбатда эса директор мана шундай гапларни айтди:

«Ахир боғча қуриш учун аввал лойиҳасини қилиш керак. Кейин уни тасдиқлаш керак. Кейин уни қурадиган ташкилот топиш керак. Бу осон иш эканми?»

Мантиқан бу гаплар тўғри. Худо инсонга ақл берган. Ақлни эса олдингда қийин ва осон йўл турганда осонроғини танлаш учун берган. Шундай экан, хўжаликнинг пулини боғча ва мактаб қуришдек қийин ишга сарфлаш осонми ёки беш-олтита кооператив тузиб, шуларга тарқатиб қўя қолган осонми? Иккинчи йўл осон экан, демак, биз директорни айблай олмаймиз. У жонини қийнамай жуда тўғри иш қилган.

Жомбой халқ оғзаки ижодида ҳўв ҳалиги «олиш», «бериш» каби нозик масалага боғлиқ шундай ривоятлар юради: «Биз, масалан, давлатдан қарз олганимизда ҳам банк ходимларига қарзнинг маълум қисмини ташлаб чиқамиз. Акс ҳолда давлат берадиган ссудани ололмаймиз. Ҳозир замон шундай бўлиб кетган экан, демак, директор ҳам юз минг сўмлаб пулларни кооперативларга бекорга бермагандир...» Шу ўринда уч нуқта қўйиб ўзимизни тўхтатиб қолдик. Чунки бу ёғида ҳалигидек исбот қилиб бўлмайдиган сўзлардан биттасини ишлатишади. Тўғри-да, нима кераги бор исбот қилинмаган воқеани содир бўлди, деб айтишнинг. Балки, директор кооперативларга пулни шунчаки, яхши кўриб қолганлиги учун бергандир.

Хуллас, давлат хўжалигининг 500 минг сўм пулини бир ойнинг ичида оппа-осон олиб кетган кооперативлар воқеасини қисқача кўриб ўтайлик.

«Боғбон» деб номланган кооператив хўжаликдан 56 минг сўм олган. Шартномада бу пул «қисқа муддатли қарз қорамол харид қилиш учун олинди» деб кўрсатилган. 1989 йил 27 ноябрда тузилган шартномада «қисқа муддатли қарз» роппа-роса ўн икки ойдан кейин батамом қайтарилиши лозим эди. Аммо кўрсатилган 12 ой ўтганда фақат судхўрлик фоизи, яъни 1680 сўм қайтарилган. Хуллас, кооператив на пулни қайтарган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

на шартнома бўйича гўшт етиштириб ишчиларга сотган. Шов-шув кўтарилиб, норозилик кучайган. 1991 йилнинг 27 март куни давлат хўжалиги кассасига 20 минг сўм пулни қайтаришга мажбур бўлган. Демак, шартнома бажарилмагани, пулни қайтариш учун дирекция (аниқроғи директор) ҳаракат қилмагани учун ҳам жиноий иш бор, деб ҳисоблаши мумкин хўжалик ишчилари. Эсимизда тутайликки, 56 мингнинг 20 минги ҳам аҳолининг талабларидан кейин қайтарилган.

Шартноманинг бузилгани, меҳнаткашларнинг пуллари талон-тарож қилинаётгани ҳақидаги хабарлар эса директорнинг ҳомийлари, назорат ва тергов ходимлари томонидан орқа сандиққа ташлаб қўйилаверган. Натижада халқ оғзаки ижоди гуллаб-яшнайверган.

Кооперативнинг иши бирданига юришиб кетмаслиги мумкин. Лекин орадан бир ярим йилдан ортиқ вақт ўтяпти. У сотиб олган қўйлар камида икки мартадан туккандир, бузоқлар сигир бўлиб сут бергандир, битта-яримтаси сўйилгандир, ахир булар ҳақида халқ оғзаки ижодкорларига кичкина мажлисчада кичкина тушинтириш бериб қўйиш мумкин эди-ку, деган гапимизга эса директор шундай... Дарвоқе жавоб беришдан аввал у «Директорнинг ҳақ ва ҳуқуқлари» деган қўлланмани олди-да, ундан айрим жойларини ўқиб берди.

Қўлланмага асосланса, директор ҳақ экан. У халқи олдида ҳисобот бериши шарт эмас экан. Хўжалик пулини қима қилса ихтиёри экан. Хуллас, «олган ҳам, берган ҳам бир хилда жавобгар», деган қонун эсингиздами? Ҳа, балли, сталинча социализм бу ерда ҳам ўзига мослаб инструкциядан ўз бюрократиясига қўрғон ясаб берган экан. Қўрғоннинг деворлари қанча баланд бўлса, шунча тез нурашини билмаган-да.

Ижтимоий тангликнинг илдизлари қаерда эканлигини ўзингиз билиб олаверинг.

— «Боғбон» кооперативининг қолган қарзи нима бўлади?

Бу бизнинг савол.

— Бизга кўчат етказиб бериш эвазига узади.— Бу директорнинг жавоби.

Дирекция кооператив билан биргаликда «Кўчат операцияси» қилади. Атайлаб кўкармайдиган жойда бир-икки минг кўчат экишади-да, «ана, ана қайтарди, кўрдингларми?» дейишади. У кўчатлар экилган мавсумдаёқ қурийди. Кейин акт билан ўчириб ташлашади. Бу халқ оғзаки ижодининг директор жавобига шарҳи. Халқ оғзаки ижоди эса кўп йиллик тарихий тажриба асосида яратилади. Нега энди гўшт-сут етиштириш билан шуғулланмоқчи бўлган кооператив ўз қарзидан хўжаликка кўчат бериш билан қутулмоқчи бўлган, деган мулоҳаза эса халқ оғзаки ижодининг хулосасидаги шубҳани кучайтиради.

Яна бир кооператив мисоли. Бу давлат хўжалигидан 50 минг сўм пул ва қанчадир ерни эгаллаб, ерёнғоқ етиштириш мажбуриятини олган «Умид» кооперативидир. Икки орада тузилган шартноманинг батамом покизалигига одамларнинг ишонмаганини тушунтириш учун шу «Улуғбек» хўжалигининг ишчиси нима иш қилишини кўриб чиқайлик. Гап шундаки, давлат хўжалиги ишчиси ҳам звено пудрати деб аталган шартнома асосида (аслида оилавий чоракорлик дейилиши лозим) баҳоли қудрат ҳар гектар ердан йил охирида гектаридан 1-2 тонна ерёнғоқ етиштириб бериш мажбуриятини олади. Шартномадаги келишув бўйича агар ишчи ерёнғоқни етказиб беролмаса, ҳар килосига 2,5 сўмдан тўлашни бўйнига юкланади. Демак, ҳар бир ишчи оиласи йилига давлат хўжалигига ўртача 2500—3000 сўмлик ерёнғоқ беради. Яъни, «Умид» кооперативи сингари аввалдан 50 минг сўмни олмасдан, бу ишни хўжаликнинг 17 ёки 18 оиласи текинга бажариб беради. Хўш, оддий деҳқонлар ўзи бажариши мумкин бўлган иш учун 50 минг сўмни аввалдан оладиган «Умид» кооперативига топшириш нимага зарур эди?

Халқнинг ғазабини қўзғашнинг нима кераги бор? Бу саволни адлиячиларга бериб ўтирмаймиз. Бу саволни туман, вилоят ва жумҳурият мафкурачиларига берамиз ва унга иккинчи саволни ҳам тиркаймиз: ижтимоий тангликни кимлар яратаётганлигини кўриб қўйдингларми?

Адлиячиларга эса бошқа савол, бошқа гап бор. «Умид» кооперативи йил охирида давлат хўжалигига ерёнғоқ эмас, 2,5 сўмдан пул топширган. Хирмонга ҳеч қандай ерёнгоқ келиб тушмаган. Қўзбўямачиликми? Қўзбўямачилик! Нега индамагансиз, прокурор ўртоқ Ҳасанов?

Хўжалик хирмонига ерёнгоқ тушмай, кассасига 2,5 сўмдан пул тушганининг сабабини ўқувчиларга тушунтириб қўяйлик: ерёнғоқнинг бозордаги баҳоси 6 сўмдан 8 сўмгача бўлган. Фарқини чиқариб олингда, халқ оғзаки ижодининг юксак масалани белгиловчи «олган» ва «берган» сўзларининг рост ёки ёлғонлиги ҳақида бир хулосага келаверинг.

«Улуғбек» давлат хўжалиги маблағи билан иш юритган «Дўстлик» кооперативи можароси ҳам фольклорнинг матбуотга чиқариш ноқулай бўлган соҳасининг ўта ривожланиб кетганлиги, шов-шув ва ҳаттоки, ғала-ғовурнинг бежиз эмаслигини бир карра исботлайди.

«Дўстлик»нинг раиси ҳали «Дўстлик»ни ташкил этмаёқ, «Улуғбек» давлат хўжалигидан йироқларда юрган пайтидаёқ каззоблик қилиб қочиб юрган одам экан. Шу орада «Улуғбек» давлат хўжалигининг директори Самад Сатторовнинг кооперативлар тузиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га кўнгли бўшлигини эшитиб қолиб, унга рўпара келган. Италянча ускуналар билан жиҳозланган томат цехи қуриб бериши мумкинлигини, бунинг учун 134 минг сўм сарфлашини айтган.

Қизиғи шундаки, бу воқеа ҳам 1989 йилнинг ноябрь ойида юз берган. Умуман олганда давлат хўжалиги қошида илдиз отган ва ярим миллион сўм пулини бўлиб олишда иштирок этган ўнта кооперативнинг ҳаммаси ўша йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тузилган.

Хуллас, «Дўстлик» кооперативи ҳам тузилиб, 134 минг сўмни олган. Аммо орадан икки-уч ой ўтиб, кооператив раҳбарини аввал «тутун чиқарган» жойидан излаб келишиб, камоққа олишган. Икки-уч ой ичида у киши пулнинг нақд ярмини гумдон қилиб бўлган эканлар. 1990 йилнинг апрелида суд органлари 134 мингнинг 67 мингини давлат хўжалигига қайтаришган. Қолган 67 минг сўм пул эса бекорга йўқ бўлиб кетди! Хўш, табиий газни фақат бошқа ерларда кўрган, боғчадаги болалари битта каравотда иккиучтадан бўлиб ётадиган, мактаби хароб, бирорта маданий-маиший иморати бўлмаган, 15 дан ортиқ хонадонда уч-тўрт оила тиқилиб яшаётган Қўрасоломон қишлоғининг аҳолиси норози бўлишга ҳаққи борми, йўқми? Давлат хўжалиги директори ҳам кооперативга берилган пулдан ўзига улуш олган, деган шубҳаларга боришга ҳаққи борми, йўқми? Нима учун бу арзларга туман раҳбарияти ҳатто жавоб ҳам бермаган?!

Энди, эзмалик бўлса ҳам, «Улуғбек» хўжалигида «уя қурган» кооперативларнинг яна биттасининг фаолиятини таҳлил қилиш зарурга ўхшайди. Зероки, корейсларнинг «Чосон» деб аталган бу кооперативига боғлиқ фикрлар сал ўзгача мазмундадир.

Аввал айтиш керакки, хўжалик қошидаги ўнтача кооперативдан фақат шуниси пул олмаган. Аксинча қирқ гектар ерни бир йилга ижарага олган ва ижара ҳақи бўлмиш қирқ тўрт минг сўмни шартнома имзоланган заҳоти хўжалик кассасига ўтказган. Лекин «Чосон»нинг омади юришмаган, экинлари битмаган, ернинг умри бекорга ўтган.

Одатда корейслар ерни ижарага олгач, ё вокзалдаги қаланғи-қасанғилардан ёки маҳаллий аҳолидан мардикор ёллаб ишлатишади-да, хўжаликка маҳсулотнинг давлат харид нархини тўлаб, ҳосилни бозорда сотишади. Бунга қарши эмасмиз. Қандини урсин. Фақат «Чосон»га берилган 40 гектар ерининг умри бекорга ўтгани хайф. Бунга биров жавоб берадими, йўқми, билмаймиз.

Лекин, фақат Жомбойда эмас, бутун жумҳурият бўйлаб маҳаллий аҳолининг норозилигини туғдираётган нарса шуки, йигирма-ўттиз йиллардан бери хўжалик раҳбарлари четдан келган одамлар билан амалга ошираётган мана шу ижарадорликни маҳаллий аҳолига таъқиқлаб қўйдилар. Бу таъқиқнинг сабабини эса икки томон икки хил изоҳлайди. Хўжалик раҳбарлари «ўзимизникилар эплолмайди» дейди. Халқ оғзаки ижоди эса, «раҳбарлар ҳар бир гектар ерга бир-икки минг сўмдан олади. Биздан эса ололмайди, ана шунинг учун бизларга бермайди», деб изоҳлайди. Қўрдингизми, иш яна нозик масалага бориб тақалаётир. Шу сабабдан буни четлаб ўтайлиг-у, ўзбек деҳқони деҳқончиликни эплолмайди, деган гапга номаълум учар ликопчада келганлар ҳам ишонмаслигини эслатиб қўяйлик-да, Ўзбекистондаги барча ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ДИРЕКТОР ва РАИСЛАРИГА, барча ТУМАН КЕНГАШЛАРИНИНГ РАИСЛАРИГА бир саволни берайлик: НИМА УЧУН ПИЕЗ ЭКУВЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ШАРТЛАРДАГИ ЕР — МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИГА БЕРИЛМАЙДИ? Нима учун маҳаллий аҳолининг ерини бегоналар, четдан келганлар гектарига 1100 сўмдан ижара ҳақи бериб, ундан олинадиган ўн минг сўмлаб фойдани ёнига солиб кетавериши мумкин-у, МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИГА МУМКИН ЭМАС? Бу саволга ҳали-бери ҳеч ким жавоб бермаса керак.

Яна такрорлаймиз, «Улуғбек» давлат хўжалиги «Чосон»га 40 гектар ер бериб, молиявий томондан ютқизмаган, аксинча ютган. Чунки, агар шу ерга пахта экканда гектарига бор-йўғи 400 сўмдан, жами эса 1600 сўм фойда олган бўларди. Қанча техника, қанча ёқилғи, қанча асаблар ишдан чиққан ҳолда. Бу ерда эса ҳеч қандай оворагарчиликсиз кассага 44 минг келиб тушган. Хуллас, шу кооперативдангина давлат хўжалиги фойда кўрган, деб айтиш мумкин, ер туғмаганини ҳисобламаганда.

Бемалол каромат қилиш мумкинки, юқорида қўйилган саволга маҳаллий бюрократия «халқлар дўстлигига раҳна солиш», «миллатчилик» деб, маҳаллий аҳолидан кўра четдан келганларни «афзал» кўраётганига нозик масала аралашгани ҳақидаги халқ оғзаки ижодининг шаъмасини «совет хўжалик раҳбарларига туҳмат», деб жар солади. Шу сабабдан яна такрорлаймиз, халқ ижодининг келгиндиларга «бекорга» бермайди, деган ишораси ёлғон бўлиши мумкин. Бироқ, маҳаллийларга ЎША ШАРТларда ер берилмаслиги РОСТ.

Дунёда энг содда ва энг бағри кенг халқнинг норозилиги фақат ана шунга қаратилган.

Биз билан учрашувларда баъзи бир жомбойликлар «Майли, ўша устама икки мингини бизлар ҳам берайлик, бизларга жер берсин!» дейишди. Эҳ, содда жомбойликлар, содда жомбойликлар! Ўзингизни армани, гуржи ёки болтиқ бўйиданмиз деб ўйлаянсиз, шекилли. Болтиқ бўйида ерни аллақачон халққа текинга бериш ҳақида (ўз-ўзига) қонун чиқиб бўлган. Гуржистон ва Арманистонда ҳам ерни фақат ўз (маҳаллий) миллатига ижарага беришади. Худди бизнинг бюрократия корейсларга беради-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган шартларда. Фақат бизнинг бюрократия «сотиб қўйишингиздан» қўрқади. Шунинг учун нимаики яхшилик, енгиллик, маҳорат талаб қиладиган техник касбларни бегоналарга беради.

Ўзларингда ҳам айб бор-да. Мундоқ ёлғиз учрашиб, «каломулло урсин, сотмаймиз!» деб ишонтиришга ҳаракат қилмайсизлар. Балки, сизларга ҳам гектарчиларга ўхшаб ер тегиб қоларди.

«Улуғбек» давлат хўжалиги директори Самад Сатторов ўзини жуда кучли иктисодчи ҳисоблайди. Хўжаликнинг 1990 йили пахта планини (унинг айтиши бўйича кейинги йилларда биринчи марта) бажаргани ва бунда ўзининг хизмати катталигини бир неча марта албатта эслатади. Шартномалар бажарилмаганига, кооперативларнинг бир раҳбари қамалганига қарамай, «пулларни албатта қайтариб оламиз, менинг директор сифатида ҳақким бор давлат хўжалиги пули билан операциялар ўтказишга», дейди. Хуллас, ўртоқ қўрасоломонликлар, газ-у, боғча-ю, мактаб бинолари кейинга қоларкан.

Умуман олганда, Самад Сатторовни айблаш қийин. У Совет Иттифоқида етмиш уч йил давомида шаклланган аксар хўжалик раҳбарлари типидан кам фарқ қилади. Бундай тип тонна тўплашни, бугунги планнинг бажарилишини, бугунги олинадиган фойдани ўйлайди. Шу максади йўлида одамларни, уларнинг болаларини мумкин қадар кўпроқ ишлатишни ва инсон боласининг тириклик сувидан тўпланган бойликни Москвада жойлашган «Ватан хирмоши»га тезроқ жўнатишни ўйлайди. Шу ишини у инсонлик бурчи, «порлоқ келажак қурилиши»га қўшаётган ҳиссаси, партиявий бурчи, деб ўйлайди. Ва буларни сидқидилдан бажаради. Бу фақат бир нарсани — ўз халқининг келажагини ўйламайди. Ўз юртининг ери, дарёси, денгизининг келажагини ўйламайди.

Шулар ҳақида гапирарканмиз, бевосита — шунча йилдан бери коммунистлар бизга барча воситалар билан ёмонлаб келаётган илгариги бойлар, беклар, подшоҳлар ёдга келади. Агар улар ҳам худди ҳозирги давлат системасидек халқни талаганларида эди, тупроқни ҳозиргидек булғаганларида эди, сувимизни ҳозиргидек «оқ олтин»га айлантириб жўнатиб турганларида эди — дарёларимиз, Оролимиз аллақачон қуриб, юртимиз саҳроларга айланган бўларди. Мантиқ ўзидан ўзи ўтмиш ҳукмдорлари ҳозиргилардан фарқли равишда юртпарвар, таъбир жоиз бўлса, табиатпарвар бўлганлигини исбот қилади.

* * *

Энди, ўртоқ жомбойликлар, сертификатга келган «Волга»га тўхтайлик. Тўғри, унинг кимга берилиши хўжаликнинг умумий йиғилишида ёки касаба уюшмаси мажлисида муҳокама этилиб, аҳли жамоанинг фикри билан эгаси аниқланиши керак эди. Қоида шундай экан. Лекин, ахир, ўртоқлар. йигирмага яқин камёб мол (фақат СССРда камёб) қонун бўйича тақсимланибди. Уларнинг ичида гилам, тикув ва кир ювиш машиналари, «Москвич», «Жигули» бор. Қасаба қўмитасининг қарорларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳа, шунча машинанинг ичидан битта «Волга» тушиб қолса қолибди-да! Хўжаликка «Волга» берилгани барчадан, ҳатто касаба уюшмасининг раисидан ҳам яширилган бўлса, у қандай қилиб мажлис қарорига кирсин?

Директор гарчи шахсан ўзи тақсимлаган бўлса-да, «Волга»нинг кимга ажратилганини аниқ «эслолмади». Аввал «Маматкулова» деди, кейин «Зарипова» деди. Бу жавоб сизларни қониқтирмади. Айтдингларки, бу зиёфаларнинг бири директорнинг хотини, иккинчиси қайнсинглиси. Биз яна аниқлашга тушдик. Анчагина суриштирганимиздан кейин «Волга»ни Дўстова Мусаввар деган аёлга бергани эсига тушди, у аёлнинг ветеран экани, жуда кўп меҳнат қилгани, кўп болали она эканини таърифлаб кетди. Сизлар яна кўнмадингиз. Бу аёлдан ҳам серфарзанд, меҳнаткаш аёллар борлигини айтдингиз. Энг асосийси, Дўстова Мусаввар директорнинг қайнонаси эканини таъкидлаб, ғазабга тўлдинглар.

Модомики, тўғридан-тўғри мажлисга қўйиб, «Ўртоқлар, мен сизлар билан икки йилга яқин ишладим. Шу машинани менга беринглар!» дейишга юрак бетламагандан кейин ҳар хил шубҳаларга бориш мумкин. Хуллас, чет мамлакатларда бензин кўп егани учун бир тийинга қиммат «Волга»нинг машмашаси ана шундай.

* * *

Умуман Жомбойнинг халқ оғзаки ижоди намуналари барча фольклор асарларига хос бўлган камчиликдан ҳоли эмас. Яъни муболаға қилиш, баъзан эса иборани ноўрин ишлатиш ҳоллари бор. Масалан, юқорида «Жомбойди жеб жуворди» деган иборани олайлик. Бунинг «Жомбойди жеб жотипти» деган хили ҳам кенг тарқалган. Биринчи ибораниг адлияга тааллуқли нозик томонини қўямиз, мантиқ фани нуктаи назаридан тадқиқ этадиган бўлсак, у қандайдир карама-қаршиликка эга. Яъни бу гапга ишониш қийин. Тўғрида ахир, «Жомбойди жеб жуворди» деган иборамиз (биз уни 1-Ж. Ж. Ж. деб атаймиз бундан кейин) мантиққа мос тушмайди. Исботи шуки, агар унга ишонадиган бўлсак, Жомбой деган жойни глобусдан ўчириб ташлашимизга тўғри

www.ziyouz.com kutubxonasi

келади. Ваҳоланки, бу нотўғри. Жомбой ҳали бор. Самарқанддан Тошкент тарафга йўл олган одамнинг Самарқанддан чиққан заҳоти қўйган биринчи қадами Жомбой тупроғига босилган бўлади. «Олмани жеб жуворди», деганимизда ҳаракат йўналтирилган объектнинг соб бўлганлигини, у энди олмалик хусусиятидан чиқиб, бошқа моддаларга айлана бошланганлигини тушунамиз. 1-«ЖЖЖ»даги ҳаракат объекти эса ҳали бор. Демак, бу ибора мантиқан нотўғри бўлса, муболаганинг ёки қадим туркийда «ган» маъносини билдириб, бизда кейинчалик ўзгариб кетган «лоф»нинг юксак намунаси сифатида мисол қилиниши мумкин.

«Жомбойди жеб жуворди» иборасини ҳаракат йўналтирилган объект нуқтаи назаридан қараганда тўғри эмаслигини кўрдик. Буни айтувчилар ҳаяжоннинг бир тури бўлмиш ғазабга берилиб айтган бўлишлари эҳтимол. Ҳаяжонга берилишда уларни ҳаракат йўналтирилган нарса эмас, зеро, Жомбой тумани ғазаб кўзғаши қийин, ҳаракат қилувчи субъектдан ғазабланган бўлишлари мумкин.

Бироқ бу ҳолда ҳам, яъни ҳаракат қилаётган субъект нуқтаи назаридан ҳам мантиққа унчалик тўғри келмайди. Нега энди, деган савол туғилиб қолса жавоби қуйидагича.

Айтайлик, ҳаракат қилувчи субъект бир ўзи ёки уч-тўрт ҳамтовоқдан иборат бир тўда бўлиши мумкин. Хўш, бир одам ёки уч-тўрт кишилик тўда бир туманни еб соб қилиши аклга сиғадими? Борингки, субъектнинг иштаҳаси Гиннес китобидан ўрин оладиган даражада зўр, ошқозонининг имконияти эса тошни еса қайроқ қилиб чиқариб юборадиган даражада ажойиб бўла қолсин, деб фараз ҳам қилайлик. Барибир бу субъект бир туманни еб юборолмасди, ҳеч бўлмаганда ярмини ортиб қоларди. Ҳаттоки, афсонавий девлар ҳам бундай қилолмаган. Халқ оғзаки ижоди ҳар ҳолда бу ўринда девлар эмас, одамларни назарда тутяпти, деган умиддамиз. Акс ҳолда таҳлилимиз бутунлай мантиқсиз нарсага айланарди.

Хуллас, ҳаракат қилувчи субъектнинг жисмоний қуввати нуқтаи назаридан қараганда ҳам биринчи «ЖЖЖ» муболаґага мисол бўла олади.

«Жомбойди жеб жуворди» ибораси оддий жомбойликлар Жомбойдаги савдо ва овқатланиш нуқталарининг аксар қисми бошқа ердан келганларга бериб юборилаётганини кўрганидан туғилган эмоцияларнинг маҳсулидир, деб қарашга асос бор. Мантиқий нуқтаи назардан иккинчи «ЖЖЖ» яъни, «Жомбойди жеб жотипти», деган ибора — муболаґа ва лофдан анча ҳолироқлиги кўзга ташланади. Ҳаракат йўналтирилган объектнинг ҳам мавжудлигини, соб бўлмаганлигини, глобусга ўзгартириш киритиб, овора бўлиш шарт эмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳаракат қилувчи субъектнинг ёки субъектлар тўдасининг ўзига хос нафслари ва ақллари борлигини, ўлжаларини бир ҳамлада еб қўймай, эрта ёки индингача чўзишларини кўрсатади. Диққат билан кузатсак, «Жомбойди жеб жотипти»дан чиққан мазмун уларнинг девларга алоқаси йўқлигини, оддий ота-онадан туғилган, бир куни келиб азроилга учрайдиган, ушбу учрашувдан сўнг эса «жойи жаннатда бўлсин» деган иборани бировдан эшитиб, бировдан эшитмайдиган кимсалар эканлиги аён бўлади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб 1-«ЖЖЖ» ва 2-«ЖЖЖ»ни яъни, «Жомбойди жеб жуворди» билан «Жомбойди жеб жотипти» ибораларини қиёсласак, иккинчи «ЖЖЖ» муболаґа ва лофлардан холироқ, мантиққа мосроқлигини аниқладик. Энди бу ибораниг туғилишига сабаб бўлган баъзибир воқеаларга мурожаат этсак, тадқиқотимиз мукаммаллик касб этса керак, деб ўйлаймиз.

Биринчи сабаб, энг бошида айтганимиздек, Жомбойда Жомбой шевасининг аксар далаларда ва ишсизлар орасидагина кенг тарқалганлиги бўлиб, пахта заводлари, пунктларнинг раҳбариятида, савдо ва овқатланиш нуқталарида унча эшитилмаслигидадир. Бир қарашда жуда арзимаган нарса, Жомбой шеваси қаерда жарангласа, ёки қаердадир уни чиқмаса, нима бўпти? Лекин, кўрмайсизми, шу ҳам халқ оғзаки ижодида аччиқ ибораларнинг яратилишига сабаб бўлиши мумкин экан. Бу сабаб нимаси биландир Тошкентда ҳам кенг тарқалган: трамвайда бировнинг оёғини босиб олиш билан боғлиқ латифага мазмунан улашиб кетади.

Кейинги мисол. Тумандаги Қўнғирот қишлоқ Совети ҳузурида қишлоқ хўжалик комплекси бор. Бундан уч йил муқаддам бу ерда 118 минг сўмлик ўғрилик очилганди. Комплекснинг ўша пайтдаги директори бўлмиш Ибодулла Ҳотамов 556 тонна пиёзни Жомбой қолиб, Булунғур мева-сабзавот омборига сотиб, пулни жиғилдонига урган. Бу факт қишлоқ шўросининг раиси М. Расулов томонидан тафтиш қилдирилиб исботланди. Туман Кенгашининг раиси (у пайтда туман компартияси ташкилотининг биринчи котиби) Амин Сатторов бу ўғриликка ишонгиси келмади. Қишлоқ шўроси яна тафтиш қилдирди, котиб яна ишонмади. Ниҳоят, учинчи тафтишдан сўнг ҳам 118 минг сўмлик ўғрилик бир тийинга камаймай, яхлитгина бўлиб чиқиб тураверди. Боз устига бу воқеа оммага ёйилиб кетиб, «Ўғрилар жазолансин!» деган талаб қўйилди.

Амин Сатторов «жазолади». Бош айбдор Ибодулла Ҳотамовни Жомбой сут қабул қилиш пунктига директор қилиб ўтказиб қўйди.

Хўш, бу «жазо»дан кейин халқ оғзаки ижоди, хусусан, унинг болохонадор вариантлари ривожланмай, нима ривожлансин? Туман Кенгашининг раиси бу болохонадор

www.ziyouz.com kutubxonasi

намуналарининг фақат ўзига эмас, уни шу мансабга ўтказиб қўйган системага ҳам қаратилишини ва унинг вазифаси шу системага қарши халқ оғзаки ижодининг намуналарини туғдираётган шарт-шароитларни йўқотиш кераклигини тушунмаса ҳам керак.

Ҳа, майли, бу ўзининг иши. Яна воқеаларга қайтайлик.

Қўнғирот шўросининг аҳли ижоднинг болохонадор намуналарини яратишдан аввал Кенгаш раисига бундай таклифларни киритди: эмишким, А. Қурбонов номли давлат хўжалигида ҳаммом, боғча йўқ эмиш. Фақат лойиҳаси бор эмиш. Лойиҳа 22 минг сўм (қимматлигини қаранг) турармиш, уни олиш учун қишлоқ Советининг пули йўқ эмиш. Ўша 118 минг сўм ўғрилардан ундирилиб, 22 мингги лойиҳага тўланиши керак эмиш.

Авом халқ — авом-да. Ҳаётнинг, адлиянинг икир-чикирларини ўйламай, лўндасини айтади-қўяди. Ахир 118 минг ҳали ҳам Ибодулла Ҳотамовнинг бўғчасида турганмидики, уни шартта олиб, 22 мингини санаб берсанг. Биринчидан, Ҳотамовнинг шериклари бўлган, иккинчидан, бу ишнинг овозаси чиққандан кейин босди-босди қилишга қанчаси сарф бўлгандир? Қолаверса, ўғрилик ошкор бўлгач, янада ёғлироқ лавозимга ўтиб олишнинг ўзи бўлмагандир!

Босиқлик билан ўйлаш керак, ўртоқлар! Ўйлайверинг, ўйлайверинг. «Пақ» этиб ёрилиб, «юртбузар»га айланманг, болохонадор намуналарни эса бир пиёла чой устида ишлатаверинг. Хоҳласангиз, ароқ устида ишлатинг. Доно доҳийлар, халқнинг сабр косаси чексиздир, деб кетишган-ку! Шунга амал қилинг-да, ахир. Ижтимоий танглик яратишнинг нима ҳожати бор?

Юқоридаги гаплардан Жомбойда ўғриликларга қарши умуман курашилган эмас-да, деган хулоса чиқмаслиги лозим. Зинҳор ундай эмас.

Қўлимизда туманнинг «Шонли меҳнат» рўзномаси 1991 йил 1 апрель сони. Унда туман ички ишлар бошқармасининг бир майори савдодаги суиистеъмолларга қарши совет милицияси «кенг фронт бўйлаб» беаёв кураш олиб бораётгани ҳақида ҳаяжонланиб ҳикоя қилган. Мисоллари ҳам бор. Мана, чекка бир қишлоқдаги магазин мудири бир одамнинг 55 тийинига хиёнат қилаётган пайтда шартта гирибонидан олинган. Ғазира қишлоғининг бозорида бир кампир «Голубие купола» сигаретасини 2 сўмдан сотаётган пайтда шошилинч равишда десант ташланиб ушланган. Бир ошхонадаги ошпаз аёл бир тўда хўрандадан 2 сўм 95 тийин ортиқча ҳақ олаётган дақиқада қўлга олинган.

Ҳурматли майор, туман милициясининг мардона кураши билан қўлга олинганларга нисбатан «олғирлар», «босар-тусарини билмай қолганлар», «халқ ҳақига хиёнат қилувчилар» деган ибораларни ишлатиб, ўзининг ниҳоятда ғазабланганини ошкор қилган. Ўқиган одам Иттифоқнинг иқтисодига болта ураётганлар бу ёқда экан-ку, деб ўйлаб қолади.

Оҳ, «босар-тусарини билмай, халқ ҳақига хиёнат қилаётган» кампир, қандай жазолашди экан сизни?! Ҳа, бунинг ўрнига 118 минг сўм ўмармайсизми? Ишбилармон кадр сифатида сут қабул қилиш пунктига директор қилиб ўтказишмайдими?

* * *

Жомбой тумани Ижроия қўмитасида махсус муҳокама этилган яна бир нарса — 1990 йилда аҳолига сотиш учун келган 38 минг дона шифердир. Яъни, давлат томонидан аҳолига сотиш учун ажратилган 38 минг дона шифердан 19 мингги қишлоқ шўроларига етиб бормаганлигидир.

Гап шундаки, агар бу 18 минг шифер қишлоқ шўроларига борганда улар оддий камбағал фуқароларга 2,5 сўмдан сотилган бўларди. Оддий фуқаролар томларини ёниб, уй-жой дастурини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшган бўлардилар. Ҳарҳолда, Жомбойдаги халқ оммаси шундай фикр қилади.

Бироқ райПОдагилар бошқачароқ ўйлашган. Йўқ, улар Московдаги колбаса ва консерваларни ахлатга ташлаётган ғаламисларга ўхшаб, шиферларни еб ёки синдириб, жарларга обориб ташлашмаган. Улар ҳам уй-жой дастурини бажариш режасини тузишган. Режа халқ оғзаки ижодига ривоят тариқасида ўтган. Ривоятдаги режанинг қисқача мазмуни эса қуйидагича:

«Уй-жой дастурини бажаришга биз ҳам бел боғладик. Аммо бунда ўзимиз ҳам фойда қилайлик. Қишлоқ шўролари орқали оддий «қора кўзлар»га шифер 2,5 сўмдан сотилади. Ўзимизнинг базадан эса пулнинг «сассиғи»га ётолмайдиганлар 10 сўмдан олиб кетавершади. Нима бўлибди, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам шўро томларн ёпиладику. Шул боисдан 20 минггини қишлоқ шўроларига берайик-да, 18 минг шиферни 10 сўмдан сотайик. 135 минг фойда кўрайик. Фойданинг бир бўлагини жанжал чиқадиган бўлса оғзига урайик. Жанжалдан эсон-омон ўтиб, шоду хуррам яшайик».

Хуллас, ана шу дастур амалга ошган. 18 минг дона шифер гумдон қилинган. «Жанжалнинг оғзига урайик» деган қисми амалга ошганми, йўқми — номаълум, эгамнинг ўзи билади, аммо «шоду хуррам яшайик» деган қисми рост. Халқ бу масалани туман Кенгашига олиб чиқди. Кенгашда эса одатдагидек босди-босди қилишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Энди Жомбойда ер масаласига оид яратилган халқ оғзаки ижоди намуналарига ўтсак.

Ҳаммага маълум, Фарғонадаги хунрезликдан сўнг расмий хулоса шу бўлдики, хунрезликнинг сабаби иқтисодий ночорлик экан. Бунинг олдини олиш мақсадида аҳолига томорқа бериш бошланди. Жумҳурият ҳукумати махсус қарор билан чиқди. Ниҳоят, халқнинг мулки оз миқдорда бўлса-да, ўзига қайтарила бошланди.

Умуман, бу жараён қуйидагича кечади.

Жомбой туманида бу ишлар учун 2593 гектар ер ажратилди. Яъни қишлоқ шўроларига томорқа сўраб тушган аризалар ҳисоблаб чиқилади. Сўнг қишлоқ шўроси буни жамоа ва давлат хўжаликларига тақсимлайди. Хўжаликлар қишлоқ шўросидан тушган талаб бўйича маълум ерни экин майдонлари сафидан чиқаради. Қишлоқ шўроси ерни тақсимлаб бўлгач, маълум сабаблар бўйича ортиб қолган ерларни хўжаликларга қайтаради. Жамоа ва давлат хўжаликлари бу ерларни яна экиладиган ҳисоботга киритади. Буларга экилган экин 4СХ деган ҳисоботда статистик бошқармада туриши керак.

Томорқа масаласидаги ер ўғирлаш шу билан белгиланадики, хўжаликнинг экин экиш обороти планидан чиқарилиб, қишлоқ шўроларига ўтказилган, лекин аҳолига тақсимланмай хўжаликка қайтарилган ер ҳужжатлаштирилмайди-ю, экин экилаверади. Ҳосил эса (агар у пахта бўлса) ҳосилдорлик кўрсаткичини ошириш мақсадида режадаги гектарлар устига сочиб юборилади. Борди-ю, ерга пахта эмас, полиз, чорва озуқаси, мева-чева, зигир экилди, дейлик. Бу ҳолда эса ўғрининг чўнтагига соф даромад келиб тушаверади.

Мана шундай ҳисоботга киритилмай аросат орасида фойдаланилган ерлар туман бўйича 1000 гектардан ортиқроқни ташкил этади. Мисол учун «Улуғбек» давлат хўжалигидаги Деҳқонобод посёлкаси аҳолисига томорқа учун 61,55 гектар ердан бир гектари ҳам берилмаган. Лекин уларга ҳеч қандай ҳисоботга киритилмаган экинлар экилган. Бундан ташқари, шу посёлка аҳолисига уй-жой қурилиши учун ажратилган 15 гектар ер ҳам 1990 йили давлат хўжалиги томонидан тўлиқ фойдаланилган. Агар қишлоқ Советининг раиси Юсупов 1991 йилнинг бошиданоқ талабчан бўлиб талашиб тортишмаганда, шу 15 гектар ерни аҳолига бўлиб беришга эришмаганда, эҳтимол бу йил ҳам ундан дирекция ўз билганича фойдаланган бўларди шекилли. Хўш, уй қурилиши учун мўлжалланган 15 гектар-ку Юсуповнинг ғайрати билан эгасига қайтарилибди. Томорқа учун ажратилган 61,55 гектар ер нима бўлади? Яна «Улуғбек» давлат хўжалиги дирекцияси «ихтиёрида» қоладими? Томорқа баҳонасида ерни яшириб қолиб фойдаланишлар тумандаги кўпгина хўжаликларда бор.

Қизиғи шундаки, айрим хўжаликлар томорқадан вақтинча ортиб қолган ерларни (вақтинча деяётганимизнинг боиси бу ерлар келажак йилларда тақсимланади) ҳисоботга киритиш ҳақида ижроқўмга ариза берганлар, бироқ, ижроқўм миқ этиб жавоб бермаган.

Шундай мисоллардан биттасини келтирамиз.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида аҳолини томорқа билан таъминлаш учун 47 гектар ер 1990 йилнинг бошида ажратилган эди. Март ойидан бошлаб тақсимланган ернинг 43 гектари ортиб қолди. Лекин бу 43 гектар бўш ётмаслиги учун пахта ва бошқа экинлар экилди. 1990 йилнинг 26 июнь куни эса тасарруфига шу жамоа хўжалиги ҳам кирган Ҳалвойи қишлоқ Советининг йиғилишида 43 гектар ер махсус муҳокама этилиб, қарор чиқарилди. Мана қарордан кўчирма: «...43 гектар ер жамоа хўжалигига қайтариб берилсин. Жамоа хўжалиги правлениесига ўз йиғилиши қарори билан режага киритиши тавсия этилсин».

Бу мажлисда «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг раиси Омон Маматқулов ҳам иштирок этган. Лекин Жомбой ижроқўми бу масалани ўз қарорига киритмаган.

Бундай қарорлар кўпчилик хўжаликларда чиқарилган ва бари туман ижроқўмига етказилган. Аммо уларнинг тақдири ҳам юқоридагидек эътиборсиз қолдирилган.

Энди, туманда пахта режасининг бажарилишида (кўп йиллардан бери биринчи марта) яна қўшиб ёзиш аралашмаган, деб ким кафил бўла олади?

Диққат қилиб кузатинг-а, хўжалик раҳбарлари ўзларини жиноят қилишдан олиб кочганлар, ерни оборотга киритишни талаб қилганлар, лекин туман раҳбарияти ўзини гўёки ҳеч нарса эшитмаганга солиб, уларни астагина жиноятга бурган. Кўрниб турибдики, мабодо бу иш кўзғаладиган бўлса, яна ким айбдор, хўжалик раҳбарлари айбдор бўлиб чиқаверади. «Охиригача курашиш керак эди», деган сафсаталарни эса бу ўринда ишлатишнинг ҳожати йўқ. Кимки, шу гап билан туман раҳбарларини оқламоқ ниятида хўжалик раҳбарларини айбдор қиларкан, ўша одам ҳам жиноятчиларга шерик деб айтавериш мумкин. Туман Кенгашининг раисига қарши хўжалик раиси курашиб олади деб, айтган одам — мунофиқлик қилаётгани шак-шубҳасиздир.

Оқибатда халқ оғзаки ижодида, Жомбой туманида кўп йиллардан бери бажа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилмаган пахта режасининг 1990 йилда бажарилгани худди ана шу «қўлтиққа қистириб қолинган» ерлар ҳисобига юз берди, деган фикр кенг тарқалди.

Гап шундаки, ортиқча ерларнинг ҳаммасига пахта экиб, «давлат хирмони»га беришни халқ оғзаки ижоди ҳам талаб этмайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам ўзининг ҳақни таниш оҳанглари озгина бўлса-да, ниҳоят кўрина бошлади. Яъни, оғзаки ижод бу ерларнинг жилла курса озгинасининг оддий кишилар учун ҳам нафи тегсин, демоқчи бўлади. Яна халқ оғзаки ижоди айтадики, туман раҳбарларига инсофдан келиб чиқувчи халқпарварлик туйғуси юқиши жуда қийин масала.

Хўп, Рашидов давридаги ҳамжиҳатликда қилинган муттаҳамликларни бир-бирига ағдариб, «сиртига сув юктирмаслик» мода бўлди, бу майли, ҳозирги ариписканн кимга ағдаришади? Ердан ўгринча фойдаланишнинг яна бир кўринишига ўтишдан илгари, халқимизда унутилиб кетган бир ҳақиқатга тўхталиб ўтмоқчи эдик.

Гап шундаки, биронта бир эл, биронта бир қишлоқ аҳолиси, ёки алоҳида олинган бир инсонни тангри бир макон ичида яратар экан, шу атрофидаги ердан шу бандаси фойдаланиши кераклигини назарда тутади. Яъни, атрофдаги сувлоқдан сув ичсин, овлоқдан ов қилсин, ўтлоқда молини ўтлатсин, ерга экин экиб, ҳосилини олсин. Шу ернинг, шу қишлоқнинг, шу юртнинг одами экин эксин, қорнини тўйдирсин, ортиғини сотсин. Тангрининг бу карамида шу банданинг ерини у ёки бу гурух, у ёки бу партия тортиб олиб, ер эгаси бўлмиш бандани чоракор, мардикор ёки батракдек ишлатсин, ёки ерини тоғ чумчуғидек келиб-кетадиган, жон куйдирмай пиёздан мўл ҳосил олиш учун тупроққа тонналаб заҳар соладиган «сайёр деҳқонларга берсин» деган йўриқ мутлақо бўлмаган. Хўш, йўл-йўлакай чоракор, мардикор, батрак деган тушунчаларнинг ҳам нима эканлигини эслатиб ўтайлик. Чоракор, мардикор, батрак дегани — бу ер эгаси бўлмиш банданинг олдига аллақайси юртлардан ёки урилиб, ёки ноҳақ кувилиб ёлланган одамга айтилади. У келиб: «Мен ва менинг бола-чақам очмиз, юпунмиз. Сенинг ерингда буюрган ишингни қилайлик, айтган экинингни экиб, ҳосилини йиғиштириб, қўлингга берайлик. Эвазига очдан ўлмайдиган емак, эски-тускингдан у-буни берсанг бас. Сен эса болаларингни илмга, ҳунарга, чет тилларда гаплашишга ўргатасан, коинотга учирасан», дейди.

Хуллас, ана шу икки тушунчани аниқ ажрата олиш қобилиятини йўқотиб қўйганга ўхшайди халқимиз. Икковини қориштириб, қай бири ҳаку ноҳақлигини билмай, ер ўзиники, ҳосил ўзиники эканлигини унутиб юборган. Акс ҳолда, акс ҳолда у бошқача бўларди.

Яна Жомбой халқ оғзаки ижоди намуналарига қайтсак. Бу сафар биз ер ва ундан кимлар қандай фойдаланаётганлигига бағишланган ривояти ҳикоятларнинг мазмуни билан таништирамиз. Ушбу мазмундаги ҳикоят ва ривоятларни эшитганимизда, ундаги воқеаларга муносабатни билдиргувчи «теша тегмаган» болохонадор жумлалар ҳам жуда кўп карра жаранглаб турган бўлса-да, хотин-халаж ва болаларни назарда тутиб, уларнинг асл матнини келтирмаймиз.

Эмишким, Жомбойдаги «Украина» ва А. Қурбонов номли давлат хўжаликларига туташ жойда МҚООП деган ташкилотларнинг ерлари бор экан. Унда гўшт комбинати, «Узмясоавтотранс», «Геологоразведка», «Конзавод», «Узгородстрой» каби етти хил ташкилотга қарашли жами 216 гектар ер бор. Илгари бу ерлар давлат хўжаликларига қараган-у, кейинчалик туман раҳбарларининг қарорлари ва қайсидир янада юқори ташкилотларнинг рағбати билан МҚООПга берилган. Яъни, маҳаллий халқнинг ери аллақайдаги ташкилотларга олиб берилган. Ҳай, майли бу бошқа — Туркистон халқидаги «Бу менинг ерим, ҳосили бола-чақамники бўлиши керак», деган туйғу ва аклнинг йитиб кетганига боғлиқ масала. Биз МҚООПга қайтайлик.

Хўш, гарчи ер бу ташкилотга ўтказилганлиги билан барибир унда нимаики экилса ҳам, уни ким қаерга олиб бориб еса ёки сотса ҳам, барибир Статистик бошқармага — 4СХ ва 29ОХ деган ҳисоботларга киритилиб қўйилиши керак. Шунда ер давлатники деган ақидага амал қилинган бўлади. Фойда, зарар, солиқ дегандек нарсалар орқали қоғозда туради. Агар 4СХ ва 29ОХга киритилмаса, унда кимдир бу ерлардан ўз ҳамёни учун фойдаланаётган бўлади. МҚООПдаги 216 гектар ер худди шу 4СХ га киритилмаган ерлардир. Жомбойдаги халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунига қараганда, бу ерлардан бир неча йил давомида ана шундай ҳамён учун фойдаланиб келинади. Биз бунинг рост-ёлғонлигини аниқламоқ мақсадида туман МСБсига (Марказий статистика бошқармасига) мурожаат этганимизда, уч-тўрт кунлик сансалорликдан сўнг МҚООП даги етти ташкилотдан фақат учтасининг, шунда ҳам 1990 йилги ҳисоботини беришди. Қолганлари йўқ (умуман йўқ, ҳужжатлари маъносида) дейишди. Шу уч ташкилотга қарашли ердан олинган ҳосил ҳам 1990 йил ҳисоботига киритилмаган. Демак, кимлардир, бу ерлардан феодаллардек, чоракор ишлатиб, фойдасини олиб келаверган.

Маҳаллий аҳоли ўша ерларда етиштирилаётган мева-чева ва полиз маҳсулотларини кўз билан кўради, шу кўрган ҳосилини Самарқанд бозоридан сотиб олиб ейишади. 216 гектар ерга экилган тарвуз, картошка ва ҳоказоларнинг даромадини бир ҳисобланг. Яшанг! Юз минг сўмларга бориб, ундан бир неча баробар ортиб кетаётганини сездингиз-а? Илгари келтирилган юз мингчиларнинг тақдирини эшитдингиз. Тўппа-тўғри!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булар ҳам (гарчи ким эканлиги номаълум бўлса-да) худди ўша юқоридагилардек таралла бедод қилиб юришибди. Эҳ, битта сигаретни икки сўмдан сотиб қўлга тушган эси йўқ кампир!

Биз МҚООПдаги етти ташкилот ерининг ҳар бирига нима экилгани хусусида Жомбой фольклори яратган кўпгина воқеий ҳикоятларни келтиришимиз мумкин. Лекин нима кераги бор? Биринчидан, ўқувчи зерикади, иккинчидан, буни ҳеч ким тузатмайди. Учинчидан, тузатаман, деган одам учун шуни ўзи ҳам етарли, қолганини бориб, халққа суяниб суриштирса топиб олади. Лекин бунақа вазият юз бермаса кераг-ов.

Бизнинг асосий вазифамиз халқ оғзаки ижоди намуналарини юзага келтирувчи шарт-шароитларни илмий таҳлил этишдир.

Юқоридаги ривоятлар мазмунидан кўриниб турибдики, халқ бу ўринда суст, курашчанликдан анча узоқ субъект сифатида намоён бўлмоқда. Лекин оху нола қилавериб чарчаган, шикоятига қулоқ соладиган дўкайни тополмай «хасипига игна урилган» омманинг юрагида мудраб ётган қаҳру ғазаб йўқ, деган хулосага борган одам тарихдан мутлақо бехабар банда эканлигини унутмайлик, биродарлар.

Жомбойда ҳамма лоқайд экан, деган хулоса чиқмаслиги керак.

Масалан, «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги умумий йиғилишида туман раҳбарларининг қарори билан улардан тортиб олинган ва турли ташкилотларга бериб юборилган 150 гектар ерни қайтариш сўралган. Бу мажлис 1991 йил 23 январда бўлиб ўтган. Йиғилишда туман ижроқўмининг раиси ўртоқ Н. Исмоилов бошчилигида бир гуруҳ раҳбар кадрлар қатнашган. Нега натижасиз қолганлигини туман Кенгашининг раиси бизга қуйидагича изоҳлади:

— Самарқанд шаҳри кенгайиб бормоқда. «Партсъезд» жамоа хўжалиги эса Самарқандга туташ. Шунинг учун бу хўжаликдан олинган ер юқори идораларнинг буйруғи билан (қонунга хилоф равишда, колхозчиларнинг умумий мажлис қарорини чақиртирмасдан) олинган.

Майли, колхозчилар ўз ерларига ўзи хўжайин деган қонун Совет Иттифоқида бирон марта бўлсин амалга оширилган, деб ҳисоблайлик. Ва ерларнинг кимларга берилганлигига назар ташлайлик. 150 гектарнинг 100 гектари Ленинграднинг қандайдир илмий-текшириш институтига, 40 гектари Самарқанднинг 14-ҳунар-техника билим юртига, 8 гектари самарқандликларга дала-ҳовли учун, 2 гектари «Ўзбекгаз» ташкилотига.

Жамоа хўжалигининг умумий мажлисида деҳқонлар ҳамма ерни қайтиб беришни илтимос қилдилар. Биз бошқа ташкилотларни қўяйлик-да, Ленинград институтига берилган 100 гектар ернинг атрофида фикрлашайлик.

Ҳозир ерни ўз эгасига қайтариш масаласи кўтарилса, рўкач қилинадиган биринчи даъво — ер етишмаслигидир. Шундай экан, маҳаллий аҳолига ер етишмай турган мавзеда нима учун бошқа жумҳуриятдаги институтга ер инъом қилинади? Ўзбек халқига тегишли бўлган мулкни, бошқа жумҳуриятларга беришга ҳеч кимнинг — на Олий Кенгашнинг, на Президентнинг, на Жомбой тумани Кенгаши раисининг ҳаққи йўқ. Зероки, ўзбекнинг бугунги авлоди яшаётган ер фақат бугунги авлодники эмас, у ўтган ота-боболаримизнинг ва келажак авлодларимизнинг ҳам еридир. Бизда эса уларнинг номидан ерларимизни талон-тарож қилишга ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ.

Ленинградга берилган 100 гектар ер эса, боз устига энг хушманзара, Зарафшон дарёси соҳилига, шу соҳилдаги қўриқхонага туташ ерлардир.

Яна бир томонига диққат қилинг, келажакда Самарқандни худди мана шу томонларга қараб кенгайтириш мўлжалланмоқда. Яъни, ўн-йигирма йиллардан сўнг бу 100 гектар шаҳар ўртасида қолади. 100 гектар ичида эса ҳозирги имкониятларнинг ўзидаёқ 50-60 минг киши яшайдиган шаҳарча тикланиши мумкин. Демак, гаппинг нишаби қаёққа қараб кетаётганига тушундингиз-а? Хўш, виждон ҳеч азобланмасдан 100 гектар ерни бизнинг халқимиздан олиб, бошқа жумҳуриятга қўшқўллаб топширган бюрократиямиз — шу ерда Ленинград институтининг филиалини, сўнгроқ унинг эҳтиёжларига зарур бўлган кичикроқ заводчани, ниҳоят, шу филиал ва заводчаларда ишлаш учун ўша ёқдан келган одамлар учун уй-жой қурилишига рухсат бераколмайди, деб ким кафил бўлади? Қарабсизки, бўлажак катта Самарқанднинг ичида кичкина Ленинград ҳам тугилиб турибди-да.

Ҳа, бу худди шундай бўлади. Исботи эса бизнинг барча катта шаҳарларимизнинг аҳволига, у ерларда маҳаллий аҳоли нуфузининг ярмидан озлигига назар ташлаган одамга дарровгина кўринади-кўяди.

Колхозчиларнинг умумий йиғилишининг илтимоси эса бажарилмай қолаверади. Чунки буни на туман, на вилоят, на жумҳурият раҳбарияти бажара олади. Чунки бу жуда нозиклик билан ишланган режа жумҳуриятдан юқорида тузилган. Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистонда юздан ортиқ худди юқоридагидек марказий институтлар (корхоналарни кўя турайлик) ишлаб турибди. Ва уларда ишловчиларнинг ҳар бири худди биз айтгандек шаҳарчалар бунёд этиб, бола-чақаси-ю, ота-онаси-ю, бобо ва момоси билан кўчиб келиб олган.

Хуллас, Ленинградга берилган юз гектарга қайтсак, у асосан ўт босиб бекор ётди. Асосан, деб бежиз такрорлаётганимиз йўқ. Халқ оғзаки ижодининг ривоятига қараган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, унинг ўн-ўн беш гектарида қаердандир келган (жомбойлик бўлмаган) кимса зигир экиб, мой олди. Албатта, бу ҳодиса ҳам ҳисоботларга киритилмаган.

1991 йили эса бу майдоннинг бир қисми колхозчиларга вақтинча фойдаланиш учун бўлиб берилган. Келажак тақдири нима бўлади номаълум.

Ижтимоий тангликни кимлар пайдо қилади?

Бу саволга демократлар: мамлакатда йиғилиб ётган ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этолмаётган, халқ мулкини ўзига қайтаришни истамаётган, кишиларнинг худодан, табиатдан берилган ҳуқуқларига кишан солиб қўйган партократия, деб жавоб берадилар.

Партократия эса: иқтисодий талабларни кескинлик билан кўтариб чиқаётган демократлар, дейди. Аста-секинлик билан кўтариб чиқса, танглик юз бермайди, дейди-ю, аста-секинлик остидаги ҳеч нарса қилмаслик мақсадини яширади. Ёки хамир учидан патир улашиб, ана, ҳаммасини бердик, дейди.

Келинглар, ижтимоий танглик тушунчасига кирувчи бир воқеани таҳлил этиб, биргаликда хулоса чиқарамиз. Бошиданоқ айтиб қўя қолайлик, бу воқеа чекка бир қишлоқда рўй бергани учун жумҳурият афкор оммаси хабарсиз қолган. Ёнди-ёнди қилинган воқеани эса партократия — йўқ деб ўйлайди. Гарчи бу воқеада бир томонда қўзғолган халқ, иккинчи томонда партократия ва ОМОН юзма-юз келган бўлсада, овозаси чиқмагани учун умуман бўлмаган, деб ҳисоблайди.

Бундай воқеаларнинг келиб чиқишига ҳар хил сабаблар бўлиши мумкин. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимизга эса...

Кейинги пайтда жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигини ташкиллаштиришда яна бир муаммо пайдо бўлди. Яъни «ўзбек иши»да қамалганларнинг оқланиб, «ўз ишига ёки аввалги лавозимига тенг келадиган лавозимга тиклансин», деган хатни қўлтиқлаб қайтиши билан боғлиқ муаммо.

Дарҳақиқат, ўйлаб кўринг, 1984 йил ёки 1985 йилда бўшаган курсига бир одам тайинланган, яхшими-ёмонми, беш-олти йил ишлаган, бироқ шу орада томдан тараша тушгандек, курсининг қамалиб кетган эгаси кириб келади-да, жойимни бўшатиб қўй, дейди. 1990—91 йилларда эса бунақа одамлар юзлаб қайтиб келди. Бундай вазиятда айрим туманларда яна ўшаларнинг ялписига эски мансаб курсиларига ўтқазилиши масаласи кўндаланг бўлган бўлиши мумкин.

Маъмурий-буйруқбозлик, яъни бир марказдан бутун мамлакат ёки жумҳуриятнинг тақдири ҳал этиладиган системада бўлганидек, «ўзбек иши»да ҳўлу қуруқ баравар ёниб, «еган» ҳам, «емаган» ҳам супирилиб кетганидек, оқланишда ҳам шунга ўхшаган компаниячилик бўлмадимикан, деган шубҳа-гумон Жомбойдаги халқ оғзаки ижодида ора-сира бўлса ҳам қулоққа чалиниб турибди.

Албатта, инсоннинг ўз бола-чақаси ёнига қайтгани созку-я. Бироқ энг муҳими «еган»лар ўз лавозимини эгаллаб, эски ҳунарини келган жойидан давом этказишига йўл қўймасликдадир.

Қисқаси, авахтадан оқлов қоғози билан қайтаётганлар маҳаллий маъмурият олдида талай қийинчиликларни тугдираётгани рост гап. Бу вазият маъмуриятнинг ноҳалол қисмига «адолатни тиклаш» баҳонасида номаъқулчиликлар қилиш учун янги имкониятлар очиб бераётгани ҳам бугунги куннинг ҳодисасидир. Яъни, ўзига «ёққанини» ишга тиклайди-ю, «ёқмаганини» бўсағадан итаради. Афсуски, мавжуд системада халқнинг овози — ҳақиқат овози ҳисобга олинмайди. Чунки ким «оқу», ким «қоралигини» ҳеч ким халқчалик билмайди. Бизнингча, эски раис ва директорларни «ўз ишига тиклашда» хўжаликнинг умумий йиғилиши-ю, яширин овоз энг тўғри ва қулай йўлдир. Фақат бу мажлис ростдан ҳам умумий бўлсин, сайловда ғирромликка йўл қўйилмасин. Ана шунда бугунги ҳаётимизга хос бўлган кўпгина иллатларнинг йўли кесилади.

Хуллас, ривоятда айтилгандек, 1984 йили «ўзбеклар иши» бошланган пайтда, Жомбойда фақат иккита «емайдиган» директор бор эди. Бу давлат хўжаликлари кўпинча пахта планини юз фоизга озгина етказолмай йилни якунлардилар, баъзан эса зўр-базўр бажарган йиллари ҳам бўларди. Шунга қарамай, ушбу хўжаликларнинг одамлари — бошқа, «режани муддатидан илгари, 30—40 фоиз ошиғи билан бажарган» хўжаликларнинг одамларига нисбатан солиштирганда, қўллари пул кўрарди. Сабаби, хўжаликнинг пули пахта сотиб олиш учун сарф этилмасди-да, лекин у йиллари ҳўлу қуруқ баравар ёнгани учун, бу директорлардан бири бошқа жойларга кетиб қутулди, иккинчиси эса ҳибсга олинди.

Хуллас, бу ривоятнинг дебочаси. Ундан сўнг воқеа бизнинг кунларимизга кўчади...

Кунлардан бир кун туман Кенгаши раиси Амин Сатторовнинг олдига деярлик бир вақтнинг ўзида оқланганлардан икки киши ўзини эски ишига тиклашни сўраб келишади. Амин Сатторов уларнинг бирига рад жавобини беради-ю, иккинчисини эргаштириб «Правда» жамоа хўжалигига равона бўлади.

Жамоа хўжалигининг умумий йиғилишини чақиртиради. Одам жуда кўп йиғилади. Чунки, халқ оқланиб келаётган даъвогарнинг раисликка қайта сайланишини ҳеч ҳам истамасди. Ва бунга туман раҳбарияти томонидан ҳаракат бўлаётганидан ниҳоятда

www.ziyouz.com kutubxonasi

даргазаб эди. Улар тушна-тузук ишлаб, элнинг иссиқ-совуғига баравар шерик бўлаётган ўз раисларини ҳимоя қилишга келадилар.

Амин Сатторов одамларнинг авзойидан кўрдики, бу мажлисда у ўз режасини амалга оширолмайди. Оқланган кишини «ўз ишига» қўёлмайди. Мажлиснинг охирида сўз олиб шундай гапларни айтди:

— Илгариги раисларинг оқланиб келди. Олий суднинг қарорига мувофиқ уни олдинги иш жойига тиклашимиз керак. Билишимча, бугун бу тадбирни амалга ошириб бўлмайди. Ҳечқиси йўқ, агар сизлар хоҳламасанглар, туман коммунистик фирқа қўмитасининг қарорини чиқариб, илгариги раисларингни ўз ўрнига тиклаймиз...

Залдан кимдир «биз сайламасак-чи?» деб савол ташлаганди, Амин Сатторов шундай жавоб қайтарди:

— Сизлардан сўраб ўтирмаймиз...

Ривоятни шу ерда бир оз тўхтатиб, Амин Сатторовнинг кейинги жавоби хусусида бироз фикр тўқиштирсак.

Биринчидан, бу гап олти юз кишининг юзига қараб, нафратомуз оҳанг билан айтилди. Чунки бу ўринда, ўзга жумҳуриятлардагидан фарқли равишда, ер Амин Сатторовники, халқ эса коранда. Тартиб посбонлари эса табиий равишда мулк эгасининг ҳуқуқларини, яъни ер эгаси ўз ерига ишбоши тайинлаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга мажбурдирлар. Амин Сатторов ана шундай ўйлайди ва шунинг учун ҳам ўз истагини халқ истаги билан тўқиштиришдан қўрқмайди. Чунки унинг истаклари ёзилган шиорларни тартиб посбонлари ушлаб турибдилар. Амин Сатторов халқ билан тартиб посбонларини тўқнаштиришдан виждони қийналмайди.

Амин Сатторовнинг кучи — унинг ерга эгалигида эканлигини тушуниб олдик. У ана шу ерда одамларни ишлатиб, чиққан ҳосилни «Ватан хирмонига» топшириш жараёнини назорат қилиб туриши ва бу жараённи оҳиста, халқнинг норозилигини четга билдирмайдиган қилиб олиб бориши зарур. Хўш, шундай экан, нега у тўқнашувга очиқ боришдан, яъни тинчликни бузишдан қўрқмади?

Гап шундаки, мамлакатга аста-секин кириб келаётган демократиянинг талаблари эскича тартибни саклаб қолмоқчи бўлганларнинг таянч кучларини тортиб олишни тақозо этади. Бошқаларини гапириб ўтирмайлигу, бизнинг мавзуга яқин ва энг муҳими бўлмиш ерга эгаликни ҳам улардан олиб, халққа беришни мўлжаллайди. Ўзи еб турган текин нонини эса ҳеч ким бергиси келмайди. Бундай кишиларда бир хомхаёл борки, агар тўқнашувлар, қон тўкилишлар юз берса, уларнинг «бизнинг халқ демократияга тайёр эмас», деган сохта ақидалари исботланади ва тоталитар, террористик режимни тиклашга асос топилади. Ана шунинг учун ҳам Амин Сатторов сингари раҳбарлар халқ фикрини менсимай «ўз йўлларини оғишмай» амалга оширишдан қайтмайдилар.

Эҳтимол, Амин Сатторов масалани бу даражада чуқур деб ҳисобламас ҳам. Эҳтимол, «ўз йўлини оғишмай амалга ошириши»да халқ хоҳламаган одамни ўзи хоҳлашида бошқа жўн нарса бордир. Аммо, ижтимоий тангликни яратишдан қўрқмаслиги нуқтаи назаридан моҳият биттадир.

Энди яна ривоятга қайтамиз.

Шундай қилиб, 1991 йил 11 февраль кунидаги умумий мажлисда Амин Сатторов халқни менсимаслик «ваколатини» амалга оширолмаган. Шунда у айёрлик йўлига ўтган. (Бу ерда биз халқ оғзаки ижодининг анъаналари бузилмаганини кўриб турибмиз. Эртак ва афсоналарни бир эсланг-а, ундаги салбий образларнинг йўли ҳам шу). Яъни, ишлаб турган раисни «ўз ихтиёри билан» бўшашига ундай бошлаган. Турган гапки, фирқа котибининг бундай ундовларига дош берадиган раис топиш қийин. Фирқа котиби раиснинг ишидан истаса ҳар қачон камчилик топади, ихтиёридаги милиция, прокуратурани ишга солади ва ҳоказо.

Раис жуда қийин аҳволда колади. Бир томондан, халқ бўшамайсан, райком котиби, иккинчи томондан, бўшайсан, деб турарди. Асаб таранглиги давом этавериши оқибатида қон босими ошиб кетган раис охир-оқибатда Самарқанд шаҳар касалхонасига тушади. Бироқ бу ерда ҳам котиб уни тинч қўймайди.

Қон босими ҳазил гап эмас, жони кўзига кўриниб қолган раис, бор-э, деб аризани ёзиб беради. Бу воқеа 21 март куни содир бўлади. Амин Сатторов шу куниёқ аризани ушлаганча хўжаликка етиб келади-ю, 22 мартга, яъни эртасига «умумий мажлис» чақирилажагини тайинлайди. (Ғайратнинг зўрлигини қаранг! Ҳарҳолда бунчалик ғайратга миндирган кучнинг таркибий қисмларини одамнинг жуда-жуда билгиси келади). Албатта бу «умумий мажлис» бўлиб ўтади.

«Умумий мажлис» калималарини тирноқ ичида ишлатаётганимизнинг боиси шуки, унда жамоа хўжалигининг мингга яқин аъзосидан бор-йўғи 69 киши иштирок этади. Буларнинг бари ҳам қамоқдан сўнг ишга тикланаётган раиснинг тарафдорлари бўлганлигини эслатиш ортиқча бўлса керак. Аммо ортиқча бўлмаган бир жабҳа борки, жамоа хўжалиги устави бўйича бу каби масалани ҳал қилишда хўжалик аъзоларининг ярмидан ортиғи йиғилиши шарт эди. Иккинчидан, бўшатилаётган раис иштирок этиши керак эди.

Хуллас, бу йиғилишда Амин Сатторовнинг йўли амалга оширилди. Халқ истамаган раис кўпчилик овоз билан сайланди. Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, кимдир

«жамоа хўжалиги устави нима бўлади?» деб, қўркибгина ва майингина қилиб лукма ташлади. Амин Сатторов бунга жавобан аввал президиумдаги туманнинг казо-казоларига ишора қилди, сўнгра эса кўкрагига уриб қўйиб, «мана, биз жамоа хўжалиги уставимиз!» деди.

Ана шундай ноҳалол йўл билан сайланган раис эртасигаёқ иш бошлаб юборди. Бригадирларнинг деярли ҳаммасига учрашиб, ишласанг ўша бизнинг даврдагидек ишлайсан, бўлмаса аризангни ёзиб кетавер, деб чиқди. Аммо, у ўйлаганларини амалга оширолмади. Тўрт кун ўтиб, бешинчи куни жамоа хўжалиги идорасига яқинлашганда уни оломон кутиб олди...

Бир зумга ривоят воқеасидан узилиб, уни шарҳлашга ўтсак.

Воқеалардан кўриниб турибдики, мана шу нуқтада халқ ўта лоқайд (айниқса, ўзбек халқи) позициядан чиқиб, фаоллик белгиларини кўрсата бошлаган. Унда ўз кучига ишонч пайдо бўлган. Ҳақ-ҳуқуқининг ҳимоясига киришган халқни эса ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмайди.

Хуллас, тўрт кун ўтиб, бешинчи куни қишлоқ маркази оломонга тўлди. Башарасига тарсаки тортилган халқ, башарасига тарсаки тортилган жамоа хўжалиги уставини, унда белгиланган ўзларининг мўъжазгина ҳуқуқларини ҳимоя қилишга отланди.

Хўш, нима учун 4 кун ўтиб, бешинчи куни қўзғолиб қолди одамлар, деган савол туғилиши мумкин? Жавоби жуда ҳам жўн: Амин Сатторов ўтказган «умумий мажлис» шу даражада махфий чақирилгандики, колхозчилар ўзларининг «умумий мажлис»да қатнашганликларини орқаворотдан эшитиш учун ана шу тўрт кун керак бўлди. Яъни шунча кундан кейин раис ўзгарганлиги барча колхозчиларга етиб борди.

Қишлоқ марказига йиғилган одамлар ниҳоятда дарғазаб эдилар. Кўпчилик қўлида лампамой шимдириб, ёқишга тайёрлаб қўйилган машъала ушлаганди. Туман рўзномасининг хабар беришича, улар бошқатдан умумий мажлис чақирилишини талаб қилишар, жамоа хўжалиги раиси ҳалоллик билан сайланмас экан, бунақа колхоз-полхозни ёқиб юборамиз, дейишарди. Амин Сатторов қўндириб кетган раисни эса одамлар идорага киритишмай ҳам қўйишди.

Кўчаларда дарғазаб юрган одамларнинг ҳалол мажлис ҳақидаги талаби — қонуний, инсоний талаб эканлигини фақат «Журият» қишлоқ шўросининг раиси Э. Юсуповагина тўғри тушунди. Фақат бунигина эмас, оломон ғазабини сўндириш йўли — одамлар талаби бўйича мажлис вақтини белгилаб, қатъий ваъда бериш эканлигини ҳам тушунди. Ҳа, фақат шу аёлгина фожианинг олдини олишда ташаббусни ўз қўлига олди.

Акс ҳолда... Ривоятда айтилишича, Амин Сатторов Булунғурдан 20 чоғлик ОМОНчиларни (Махсус топшириқли милиция бўлинмасини) чақиртирган эмиш. ОМОНчилар пана жойда ёнғин ва талатўп чиқишини пойлаб турган эмиш, улар оддий кийимларда одамларга аралашиб юрган ва мажлисда ҳам бир чеккада қўрикчилик қилиб турган эмиш ва ҳоказо.

Хуллас, Юсупова мажлисни оқшом соат еттига белгилади. Лекин ҳеч кимга ишонмай қўйган халқ кечгача ҳам тарқалмади. Шу ернинг ўзида нон-чой ташкил этиб, етмаганлари эса оч-наҳор соат етти бўлишини кутишди.

Ҳа, мажлис ўтди. Ўта жўшқин мажлис бўлди. Халқ, модомики, раисимиз касалманд экан, биз ўзимиз янги раис танлаймиз, деди. Туман раҳбариятининг узоқни кўраолмаслигига ўз номзодини қўйиб сайлов ўтказишни талаб этгани ҳам мисол бўла олади. Ўзларига қарши исёнга тайёр халққа ўз номзодларини ўтказиш мумкин, деган хомхаёлга энг калтабин сиёсатчи ҳам бормаса керак. Шундай қилиб, икки номзод қўйилди, овозлар кўрсаткичи эса 92 га 700 — халқ фойдасига бўлди. Туман рўзномаси нима учун райком номзоди бунчалик қаршиликка учрагани ҳақида ўнга яқин кишига савол бериб, жавобларини босиб чиқарган. Мана улардан айримлари:

Абдулҳамид Қодиров, механизатор: «... раислик қилган 5 йил ичида колхозни ўтказиб қўйган эди». Тилов Йўлдошев, 7-бригада аъзоси: «Мен устингиздан шикоят қиламан, деганимда — Рашидовга эмас, Брежневга бормайсанми, деб устимдан кулган эди. Ахир, қамчисидан қон томиб турган шундай одамни раисликка сайлаб бўладими?». Ҳимматқул Қувонликов, 84 ёшли отахон: «Ё пирим, Николай подшо замонида ҳам халқ бундай кўтарилмаган эди... Мен ҳаётим давомида жуда кўп нарсаларни кўрганман... Б. Нодиров ишлаган пайтда хўжаликни ўтказиб қўйган». Эрмамат Умаров, бригадир: «Б. Нодиров вақтида халққа зулмини ўтказган. Шунинг учун ҳам одамлар уни кечиришмади». Суюн Кўчимов, 7-бригада аъзоси: «Б. Нодиров обрўсини аллақачон йўқотган. О. Улуғбековни ўз ишига тиклаш тарафдоримиз. Чунки бултур режани озгина бажаролмаган бўлса-да, биринчи марта чўнтагимиз пулга ёлчиди». Ҳайитмурод Жовлиқулов, 6-бригада аъзоси: «Нодиров мени сўкиб, ҳақоратлаганди. Чўлга кетиб бир неча йил ишладим. Унинг қамалганини эшитиб, юртимга қайтганман. Наҳотки қайта қуриш замонида ҳам эгри йўллар билан раис бўлиш мумкин экан? Умуман, раҳбариятдан кўнглим совиб кетди».

Яна такрорлашга тўғри келади: нима учун Амин Сатторов туппа-тузук ишлаб турган, халқнинг чўнтагини пулга ёлчитган, халқ севган раисни бўшатиб, халқ ғазабига учраган Б. Нодиров тарафини олди, бунинг асл сабабини ҳеч ким айтолмайди. Ижти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моий тангликнинг ичидаги кучларни аниқ кўриб турибмиз. Демак, бир томонда халқ, иккинчи томонда Амин Сатторовнинг «ваколати» ва уни ҳимоя қилиб, ҳатто қон тўкишга тайёр — милиция. Сирасини айтганда, бу ерда милициянинг бетараф туролмаслиги, қоддий сайлов масаласида ҳам туман фирқа котибига бўйсуниши тангликни келтириб чиқаради.

Қўрдикки, ижтимоий танглик халқдан чиққан айрим донишманд кишиларнинг (хусусан, З. Юсупованинг) тадбиркорлиги билангина қонли фожиага айланмади. Фараз қилайликки, З. Юсупова ҳам бефарқ қолди. Ёки ўша куни иш билан Самарқандга кетган эди, дейлик. Паркент ёки Бўка фожиасини эслайлик. Уларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, бизнинг рўзномалар, айниқса эса, Москванинг рўзномалари Амин Сатторовларнинг, милиция ёки ҳарбий бошлиқларнинг версияларини оламга ёйишади. Тўполон бўлган жойда эса ўзбеклар билан бир каторда ўрислар ва турклар ҳам яшайди. Мисол учун Паркентда турклар ўн саккиз километр йирокда бўлган бўлсалар ҳам, ўзбек-турк жанжали версиясини оламга тарата олишди. Жомбойда ҳам шундай бўлмас эди, деб ким кафил бўла олади?

Худди ўша Паркент, Бўка фожиаларидан сал ўтиб, туманнинг «Октябрь» жамоа хўжалигида аллаким (бошқа жойлардагидек аллаким, кимлигини ҳеч ким ҳеч қачон билолмайди) ярим тунда бир турк хонадони томонга ўқ узиб, шу кечаси икки мутлақо бегуноҳ ўзбекни ухлаб ётган жойидан вилоят милицияси ходимлари ушлаб кетиб, бу адолатсизликдан газабга келган ўзбегу турк биргалашиб уларни чиқариб олгани-ю, худога шукр, шу жамоа аҳлининг аҳиллиги, вазминлиги билан фожианинг олди олингани ҳали одамларнинг эсида-ку! Ўшанда ҳам «Октябрь»ни ДҲҚ, ОМОН, милиция босиб, қачон халқ кўчага чиқса, кунини кўрсатамиз деб турган эди-ку!

Қейинги воқеада ҳам, ахир милицияни, ОМОНчиларни ишга солиш учун Амин Сатторов кимлардандир рухсат олган бўлса керак. Тўполон чиққудек бўлса, ОМОНчиларни ишлатишга рухсат берган одамлар, ОМОНчилар версиясини ўз рўзномалари орқали оламга ёйишлари табиий. Демак, яна бир карра ўзбек халқи ёмонотлиқ қилинади. Демократияга тайёр эмас, бу ваҳший халқ, тоталитаризм сақланиб қолиши керак, деган сохта ғояга сунъий асос яратилмоқчи эди, деган шубҳадан нари кетолмайди одам. Ваҳоланки, бунинг остида халқ «истамаган» одамни хўжаликка раис қилишдек тоталитаризм ётарди. Ва буни кейин ҳеч кимга ишонтириб ҳам бўлмасди.

Шундай қилиб, Жомбой халқ оғзаки ижоди намуналарини таҳлил этишга нукта қўйсак. Биринчидан, ўқувчи зерикиб қолди шекилли, иккинчидан, ривоят, ҳикоят ва болохонадор ибораларнинг остида чўнг ҳақиқат ётажагини ҳозирги одамларга ишонтириш жуда қийин. Боз устига уларнинг (фольклорнинг) баъзи намуналарида лоф ҳам кучли эканлигини (Жомбойди жеб жуворди») мисолларда кўриб чиқдик. «Жомбойди жеб жотибди» деган ибора бу кунда ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Секин-секин еса, ён-веридагиларга капсан ташлаб турса, еса еявермайдими?

Афандининг олдига бир киши югуриб келиб:

— Кўчадан бир қозон дамлоғлик палов олиб ўтишди, — депти.

— Ўтса, ўтар, менга нима! — деган экан Афанди.

— Йўқ, Афанди, — депти у киши, — қозонни сизникига обкириб кетишди.

— Сенга нима?! — деб жавоб берган экан Хўжа Насриддин.

Дарҳақиқат, ким нима еётгани билан ишимиз нима?

Боз устига, бизнинг ниятимиз бу эмас, халқ оғзаки ижодини санъат асари сифатида таҳлил этиш. Мазмуни билан ишимиз йўқ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммадали Қўшмоқов

БОТИНИМ ТЎЛАДИ НУРИ ИМОНА...

* * *

«Инсон билан Қуёш паноҳи ва тасарруфидаги Ер..
Инсон билан Қуёш паноҳи ва тасарруфидаги Ҳаёт...
Инсон билан Қуёш паноҳи ва тасарруфидаги Келажак...»

Бу сўзларни
ғурурланиб айтаман,
чунки шундай эъзозланишга лойиқдир
Инсон билан Қуёш.

* * *

Қўнғироқ дастасин кўтараманми:
Бир ҳаёт нарида бир куй беовоз —
Ул ёқда биринчи бўсанинг таъми,
Ул ёқда кўнгилдек бозиллаган ёз.

Бугун қайси ёқдан чиқди ўзи кун,
Бугун қайси ёқдан эсди оҳ ели?
Нафас олишидан таниб мен дилхун:
Томоғида — таниш кўкламнинг сели...

Мен ўйлар эдимки: «Унутдим тамом...
Энди умрим кечар фароғат аро...»
Шундай жон эканман — эмган сути хом,
Ул кўз офтобидан кўз ўнги қаро.

Қилар ишин қилди чиқармай овоз —
Қўнғироқ дастасин қўйди жойига.
Бир топган ақлимни қўлдан бердим боз,
Боз иморат қургум жунун сойига...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен, Қўқонда ҳақталаб элни
Ўққа тутган аскар қўлин шарт
Қайирмаган шоирнинг тили —
Қирқилсин-а, от бошидай дард
Юрагини кемириб есин,
Кемириб не, семириб есин!

Бу қандайин шоирлик бўлди —
Сўзимга жон тикмас халойиқ?!
Кўз ўнгимда не азиз ўлди —
Жанозам йўқ уларга лойиқ!
Қўғирчоқман гар ризқ йўлида —
Муқом ипим кимнинг қўлида?

Болам, деган тириклар ори
Келтирмасми мени ҳушимга?
Чирқиллаган арвоҳлар зори
Халал бермас, наҳот, тушимга?
Шоирми у кундай келмаса,
Келса, кетса — эли билмаса!

Кўксим аро бўлсанг — қалққин, Дил,
Қонли бастинг билан оёққа,
Даҳанимда бўлсанг агар, Тил,
Мундоқ айлан Ҳақ деган ёққа —
Эл орини қўримаган Шеър
Остонада мужиб сўнгак ер...

* * *

Меникими ўзи шу вужуд,
Меникими шу жону шу руҳ?
Вужуд ёнар — алангаю дуд,
Жон билан руҳ бедард, беандуҳ...

Қарсиллару ўт олиб қулар
Чақмоқ урган жон — азим дарахт.
Руҳ беписанд — мийиғда кулар,
Бедард кесак — тан эса карахт.

Қўл ташлайди юлдуз бўйнига,
Осмон билан йиғлаб сирлашар,
Умид бўлиб сувлар қўйнига
Кирадию жўшар, бирлашар —

Эснаб турган олам дафъатан
Йиғиб олар эсу ҳушини,
Ўт ичидан — қақнусдай — Ватан
Учиб чиқар ташлаб тушини...

Эй уйғунлик, кўрсатгил жамол,
Намоён бўл: эл интизоринг.
Тан, жон, руҳда касб этсин камол
Асрларни йиғлатган зоринг.

* * *

Бекваччалар, бойваччалар, суринг айшингиз,
От кимники — минганники, қамчини серманг.
Қўлингизда пул қарчиғай — мард ҳар қайсингиз,
Худо урган калга ов ҳам, гапни ҳам берманг,

Эл устида юрар экан, сира тортманг тафт,
Пири комил бўлинг ўтрик фарёд солмоққа.
Нон — авлиё, ош — пайғамбар бўлса, лутф айлаб,
Амр этинг йўқни емоқ, нафас олмоққа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қум ортилган эшак агар қилса тархашлик,
Шундоғича — сув ичига етаклаб киринг...
Кўрган кунин кўзга суртсин... тарқасин ғашлик...
«Қамчи урмай, эрк бердим», деб, томоқни киринг.

Бояқишни устида юк эзгандан эзсин:
У йиқилмай оёғида турмоқни ўйлар...
Бўрилар-чи, қўй терисин ёпиниб кезсин —
Сурувларда бўғизласин қўйларни қўйлар.

Кесакдан ўт чиққанини кўрган кўз тўқдир,
Қонхўр қўйлар ғойиб бўлар — фалсафа сўқинг.
Доно айтмиш, бу дунёда йўқ нарса йўқдир,
Бориб қўйлар азасига жаноза ўқинг.

Маҳкам тутган хаёлу эрк жиловин толмай
Ичар қилич дамидан сув — эсда тутинг сиз;
Буқаламун ўлсин сизча турлана олмай,
Бекваччалар, бойваччалар, суринг айшингиз!...

Равшан синчи

— Мусофир элларда косам оқармас,
Пешонамга битмас ростмана уй-жой.
Мададга келади на Бурқи сармаст,
Йўлимдан чиқади на Хизр... Эй, вой!..

Шу, зўр шоҳнинг бир тулпори йўқ
Беш юз табла от орасида.
Ҳақ айтганим эвазига, уҳ,
Ажраламан кўз қорасидан

Ва ўйилган кўзим хунига
Ҳалвочининг отин тилайман.
Ўша тулпор ёли тунига
Юзу кўзим босиб йилайман.[1]

Кўзим хуни бўлган шу тулпор
Қанотларин ўсдириб ўзим,
Ёвмит сари қичайман зор-зор,
Ёлвораман: ўзинг бер тўзим...

Юртимга етказ, деб, бораман бўзлаб,
Ботиним тўлади нури имонга,
Ой-кунни санайди офтобни кўзлаб,
Биби Ҳилол қорнидаги гумона...

У Гўрўғли бўлар, туғилар гўрда,
Юнус пари билан даврон сурар маст —
Ғиркўкнинг устида, Чамбилда, тўрда...
Оҳ, бу етти ухлаб тушимга кирмас!

---

[1] Йилайман — йиғлайман (шева).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эргаш Абдулла

ТУЛПОРЛАР КИШНАШИ ЭРТАКДА ҚОЛДИ...

* * *

Нақадар меҳрсиз эканман, узр,
Чорласам, хазондек сарғаярди сўз.
Сен эса бағримда йиғлаётибсан,
Менинг жигарим, куз!
Қадрдоним, куз!

Югурик вақтдан жавоблар сўраб,
Ҳориган суръатнинг бўлдик тимсоли.
Сувларинг кўнглимдай ювошдир, майли,
Гулларинг тиниқдир руҳим мисоли.

Кечки олмаларга берганингда таъм,
Умри шитобимни ўйлаб, қаридим
Ва лекин, бу қаюм кунда, барибир,
Илинжим бор, дедим,
Дарддан аридим!

Қўлларидан тутдим имкониятнинг,
Қонда исён сездим, жонимда тўзим.
Кўзларим етим, тош эмасдир, бироқ
Бағримни куйдириб йиғлама, кузим!

Эски қўшиқ

Сир эмас-ку, баъзан мардонавормиз,
Баъзан соянгдан ҳам қўрқасан инсон.
Тушунинг, бу маъюс пахталар, ахир,
Аждодлардан нисор,
Тақдирдан нисор.

Бугуну эртадан илҳақ руҳимнинг
Обтобрўй уватда энг сўнгги жойи —
Бори илтифотинг дариғ тут, майли,
Фақат далаларни қолдир, худойим.

Токи адашмасдан турай наҳорлар,
Эшигимни очай тонгга биринчи.
Ахир, шу изиллаб келган ҳамаллар,
Ҳар фақир банданинг миср илинжи!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тупроқ уйғонган чоқ танда жон қолмас,
Ер билар қўлида шафоат борни.
Ишонинг, мен энди гапиртираман
Юрагимга ботган синиқ чилторни.

Фақат қўйиб беринг, қилай тараддуд,
Омадлар ёр бўлсин умид-дардимга.
Баҳор куйинганим кузда аёндир:
Олтинлар тўкилар рангги зардимдан.

Кейин улушимни санайман секин,
Борми қўлимдаги қадоқча, қани?
Қўл-оёғи кесик кундадек тутлар
Овозсиз бақирар алланимани.

Ҳайқириб осмонни ёргим келади,
Хой, дейман, мўминлик гуноҳми ҳамон!
Йўлимда ўт-ўлан шовқин кўтарар,
Қақшоқ қўлларини чўзиб мен томон.

Сесканиб кетаман, ҳорғин нурларнинг
Пичоғи санчилар бағримга муздек.
Бир нима дегин-да,
Тушунтириб бер,
Овоз бер, жонимда бор бўлсанг, ўзбек!

Ахир, шу заминни севдим мен қаттиқ,
Гурпанг кўчалардан топдим чиройлар.
Неча бор шеъримга кирган жилмайиб,
Қуврагаи чанокдан тўкилган ойлар...

Танидим қонимда ёнган ўтларни,
Билдим, ёв сафдами ёки нарида.
Бу майдон жонини олган фидолар
Кам эмас Афғоннинг шаҳидларидан!

Кўксимда даъватлар зарби оғрийди,
Зеҳнимда беомон англаш дарсидир.
Тушунинг, бу маъюс далалар, ахир,
Менга бир қоимлик ифодасидир.

Елкамда қадимий тараддуд юки,
Омадлар ёр бўлсин умид — дардимга.
Баҳор куйинганим кузда аёндир —
Олтинлар тўкилар рангги зардимдан...

* * *

Бир вақтинг бўпти-да, уй қизи, бугун,
Кун бўйи зорлигим бекор кетмабди.
Ҳали анча ёруғ.
Бизнинг соҳилга
Оқшомнинг этаги етмабди.

Хоҳла, оёғингни солгин Кўксувга,
Сув ўтлари титраб ўпсин, яйрасин.
Бори ташвишларни унут бир нафас,
Кўнглингга кўчсин бу қушлар сайраши!

Нафасимдай ўтлиғ бўлмасин шамол,
Хушбўй бўлсин, сочинг эркалаган чоқ.
Балки бу сувларда ўлмас нилуфар,
Лекин у кўксингда очилсин оппоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен ҳам васфинг айтмай, ҳис этай фақат
Ҳуснинг ором олган озода онни.
Кейин,
Ҳофиздек бир тантилик қилиб,
Ҳадя қилай сенга Шоҳимардонни...

* * *

Ўзимдан қизғаниб севдим тоғларни,
Э жон, сен унингдек бой бўлолмадинг.
Лоақал жилғага эргашдингми сен,
Сой бўлолмадинг-ку, сой бўлолмадинг!

Сезмадинг, умринг ҳам эрмакда қолди,
Ҳудбинлик ризқини термакда қолди,
Тулпорлар кишнаши эртакда қолди,
Изларин йўқотдинг, той бўлолмадинг!

Ишқда ҳам ғарқ қилдинг кўзёш — жоламга,
Дардсан бўтакўздек очиқ ярамга,
Тоғликман дедингу, тоғлик санамга
Осмон бўлолмадинг, ой бўлолмадинг!

Мен бугун тоғларга суяндим тағин,
Йиғладим, номусдан уялдим тағин,
Ўлмай ўз қонимга бўялдим тағин,
Э жон, бир қўшиққа жой бўлолмадинг!..

* * *

Энди сен ҳимрилиб кета олмайсан,
Энди сен чимрилиб қилолмайсан ноз.
Мен-да, боғ ортида кутиб, эрта-кеч
Бирон-бир қуш бўлиб бермасман овоз.

Мен учун ҳаволар аччиқ бир тутун,
Сен учун ҳаволар, балки, тумандир.
Севиб, ёмон кўриб яшаймиз ҳануз,
Айт-чи, ўртадаги не ёсумандир?

Шуям бир тириклик бўптими, ахир,
Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ярадордир қалб.
Ишқми бу, сеҳрми, нимадир ўзи,
Фидо бўлолмасанг одамга ўхшаб?!.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

Алишер Навоий достонини
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
кино тилига ўгирган

Ўзлукдин ўзунгни айла озод,
То дашти фаноға киргасен шод.

Бисмиллаҳир роҳманир раҳим.

Зулмат. Ҳозиргина дунёга келган чақалоқнинг ўткир қичқириғи янграйдир. Олам сокин эрди, бирдан бошланган йиғи бу сокинликни чок-чокидан сўкуб юборди.

Чақалоқ юзига самодан толим нур ёғила бошлади. Кўрса бўлардики, у бир меҳрибон ҳовучда ётибдир. Қип яланғоч бадан ва уни тутиб турган ҳовуч нурдан ажиб бижирбижирга йўғрилган, Аёлнинг нозик билаклари чақалоқни кимгадир тутаётгандай эрди. Енга буриладир, бурилган сари ҳаволаб борадир. Чақалоқ қай тарафга тутилса, бир толим нур-да у билан бирга силжийдир.

Ниҳоят, янги меҳмон аёл ҳовучидан катта бошқа бир ҳовучга оҳиста ўтказиладир. У қўл-оёқларини питирлатиб биғиллаб йиғлар, йиғиси сеҳрли ҳам юракларни титратгучи эрди.

Самовий нур отанинг шод-хуррам чеҳрасини-да, қисман ёритадир. У чақалоқни юқорига тутганча аста-секин пиллапоядан кўтарила бошлайдир. Лаблари қимирлайдир, менга шундай бир улуғ неъмат ҳадя этдинг, энди тақдирини-да бергин, тангрим, дея Ҳақ таолога илтижо этаётгандай бўладир.

Теваракда ҳеч нимарса кўринмас, кўзга ғира-шира чалиниб турган зина поялари ер билан осмон ўртасида муаллақдай эрди. Қадам товушлари ва чақалоқнинг сеҳрли йиғиси ўзаро уйғунлашиб, кўнгилларни илоҳий ҳисга, илоҳий қудратга мойиллантирадир.

Бир пайт чақмоқданми ё самовий бирор тошнинг ёниб тушишиданми — дунё бир лаҳза кўзларни қамаштирадирган, қамаштириб кўр қиладирган ёруғлик ичида қоладир. Чақалоқ ҳам, ота ҳам, тубию тепаси кўринмас пиллапоя ҳам ёруғлик қўйнида эриб йитадир гўё. Аммо ёруғлик чатнаб бўлгач, шу сониянинг ўзидаёқ оламни яна қоронғилик қоплайдир ва борлиқ ҳар нимарса кўринмас бўладир.

Йиғи-да тинган. Тағин зулмат.

* * *

«Кеча кўзни юмиб ёруғлик истагандай қоронғи».

Бошсиз-адоқсиз саҳро бу сим-сиёҳ тун қўйнида ваҳимали кўринадир. Шамол зўрайгандан-зўрайиб борар, қоп-қора булутларнинг ларзон-ларзон кўрпаси тилка-пора бўлиб, саҳро узра шаррос ёмғирини қуяр эрди. Гоҳ Тур тоғи тепасида, гоҳ Нажд тоғи тепасида, гоҳ Мадина, гоҳ Қуддус томонларда чақмоқ чақиб, ўтлук сиртмоғини саҳро бўйнига ташлайдир, зулматдаги бу дунёни гўё бир лаҳзада бўғиб ёндириб юбормоқчи бўладир. Момақалдироқ еру кўкни зириллатар.

Хуллас, тун ғоят ваҳимали, шу ваҳимасию шу даҳдаҳаси ила андак сирли эрди. Дунё бамисоли тўлғоқда, бунақа безовталикдан сўнг гўё нимадир ўзгариш рўй берадигандай.

Аммо саҳро кимсасиз эмас. Бир шарпа зулматга бепарво, довулга қасдма-қасд кетиб борадир. Ярқираб чақнаган яшин ёруғида унинг дарвеш қиёфали киши экани билинадир. Узун, патила-патила сочлари ёмғирдан шалаббо, шамолдан елкаларига шап-шап урадир. Киши бир қўли ила салласини бостириб ушлаган, иккинчи қўли ила эса юз-кўзларини пана қилиб олган. Қаёққа кетаётгани маълум эмас, зулматда томонлар маънисини йўқотган, тўрт томони ҳам бир эрди. У онда-сонда тўхтаб, бирор нимарса кўриш илинжида атрофга аланглайдир, яна олға интиладир. Жандасининг барлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳўлдан кўпчиб, оёқларига ҳар урилганда билч-билч этадир. Ёмғир зарбига чидаб бўлмай қолдими, дарвеш шоша-пиша панажой қидиришга тушди.

«Кеча кўзни юмиб ёруғлик истагандай қоронғи».

Дарвеш эгнидан жандасини ечиб, саксовул шохларига ёйиб ташлади. Панасига энди кираётган эрди... шамол жандани шиддат ила юлиб олиб, тун қўйнига учирди. Дарвеш жон ҳалпида уни ушлаб қолмоқчи бўлди. Улгурмади. Бошидаги салласи ёйилиб тушди. Дарвеш саллани чангаллаганча, аламу изтироб ила қичқириб юборди:

— Бу тунми ё бало даштининг қора кунимми? Қаерга қадам қўймайин, офат! Бу зулмат водий қандай водийки, дағдағаси нафас йўлимни бўғадир?!

Дарвеш нидосини тўхтатиб улгурмасидан қоронғи осмон бағрига қилич сермагандай ярқ этиб чақмоқ чақнади, кетидан гўё осмоннинг ўша тилинган жойидан чиқаётгандай, гулдурос бир инсоний товуш кела бошлади:

— Бу ер ишқ даштидир. Сен кўраётган бу яшинлар ишқ ўти, бу момақалдироқлар ишқ ҳайқириғи, бу ёмғирлар ишқ кўзёшларидир. Дунё яралгандан бери бу водийда бир кишигина яшади. Унинг вужуди ғам тупроғию ғам селидан ясалган, мангалайига ишқ ўтию ишқ ели битилган эрди. Эл ичра Мажнун эди сифоти, Лайли эди анинг ишқи балоси... Нечун ҳайрон бўласан, одам?! Тангрига ишқи тушганларнинг саргузашти ҳам ўзгача кечади.

Дарвеш борлиқни унутиб, ғойибдан келаётган бу товушдан ҳайратда ҳам даҳшатда, анграйиб осмонга қараб қолган эрди.

* * *

Аср билан шом ўртаси. Ҳаво очиқ. Кун дами хийла кесилганига қарамай, барибир иссиқ.

Қайс югурмоқдан бери бўлиб, юзлари кўпчиб, адир ёқалаб тушиб келаётир. Атроф сокин, манзаралар бениҳоя гўзал, аммо Қайс буларга бепарво, унинг фикру ўйида бошқа нарса, шу бошқа нарсадан ҳаяжонлари туғёнда — у севиклиси Лайлини кўриш, бир оғиз ёқимли сўзини эшитиш илинжида олдга ташланар эрди. Бир овоз келардики, унинг юрагидан чиқяптими ё ғойибдан келяптими — билиб бўлмасди:

— Эй ишқ...
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти, ёр топти...

Рўпарадаги адир ортидан Лайли чиқиб келар эрди. Унинг-да юзлари ҳаяжондан лов-лов ёнар, унинг-да кўзларида қувонч, соғинч ва интиқлик. Қайсга кўзи тушиб, бир сония одими секинлашди. Сўнг...

...Лайли у тарафдан, Қайс бу томондан бир-бирларига талпиндилар. Ғойибдан келаётган товуш энди иккаласининг юрагини шарҳлай бошлади:

Е раб, мени дардманди маҳжур
Ким ишқ ўти жоним этти маҳрур.

Бу ўтдин кўнглим этма маҳзун,
Бал шавқини қил дамодам афзун.

Ошиқ-маъшуқ сойлиққа тушиб келишди. Бу ердан бир зилол ариқча оқиб ўтган эрди. Сувнинг жилдирашига икки севишганнинг ҳансирашлари, шип-шип қадам товушлари ғоят монанд келиб, майса тиллари Лайли ила Қайс оёқларини майин қитиқлаётгандай, бу монандлик бизларнинг-да, хаста юракларимизни қитиқлар эрди.

Ораларида масофа жуда яқин қолганда Қайс:

— Лайли! — деб икки қўлини олдга чўзди.

Лайли ҳам ихтиёрсиз икки қўлини олдга чўзиб:

— Қайс! — деди.

Қўллар чирмашди. Таналарда ҳарорат кўтарилгани боис нафаслар оловга айланди.

— Лайли!..

— Қайс!..

Қайс тўлиб, нидо қилиб юборди:

— Ул ой бу телба била ёрму экин оё? Замири ичра ғамим борму экин оё?

Лайли-да тўлиб жавоб айлади:

— Мен ул тараф боролмон, кўнгил кела олмас, Менингдек ул даги беморму экин оё?

Қайс дилдорининг кўзларига тикилди. Айтилганларнинг тасдиғини топмоқчи бўлди гўё.

— Сўзларингни ҳар гал эшитганимда кўнглим умидларга тўладир, — деди. — Аммо... тобора сабрим чидамас: бу азоблар қачонгача?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лайли кўзларини олиб қочди. Балки бу ҳаёси ила ошиғининг юрагини баттар ўртамоқчи бўлди.

— Ҳали эрта эмасми? Ҳам... Тангрининг марҳамати ила... ихтиёрим ота-онам-дадир.

Лайлининг бу озгина эркалик, озгина хавотирлик ила айтган сўзлари Қайснинг туйғуларини жунбушга келтирди:

— Тангрим шунча вақтдан бери иккимизнинг сабримизни синади. Энди ота-оналаримизга билдириб қўйишимиз жоиз. Иншооллоҳ, эртагаёқ совчи юбортираман!

Лайли не деярини билмай, каловланиб қолди...

* * *

...Энди Лайли ила Қайсни сал муддатга шу ерда қолдирайлик-да, ўзимиз Лайли қабиласига кўчайлик. У ёқда бу ердагидан ўзгача ҳол рўй бермоқда эрди.

...Ҳай хонадонида зиёфат. Қабиланинг эътиборли кишилари даврада қўр тўкиб ўтиришибди. Мезбонни санамаганда, жами етти киши. Бирлари саллали, бирлари матони бошга ташлаб олган, лекин ҳаммалари соқол-мўйловли. Энг ёши элликлар атрофида, энг кексаси саксондан ҳам ошган.

Дастурхон тўкин: қайнатилган гўштлар, нон, хурмо ва ҳоказо ноз-неъмат меҳмонларга мунтазир. Ҳай пойгаҳда ўтирибдир.

Меҳмонлардан энг кексаси суҳбат мавзуини ўзгартириб, Қайс тўғрисида сўз очди:

— Кўшни қабила бошлиғи Омирнинг Қайс исмли ўғли борлигини биласизлар. Илму ҳунарни бизнинг қабилада олган. Ҳам олим, ҳам шоир бўлиб етишувди. Шу шўрлик ақлдан озиб, кўпдан бери дашту саҳроларда фиғон тортиб юришни одат қилибди.

Меҳмонлардан яна бири ўтирганларга бир-бир қараб олиб, деди:

— Ҳа... эшитишимизча, паришонлиги чексиз, девоналиғи беҳад зўрайганмиш.

Ҳай юзида ачиниш аломатлари кўринди.

— Ҳей, бечора! Уни кўп мақташар эрди... кўз тегдимикан? Эсимда, назокатли йигит эрди. Келиб, Лайлининг устозидан таълим олган... Ақли расолиги ҳаммани ҳайратга соларди-ку... Омирнинг Тангридан тилаб олган ёлғизгина ўғли-я... Шўрпешона ота-онанинг ҳоли не кечаётган экан энди?

Меҳмонлар зимдан бир-бирларига қараб олишди. Бири томоқ қириб дедики:

— Аммо... эл орасида шундай овоза тарқалганки, унинг ақлу ҳушини бир ишқ ғаму балоси, яъни бир гўзалнинг ҳавоси ўғирлаган эмиш...

Ҳай ҳамон ҳеч нарсадан бехабар, Қайснинг тақдиридан юраги ачиётган эрди.

— Қайси гул иштиёқи уни бу ҳолга солибдир? Унинг сиғинадигани қайси қабила экан? — деди ташвиш чекиб.

Яна кекса меҳмон сўз олди:

— Эй, муҳтарам зот! Модомики сен сўрадинг, айтмасак бўлмас. Қайснинг ишқи яхшими-ёмонми, билмаймиз. Бу даштда қабила кўп, аммо халқ бизнинг қабилага нисбат бермоқда. Табъининг нозиклиги, назмининг гўзаллиги сенга ҳам маълумдир. Унинг шеърларида бир исм кўп такрорланадики, уни айтишга журъатимиз етмайдир.

Кекса меҳмон Ҳайнинг юзларига синчковлик ила тикилди. Ҳай тушунди. Ўйланиб қолди. Меҳмон сўзида давом этди:

— Қайснинг очиқдан-очиқ бундай қилиб юриши шу чоққача иффат ҳарами бўлиб келган қабиламиз шаънига дуруст эмасга ўхшайдир. Биз билганларимизни айтдик, бу ёғи сенинг ихтиёрингда...

Орага оғир жимлик чўкди. Ҳай ичдан зил кетиб ўтирибдир. Юзига тер чиқди. Кўзи қисилиб, бояги ачиниш ҳиссининг ўрнини аста-секин ғазаб эгаллайверди. Ўрнидан турди. Тасбеҳини ўгириб, эшикка яқин борди. Машварат аҳлига ёнлама турганча, нигоҳларини тирқишдан тушаётган бир тасма нурга қадаб, гулдурос товуш ила сўзлай бошлади:

— Омирга бориб айтингларки...

* * *

...Лайли ила Қайс бу гаплардан мутлақо хабарсиз, висол дамларидан маст, ҳамон ариқча бўйида бир-бирларига тўймай туришар эрди. Қайс нимадир деган шекилли, жавобига Лайли назокат ила оғиз жуфтлади, аммо сўзлашга улгурмади. Қабила томондан ҳаллаклаб бир ит келиб қолди. Лайли қараб, итини таниди. Ҳайрон бўлиб яна Қайсга ўгирилди. Шунинг баробаринда орқадан аёл кишининг ишора йўтали эшитилди. Лайли тағин ортига қарашга мажбур бўлди ва бута панасида турган доясини кўрди.

Ит Лайлининг оёқларини бир-икки искалади-да, шу атрофда тимирскилана бошлади.

Лайли хавотирланди.

— Уйда бирор гап бўлган кўринадир... мен борай, — деди ва секин тисарилди.

Қайс айрилиқ онларининг яқин қолганини ҳис қилиб, оҳ тортди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дилрабо, сендин бу ғамким менда бордур, кимда бор? Фурқатингдан бу аламким менда бордур, кимда бор?

Лайли индамай кета олмади. Бир лаҳзага тўхтаб, булбулининг бу нидосига-да, муносиб жавоб айлади:

— Кўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ, Бўйла ишқи пок ҳамким менда бордур, кимда бор?

Ит товуш чиқарди. Лайли тобора тисарилаверди. Висол қисқа бўлди, ҳар икки кўнгил ҳам тўймади. Соғинчлар аримади. Қайс телбаланди:

— Лайли!.. — деди.

Лайли-да ўртанди:

— Қайс... — деди.

Қайс бунда зор қолди, Лайли қабила сари лол қайтди. Начора.

* * *

Омир қабиласидан тўрт от ва бир туя сафарга шай. Туя ўркачида гилам хуржун, иккала кўзи совға-саломдан қаппайиб турибдир. Хизматчилар от айилларини тортиб-тортиб қўйишди. Хуржунни-да тўғрилаб қўйишди.

Бу тараддуддан мурод — Қайснинг тоғаю амакилари совчиликка отланишган эрди. Бировининг қўлида кичик сандиқча. Тевараклари ўн-ўн беш эр-аёл куймаланиб юришибдир. Омир дуога қўл очди:

— Тангрим, шу яккаю ёлғиз ўғлимнинг бахтига совчиларимни қуруқ қайтарма! Омин!

Отларга минилди. Секин йўлга тушилди. Омир, она ва бошқа қавму қариндошлар совчиларни то қароргоҳдан ташқари чиққунча кузатиб боришди. Энг орқада соч-соқоли баттар ўсиб кетган Қайс келар эрди.

Рўпарада отини учириб келаётган бир чавандоз кўринди. Совчилар Омирга, Омир хотинига, у эса негадир беихтиёр ўғли Қайсга қараб қўйди.

Қайс ўзи билан ўзи бўлиб келар эрди, шу боис чавандозни пайқамади.

Бу палла отлиқ етиб келиб, тизгинни тортди. От пишқириб, тўхтади. Чавандоз бир зум нафас ростлаб турди-да:

— Омир қабиласидан эмасмисизлар? — деб сўради отдан тушмаёқ.

— Омир қабиласиданмиз, — деди совчилардан бири.

— Омирнинг ўзи қани?

Ҳамма Қайснинг отасига қаради. Омир шўрлик кўнгли бир шумликни сезиб, аммо ўзини вазмин тутиб, аста отлиққа пешвоз чиқди.

— Хуш кўрдик, меҳмон, — деди тавозеъ ила.

Чавандоз қаршисидаги одам Омир эканини билиб, аммо унинг такаллуфига парво қилмай, деди:

— Сизга мактуб келтирдим. Камина Ҳай қабиласиданман.

От гижинглаб, турган ерида ҳар томонга юлқинар, сапчиб, учаман дер эрди. Бунга сари совчиларнинг отлари ҳам безовталана бошлашди. Элчи тизгинни торта-торта, озгина салобат ва озгина кибр ила қўйнидан ўрама мактуб чиқарди ва негадир уни Омирга бермай, ўзи ўқишга тутинди:

«Эй, муҳтарам Омир, эл оғзида тарғалган афсонага сен сабаб бўлишинг қизиқ туюлди. Бундай ҳоллар сенга ҳам, менга ҳам муносиб эрмас. Шаён-шавкатимни ва элдаги обрўйимни биласан! Эл ўғлингни Мажнун дейди, наҳот менинг қизим шундай жиннига лойиқ бўлса?!»

Мактубнинг таъсирини билмоқ қасдидами, элчи бир-бир атрофдагиларга қараб чиқди.

Омир кутилмаганда бошига гурзи егандай карахт. Она кўзларида ёш ғилтиллаб, мана-мана, фарёд чекишга тайёр. Совчилар отлари бошини орқага буриб, эшитганларига ишонмай туришибдир. Қайс-да энди воқеага тушунган, нигоҳи ер чизар.

Элчи мактубнинг давомини ўқиди:

«Бу сўзларим етгач, ўғлингни тизгинлаб ол. Ахир Лайлим у девонага ҳайф. Девонага бойлик эмас, вайрона керак! Шундай номуносиб ишнинг ошкора ҳолда эканини билсанг ҳам шу чоққача бирор чорасини қилмай келаётганинг менга ғалати туюладир...»

Элчи мактубни яна ўради-да, Омирга узатди. Омир довдираб қолган эрди. Қошлари пирпираб учадир, лаблари тинмай дириллайдир. Юзи бўзариб кетган. Мактубни олди-ю, нима қиларини билмай тураверди. Совчиларнинг ҳам бошлари эгилди.

Қайс ерга ўтириб қолган, ўзини босолмас, юзини чангаллаб, ғижимлаб борадир.

Элчи хайр-маъзурни насия этиб, аллақачон отини чоптириб кетган, булардан тобора узоқлашар эрди.

Тирноқларини қаттиқ ботириб юборган чоғи, Қайс юзларидан қон чиқиб, панжалари орасидан сизиб оқадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кучсизгина гармсел саҳро қумларини теваракка учириб ўйнайдир. Бош кўтарибоқ қуриб қолган майсаларнинг қовжироқ баргларини, чакалакларнинг шохларини дириллатиб, ғувиллайдир. Кун ғоят иссиқ. Ҳавода сароб живирлайдир.

Олисдан келаётган: «Қа-а-йс! Қайдасан, Қа-а-йс-с!» деган чақириқлар тобора баландлаб, тобора яқинлаб эшитиладир.

Бир эчкиэмар олд оёқларига таяниб, бўйнини чўзиб, овоз келаётган тарафга хавотир ила қараб турар.

Қум узра бир дайди қамғоқ думалаб-думалаб юрадир.

Осмонда калхат қанотларини кенг ёйганча, бир жойда айланадир.

Қумтепа ортидан изловчиларнинг аввал бошлари кўринди, сўнг отлиқлар бор бўй-бастлари билан чиқиб келдилар. Саробнинг бижир-бижирида улар ҳам худди саробдай бижирлаб, кўзга ғалати кўринадирлар.

Тўрт отлиқдан бири узангига тик туриб, яна чақирди:

— Қа-а-йс-с!

Саксовулнинг ола соясида Қайс ётибдир. Ҳушсизми, ухлаб қолганми — билиб бўлмайди. Кўйлаги этакларини, оёқларини кўчманчи қум кўма бошлаган. Ўсиқ сочлари шамолда хиёл юлқинадир. Ўнг қўли қорни устида, чап қўли ёнга ташланган. Танасининг ярми қум ичида.

Отлиқлардан бирови шу томонга кўзи тушган заҳоти:

— Ана Қайс! — деб қичқириб юборди.

Шериклари ҳам саксовул тагида ётган кимсани кўриб, йўлни бурдилар ва Қайс сари от қўйдилар.

Қайс чўчиб уйғонди. Тапир-тупур от қўйиб келаётганларни кўриб, бир муддат анграйиб ўтирди, кейин дик этиб ўрнидан турди-да, орқасига қарай-қарай қоча бошлади.

Отлиқлар ҳайрон. Ночор орқасидан қувишди. Икки ёндан сиқиб келишди. Етиб, отларидан тушгунларича бўлмай, Қайс яна нари кетиб қолди.

— Е раббим! У чиндан ҳам мажнун бўлиб қолибди, — деди изловчилардан бири. — Тутинглар!

Йигитлар Қайсни тутишди. Аммо у ҳамон қаршилик қилар, юлқиниб қўлдан чиқиб кетмоқчи бўлар эрди. Ҳаракатлари, кўз қарашлари телбавор. Ниҳоят, унинг қаршилигини енгиб, маҳкам ушлашди. «Тутинглар!» деб амр қилган йигит унга яқин келиб, юзига тикилди.

— Нимага биздан қочдинг, Қайс? Неча кундан буён сени излаймиз.

— Отангни, онангни ўйламадингми?..

Қайс жавоб беришни истамагандай юзини кескин бурди...

...сал ўтмай отлиқлар келган йўлларига қайтар эрдилар. Қайсни бир йигитнинг орқасига мингаштириб, арқон ила чирмаб боғлаб ташлашган, гавдаси тик бўлгани билан боши гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга чайқалиб, ликиллаб борадир.

Қумтепа ортига ўтиб, отлиқлар кўздан ўчдилар.

* * *

Катта хона. Ўртада оёқларини кериб, Мажнун ўтирибдир. Озиб-тўзиб кетган. Онаси нам латта ила унинг юзидаги терларни артар. Мажнун қилт этмас. У сезмас гўё. Ўн чоғли эр-аёл уни қуршаб олишган. Улар совчи бўлиб йўлга чиққан амаки-тоғалару амма-холалар. Ота бир чеккада. Соқолини тутамлаган. Урай деса, ёлғиз фарзанди.

Қариндошлар аямай тергашар:

— Бундай аҳвол сенга нима ҳавас?! — дер хола.

— Ҳавас бўлса, шунчалик ҳам бўладими? — дер амма.

— Дастингдан хонадонимиз маломатларга қолди! — дер амаки.

— Эркалатиб юборилган ўзи бу! — дер тоға.

Бу дағдағалар Мажнунга сира таъсир қилмас. У хотиржам.

— Эл қони аёғларинг хиноси, Ким жоним аёғларинг фидоси, — деб юборар у ихтиёрсиз ҳолда.

Қариндошлар баттар тутаб кетишар.

— Кўрмадингми, ўша «аёғига бош қўядиганинг»нинг отаси номусимизни ер бирла битта қилди-ку! — дер амма.

— Суйкалмачоқ! Сендан бошқалар ишқ дардига чалинмабди-да! — дер хола.

— Қулоғига яхшилаб панд-насиҳат қилиш керак! — дер тоға.

— Э-э, шу жинни насиҳатга юрадими? Бунинг оёғига кишан солиш керак, кишан! — дер амаки.

Мажнун жаҳд ила ўрнидан турди. Ҳозиргина уни тергаб-пўписалаб турганлар, ажабки, беихтиёр бир қадамдан ортларига тисланишди. Ўртада йўлак очилди. Мажнун шу «йўлак»дан ўтиб, остонага қараб юрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар қоним тўкулса, жоним қабиласиға садқа! — дея шивирлаб, ташқариға чиқди.

Қариндошлар қаҳр-ғазабларидан айрилиб, биров уларни жодулаб қўйгандай оғизлари ланг очилиб, Мажнуннинг орқасидан лол қараб қолаверишди.

Ота ҳушига келиб, бирдан дарғазаб қичқирди:

— Ушланглар уни!

Амаки бирла тоға ҳовлиқиб ташқари отилишди. Ота уларнинг кетидан вазмин оҳангда буюрди:

— Занжирлаб ташланглар!

* * *

Мажнун отхона ўртасидаги йўғон устунга занжирбанд этилган эрди. Нарироқдаги устунларга отлар боғланган. Отлардан бирови Мажнунга ҳайрон қараб турибдир. Мажнун ёноқлари нам. Ичига уриб кетган кўзлари маъносиз боқар.

Табиб кирди. Ҳовлиқма киши эркан, келасолиб, Мажнуннинг нақ тумшуғига тумшуғини тираб, юзига, кўзларига тикилди. Орқага тортиб чандилган қўлидан ушлаб, томирини пайпаслади. Кўкрагига қулоқ солди. Мажнун ғижиниб, бошини бурди.

Табиб унинг иягидан ушлаб ўзига тўғрилади-да, қабоқларини кериб кўрди, нимагадир лабларини йириб, тилини ҳам текширган бўлди.

Мажнун ух тортди. Табиб унинг кўкрагига шапалатиб:

— Ҳадеб фиғон чекаверма! — деди ҳиринглаб.

Сўнг латтага ўроғлиқ аллақандай чўпларни очаркан, ўзича минғирлайверди:

— Ҳозир инсу жинсларингни қувиб юборамиз... Мана, мана...

Мажнун ҳазин жилмайди. Табиб эса:

— Мана... Мана... ҳозир ҳайдаймиз, — дея олдинига аста-аста, кейин қаттиқроқ қилиб, Мажнуннинг қорнига, елкаларига дастачўп ура кетди. Юмуши беҳуда эканидан табиб берилиб ишлар эрди. Мажнун тек туриб берди.

— Қоч, бадбахт! Қоч, ярамас! — дерди табиб.

Кейин уришдан тўхтади. Чўпларини тағин латтага ўради. Мажнунга:

— Ҳадеб дод-вой қилаверма энди! — деди-да, ивирсиб, ташқари чиқди.

Отхона эшиги ғичирлаб очилиб, ёпилди. Ташқарида Мажнуннинг отаси пойлаб турган чоғи, табибнинг чиқасолиб унга айтган сўзлари эшитилди:

— Иншолло, отдек бўлиб кетади!

Шундан кейин қадам товушлари отхонадан узоқлашди. Мажнун ёлғиз қолди. Бу дардсиз табибни у шу заҳоти унутган, ўй-хаёли аллақачон Лайли томон учган эди. Шунданми, севиклисининг бир пайтлар боғда айтган сўзлари қулоқлари остида жаранглагандай бўлди:

«У қандай гул эканки, шундэй йигитнинг шодлигини тортиб олиб азобга солса-ю, ўзи бунга парво қилмаса?!»

Мажнун аланглаб, ғира-шира отхона ичидан Лайлисини излади. Овоз хаёлида жаранглаганини англаб, хомуш тортди. Тура-тура, тақдирнинг антиқа ўйинларидан, телба дунёнинг телба-тескари ишларидан кулгиси қистади. Аввалига секин-секин, кейин хохолаб кула бошлади. Ўзи куладир, кўзларидан ёш оқадир. Жисми куладир, юраги нола қиладир. Жунун қўзғаган бу антиқа қаҳқаҳа ахийри тор отхонага сиғмай қолди: эшикни ғичирлатиб очиб, ташқарига-да сочилди. Эшик тағин ғичирлаб ёпилди.

Дунё айланар, Мажнун шу дунёни зириллатиб кулар. Ичкаридаги отлардан бирови кишнар. Сал дамдан кейин Мажнуннинг кулгиси пасайди, охири тинди. Қаҳқаҳа от кишнашларидан сўнг оламга бирдан чўккан жимлик-да мажнунона эрди гўё.

Мажнун дона-дона қилиб, ўзига ўзи сўзлай бошлади:

— Мен хастани яратиб, балоларга дучор этишдан қисматнинг мақсади не эркан? Жисмимга руҳ бермаса не эрди?.. Воҳ! Ишқ балоси етмагандай кишини занжирбанд қиладилар, яна бошига табиб келтирадилар...

Мажнун танасида бор мадорини йиғиб, бир-икки юлқинди. Занжир шарақлади.

— Эҳ, мен даҳрда бир заиф хасмен, Ким жисмда хасча ҳам эмасмен, — деди хўрсиниб.

Бунга жавобан ғойибдан гулдурос бир товуш келди:

— Ўзлукдин ўзунгни айла озод, То дашти фаноға киргасен шод.

Мажнун занжирни шарақлатиб, тағин юлқинди. Ичкарида қуш ин қўйган экан, бу шарақ-шуруқлардан чўчиб, пар-р этиб учиб кетди.

* * *

Ҳай қабиласида меҳмондорчилик. Вазиятдан Ҳай меҳмонларни муносиб кутиб олгани сезиладир. Ул-бул егулик ҳануз кириб турибди.

Меҳмонлардан улуғи муддаога кўчди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келишимиздан мақсадимизни сезгандирсиз, эй, муҳтарам Ҳай? Хожамиз Ибн Саломнинг ишқи қизингизга тушибди, қариндош бўлайлик деб келдик.

Ҳай такаллуф қилди:

— Хуш кўрдик... хуш келибсизлар.

— Ибн Саломни таърифламаймиз, ўзингиз ҳам биласизки, оқилликда, ўктамликда, бойликда араб қабилалари орасида тараф йўқ. Биз эшитдикки... — деб гапирувчи зимдан Ҳайга синовчан назар ташлади. — Биз эшитдикки, Қайс исмли бир мажнун Лайлига кўнгил боғлаганмиш, аммо... Ибн Салом қаёқдаю Қайс қаёқда!

Ҳай Қайс номини эшитиши билан гапирувчига қаради. Бир оз ўйга толиб, чамаси иккала харидорни тарози паллаларига солиб турди-да, чиройи очилди ва:

— Тангри мадад берсин. Агар Ибн Салом менга ўғил бўлиш тилагида эркан, мен ҳам унга ота бўлайин. Бебаҳо дурим унинг бошидаги тожга зийнат бўлсин, иншооллоҳ, мартабаси ҳам баланд бўлғусидир, — деди тавозеъ бирла. — Лекин... Ибн Салом андак сабр қилиши лозим, ҳали бу умид ниҳолим ёш... ҳам озгина бетоброқ. Юрагидан дардлари кетиб, соғайсин, сал бўйга етсин, ана ундан кейин у азиз фарзанд қандай орзу-ҳавасда бўлса, келсин-да, орзуига етсин. Бизнинг жавобимиз шу, азиз меҳмонлар.

Жавоб мужмал бўлса-да, совчиларни ҳарқалай қувонтиргулик эрди. Мўйсафид дуога қўл очди:

— Илоҳи, бахтлари очилгани чин бўлсин!

Ҳамма юзига қўл тортди.

* * *

Орқасига катта ёстиқ қўйилиб, қадди ним кўтарилган ҳолда Лайли ётибдир. Рангининг сўлғинлиги — бетоблигидан. Уни йўқлаб тўрт-беш дугонаси келган, ҳаммалари Лайли теварагида гиргиттон.

Бирови Лайли қулоғига нимадир деб шивирлайдир, ўзи шарақлаб куладир. Лайли синиқ жилмаядир.

Шу палла чодирга бир букри кампир кирди. Юзидан бошқа жойлари рўмол ила танғилган, аммо чеккасидаги оппоқ сочлари хиёл чиқиб турибдир. Юзи серажин. Тепа лабида яккам-дуккам тук кўринадир. Лунжининг қапишганидан билса бўладики, битта ҳам тиши йўқ. Кўйлаги қопдай.

Қизлар ажабсиниб уни томоша қилишди. Лайли бошини хиёл кўтариб, меҳмон ҳурмати, илтифот кўргазди. Ўзини тутишидан, кампир бу хонадонга яқин эрди. Лайли бошига келаркан, йўлакай илжайиб қизларга фитнакорона кўз қисди, фитнаси ҳам ўзи каби беўхшов чиқди.

— Эй, суманбар қизгинам, ғам емагин, мана, анча соғайиб қолибсан. Бу ёқда... бахтинг ҳам очиладиган бўлиб турибди!..

Лайли ҳайрон, бир дугоналарига, бир кампирга қарайдир. Кампир суюнчилайдир:

— Ўзинг ҳуснда тенгсиз бўлганингдек, ёрликка ҳам кўнгилга ёқадигани битди, қизим. Ибн Салом бойликда ҳам, хайру саховатда ҳам етти иқлимга машҳур йигит!

Ўртада ўнғайсизлик вужудга келди. Лайли юзи тундлашди. Дугоналар бу хабардан севинишларини-да, севинмасликларини-да, билмай сарсон. Кампир астойдил ажабланди:

— Ий-й, нега шодланмайсан, қизим?— деди.

Лайли ўтли сўзлар айтиб, ғўдранди:

— Хабарингиз ичимни ёндирди, касалимни зиёда қилди, бошимни тошга уриш ўрнига қувонайми?!— деди-да... шартта ўрнидан туриб, бетоблигини ҳам унутиб, ташқарига отилди.

Чодирдан чиқиб, дашт томонга чопа кетди. Қаёқдандир пайдо бўлиб қолган доя таҳликада уни қайтармоқчи бўлди.

— Ҳай... ҳой, она қизим, тўхта! Хаста ҳолингда чопаяпсан?— дерди у тинмай.

Лайли тўхтамади, ортига-да қарамади, ҳаллослаб бораверди. Иситмаданми, ё югурганиданми пешонасига тер тепчиган, кўзёшлари сурмасини юзига ёйган эрди.

Доя унинг кетидан югургилади.

Қабила қароргоҳидан унча олис бўлмаган жойда бир туп хурмо дарахти бор эрди. Илонизи бўлиб кетган йўл (ёлғизоёқ) қочаётгану қуваётганни шу дарахт остига элтди. Доя Лайлига етиб, уни тўхтатди-да, маҳкам бағрига босди. Лайли йиғлар, ўзини боса олмас, доя унинг бошини, елкаларини силар эрди.

— Эй, аҳволим чорагари, менинг бор сирим сизга маълумдир,— дерди Лайли юраги тўлиб,— аммо ... менинг умрим хазондек соврулибди-ю, сиз буни мендан сир сақлабсиз?! Нега айтмадингиз, доя эна? Ҳолбуки мен... мен...

Юз-кўзларидан меҳр-мурувват ёғилиб турган олтмиш ёшлардаги бу ҳабаш аёл ҳозир Лайли изтиробига ўзини бирдек шерик ҳис қилар эрди. Хўрсиниб, деди:

— Дардингни зиёда қилмайин дедим, ойбекам. Айтганим билан қўлимиздан бир иш келмаса...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лайли бирдан бошини доянинг кўксига ташлади ва ҳўнграб юборди:

— Эй, фалак! Ҳолимга шикаст етказишдан муродинг нима? Мендай ёш новдага жафо тешасини тортиб юз бўлак қилдинг, яна уни бало ўтхонасига ташлаганинг нимаси?!

Доя зўр бериб, Лайлини юпатмоқчи бўлар, елкаларини силар, «ўзингни қийнама, қизим», дер, аммо Лайли тинмас. У ўзини доя кўксига босиб сўзлаётгани туфайли овози бўғиқ эшитилар, лекин шунда ҳам унинг нақадар дард ила фиғон тортаётгани яққол сезилар. Ниҳоят, бошини кўтарди. Терс ўгирилди. Ва... ажабки, ҳозиргина ўтли фарёд чеккан қиз энди мутлақо бўлак товушда, анча хотиржам, андак титроқ ила ғўлдирай бошлади:

— Бу хабарни Қайс эшитса, ҳоли не кечади? Ғамимда шунча жафо тортди, устига бу хабарни эшитса, бу ишга мени рози бўлган деб ўйласа... Юз минг ғамга чидасам ҳам, шунисига тоқатим етмас, доя эна! Фарёдки, ўлгудек ғамим бор, Тонг йўқ, гар ўзимга мотамим бор.

Лайли сўнгги сўзларини осмонга қараб айтди.

Осмон поёнсиз, ҳали қорайиб улгурмаган, ҳозирча бирорта юлдуз-да кўринмас, бўм-бўш эрди.

* * *

Отхона айланар. Йўқ-йўқ, отхона гардида дунё айланар. Ичкаридан занжирнинг ширқ-ширқ товуши чиқадир. Шунинг баробаринда Мажнун отасининг ҳам овози эшитиладир:

«Кўзим нури, ёлғизим! Сенинг бошингга тушган кулфатлар менинг юрагимни ўртамайди дейсанми? Жонингга шунча озор бердим, Тангри таоло мени жазосиз қўярмиди? Ахир, ҳеч жаҳонда гуноҳсиз ўғлини занжирбанд этган ота жазосиз қоларми?»

Отхона эшиги ўз-ўзидан ғичирлаб очилди. Отхона, йўқ-йўқ, дунё айланишдан тўхтади. Ва отхона ичкарисига бош суқди.

Ичкари ним қоронғи. Ота авайлаб занжирни бўшатаётир, ўғлининг кўзига қарамайдир. Мажнун-да уятда. Миқ этмайдир.

Занжир ешилиб бўлди. Аммо Мажнун худди устунга пайванд бўлиб қолгандай қимир этмас. Ота уни аста узиб, бағрига босди. Мажнун ҳам отасини қучоқлади.

Ота-бола шу ҳолда айланадилар. Йўқ-йў-қ, улар теварагида отхона айланадир. Отларнинг кўзи иккаласида. Жим.

Ота сўзлайверар:

— Ўғлим... тақдир чизиғидан қочиб қутулиб бўлмас... Тақдир Лайлининг бошига сени эмас... Ибн Саломни сайлаган эркан... биз не қила олар эрдик...

Отхона айланишдан тўхтади. Мажнун илкис отасига қаради. Ота ўғлининг кўзларида савол ва ғазаб аломатини сезиб, ўша маромда сўзида давом этди:

— Ҳа... Ибн Саломдан келган совчиларга Ҳай нон ушатгани чин...

Мажнун жим. Бир сўз демас. Отасига-да қарамас. Омир унга бир-икки зимдан назар ташлаб олди-да, муддаога кўчди:

— Ўғлим, ҳаж мавсуми келди. Онанг иккимиз кенгашдикки, муқаддас Каъба зиёратига борайлик, Тангри таоло йўлига қурбонлик қилайлик, сенинг саломатлигингни сўрайлик... Шояд мушкулларимиз осон бўлиб, хонадонимизга яна осойишталик қайтса...

Мажнун юраги йиғлар эрди.

* * *

Ойдин. Адирлар пўмпайиб, қорайиб кўринадир. Бирининг ёнбағридан Мажнун чопқиллаб тушиб келар эди, текисликка етиб секинлади. Саксовулларни оралаб, шохларидан юз-кўзини пана қилиб, олдга интилаверди. Осмонга қарайдир, йўлга қарайдир. Яна осмонга қарайдир. Осмон кенг, ой ёруғи боис юлдузлар заиф милтиллаб турадир.

Бир шох Мажнун елкасидан илиб қолиб, енгидан шапалоқдек қисмини йиртиб юборди. Мажнун ўнг қўли ила йиртилган жойни пайпаслаб қўйди-да, йўлида давом этди. Булоқ бошига етиб тўхтади. Тоқатсизланаверди. Кўзлари олазарак.

Ит ҳурди. Мажнун сергак тортди. Лайли келаётган бўлса шояд, деган илинжда қабила томонга баттар интиқлик ила тикилди. Ҳадеганда шарпа кўринавермади. Сал ўтмай таниш ит унинг ёнига чопқиллаб келиб қолди. Ит оёқларига суйкаладир, Қайс хавотирда, Лайлидан дарак йўқ. Ночор ит қаршисига тиз чўкди. Тўлқинланиб, бўйнидан қучди.

— Мунгли ноланг жонимга тиғ урди, ғамгин овозинг руҳимни музлатди, эй ёримнинг вафодори!— деб итнинг юнгларини силай бошлади.— Беканг нега келмади? Энди сира келмайдими? Нимага бекангни мендан ўзгага бериб қўйдинг, дўстим?

Ит гапга тушунаётгандей ғингшиди. Думини ликиллатди. Тумшуғини осмонга чўзиб, бир нола чекиб қўйди. Мажнун тақдирга тан бергандай эрди.

— Сен у манзилни макон тутиб, Лайли остонасига бошингни қўйгансан, кошки

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен сенинг бошингдан ўргулсам,— дея итнинг пешонасини ўпди.— Сен азизсан, мен хорман. Чунки сен ёр эшигида шодсан, мен айрилиқда ғарибман.

Итни қучоғидан чиқариб, қўймичини силади. Ит қандайдир бир товуш чиқардида, қабила сари чопқиллаб кетди. Мажнун унинг ортидан илтижо қилиб қолди:

— Эй, ғамгусорим, менингдек бир бенаво учун ҳам ёр даргоҳини кўзингга суртиб юр!

* * *

Боши-кети йўқ ўнқир-чўнқирли саҳро кун ботиш арафасида кишини ўзига ром қиладирган даражада бўлакча кўринадир. Ўн икки туя, етти от ва йигирма чоғли одамдан иборат кичиккина карвон бу манзарани жонлантириб, яна-да жозиба бахш этган.

Карвон бошида уч-тўрт эран пиёда бормоқда. Ҳамма иҳромда. Олдаги отда Омир узоқ-узоқларга қараб келадир. Учинчи туядаги кажавада Мажнун чайқалиб ўтирибдир. Ёндан эсаётган гармсел кажаванинг ҳарир пардаларини ҳилпиратадир. Мажнуннинг сочларини ҳар тарафга тортқилайдир. Бу ишқ девонаси бепарво, ўтиришидан кажавага бандлаб қўйилгандай кўринадир.

Бундан ташқари яна уч туяга кажава ўрнатилган бўлиб, улардан ҳар бирида икки нафардан аёл ўтирар. Туянинг юриш маромида кажава чайқаладир, ўтирганларни аллалайдир. Шамол уларнинг рўймолларини-да юлқиб-юлқиб қўядир.

Қолган туяларда юк, кўч-кўрон. Ортда келаётган отларда яна эранлар. Карвон кўзга ажойиб кўринадир. Бепоён қумда тартибли из қоладир, карвон ўтиши бирлан эса, из атрофидаги бўшаб қолган қумлар шамолда учиб-ўйноқлаб саҳрони тағин текислаш ила овора бўладир.

* * *

Кеча ойдин бўлганидан, осмондаги юлдузлар хира. Сорбон уларга зингил солиб қарай-қарай, йўл бошлаб кетаётир. Карвон улкан тоғ ёнбағридан бораётир. Атрофнинг сокинлиги шу қадарки, оту туяларнинг туёқ товушлари, ўрнидан қўзғотилган қайроқ тошчаларнинг бир-бирига урилиб чиқарган ҳағир-чуғури бу сокинлик қўйнида тиниқ эшитиладир. Энди ҳамма уловда, лекин кундузги тартиб ўзгармаган.

Тоғ ўз тинчини бузган бу тунги карвонни андак ҳайроналик, андак армон ила жим кузатиб қоладир.

* * *

Тонг. Карвон бир тепаликдан ошиб ўтаётган палла ўнг тарафдан қуёш юз кўрсатди. Олдинда эса, Маккаи мукаррама худди кафтда тургандай намоён бўлди.

Туяларни чўктирдилар. Ҳамма пиёда тушди. Иҳромларини тузатиб кетди. Эранлар Тангри таолога талбия айтиб, ниҳоясиз соғинч туйғулари ила барча олдга талпинди:

Лаббайка-аллоҳумма лаббайк,
Лаббайка ла шарийка лака лаббайк,
Иннал ҳамда ва-н-неъмата, ла ка вал мулк.
Ла шарийка лак!

Бошқа адир орқасидан тағин бир карвон чиқиб келди. Нарироқда яна битта тўда шаҳарга кириб бормоқда эрди. Ҳамма талбия айтадир. Овозлар жўр бўлиб, кўнгилларни эритиб юборадирган оҳанг вужудга келган. Талбия қайта-қайта уланиб, такрорланаверадир. Ирмоқлар қўшилиб дарё ҳосил бўлгани каби, ҳар томондан ҳожилар ирмоғи катта окимга қўшилиб бораверадир.

Жўровоз талбия бунга сари қудратли илтижо тусини оладир:

Лаббайка-аллоҳумма лаббайк,
Лаббайка ла шарийка лака лаббайк,
Иннал ҳамда ван-неъмата, ла ка вал мулк,
Ла шарийка лак!

Сон-саноқсиз чодиру уйлардан иборат шаҳар кўчаларига одам демагани сиғмай кетган. Қимирлаган жон борки, у тараф-бу тараф юрадир. Ғала-ғовур. Кимлардир от ё туя етаклаб ўтадир.

Бир одам тирсагига қорамтир матони ёйиб, бир учини харидорнинг қўлига тутқазиб, савдо қиладир. Ёш бола кўзачада савоб тилагида сув (ҳожиларга) тутиб юрар. Бу ерда араблардан ташқари румликни ҳам, эрону туронликни ҳам, ҳабашу занжини ҳам учратиш мумкин эрди.

Омирлар карвони оломонни ёриб ўта бошлар. Аёллар кажаваларга чиқиб олишган. Мажнуннинг онаси тинмай тасбеҳ ўгирадир. Рўмолини икки қулоғидан тортиб, юзини тўсиб олган, тасбеҳ айтаётганида нафас эпкинидан рўмолининг ўша жойи туртиб-туртиб қўйилгандай бўладир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Омир таниса-танимаса, ўтган-кетганга салом бериб борадир. У ғоят ҳаяжонда, ҳам севинчда. Шу дамгача тортган уқубатларию йўл чарчоқлари унут бўлган гўё. Юзидан нур ёғиладир. Ора-чира орқасига қараб қўядир.

Мажнун-да ўзини онадан қайта туғилгандай ҳис қиладир. Зеро, Мажнуннинг мажнунлиги ҳам Тангри таолонинг ишқи биландир.

* * *

Тун қўйнида чодирлар шаҳарчаси чиройли кўринадир. Машъалалар ёқиғлиқ. Ичкарилардаги шам ёхуд жинчироқ ёруғлари чодир деворларини кечадан ажратиб, хиёл нурлантириб турадир. Қарийб барча чодирда такбир айтилаётир ва бу такбир садолари шаҳарчанинг қоронғи осмонида тўлқин-тўлқин бўлиб сузиб юрадир:

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар,
Ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар.
Аллоҳу акбар ва лиллоҳил ҳамд...

* * *

Каъба ниҳоятда улуғвор эрди. Баландлиги, ғиштларининг катталигидан ташқари ер юзидаги дастлабки уй сифатида Одам алайҳиссаломдан, ҳозирги кўринишида эса, Иброҳим алайҳиссаломдан қолгани ҳис қилинса, унинг улуғворлиги, юракларга таъсири чандон ортадир.

Одам кўп. Ҳар ким ўзи бирлан ўзи: тартиб ила айланар. Каъба бурчагидаги Ҳажарул-асвадни (Қора тошни) галма-гал тавоф қилар.

Навбат Омирга келди. Ота сидқидилдан тошга пешонасини суйкаб, уч бор ўпди. Лаблари пичирлар, мижжалари нам эрди. Кетидан Она сиғинди. Тошни ушлаган қўлларини юзига суртиб, у ҳам ўпди. Ниҳоят... Мажнун аъзойи бадани титрайдир. Юзи қип-қизил. Тошга рўбарў келганда, ютоқиб бир қараб чиқди-да, кўзларини юмиб, тошга лабларини босди. Нафасини ичига ютиб, андак шу ҳолда туриб қолди, сўнг бирдан оёқлари мажолсизланиб, шалпайиб туша бошлади. Ортида қабиладошлари бўлмаганда, ерга қулаши аниқ эрди. Улар Мажнунни қўлтиғидан олиб, беш-олти қадам суяб бордилар.

Мажнун ҳуши ўзида эрди. Шундай бўлса-да, унинг ҳолсизланишини ҳушдан кетиш деб ғумон қилган қабиладошлар дарҳол унинг теварагига тўпланишди.

Мажнун эса, аста-секин тетиклашиб, қабиладошларининг муҳофазасидан чиқди ва шу ергаёқ тиз чўкди. Лаблари хиёл очиқ ҳолда титроқ қўллари дуога кўтарила бошлади. У ўзини ёлғиз Тангри қаршисида тургандай ҳис этиб, муножот қилаверди.

Зиёратчилар ҳам беихтиёр унинг кетидан тиз чўкишди ва дуога қўл очишди.

— ...аё ҳакими доно,
Ҳар ҳукмда ҳокиму тавоно!

Эй ишқ ўтин айлаган жаҳонсўз,
Андин мени нотовонни жонсўз,—

деб фиғон тортадир Мажнун. Ҳар бир сўзи юрагидан чиқаётгани боис, овози ғоят жозибали эшитиладир.

— Эй урғон ул ўтни ҳирманимга,
Ҳирман неки, жон ила танимга!

Тангри ишқи унинг дардманд юрагини сел қилиб юборган, кўзидан ёши тинмас эрди.

— Эй, ишқ ангаким мулозим этган,
Ҳижрон ўтин анга лозим этган!
Ишқ ичра букун мани шикаста,
Келмиш мен асиру пойбаста...

Шуларни айтаётганида Мажнун кўзини очди. Дуога ёйилмиш қўллари ортида бор бўй-басти ила намоён бўлиб турган байтуллоҳга соғинч ҳисси жўш урди. Айни чоқда Каъбанинг салобати унинг кўнглига ваҳима ҳам солар эрди. Бир лаҳза тин олиб, сўнгра тағин давом этди:

— Эл менга юз мунча азоб берса ҳам, мени бу йўлдан қайтарма, минг мунча азобларга мени қолдирма!

Омир ҳам дуога қўл очган, аммо нигоҳи Каъбада эмас, ўғли Мажнунда эрди. Кўзларида хавотирлик.

Мажнун овози эса тобора теваракни тўлдириб борар, орқасида ўтирган юзга яқин одам бири ҳайроналик ила, бири маҳлиё бўлиб, яна бошқаси қизиқсиниб, воқеанинг давомини кутар эрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўнглумни ғам ила тўқ айла, ё раб! Ишқ ичра мени йўқ айла, ё раб!

Онанинг боши эгик, бели қарийб букчайган, ўғлининг илтижоларига очилган мурод қўллари шундоқ тиззасининг устида... — Менга ишқни унутгин, Лайли ғамидан йироқ юр, дейдилар. Ё Тангрим, бундай деювчилар нима қилаётганларини ўзлари билмайдилар, уларни афу эт!

Орқадагилар Мажнуннинг ҳар илтижосига «Омийн» деб ўтиришар, Мажнуннинг дарди ўзларига илоҳий ишқ лаззатини теранроқ англатаётгани боис бу дамларнинг узоқроқ чўзилишини исташар эрди гўё.

— Лайли дардини нажотим эт, илоҳи! Лайли ёдини ҳаётим эт, илоҳи! Дардимга хаёлини табиб эт, жонимга висолини насиб эт!

Кўзидан оқаётган ёш сели иҳромини ҳўл қилиб юборган. Тинмас.

— Тангрим, бошимга меҳрингни абадий қил, қалбимга ўзингдан ўзгани раво айлама! Ишқингсиз мени бир дам этма мавжуд, бор бўлсам ишқсиз, айла нобуд!.. Омийн.

Бирдан «Омийн!» деган ёқимли хитоб янгради. Сўнг одамлар қўзғалди. Мажнун орқадагиларга бепарво, юзига қўл тортаркан, вужудини йўқдай ҳис қилди. Гўё сел бўлиб оқяпти, оқяпти... Ниҳоят, икки қабиладоши келиб қўлтиғидан тутгандагина ўзига келди ва Тангри висолидан айирганлари учун уларга норози қиёфада қараб қўйди. Аммо на илож, Мажнун-да одам эрди, одамлар ичида яшарди, бинобарин, улар етаклаган йўлга... руҳи бўлмаса-да, жасади кетаверди.

* * *

Улкан қоя пойида уйдай келадирган бир тош бор эрди. Мажнун шу тош соясида ухлаб ётибдир. Соч-соқоли бетартиб ўсиб кетган, юзи ҳорғин. Кийимлари абгор, кир, йиртиқ. Оёғи яланг. Товонлари ёрилиб, теварагида қон қотиб, кўрганни бу одам шу оёқда қандай юрибди экан, деган хаёлга келтирадир.

У қимирлади. Туш кўрмоқдами, лаблари тамшанадир. Бошини бир ёнга буриб, «Лайли» деб юборди ва бирдан силкиниб кўзини очди.

Осмон тиниқ, шундоқ тепада иккита каптар ўйноқлашиб учишарди.

Туриб, бошини чангаллаб, аллапайтгача индамай ўтирди, сўнг бир уҳ тортди-да, елкасига ташланган таёққа бошини суяб, яна киприкларини юмди. Қаёқдандир ўсмир қизларнинг дилни қитиқловчи шўх-шодон қийқириғи, кулгиси янгради.

Мажнун айни дамда Лайли бирла бир пайтлар боғда кечган ажойиб учрашувни эслаб қолган эрди...

...Бу боғ экиб парваришланган боғга ўхшамас, буни халлоқ шундоғича яратгандай эрди. Шу боисми, бу боғда олам абадий туюлар, инсон ҳаётининг ўткинчилиги бўртиб кўринар эрди. Дарахтларнинг мана шу бужур таналари не-не замонларни, не-на одамларни, не-не ошиқ-маъшуқларни кўрмаган. Эшилиб-буралиб, тарвақайлаб ўсган мана шу шохлари не-не ёмғиру не-не шамолларга дош бермаган. Қуёшнинг заррин нурларини эмиб яшнаб турган мана бу япроқлар, гарчи умри қисқа бўлса-да, шу қисқа умри давомида табиатнинг не-не сеҳрли эртакларини сўйламаган, шивирламаган...

Осмон тиниқ, олам гўзал.

Атрофи қуюқ буталар ила қуршалган айлана гулзор ўртасида Қайс чалқанча ётар, гўё гуллар ила дардлашар эрди. Тангадек нур юзида ўйнайдир.

Шу пайт бута шохлари шитирлайдир. Қайс бошини кўтариб, ўша ёққа қарайдир. Гулзорга хаёлпаришон, бу хилват гўша аллақачон эгалик бўлганидан хабарсиз Лайли кириб келар. Қайс юраги ҳаприқиб, дарҳол туриб ўтириб олди. Лекин иложи борича бўйнини қисдики, кўзга ташланмайин деб. Ҳолбуки гуллар ўсиқлигидан нарёқдан келаётган Лайлига шундоқ ҳам кўринмас эрди.

Лайли йўлакай турфа гуллардан даста қилар, ҳидлар, сайроқи булбулга қулоқ тутиб, нашъу намо сурар эрди. Иттифоқо, Қайснинг тепасидан чиқиб, чўчиб тушди. Бир қадам орқага тисарилди. Кўз кўзга илашиб, диллар уйғона бошлади. Қайс нима қиларини билмай, юзи лоладай қизариб ўтираверди. Лайли дадиллик ила унинг тепасига келди.

— Эй, омирлик йигит, нега кўнглингиз вайрон кўринадир, ўзгалардай шодланмайсиз? Наврўз кунлари, бундай гулзор ичинда ҳар мушкуллардан фориғ бўлиш ўрнига, нега кўзларингиз нам?

Қайс бу эшитганларидан лол ўлиб, ўспиринларга хос ҳам уят, ҳам шижоат ва ҳам озгина мажнунлик ила ўз ҳолини шарҳ қилди:

— Гулзор ичинда бир гул ақлу ҳушимдан аюрди. Бу гул тўғрисида кўп афсона эшитган эрдим, кўргач, азобда қолдим. У гул эса, бепарво.

Билиб билмаганга олиш ўйини бошланган эрди. Лайли жиндай шўхлик ила сўради:

— У қандай гул эканки, шундай йигитнинг шодлигини тортиб олиб, азобга солибди-ю, ўзи бунга парво қилмабди?!

Қайс руҳида жасорат сезиб, энди Лайлига очиқ мурожаат этди:

— Эй, жонима ҳайрат ўтини солган маҳваш! Аввал афсона бошлаб, сўнг кўнглимни вайрона қилишинг нимаси?! Қилғонни ёшурмоғинг не эрди? Мендин яна сўрмоғинг не эрди? Жонимни ўртаганинг кифоя эди-ку, бундан тонмоққа уринишинг нимаси?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўзлар Лайлига қанчалик тотли эшитилмасин, туриб-туриб, бирдан орқасига бурилди ва қўлидаги гулдастани-да ташлаб, чопқиллаб кетди.

Гулдаста Қайснинг оёғи тагига тўп этиб тушди. Қайс дарҳол уни ердан олди. Лайли буталарни ёриб гулзордан чиқиб кетгач, аллақандай сурур ила бағрига босди ва ўзини яна гулзорга... чалқанча ташлади.

Гоҳ шивирлаётандек туюлган барглар энди Қайс кўзига чирпирак бўлиб айланаётгандай кўринди... Осмон тиниқ, олам гўзал...

...саҳрони нохос дупур-дупур туёқ товушлари босиб, Мажнуннинг хотираси синди. Кўзини очиб, ўрнидан турди. Атрофга қаради. Товушлар бор, аммо чопаётганларнинг ўзи кўринмас эрди.

* * *

Икки кийик овчилардан жон сақлаб шиддат билан қочаётир. Бир-биридан ортда қолмас, бир-биридан ажралмас. Устларидан виз-виз этиб камон ўқлари ўтадир. Тегмайдир.

Орқадан бақир-чақир қилиб, олти отлиғу тўрт овчи ит уларни қувиб келар эрди. Отлар жон-жаҳд ила чопаётганига қарамай, кийикларга етолмайди, овчиларнинг узоқдан отган ўқлари нишонга тегмайди. Итлар етолмаётганидан аламда ғижиниб чопади.

Кийиклар сустламай қочар, туёқлари остидан қум сачрар эрди.

* * *

Мажнун қараса, рўпарадан унга томон иккита кийик чопиб келаётир. Кўнгли безовталаниб, шахд чўкка тушди-да, кийикларга қучоғини очди. Қочоқлар худди улоқиб кетган болаларини топиб олгандай тўппа-тўғри Мажнуннинг қучоғига етиб тўхтадилар. Искалана бошладилар. Мажнун уларнинг бўйнидан қучоқлаб, юзини суйкади.

Отлиқлар кўринди. Мажнун бу гўзал жониворларнинг қочиш сабабларини узилкесил билиб, тикка турди ва бу нару мода кийикларни тош ёнига қўйиб, овчиларга пешвоз чопди. Чопаркан, ирғай таёғини телбаларча силкитар эрди.

У ёқдан отлиқлар келяпти, бу ёқдан Мажнун чопяпти.

Орада эллик қадамлар масофа қолганда, овчилар тизгинни тортишди. Ажабки, итлар ҳам эгаларининг ёнида тўхташди, Отлар қаторига чўнқайиб ўтириб олишди. Аммо нигоҳлари тош ёнида қолган кийикларда эрди. Кийикларнинг чўчимай, телбасифат мана бу одам паноҳига ўтиб олгани овчиларга ҳайратланарли туюлди. Улардан бирови кутилмаганда қичқириб юборди:

— Э, Мажнун-ку бу!

Чамаси, Мажнун саргузаштларидан ҳаммалари хабардор шекилли, тўдабоши шерикларига қараб:

— Отдан тушиб, яроғларни ташланглар!— деб буюрди ва ўзи сакраб тушди. От жиловини эгар қошига илди-да, қилич бирла ёйини тизза бўйи келадирган бир тошга суяб, Мажнунга қараб юрди. Шериклари унга эргашишди. Икки ўртада беш қадамча қолганда тўхташди.

Мажнун ҳамон таёғини маҳкам ушлаганча, худди бирор ҳамлани даф қилишга шай турар эрди. Овчиларнинг бошлиғига мурожаат қилди:

— Эй, муборак сиймо! Чеҳрангда поклик нурини кўряпман, лекин ажабки, ғофил кишилар каби ов гўшти ила қорин тўйғазиш ғамига тушибсан? Ахир бунга эҳтиёжманд эмассан-ку?!— Мажнун тўдабошининг кўзларига тикилди, сўзларининг таъсирини ахтарди. Кейин орқасида хавотирда турган кийикларга ишора қилиб, давом этди: — Ҳақ таоло буларга-да жон бериб, ҳаётнинг гўзал нишонларини бағишлади. Бу ҳуркак ожизларнинг жонидан кеч, қонини тўкма!

Овчилар бошлиғи дастлаб Мажнунни чиндан ҳам жинни бўлиб қолган деб ўйлаган эрдими, бу қадар тиниқ фикрларидан довдираб қолди. Беихтиёр юзи қизарди. Бир зумда индамай турди-да:

— Эй, фаришгасифат зот!— деди тавозе бирла.— Ҳар нима деган бўлсанг, барини қабул қилдим. Бу ҳуркак кийикларга тўғриланган қилич ва найзаларни ўз жонимга раво кўрайин... лекин мендан ҳам бир сўз эшит.

Мажнун жон қулоғини тутди.

— Сўзларинг ҳаловатини сездим, уларга мудом таҳдид солмайман. Аммо, билишимча, сен элдан қочиб ҳайвонлар ила ошно тутинибсан. Бу, ахир, одатга хилоф иш-ку! Юр мен билан бирга, ҳайвонлардан қутулиб, кунларингни шод кечир!

Мажнун бошини чайқади:

— Менга бундай таклиф қилакўрма!— деди қатъий оҳангда.— Аҳволимга раҳминг келмасин. Аксинча, ҳавас қил: ахир мен одамлар орасидан топмаган ҳаловатимни тоғу тошдан, ҳайвонлар орасидан топдим.

— Барибир бундай юришинг ақл олдида сабабсиз кўринадир. Чорлаганимнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

боисики, бу ерда зору мубтало бўлиб, ғам тузоғига илинган экансан, қўлимдан келганча сенга ёрдам берайин!

Мажнун тағин кўнмади:

— Мурувватинг нақадар олижаноб бўлмасин, менга тўғри келмади.

Тўдабоши-да ниятида қаттиқ туриб олган эрди:

— Одам бирла ҳайвоннинг жинсдошлиги оз, одамга фақат одам ҳамжинсдир. Яна шу гап борки, мақсад ёрга етишмоқ бўлса, ғайрат керак. Камина Навфалман, катта бир қабиланинг бошлиғиман. Юр, сенга ўшал маҳвашингни ёстиқдош қилайин.

Мажнун истеҳзо аралаш кулимсиради:

— Энди бунинг ҳеч иложи йўқ. Ул ёрим ўзга бир кимсага тортиқ қилинган.

— Ҳа, хабарим бор,— деди Навфал.— Яна шундан ҳам хабарим борки, ҳали Ҳай қизини Ибн Саломга узил-кесил бермаган. Умидсизланма. Кўрамиз, отаси кўнса, туҳфа-тортиқ бирла, кўнмаса, аскар кучи бирла оламиз! Шунда ҳам муяссар бўлинмаса, унда ўзим сени фарзанд этайин!

Бундай дангал таклиф Мажнун юрагида умид учқунларини шуълалантирди. Бир нафас иккиланиб турди. Кейин индамай бурилди-да, тера ўйга ботганча, кийиклар турган ёққа қараб юра бошлади. Таёғини судраб, нигоҳи ер чизиб борар эрди. Етиб, кийикларнинг сағринига меҳр ила шапатилади.

Кийиклар шу рухсатни кутиб тургандай, жойидан шитоб отилиб, дашт ичкарисига ўйноқлаб кетишди.

* * *

Лайли бир това чиппанг сутни кўтариб келиб, энди чамбаракка қўймоқчи бўлиб турган эрди, очиқ чодир эшигидан доянинг овозини эшитди:

— Ойбекам! Қизим!..

Лайли ўгирилиб қаради.

— Бу ёққа кир,— дерди доя юзлари севинчдан ёйилиб, Лайли товани чамбаракка қўйиш ҳам эсида йўқ, қизиқсиниб ичкари кирди.

— Суюнчи бер, қизим, Мажнунингдан совчи келди! Ҳозиргина!— деди доя ҳовлиқиб. Унинг қўлида матога ўроғлиқ бир нима бор эди.

Лайли каловланиб, сал бўлмаса товадаги сутни тўкиб юборай деди. Доя қўлидаги матони оча бошлади.

— Биттаси секин қўлимга тутқаздики, у ғариби зорингдан сенга совға эмиш!

«Туҳфа» мовий тусли узун, хушбичим тикилган кўйлак экан. Доя ёйган эрди, орасидан кигизга тўп этиб бир шода марварид тушди.

Доя қувона-қувона кўйлакни Лайлига тутқазди. У шўрлик туйқус келган бу хабардан эсанкираб қолган эрди. Титроқ қўллари ила кўйлакнинг икки елкасидан чимдиб, кўкрагига тутди, гўё чамалаб кўрди. Бу пайтда доя эгилиб марварид шодасини олди ва Лайли кўксига, янги кўйлак устидан қўйди. Шода кўйлак тусига мос бўлиб, жуда ярашиб тушди.

— Иншоллоҳ, тўйингга буюрсин!— деди қутлаб.

* * *

Навфал қабиласининг қароргоҳи. Кечаси. Ичкарида Навфал, Мажнун ва яна бешолти киши ўтиришар, Навфал ила Мажнун шатранж ўйнашар, қолганлар томоша қилишар эрди.

Навфал аспни юрди. Қойил қилдимми, дегандай Мажнунга қараб:

— Кишт!— деди.

Аммо ҳали аспдан қўлини олишга улгурмай, чодирга овда бирга бўлган навкарлардан бири кирди. Навфал унга зимдан нигоҳ ташлади:

— Хўш?

— Совчилар қайтишди,— деб хабар берди навкар.

Навфал Мажнунга ёноғини учириб бир қараб олиб:

— Айт, дарҳол киришсин!— деди.

Навкар чиқди. Шатранж ўйини тўхтаган, энди ҳамманинг нигоҳи эшикда эрди. Сал ўтмай, орқама-кетин тўрт-беш киши кирди, Навфал уларни ўрнидан туриб хушнуд кутиб олди. Совчилар ўнғайсизланар эрдилар.

— Кўзларингизда умидсизлик нишоналарини кўряпман... Нима гап?

Кексароғи иккилана-иккилана зўрға оғиз очди:

— Лайлининг отаси туҳфаларимизни қабул қилмади, бизни ҳам қуруқ қайтарди. Қизим ўзга бировга номзод қилинган, деди.

Навфалнинг юзи бўзарди. Мўйловининг учи уча бошлади. Орада жимлик. Мажнун ўзини қаерга қўярини билмай, ерга қаради.

— Мактубимни ўқимадими? — деди Навфал сўнгги илинж ила.

— Ўқиди. Ўқиб... «Нега бунча пўписа, нега дағдаға?!» деди. «Тақдирнинг айтгани бўлади», деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навфал юрагида туғён қўпди.

— Шундай дедими?!— Беихтиёр ёнидаги қиличига ёпишди. Ўнг қўли ила дастасидан, чап қўли ила қинидан чангаллади-да, шарт суғурди. Ўзининг Мажнун олдида қаттиқ ноз бўлганини ҳис этиб, кўзига қон тўлган эрди. Шу ҳолда Мажнунга ялт этиб қаради.

Мажнун миқ этмайдир. Қарамайдир ҳам. Боши эгик.

— Бўлмаса, уруш қилиб оламиз қизини!— деб бақириб юборди Навфал.— Мухтор!— деб чақирди қиличини яланғочлаб. Бояги навкар кирди.— Ҳай қабиласига бориб айт: жангга тайёрлансин! Навфалнинг куч-қудратини кўриб қўйсин!

— Бош устига!— деб навкар тез чиқди.

Навфал жаҳл ила шарақ этказиб, қиличини қинига солди.

* * *

Намози аср пайти бепоён саҳронинг қоқ ўртасини икки томоннинг от ва туяларга минган аскарлари эгаллади. Ўртада икки юз қадамлар масофа қолдирилиб, Навфал бошлиқ беш юз чоғлик аскар, Лайлининг отаси бошлиқ беш юз чоғлик аскар саф чекишди. Найзабозлар олдинда. Кетидан қиличбозлар, энг орқада ёйчилар. Иккала томоннинг аскари ҳам шу тартибда жойлашган. Иккитадан-учтадан ўзларига ишонган баҳодирлар саф олдида отларини гижинглатиб юриб туришибдир. Сафдаги отлар пишқирадир, қуроллар ширқ-ширқ қиладир.

Навфал аскарларининг ортида бир отга қийрихон ўтирганча, Мажнун паришон кезинади. Дунёни сув босса — унга бари бир. Гўё мана булар жангга эмас, бирон-бир халқ ўйинига тўпланган-у, Мажнуннинг қўшилгиси келмаётгандай. Ҳарҳолда, четдан қараганда, Мажнун ҳолати шундай кўринадир.

Баҳодирлардан бири узангида тик туриб, саф орқасидаги Навфалга қаради. Навфал бошини силкиб, рухсат берди. Баҳодир ўртага чиқа бошлади.

Ҳай қабиласи лашкарларидан ҳам бир отлиқ ажралиб, бу ёққа юрди.

Қиличбозлик бошланди. Иккала баҳодир ҳам моҳир қиличбоз экани кўриниб турар. Қалқонни-да, қилични-да улар чиройли ўйнатишар. Гоҳ унинг, гоҳ бунинг қиличи қалқонга урилганда ўт чақнаб кетар.

Саф гўё нафасини ичига ютган. Ҳамманинг нигоҳи ўртада.

Навфал баҳодирининг қўли баланд кела бошлади. Рақиб толиқди шекилли, кўпроқ ҳимояга ўтди. Бироқ барибир қилич зарбидан қочиб қутулолмади: елкасига зарб ила тушган қилич уни от бўйнига қулатди.

Эгаси осилиб қолиши билан от жангдан чиқди ва орқасига бурилиб кетди.

Ютган баҳодир олқишлар оғушида ўз сафига қайтди.

Ҳай ишонган баҳодирининг мавҳ этилганини кўриб, кўзи қонга тўлди. Ғазаби жўшиб, яланғоч қиличини олдга чўзиб, ишора қилди.

Аскарлар ярадорни отдан олиб орқага ўтқазиб қўйишдию жангга ташланишди.

Оломон жанг бошлади. Тартиб бузилди. Ит эгасини танимайди. Аскарлар жуфт-жуфт бўлиб жанг қилишар эрди. Бақир-чақир, қурол аслаҳаларнинг жангир-жунгури, оту туяларнинг жонҳолатдаги пишқиришлари еру кўкни тутиб кетди.

Иккала томондан ҳам талофот кўрила бошланди. Навфалнинг бир аскари илкис букчайганча, бир ёнга қийшайиб қолди. Ҳай қабиласидан биттаси отдан учиб кетди ва орада қуролсиз зир югураверди. Оти пишқириб, осмонга сапчигудек бўлиб, майдондан чиқа бошлади. Яна қанча аскар оёқ остида думалаб қолган.

Навфал орқадан жангни кузатиб, бошқариб турибдир. Беш-олти отлиқ уни қуршаб олишган. Навфал ён томонга имо қилди, қуршовдагилардан биттаси ўша ёққа от суриб кетди.

Ҳар икки томон аскари ҳам Тангридан мадад сўрайдир. Ҳар икки томон ҳам беҳуда қон тўкадир. Ҳар икки томон ҳам жазавада эс-ҳушини йўқотган.

Жангда Ҳай қабиласи лашкари кўпроқ қурбон бераётган эрди. Шунинг учун Лайлининг отаси асабийлашар, олдиндагиларга нималарнидир деб бақирар, йўл-йўриқ кўрсатар эрди.

...Мажнун минган от эгасига ўхшаб савдойироқми, ёнгинасида кечаётган жангга парво қилмас, гоҳ бўйнини чўзиб янтоқнинг учини чимдир, гоҳ бошини кўтариб пашша қўрир! Сўнг секин ортига бурилиб, кета бошлади. Мажнун ҳам отни ўз ҳолига ташлаб қўйган эрди. Ортда жанг давом этар. Бақир-чақир, шарақ-шуруқ садолари ҳукмрон.

* * *

Ҳай қабиласининг саҳро ўртасига тикилган вақтинчалик ҳарбий қароргоҳи. Тун. Айрим чодирларда жинчироқлар ёниқ, баъзи чодирлар олдидаги ўчоқларда олов ёнмоқда.

Кимдир тинмай ингранадир. Қайсидир чодирдан аёл кишининг бўғиқ, аммо юракни ўртайдиган фарёди эшитиладир. Бир эраннинг-да ҳўнг-ҳўнг йиғлаган товуши келадир.

Чодир эшиги олдида шуларнинг барини кўриб-эшитиб тураркан, Ҳай тушкун бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

кайфиятда ўйга чўмган. Бир кундаёқ юзидаги ажинлари кўпайиб қолгандай, кўзи ичига уриб кетгандай.

Қайтиб шам ёнига борди. Улкан сояси чодирнинг бир томонини энлаб тушди. Хўрсиниб, тўшакка чўкди. Муштини пешонасига тираган кўйи узоқ ўтириб қолди.

Айни шу дамда ташқаридан икки кишининг ғўнғир-ғўнғир товуши келар эрди: «Бу кетишда бутун қабиламиз қонга беланади-ёв», — дерди биттаси. Иккинчиси ундан ҳам паст товушда дардини тўкарди:

«Ҳе-е... Хожамизнинг битта эрка қизини деб не-не йигитларимиз увол кетди-я».

Ҳай ўзи бўлари бўлиб ўтирган эрди, тасодифан эшитиб қолгани бу гаплар ўлганнинг устига тепган бўлиб, юрагини баттар эзди. Шаҳд ила ўрнидан турди-да, кўзи қонга тўлиб, қўрқинчли важоҳатда ташқарига чиқди. Чодир ёнида турган отга ирғиб минди ва қичаб савалаб, қабила сари чоптирди. От туёғи остидан кўтарилган чанг ойдин кечада тутундай бўлиб кўринди.

* * *

Поёнсиз тақирлик.

Лайли севикли ёри хуфёна туҳфа қилиб жўнатган мовий тусли узун кўйлакда. Атроф ғира-шира ёруғ бўлганидан ҳарир кийим уни хаёлий парилар сингари кўргазадир. Одимлари ғайритабиий, ҳавода енгил-енгил учаётгандай. Ёнғида бир томчи ёш. Юзида синиқ табассум.

Келиб, алифдек қоматини дол қилиб, дарҳол Мажнун оёқларини ўпадир. Сўнгра қаддини ростлаб, қучоқлашга мойил бўлиб, қўлларини унинг бўйнига соладир. Дерки: «Эй, жондан азизим! Устимизга қўшин тортганингда менинг ҳолим не кечишини ўйламадингми?.. Ишқингда қурбон бўлиш орзуим эрди, шукр, даврон орзуимга етказаётир. Шунчалик ранж ва озорлар ичида бўлсам ҳам, ёрим мақсадига эришсин деб кўнглим хушдир. Гарчи воқеалар ҳалокатлидир, лекин юз мунча бўлганда ҳам ҳеч эмасдир...»

Шуларни айтиб бўлгач, Лайли билакларини Мажнун бўйнидан оладир ва бурилиб кета бошлайдир. Мажнун уни тўхтатмоқчи бўладир, қўлини чўзадир, етмайдир. Лайли қандай енгил одимлар ила келган бўлса, шундай енгил одимлар ташлаб кетаверадир. Мажнун унинг ортидан чопмоқчи бўладир, лекин негадир йўли унмайдир. Қаттиқроқ чопай деса, оёқлари бўйсунмас. Шу тариқа Лайли узоқлаша-узоқлаша ҳавога сингиб кетадир...

...Мажнун алаҳлаб, терлаб-пишиб уйғонди. Кўрганларининг ҳайратидан ўзига келолмай, аллапайтгача карахт ҳолда ўтираверди. Ўнг қўлини боши, юзи, бўйнию кўкракларидан юргизиб, силаб тушди. Ва аста эмаклаб чодирдан чиқа бошлади.

Ташқарида оёқ учида юриб, ёнидаги чодирга кирди. Соқчи ҳориб ухлаб қолибдими, пайқамади.

Мажнун Навфалнинг тепасига келиб, ёнига чўкди. Аста уйғотди. Навфал чўчиб уйғонди. Боши узра Мажнунни кўриб, ҳайрон бўлди. Мажнун уни оғиз очиргани қўймай, ялина бошлади:

— Тангри таоло ҳаққи, Лайли томонга ортиқ тиғ тортма. Ўч ва урушни бас қил!

Навфал ўрнидан туриб ўтирди. Кўзларини ишқалади.

— Тилинг менинг юрагимни тешадир, урушинг менинг жонимга қасд этадир.

— Сабаб?

— Сабаби... руҳимга аён бўлди: эртага яна уруш қилсанг, аламдан Лайлини ўлдирадилар. Сен ғолиб зотсан, ҳаётим пайвандини узма,— деб Мажнун бир нафас тин олди ва яна сўзида давом этди:— Ёрга етишишга ғайрат керакдир балки, аммо амин бўлдимки, лашкару хунрезлик бирла эмас.... Ишқ ёлғизнинг иши эркан.

Навфал ортиқча ижикилаб ўтирмади. Воқеага тушунди.

— Сенинг айтганинг бўла қолсин,— деди.

Мажнун хотири жам бўлиб, секин ўрнидан турди ва ташқарига йўл олди.

* * *

Ҳай отини тўппа-тўғри Лайли чодири тагигача чоптириб келди ва ёшига номуносиб равишда енгиллик ила сапчиб ерга тушди. Худди атай пойлаб тургандай қаёқдандир доя кампир пайдо бўлди. У Ҳайнинг ғайриодатий важоҳатини, айниқса, ўнг қўли қилич дастасини асабий сиқиб турганини кўриб қўрқиб кетди, хаёлига ёмон ўй келди ва беихтиёр унинг йўлини тўсди.

— Лайли уйқуда,— деди иложи борича ўзини босиб.

Ҳай уни йўлидан суриб юборди-да, ўзини ичкари урди.

Дарҳақиқат, Лайли ширин уйқуда, уйқусида ҳам чиройли бўлиб ётар эрди.

Ҳай унинг тепасига келгач, сал ҳовридан тушди. Меҳри ийдими, қизгинасининг чеҳрасига тикилиб қолди. Кўзларига ёш қалқиди. Аста энгашиб, пешонасию бошини

www.ziyouz.com kutubxonasi

силаб қўйди. Қайтиб турди. Лаблари сезилар-сезилмас пирпирай бошлади. Қизидан кўзини олди, кўзидан меҳрини ҳайдади ва... жаҳд ила қиличини қинидан суғурди.

Айни шу палла чодирга ҳаллослаб Лайлининг онаси кирди. У бошяланг, оёқяланг эди. Ўйлаб ўтирмай, келасолиб ўзини Лайлининг устига ташлади. Бирнима демай, ҳўнграб йиғлайверди.

Лайли чўчиб кўзини очди. Устида фарёд чекаётган онасини, тепасида қилич яланғочлаган отасини кўриб, ҳушидан кетаёзди.

Отани ҳозир таниб бўлмасди.

— Шуни деб ор-номусим поймол бўлди! Қабилам шаъни булғанди! Йўқол! Бўлмаса сени ҳам қўшиб чопиб ташлайман!— деб даг-даг титрарди у.

Лайли онасини оҳиста устидан сурди-да, туриб ўтирди. Ва отаси қўлидаги қиличга қараганча, дона-дона қилиб шундай деди:

— Ёрим ишқида қурбон бўлиш орзусида эрдим, шукр, даврон шу орзуимга етказаётир. Мана, чопинг, ота!— деб кўксини тутди.

Шу чоқ ташқаридан аввал от туёқлари товуши, кейин кимнингдир доягами, хизматчиларгами баланд овозда ҳовлиқиб сўзлагани эшитилди:

«Хожамиз қаердалар? Навфал лашкари қайтиб кетяпти...»

Хабар Ҳайни гангитиб қўйди. Қиличини бир ёнга ирғитди-да, отилиб ҳовлига чиқди. Хабарчи бу пайтда чодир тагига келиб қолган экан. Ҳайни кўриб, энди оғиз жуфтламоқчи бўлган эрди, гарданига туйқус мушт еб, қулади.

Ҳай отга минаётиб, бутун аламию ғазабини қўшиб: «Номард!!!» деб ҳайқирди. Аммо ўзиними, хабарчиними ё Навфални айтдими — билиб бўлмасди.

* * *

Мажнун отда қумтепани айланиб ўтаркан, ёнбағирнинг соя тарафида офтобдан жон сақлаб ўтирган бир кимсага кўзи тушди ва оти бошини шу ёққа бурди.

Ул кимса-да Мажнунни кўрди ва негадир турасолиб жўнаб қолди. Кимса оқсоқланар, лекин тезроқ юришга уринар эрди.

Мажнун тизгинни тортди.

— Эй, жўмард, кимсан? Қайси Тангридан қўрқмаган сани бу ҳолга солиб, ташлаб кетди?! — деди унга хитобан.

Оқсоқ йигит ҳам тўхтади. Афтидан, йигирма ёшларда. Ҳоли шундайки, бир-икки кеча уйқу кўрмагандай, бирор егулик емагандай. Жароҳатли ўнг сони сиқиб боғланган. Латта қонюқи. Кийимлари уринган.

Мажнун саволидаги самимиятни сезиб, йигит унга томон бир-икки одим пешвоз юрди. Мажнун отдан тушди.

— Мен бир бахти қаро... Ҳай қабиласининг фуқаросиман, — деб сўз бошлади йигит.

Ҳай исмини эшитиб, Мажнун сергакланди.

— Исмим — Зайд. Хожамизнинг қизига Қайс деган бир йигит ошиқ эрди. Ишқида Мажнун бўлиб қолган деган афсоналар юради. Ўшал Мажнун ёрига етишолмай, устимизга лашкар тортиб келди. Ёмон уруш бўлди. Лекин ҳийла ишлатдими, кечаси лашкари кетиб қолди. Биз кўп талофот кўрдик. Мен яраланиб, ҳушсиз жанггоҳда қолиб кетибман. Ҳийладан хавфсирабми, қабиламиз кўчиб кетибди. Ҳеч кимни топмадим. Бу оёқ билан... — деб Зайд жароҳатига ишора қилди, — энди уларни қандай ҳам топардим. Мажнуннинг касрига ота-онамдан айро тушдим. Улар мени ўлди деб ўйлашгандир... Ўзинг кимсан, олижаноб йигит?

Зайднинг ҳикояси Мажнун юрагини алғов-далғов қилиб ташлади. Ўзини қаттиқ гуноҳкор сезиб, аста йигитга яқин келди ва икки қўлини кўксига қўйиб:

— Сен айтган ўша Мажнун менман, — деди. — Менинг касримга шу кўйларга тушибсан, мен хижолатдаман. Ҳар не қилсанг... розиман!

Зайд ишонқирамагандай Мажнунга бошдан-оёқ қайтадан разм солиб чиқди ва бирдан меҳри товланиб:

— Наҳот ўша Мажнун сенсан? — деб юборди. — Сенинг ишқинг бизга олис ҳавас эрди. Ер юзининг ошиқлари сенинг ғойибона дўстингдир... Ҳеч кўзларимга ишонмаяпман!

Мажнун Зайднинг елкасига қўлини қўйди.

— Ҳаяжонли сўзларингдан сенинг ҳам дардинг борлиги сезиладир. Зайд хомуш тортди.

— Ҳа... тақдиримиз ўхшаш. Менинг ҳам ул севиклим васлига етишишим даргумон, — деди-да, чуқур хўрсинди. — Мен бир фақир ўғлиман, у эса қабила бошлиғининг қизи...

— Умидингни сўндирма, Тангрига таваккал қил! — деди Мажнун унинг кўнглини кўтариб. Кейин бирдан жонланди: — Зайд, биродарим, мана сенга отим, керак бўлса, уст-бошимни-да, ечиб берай, менинг гуноҳимдан ўт!

Зайд Мажнуннинг елкасидан тутди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қайси гуноҳинг эвазига узр сўрайсан? Мени хижолатга қўйма! Отинг ҳам ўзингга насиб этсин.

— Йўқ, отни сенга ҳадя этдим! Бир ўтинчим — қабилангни топсанг, Лайлига мендан хабар етказ, узримни айт!

Зайд ер ўпиб рози бўлди.

— Бош устига! Лайли ғамингда шундай нотавонки, шарҳи элга достондир. Хабарингни етказсам, унга жондан ортиқ бўлажак. Менга отингни бағишладинг, Тангрим сенга ёрингни етказса шояд! — деди-да, Зайд отнинг жиловидан тутди. Эгарга минишига Мажнун кўмаклашиб юборди.

* * *

Кун ботар палла. Мажнун атрофга олазарак қараб, қумда қолган ҳисобсиз излардан юриб, суюкли ёри ташлаб кетишга мажбур бўлган маконга томон келар эрди.

Ниҳоят, олдидан даман[1] чиқди. Тизза бўйи урилган деворлар, чодирларнинг ўрни, сочилиб ётган сомон, ўтин, латта-лутта, ҳар-ҳар ерда ўчоқ, тандирлар ва тепага ўрлаётган заифгина тутун... бу маконда каттагина қабила яшаганидан, яқиндагина кўчганидан дарак берадир.

Мажнун даманни айлана кетди. Ҳар бир тош, ҳар бир қовжироқ майса, ҳар дарахт тепасидан Лайли изини, Лайли нафасини ахтарарди гўё. Нигоҳи ер чизиб, даманнинг «кўча»ларида роса изғиди.

Тахминан ўрталардаги катта бир майдонга етиб, тиз чўкди. Тавоф қилди. Икки қулочча эмаклаб бориб, ерда ётган билакдек ёғочни ўпди.

Аллақандай шарпа уни ўзига келтирди. Бошини кўтариб, қаршисида бениҳоя қариб кетган бир қўтир итни кўрди.

Шўрликнинг жунлари буткул тўкилиб битган, битта-иккита қолган туки ҳам унга юк бўлаётгандек, юришга мажоли йўқ. Териси устихонига ёпишиб, қобирға суякларини санаса бўлгулик ҳолда. Камига, бутун танасига яра тошган. Оғзи-бурнидан сув оқиб турибдир. Тишлари иржайиб, ўз ҳолига ўзи кулаётгандек. Яраларини қурт босган, пашша гала-гала бўлиб талаётир. Қўришга ҳафсаласи йўқ.

Мажнун итни таниди. Кўнгли бузилди. Тиззалаб турди-да, кўйлагини йиртди. Итга яқин сурилиб, яраларини арта бошлади. Итнинг парвойи фалак. Артаркан, Мажнун:

— Э, фалак! Агар шу ожиз итда қасдинг бўлса, мана, мен ҳам бир заиф итман! — дея фиғон қилар эрди.

Энди яраларини боғлашга тушди.

— Эй, вафоли жонивор! Бир вақтлар соғлом эрдинг, кунинг шодликка тўлиқ эрди. Нечун бунчалар аянч аҳволга тушибсан?! Майли, эл сени ташлаб кетган бўлса... юр мен билан, суҳбатингдан мен баҳраманд бўлай! Ахир, сен бир вақтлар Лайли эшигида посбон эрдинг!..

Мажнун ўрнидан туриб, келган тарафига аста йўл солди. Ҳолсиз қўтир ит судралиб бир-икки одим эргашди. Бўлмади шекилли ё собиқ қароргоҳини афзал кўрдими, тўхтади ва турган жойига ётиб олди.

* * *

... қум оқар. Дайди, кучсиз шамол унинг зарраларини теваракка сочар. Қум тугагач, ҳовуч тағин ердан тўла қум олди. Секин кўтарилди. Икки ҳовуч орасидан тағин қум оқа бошлади.

Э воҳким, Мажнун қум ўйнаб ўтирар эрди. Бу машғулотга у жиддий берилган, қарашида озгина болаларча қувонч ҳам, телбаларча маънисизлик ҳам сезиладир.

Йигирма қадамча нарида, Мажнуннинг рўпарасида шўрлик Ота турар эрди. Орқасида туяси. У ўғлини излай-излай охири шу ердан топган, аммо мана бундай аҳволда топганидан ҳайратда эрди. Соғинч, оталик меҳри кўнглини қанча ошиқтирмасин, у дабдуруст нима қиларини билмай, ўғлига тикилганча, лол турар эрди.

Бир пайт Мажнун бошини кўтарди ва рўпарасида туя етаклаб турган кишини кўрди. Қум оқизаётган қўллари ҳавода муаллақ қолди. Лекин нимагадир тағин юмушига қайтди — бўшагач ҳовучига қум ола бошлади. У кўрдай эрди.

Ота кўзларидан тирқираб ёш оқди. Чидаб туролмади ва:

— Қайс! — деб қичқириб юборди.

Қачонлардан бери ўз исмини эшитмаган Мажнунга бу овоз одатдан ташқари туюлдими, у қўрқиб, сапчиб туриб кетди. Ўзини бирор панага уриш тараддудига тушиб қолди.

Ота ўғлига талпинди.

— Болам, нега мендан қочасан? — деди томоғига йиғи тиқилиб.

---

[1] Даман — қабила ташлаб чиқиб кетган жой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажнун энди отасини таниди ва бир муддат ўзига келиб олиб, отасига қараб юрди. Келасолиб, оёқларини тавоф қилди. Ота уни елкасидан тутиб кўтарди. Бир-бирларига чеҳрлари товланиб, ҳаяжон ичида пича шу ҳолда туриб қолдилар.

* * *

...Саҳро тугаб, бу ёғи адирликлар бошланадирган жойда, чеккадаги бир саксовул тагида ота-ўғил рўпарама-рўпара ўтиришар эрди. Ўртада хуржун. Ота хуржундан нон, мис кўзачада ичимлик, яхна гўшт олиб қўйган, Мажнун нонга гўшт қўшиб ер эрди. Мажнун кавшаняпти, ота тағин хуржун титкилаяпти. Орада гапириб турибдир:

— Ҳар қандай ишнинг ҳам этаги, ҳар қандай фалокатнинг ҳам пироварди бор. Жаҳонда ишқ аҳлини кўрмабмизми? Бу ишда бундай мағлуб бўлиб юриш ақлли кишилар шаънига дуруст эмас. Биз ҳам тезроқ келин кўрсак деймиз. Қолаверса... Навфал ҳам сенга ота бўлиш орзусида... Қизини кўрдик, бизга маъқул... Нима дейсан, болам?

Ота гапираётир, Мажнун тобора овқат ейишдан тўхтаб, боши солиниб бораётир. Бирор сўз ё ҳаракат ила рад қилиб қўймасин, деган хавотирда Ота яна гапини улаб юборди:

— Онанг иккимизнинг қулоғимизга ўлим хабари келиб қолган. Биз сенинг ғамингда ўлиб кетаверсак, сен тирик бўлсанг-у, мотамингда ўлсак, Тангри бу ишингни сўраса, нима деб жавоб қиласан?!

Мажнун юзини чангаллади. Ғижимлади. Салдан кейин хириллаб тилга кирди:

— Қиблагоҳим, ҳукмингиз жоним орзусидир. Сизнинг итингиз бўлсам дердим, лекин не қилайки, ўзимга итчалик ишончим йўқ. Ит кимсага бевафолиғ этмас. Бошин олиб ўзга сори кетмас.

Шуни деб Мажнун ўрнидан турди ва туяга қараб юрди. Ота хавотирда унинг кетидан кузатиб ўтирар эрди.

Мажнун борасолиб туя жиловини ҳалқа қилди-да, бўйнига отди.

— Бу мубталога не десангиз розиман, қўлингизда бўйни боғлиқ итман! — деб ўзини тўрт оёқлиқ қилди.

Ота тўлқинланиб келиб, ўғлининг бўйнидан арқонни олди ва турғазиб, маҳкам бағрига босди.

...Ота-бола туяга мингашиб, адирларни таглаб боришар эрди. Туя салобатли одим ташлайдир, ота-бола унинг маромига чайқалишадир.

* * *

Чодир ўртасида соч-соқоли тартибга келтирилган, ювинган Қайс тик турибдир. Она, доя ва бошқалар қўли-қўлига тегмай, уни ясантириш билан оворалар. Узун оқ кўйлак, устидан нимча, устидан чакмон кийгани сари Мажнуннинг қиёфаси ўзгариб, аста-секин асл ҳолига келар эрди. Бошига салла кийгазганларида, озгина ориқлагани ва озгина улғайганини айтмаса, аввалги Қайсга қайтди-қўйди.

Бериоқда уни томоша қилиб турган отанинг, елиб-югуриб хизмат қилаётган муштипар онанинг севинчлари ичларига сиғмас, бу хонадонда кейинги йилларда илк бор шундай шод-хуррамлик ҳукм сурар эрди.

* * *

Тўй тантанаси ниҳоялаб қолган. Теваракка ўрнатилган мис шамдонларда шамлар ёнадир. Ҳар ер-ҳар ерда машъалалар порлайдир.

Зеб-зийнатлар ила ясантирилган гул юзли келинни уч-тўрт аёл ва тенгқур дугоналари чодир сари олиб кела бошладилар. Икки томонида қатор турган бошқа аёллар шодлик ифодаси ўлароқ панжалари учини оғизларига қопқоқ қилиб, очиб-ёпиб, чурилдаб турибдилар.

Куёвлик кийимидаги йигит Мажнун эрди. Куёвнавкарлар уни ўртага олиб, чодирга киравердилар. Оёқ тагига солинган пойандоз дарров қўлма-қўл бўлиб кетди.

Орқасидан остонага келинни келтирдилар. Кимдир келин бошидан кўп олтин-кумуш тангалар сочди. Ҳамма танга йиғиш билан овора бўлиб турганида... бошдан-оёқ қора матога бурканган бир шарпа либ этиб ўзини ичкари урди, ҳеч ким уни пайқамай қолди.

Аёллар ҳамон танга йиғиштирар эрдилар. Икки хотин фурсатдан фойдаланиб, келинни чодир ичига олиб кириб кетди.

Ичкари қоқ иккига бўлинган. Гўшанганинг ўнг тарафида тахтадан тахтиравон ўрнатиғлиқ. Унга бахмал тўшаклар ёйилиб, лўлаболишлар қўйилган. Келин кирган пайтда Мажнун тахтиравонда ўтирар эрди. Келиннинг ҳамроҳлари одоб ила, ноз-неъматларга тўла дастурхонни айланиб ўтиб, келинни Мажнуннинг ёнига ўтиргиздилар. Сўнгра иккаловини қолдириб, орқама-кетин чодирдан чиқдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ташқарида шовқин-сурон аста-секин тиниб, чодир теварагида ҳам ғимир-ғимир тўхтади.

Тахтиравонда икки маҳкум мотамсаро қиёфада ўтирар эрди. Бошлар хам. Кўзлар бир-биридан қочадир. Ўртада ўнғайсиз ҳолат.

Гўшанганинг нарёғида яширинган ҳалиги шарпа бир чеккадан бу икки мотамсарони кузатар. Қўлида ялтироқ ханжар. Гўё фурсат пойлар.

* * *

...Ҳовлида машъалалар ўчирилган. Қоп-қоронғи. Ҳозиргина бу ерда тўй-томоша бўлганидан далолат сифатида қуюқ ўрнатилган чодирлардан бирида ҳали меҳмонлар уйғоқ, гангир-гунгурлашиб ўтирар эрдилар. Шу чодир оғзида елкасига авра чакмон ташлаган Навфал пайдо бўлди. У ёқ-бу ёққа қараб олиб, кўча тарафга юрди.

Келин-куёв чодири ёнидан ўтаётганида, иттифоқо, ичкаридан қизининг йиғламсиқ товушини эшитди ва сергак тортиб, жойида тўхтади. Қулоқ тутди:

«Сиз ишқ ўлкасининг шоҳисиз. Лайли бор экан, ўзга ёр тутмаслигингиз эл қатори менга-да маълум эрди... Аммо оталаримизнинг ризоси ила бундай ишларга дучор бўлдингиз...»

* * *

...Дарҳақиқат, ичкарида келин Мажнунга мўлтираб, илтижо ила, ҳаяжон ичида сўзлар эрди:

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, менинг ҳам бир дардмандим бор. У мени деб...

Келин ўрнидан туриб, икки қадам нари кетди ва ўша ёққа қараганча гапираверди:

— ...мен уни деб хароб бўлганмиз, лекин иккимизнинг ўтимиз яширин. Менга тўй бўлганини эшитса, унинг ҳоли не кечади?!

Келин тағин Мажнун томонга ўгирилди. Ҳатто шу тараф бир қадам қўйди ва янада ялинчоқ оҳангда давом этди:

— Менинг сиримдан огоҳ бўлдингиз, энди битта ўтинчим бор: мен туфайли маломатга қолсангиз ҳам, шу оғир сўровимга рози бўлсангиз ва бу ердан туриб кетсангиз...

Мажнун гарчи ўзи бундан баттар аҳволда ўтирган бўлса-да, бу ҳол барибир кутилмаган эрди. Бир келинга қарайдир, бир ерга. Нимадир дейишга оғиз жуфтлайдир, лекин яна фикридан қайтиб, индамай қулоқ тутиб ўтираверадир.

— Мендан сизга шундай мурувват бўлди, сиздан менга мардлик бўлса қанийди! — Келин нигоҳини юқорига қаратиб, хиёл қўлини очди ва сидқидилдан илтижо қилди: — Тангри таолодан умидим шулки, пок ва нодир Лайлини ўз паноҳига олиб, ҳар бало-қазодан омонда сақласин, ҳажрида сизни сабр-тоқатли қилиб, васлини ҳам сизга насиб этсин!

Мажнун бениҳоя тўлқинланиб кетган эрди. Иккинчи томондан, у ўз муҳаббатида мана шу қиздай собит тура олмаганидан андак уятда ҳам қолди. Товуши титраб, сўзлай бошлади:

— Сен шундай лутф изҳор этдингки, қандай миннатдорлик билдиришимни билмай қолдим. Менинг ҳам ичимда қайғу... ўзим ҳам кетмоқ хаёлида эрдим, аммо сенинг кўнглингни ўйлаб, иккиланаётган эрдим.

Бу сўзларинг сафаримга мадад берди. Миннатни сенга эмас, ўзимга, балки жон била икки кўзимга қўйганман! Хайр, Ёрингга шиоринг ўлсун, Ким тенгри ҳамиша ёринг ўлсун!

* * *

...Навфал қизи бирла куёвининг маҳрам суҳбатини эшитаётганидан хижолатда, ҳам айтилганлардан даҳшатда турар эрди. Ичкаридан шарпа эшитиб, Мажнун чиқяпти, деб ўйлаб, шоша-пиша панага ўтди.

* * *

...Ичкарида эса ўзга ҳол эрди. Мажнун қизга гапини гапириб бўлиб, ташқарига чиқишга улгурмай қолди: гўшанга ортида бекиниб турган шарпа шартта ўртага келдида, бошидан қора рўймолини олиб, Мажнуннинг оёғига тиз чўкди. Саждага боргандай букланиб, оёғини ўпди.

Маҳрам хонада бегона эран, боз устига, манави ҳолатда пайдо бўлганидан келин қўрқиб кетди. Бир қадам ортга тисланди. Сўнгра эса, йигитни таниб, юзидаги қўрқув аломати ўрнини қувонч, ғурур асарлари эгаллади.

Мажнун-да бу дардманд йигитнинг кимлигини билди. Қаршисида тиз чўкиб турган ошиқ Зайд эрди!

— Зайд?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, менман, эй ишқ султони! Аммо мен бу ерга иккалангизни ҳам ҳалок этгали келган эрдим. Тангрига шукрки, мен кутган ҳол бўлмади.

Мажнун Зайдни маҳкам қучди.

— Ёринг ўзингга насиб этсин! — деди ҳаяжон ила.

* * *

...Мажнун чиқавермагач, Навфал ташқарида ҳайрон бўлди. Чодирдан яна ўзга бир йигитнинг овози кела бошлаганда эса, тамоман ўзини йўқотди. Беихтиёр тағин чодир деворига яқин келди. Ичкаридаги ҳалиги бегона йигит сўзларди:

«Менга ишқ маслагидан таълим бердинг, эй Мажнун. Ёримнинг ғойибона вафоси эса, муҳаббатимни юз чандон ошириб юборди, — дерди у. — Беҳуда гумонларим учун юзим шувит... мени кечиринглар».

...Қадам шарпаси эшитилди. Навфал тағин ўзини панага олди.

Мажнун қоронғи ҳовлига чиққач, остона тагида бир зумга тўхтади. Қайси тарафга юришни чамалаётгандай, теваракка назар солди.

Ортидан Зайд ҳам чиқиб келди. У бениҳоя хурсанд, тақдирнинг марҳаматидан миннатдор эрди.

Мажнун енгил тортиб, саҳро томонга шитоб билан юриб кетди.

Зайд қарама-қарши ёққа йўл олди...

Навфал чодир орқасида, бошларини чангаллаб ўтирар эрди. У доғда қолган, нима қиларини билмас эрди. Боши қотиб, аллапайтгача тек ўтирди. Кейин ҳолсиз судралиб, меҳмонлар ўтирган чодир томонга кетди. Чодир ёнида бир ёғочга қийрихон боғланган машъала қаршисида тўхтади. Машъала ёна-ёна мойи тугаган, чеккаларигина лип-лип этиб турар эрди. Навфалнинг жаҳли чиқди ва кафтининг ёнламаси ила машъалани бир урди. Липиллаб турган ожиз олов ҳам ўчиб, машъала нарига учиб кетди. Навфал меҳмонлар олдига кирмай, бошқа томонга бурилиб кетди.

* * *

Ичкарида эса ҳамон гангир-гунгур давом этар эрди. Кимдир куладир.

* * *

Навфал нафрат ўтида чодирга қараб қўйди-ю, аммо қайтмади.

* * *

Ҳай қабиласида ҳам тўй-тантана. Лайлини Ибн Саломга узатаётирлар.

Юзга яқин қарийб бир хилда кийинган қиз қўлда шамдонлар тутиб (шамдонлар мисдан гўзал қилиб ясалган, шамларнинг пиликлари текис ёнадир), қатор туриб, уч қулочча келадирган жонли йўлак ҳосил қилишган. Бу йўлакнинг икки тарафида меҳмонлар. Издиҳом катта. Ҳар-ҳар жойда беш-олти йигит машъала кўтариб турибдир. Тўйхона айланасига ҳам машъалалар ўрнатилган.

Яна бир гуруҳ қизлар баркашларда сочқилар олиб келиб, шам тутган қизларнинг қаторига туришди. Бошқалари сопол товаларда гул сувларидан келтириб, куёвнинг пойқадамига мунтазир кутишадир.

Машшоқлар бир куйни чалишмоқдаки, тўй руҳига мос.

Жонли йўлак бошида Ибн Салом уч-тўрт навкари ила гўшангага чорловни кутиб туришар эрди. У шод, атрофга ўғринча қараб-қараб қўядир.

* * *

...Ичкарида Лайлини кийинтиришмоқда. Лайли кўзларидан оқаётган ёш рўмолча тугул, юзидаги ҳарир пардани-да ҳўл этган. Аммо бу ҳолни табиий билиб, теварагида аёллар, дугоналари гидрикапалак. Доя шўрлик унинг елкаларини силайди. У тушунадир, у ҳамдард, у ҳам худди Лайли сингари бу тўйдан рози эмас. Аммо, ҳозир иккаласи-да ўзларини ожиз ҳис қиладир.

Лайлининг бўйнига марварид шодаларини тақишди. Йўқ-йўқ, Мажнун туҳфа этган шода эмас, бўлак, ундан каттароқ шодани. Лекин Лайли бўйнига ҳалқа солингандай бўлди. Бошига тиллақош ўрнатишди. Сўнгра бир-икки аёл суяб ўрнидан турғазишди ва секин юрғизиб, ташқари олиб чиқа бошлашди.

Эшик оғзига борганда, зарур нарса эсига тушиб қолгандай, Лайли тўхтади. Аёллар қуршовидан чиқиб, ортига қайтди. Аёлларнинг кўпи ташқарига чиқиб бўлган, қолганлари остона тагида Лайлини пойлаб қолган.

Лайли кўрпа йиғилган жойга келди-да, аёлларга орқа қилиб, кўрпа қаватидан зебигардонини олди. Зебигардонга турли тақинчоқлардан ташқари чиройли сопли бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

ханжар-да бор эрди, Лайли тез уни олиб, енги ичига яширди. Аёлларнинг кўзига гўё мушк-анбар сепган бўлиб, остонага қайтди. Ҳеч ким Лайлининг бу хуфёна ишини пайқамади.

Ташқарида онаси уни бағрига олди. Лайли унинг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб юборди. Она Лайлининг орқаларини силаб, пешонасидан ўпди. Унинг ҳам кўзида ёш.

Қабила аёллари ўзларининг ёр-ёрларини айтиб, чилдирмалар чалиб, Лайлини жонли йўлакдан олиб ўта бошладилар. Қизлар сочқилар сочдилар. Йўлига гул сувларидан сепиб турдилар. Шам кўтарганлар бошларини хиёл эгиб, таъзим қилдилар.

Лайли дили хуфтон. Ичидан нима ўтаётгани бир ўзига аён. Йиғлайдир.

Кейин жонли йўлакдан навкарлар қуршовида куёв ўта бошлади. Куёвлик кийимида Ибн Салом ғоят ўктам кўринар эрди. Яна сочқилар сочилди, яна сувлар сепилди, яна таъзим ила кузатиб қолинди.

Куёв-келинга безатиғлиқ чодир оғзида, ичкарида Лайли ўтирибдир. Ўнг қўлида ханжар...

Оппоқ ҳарир пардани туширдилар.

Рўпарадан Ибн Салом келаётир. Кўзлари мастона боқадир.

Ен тарафдан Лайлининг отаси имом-хатибни бошлаб чиқди. Хатиб остона тагига чўнқайиб, куёвнинг келишини, ёнига ўтиришини кутди.

Лайли бетоқатланар, лаблари шивирлар, елкалари билинар-билинмас титрар. У ханжарни кўксига санчишга ўзини руҳан шайлаётган эрди.

Сира кутилмаган ҳол рўй берди: Ибн Салом хатибга яқинлашар-яқинлашмас бирдан ранги ўзгариб, кўзи юмилди ва секин қийшайиб, гупиллаб йиқилди. Бу воқеа шу қадар тез содир бўлдики, ҳеч ким уни ушлаб қололмади.

Бирпасда ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Аёллар чинқириб юборишди. Шу жумладан, ичкарида, Лайли бошида турганлар ҳам уни ўз ҳолига ташлаб, Ибн Салом бошига тўпланишди.

Лайлининг отаси эсини йиғиб: «Сув! Сув келтиринглар!» дегунича ҳаял муддат ўтди.

Навкарлардан бири қўйнидан мато чиқариб, елпий бошлади. Бошқа бири қаёққадир чопди. Бир аёл — Ибн Саломни опаси — келасолиб ўзини унга ташлади. Бошини тиззасига олиб, кўкрагини ишқалай бошлади.

Хатиб никоҳни ўқиса, ўзини ўлдиришга шай турган Лайли аввалига нима бўлганига ақли етмай гаранг эрди, сўнг тақдир иноятн ила жонининг омон ҳам номусининг бутун қолганига иконий, секин ташқари чиқди. Беихтиёр Ибн Салом томонга кўз қири ташлади. Ва коронғуликка чекинди.

Хатиб Ибн Саломнинг томирини ушлади, кўксига қулоқ солиб кўрди. Сув келтирдилар. Навкарлардан бири Ибн Салом кўкрагини очиб, яланғоч баданига сув сепиб ишқалай кетди.

Хатиб Ибн Саломнинг опасига қаради:

— Хафақон касали борми эди? — деб сўради. Опа жавоб берадиган ҳолатда эмасди. Хатиб ўзи хулоса ясади: — Кўп май ичилганидан хафақон хуруж қилган кўринадир, — деди атрофдагиларга.

Икки-уч йигит Ибн Саломни кўтариб, даврадан олиб чиқиб кетди.

Лайли тобора қабиладан узоқлашиб, саҳро ичкарисига кириб борар эрди. Ихтиёри ўзида эрмас, лекин ҳар нафасда Тангрига шукр қиладир. Қўлида ханжар, маҳкам ғижимлаб олган, балки ҳозир ханжарни буткул унутган. Шовқин-сурон ортда қолиб, ҳай қабиласи-да кўринмай кетди.

Лайли бирдан тўхтади. Ажабланиб, қўлига қаради. Ханжар! Эслади ва... ён томонга ирғитиб юборди-да, йўлида кетаверди.

Саҳродаги тунги сокинликни унинг ғарч-ғурч қадам товуши бузадир.

Узоқ юрди. Чарчаса-да юраверди. Бир жойга етганда, қаршисида кутилмаганда бир шарпа пайдо бўлди. Шарпа бу томонга келаётган эрди. Иккаласи ҳам тақа-тақ тўхтаб қолишди. Бир-бирига тикилиб, у буни, бу уни танидилар. Қаршидан келаётган шарпа — Мажнун эрди.

Бундай висолни ким кўрган экан, ҳайҳот!

Оёқларига жон, тилларига калима келавермас. Кўзларига ишонмайдилар. Бир-бирларини сароб деб ўйлайдилар.

Кеча ғира-шира ойдин эрди. Атрофни туманга ўхшаш бирнима қоплаган. Бундай ғайритабиий манзарада улар ҳам бир-бирининг кўзига хаёлий бўлиб кўринадирлар

— Лайли! — дейди Қайс.

— Қайс! — дейди Лайли.

Чирилдоқлар чириллашдан тўхтади. Юлдузлар жилва қилиб, майин куй чалиб турди. Қайс оҳиста Лайлига қараб юрди. Гўё ҳавода учиб келаётгандай бўладир. Келиб, Лайлининг кўзларидан нигоҳини узмай, секин тиз чўка бошлади. Оёғидан ўпди.

Лайли-да ўзини йўқотиб, Мажнун қаршисига тиз чўкди. Сочини, юзини силади.

Иккала ошиқ қумга тиззалаб олишган, бир-бирига қўл етгудек масофада. Мажнун энди Лайлининг сим-сиёҳ сочларини олиб, билакларига ўрайдир. Лайли Мажнун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг сочларини гардлардан тозалайдир. Мажнун олдинга энкайиб, Лайли тиззасига бош қўядир. Лайли унинг устига бош қўядир. Атроф тинч.

* * *

...Ғойибдан ровийнинг овози келадир:

«Бу оқшом Лайли бирлан Мажнун кўп ҳолатни бошдан ўтказдилар, аммо покликдан ажрим бўлмадилар. Ишқ аҳли булардек пок бўларкан, уларга абадий висол муяссар бўлса не ажаб! Нафс илинжида ошиқ бўлганларга ишқ ҳаромдир».

* * *

...Юз йилларча шундай кечанинг орзу-ҳавасида бўлсалар-да, тонг дам ургач, унинг бир нафас эканлиги билиладир.

Тонг ота бошлади. Осмон аста-секин ёришиб, қумтепа ёнбағрида ҳамон бир-бирининг устига бош қўйган ҳолда қотган ошиқ-маъшуқни ўзларига келтирди. Лайли оҳиста қаддини тиклади. Мажнун ҳам оҳиста бошини кўтарди. Лайли туриб, қайтиш тараддудига тушди. Мажнун тиззалаб ўтирган кўйи унга илтижоли боқди. Лайли бу илтижога жавобан муҳокамага ўрин қолдирмайдиган оҳангда:

— Менинг бу ерда туришим иккимизга қанча яхши бўлса ҳам, уйга қайтишим айни маслаҳатдир, — деди ва...

...кўнглини Мажнунга қолдириб, жасади қабила сари судралди.

Мажнун дилдорининг ортидан узоқ қараб турди, у кўринмай кетгач, қумда қолдирган жажжи изини қучоқлаб олди-да, соғинч ила юзига босди.

* * *

Тонг. Навфал қабиласи. Мехмонлар кетишга чоғланишган. Умумий руҳ шундайки, кеча оқшом бу хонадонда гўё тўй эмас, мотам бўлгандай.

Мажнуннинг отаси ғазабдан ўзини қўярга жой тополмас. Қовоғи солиқ. Юзи қизариб, рўпарадаги туялар сари боряпти. Ярим қадам ортда Навфал уни кузатиб келар. Қандай қилиб кечирим сўраш йўлларини ахтарар худди. Орқароқда — аёллар. Мажнуннинг онаси дастрўмолини кўзларига босган, бошқа аёллар уни елкасидан тутишган.

Тунда рўй берган воқеа — Мажнун келинни ташлаб кетиб қолиши ҳаммани гангитиб қўйган эрди.

— Тангрининг тақдири эркан... — деди Навфал овози титраб. — Бу ишларда сизнинг ўғлингиз ҳам, бизнинг қизимиз ҳам гуноҳкор эмас. Бу ҳаракатларида бирор ножўялик бўлганида, ўзим мунаҳиб иш тутардим. Аммо...

Мажнун отаси тўхтади. Навфалга қаради. Навфал кўзини бир четга олиброқ, сўзида давом этди:

— Тақдирнинг чораси бўлмайдир...

Ота изтиробли ўйлардан баттар куяр эрди.

— Ҳаҳ, бола-я! — деб нидо қилди юзлари буришиб ва... бирдан кўкрагини чангаллаб қолди. Мункий бошлади. Навфал дарҳол уни суяди. Бошқалар кўмакка етиб келишди. Туяларга яқин қолишган эрди, шу ерга ётқизишди. Мажнуннинг онаси фарёд тортиб, тиззаларига шаппалаб бошлади.

Сал фурсатдан кейин, юрак пича қўйиб юборгач, Мажнуннинг отасини битта кажавага ўтиргиздилар. Туялар қўзғалди.

— Беҳуда ғам тортманглар, азизлар! — деди хайрлашувга Навфал. Йўлга тушдилар. Қуда даргоҳидан исчодга ботиб чиқиб кетаётганлик ҳисси отанинг ҳам, онанинг ҳам мазасини қочирган эрди. Ота ҳамон кўксини чангаллаб борар, она унсиз фарёд чекар, булар бирла келган меҳмонларнинг-да кайфиятлари сўник эрди.

* * *

Ибн Салом ҳашамдор бир чодир ичида ҳушсиз ётар эрди. Мойчироқ ёниғлиқ. Ибн Салом ётган тахтасупа хонанинг бошқа қисмидан парда ила тўсилган. Ибн Саломнинг бошида — қиличи, ўқ-ёйи.

Секин қимирлади. Ҳушига келиб, кўзини очди. Озгина тепага қараб ётди-да, бутунлай ўзига келгач, қуруқшаган лаблари шивирлади:

— Лайли қани?

Опаси тез унинг бошига келди.

— Лайли — қабиласида. Тузалиб кетган кунингоқ олиб келамиз, инигинам, — деди Ибн Саломнинг кўнглини тинчлантириб.

Ибн Салом кучаниб бошини ўнг ёнга бурди, кейин чап ёнга бурди. Гўё Лайлини излади. Топмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Унга айтинглар, Ибн Салом васлингга етолмади, аммо сенинг ишқингда оламдан ўтди, денглар... — деди-ю, боши шилқ этиб тушди.

Опа чинқириб юборди.

* * *

Саксовул, юлғун сингари чакалаклар тиғиз ўсган саҳрода тонг отмоқда. Атрофни қўй-қўзининг овози тутган. Икки отлиқ чўпон поданинг икки чеккасидан юриб, «қуру-у-ув, қуру-у-ув» қилиб, қўйларни кунчиқар томонга ҳайдаб боришар эрди.

Бир пайт чўпонлардан бири шу томон шитоб билан келаётган телбасифат кимсани кўрди. Отининг жиловини тортиб, шеригига ҳайдайвер, дегандай имо қилди. Пода тўхтамади. Шериги телбасифат кимсага қарай-қарай, сурувни ҳайдаб кетаверди.

Бу орада Мажнун чўпонга яқин келиб қолган эрди. Чўпон отдан тушмай уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Мажнун ҳам чўпоннинг юзига тикилди. Ниҳоят:

— Ёруғ юзинг менга таниш кўринди, сени қайда кўрган эканман? — деди бошини хиёл қийшайтириб.

— Қайда кўрганингни билмадим, аммо мен бу тилсиз галанинг ҳамзабони, Лайли қўйларининг чўпонидирман. Ўзинг кимсан?

Мажнун «Лайли» исмини эшитиши ҳамоно тағин телбалиғи тутди ва чўпон отининг олд оёқларига ўзини ташлади.

— Эй, муборак юзли! Тангрининг бу қандай марҳаматики, менингдек дардлини сенингдек табибга йўлиқтирди! Мен ўша Лайли ишқида мажнун бўлган касман. Тезроқ юр. Мени қўйларингга қўшиб, ёрим ҳузурига ҳайда!

От пишқирди. Чўпон дарҳол отдан тушди. Мажнун қаршисига чўнқайди. Яна қайтадан унга разм солиб чиқди.

— Ўшал Қайс сенмисан?

Мажнун бошини қимирлатди.

— Сени бизнинг қабилада сабоқ ўқиган чоғларингда кўрган эрдим. — Кейин юзига ташвиш нишоналари инди. — Лайли дардингда қаттиқ хасталанган. Бунинг устига, мижози иссиқлигидан гармсел уни ҳолдан тойдирди. Етибдир.

Мажнун чўккалаб, чўпонга ялина бошлади:

— Э, биродар, мени тезроқ Лайлининг маконига бошла!

Чўпон бир нарса ёдига тушиб қолгандай, юзи янада тундлашиб, кўнгил сўради:

— Шу кунларда эшитдимки, ота-онанг оламдан ўтибдирлар... сабрли бўл.

Мажнун ялт этиб чўпоннинг кўзларига боқди. Чўпон довдиради.

— Сен ҳали билмасмидинг? — деб Мажнуннинг елкасига қўлини қўймоқчи бўлди, аммо улгурмай қолди. Мажнун бир силтаниб ўрнидан турди-да, ҳозиргина келган тарафига жўнаб юборди.

Бирданига ғирт етим бўлиб қолган Мажнун бу оламга сиғмай борар эрди. Бир чопадир, бир секинлайдир. Орқасига қарамайдир. Бирпасда юлғунзор ичига кириб, кўзга кўринмай кетди. Юлғунларнинг шохларигина унинг кетаётган йўлидан дарак бериб, қимирлар эрди.

* * *

Мажнун дашт бўйлаб ҳовлиқиб келар эрди.

Қабила қароргоҳига яқинлашганида, уч-тўрт киши унга пешвоз чиқди. Мажнун уларга эътибор қилмай, қабила кўчаларидан саросар югуриб, қабристон сари борарди.

Ҳалиги кишилар-да, унга эргашдилар.

Мажнун тепаликка жойлашган қабристонга етди. Теваракка аланглаб, ёнма-ён кўмилган икки қабрга кўзи тушди. Фарёд чекиб, ўша ёққа чопди ва ўзини иккала қабрнинг ўртасига ташлади.

У қабрни қучоқлайди, тупроғини кўзига суртади.

Бу қабрни қучади, тупроғини кўзига суртади.

Уни нарёқдан кузатиб турганлар чидаёлмай, кўзларидан ёш оқиздиришадир.

Мажнун қабрлар орасида чўк тушиб, бошини кўксига осилтириб, ўтирди. Кейин отасига муножот қила бошлади:

— Эй, қиблагоҳим! Роҳат топаманми, деб неча йиллар фарзанд истадингиз, аммо ёруғ чироғингиз мен туфайли ўчди. Яраларингизга малҳам бўлишимни истаган эдингиз... Э воҳ, энди қайси тил билан тавба қилайин! Гуноҳларимни кечиринг, ота, руҳингиз узримни қабул этсин!

Сўнг онасининг қабрини қучоқлаб, фиғон чекди;

— Эй қибламнинг нури! Сочларингиз мен туфайли оқаргани етмасмиди? Туғилган вақтимдаёқ ўлсам, туғилмаганлар билан тенг бўлсам бўлмасмиди эрдим?! Қўлингиз доим бешигимда бўлди, орзуларингиз алла билан қулоғимга қуйилди, бошингизга суянчиқ керак бўлганда мен қайларда юрдим?! Руҳингизнинг жилвагоҳи жаннат боғла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридур, ўша боғларда мендан шод эмаслигингизни билсам, шу жазо менга абадул-абад эмасми, онажон!

Қабиладошлари Мажнунни кўтариб олиб кетмоқчи бўлишди. Кўнмади. Силтаниб қўлларидан чиқиб кетаверди.

Қабиладошлар ночор ўзлари қайтишди.

Мажнун қулочини керганча, юмшоқ тупроққа панжаларини ботириб қабрларни қучоқлаб ётган кўйи, ўзи ёлғиз қолди.

* * *

Лейли бетоб ётган хонага доя кирди. Қўлида ҳўлланган оқ мато. Келиб, тахлаб, Лайлининг пешонасига қўйди. Лайли доянинг билагидан ушлади.

— Бу тескари дунё зулмидан вой, юз минг вой! Қачонгача жонимга ситам, юрагимга алам етказади?! — деди оҳ уриб. Сўнг доя қўлини қўйиб юборди ва кўзларини мавҳум нуқтага қадаб фиғон тортаверди: — Мажнунимнинг бошига тушган кўргиликлар бари мен туфайли бўлди. Менинг жонимни олақолсанг бўлмайдими, Тангрим!

— Касалга осон таслим бўлма, қизим. Иншооллоҳ, бу ситамлар кетидан хурсандчилик кунлар ҳам келар, — деди доя.

Лайли лоҳас бўлди. Эти жунжикди.

— Совқотиб кетяпман, — дедию беихтиёр ғужанак бўла бошлади. Танасига титроқ кирди.

Доя унинг устига яна битта тўшак ташлади. Ва ўзи секин чиқиб кетди.

Лайлининг пешонасига тер тепчиди.

* * *

Ярим тун. Момақалдироқ ерў кўкни ларзага келтириб гумбурлайдир. Чақмоқ шундай тепада чақнадики, Мажнун ётган қабр ичи ҳам ёришиб кетди. Ёмғирнинг шиғалаган товушига қўшилиб, ғойибдан таҳликали овоз кела бошлади:

«Эй, дарду бало қўшинининг шоҳи! Тургин, ҳозир ётадирган вақт эмас. Тоза боғинг хазонрезги бўляпти, ҳамчироғинг тонг елига учради. Ёринг сафар ишига киришди, бир ҳамроҳга маҳтал бўлиб турибдир...» Мажнун овоз кела бошлагандаёқ уйғонган эрди.

Эмаклаб қабрдан чиқди ва Лайли қароргоҳи сари югура кетди.

Йўлларда ёмғир суви тўпланиб-тўпланиб қолган, чақмоқ чақнаганида, гўё ойна синиқлари сочилиб ётгандай, ҳаммаси акс қайтарар эрди.

* * *

Ташқарида ёмғир тинимсиз ёғяпти. Чодир томига урилишидан гувиллаган аллақандай шовқин чиқарадир.

Лайли бошдан-оёқ оппоқ кийимда, жойнамоз узра тик чўкканча, намозининг охирларини ўқияпти. Ожиз ҳаракатлар ила икки тарафга салом берди-да, дуога қўлини очди. Бошини ҳам хиёл кўтариб, бармоқларининг учига қараётгандай, анча дуо ўқиди.

Ниҳоят, намозни тугатиб, қўлини секин юзига тортди. Орқада ўтирган онаси ҳам унга қўшилиб фотиҳа қилди. Яна пича жойнамоз устида ўтириб, кейин амаллаб ўрнидан турди-да, секин-секин юриб ўринжойига келди. Она уни суяди. Авайлаб ётқизди. Лайли ётиб, нафасни ростлаб олгач, кўзларини қийғос очиб, онасига меҳрибонлик ила термилди:

— Мушфиқ онажонгинам! Менинг ғамларимни ўзингизга олиб, дард-аламларга қолдингиз...

— Сенинг ғаминг Тангримнинг менга мукофоти-ку! Иншоолло, шифосини берса, яна ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетамиз.

Лайли оҳиста кўзини юмди. Хиёл бошини чайқади.

— Йўқ, гулим хазон бўла бошлаган кўринадир, — деди. — Ҳар ҳолда кетар вақтим етиб, бу боғда туришим тугабдир.

— Нималар деяпсан, қизим!

— Тангрим сизларга сабр берсин... Агар мотамим ошкор бўлса, шаксиз бу хабар Мажнуннинг қулоғига-да етадир. Шунда, эҳтимол, бошимгга келар, менинг руҳимни истаб унинг-да руҳи танини тарк этар... Зинҳор уни ҳурматлангиз, ёнимдан ўрин берингиз... иложи бўлса, иккимизни бир кафанга ўраб кўмингиз...

Яна бир нафас дам олиб, тағин кўзини очди ва онасига илтижо ила боқди:

— Мажнун совға қилган кўйлакни олиб чиқсангиз, кўргим келяпти, — деди.

Она шояд кўйлакни кўриб қизим дармонга кирса, деган илинжда шоша-пиша ўрнидан турди ва «ҳозир» дея қўшни чодирга ўтди.

Дарров қайтиб кирди. Қўлида узун, мовий тусли кўйлак. Иккинчи қўлида марварид шода. Қизига қараб, ранги бўзарди ва жонҳолатда устига ўзини ташлади:

— Лай-ли-и!!! Қизгинам-м-м!!!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лайли беозоргина жон берган, юзи эшик тарафга қараб қолган эрди.

* * *

Қоронғуликда Мажнун сўқмоқларданми, даштданми юриб-чопқилаб келарди. Ҳалқобларни сакраб-сакраб, баъзан ўртасига тушиб қолиб, сув сачратиб, аммо ҳеч нарсага эътибор қилмай, маҳбуби сари ошиқар эрди. Жулдур кийимлари шалоббо, оёқлари яланг...

* * *

Субҳи содиқ палласи бўлишига қарамай, Лайли қабиласи аллақачон уйғонган, ҳовлида тўс-тўполон қўпган эрди. Ичкарида эса...

...қизининг бу дунёдан абадул-абад кўз юмганини она юраги сира қабул қила олмас, туни билан йиғлай-йиғлай кўзда ёши қуридими ё йиғлай олмаяптими, ҳарҳолда, оппоқ сочлари тўзғиб, қизининг бошида паришон ўтирар эрди. Гўё жондан ширин қизи ўлмаган-у, қаттиқ уйқуга кетгандек, ҳадеб уни уйғотмоқчи бўладир:

— Тонг отяпти, қизим, кўзингни оч. Тонгда ухлаш муносиб эмас...

Қизининг ўлганини билади, аммо кўнгли кўнмайди. Кўзачадан кафтига гулоб қуйиб, моҳтобнинг юзига сепар, шояд сесканиб уйғониб кетса, деб умид қилар.

— Қандай оғир уйқу экан бу! Кўзингни оч, қўзичоғим, кечанинг кечалиги қолдими, қиз шерикларинг чорбоғ сайрига майл қилиб, сени кутиб туришибди. Мажнун ҳам йўлингга интизор. Сен кеч қолсангу у дилтанг бўлиб излаб келса, нима деб жавоб қиламан... бизни зор қилма, она қизим! — деб муштипар хотин айтиб-айтиб қўяр эрди.

Қўлидаги райҳон туплари ила қизининг юзини елпийдир.

Лайли дарҳақиқат, ҳозиргина чиройли уйқуга кетган-у, яна бир икки уйғотса, уйғонадигандек ҳолда ётар эрди.

* * *

Ғира-шира тонг отди. Момақалдироқ тўхтаган, чақмоқ чақнамай қўйган, ёмғир-да тинган эрди. Осмоннинг у ер-бу ерида булутлар уммонидан ортда қолиб кетган лахтаклар юзиб юрибдир.

Одамлар Мажнунни таниб, индамай йўл бўшатишар, у ҳеч кимни кўрмай, Лайли ётган чодирни истаб борар эрди. Бу ерда даҳшатли ўлим юз бергани аниқ, бу ўлим унинг ҳам жонини танда омонат қилиб қўйган, ҳозир қуруқ жасад судралиб борар эрди.

Одамларнинг ўраб туришидан Лайли қайси чодирда ётгани маълум бўладир. Мажнун шу чодирга яқинлашаётиб, атрофга қаради. Мотамсаро кўзлардан ўзининг қайғули кўнглига қандайдир юпанч, таскин ахтарар, топмоқчи бўлар эрди. Қани энди бу издиҳом мотамга эмас, тўй муносабати ила йиғилган бўлса! Қани энди Лайли нигори тирик бўлсаю унга пешвоз югуриб чиқса!

Одамлар қайғуда — кимдир муштини лабларига босган, кимдир юзини чангаллаган... Орадан бирови ажралиб келиб Мажнунни қучди. Ҳамдардлик билдирди гўё. Бу ҳамдард — Зайд эрди. Зайднинг қучоғидан чиқаётганда, Мажнун чап тарафда додфарёддан ўзини зўрға тийиб турган Ҳайни кўрди. Кўзлар тўқнашди. Мотам кийимида, қариб кетган Ҳай Мажнуннинг нигоҳларига дош беролмади. Боши эгилди.

Мажнун-да нигоҳини ундан узиб, остонага қадам қўйди. Ичкаридагилар бир зум йиғидан тўхтаб, худди келишиб олгандек бараварига тисарилиб, ўртани очдилар. Ўртада Лайли ётар эрди. Мажнун яқин келди, юзига термулди. Шундай термулдики...

Тангри қудрати ила Лайли кўзларини очди. Юзини хиёл буриб, тепасида севикли ёрини, етолмаган армонини кўрди. «Келдингизми?» дегандай майин жилмайиб қўйди ва... абадийга жон таслим қилди.

Кўз кўзга тушиб, иккисининг-да муродлари ҳосил бўлган эрди.

Шундан сўнг Мажнун аста Лайлининг ёнига тиз чўкди. Паривашнинг пешонасига, қошларига, юмуқ кўзларига, юзига соғинч ила термулди, нигоҳи ила бир-бир сийпалаб чиқди гўё. Ўнг қўлини оҳиста Лайлининг юзидан юргизди ва... бир уҳ тортиб, қабатига чўзилди.

Қўли ёнига шилқ этиб тушди.

Мажнун ҳам беозоргина жон берган эрди.

Шу заҳоти жасадлардан икки руҳ ажрала бошлади. Оёққа турди. Ерда қолган жисмларига ажабсинганнамо тикилди.

Ҳар қандай бузуқликдан пок бу икки вужуд ёнма-ён, хонани нурга тўлдириб, бир-бирига ярашиб ётар эрди.

Иккала руҳ бир-бирига яқин келиб жипслашди ва аста-секинлик билан ҳавога кўтарилиб кетаверди.

Раҳмсиз ишқ ҳаёт чоғларида бу иккала вужудни бир нафас ҳам шодлантирмаган бўлса-да, уларнинг руҳлари жаннатда абадий висолга етишиши аниқ эрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Адир ёнбағрида икки туп дарахт ёнма-ён ўсибдир. Неча замонлардан бери ўсаётган бўлса керакки, қариб, таналари бир-бирига жипслашиб, шохлари чирмашиб кетган эрди. Шу дарахтларнинг тагида қарийб қўшилиб кетган икки қабр дўмпайиб кўринадир. Кечаси билан ёғиб чиққан ёмғир ерларни салқин қилган, ҳавода ҳам салқинлик уфурадир.

Қабрларнинг қибла тарафида бир кимса чўнқайиб ўтирибдир. Яқинроқ келиб қаралса, у кимсанинг дарвеш экани билинадир. Жаҳонгашта дарвеш! Ёнида ҳамишалик ҳамроҳи — йўлхалтаси. Бу дунёни унутган. Берилиб, қабрдагилар руҳига Қуръони каримдан оятлар тиловат қилаётир. Бутун дашт бўйлаб ҳаралаётган овози мунгли, титроқли. Кўзларидан дув-дув ёш оқадир.

Ниҳоят, дуога қўл очди, ўқиган тиловатини қабр аҳлига бағишлаб, қўлини юзига тортди. Ўрнидан турди. Сўнг бор қабрларга назар ташлаб, кета бошлади. У юра бошлаган лаҳза ғойибдан таниш овоз келди:

«Мен хастаки бу қиссани битибмен ва таҳрири учун қалам тортибман, мақсадим афсона айтиш бўлмади, балки руҳим бунинг мазмунига мойил бўлиб, илоҳий ишқимга восита қилдим. Ё Раббим! Авлодларимни-да шу руҳдан бенасиб этма! Шайтону иблислар таъсиридан уларни ўзинг асра!»

Дарвеш йўлхалтани елкасига ташлаганча, тобора узоқлашиб, жуссаси тобора кичиклашиб борар, бунга сари ғойибдан келаётган овоз кучаяр эрди:

«Ё Тангрим! Бу ишқ қиссасини ҳар ким англаса, англамаганларини андиша ила ўйлаб, муддоларимни билса, ундайларга чин ошиқликни насиб этгин, оғизларига дард ва шавқ шаробини қуйгин!

Гуноҳларим кечирилсин. Омин!
Тангри тилагимга етказсин. Омин!

Ушбуни матбуотда эълон қилиш мўлжалим дастлаб йўқ эди. Бироқ у гарчи 1990 йил октябри ва декабрида «Ўзбекфильм»нинг турли студияларида қайта-қайта қабул қилиб олинган бўлса-да, аламли сабабларга кўра бир йилдан бери суратга олинмай ётгани, якин келгусида ҳам экранларга чиқиш истиқболи кўринмаётгани боис, ҳеч бўлмаса ўқувчиларимиз назаридан ўтказиб олсам-чи, деган хаёлда «Шарқ юлдузи»га келтирдим. Қолаверса, Алишер Навоий таваллудининг яхлит санаси муносабати ила бу йил диёримизда «Алишер Навоий йили» деб эълон этилди. Шунга озмикўпми ҳисса тарикасида қабул қилсаларингиз, каминанинг кўнгли андак ором топган бўлур эди.

Достонни кино тилига ўгиришда режиссёр Ҳотам Файзиевнинг хизматларини алоҳида эҳтиром ила тилга олишни бурчим деб биламан. Бир ярим йилдан бери ҳамма ишларни ташлаб қўйиб каминага карийб ҳаммуаллифлик қилдилар. «Лайли ва Мажнун» дарди билан яшадилар, суратга олишга баланд иштиёқда эдилар, афсуски, маблағ тақчиллиги баҳона орзуларимиз рўёбга чиқмади.

Ҳар қандай бадиий асар киноланштирилганда айрим ютуқлар билан бирга кўп фазилат йўқотилади ҳам. Айниқса, Алишер Навоийнинг ижод оламларига, айниқса, «Лайли ва Мажнун»дай гўзал асарларининг руҳий дунёсига аралашилса, бундай йўқотиш бўлиши турган гап. Шунга қарамай, юракда журъат сезиб, бу нозик ишга қўл урдим. Асарнинг насрий баёнидан ҳам унумли фойдаланилди. Гўзал чиққан ҳамма жойлари Ҳазратники, ўхшамай қолган жойлари бизникидир. Бинобарин, камчилик топсаларингиз каминани сўкиб, ютуқ топсаларингиз Ҳазратларини дуо қиларсизлар, деган умиддаман. Тангри таоло у кишининг жойларини жаннатдан ато этсин. Омин.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойдин Ҳожиева

НАЖОТ

Етти афсонадан иборат достон

БАҒИШЛОВ

Навосиз улуснинг навобахши бўл!
Алишер НАВОИЙ

Наврўз сайли. Тошкентнинг Бош майдонига шаҳарнинг беклари кириб келадилар. Улар зарбоф чопонда, манглайида беклик жиғаси порлар. Учқур отларнинг бахмал ёпқичлари товланар. Кумуш аслаҳалар кун тиғида шуъла берар. Элу юрт шодумон сайлга ошиқар. Мозийнинг олис сўқмоқларидан қадим Туркистоннинг жароҳатли кўксига муборак шамоллар уринар. Тошкентнинг Себзор, Бешоғоч, Қўкча, Самарқанд, Қамолон дарвозаларидан гурас-гурас ёшлар қизғалдоқлардай ловуллаб келаберар.

Ҳазрат Навоий байрам либосида Хўжаи Хизрдай бўлиб, ўзбек элатларини кутлагани, Иймон ва Динини бутлагани, юракларни ҳаёт шавқига тўлдиргани майдонда ҳозир бўладилар.

Мен-да, томошаталаб болага айланиб, тилим шошиб, илҳом ва сурур дарёси тошиб, болалигим сирли толага айланиб, бу толанинг бир учи гўдаклик боғларига бойланиб кетар.

Бу ғанимат дийдорлашув — Ҳазрат Навоий ва туркийзабон улуснинг пешонасига нур тушган лаҳзалар пири комил устозга айтиб турганларим ушбудир:

Ассалому алайкум, устоз,
Йўлингизга эл чиқди пешвоз.
Меҳру нажот истаб келдило,
Бир йўл қанот истаб келдило.
Қуриб битган Руҳ дарёсина
Баҳрул ҳаёт истаб келдило.
Ширин ила Фарҳодлар келур,
Не миннатдор авлодлар келур.
Чиқур гўзал каниз Дилором,
Чиқур шуҳрат сайёди Баҳром.
Етти ёшдан етмиш ёшгача.
Муборакбод этгали келур.
Бугун Сизни сийлаб бошқача,
Ўзлигин ёд этгали келур.
Шоҳу гадо келур сиғиниб,
Бир мўъжиза зиёратдир бул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хешу дарвеш келур йиғилиб,
Бир байрами қиёматдир бул.
Ернинг юзи — одам тумонат,
Куннинг кўзи тўлибдир одам.
Ёғилмоқда нури ҳидоят,
Сўнган, тўнган дилларга малҳам.
Нафаси пок, умри муборак
Валийларнинг пири, ассалом!
Туркий элнинг шаъни, таборак —
Сурасидай шеъри, ассалом!
Улуғ ҳазрат, дилда гирдибод
Ўрлаб, оҳлар кўкка чиққан чоқ,
Жаннат диёр қолиб бенажот,
Бўлганида бир тутам янтоқ,
Дарёсини нафси ўпқонлар
Симирганда бир наҳанг бўлиб,
Тоғларидан қочиб жайронлар,
Набототнинг ҳоли танг бўлиб,
Жаҳл солиб Руҳига занжир,
Ўтмишини унутганда эл,
Ўзгалардан бўлиб домангир,
Жонидан ғам ўтганида эл,
Келтирдингиз, эй улуғ Ҳазрат,
Покланишнинг тоза ҳавосин,
Ғафлатга қул, шуури карахт
Бандаларга малҳам давосин.
Бир силкиниб кишанин узган
Баҳодурдек уйғонар Руҳим.
Етти ровий — етти сибизға
Сўйлагани — дардим, шукуҳим...

БОЛАЛИК БОҒИДАН ФАСОНА

Онам Тошбиби — бобо Жаҳмат қизи Бухоро инқилоби ҳақида йиғлаб сўйлардилар. Ёзнинг сутдай кечаларида, кор-бўронли қаҳратон киш тунларида эртаклар айтиб бериб, мени ва бир этак жиянларимни овутардилар. Бу эртаклар етти кечаю етти кундуз давом этарди. Биз тезроқ тонг отишини, кеч бўлишини кутардик. Эртаклар дунёсида яшардик.

Рўзибиён қишлоғи тупроқ йўлли, пахса уйли, толзор кўчали бир гўша эди. Саратон кунлари толлар тагида тизилишиб, ўтган-кетганларни томоша қилардик. Оқ либосли, соқоли кўксига тушган Хўжаи Хизр бобони кутардик. Ҳар бир йўловчига таъзим билан салом берардик, изидан узоқ қараб қолардик. Хўжаи Хизр бобо келмасдилар, биз нораста-ларнинг кутганимизни билмасдилар гўё. Қишлоқчада мактаб ҳам, мачит ҳам, мадраса ҳам йўқ эди.

Пахса деворларимизнинг қанотига туташ Қизил чойхона бор эди. Аҳён-аҳён Тошкентдан, Бухородан артистлар келишарди. Гоҳида эса кино кўрсатиларди. Ҳар байрамда Салой бобо Қизил чойхона деворларини оқлаб кетардилар. Кино кўйилган кечалар онам девордан шайтон чиқади, иймонни бузади, деб ҳовлига кириб кетардилар. Биз ҳам онамнинг изларидан эргашиб, эртаклар мамлакатига кириб борардик. Фолбинлар, жўгилар, тиланчилар, меҳтарбоз-кўғирчоқбозлар, қаландарлар саратонда пайдо бўлиб қолишарди. Лекин Хўжаи Хизр бобо келмас эдилар. Шундай кунларнинг бирида...

Кун қиздирар.
Чумчуқлар ҳам
Тол бағрига беркинибдир.
Қўрғошиндай эриб олам,
Йўлакларга тўкилибдир.
Саратоннинг қозонида
Билқиллаган йўл қайнайди.
Темирчининг босқонида
Олов деган гул қайнайди.
Чайлаларда қайтар нафас,
Ишкомларда ғўра чатнар.
Молхонада моллар лоҳас,
Ҳовузларга шамол қатнар.
Чўпкори уй.
Пахса девор.
Оқ пилладай етилган тут.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарвозаси бор нақшинкор,
Ота мерос, авлодга қут.
Томорқада буғдой пишган,
Каҳрабодай бошоқлари.
Ариқчада сувлар тошган,
Оқар қовун пўчоқлари.
Қарри-қурри сояларда
Жон сақлайди, ором олар.
Ширин жўхорпояларга
Шўх болалар «карвон» солар.
Қоширин бир қизалоқ
Болаларга қўшилмайди.
Жиндай ҳуркак, хаёлчанроқ,
Ўйинларга шошилмайди.
Нимқоронғи салқин хона,
Вассалари тароқдай зич,
Ухлаб қолди ҳорғин она
Нимадандир дилда ўкинч.
Қуроқ қошли ёстиғидан
Бош узади қиз бетоқат.
Кимдир тутар қўлтиғидан,
Ташқарига ундар фақат.
Кўзларини ишқаганча
Юраберар беҳуш, карахт.
Дарвозага то етганча
Учиб борар қушчасифат.
Дарвозада биров турар
Кулоҳлари нурга ўхшаб,
Эртакдаги соҳибназар
Балогардон пирга ўхшаб.
Бошдан-оёқ оқ ридоли,
Чориқлари пахтадай оқ.
Кўксин қоплаб оқ соқоли
Еришгандай ундан тўрт ёқ.
Ногаҳонда дўлдай уриб,
Ёқимли куй ёғаверди.
Дарвозанинг тоқин суриб,
Қиз мўралаб боқаверди.
Кўзларидан ёш тирқирар,
Бошларидан тер қуйиб гоҳ,
Қулоқлари гоҳ сирқирар,
Варажада, қалтираб гоҳ
Тингларди ул, сеҳрли куй
Қўнғироқдай жаранглари
Ва чулғарди талха, хушбўй
Явшанзорли заранглари.
Мўъжизадан анқайиб ул
Остонада сих қотганди.
Соз авжига чиқиб бир йўл,
Онани ҳам уйғотганди:
— Ҳай, худонинг машшоқлари
Ризқин териб юрар ҳар ёз, —
Бир лўнда чой, нон кўтариб
Ола чиқди нарзу ниёз.
Қаландарнинг либослари
Сирли соз ҳам бўлди ниҳон.
Дарвозада турар ғариб
Бир бечора жулдур чопон.
Оёқ яланг, ёқаси чок,
Бошда телпак яғир-ёрғоқ.
Кўзларида бечоралиғ,
Қўлларида ирғай таёқ.
Қизча ногоҳ сескандию
Кўзларига инонмади:
Зар кийимли қўшиқчи шу
Йиртиқ тўнли инсонмиди?
Ер ютдими ёки осмон?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чинмиди бу, ё бир рўё?
Қизча йиғлаб ҳайрон-ҳайрон,
Ҳиқилларди: — Хизр бобо!
Мени ташлаб кетманг, дейди.
Кўзим ёшлаб кетманг, дейди, —
Қумга ботиб тўпиқлари
Йиғлаб-йиғлаб чопиб борар.
Онажони қайтақол деб —
Бир ёлборар, бир ёлборар...

Хўжаи Хизр бобо қайтиб келмади.

Бу ҳовлига колхознинг сариёғ, тухум йиғиб юрувчи соликчиси серқатнов бўлиб қолди. Гужум дарахтидан ясалган гулкори дарвозага кўзини тикиб олди. Пул ваъда қилди. Йўқ! Эвазига бир соғин сигир бераман, деди. Йўқ! Кўчиртириб юбораман, деди. Йўқ! Отамиздан ёдгорлик деб, дарвозани беришмади. Кунларнинг бирида ГПУдан уч киши келди. Дарвозани ҳатлади. Моҳир ўймакор уста араб алфозида оллоҳи карим оятларини дарвоза «пешонасига» ёзган, нафис хуснихат билан унинг табақаларини пардозлаган эдилар. Қизингиз фирқа аъзоси бўлатуриб, эскичага амал қилгани учун, оллони ўзига пир билгани учун деб, бошида эркаги йўқ, бир этак сағири нон деб турган аёлни йиғлатиб, дарвозани кўчириб олиб кетишди. Аёлманд хонадоннинг фариштаси учди. Чор-ночор қолган аёл Новача тўпаридан Магалак гузарига кўчди. Ўшанда етти ёшда эдим...

ҚИРҚИНЧИ ҚУТИ ТИЛСИМИ

Зарметан қишлоқнинг йўллари
Бахмал каби чимзор мулойим.
Токзорида меъмор болари
Қуриб ётур «шарбат» саройин.
Деворларга мингашиб олган
Шўх боладай «томошақовоқ».
Ўтлоқларда маърашиб қолган
Дикир-дикир эчкию улоқ.
Себаргалар яшмадай порлоқ,
Сув тубида ялтираб турар.
Бўтакўзлар қувалашмачоқ
Ўйнагандек мўлтираб турар.
Бутазорда зимиллаб қолар
Оқ пайпоқли чопқир товушқон.
Юмронқозиқ қаққайиб олар,
Йўл йўқотган (кимсадай) ҳайрон.
Қамишлар ҳам шовуллар «виз-виз».
Ёлғизоёқ сўқмоқ. Кун-пешин.
Кийикчадай келар сергак қиз.
Кўнглида не хавотир экин?
Рўмолида тугилган бир шай,
Уни берган пир бобожони,
Олиб борар қизча билдирмай
Тоғасига сирли дунёни.
Бобожони ўқирди такрор:
Ҳофиз каби майин, пурмаъно
Ул китобни тунлари бедор.
Қишлоқ аҳли тингларди шайдо:
Авазхону Ғариб, Кунтуғмиш,
Мисқол пари бўларди меҳмон.
Рустамхону Барчин, Алпомиш
«Гурунглашар» эди бир майдон.
Йўл четида, сайисхонага
Дулдул отлар чопиб келарди.
Сўз ёритган мажлисхонага
Гўрўғлибек кўчиб келарди.
Чўпкори уй вассаларидан
Ҳумо қуши порлаб чиқарди.
Мавлавихон ҳассаларидан
Кенжа ботир, ё раб, чиқарди.
Эски уйнинг остоналари
Ўша кеча мармар бўларди.
Бобосининг афсоналари
Тил учида гавҳар бўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сандалида, мис патнисда — нон,
Туршак, жийда — жаннат неъмати:
Ҳар бир одам ўзича султон,
Тикланарди Нур салтанати.

Илон чиққан касофат уйдак
Нафис мажлис тўзғиди бир кеч.
Ўз акасин сотди бир тўйда
Ука — имон-иродаси берч.
Деди:
— Улар замондан ношод,
Қўмсар ўтмиш овозларини.
Йиғилишиб ўқишар бот-бот
Авлиёлар баёзларини.
Ёмон кўрар озод тузумни,
Юрагида алам-кеки бор...
Бошладилар ялпи ҳужумни,
Арабчада битган неки бор,
Ёндирдилар, пора қилдилар,
Шайтон базм қурдилар, эвой!
Мулла борки, қора қилдилар,
Ўз юртида қилдилар гадой.
Қаттол ҳукми фармон ёзилди:
— Эскиликка соламиз қирон!

Ўн саккизта масжид бузилди,
Меҳробида ўйнади шайтон.
Салласини қориб туфроққа,
Хўрладилар Мавлавихонни.
Китобларин кафанлаб оққа,
Паноҳ билиб мозористонни
Кўмиб келди охир бенажот,
Инисидан кўриб ситам-дод:
— Ҳа, замона зўрники бўлди,
Сўқирники, кўрники бўлди.
Фозилларга пода қавми деб,
Жилов олган ғўрники бўлди.
Кеча Тилаб терговчи шаккок,
Китоб бор деб, гўрни очибди.
Вишиллаган аждаҳо кўриб,
Нобакорлар урра қочибди.
Шукур, тангрим қилмиш иноят,
Китобларни асрабди ўзи.
Эртан қилар уйларни ғорат,
Исковучлар итлиги қўзиб.

Улуғ ҳазрат — Пирнинг девонин
«Дафн» этарга топмадим журъат.
Хилватроққа юборинг они,
Ямламасин бу қизил бидъат!..

Ва тун бўйи тасбеҳ ўгириб,
Оллоҳ билан гаплашди жим-жим.
Киши билмас бир ғорга кириб
Кетди, қайтиб кўрмади ҳеч ким...

Бобосининг ноёб давлати —
Ўша девон қизнинг қўлида,
Қулоғида ота даъвати
Бормоқда қиз нажот йўлида.

Ванғозининг минораси ҳам
Хомушгина кузатиб қолди.
Бу қилтириқ қизча ушбу дам
Куч-қувватни қаердан олди?
«Ҳув» деганда овоз етгудек
Масофада Шўравот қишлоқ.
Рўпарада тоғни ютгудек —
Сой солади юракка титроқ.
Ёғоч нов бор кўприк ўрнида,
Доқи Юнус давридан ёдгор.
Илвираган новнинг «қорнида»
Ўпқон каби тешиклар қатор.
Тугунини ташлади ерга,
Норасида хўрсинди хомуш.
Ақли етмай бирор тадбирга,
«Алҳамду»ни айтди фаромуш.
Ҳулбўй, шўра босган қирғоқда
Бир шитирлаш келар қулоққа.
Оппоққина хушрўй товушқон,
Қулоқларин динг қилиб, ҳайрон
Қизалоқни этиб имтиҳон,
Қараб турар беғаму шодон.
Тугунини бағрига босиб,
Қизча қумда чўккалаб олди
Ва товушқон булутдай тўзиб,
Ўрнида оқ калава қолди
Ва чувалиб-чувалиб ногоҳ
Салла каби ёйилди паққос.
Нов устида тўшалди оппоқ
Толалардан узун пойандоз.
Чулдираган тўрғайлар дастёр,
Пойандозни тумшуқда тишлаб,
Сойнинг икки четида қатор
Икки ёқдан туришди ушлаб.
Югургилаб, қанотин ёзиб,
Эсон-омон ўтди «кўприкдан».
Қизча борар вужуди қизиб,
Қум қитиқлаб ўпар тўпиқдан.
Шўравотнинг боғбони Фармон
Бобо қутлуғ китобни олди.
Боғ тўрида назардан ниҳон
Қирқинчи бол қутига солди.
Ҳар йил асал йиғар мавсуми
Бол олинмас сўнгги қутидан.
— Ҳазратимнинг ўлмас сўзлари
Беҳроқ асалари сутидан.
Ханжар тираб халқнинг бўғзига,
Руҳ гавҳарин ёриб олганлар,
Мил тортишиб Эркнинг кўзига,
Рўзғорига ғавғо солганлар,
Замон келар, сохтагар зайдлар,
Миси чиқиб: расво бўлодир!
Яратгандан жавоби қайтар,
Бошида минг савдо бўлодир!
Ҳар хонада, ҳар бир равотда
Улуғ ҳазрат меҳмон бўлурлар.
Гумроҳ элга ҳар мушкулотда
Элга балогардон бўлурлар.

Алқисса, Фармон бобо юз билан юз кўришиб, оламдан ўтдилар. Бобо асраб қўйган ҳазратнинг илк девонларини бир кун олис Ленинград шаҳридан келган олимлар катта пулга сотиб олиб кетдилар. У ҳазратнинг қайси асари эканини ҳеч ким билмайди. Мен ҳамон катта чорбоғни, чорбоғ тўридаги сўрида чордона қуриб ўлтирган, бола-бақраларга чиройли паккиси билан юмшоққина ҳолвайтар кесиб берган донишманд бобони эслайман. Мен тасаввуримда кўрган иккинчи Хўжаи Хизр бобо ўша киши эдилар. Ҳозир чорбоғдаги анвойи мевали дарахтлар кесилиб, ерлари ялпи пахтазорга айлантирилган.

Мавлавихон, мен у кишининг номларини шундай ўзгартириб олдим, каерга кетган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини ҳеч ким билмайди. Лекин у кишининг ҳовли-ҳашамига эга чиққан уканинг уйида бир гўдак дунёга келди. У ерга тушиши билан эмаклаб, гапира бошлаган. Доя буви «бало туғилди» деб, устига қозон тўнкарган экан. Аканинг қаргишига учради, дебдилар. Худонинг каломи битилган китобларни ёққани учун, ҳар кеча тушида кимдир унинг остонасига олов ташлаб кетар экан, дейишарди.

Каттакон ҳовли, сайисхона бўш турар, бефайзу бефаришта эди..

ЭЛДАН ЧИҚҚАН БАЛО

Ўзингдан чиққан балога
Қайга борарсан давога?
Мақол

«Тош-тарози» ёбонда бир чоқ
Чакалакзор бор эди овлоқ.
Юлғун, шувоқ, кўзтикан, бурган —
Бутазорда шағол ин қурган.
Гоҳ тулкилар дориб қоларди,
Савдойилар бориб қоларди.
Латта туғлар илмишлар эди,
«Авлиёча» демишлар эди.
«Қув-қув», «ёв-ёв» бир замон бўлди,
Бойлар «қулоқ», қатағон бўлди.
Китобларни даста-дасталаб,
Арқонланган қулдай басталаб:
Аравага солиб келдилар,
«Авлиё»га олиб келдилар.
Қишлоқ шўро раиси Тўлов
Каттакон бир ходани мойлаб,
Гугурт чақиб, ваҳший «ҳой-ҳой»лаб:
Китобларга ёқарди олов.
Юмрон, сичқон, кўркаламушлар,
Ёзтовуқлар, қирғовул қушлар
Патирлашиб, пат-пари ёниб,
Тўрт тарафга қочар тўлғониб,
Ваҳшат солар олов қиличи,
Қоча олмай китоблар ёнар.
Эл турар лол, нафаси ўчиб,
Кўз ўнгида савоблар ёнар.
Ғирот ёнди, куйди Алпомиш,
Қизиб кетди наҳс бозори.
Ёнди Иймон мисоли қамиш,
Ёнди юртнинг ҳамият, ори.
Тўлов раис оғзи қулоқда,
Отга қамчи босиб юради.
Руҳи сўнган ғариб қишлоқда
Қузғун каби кезиб юради.
Иттифоқо, тарқалди миш-миш:
Тўлов раис ҳовлисида тун
Ажиналар базм қурармиш,
Қилар эмиш тонггача ўйин.
Бир кун тулки чиқиб йўлидан,
Тилга кириб: шайтонсан, дермиш
Ва қамчисин олиб қўлидан,
То ўласи бўлгунча урмиш.
Дастурхонга узатса қўлин
Майизлари бўлмиш қумалоқ.
Тушларида чўқирмиш тилин
Қанотлари куйган тувалоқ.
Тонг отгунча уй орқасида
Базм, ваҳшат эшитар ёмон.
Кўзин юмса, денг, ёқасида
Ўрмаларди бир чипор илон.
Хотинига боқар — ёстиқда
Тумшуқли бир қузғун кўринар.
Қамалгандай аждар сандиқда,
Хаёллари бузғун кўринар.
«Авлиёда пирлар руҳи бор,
Дер эдилар, оллоҳ мулки ул».
Юрт удумин бузиб нобакор,
Валийларга кўтарганди қўл.
Қайга кўчиб борса, баттолни
Инсу жинслар қувди қасдма-қасд
Ва топшириб қамчи, амални,
Тавба қилди бир кун хору хас.
Боғбон бўлиб экканди ниҳол,
Қуриб қолди авжи жавзода.
Чўпон бўлиб қўй боқди увол
Малик чўлда — мулки худода.
Айни совлиқ қўзилар мавсум
Сурувига дориди ўлат.
Корида ҳеч бўлмади унум,
Мардикорлик қилди бир муддат.
Савоб учун ипак қурт тутди,
Кирганида айни чилбаргга,
Таррак каби қуртлари қотди,
Тополмади яна барака.
Хотинни-да топширди ерга.
Ул сўққабош қолди бенаво.
Эй одамзод, омади йўрға
Мансаблардан ким топган вафо?
Хотирамнинг кўчаларидан
Йиғлаб ўтди Барот бахшилар.
Ҳалол нони, гўжаларидан
Жудо бўлган зору яхшилар.
Эл — улуснинг маъракасида
Дилларни сол қилган ҳофизлар,
Қора туҳмат алангасида,
Ўққа учган ақли қомуслар
Қўлларини кўрдим ёқангда.
Кўрдим қўлинг билаккача қон —
Телпак тутиб, сўраб садақа,
Яна элдан кутасан эҳсон.
Кўрдим Қўшша Норқул дили пок,
Имони пок, лекин қабри йўқ.
«Халққа душман» атаб, бир нопок
Сенинг қўлинг билан отган ўқ.
Ҳамон ундан излаб бир нишон,
Армон билан ўтар синглиси.
Мева тугмай ул бўлди хазон,
Сен қурт бўлиб қирқдинг илдизин.
Мункиллаган чол отасин ҳам,
Тутиб бердинг сайлов баҳона.
Қайтар дунё: синди жоми Жам,
Ўтди-кетди умринг шоҳона.
Айтишарки, сенга боққан он
Қўрқиб қочмиш Ёдгор девона:
— Елкасида бор экан шайтон,
Тил ўрнида кўрдим тевона.
Девоналар Ҳақнинг суйгани,
Айтганлари тугал каромат.
Бежиз шайтон демаган сани,
Ахир: шайтон иши — касофат.
Қазо ҳақдир бани башарга,
Не саройлар кетарлар нураб.
Тўлов ўтди. Йиғлаб борарга
Ҳассакаши бўлмабди, ё раб!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алқисса шу: уч кунга довур
Гўр ўлигин отиб ташлабди.
Кечалари ёнибди гур-гур,
Кўрган борки, ёқа ушлабди.
Машойихлар демишлар масал,
Йўқдир асло шак-иддаоси:
— Китоб ёққан одамнинг азал
Куйиб кетар икки дунёси...

АРОСАТ

Ош тортилди.
Кўпкари бўлди.
Кураш тушди номдор полвонлар.
Эл-ҳамсоя йиғилиб келди,
Яна тўлди уйлар, айвонлар.
Карнай-сурнай томоғи қақраб,
Хизматини айлади тамом.
Тўйхонада чилдирма янграб:
Бошланади авж келин салом:
— Кўкни тўққиз яратган,
Ерни тўкис яратган:
Сизни эгиз яратган
Аввал худога салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Расулуллоҳ пайғамбар:
Чориёри суханвар:
Саҳобалар боназар
Мустафога бир салом!
Келин салом! —
— Ҳазор алик!

Чорбоғдаги чинордай,
Қоядаги шунқордай,
Давлати шаҳриёрдай
Қайнотасига салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Ўғил туғиб керилган,
Қоши пиликдай терилган,
Ўчоқ бошига эринган
Қайнонасига салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Кўк саройнинг гумбази,
Эшикдаги тамбаси,
Асилзода аммаси —
Кадхудога бир салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Жавзодаги лоласи,
Бол тутган пиёласи,
Хонимчадай холаси,
Маҳлиқога бир салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Чархнинг кумуш парраси,
Оқ шоҳидан дурраси,
Бешикнинг кунгураси —
Овсинчасига салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Етти пуштига салом!
Хелу хуштига салом!
Қўни-қўшнига салом!
Келин салом!
— Ҳазор алик!

Хотин-халаж «Кўп яшанг»лаб турдилар. Саломга чакирилганлар келинчакка туҳфалар бердилар. Келинчак бошидан қанд-қурсу тангаю тунга сочдилар. Болалар чувиллашиб, дон терган чумчуқлардай сочқига ёприлдилар. Кексалар дуойи давлат айтиб турдилар, қизалоқлар ҳавас қилиб қимтиниб хаёл сурдилар. Робихоннинг чилдирмаси ҳалқалари бир маромда шилдирар, қайвони Рухсора холанинг овози қўнғироқдай янграр, чимилдиқда икки шам ошиқ дилидай ёнар, кўрганлар қувониб, тўйхона ҳаётнинг илоҳий нурига чулғониб турар...

Шу пайт ланг очиқ дарвозадан уч киши кўринди. Йиғилганлар ҳуркиб икки четга суринди. Тўппа-тўғри Норбўта раис томонга юришди. Бири нўғай, бир кўзи ғилай, бири ўзбек, қўланкаси майдон гўё шу қишлоққа хон, бири ўрис, белида тўфонча, юзида ғазаби онча, бирпас тек туришди, пешоналари тиришди.

Тўйхона қор ёққандай совиб кетди. Жимликни бузиб, бармоғини нуқиб, амиркон этиклари ғирчиллаб, қиш чилласидай қирчиллаб, нўғой киши раисга сўз қотди:

— Хўш, ўрток фирка?! Авомни йиғиб, фикрини бузиб, худони тарғиб қилиб, диний қўшиқ айтиб турганингни биласанми? Улуғ Ленин-Сталин ғояларига қаршимисан?

— Мен эл-юрт таомилини қилдим! Ота-бободан қолган удумни фирка тақиқлаган эмас!

— Керакли жойда айтишади, фирқага кириб олган ёт унсур!

— Сен чиркин ниятларингга фирқани қалқон қилма, номард!

Норбўта раис «фаоллар»ни тўрга таклиф қилди. Қайвонийларга давом этаверинглар, деди. Лекин, юракларга бир қаролик тушди, халойиқ бирин-сирин тарқаб кетди. «Фаоллар» эса намойишкорона чиқиб кетдилар.

Норбўта раисга керакли жойда «айтишди». Эскиликкка муккасидан кетгани, халқнинг фикрини «бузгани» учун, фирқа сафидан ўчиришди. Оиласи билан бирга Беговот чўлларига кўчиришди... Раис оқланиб келди. Уни фирқага тиклаш ҳақида қарор ҳам чиқди. Лекин у қайта фирка сафига кирмади. Гиждувон томонларда яшаб, катта боғ барпо этиб, умргузаронлик қилди. Ундан қолган боғни «Руҳи жонон» деб аташади.

Яшил бедазорлари, бугдойзорлари, қовун полизлари гуркираб ётган колхоздан барака учди. Отхоналар ҳувиллаб қолди, отлар гўштга топширилди. План тўлмаган йиллар аҳолининг томида босилган ғўзапояларни титиб, пахта изланадиган, хонадонлардаги кўрпаларни ағдариб чавғитини давлатга топширадиган бўлишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғанинг кўзига чўп солган жигар,
Ҳовли-ҳашамига қилди эгалик.
Унга тегди қамчи, от билан эгар,
Кимсан — раис энди ҳукми ҳиккалик.
Бебилиска келган давлатни хатлаб,
Анжирзор боғни ҳам ўзники қилди.
Бирор жон бу уйга остона ҳатлаб
Кирмакни ўзига орият билди.
Урушдан, очликдан омон ўтган халқ,
Кўз солмай бировнинг омонатига,
Аҳил яшар эди,
Билмай қош-қовоқ,
Тушмаганди гумон асоратига.
Дўппи — ёввойилик белгиси, деди,
Шапка кийиб, тақди ола бўйинбоғ.
Нос чеккан бангилик, қўланса ҳиди,
Чилимдан папирос эрур яхшироқ.
Тўйда чой ўрнига тортилди шароб,
Чимилдиқ узилди, курси терилди.
Етим қиздай қолди пойгакда савоб,
Иймон кўнгиллардан нари сурилди.
Сув ичган қудуққа тупурди бири,
Ариқлар сувига оқизди ахлат.
Қўйга чўпон бўлди оғзи қон бўри,
Юракни тарк этди меҳру мурувват.
Аҳли аёлига топинган қишлоқ,
Хотинига кетмон тутқазиб қўйди.
Ота-она қилди фарзандини оқ,
Бор-будин қиморга ютқазиб қўйди.
Тандирхоналардан кетди фаришта,
Ўчоқ турумлари бузилди бир-бир.
Аристонхонаю турма қуришди,
Иккидан бирови бўлишди асир.
Адиру ўтлоққа қўш кирди баҳор.
Шудгорлаб, барига чигит сочилди.
Тупроқнинг танидан кетдию мадор,
Ҳар йили кўксида пахта очилди.
Тўқайлар ҳоқони — арслонлар гумдон,
Қамишзор эркаси — лайлак, лойхўрак,
Қурбақа қирилди, қолмади нишон,
Ўчди қирлардаги шойи камалак.
Эскилик қолдиғи аталди жувоз,
Тегирмонлар тўхтаб, барака учди.
Юртнинг куни қолиб чой-нонга паққос,
Гўрсўхта раҳбар-чи, мой, шароб ичди.
Кундаков этилди олмазор боғлар,
«Қувиб» бораверди уни Оқ ботир.
Кўзлари беркилиб қайнар булоқлар,
Кўпайди ўлкада майибу басир.
Элнинг кўкрагига тушаверди доғ,
Раис эса тақди кўксига юлдуз.
Ялпизларни «ютиб» сўнг бетон қирғоқ,
Оқизоқ нонларни еди ялмоғиз.
Ернинг вужудига ўрмалаб заҳар,
Ғўза баргларидан тўкилди вабо.
Мезон бола-бақра борки — сафарбар,
Кўкйўтал, сариққа бўлди мубтало.
Карманада қуриб аждархоналар,
Ҳавога пуркади заҳролуд тутун.
Газини хорижга пуллаб,
Оналар
Қозон қайнатгани тополмас ўтин.
Бешикдан чиқмаган гўдаги мажруҳ,
Чиллашир боласи ўртайди жонни.
Хизмати ҳалолу ўзини макруҳ,
Деб яна жар солди келгинди хони.
Ялпи саводсиз деб лоф урди яйраб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳрида яланғоч ҳайкаллар қурди.
Минбар, мажлисларда тўтидай сайраб,
Ўз тилин қашшоқ деб, тубанга урди.
Ғазнасин устида сапча илонлар —
Корхоналар ётур Иттифоқ номли.
Тилласини юклаб кетар карвонлар,
Гадо хуржунидай тўлмайди коми...

Хулласи калом, «отанг — пахта, онанг — пахта» замон бўлиб, ёшу қари пахтага андармон бўлиб, келинчакларнинг ранги сомон бўлиб, гўдаклар рамақдажон бўлиб, илиги пуч бўлиб ўсаверди, кўзларини пахтанинг гарди тўсаверди.

Бу жарлик ёқасига келиб, ҳушёр тортиб карасаки, мол-ҳолига яйлови, экин экарга томорқаси, мева узай деса боғ-роғи, суянгали тоғи, элнинг ўз-ўзига сийлови, раисларидан қиёмат сўрови қолмай турган пайти.

Қайта қуриш шамоли эсиб, умид ниҳоллари куртак ёзиб, ўзбек ўзини инсондай сезиб, томирларида боболарининг ғурури сизиб, увишиб қолган қони қизиб, лоқайдлик занжирларини узиб, ўз юртига бек бўламан, деб юрган замони.

Гўрсўхта раис нима бўлди дерсиз, ҳазрат?

Исмига «кофир» лақаби қўшилган ҳукмдор ўзини отиб қўйди, бекафан, жанозасиз кўмилди...

ҲАМИД СУЛАЙМОН ҲАСРАТИ

...Очти Масъуд кўз маломат аро,
Кўрди ўзни ғариб ҳолат аро,
Аёғи, илги боғланиб маҳкам,
Кўзига тийра жумлаи олам.
Жисмининг нисфи балчиғу сув аро,
Ёрими қийрдек қоронғу аро.
«Сабъайи сайёр»дан

1950 йилнинг 30 ноябри. Қама-қама, таъқиб бошланди. Навоийшунос олим, зукко муаллим Ҳамид Сулаймон ҳибсга олинди. Охунбобоев кўчасидаги темир қопқали турманинг зах ва совуқ ертўласида Шукрулло, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Маҳмуд Муродлар бир ярим йилдан ортиқ қийноққа солинди. Ҳамид акани терговчи Қонюхов сўроқ қиларди. Имтиҳон варақаларини ўзбек тилида тузгани учун уни «миллатчи»ликда айбладилар. Никоҳ ўқитганлар, суннат қилдирганлар, уйидан араб алфозидаги китоблар чиққан кишилар номи «халқ душманига» тиркалиб, қор-қуюн салтанатига бадарға қилинаверарди.

Қафасдай тор хона,
Бир парча туйнук.
Маҳбус аркдай киши
Минора бўйлик.
Турар бўлса, шифтга
Тегади боши.
Ётар бўлса, кифти
Қўндоқ «талоши»:
—Бу қандай кўргилик,
Қабоҳат бўлди?
Инсонлик шаънига
Ҳақорат бўлди?
Игнанинг кўзича
Нурга зор эсанг!
Бир ютум ҳавога
Шунча хор эсанг!
Қалайи товоқда
Пиёва — бир ён.
Сасиган тувакда
Тезагинг бир ён...
Бирпас чўзилмоққа
Кўнгли кетади.
Дарҳол соқчиларга
Хабар етади.
Бошига гурзидай
Тушади калтак.
Темир картга қайта
Қилади чалпак.
Қутурган оғзи қон
Гушна бўридай,
Айғоқчи «шериги»
Ётар сўрида...
Игна билан қудуқ
Қазиган олим,
Тарих бағридан нур
Излаган олим,
Ўз қавму улфатинг
Сотдилар сени.
«Маданий» мерганлар
Отдилар сени.
Мустабид «Учлик»нинг
Ҳукми ёзилди:
Олимга «миллатчи»
Муҳри босилди.
Илм дунёсида
Зилзила қолди.
Йўлига кўз тикиб,
Фозила қолди.
Чирқиллашиб икки
Гўдаги қолди.
Она — ёқавайрон,
Ҳалаги қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунаққаш девонлар
Қолди бетилмоч.
Бир тўп беимонга
Қолди юрту тож...

Айиқ ғорда ухлайди,
Жонин иссиқ сақлайди.
Қуш учганда, изғирин
Кўк саҳнига михлайди.
Бунда зулмат девлари
Қурум пуркаб ётади.
Билмас: қачон тун кириб,
Қай маҳал тонг отади?
Ер темирдай тараклар.
Ўрмон яхлаган қат-қат.
Чўкич тутган билаклар
Қазийди қора лаҳад.
Ҳамид оға ўлтирар
Музлоқ сайҳон қошида.
Ўлим-қузғун чарх урар
Ҳар кун унинг бошида.
Аробада саржиндай
Қаланган муз-мурдалар.
Назоратчи қамчинлар,
Уч-тўрт маҳбус сургалар.
Тилоғочни арралаб,
Жой очади зўр-базўр.
Ерни олов «пармалар»,
«Оғзин» оча бошлар гўр.
Қучоғингни очмоққа
Эриндинг-о, қаро ер!
Айлан энди тупроққа,
Юрак-бағри яро ер!
Эр йигитни ютганда,
Бахмал бўлсанг бўлмасми?
Гул ўғлонлар ётганда,
Анбар бўлсанг бўлмасми?
Тупроқ, ўзинг кафан бўл,
Ғарибларга Ватан бўл,
Дўзах азобин кўрган
Бадбахтларга чаман бўл!

Гўрков бўлган аллома
Бўзлаб, ибодат қилур.
Навоийдан шивирлаб,
Йиғлаб, тиловат қилур.
Кўзларга тупроқ тўлар,
Ер-тўймас қурсоқ тўлар...
Тайшет осмонларига
Момақалдироқ тўлар.
Оғанинг хаста кўнгли
Баттар бузилиб қайтар.
Қувватини сўриб ер,
Бағри эзилиб қайтар...

Ўрмон-қўрғошин зиндон,
Қиш тўшаган оқ кигиз.
Тун бўйи телба бўрон
Баракка урар мўгиз.
Қунишган афтодалар,
Маҳбуслар — ғамбодалар,
Ит ётиш, мирза туриш,
Рақамланган подалар.
Темир карти тобутдай
Совуқ, зулмат, тангу тор.
Ҳар кунжакда мингта «кўз»
Чувалчангдай одам хор.
Кўз юмса, алаҳсирар,
Ҳазрат кирар тушига.
Кун бўйи гаранг юрар,
Келолмайди ҳушига.
Кафанин судраб тунлар
Ўликлар қувар уни.
Илон бўлиб сутунлар,
Ҳаром қилар уйқуни.
Қонини сўриб ётар
Тахта сўри битлари.
Тонгда ҳуриб уйғотар
Қамоқхона итлари.
Арслон эди, қобону
Кўппакларга таланди.
Султон эди, ултону
Камакларга таланди.
Қалам ўрнида чўкич
Ушлаганда йиғлади.
Кўркаламушлар қилич
Пешлаганда йиғлади...
Гул элим, жамбил элим,
Сағиру сабил элим,
Ўз ўғлига «Ёрилтош»
Бўлолмаган қул элим!
Жўжавирдай жоним-а,
Қадим Туркистоним-а,
Гудойиш бўлганмидинг
Фарзандларинг қонина?!

Элни ёв босганида,
Руҳин дев босганида,
Ман-ман деган ботири
Ўқ еб йиқилганида,
Ширин кўриниб жони,
Унутиб бор дунёни,
Аждарга бераберган
Нодон улус ўғлонин!..

МУРОДБАХШ БОБО ҲИКОЯТИ

«Чаҳоршанба муродбахш кун,
Ҳар бандага нажотбахш кун.
Саҳар турмоқ саодатдур,
Ризқу рўздан башоратдур.
Кексаларга имон бергил,
Ёш-ялангга инсоф бергил,
Хасталарга шифо бергил,
Тирноқсизга тирноқ[1] бергил,
Келса-кетмас давлат бергил,
Ҳар дилга бир ният бергил!»
Мадҳия йўқ,
Шиорлар йўқ,
Хитоблар йўқ,
Қарорлар йўқ.
Қишлоқчада шундай дуо
Айтардилар Мурод бобо!
Боғлар шира-шарбатга кон,
Омборлари донга тўлиқ.
Сойлар оқар тиниқ равон,
Қирларида — арпа бўлиқ.

---

[1] Тирноқ — фарзанд маъносида

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яйловида рама қўйлар
Булут каби силжиб юрар.
Қизғалдоқли пастак уйлар
Алвон туғин силкиб турар.
Келинлари алла айтса,
Тоғлар тоши ипак бўлғай.
Йигитлар даладан қайтса,
Тол-тераклар чапак чалғай.
Улоқчадай болалари
Айтганида «Ё рамазон»,
Хуш тариқат холалари
Тутқазади жиззали нон.
Қизларига кўзгу эди
Ой балқиган чашмалари.
Сўқмоқларин елкасини
Эзмаган ғам пошналари...
Етмиш ёшли чоллар ҳатто
Неварасин сизлар эди.
Олмазорда жаннатосо
Кунлар ҳоким кезлар-эди...
Чорак аср ўтди. Бир кун
Йўқлаб бордим Олмазорни.
Назаримда, тутилди кун,
Булут босди тўрт деворни.
Эшикларда темир панжар,
Қопоғон ит, сим ўровлар.
Қўшнисидан кутиб хатар,
Ройиш билмас ким бировлар.
Ўғрисин қароқчи урган,
Қассоблари элни алдар.
Қирқ оғайни гуллар бурган,
Чакалакка жойин берган.
Ариқлари балчиқ-чалчиқ,
Мағзава, кул оқовалиқ.
Кўчалари чўлдай қуруқ:
Кафтдай соя-салқини йўқ.
Танимас эл бир-бировин
Битта томда яшаб, товба.
Қаҳат бўлиб гугурт, совун,
Ҳар рўзғорда ҳар кун ғовға.
Ифторида ёш-яланглар
Шаробхўрлик қилар экан.
Тўйларида маст-аланглар
Муштумзўрлик қилар экан.
Наврўз куни қозонида
Қайнамаскан сумалаклар.
Чаҳоршанба азонида
Айтилмаскан пок тилаклар.
Мачитлари омборхона,
Кушхонага айланибди.
Бангилари элни авраб,
Мирзаликка сайланибди.
Қабртошда битикларин
Ўчирибди қавми шайтон.
Боласию кучуклари
Бир тобоқдан ейди ош-нон.
Сўфи чиқмай, мезаналар
Бўлмиш, ахир, лайлакхона.
Пир бободан излаб хабар,
Тополмадим бир нишона...
Дедиларки: арбоб-ўғил,
Мансаб қули, унвон қули.
Кўзи очиқ, кўнгли ғофил,
Элдан чиққан шайтон қули,
Давру даврон сурган ўғил,
Кўкрагига урган ўғил,
Бузруквори шарифини,
Эл ичинда орифини,
Ҳар дуоси тилло чолни
Маърифатли, мулло чолни
Эси оққан, дарбадар, деб
Ғарибхонага жойлади.
Отасини партбилетга
Ўз ўғли қурбон айлади...
Бир ёқали, бир туғли юрт,
Ўз пойингга болта урдинг!
Кетди давлат, шону шукуҳ,
Бунча ўзни ўтга урдинг?!
Пир қарғаган, руҳлар қувғин,
Муродини йўқотган эл,
Нони ярим, ақли бузғин,
Нажотини йўқотган эл,
Бошга қўнган бахт қушини
Таёқ олиб ҳайдаган эл,
Юрагида ғам қўшини
Қонли шикор айлаган эл,
Тавба қилар, Муродбахшин
Фариштасин излаб ҳамон.
Етмиш йиллик хатосига
Етти пушти тўлар товон.

ХАТАР ВОДИЙСИДАН ФАСОНА

Навоий ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб...

Афғон тупроғида 1407 ўзбекистонлик йигит шаҳид бўлди. Унда отилган ҳар бир ўқ ўзбекнинг дилига бир доғ солди, афғоннинг бағрига бир доғ солди. Ҳирот заминида Навоийнинг қабрига титроқ солди. Ой тутилди, офтоб куйди. Ажал кузгунлари навқирон йигитларга чангал урди. Чимилдиқ кўрмай кетган йигитлар мотамида оналар зор қақшади, оталарнинг қадди букилди.

Афғон қирларида, сойликларда, кимсасиз ёбонларда, тоғлар дарасида, гуреза — хандақларда нотинчу нолон бир Руҳ кезиб юрганини ким кўрди, кимлар кўрмади. Тунука тобутлар кириб келган эшикларда нола қилган бир Руҳни кимлар кўрди, кимлар кўрмади...

Ўша нотинч Руҳ Сизмидингиз, устоз?

Рўёмиди, чинмиди, тушиммиди, ўнгиммиди, билмайман, лаҳза-лаҳза қулоғимга бир ўтли нола чалинади. Бу афғон қирларида кезган ажал карвонининг қўнғироқларими, оналар зорими ёки Улуғ Пир — Навоий, Сизнинг фарёдингизми? Бу ғойибдан келган овоз мени-да йиглатади, оловга ташлайди, кўзларимни ёшлайди. Ўшал Нидо ҳар кеч, ҳар кеч янграйди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жайхун сувларида не бошлар оқди,
Суврати, сийрати қуёшлар оқди,
Хасу хошок бўлди, бардошлар оқди,
Санасам адашар саноғим менинг!

Қандай чидаш бердинг, пули Ҳайратон,
Ўтди кун қамалган тобутлар ҳайрон,
Далва-далва танлар ўтди лахта қон,
Қулоқ-бурни кесик Широғим менинг!

Оғзидан ўт пуркаб, сочиб тутунлар
Қирқ бошли аждардай ўтди қузғунлар.
Туялар, биялар, тойлар, қулунлар —
Лошига чош бўлди тўрт ёғим менинг!

Девларнинг минора қовурғасидай
Танклар, замбараклар тоғ «тўрва»сида,
«Томоғи» тиқилиб сой, жилғаси-да,
Ҳалқуми қуриган тупроғим менинг!

Сўнгакларим куйиб, тутади Руҳим,
Мозоримдан учди жисму шукуҳим,
Е, оллоҳ, расулим, халоскор Нуҳим,
Бир йўла ёнди шох-бутоғим менинг!

...Уч вужуд қўй қаби сўйилган ётар,
Ёнида уч калла терилган қатор,
Юлдуздай кўзлари ўйилган ётар,
Фалакни титратди фироғим менинг!

Водариғ, ўзбекми, арманмидинг сен?
Тожикми, қирғизми, туркманмидинг сен?
Туронми, давлати Кирманмидинг сен?
Доғ устига тушган бир доғим менинг!

Қўли тош устида қолган элмидинг?
Ўз она юртингда бадбахт қулмидинг?
Саратонда ёққан қора дўлмидинг?
Қай шамол учирди, тойчоғим, менинг!

Қувлаб келганмиди сени шум ажал
Ва ё сарбонларинг фикрати ўсал,
Не бўлди топганинг, эй сабза мучал,
Эй умр кемаси пўчоғим менинг!

Ғорат ўлди, нетай, бул хоки Ҳирот!
Асраб қололмадим сени, туркийзот!
Сирожиддин ўғлим — Монийи авлод,
Бандидан узилган япроғим менинг!

... Ҳўнграб силар эрди қора сочларни,
Мунграб сийпаларди қалам қошларни,
Инграб пийпаларди бошсиз лошларни...
Кўзларини ёпди бармоғи унинг,
Ер-кўкни ёндириб ўкроғи унинг!..

Тонг отди.
Уйғонди чўл қушлари ҳам,
Учди қора туннинг бойқушлари — ғам,
Битди Баҳромшернинг юмушлари ҳам,
Чодирига қайтди қароғим менинг!

Дарчадан йўналди.
Аввал сих қотди.
Сўнг ваҳший ўкириб ўзини отди —
Даштда зир югуриб, тили тош қотди,
Йиқилди юзтубан қочоғим менинг!

Ерпарчин, чалажон, бенафас, беун
Тупроқдай тўкилиб ётди етти кун,
Бошида чархини йигирар гардун,
Фолида қиёмат сўроғим менинг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарранда, чарранда, мурғу мор йўқтур,
Хатар водийсида умидвор йўқтур,
Сув дейди, сув тутар халоскор йўқтур,
Ётар қисмати қирқ қуроғим менинг!

Парлари офтобда товланиб ял-ял,
Ногоҳ учиб келди мурғи самандар,
Қасрдай ёришди дашти валангар...
Баҳромшер кўз очди, ҳайрати ошди!

Меҳру аянч билан боқиб ўғилга,
Соябони бўлган қуш кирди тилга:
— Ўхшаб ўт ичинда жизғанак қилга,
Бунда келмагингдан не мурод эрди?

Қалдирғочдай баҳор истаб келдингми,
Авазхондай бир ёр истаб келдингми,
Шоҳ Машрабдай ё дор истаб келдингми,
Бу юртга солганинг не ғорат эрди?

Нечун бул қавмингга солибсан қирон,
Сендан тешук кулча сўрабми афғон,
Ақл тишинг чиқмай қўлинг нега қон,
Сенга қилич берган не даъват эрди?

Тарзингга қарасам, гулдан тозасан,
Тўдакўлдан учган суқсур ғоз-а, сан,
Ўхшайсан бахшилар суйган соза сан...
Бастаи балолик не қисмат эрди?

Кўриб, меҳрим ийди, кетолмадим мен,
Бошингда етти кун соя солдим мен,
Оллоҳдан умрингни тилаб олдим мен,
Тавба қил, тур, болам, не ғафлат эрди?!

Ўнгмидир? Тушмидир? Ул беҳушмидир?
Буюк Руҳмидир бу, Ҳумо қушмидир?
Бир ёнда харсанглар, бир ёнда — уштур
Тоғдай ағнаб ётар, не ваҳшат эрди?

Бир эпкин уйғотди уни қитиқлаб,
Тупроқдан бошини кўтарди йиғлаб.
Ким келди бўтам деб Баҳромни йўқлаб?
Чор тараф тош тилсим, тош суврат эрди!

Бир худога аён, унга сир эди,
Гувоҳ ёлғиз қуёш, тошлоқ қир эди,
Уни асраб қолган Улуғ Пир эди —
Буюк Нажот Алишер Ҳазрат эрди!..

Етти ровийнинг ҳасрат ва андуҳ тўла фасоналари поёнига етдими, энди бошландими, билмайман. Бир лаҳза Хаёл асоратидан дилни узиб, яна Наврўз саболари эсган қадим Шошнинг Бош майдонига қайтаман...

Эл оёғи тинган. Карнай-сурнайлар «ғата-ғути» поёнига етган... Алвонлар сочиқ. Гуллар капалакдай тўзғиган. Файзга тўлган майдонда Навоий шукухи, сўз файзи, абадият ва покизалик ёғдуларини кўраман. Ёғду ёритган бу йўл Бухорои шарифга, Самарқанднинг дилкушо боғларига, Фарғонанинг сўлим гўшаларига, Ҳивоқнинг тош кўчаларига туташиб бораётир. Ундан Ватан, миллат, ўзбек халқи, Туркистон халқлари, бани башар соғинган Ҳазрати Навоий офтобдай чараклаб бораётир. Туркий элнинг Нажоти, нажоти демаки, уйғонган Ҳаёти, келажакка элтар қутлуғ Йўли — Ҳазрат Навоий ҳар работда, маҳобатли осмон дарвозаларида, шоҳкўчаю тор кўчаларида мукаддас Ҳикмат шамъини ёқиб борур. Кўҳна Туркистоннинг дарвозаларидан авлодлар етти иклимга ошикадилар. Олдинда Шарқнинг буюк бобокалони Алишер Навоий ҳазратлари борурлар.

— Қайга, дейсизми?
— Нажот водийсига!
— Нажотга!!!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳонгир

ЖАҲАННАМГА ЙЎЛ

Қисса

— ...Э, халойиқ! Нега ишонмайсиз, иблис деяпман у, алайҳилаъна!

Қуёш уфққа бош қўяётган дам эди. Атрофни ҳалқадай ўраб олган оломон гоҳ менга, гоҳ жанда илган дарвишсифат чолга қараб қолди. Чол ёввойи мушукдек ғужанак бўлиб ўтирар, атрофга беписанд назар ташлар эди. Аслида, бу шаҳри азимнинг каламушларидай каннаб кетган келгинди тиламчилар билан ҳеч кимнинг иши йўқ, одамлар буларнинг эрта тонгданоқ аллақайси тешиклардан ўрмалаб чиқиб, шаҳарнинг энг гавжум жойларида бақириб-чақириб садақа сўрашига кўникиб кетган. Хуллас, мен иблис деб гумон қилмаганимда (нима учун шундай қилдим, ўзим ҳам билмайман), ҳеч ким бу чолга йўлидан зир югуриб, сон мингта каваклардан бирига ўзини урган каламушчалик эътибор бермасди, булар олдида қўрқувдан титраб-қақшаб турмасдим ҳам. Энди қўлимни бигиз қилиб чолни кўрсатардим:

— Қаранглар, ахир, ҳатто сояси ҳам йўқ... Сояси ҳам йўқ унинг, одамлар!..

Гапим тугар-тугамас, ботаётган қуёш нурида хира тортган қадим минорларнинг сояси жон киргандай ҳаракатга келиб, оломон тўпланган бозор сатҳини эгаллаб олди. Оломон кесакдай қотиб тураверди. Энди чол бир чеккада қолиб, мингларча кўзлар менга — телбадек гарангсиб қолган шўрликка қадалди. Вужуддаги қон зарб билан миямга урилиб, кўзларимни тиндириб юборди. Наҳотки ҳеч ким иморатлар қуёш тарафга соя ташлаганини сезмаган бўлса?!.

Уфқ қонталаш тусда эди. Юрагимни шиғиллатиб юборган қўрқувни босиб, рақибимга тик боқдим. Иблис шишадай маъносиз йилтиллаган кўзларини менга тикиб тураверди.

— Ишонмайсизми? Ишонмайсиз-а!.. — томоғим бўғилгудек бақириб, қўлга тушган таёқни олиб Иблисга ўқталдим.

Шунда Иблиснинг бошига тушаётган таёқ, оҳанграбоси бордек, қўлимдан учиб чиқиб, ҳавода муаллақ туриб қолди. Сўнг тошга урилган шишадай майда-майда бўлиб ерга сочилди.

...Қуёш тўнтарилган қозондай тепаликка илашиб қолган кокилларини йиғиштириб, уфқ ортига ўтиб кетди. Бир дақиқада осмонни зулмат қоплади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иблис худди шуни кутаётган экан — чўзиб ув тортди. Кўзлари чўғдек ёниб, малъун қиёфасига кира бошлади. Олдинига жандаси қордай эриб, ўрнини жун қоплади. Кейин афсун ўқиб, жойида гир айланган эди, панжалари тортилиб, туёқ шаклига кирди. Сўнг чала эшилган арқондай думи осилиб тушди. Маймунсифат башараси чўзилиб, яна бир бор шоқолдай увлади. Кейин нималарнидир пичирлаб, думини ерга уч бор урди. Шунда оломон ҳам, бозор ҳам, минорлар ҳам, ҳамма-ҳаммаси бўёқлари қуриб улгурмаган суратга сув сепиб юборилгандек қоришиб, бир-бирини ютиб юборди. Юлдузсиз осмон қўйнида ястанган биёбонда яккама-якка қолдик. Қанотим йўқ эди менинг... Ҳатто қўрғошиндай оғир тортган оёқларим остидаги қумларга сингиб, кукундай майдаланиб кетишга ҳам рози эдим... Иблиснинг шу қоронғуликда ҳам аниқ кўриниб турган келбати, чўғ бўлиб ёнаётган кўзлари ўпкамни бўғзимга тиқиб қўйди. Юрагим ўн марта катталашди чоғи, қулоқларим шанғиллаб кетди. Бақирмоқчи эдим, бўғизланаётган қўйнинг хирқирашидай аянчли овоз чиқди. Шу пайтгача ҳайкал каби қотиб турган Иблис кутилмаганда учга бўлинди. Учови бир томчи сувдай ўхшаш — учовида ҳам одамзод кўнглига ваҳима, ғулу солиб қўювчи бирдек важоҳат, бирдек совуқлик... Қўрқувдан белимда осиғлиқ пичоқнинг дастасини чангалладиму, жасорат ўрнига қўрқув ортгандан ортиб, орқа-олдимга қарамай қочишга тушдим. Оёқларимни тўпиққача ютиб юбораётган қумнинг қаршилиги борган сари ортиб, ҳаво эмас, олов ютгандай қизий бошладим. Жиққа тердан намиқиб кетган кийимларим аъзои баданимга елимдек ёпишиб қолди. Гупиллаб келаётган тер ҳидидан кўнглим озиб, бошим айланди. Бутун қувватимни адоқсиз қумлик сўриб олгандек, мадордан қолдим. Тамом. Тамом? Тамом!.. Бошқа югуролмайман. Тақдирга тан бериб ортимга қарадиму ўрилган бошоқдай юзтубан йиқилдим. Ҳозиргина оёқларим топтаган қум оғиз-бурнимни тўлдирди. Қум зарралари қақраб кетган томоғимни эговдай шилиб ўтди. Кўнглим айнаб, узоқ ўқчидим. Мисдек қизиётган бошимни кўтариб, яна бир бор ортимга қарадим. Гумонларим туман каби тарқаб, ДАҲШАТдан эсим оғаёзди: рақибларим бир қадам ҳам жилмаган, мен эса шунчадан бери бир жойда югуриб ётган эканман... Ҳеч ким тақдирдан қочиб қутулолмайди, деган хаёл миямни тилиб ўтди-ю, пичоқ чиқариб, икки иблисни чавақлаб ташлаганимни ҳам билмай қолдим. Ажабки, қўлларим қонга эмас, чириган олмадек бадбўй ҳид таратаётган қоп-қора балчиққа беланди. Саросимада бирин-кетин ағанаган жасадларга кўз ташлаб, қичқириб юбордим. Кўлимдаги пичоқ тушиб кетиб, қумга қадалди. Тиззаларим букилиб, чўккалаб қолдим: иккала жасад ҳам Мен эдим.

Бошимни кўтарганда тепамда Иблис турганини, юзида совуқ истеҳзо пайдо бўлганини кўрдим. Энди най ноласига сеҳрланиб қолган илондек ҳамма нарсани унутиб, оғзим ланг очилиб, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатар, таажжубки, қўрқувдан асар қолмаган, инон-ихтиёрим буткул Иблис қўлида эди. Ҳатто унинг шайтоний қиёфаси ҳам ёқимли, нуроний туюла бошлади. Энди оёқларига бош уриб, сиғиниш тараддудига тушган эдим — кутилмаганда у шитоб билан кичрайиб, аввалига чала туғилган гўдакка, сўнг жимжилоқча ҳам келмайдиган ҳашаротга айланди. Кейин пов этиб олов олди-ю, қоп-қора тутун бўлиб димоғимга урилди. Тутун томоғимни ўқилондай тешиб, орқа мияга ўтди. Сўнг бош мияга ўрмалаб чиқиб, мия эгатларида узоқ судралиб юргач, пешонамнинг пастки пуштасидан бир нимта юлиб олди-ю, кулча бўлиб пинакка кетди. Ёввойи оғриқдан кўзларим тиниб, бошим гир айлана бошлади. Вужудим шамдай эриб, таг-тубсиз ЙЎҚЛИККА қулаб кетдим...

Шаҳарнинг қоқ киндигида етимчадай мунғайиб турган тўрт қаватли касалхонанинг тим қора, бесўнақай устунлари девларни эслатар, бино ўргимчак инидай тарс-тарс ёрилган — юзини ажин босган бир асрлик чолдай қилтиллаб қолган эди. Атрофи баланд девор билан ўралган, касалхона эмас, қамоқхонага ўхшаб кетувчи бинога кўзи тушадиган бегона одам бунда ашаддий жиноятчилар ушлаб турилса керак, деб гумонсираши табиий эди. Унинг қаршисида гул бозор — эрта саҳардан одам гавжум бўлади. Бу ерга илк бор иши тушган кимса ҳаёт қайнаб турган бозор билан ўлик сукунатга банди бу хайҳотдек бино Ернинг икки қутбидай бир-бирига тамомила зид эканига амин бўлар, аслида, қариндош ё жигари бир ўчиб, бир учқунлаб турган умиди бирла мустаҳкам

www.ziyouz.com kutubxonasi

деворнинг у ёғида — ўлим билан юзма-юз яшаётганини ўйлаши биланоқ, бу ўринсиз хаёл тумандек эриб, ўрнига ҳадик ин қуриб олар эди. Чўкаётган одамзод хасга ёпишгандай, бу қора қасрга даво истаб келганлар кўп эди...

Эрта куз — ёз бўйи қуёш нурини эмиб ётган барглар сарғайиб улгурмаган, ой мезонда меҳмон, ҳаётим мезондан чиқиб, паришон бир пайт минг хаёлда йўлга чиққан; энди тош йўлда пишқириб бораётган автобуснинг ўртароғида ўтирар эканман, шифокорнинг хавотирли, ғалати қарашлар билан айтган сўзларининг маъносини чақолмай хуноб эдим...

— Биласизми, касалингизни бу ерда аниқлай олмасак керак... Яхшиси, Тошкентга йўлланма ёзиб берсак-чи?..

Бош табибнинг бесўнақай кўзойнаги ортига яширинган кўзлари ниманидир сир тутаётган эди.

— Шунча узоқ жойга бориш шартмикин? Шу ернинг ўзида даволансам бўлмайдими?

— Бўлади, биродар... Бироқ бизнинг шароитимиз бўлак, уларники бўлакда! Агар бизда ётгудек бўлсангиз, сизни қийнаб қўйишимиз мумкин. Сиз — муаллимлар, болаларни хоҳлаган янги тажриба асосида ўқитишингиз мумкин, лекин бизда таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Курашга тушаётган полвон ҳам рақибини чамалаб кўради, кучи етмаслигини сездими, обрўйи борида этагини ёпиб, майдондан чиқади. Шунинг учун ҳам айтаяпман-да, даволаш усулимиз эски, деб. Тошкентдаги нейрохирургия институтида эса бутун Ўрта Осиёда ягона замонавий компьютер ўрнатилган. Шифокорлариям малакали... Хўш, нима дейсиз?..

— Дўхтир, айтаверинг, касалим оғирми?..

— Ким сизга шундай деяпти?

— Нега бўлмаса...

— Сизга касалингизни аниқлай олмасак керак, дедик, холос... Очиғи, миянинг иши оғир, тузукроқ жойга кўрсатган маъқул...

Унинг қабулидан ёзиб берган йўлланмасини ғижимлаган кўйи шумшайиб чиқдим. Касалхонага ётқизмагани эмас, сўзларидаги пинҳон сир кўпроқ ташвишлантираётган эди шу дам. Агар бедаво дардга йўлиққан бўлсам... Йўқ, бўлиши мумкин эмас... Ҳали ҳеч нарса маълум эмас-ку?!.

Ярим очиқ деразадан қарайман: тун осмонида ёйилиб кетган булутлар подаси аста-секинлик билан ойни юта бошлайди. Ҳарир пардани оҳиста тебратаётган шамол уйни намхуш ер ҳидига тўлдириб юборади. Оғир бошимни тўшакдан кўтаролмай, энтикиб-энтикиб нафас оламан. Баданим аланга ичида қолган темирдай қизиб кетганини сезаман. Ўпкамдан кўтарилаётган иссиқ ҳовур томоғимда қасди бордай бўғаверади, бўғаверади... Тарс-тарс ёрилган лабларим эшитилар-эшитилмас пичирлайди: «Ё раббим, ўламан, ўламан!..» Қўлларим беихтиёр томоғимни чангаллайди, тишларим ғичирлаб кетади: чидаб бўлмас оғриқ миямни — метиндай қаттиқ чаноққа банди бир бутун этни зирқиратиб юборади. Кўз олдимни парда қоплайди — ярим очиқ кўзларим нарсаларнинг шакл-шамойилини илғамайди, аллақандай мавҳум сояларни кўради, холос. Соя... Анави соялар чор тарафдан босиб келаверади, устимга чиқиб зикр тушаверади... Тинч қўйинглар, тинч қўйинглар мени. Чарчадим. Оғриқ... Ў, падарлаънати... кўринмас панжалар тирноқларини миямга ботириб олгандай... Қўрғошиндек оғирлашиб бораётган қовоқларим юмилди. Киприкларимда осилиб қолган кўзёш ёноғимдан сирпаниб, қулоғимга томчилади. Йиғлагим йўқ эди — мен аллақачонлар унутиб юборган кимдир йиғлади-да, кўзларим унинг ёшлари билан тўлди...

Ким у?.. Ким у, юзларимни силаётган? Йиғи? Ким у, йиғлаётган? Кўзларим бехос очилади: камалак рангда товланаётган жимирлаш қуюқлашиб, устимда энгашиб турган сояни илғайман.

— Дадажони, ундай қилманг... Қўрқитманг, дадаси...

— Сенмидинг?.. Мен эса...

Худди шундай тунларнинг бири... Қоронғироқ эди, чамаси. Ҳатто шу қоронғуликда ҳам қаровсиз хонада паришонлик билан ечиб ташланган кийимларни илғаш мумкин эди. Ҳаво оғир — тамаки тутуни дарёдай тўлқинланиб, каталакдай хонанинг бурчак-бурчакларигача бориб етганди. У қизнинг тиззаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га бошини қўйганича қимирламай ётар, қиз титроқ қўллари билан сочини тарар, у бутунлай вазмин, фақат... фақат қизнинг кўзёшлари ёноғига томчилаганда, баданига нина санчилгандай бир сесканиб оларди.

— Кечир... Кечирасанми-а?.. — Йўқ, у бақирмади, шунчалик секин айтдики, бу ожиз шивирни иложсизликдан телбадек тебраниб ўтирган қизнинг қулоқлари зўрға илғади.

Қиз бир дам гарангсиб турди-да, ҳўнграб юзини беркитди. Ёйилган сочларининг ифор ҳиди томоғини бўғди. У фожиа саҳнаси бунчалик ҳиссиётга тўла бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган, энди шу сочларга юзини буркаб, истеҳзосини қиздан яширишга уринар эди...

— Нетай мен? Нетай! Иложсизман, ахир?..

— Нега келдингиз-а?.. Қандай келдингиз-а?!

У совуқда қолган мусичадай титраб пайдар-пай сўзлаётган қизни бағрига тортди...

...Аниқ эсида, худди шундай тунларнинг бири эди...

— Сенмидинг?!.

— Мен, дадажони, мен... Дори ичинг, яхши бўласиз, мана, мана, ичинг...

Бу жувон... нега уни севолмайсан? Нега?! Агар бошқаси бўлганида, аллақачонлар... Оҳ, мунча аччиқ дори бўлмаса? Эртага ҳаммаси ўтиб кетади... Ҳаҳ, нимадан бошланди ўзи?.. Ҳа, ўша бемаъни тушдан, ўша аҳмоқона тушдан бошланди: эрталаб беҳузур бўлиб турди, боши қаттиқ оғриқдан ёрилиб кетай деди, мажбурлаб чой ичди, кейин узоқ қайт қилди, бадани музлаб, қалтироқ турди, боши чирпирак бўлиб айланаверди, айланаверди — еру осмон қоришиб кетди. Мана энди эсини таниянти... Туш... нимаси бўлди экан? Лаънат-э, тушга ҳар бало кираверади. Босинқиради, холос... Димедрол берди, шекилли? Уйқу босди. Оғриқ... ҳозир... ҳозир ўтиб кетади...

Ҳаммаси кутганимдан ҳам тез бўлди. Текширувдан ўтган кунимнинг эртасига барча маълумотлар столининг устида ётган жиккаккина чолга рўпара бўлдим. Чол жонсарак кўзлари билан менга бошдан-оёқ разм солиб чиқиб, бир эснаб олди.

— Касалингизни аниқладик, ука. Миянгизда ўсма бор экан. Истасангиз, шу бугуноқ касалхонага ётишингиз мумкин. Даволаймиз.

— Оғирми бу, дўхтир?..

— Э, укажоним-ей, касалнинг енгили йўқ! Дунёга келишнинг ўзи-ку, энг катта касал. Операция қиламиз. Заррача хавотир олманг. Бу ердагиларнинг қўли енгил...

...Бош-кети йўқ ним қоронғу йўлакдан етаклаб ўтдилар. Дориларнинг ёқимсиз ҳидидан, бир-бирига занжирдай уланиб кетган шиорлардан бошим айланиб, четроқдаги хона олдида тўхтаганимизни ҳам сезмай қолдим.

— Шу ерга кира туринг. Жойингиз тўғриланган...

Торгина хонага учта темир каравот қўйилган; иккитаси бўш, учинчисида чўпдай озғин, ёноқлари суягига ёпишиб кетган чол ўликдай бўлиб киртайган кўзларини шифтга қадаб ётар эди. Мен бу чолнинг тириклигидан гумонсираб, анча вақт эшик олдида туриб қолдим. Сўнг нима қилишимни билмай, беўхшов йўталиб олдим. Чол секинлик билан, тошбақадай бўйнини чўзиб менга қаради.

— Ассалому алайкум... — Чолдан чўчиганимданми, хасталигимданми хирқираб чиққан овозимдан сесканиб кетдим.

— Салом, — деди ҳамхонам қуруқ қилиб, сўнг, қизиқиш уйғотмадим шекилли, кўзларини яна шифтга қадади.

Чол телбароқмикан, деб ўйлаб, индамайгина унинг қаршисидаги каравотга ўтирдим. Шу тобда тошқин дарёдан кўлмакка тушиб қолган балиқдай сиқилдим, юрагим симиллади. Ўзимни чалғитиш учун хонани кўздан кечирдим. Ҳовлига — улкан теракларга қараган дераза, ранги униққан парда, ҳар бир каравот ёнида майда-чуйда учун кичкина жавонча. Эшик тарафдаги пол кирибчиқувчиларнинг кўплигидан ранги ўчиб, тешилаёзган, қаршимда — чол тарафдаги деворда номи ёдимда-ю, мусаввири эсимдан чиққан «Помпейнинг сўнгги куни» сурати осиғлиқ турар, суратни буткул тобе қилган қора ранг кишини тушкунлик ботқоғига ташлар эди. Суратнинг бу ерда осиғлиқ туриши ҳайратга солган, аксари касалхоналарда деворларга ёрқин табиат манзаралари

www.ziyouz.com kutubxonasi

илинар, ё умуман ҳеч нарса осилмас эди. Бу расм гўё кўнглимнинг улкан тўфони аксидай эди. Мен — ҳар қандай юракўртар нарсаларга ҳуши йўқ одам, суратдан кўзимни олиб қочдим. Оҳаги кўчган шифтга қарадим. Хона деворлари устимга ағнаб кетгудек бўлиб, дилни эза бошлади. Каравотга ёнбошладим. Ётган жойимда деразадан терак барглари орасидан хиёл кўриниб турган зангор осмонга қарадим. Чуқур жарликка тушиб кетганман-у, қачонлардир қўлим тегиб турган осмон тоқи эндиликда етиб бўлмас юксакликда қолгандай туюлар эди.

Чол кўзларини шифтдан узмаган, гўё унда сирли афсун ёзилгану шу алпозда михланиб қолгандай эди. Унинг ичикиб, хира тортган кўзларига, ҳасрат нуқси уриб қолган юзига қараб туриб, чидаб бўлмас совуқлик туйиб, қалт-қалт титрай бердим.

— Ҳаво очиғ-а, нима дейсиз, амаки? — дедим охири, унинг сукутидан норизо бўлиб.

Чол ҳайратланиб, менга узоқ тикилиб қолди. Сўнг ўрнидан шарпадай туриб, дераза ёнига борди:

— Ҳа, кечагига қараганда анча яхши, куз бўлиб, кузгаям ўхшамайди...

— Кўп бўлдими ётганингизга?

— Эрта-индин икки ой бўлади... — чол бир зум жим қолди-да, сўнг кўз қорачиқлари катталашиб, энтикиб-энтикиб гапира кетди. — Икки ой ичида адои тамом бўлдим, ука. Кечалари йўлакда Азроилнинг шивирини, оёқ товушини сезаман. Ишонмайсиз-а?.. Ҳамма хонага бир-бир бош суқиб чиқади, ўғри мушукдай писиб келиб, ўлжасининг жонини узоқ аврайди... Ҳамхонангизни юпатган бўлиб операцияга кузатасизу юрагингиз узилиб тушгандай бўлади. Кейин биласизки, шўрлик операциядан чиқмаган...

Мен ўтирган жойимга, намиқиб турган кийимларимга ваҳима билан қарай бошладим. Касалхона тамғаси босилган бу кийимлар, кўрпа-тўшаклар кимларни кўрмаган?..

— Бўлмаса, бу шифохона эмас, кушхона экан-да? Бундан чиқди, жарроҳ деганлари жаллод экан-да?!.

— Миянгизда ўсма бор-а?

— Бор. Қаёқдан биласиз?

— Бу қанақа касал эканини айтишгандир?

— Операция қилиш кераклигини айтишди, холос.

— Бу касалга чалинган одамнинг кўзи хиралашади, юрганда мастга ўхшаб чайқалади. Баъзида умуман кўрмай, юролмай қолади. Нима учун мияда ўсма пайдо бўлиши дунё бўйича аниқланмаган. Ўртача ўлимлиги ўн икки фоиз! Қирқ фоизида операциядан кейин ҳам ўзгариш сезилмайди. Сизни қўрқитмоқчи эмасман, бор гапни айтдим, холос. Жарроҳларга келсак, айб уларда эмас, биз беморларда. Ким айтибди, бизга шу дардга чалингин, деб? Одамзод эртага нима бўлишини билмайди-да, ука! Ҳаммаси яратган эгамдан!..

Чол ҳаяжонини яшириш учун дераза томонга ўгирилиб олди. Асабий титраётган қўлларини дераза токчасига тиради, эгик қадди янаям букчайиб, букрига ўхшаб қолди. Ориқ елкалари уч-тўрт учиб тушди. Устида қопга ўхшаб осилиб турган камзулининг енги билан юзини артгач, ўгирилиб менга қаради. Ана шундагина кўзларидан оққан ёш баргдаги томчи янглиғ чаккасига осилиб қолганини кўрдим.

— Узр, ука... Сизни ҳам ғулғулага қўйдим. Ишонинг, мен беихтиёр — ўйлаб-нетмасдан... Эртага операция қилишади. Бугун ўзим ўзимга ўхшамайман. Нима деяётганимни билмайман. Узр...

Индамай кўзларига тикилдим.

Чолни бир-икки оғиз ширин сўз билан юпатмоқчи бўлардим-у, нима деб гап бошлашни билмасдим. Ҳатто, бир кун келиб унинг ташвиши менинг ташвишим бўлиши хаёлимга ҳам келмаган эди.

— Кўп ўйланманг, амаки, ҳаммаси яхши бўп кетади...

Чол индамади. Яна каравотга чўзилди. Юзини деворга ўгириб олиб, ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Наҳотки бу савдо менинг ҳам бошимга тушса?.. Ҳар қанча уринмайин, хира пашшадай талаётган ўйларимни тўзғита олмадим. «Инсоннинг дили бир эмас, ҳар кимнинг жонидан ўтгани ўзига маълум. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

чолнинг ичидагини билиб бўлармиди?» деб ўйладим-у, чолга эътибор бермай қўйдим.

Ўринга чўзилиб узоқ ётдим. Кутилмаганда биров бошимга пичоқ санчиб, кавлаштираётгандай оғриқ турди. Тишимни тишимга қўйдим. Кўз олдимни парда қоплаб, оғриқ аъзои баданимга ўтди. Безгак тутган одамдек қалт-қалт титрай бошладим. Бошимни чангаллаб олдим. Азоб, бир йиллик азоб. Оғриқ ана шундай — қўққисдан бошланади. Овозинг борича бақириб, деворга калла қўйгинг келади. Туни билан мижжа қоқмай, ўзингни осишдан ҳам тоймайдиган ҳолга келганингда, саробдай йўқолади... Сўнг яна...

Хонанинг эшиги очилиб, ўттизлар атрофидаги йигитнинг боши кўринди.

— Ассалому алайкум...

Чол секин-аста ўрнидан турди.

— Тузукмисиз, отажон?.. — Йигитнинг салқиган юзига табассум югуриб, қоғоз халтасини жавонга қўйди.

— Худога шукур. Ўзинг тинчмисан? Уйдагилар яхшими?

— Ҳаммалари яхши юрибди. Невараларингиз ҳар куни сўрашгани сўрашган. Эртага ҳаммасини опкеламан, деб турибман. Жуда соғиниб кетишган экан...

— Эртага ҳамма келсин. Ундан кейин кўраманми, йўқми...

— Ота, ундай деманг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Дўхтирлар нари борса ярим соатли иш, қўрқадиган жойи йўқ, отдай бўлиб кетадилар, дейишяпти. Ҳеч ёмон хаёлларга борманг... — Йигит бир-икки бор ёвқараш қилиб, хонада ортиқча эканимни билдирмоқчи бўлди.

Бир нарсани йўқотиб қўйган одамдай тимирскиланиб ташқарига чиқиб кетдим. Оқшом дераза тагигача писиб келган; энди гулхан атрофида сочилиб кетган чўғдек милтиллай бошлаган чироқларни айтмаса, ҳеч нарсани илғаб бўлмасди. Торгина йўлак неон чироғининг хира нурида нофармон тусда жилваланаётган эди. Қулоқларимга аллақандай таниш, шамолнинг ғувиллашига ўхшаш майин овоз эшитила бошлади. Йўлакдаги ўриндиқда «Чўли Ироқ»нинг ҳазиндан ҳазин ноласини эшитиб ўтирган беморлар ёнига чўкдим. Ривоят қиладиларки, худои таоло ўжар руҳни куй сеҳри билан алдаб, танага киритган экан. Бир зумда, ҳа, бир зумда найнинг сеҳрли овози вужудимда қон бўлиб оқа бошлади. Кўз ўнгимда ҳад-ҳудудсиз чўл — кўнглимдай бўм-бўш, гармсел бор-будини ялаб, яланғочлаб кетган чўл пайдо бўлди. Дайди шамол най овозига монанд қумларни тўзғита кетди. У ёғини англаб бўлмай қолди: шамол янтоғу қум зарраларини бағрига олиб осмону фалакка ўрлади. Борган сари қутураётган қуюн лойқаланган кўлмакдай бўлиб, кўз очирмай қўйди. Беихтиёр оғир тортган бошимни чангалладим. Ў, бу куй! Одамга одам эканини ёдга солувчи, инсон руҳини олис-олисларга элтувчи илоҳий қудрат! Одамзод танаси РУҲ киймиш либос — эскиргач, ташлаб юборилади. Табиат бир куй — яратганнинг созидан таралгучи куй. Охири, осий таннинг азобларига чидолмаган РУҲ шу куйга эргашиб, тангрининг пойига тиз чўкмоқ учун учиб кетади... Руҳ боқий — ўлмас. Руҳим хаста танимни ташлаб, ўша КУЙни кийди. Энди мен ДАРД эдим, ота-боболарим куйлаб келган дард!..

Най овози аста-секин, чексизлик қаърига сингиб кетган акс садодай тинди. Боя жиловсиз отдай ўзини ҳар ён ташлаган қуюн тинчиб, жунбушга келган ҳислар ҳам кўнгил тубига чўкди. Мен ҳамма нарса эдим, яна «Мен»га қайтдим. Майда ташвишларим, майда ўйларимга...

Хонага киришга юрагим бетламай, йўлак четидаги дераза олдида ҳайкалдай қотдим.

Ташқарида совуқ шамол эсади. Ненидир шивирлайди. Ҳорғин тераклар барги кузнинг доғида сарғайиб, эшилиб-буралиб ерга пойандоз бўлади. Бу ернинг барглари тез хазон бўларкан. Илк хазонрезлар болалигимдан ғалати таассурот қолдирарди, ҳали кўм-кўк барглар орасидан узилиб тушган сап-сариқ баргнинг видолашув рақсига термулганча қотардим, нега бир илдиздан озиқ оладиган баргларнинг бирдай кўкариб, бирдай хазон бўлмаслигига ақлим етмас эди.

Касалхона девори ортида ҳаёт қайнайди. Автоларнинг шовқини, одамларнинг ғала-ғовури бир зум тинмайди. Бунчалар тошқин, бунчалар тиниб-тинчимаслик... нимадан? Минглаб одамлар оқади кўчалардан. Бирови тўхтаб, таби-

www.ziyouz.com kutubxonasi

атдан лаззат олармикин? Манави ойдан, юлдузлардан, сўппайиб турган дарахтлардан? Қутилардай сочиб ташланган осмонўпар бинолар орасида бундан ўзга нени кўрмоқ мумкин, ахир? Йўқ, баъзилар фасл алмашишини ҳам сезмай ўтиб бораётир-ку? Ахир сен ҳам шуларнинг бири эмасмидинг?! Сен яшаган шовқинли дунё билан касалхона ораси шундай яқин: овозларини эшитасан, кўрасан... Энди ўзга ДУНЁда яшаётганингга ҳам инонгинг келмайди. Бироқ сенинг ДУНЁнг билан уларнинг ДУНЁси орасида шундай баланд девор қурилганки, уларнинг орасига қайтишга ҳам шубҳаланиб қоласан. Ҳасрат тўла кўзлар билан тикиласан: қани энди улардек бепарво, ҳиссиз, турмуш ташвишларига кўмилиб яшайверсанг!..

Эътибор қилмаган эканман: ўриндиқда боши ғайриоддий танғилган йигит ўтирар, ҳайратланарли даражада озғин эди. Унинг касалликдан сап-сариқ танаси суякларига ёпишиб кетган, қуриган озғин чўпдай оёқларини чалиштириб, ёнидаги меровроқ ҳамроҳига тинмай жаврар эди.

— Қара, оғайни, бошни кўрдингми, кўрдингми?!. Суякнинг ярми йўқ. Ярим йилдан бери уйга боролмайман. Жавобгарликни бўйнимга оламан, деб ёзиб берсанг, кетавер, кўзимиз учиб тургани йўқ, дейишади. Ҳе, қизиталоқ, гапини қара! Мени мияси йўқ гўл деб ўйлайди шекилли, булар? Анойи йўқ! Билиб бўладими? Мановни кўряпсанми, мановни,— у қўлини бигиз қилиб чап чаккасига ниқтади,— клёнка қопланган. Бир марта суяк қўйиб кўришди, битишмади — тўнкадай чириди. Яна бир қўйишди, бўлмади. Бу онасини эмган дўхтирларнинг қўлида ўлиб-нетиб қолмасам, қолган умрим шу клёнкали калла билан ўтади-да, энди. Э, бу ҳаётниям...— у қалампир ялаган боладай афтини бужмайтириб бош чайқади.— Айт-чи, хотининг орқангдан кеп турадими-а?!

Шериги унинг сўзларини минг биринчи бор эшитаётгандай, қўлини тиззалари орасига олиб, бепарвогина ўтирарди. Йигит унга еб қўйгудек қараб, биқинига туртди:

— Кептурадими, деяпман, кептурадими?!

Шериги кутилмаган турткидан ўзига келиб, йигитнинг телбаларникидай чақчайган кўзларига бир зум анграйиб қолди-да, сўнг ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам, «ҳа» деди паришонроқ.

— Кўрдингми, сеники келади, меники эса — йўқ. Ярим йилдан бери келмайди. Энди мен унинг учун йўқман, ўлганман. Ўзини эплаб юролмайдиган майибни қайси ярамга босаман, деса керак-да! Тушуняпсанми, энди дайди итдай бўлиб кўчада ғингшиб ўлсам ҳам бировнинг иши бўлмайди. Айт-чи, ўзингни бир уюм ахлат деб ўйлаганмисан ҳеч? Бир пулга қиммат ахлат деб, а?!. Йўқ, дегин? Ҳаётдан умидинг бор-да, ошна. Умид... ҳе, қизиталоқ. Мундай қарасанг, уям бир пуфак-да. Шишираверасан, шишираверасан, қарабсанки, пақ этиб ёрилади-ю, чапак чалиб қолаверасан...

Унинг синиққан юзи хира тортган чироқ нурида янада заҳилроқ, ночорроқ бўлиб кўринарди. Йигитнинг бошига беўхшов чандиб ташланган, ярасидан сизиб чиққан суюқлик жигартоб доғ бўлиб қотган докага қараб туриб, клёнкага лиқ-лиқ урилиб чайқалаётган мия сувини, ёнғоқ мағзидай буришиб кетган кўкимтир миясини шунчалик яққол тасаввур этдимки, чаённи кўргандай сесканиб, кўзларимни чирт юмиб олдим. Кўнглим беҳузур бўлиб, ўз хонамга — ҳадик ин қурган ётоғимга кириб кетдим...

Вақт ҳорғин чолга ўхшайди. Тахтадай оёғини судраб, қўлларига оғирлик қилиб қолган ҳассасини дўқиллатиб, оғир-оғир нафас олиб кезади бу кеч... Ним қоронғу хона сукутида телба қилаёзган хаёлларга таланиб, ухлашга уринаман. Уйқу анчадан буён энг азиз юпанчим, орзумга айланган, ширин тушлар оғушида дунёни унутишдан бўлак бахт йўқ эди, назаримда...

Йўлакдан қадам товушлари келди. Бемаъни ғўлдираш, аниқроғи, йиғи билан кулги орасидаги тушуниксиз, дам эшикнинг шундай ёнидан, дам узоқдан эшитилаётган овоз кўзларимга елимдек ёпишаётган уйқуни қочирди. Қулоқ солсам — таниш овоз, сергакландим. Боя кўнглимга келган эди-я, бу йигитга бироз етишмаса керак, деган ўй, тавба қилдим, анча етишмайди, чоғи...

Овоз жуда яқиндан эшитила бошлади. Йигитнинг оёғи эшикка тегиб кетиб, «дўқ» этган бўғиқ товуш чиқди. Эшигимиз диққатини тортди шекилли, ҳатто бир-икки бор тимдалаб ҳам кўрди. Қўрқиб қолдим: ҳозир хонага отилиб кириб, томоғимга ёпишиб қолса...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— У-уу-вв... Қаёққаям бордим? Қаёққаям-м?! — деган ожиз ғингшиш келди эшикнинг у ёғидан.— Кетиб қаёққаям бораман-ей?!.

Кейин ҳеч нима эшитилмай қолди. Қўрқувдан унимни чиқармай, тўшакка бурканиб, нима бўлишини кута бошладим. Йигит кўксовга йўлиққандай узоқ йўталиб, бўралаб сўкинди. Бироздан сўнг яна алланималарни ғўлдираб, эшикдан узоқлаша бошлади. Ахийри овози ҳам эшитилмай қолди. Йигитнинг хонага кириб кетганига ишонч ҳосил қилиш учун ўрнимдан туриб, эшик ёнига бордим. Қулоқларим динг бўлди. Ҳеч нарса эшитилавермагач, тинчлангандай бўлдим. Енгил тин олиб ўрнимга қайтмоқчи бўлганимда орқамда кимдир секингина томоқ қирди. Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Қимирлашгаям ҳолим қолмаганди. Турган еримда ҳайкалдай қотдим.

— Парво қилманг,— дегандан сўнг қайрилиб, деразадан тушаётган ғирашира ёруғликда каравотига ўтириб олган чолни зўрға танидим.— Миясининг қатиғи чиқиб кетган у шўрликнинг кайфияти тушиб кетса шундай бўп қолади. Кўникиб кетганмиз.

Индамай ўрнимга қайтдим. Бу чол ҳаммасини кузатиб турганидан хижолат бўлмадим. Аксинча, анчайин ажабланиб қарадим. Унинг борлигини, мен билан бир хонада яшаётганини қандай қилиб унутиб қўйганимга ақлим етмасди. Лекин инсон онгли-онгсиз ҳаракатларни ўзида мужассам этган бир жисм, ички мурватлари ейилиб, яроқсиз ҳолга келгач, ҳаракатдан тўхтайди, янги — умумоламий ҳаракатнинг бир зарраси сифатида бу улкан жараённинг фақат билвосита онгсиз қатнашчисига айланади, деган фаразга таянса, бунинг тааж-жубланарли жойи йўқ. Одам бир жисм экан, уни унутиш, йўқотиш ҳеч гап эмас. Энди қоронғу бурчакка тикилганча қотган чолга эътибор ҳам бермай ўрнимга чўзилаётиб, оддий бир гап учун чигал, мантиқий боғланмаган фаразни дастак қилганимдан ажабландим, тўғриси, миямни қуртдай кемираётган бу бемаъни хаёллар ғашимни келтира бошлади. Кўзларимни юмиб, бутун гавдамни бўш қўйдим. Тиришиб-тортишиб, узилай деб турган асабларимни тинчлантириш учун бир маромда санай бошладим: бир, икки... йигирма, ўттиз... юз, юз эллик...

— Укажон, ухламаяпсизми?

Кўзимни очиб, чолга қарадим. У ўша-ўша — ўтирганча қилт этмабди.

— Йўқ, нимайди?

— Илтимосим бор эди. Йўқ демасангиз...

— Бемалол.

Чол дераза ёнидаги жавонини узоқ титкилаб, қўлига қалинроқ бир дафтар олди.

— Операциядан чиқмасам, ўғлимга бериб қўйинг шуни.

— Қўйинг-э, амаки! Фаришталар яхши гапгаям, ёмон гапгаям омин деяркан. Одам сал яхши ният қилади-да...

— Сизга ишондим, ука. Шуни олиб қўйинг. Ўзингиз ҳам бир ўқинг.

Чол қалт-қалт титраётган қўллари билан азбаройи варақланаверганидан титилиб кетган дафтарни узатди. У ёқ-бу ёғини текислаган бўлиб, ёстиғим тагига қўйдим.

Чол мендан ниманидир кутгандай жимиб қолди-ю, сўнг:

— Ҳозир ўқийсизми, кейин ўқийсизми, ихтиёрингиз... Бошимдан ўтган савдолар — ҳеч ким билмайди,— деди.

Қўйиб берса эрталабгача гапириб чиқадиганга ўхшар эди у. Гапни қисқа қила қолдим:

— Амаки, ётиб ухласангиз-чи? Дам олиш ҳам керак-да!

Чол итоаткорлик билан ўрнига чўзилди. Унинг узоқ вақт у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, хўрсинганини эшитиб ётдим. Бунчалар иродасиз бўлмаса бу чол? Ё бошқа бир дарди бормикин? Намунча боласини илон ютган мусичадай ўзини қўярга жой тополмайди? Йўқ, бунда бошқа бир гап борга ўхшайди. Бандалигини бўйнига олган. Нега унда... Фикрларим калава ипидай чувалашиб, бошкетсиз жумбоққа айланди. Жумбоқларга ҳушим йўқ — бошимни оғритганим қолади...

Ярим тун. Атроф шунчалар сокин эдики, беихтиёр ҳаёт борми ўзи-йўқми, деган гумонга борардим. Қоронғуликка ўрганиб қолган кўзларим билан чолга қарайман. Мурдага ўхшаб, қилт этмай ётибди. Гоҳо билинар-билинмас хўрси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб қўяди. Девор томонга ўгирилиб оламан. Ана шунда пастда — касалхона олдида машинанинг бипиллагани, дарвозанинг ғичирлаб очилгани эшитилади. Машина чироқларидан таралган нур деразага тушганда бутун хона ёришиб кетади. Бир зум ўтмай машина чапга — қабулхона томонга қайрилгач, хонани тўлдириб турган нур ҳам бунда ортиқ тургиси келмай, нари қочади. Анчадан сўнг касалхона лифти ғувиллаб ишлаб кетади-да, бизнинг қаватда тўхтайди, эшиклари қарс-қурс этиб очилади. Вақтни ҳам мудратиб қўйган ўлик сукунат зулматга эргашиб ортга чекинади. Йўлак чироқлари ёқилиб, навбатчи ҳамшираларнинг шанғи овозлари кела бошлайди:

«Учинчи хонада жой бор, деяпман-ку! Бу ёққа суринглар.»

Ким экан у шўрпешона? Аҳволи оғирдир-да, бўлмаса ярим тунда олиб келишармиди? Энди тонггача уйқу бўлмаса керак. Чолга ачинаман: ўзини чарчатиб қўяди-ёв...

Эшик очилиб, ҳамшира қиз кирди. Ярқ этиб чироқ ёнди. Кўзларим қамашиб қўлимни юзимга босдим.

— Қани, мана бу ёққа... Секин, секин...

Икки йигит замбил суриб келиб, бўш каравот олдида тўхташди.

— Ўзингиз тушасизми?

Ўттизлардан ошган, қорувли, боядан бери ҳамширага суқланиб қараётган йигит дока ўралган бошини силаб, истеҳзоли жилмайди:

— Ўзим бораман десам ҳам кўнмай, чақалоқдай суриб келдинглар-ку?! Ўзим тушавераман. Фақат қўлтиқлаб олсангиз бўлди, жонидан...

— Тушинг бўлмаса! Боши қонга беланиб ётибди-ю, гапираётган гапини қара буни! Э, тавба-ей, бўлинг тез! Сиз билан ҳазиллашиб ўтиришга вақтим йўқ!

Йигит замбилдан тушиб, каравотга ўтирди.

— Вақтим йўқ, эмиш. Ҳозир бориб нима қиласиз? Каталакдай хонада, бир ўзингиз зерикиб ётасиз-да. Ишонаверинг, мен зериктирадиганлардан эмасман...— йигит ҳамширанинг билагидан ушлаб, ўзига тортди.— Айтиб қўяй, ёнимдан кетишга ҳаққингиз йўқ. Оғир касалман-а, у-бу бўп қолсам, сиз жавоб берасиз.

— Э, бунча сурбет бўлмасангиз?

— Тўғри айтасиз, келинойингиз ҳам шунақа дейди.

— Бўпти, кўп жавраманг. Ҳозир дўхтирни чақириб келаман.

Ҳамшира чироқни ўчирмай чиқиб кетди. Йигит бамайлихотир хонани кўздан кечирди. Бир менга, бир чолга қараб олгач, гўё чала қолган гапини давом эттираётгандай, сўзлай бошлади:

— Ухлатганиям қўймадим-да, акалар... Чўкаман деган кўлмакдаям чўкиб кетавераркан. Одам бир соатдан кейин нима бўлишини билмайди-я! Автобусни гаражга обориб, у ёқ-бу ёғини қараётувдим, капоти тушиб кетса бўладими? Умримда касал бўлган одам эмасман-а, худо ур...

Мудроқ кўзларини сузиб кирган дўхтир унинг вайсашига чек қўйди. Бир эснок ичида сўзлари чўзилиб чиқди:

— Хў-ўш, сизми меҳмон?

Йигит ўрнидан тура бошлади.

— Ётинг, ётинг. Нимага турасиз?— У ҳамшира олиб келган асбобларни йигитнинг ёнига қўйди, курсини яқинроқ суриб ўтирди.

— Биров билан муштлашдингизми, дейман?— деди у беморнинг бошидаги докани ечаётиб.

— Йўқ, автобус ҳайдайман. Гаражга обориб, қараётувдим, капотим қарсиллаб тушди. Шу...

Дўхтир унинг чаккасида қорамтир кепакдай қотган қон атрофини узоқ текширди.

— Суягингиз синган кўринади. Қон чиққанига шукур қилинг. Йўқса, истайсизми-йўқми, бошингиздан катта дарча очишимизга тўғри келарди. Ҳамшира, бунга новокаиндан укол қилинг. Операция қилмасак бўлмайди, чидайсиз энди.

— Чида десангиз, чидаймиз. Илож қанча?..

Хонада чол иккимиздан бўлак ҳеч ким қолмади. Ланг очиқ эшик, хонани сарғиш тусга бўяган чироқ нурига эътиборсиз, ҳорғин бир сукутда ўтирардик.

— Чироқни ўчирайми?

Дами кўзларни ўткир шамшир янглиғ тилаётган нур миямни, наинки ми-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ямни, бутун вужудимни ўргимчак тўридай чирмаб сиқа бошлаган эди. Ҳатто чолнинг жавобини ҳам кутмай чироқни ўчириб, эшикни беркитдим. Ҳолсизланиб каравотга чўзилдим. Шу зайл деразага — қўнғир тусдаги осмоннинг олис олис кулбалардаги шам каби лип-лип пирпираётган юлдузларига тикилиб ухлашга уриндим. Шамол жонлангудек бўлса, ўчиб қоларлик ҳоли бор юлдузлар кўз ўнгимда қоришиб рақс туша бошладилар ҳамки, боягина ишвали маъшуқа янглиғ вужудимда ёқимли карахтлик, мазали илиқлик, онгимда ширидан-ширин мастлик уйғотган, азоб даштидан унутиш, ҳузур кўлига етаклаб борган, унинг пардай юмшоқ оғушида ёш боладай аллалаб андармон этган уйқу аразлаганми, келавермайди, оёқ учида, сездирмайин қучоғимга кириб, берган қайноқ бўсасидан бош айланиб, эс оғар чоғи: «Ёнингдаман, бу дунёни, ҳаммани, ҳамма нарсани унут. Биз иккимиз осмониймиз. О, менинг хўжам ва қулим, кел-да, вужудимиз пайванд бўлсин. Самовий эртак айтайин: бор бўларкан, йўқ бўларкан, охир-оғир замонда...» деб шивирламайди қулоғимга...

Кундуз шовқин-суронда билинмаган қадам ёхуд замбилнинг бўғиқ овози туннинг ўлик сукутида биллур қадаҳнинг чил-чил синишидай ўзгача таъсир қилади. Кундузлари буни сезмай қолиш мумкин, аммо кечалари — қоп-қора зулмат очунларни ғажиб сўқир қилганда — қулоқлар кўзга айланиб, бўрининг қулоқларидай динг бўлганда бу товуш асабларни чимчилаб, бутун вужудни қурт кемиргандай бўлаверади...

Яна лифт ишлаб кетади. Сезаман: тепага — операция хонасига кўтарилди. Эшик очилиб, оғир замбилни ғичирлатиб суриб киришди. Лифт ғувиллаб пастга шўнғиди. Эшикларнинг шарақ-шуруғи...

Армонсиз ўчириб-ёқилган чироқ яна ёнди. Йигитни қайтиб олиб киришди. Юзи ўша-ўша мис тусда жилваланади. Фақат янгиланган дока устига сизиб чиққан янги қонни айтмаса, операция қилингангаям ўхшамайди. Йигитни ўрнига ётқизишгач, ҳамшира қиз ҳам осма уколни кўтариб келди.

— Қани, қаҳрамон, қўлингизни чиқаринг. Операцияда ғинг демаган, энди бу ёғига ҳам чидайсиз...

— Жонидан, агар ёнимда бўлсангиз...

— Бўлди, эркалигингизни уйда қиласиз. Хотинингизга айтсам, сочингизни битталаб юлади-я!..— ҳамшира қон томирини излаб топиб, нина санчди.

— Иҳ... Ўшанда сиз сочи юлинган ошиғингизни ҳимоя қиламан десангиз, майли, айтаверинг...

Ҳамшира жилмайди.

— Ана, бўлди, қўлингизни қимирлатмай ётинг. Тугаса ўзим оламан.

Ҳамшира қиз нозланиб чиқиб кетди. Йигит бир маромда секин оқаётган осма уколга зиқланиб қаради.

— Қойил-е, қўшнилар. Дўхтир боланинг қўли енгил эканку-а? Соатга қараб ётдим: йигирма икки дақиқаю ўттиз уч сония. Пичоғи билан теримни кесадими-ей, омбири билан синган суяк четларини текислайдими-ей... «Оғриятпими?» дейди кўзини лўқ қилиб. «Суягимни чайнаб ётибсан, оғримайдими?» дедим. «Бўлмаса нимага сўкмайсан? Менга қара, сенга бир нарсани айтиб қўяй: садизмга мойиллигим бор. Билсанг керак, бировнинг жонига азоб бериб лаззат олиш касалини шундай аташади. Тўнкадай миқ этмай ётганингдан ишлагим ҳам келмаяпти. Одамга ўхшаб бақир, сўк. Сендан нима кетди?» деса бўладими! Тавба қилдим...

Осма укол яримлаб қолганда хонага милиция формасидаги бир киши кириб келди. Унинг олхўридай бўртиб чиққан катта кўзларидан ҳайратланмадим, аксинча, бу телба-тескари касалхона йўлакларида каламушни учратиб қолсам ҳам ҳайратга тушмайдиган бир бепарволик билан кейин нима бўлишини кузатиб ётдим.

— Тиллаев сиз бўласизми?— йигитнинг тепасига келиб дўриллади у.

— Хўш, нимайди?

— Бу ёққа қандай тушиб қолдингиз? Нима бўлди? Ҳаммасини бир бошдан айтиб беринг. Протокол-мротокол деганларидай...

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Бошимга капот тушиб кетди. Шу... Сизларга қаёқдан хабар кела қолди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Вазифамиз шунақа. Тўғрисини айтинг, биров билан муштлашмадингизми?

— Айтдим-ку, капот тушиб кетди деб. Бундан ортиқ нима дей сизга? Доим тинчгина юрганнинг этагидан оласизлар-а! Шундан бошқа ишингиз йўқми?

— Хизматчилик...

— Қўйинг-э... ўртоқ! Жавобимни олдингизми, бўлди-да! Ортиқ ҳеч нарса демайман. Бошим оғрияпти, осма уколни кўрмаяпсизми? Ҳозир операциядан чиқдим.— Йигит юзини деворга ўгириб олди.

Милиционер савол-жавобдан ҳеч нарса чиқмаслигини тушуниб гезарди, кўкимтир тусга кирди, ғазабланганидан лаби хиёл чап тарафга қийшайди. Кейин зарда билан қўлларини мушт қилиб чиқиб кетди.

Йигит асабийлашганидан бойўғлига ўхшаб бўйнини елкасига тортиб, охирлаб қолган осма уколнинг шаффоф кўзёшлар каби товланиб чаккалаётган суюқлигига тикилиб ётганида ҳамшира кириб келди-да, тугаб бораётган осма уколни шошилмай суғурди.

— Ана, бўлди, бошқа ҳеч нарса керак эмасми?— у сездирмасликка тиришиб билагидан тутган йигитга жилмайиб қаради.

— Пича ёнимда ўтиринг?..

— Ҳали... ҳали кўп ётасиз. Гаплашишга улгурарсиз, шошилманг, рост айтяпман.— Ҳамшира билагини йигитнинг қўлидан халос этишга шошилмади, аксинча, унинг мушаклари диркиллаб турган алпсифат гавдасига тикилганча, бўғзига-да сизиб чиққан жиловсиз ҳирсни чайналмаган луқмадай қийналиб ютди, ёлғиз ўзига-да аён лаззатдан кўзлари сузилди.

— Инсоф қилинг-да, энди! Эртага бу кишини операция қилишса. Наҳотки амакига тинчлик керак, деб сизга тушунтириб ўтирсам? Буни мендан кўра яхшироқ биласиз, ахир!..

Мен йигитнинг еб қўйгудек нигоҳидан ҳе йўқ, бе йўқ, юзига тарсаки тушган гўдак каби саросимада эдим, ҳамширанинг чироқ ўчириб чиқиб кетганига шукур қилдим. Яна сўнгги пайтлар қош қўяман, деб кўз чиқараётган бесуяк тилим ортиқча валдираб қўймаганига шукур қилдим. Энди қоронғу баҳона йигит томонга ўғринча боқиб, жавон устидан олган уйқу дорини тилим тагига ташладим. Ҳаммаси, ҳаммаси мана шу ачимтир доридай майда, бефойда... Бу ёқларга қайси шамол учирди, қайси ипинг узилгур шум тақдир етаклаб келди бу ёқларга?.. Ўзимни овутаман, ойнинг ўн беши қоронғу... деб. Аммо менга-да аталган бир қучоқ нур узилган бошдай қизил қонга бўялган қуёш ортидан Қоратоғнинг у ёғига думалаб кетганича, на Шарқдан ва на Ғарбдан кўринмай қолган пайтни эслаш у ёқда турсин, унутиб юборганим, ҳатто нурсиз бу ҳаётга кўникиб кетганимни пайқайман. «Ў, — дейман, — кўрган кунинг қурсин, шўрлик!..» «Ў, — дейман, — берган кунинг қурсин, фалак!..» Балким бу дунё дўзахдир? (Бу шаккок фикрдан этим жимирламайди, на кулгим, на йиғлагим келади, бу бир зерикарли ўйинга ўхшайди; яна шунинг учун этим жимирламайдики, касал миядан касал фикрлар чиқишига аллақачонлар амин бўлганман.) Чеки-чегараси йўқ бу коинотнинг қайсидир олий салтанатида бўғзигача гуноҳга ботган осийлар руҳи шу ДЎЗАХга сургун этилар?.. Ер — инсоният бижғиб-бижғиб, сасиб-сасиб қайнаётган улкан қозонга ўхшайди. Ажибки, суви аларнинг кўзёшлари, ажибки, тузи фаҳшу гумроҳлик, ажибки, ўтинлиги мустабидлик... Бу қозон атрофида қайнатилаётганларни назорат қилаётган, адолат посбони — чўқмор тутган уч-тўрт чоғли шайтони лаъин... Ў, бас, дейман, бас... Ўйиннинг ҳам қонун-қоидаси, чегараси бўлади...

Миямнинг аллақайси бурчагида совуқ шамол қўпди. Шамол ҳайбатли ғорга урилгандай увлаб, бутун вужудимни чулғагани сари қимир этсам ушалиб кетадиган бир бўлак музга айланиб бораётганга ўхшардим. Бу совуқлик одамни изтиробга солгучи вужудий совуқлик эмас, бутунлай ўзгача — аъзои баданни наша каби карахт этувчи руҳ совуқлиги эканини англаб етгандим. «Ухла, — деди у, — эсини еб қўйган қари дунёнинг ишларига қўл силта-да, бир дам тин ол. Кўзларингни юм-да, на сен дунёга ва на дунё сенга керакмаслигини англа...»

...Осмон қонталаш кўксига зулмат ямоғини солаётган дам эди. Одамларнинг қий-чувига тўлган, оддий, майда-чуйда ташвишларидан бўғилган қишлоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

йироқда, бу ерда — беҳудуд кўринган даштда жиловсиз шамол ўлакса ҳидини туйган шоқол каби увлар эди. Янтоқ, шувоқлар совуқдан изиллаб ерга қапишган, чалажон дашт аллақандай ғайришуурий бир даҳшат ичида билиб бўлмас хилқатни кутаётгандай энтикиб нафас оларди. Бу ер дунёдан ажралиб қолган орол эди, оролки, яратган эгам ер юзига табиат аталмиш барики жонзотни сочиб ташлаганига қадар қандай ибтидоий бўлса, ўшандоқ қолган, одамзод телбалиги таъсири билинмас туюлган, вале инсониятнинг бошланиши, сўнг даҳшатли интиҳоси билан якунланган тарихини куйик бағрига яширган заминнинг бир бўлаги эди. Бу оқшомнинг ўзи тушунарсиз эди. Дашт оқшомининг ҳаётбахш шабадасида ғимирлаб қоладиган жондорлари кўринмас, аҳён-аҳёнда чалинажак бўрию шоқоллар овози эшитилмас эди. Осмоннинг чекка-чеккаларида ернинг бутун ғуборини шимиб, кир пахтадай осилиб қолган булутлар орасидан мўралаётган ўроқ ой, ёнарқурт каби хира милтираётган юлдузлар ўзгача бир тун ваъда этаётгандай эди...

Ярим тун узоқ юлдузларнинг бири ой янглиғ катталашиб, олов олгандай бўлди. Сўнг яшин тезлигида сўниб, умуман кўринмай кетди. Бу шундай тез содир бўлдики, ғафлатда ётганларнинг ҳеч бири буни пайқамади. Бироз ўтгач, осмон узра улкан қуюн кўтарилди. Қуюн, зулмат бағрига учқунлар сачратганча, дашт устига яқинлашар эди. Вақт ўтиб, юзга яқин махлуқларни чирпирак қилиб айлантирганича гувиллаб ерга қўнган қуюн етти газ чанг кўтарди. Шаклшамойилини кўринмас қинғир-қийшиқ шишаларга кириб-чиқиб ётган қўнғир суюқлик каби ўзгартириб турган митти махлуқчалар етти кўзли махлуқни қуршаб олган, унинг қўлидаги ўроғлик мато эса қуёш парчасидай ял-ял ёнарди. Махлуқ даҳшатли ўкириб, зикр туша бошлади: «Зулмат абад қотажак, Инсон аслин топажак. Яратганнинг ҳукми шул, — Алар фаҳшга ботажак!..» Атрофдаги махлуқлар унинг сўзларини кўкни ларзага солиб такрорлаб, қилиғини қайтардилар: «...Яратганнинг ҳукми шул, — Алар фаҳшга ботажак!..» Ҳукм қатъий эди. Етти кўзли махлуқ матони очиб ерга қўйди. Қуёшнинг парчасидай мато ичида қуёшнинг парчасидай сап-сариқ чақалоқ ётар, сарғиш киприклари орасидан шиша каби кўм-кўк кўзлари ўйнаб турарди. У мазмунсиз ҳаракатлар қилар, шу пайтгача эшитилмаган йиғиси оламни тутган эди. Махлуқлар тиз чўкиб, тушунарсиз дуоларни ўқий бошлашди. Дуо ўқилгани сари гўдак улғая берди. Ниҳоят, етти кўзли махлуқ дуо ўқишдан тўхтаб: «Ўз шаклингга кир», деб буйруқ берди. Инсон дақиқа ўтмай маймун шаклига кирди, сўнг, ҳали-бери ҳеч ким кўрмаган даҳшатли, тили қип-қизил соқол каби кўкрагига тушган, бир кўз, ақл учқунлари сўнган жирканч махлуққа айланди. Атрофдаги махлуқлар шодон қичқириб ҳукмни такрорладилар: «Зулмат абад қотажак, Инсон аслин топажак. Яратганнинг ҳукми шул, — Алар фаҳшга ботажак!..» Яна чанг-тўзонли қуюн қўпиб, қоп-қора устун бўлиб кўкка ўрлади. У қуюқлашиб, қорамой тусига кирган булутларни ёриб ўтганида ажалнинг чалғисидай ярақлаб чақмоқ чақди, овозидан наинки дов-дарахтлар, тоғу тошлар емирилди. Бу кеч дунёнинг миллион-миллион йиллардан бери ботмонлаб йиғилган гуноҳларини шима-шима қорайган булутларнинг тўлғоғи тутди. Момақалдироқ гумбури остида қон янглиғ қип-қизил ёмғир шаррос қуя бошлади. Ёмғир шунчалар шиддатли келдики, ер юзи титилиб кетган қонталаш этдай бўлди-қолди. Ерда қолган даҳшатли махлуқ қаҳ-қаҳ урди. Илк қадамларини қўрқа-қўрқа, мастга ўхшаб босди, кейин ёмғирда аталадай билчиллаб қолган ерни титратиб кетаверди, фалакнинг қаҳридан омон қолган қишлоғу шаҳар борки, яксон қилиб ўтаверди. Ваҳимада уйи куйган чумоли каби жон ҳовучлаб югуриб чиққан одамзод борки, уни кўрган заҳоти бу махлуқдан қолишмайдиган жонзотга айланиб қолаверди. Бутун дунёни жирканч махлуқ босди. Махлуқлар эс-ҳушини йўқотиб, ота боласини, бола отасини, сўнг бир-бирини ямлаб ютишга тушди — тинимсиз ёғаётган қизил ёмғир билан махлуқларнинг дарёдай оқаётган қони қоришиб, миллион-миллион йиллардан бери қонга тўймай келган ер юзини бўғзигача қонга тўлдирди. Ниҳоят, бу дунёда бирон тирик жон қолмади. Махлуқлар ташлаб кетган, энди қилар иши қолмаган интиқом уруғи аянчли увиллаб ер билан битта бўлди, ёниб кулга айланди. Совуқ шамол кулини кўкка совурди. Ер аталмиш ДЎЗАХ бир сидра тозаланди. Энди бу маконда янги дўзах қурмоқ учун яна ўн минг аср керак бўлар, токи бунда ДЎЗАХга ҳам нолойиқ бўлган РУҲлар ерга сингиб, буткул йўқ бўлиши даркор

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Тоғлар емирилди, сувлар қуриди, туну кун бир бўлди. Бу салтанатга ҳорғин чол — СУКУНАТ ҳоким бўлди...

Эрталаб жиққа терга ботиб, аллақандай даҳшат ичра уйғондим. Деразадан тикка тушаётган қуёш нури ўрнимни қиздириб юборган, хамир каби бўшашиб қолган таним калтаклангандай зирқираб оғрир эди. Ўрнимдан зўрға туриб, шафтолиқоқидай буришиб салқиган юзимни силаган кўйи ҳамроҳимга қарадим. Аллаким чолнинг сочини таги билан олишга улгурибди. Энди муштдаккина боши уни янаям ожиз, нотавон қилиб кўрсатар, кўзлари янаям киртайиб, икки кавак ичига чўкиб кетганга ўхшар, бурни илмоқдай қайрилган, кўрган одам бу чолни ўлган каламушдан фарқлай олмас эди. Кечаги йигит кўзларини бир нуқтага тикканича навбатдаги осма уколни оларди. Теваракка эътиборсиз — ўлик кўз билан қарадим. Тўғриси, эътибор қилишга ҳолим ҳам йўқ, чунки миямга чирмовиқдай чирмашган тушдан ҳали-бери қутуладиганга ўхшамасдим. Томирларимда қон музлаб қолгандай қалт-қалт титраётган бўлсам-да, хаёлимда ҳам бўлмаган бу тушнинг таъбири қизиқтирарди. Ҳали ҳеч замон бундай ғайришуурий туш кўрмагандим. Энди эрталабки карахтлик сабабми, кўзим тушган ҳар нарса бегонадай, ҳаммаси тушимнинг давомидай туюларди. Қўрғошин қуйилгандай зил тортиб оғриётган қовоқларим орасидан буларнинг барчасига осмондан тушган каби ажабланиб қарар эдим.

— Яхши ётиб турдингизми, ука?

Чолнинг титроқ овози хумдан чиққандай бўғиқ, ўзидай чалажон эшитилди.

— Раҳмат. Ўзингиздан сўрасак?

Чамамда, чол саросимада эди — гапимни дуруст илғамади ҳам. Унинг қуруқшоқ лаблари асабий титраётганини, нимадандир қаттиқ ҳаяжонга тушгани, шу ниманидир айтмаса ёрилиб кетгудек аҳволда эканини энди пайқадим.

— Ҳеч нимани сезмадингизми?

— Нимани? Сочингиз олинганими?

— Йўқ. Кечаси дайдиб юрган шўрликни айтаман. Ўзини осиб қўйибди... ҳожатхонада... қип-яланғоч... дока билан... Мен кўрдим, кўрдим Уни, биласизми?!. Тилини тишлаб қолган экан, бир парча қизил этдай... осилиб қопти... Мияси оқиб тушган... шўрлик... худди ...дай пашшаларга таланиб... Лекин кўзлари... кўзлари бошқача эди Унинг. Тиришиб-тортишиб кўкариб кетган яланғоч баданининг бутунлай акси... Маъсум сокинлик, ҳатто истеҳзо чулғаган эди бу кўзларни. Ишонмайсизми?.. Худди бировни мазах қилаётганга ўхшаб...

— Э, отахон. Кўзлари дейсиз, мияси дейсиз... Мияси ишламагандан кейин кўзларининг нима кераги бор? Ғирт жинни экан шу аҳволда ўзини осган бўлса. — Чол олдин ҳам бу ҳақда оғиз очган шекилли, осма уколга термулиб ётган йигит бу ўлим тафсилотини яна бир бор эшитишдан иргангандай, бош чайқади.

Мен Унинг тулупдай қотган озғин танасини, сиртмоқ орасида сўроқ аломатидай чўзилиб қийшайган бўйнини, битмаган жароҳатидан сарғиш суюқлиғу қон аралаш оқиб тушган миясини, атрофи қонга беланиб тиришган лаблари орасида узилиб тушай деб турган бир қарич тилини, сачраган қон қорамтир кепак каби ёпишган баданида худди ...нинг устида ўтиргандай бамайлихотир учиб, қўниб, ўрмалаб юрган нўхотдек очофат пашшаларни ва, ниҳоят, ўликнинг аянчли башарасига буткул ёт туюлган, кимнинг — ўзинингми ё ўзгаларнинг устидан кулаётгани менга қоронғу, — истеҳзо қотган маъсум кўзларини чол айтганидан ҳам аниқроқ тасаввур қилдим. Энди хаёлим зулумотига шу икки кўз муҳрланган, уларга тикилган сари мен тушуниб етмаган мавҳумлик мурданинг яланғоч бадани янглиғ аниқликнинг ожиз кўланкасига айланиб қолаётганини ҳис қилардим. Ногаҳон, кўзларим девордаги «Помпейнинг сўнгги куни» суратига тушди-ю, шубҳа-гумонларим муздай эриб, сесканиб кетдим. Суратдаги одамларнинг кўзларига қўрқув, ожизлик, мағлубият тўр солган ва улар худди шу улкан саросимада ўлимга маҳкум эдилар. Лекин мурданинг сокин, истеҳзоли кўзлари... фақат ОЗОД ва ҒОЛИБнинг кўзларигина шундай боқиши, мағлублар устидан кулиши мумкин эди! Шунда бу суратдаги аллақандай илоҳий куч олдида чумоли тўдасидай пароканда, ожизлик кишанида ўз қисматини кутаётган одамларга ўхшаб кетди хастахонадагилар. Тасвирдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

даҳшат, қўрқув, маҳкумлик касалларнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Яна бир пайғамбар зоҳир бўлиб, бу шўрликларни Мусо алайҳиссалом бутун бир қул халқнинг қонини тозаламоқ учун қирқ йил чўлу биёбонларда олиб юрганидек эргаштириб юрса ҳам, ожизлик ботқоғидан тортиб чиқолмаслигига амин эдим. Мен уларни англаганим каби, тим қора бу суратда қотиб қолганларни ҳам ўз дилимдай англар эдим. Ҳатто мен уларнинг қисматини татиган, улар билан бирга яшаб ўтгандек бўлаверардим. Мен ҳам шулардай, ажойиб тунларнинг бирида тоғларнинг гумбур-гумбуридан чўчиб уйғонганимни, уйқу карахтлиги билан ҳеч нарсага ақлим етмай, хонамга ёпирилиб келаётган оҳ-воҳлар селидан гангиб кўчага ўқдай отилганимни, атрофдаги саросималик менга ҳам юқиб, ўт-олов пуркаётган қизғиш-қора кўкка даҳшат ила боқиб, беихтиёр «Ё раббим, ё раббим!..» дея қичқирганимни, яна бир ер силкинишида баҳайбат устунлардан бири ағанаб суякларимни қисирлатиб юборганини, анча вақт ўтгач, танадан чиқолмай инграб ётган жонимни қайноқ лавалар осмону фалакка учириб юборганини... аниқ эсладим. Хаёлга беихтиёр келган ўй олдида товонлар остида эзилаётган хазон янглиғ ожиз эдим: балки бу дунё дўзахдир? Ибтидо ва Интиҳо, Интиҳо ва Ибтидо. Балки ана шу занжир ҳалқаси аро абадий қийноққа маҳкумдирмиз биз? Ким неча бор келганман бу дунёга — гоҳ шоҳ бўлиб, гоҳ гадо бўлиб, гоҳ мард бўлиб, гоҳ паст бўлиб?.. Мен келган, кетишим керак бўлган бу йўқлик сирини ким билади, ким?! Балки кўнглимга ўйиб чизилгандек азоблаётган шу сурат инсониятнинг абадий азоб-уқубатга, ваҳмга кишанланганини айтиш учун яралгандир? Қайси илоҳий куч — фариштами ё шайтон ундаган мусаввирни ва қай азобда битган у бу асарни?!. Суратдан кўзимни узолмайман. Ўликнинг ғолиб кўзларини эмас, Ўзимни — муте ва мағлуб кўзларимни қидираман ундан...

— Текширув, текширув... Хонани тартибга солмайсизларми? Ҳаммаёқ ивирсиб ётибди! — эшикдан ўғри мушукдек мўралаган ҳамширанинг овози қарғанинг қағиллаши каби ёқимсиз эшитилиб кетди.

У ёқ-бу ёқни тузатган бўлдим. Тахтадек миқ этмай ётган чол хўрсиниб қўйди.

— Профессор текширадиган кун бугун...

— Текширувдан нима наф? Профессор деганингиз озодаликни текширадими ё беморларни? — деди йигит ўнғайроқ жойлашиш учун ёстиқни қўлтиғи тагига олиб.

— Шогирдларини касалхона бўйлаб айлантириб чиқади, холос...

— Бир тийинлик фойдаси йўқ экан-да, бўлмаса? Югур-югурини кўриб, пайғамбарни кутиб олишяптими, депман, — деди йигит.

— Нимаям қиласиз? Дунёнинг ишлари. Тақдирингиз шуларнинг қўлида бўлгач, ҳаммасига чидайсиз-да. Одамзод азалдан кимгадир тобе-ку, ахир! Озод одам бу дунёда яшолмайди.

Чол ботиний безовталик ўтида алаҳсираётгандек, хаёлига келган ўринсиз гапни ҳам тушуниб-тушунмай айтиб қолишга шошилаётгандек эди.

— Нега энди? Мана мен — озодман. Эрким ўз қўлимда, — дедим норози бўлиб.

— Мен ҳам озодман. Хоҳласам, кўчага чиқиб одам ўлдираман. Нима учун шундай қилдинг, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўлдиргим келди, тамом — вассалом! — деди йигит тантана билан.

Мен унга қарадим. Ҳақиқатан, бу авзоида у одам ўлдиришдан ҳам тоймасди.

— Йўқ, сиз озод эмассиз! Ҳатто одам ўлдиришга ҳам ботинингиздаги аллақандай ёвуз куч мажбур этади. Яна денг, тақдирингиз олдиндан белгиланган. Шу тақдирингиздан ҳеч қаёққа қочиб кетолмас экансиз, қанақа озодликни гапирасиз? Иккинчи томондан, инсон туғилганиданоқ жамият яратиб қўйган қонунлардан четга чиқолмайди, тўғрими? Хўп, дейлик, сиз кўчага ялангоч чиқолмайсиз-ку? Албатта, бу ақли заифларнинг қўлидан келади. Бироқ шунда ҳам уни тутиб, жиннихонага тиқиб қўйишади. Гап кўчага ялангоч чиқишчиқмасликда ҳам эмас. Сиёсатга қарши чиққан ҳар қандай банда охир-оқибат, ўлиб кетмаса, ё жиннихонага, ё қамоқхонага тушиши аниқ. Буниям қўя турайлик, бир бошга бир ўлим экан, қанақа озодлик ҳақида гап бориши мумкин? Масалан, менинг ўлгим келмаяпти. Ўлимдан, аниқроғи, йўқликдан қўрқаман...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ ўлимга маҳкумман... Хўш, мен озод эканманми, айтингчи?!. — деди чол учқунли кўзларини йигитга тикиб.

Орага жимлик чўкди. Чол оддий ва чигал, рад этиб бўлмас ҳақиқат билан устимизга совуқ сув сепиб юборгандек саросимада қолган эдик. Бу ноқулай сукунатни шогирдларини етаклаб хонага кирган профессор бузди. Дўхтирдан кўра қассобга ўхшаб кетадиган йўғон профессорнинг жонсарак кўзлари дераза токчаси, жавонлар, каравотлар, шифт бўйлаб сирпалди. Сўнг, тартиб йўқ, дегандай бош чайқаб, кеча келган йигит олдида тўхтади.

— Хўш, биродар, қачон келдингиз?

— Кеча кечқурун.

— Нима бўлди?

— Шофёрман, капот тушиб кетди.

— Қани, бошингизни тутинг-чи! Унчалик хавфли эмас, кўрдингларми? — деди у шогирдларига юзланиб. — Кичкина жойдан суяк олинган. Суяк синиб, этни тилган — қон чиққан. Агар қон чиқмаганда, гематома ҳосил бўларди. Кўрдингларми, техника хавфсизлигига амал қилмаслик нимага олиб келади? Ҳечқиси йўқ, биродар, ўн кунда отдек қилиб юборамиз.

Профессор мен томон юрди.

— Хўш, фамилиянгиз?

Бироз орқароқда турган даволовчи дўхтир менинг ўрнимга жавоб берди:

— Кеча сизга айтувдим. Мардонов шу киши бўлади, домла.

Профессор бироз жим қолди. Сўнг йўқотган нарсасини топиб олган одамдай:

— Ҳа-я, Мардонов, Мардонов... Хўш, Мардонов, қаердан бўласиз? — деди.

— Самарқанддан.

— Шунақа денг, болалардан борми?

— Тўртта. Бешинчиси хотин...

— Бешинчиси хотин, денг? Ҳа-ҳа... Яхши-яхши... Хушчақчақ одамга ўхшайсиз... — деди у биров мажбурлаб кулдираётгандай. — Касалингизни биласиз-а?

— Биламан...

— Хавотир олманг, бунақа операцияларни юзлаб қилганмиз... Энди, бу ёғига бизга бўйсунасиз. Бемаза хаёлларни миянгиздан чиқариб ташлайсиз. Бу бир. Бизга ишонасиз. Бу икки. Буюрганларимизни бажариб турасиз. Бу уч. Насиб қилса, кўрмагандай бўлиб кетасиз. — Профессор елкамдан қоқиб даволовчи дўхтирга юзланди. — Икки ҳафта тайёрлайсиз. Эртага компьютер-томографга туширинг.

Профессорнинг зўраки гаплари мени ғулғулага солди. Наҳотки касалим шунчалар оғир бўлса? Нима бўлса ҳам, умидланиб профессорга қарадим. У энди чолнинг олдидаги курсида ўтирарди.

— Қандай, яхшимисиз, ака? Кайфият қалай?

— Раҳмат, ёмон эмас... — деди чол қуруққина.

— Кўнгилни чўктирманг, операцияга ўзим бош-қош бўламан. Ҳали невара-чевараларингизнинг бошида турасиз, тўйларини кўрасиз. Ҳозир текширувни тугатайлик, бошлаймиз. Қўрқадиган жойи йўқ. Бўлса, ярим соатлик ишда... — профессор чолнинг қўлини сиқиб, ўрнидан турди. — Хўп, яхши қолинглар...

Орқасида турган шогирдлари профессорга йўл очиб, бир четга тисланишди-да, кейин ярим овоз билан нималарнидир пичирлаб орқасидан тушишди.

Хонада ҳар ким ўз хаёли, ўз дарди билан юзма-юз қолган эди. Олдинда нима бор? Ҳеч нарсани билолмайман. Лойқаланган сувнинг тубини кўрмоқчи бўлган телбага ўхшайман ҳозир. Агар касаллик мен ўйлаганчалик енгил бўлмаса, нима бўлади? Наҳотки бу ердан соғайиб чиқишнинг иложи йўқ? Уйдагилар ҳатто қандай дардга чалинганимни ҳам билмай қолишди-я... Агар шу касалхонадан тирик чиқмасам... Э, тавба-ей, тавба-ей... Нималар деяпман? Миямни пармалаётган бу ўйлар ахийри телба қилади-ёв! Йўқ, буларни хаёлдан чиқариб ташлаш керак! Ҳаммаси яхши бўлади. Чол ваҳимачига ўхшайди. Уям ҳали кўп яшайди, профессор айтди-ку?! Бўлмаса, шунча ишонч қайда?..

Эшиги ланг очиқ хонага биров ортидан қувлаётгандай шошиб бир йигит

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирди. Танидим — чолнинг кечаги ўғли. У паришон алфозда отасининг олдига келиб, қўлидан тутди:

— Ассалому алайкум, отажон. Яхшимисиз?

— Раҳмат. Кеч қолдинг?

— Келганимизга бир соатдан ошди. Профессор текшираяпти, деб ичкарига қўйишмади. Ҳаммамиз пастда эдик. Ҳозир чиқишади. Онамга айтмадик. Яхши бўлиб чиққанингиздан сўнг айтамиз... — йигитнинг овози алланечук титраб чиқди.

— Айтмай яхши қилибсан. Яхши-ёмон кунларда бирга бўлдик, мабодо чиқмасам, ётиғи билан тушунтир, рози бўлсин...

— Ота?! Қўйинг энди. Бу ёғи ўзингизга боғлиқ. Бардам бўлинг. Унақа ёмон хаёлларга борманг-да...

— Айтдим-қўйдим-да, ўғлим. Ҳар эҳтимолга қарши...

— Амак! Агар бу ердагиларнинг ҳаммаси кечаги дўхтир йигитдай бўлса, ҳали яна юз йил яшайсиз. Мени айтди, деяверинг... — деди ҳамхона йигит бамайлихотир.

Чол жилмайишга уринди:

— Айтганингиз келсин, ука...

— Ота, бўлмаса, пастдагилар чиқишаверсин-а? Мен тушиб, халатимни бераман.

— Майли...

Йигит тезда бурилиб пастга тушиб кетди.

Бироздан сўнг хонага уч киши — бири норғил, қирқларга борган эркак, қолган иккиси жувон, кириб келди. Бирининг ранги ўчган, ўттизлар чамаси, иккинчиси ундан ёшроқ, унинг ҳам ранги синиқ, кўзлари қизарган эди. Жувонлар эшик олдида қолди, эркак саломлашишни ҳам унутиб, чолнинг олдига борди.

— Отажон, тузукмисиз?

— Комилжон, ўғлим, ўзинг яхшимисан? Бола-чақаларинг?

— Ҳаммаси яхши, ота...

— Ассалому алайкум, отажон, — икки жувоннинг овози йиғламсираб чиқди.

— Келинларим... Тинч-омонмисизлар?

— Худога шукур... Сиз омон бўлсангиз бўлди... — жувонлардан бири ҳўнграб юборди.

Ўғил зарда билан уларга қаради:

— Жамила, ўчир овозингни... Нега йиғлайсан?! Эсинг борми ўзи?

— Қўй, ўғлим, аёл киши аёл-да... Жамила қизим, қўйинг, йиғламанг. Ҳаммаси ўтиб кетади...

Жувон ҳиқиллай-ҳиқиллай жим бўлди.

— Ота, дўхтирлар билан гаплашдим. Операцияни яхши қилишади. Сиз фақат бардам бўлсангиз, бас...

Каравотдан туриб, йўлакка чиқдим. Билмадим, ҳеч қачон кўзёши қилишни эп кўрмасдим. Лекин биров йиғласа, менинг ҳам ўкраб йиғлагим келар, сабабини ўзим ҳам билмасдим. Бўш ўриндиқларнинг бирига чўкиб, хаёлни чалғитиш учун ўтган-кетганни кузатиб ўтирдим.

Текширувни тугатган дўхтирлар аста-секин тўртинчи қаватга — операция хонасига кўтарила бошлашди. Хонамизга кириб-чиқиб турган ҳамшираларнинг овози қулоғимга чалинди:

— Бўлди, бўлди. Илтимос, хонани бўшатинглар... Амаки, устингиздагини ечинг. Енгил уст-бошингиз қолса бўлди.

Беихтиёр ичкарига кирдим. Чолнинг ёнида қолган кичик ўғли ечинишга ёрдамлашаётган экан. Шу орада ҳамширалардан бири чаққонлик билан чолнинг билагига кетма-кет иккита укол қилди.

— Нима у?.. — шошиб, эсанкираб сўради чол.

— Наркоз... Қани, энди замбилга чиқинг-чи... Ҳа, ана шундай... Бошларига ёстиқ қўйинг...

Замбил лифтнинг олдига етгунча чол таниган-танимаган беморлар қуршовида қолди.

— Худо хоҳласа, бир отамлашамиз, амаки...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дўхтирларнинг қўли енгил, кўрмагандай бўлиб кетасиз, ака.

— Эсон-омон чиқиб олинг, амаки...

Чол индамай ётар, аҳён-аҳён кўнглини кўтараётганларга бошини сарак қилиб қўярди. Ҳамширалар лифтни чақирганда, шошиб олдига келдим.

— Сиз билан ҳали кўп ҳасратлашамиз, амаки...

Чол қўлимни маҳкам қисди.

— Дафтарни ёнимда ўқимадингиз-да... — деди у кўзларимга тик боқиб.

Шунда нурсиз кўзларидан унинг зоҳиран шу ерда, ботинан аллақаерларда эканини ҳис қилдим. Негадир бу қарашдан ўлим акси келаётгандек эди. Мен унинг қўлларини маҳкамроқ қисдим:

— Бардам бўлинг, амаки, бардам...

Чол бош силкиди. Ёнида турган ўғли ёстиғини тўғрилади. Шу орада лифт етиб келди. Чолни олиб киришди. Лифт эшиклари шарақлаб ёпилди, гувиллаб тепага кўтарилди. Таним музлади: кунлардан бир кун менга ҳам наркоз беришади-ю... Руҳинг болаликнинг қайтиб бўлмас сўқмоқларида адашиб юрганида, лаззатли мастлик оғушида бу дунёни ташлаб кетиш минг маротаба енгил бўлса керак... Йўқ, бўлмаган гап, яшайман, яшашим керак!

Дафтар ёдимга тушиб, хонага қайтдим. Йигит ўрнидан туриб ўтирган экан.

— Нимага турдингиз, оғайни? Миянгиз чайқалган бўлса, камида бир ҳафта қимирламай ётишингиз керак.

— Бир ҳафта у ёқда турсин, бир кун ҳам ётолмайман. Қимирлаб турган жон, ака, ўрганмаганман...

Гап уқтириш мумкинлигига кўзим етмай, жим бўлдим. Каравотга ўтириб, ёстиқ тагидан дафтарни олдим. Чамаси, қоралангани анча бўлган, фақат охирги беш-олти бетигина яқинда ёзилган — сарғайиб улгурмаган эди...

«Балки мен хато қилаётгандирман. Балки ёзганларимни ўқиб, мен ҳақимдаги тасаввурларинг ўзгариб кетар... Лекин Унинг азоби мени бир умр қийнади. Энди бу азобни нариги дунёга ҳам олиб кетаман. Биламан, гуноҳим салобати жаннат эшигини тақа-тақ беркитган. Аслида, ҳаммамиз ҳам дўзахимиз, тўғри эмасми?..

Урушнинг бошлари эди. Мўйлабимиз сабза урган, биз тенгиларни жанггоҳга олиб кетганлар. Бироқ отамнинг қўли узун, ёшимни камайтирибми, пора берибми, ишқилиб урушдан олиб қолди. Тўғриси, мен ҳам шуни истар, ўйнаб-кулишим даркор бўлган пайтда Русиянинг аллақаерларида итдай ўлиб кетишдан қўрқар эдим. Одамларнинг кўпидан эшитган эдим: биздайларни қурол ишлатишни билмайдиганга чиқариб, қўлимизга пилта милтиқ тутиб, жанггоҳнинг энг олдинги сафларига ташлашар, ёхуд қўлда белкурак — окоп қаздиришар экан. Биздай уқувсизлар фил оёқлари остига тушган чумолидай қирилиб кетаверар экан... Тенгдошларимни олиб кетдилар. Мен қолдим. Менга барибир эди. Кимларнидир деб қон тўкиш, йўқликка кетиш... нима учун? Бир парча ер учунми — кимнинг ери учун? Менинг ерим ўн беш сўтих жой; шу ерга душман келсин — мен қурол олай... Агар менинг ерим тинч экан — дунёни сув босмайдими?

Урушнинг бир йили мен учун осуда кечди. Бироқ, вақт ўтиб, қорахатлар кўпайганда, одамлар очликдан шишиб ўлаётганда, қишлоқдагилар бир сиқим ун тополмай, илдиз қайнатаётганда, мени лаънатлаётган кўзларга тик боқишга қурбим етмаётганини сеза бошладим. Қорахат олганларнинг уйидан дод-фарёдлар билан қўшилиб Гирмонга, урушга лаънатлар ёғилар, бу лаънатларнинг бир қисми менга аталгандек бўлаверар эди. Шунда узоқ-узоқларга — қирадирларга чиқиб кетар, табиат қўйнида қушларнинг беташвиш чуғурини эшитиб дунёни унутар, урушдан олдинги сайллар, шодон кунлар, шаддод қизларни эслаб таскин топгандай бўлар эдим. Кўпдан севганим Ойсанамни қўмсаб, унинг олдида айтолмаган сўзларимни — шаббодадан, ям-яшил дарахтлардан, майсалардан унинг сутдек оппоқ, тиниқ сиймосини ясаб, бор овоз билан айтиб овунардим. Билардим, у мени севмайди, хаёлига ҳам келтирмайди. Ойсанам қалбига солинган қулфни фақат бир киши — жангу жадалда юрган рақибим Шерзодгина очади, нозиккина бу гулни бағрига босадиган ҳам ўша.

Муҳаббат наинки кўзларимни, қалбимни ҳам кўр қилган, ўша жиним

www.ziyouz.com kutubxonasi

суймаган рақибим — Шерзодга ўлим тилар эдим. Майли, қорахат олсин, майли, йиғласин-сиқтасин, ахийри тинчиб, меники бўлар-ку?!.

Урушнинг одамлари янглиғ озиб-тўзган, файзсиз кунлар оғир-оғир қадам ташлаб борарди. Қишлоқдагилар почтачи чолни изиллаб кутар, узоқдан қари эшаги кўринди дегунча, бор ишини йиғиштириб унинг авзоини билишга уринар эдилар. Почтачи ҳам, агар хуржуни хушхабарга тўла бўлса, эшагини шошириб, ўзича аллақандай куйни хиргойи қилиб келар, сўнг, овозини баландлатиб:

— Ҳо-о, яхшилар, кўримчисини тайёрлаб қўйинглар!.. — деб қўйгучи эди.

Бу чол ҳам инсон эди. Шўрликнинг аёлларникидек бўшгина юраги бор эди. Кимнингдир хонадонига азани етаклаб келаётганини билса, биров мажбурлаб, бўйнига арқон солиб келаётгандек майда қадам эшагини ҳам қичамас, чилдек бўйнини эгибгина келарди.

— Бандалик экан... Ёшу қарисини суриштирмайдиган замонига минг лаънат... — дея эшитилар-эшитилмас пичирлар, гуноҳкор одамдек кўзларини ерга тикар, йиғи-сиғи, дод-войлар бошланди дегунча, кўзлари жиққа ёш, эшагини буриб қолар эди...

Кунлар ўтаберди. Урушнинг кети йўқдай, кўз очиб кўрганлари уруш, кўз юмганларида ҳам уруш бўладигандай эди гўё. Ойсанамнинг вазмин, камгап, юзлари дарддан сўлғин ва бу сўлғинлик унга ёш келинчак каби латофат бахш этган Ойсанамнинг шаддод, ҳазилкаш, юзлари кулиб турган қиз бўлганини унутиб юбораёзган эдим.

Бир кун (ўша кунни қанчалар кўп кутган эдим мен) намозшом пайт ишини тугатиб, даланинг четида ўроғини елкасига ташлаб кетишга чоғланаётган Ойсанамнинг олдига юрагим бўғзимга тиқилгудек бўлиб, дир-дир қалтираб бордим. Айтадиган гапимни ҳозир айтмасам, ҳеч қачон айтолмаслигимни англадим-у, худди телба каби Ойсанамнинг қўлига ёпишдим:

— Сенга бир нарса айтаман дейман, айтолмайман, айтаман дейман, гунг бўлиб қоламан, Ойсанам!..

— Эсингни еб қўйдингми?! Нима қиляпсан? Қўлингни ол, Ашир! Нима дейишингни яхши биламан. Сезмаяпти, деб ўйлайсанми? Кўпдан бери биламан, Ашир. Қўлингни ол, деяпман, эшитмайман, эшитишни ҳам истамайман, — деди у қўлимни силтаб ташлашга уриниб.

Мен унинг офтобда қорайган нозик қўлини маҳкамроқ сиқдим:

— Мен сени севаман, Ойсанам... Менга ишонмайсанми? Мен сени бошимда олиб юраман, истаганингни муҳайё қиламан... Фақат севаман десанг, бас, Ойсанам!..

— Қўйвор... Кўрганлар нима дейди, ахмоқ? Шерзодни севаман мен, ўтинаман, қўйвор... Боши очиқ қиз қуриб қолибдими бу қишлоқда?..

— Сен сулувсан, гўзалларнинг гўзалисан... Қишлоқ қизлари дейсан, дунёнинг қизларига алишмайман сени, Ойсанам! Мен сени Шерзодингдан минг карра ортиқ севаман. Кўпдан яхши кўраман. Ўлимга ҳам розиман. Севаман, де, меникисан, де...

— Йўқ, дейман, йўқ! Сени севмайман, йўқ! Севгилим узоқда... Номардлик қилма... Бир номардлик қилдинг — урушга бормадинг, иккинчи қилма...

— Сени деб қолдим, Ойсанам... Сенсиз туролмайман!

— Йўқ, қўрқоқсан сен, учига чиққан қўрқоқ... Мард йигит урушда... Қўлимни қўйвор...

— Мард йигитинг нега хат ёзмайди? Чунки битта ўрусидан топган, шунинг учун ёзмайди, билсанг. Сен кимсан унга?.. Оддий қишлоқ қизи... У дунё кезяпти... Мен эса ёнингда — ўл десанг, ўлиб, қол десанг, қолиб, вафодор итингдай бўлиб турибман. Ҳозир сен мени ундан кўра яхшироқ биласан-ку, ахир!..

— Ундай дема. Итлигингни билардим. Ундан баттар пасткаш экансан. Бировни билиб-билмай ёмонлашга қандай тилинг борди?!

— Сен ундан минг чақирим беридасан-ку? Тўғри юрганини қандай биласан? Ромчимисан ё?

— Ҳа, биламан, биламан!.. Энди қўлимни қўйвор, яхшиликча, ғийбатинг жонга тегди... Ўроқминан соворaман, ҳозир... — Ойсанам чангакдай қўлларимдан юлқиниб чиқиб кетди.

— Сен барибир меники бўласан, Ойсанам! Шерзодинг тирик қайтмайди, билиб қўй!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Юзсиз, юзсиз, юзсиз!.. — Ойсанам бурилиб, этагини ҳилпиратган кўйи югуриб кетди.

Шомнинг шамолида денгиздай тебранаётган буғдойзорда ёлғиз қолдим. Нега у мени севмайди? Шерзоддан қаерим кам ахир?!. У мени юзсиз, дедими? Юзсиз... Бўлса бордир, бироқ мен уни севаман, худо ҳаққи... Нега у қил устида турган умидига осилади? Ахир Шерзод тирик қайтмаса, истайдими-йўқми, бошқа бировга тегади-ку? Йўқ, сен меники бўласан, Ойсанам, меники... Буни мен айтдим!

Шу-шу, отасини ўттиз саккизинчи йил қоқ тунда тирик олиб кетишиб, ўлик олиб келишган, ярим йил деганда касалванд онасидан ажраган, энди бева холаси қўлида қолган етим қиз — Ойсанам мени кўрса, ўзини олиб қочадиган бўлди. Орамизда бўлиб ўтган гап-сўз шўрликнинг юрагини чўғдай куйдираётган, хавотирга тўла ўйларидан мусичадек ҳуркак, бойўғлидек яккаш бўлиб қолган, ниҳоят, у ҳам севгилиси нима сабабдан хат ёзмаётганини чинакамига ўйлай бошлаган эди.

Кунлардан бир кун пешин пайти хотин-халаж ишлаётган далада почтачи чолнинг қораси кўринди. Бугун аввалгилардан кўра хушчақчақ кўринарди у. Қий-чув билан атрофини ўраб олган хотинларга хат улашиб, бир четда умидсизланиб, мўлтираб турган Шерзоднинг онасини имлади:

— Бери келинг, Моҳларойим... Бир рақс тушиб берасиз энди...

Моҳларойим кутилмаган севинчдан тебраниб кетди. Ёнида турган Ойсанам суяб қолмаганида йиқилиб кетиши турган гап эди. Моҳларойим бошидан ҳуши учиб, йиғлай-йиғлай чолнинг олдига кела бошлади.

— Сиздан айланиб кетай... Отажонимнинг хатини беринг... Болагинамнинг хатини беринг... Кўзларим тўрт бўлди-ку?!

Чол кулумсираб, учбурчак мактубни Моҳларойимнинг қадоқ, ҳаяжондан қалтираётган қўлларига тутди. Моҳларойим йиғисини босолмай, хатни юзкўзига суртар, юз бора ўпар эди:

— Айланиб кетай, илоё... Кўзларим тўрт бўлди-я... Ўзингга шукур, худойим...

Анчадан кейин ўзига келгач, бир зум анграйиб турди-да, хомушланиб турган Ойсанамга хатни узатди:

— Ўзим келин қиламан, деганман-а, ўргулиб кетай... Шу хатни ўқиб беринг... Нима деб ёзипти экан, болагинам?..

Унга аталган хат йўқлигидан эсанкираб қолган Ойсанам қизил олмадай дув қизариб, хатни олди. Авайлаб очиб, овози титраб ўқий бошлади:

— «Соғинчлик салом хат. Ассалому алайкум, онажон, ука-сингилжонларим. Яхшимисизлар? Эсон-омон юрибсизларми? Мендан сўрасангизлар, омонлик, худога шукур. Хат ёзмаганимнинг сабаби... касалхонада эдим. Енгил яраландим. Ҳозир отдайман. Худо хоҳласа, бир ой демай, бориб қоларман. Сизларни соғиниб, Шерзод».

Ўғлининг келишини эшитган Моҳларойим ўзини қўярга жой тополмай қолди:

— Болагинам келаркан, ҳай... Кўзимнинг нури келаркан... Илтижоларимни эшитибди худойим. Худога минг қатла шукур!..

Атрофдаги хотин-халаж Моҳларойимга ҳавас, ботиний ҳасад билан термулиб, бирин-кетин табриклай бошлади.

Мен бутун орзулари чиппакка чиққан омадсиздай бир чеккада индамай турар, бу тескари дунёга ич-ичимдан лаънатлар ўқир эдим. Умрим мазмунига айланган Ойсанамдан ажралиш, жуда бўлмаса, худди аввалгидай гаплашиб юриш бахтидан айрилиш мени саросимага солиб қўйган, миямнинг тим қора тубида ёвузлик учқунлари алангаланар эди. Икки ўт оташида ёнар эдим...

...Шерзод кўп кутдирмади. Ёзнинг охири, қуёш бутун эркалигини қилаётган, туш чоғи ер тандирдай қизиган, далада бош кўтармай ишлаётган ҳорғин аёллар ҳадеб сувга интилиб қолган пайт узоқдан ҳаллослаб югуриб келаётган ориқ болаларнинг овози ҳаммани бир зум ишдан бош кўтаришга мажбур этди.

— Суюнчи, Шерзод ака келдилар, Шерзод ака!..

Ҳамма гув этиб қишлоққа талпинди...

— Ўғлим, Шерзоджон, келдингми, жонимнинг озиғи, келдингми?! — уйга ҳаммадан биринчи ҳаллослаб келган Моҳларойим эшик олдидаги аравадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушмай ўтирган ўғлининг бағрига отилди. Шерзоднинг кўксини тўлдирган нишонлар бир-бирига тегиб, ҳазин жиринглади.

Соқоллари ўсиб кетган, йўл азобидан заҳиллашган Шерзод онасини қучди. Елкаларини учириб ҳўнграётган онасининг қордай оппоқ сочларини силаган кўйи кўзларини юмди. Шунда, барвақт ажин тушган юзларини кўзёшлари ювди. У бир нарса дейишга ҳам мадори етмай, титроқ қўллари билан онасини бағрига босар, атрофда биров йиғлаб, биров жимгина, бирови қувониб қараб турган оломонга эътибор ҳам қилмас эди. Сўнг бўғиқ овозда юпатиб:

— Келдим, она, бутунлай келдим... Йиғламанг, она, ёнингиздаман-ку... — деб бошини эгди.

Ўзини унутиб қўйган Моҳларойим ўғлининг қўлидан тортди:

— Нима қилиб тушмай турибсан, ўғлим? Юр, остонадан ўт, ўғлим. Хонангни кўр ҳаммаси аввалгидай, сен тишлаб кетган насиба нонинг ҳам турибди, болагинам...

Шерзод бир зум жим қолиб, онасининг қўлини олди:

— Онажон, ҳозир, ҳозир...

У бехос, ҳеч ким кутмаганда ўкраб, оёғи устига ташланган кўрпачани тортди. Оломон увиллаб юборди. Моҳларойим сесканиб қалқиб кетди. Шерзоднинг иккала оёғи ҳам тиззасидан кесилган, пала-партиш шимарилган шимидан дока чандиб ташланган икки тўмтоқ оёғи ғўладай осилиб турарди. Бир дақиқа атроф сув қуйгандай жимлик этагидан тутди. Боядан бери онасининг ўғли дийдорига тўйишини кутиб турган жигарлари чидай олмади:

— Ака, акажон?!

Шундан бўлак ҳеч нарса деёлмай, ука-сингиллари Шерзодга ёпишди. Бўйнига осилди. Шерзод ҳўнграб, уларни қучоқлади. Титроқ қўллари билан суякларни қисирлатиб юборгудай бағрига тортди.

— Она, онажон, оёғимни шу темирларга алишдим!.. Энди мен кераксиз одамман. Тирик мурдаман, она! Ўлик қайтсам бўлмасмиди, она!..

Моҳларойим бу зарбадан бир зум телбалардай туриб қолди-ю, сўнг дод солиб ўғлига отилди.

— Ё болам, шўрлик болам... Ундай дема, болам!.. Тавба де, жон болам. Оёқларинг бўлмаса мен оёғингман, болам, азоб тортган бўлсанг юпанчингман мен, болам!..

Қувончга шерик бўламан деб келган оломон тарқала бошлади. Охири тумонат одамдан мену боядан бери изиллаб ёш тўкаётган Ойсанам, яна учтўрт аёл қолди. Шерзоднинг кўзлари Ойсанамга тушди-ю, қарамасликка тиришиб, тахта аравачасини ғичирлатганича уйга кириб кетди. Сездим: Ойсанам ҳеч нарсани кўрмас, фақат нималарнидир пичирлаб, тебрангани-тебранган эди...

Кунлар ўтаверди. Мен бахтиёр эдим. Ойсанам кўпдан юрак ёзиб кулмас, гапга ҳам аралашмай қўйганди. Ишдан безган пайтлари узоқ ўтириб қолар, ўйларининг туби кўринмас, умид қадаҳининг чил-чил синганини ўз кўнглига қулоқ солиб эшитар, эшитарди-ю, умиди эмас, худди ўзи қадаҳ янглиғ юз бўлакка парчаланиб кетгандай, энди ҳеч қачон бутун бўлмайдигандай туюлгунга қадар ўй сурар, борган сари хазондай сарғайиб, мунғайиб борар эди. Баъзан дала адоғидаги кўм-кўк тутзорга қочиб кетар, ўша ерда одамларнинг қорасидан, азоб-уқубатларидан узоқда рангсиз хаёлларга эрк берар, улар кўз ёшларини ҳам ипсиз тортиб чиқарар, чит кўйлагининг енги намланар эди. Бечора Ойсанам. Шерзоддан қолгани — ҳазин ўйларини кўзёшлар оқизиб кетишини истар, бироқ вафосиз кўзёшлар дардини оқизиш ўрнига баттар алангалатар эди. Нега у бечора бўлсин? Мен унга сира ачинмасдим. Тўғрироғи, у ачинган одамга ачинмас, зеро, унинг кулфати менинг бахтим эди. Шерзод қайтганидан бери уни тинмай кузатардим, ҳар бир қадамини кўздан қочирмасдим. Ҳатто унинг Шерзод билан бир неча бор гаплашганини, Шерзод энди уни севмаслигини, Ойсанамга ортиқча юк бўлишини, унга чинакам бахт ато этолмаслигини айтганини, Ойсанам Шерзоднинг аччиқ-аччиқ гапларидан сўнг ўзига жой тополмай телбасифат бўлиб қолганини ҳам яхши билар эдим. Бироқ шундай эса-да, ғам-кулфатга ботган, зада, мени севишни хаёлига ҳам келтирмаган Ойсанам қишлоқдаги ҳамма қизлардан гўзал, сулув эди...

Кунботар пайти қизларнинг орасида Ойсанамни учратмадим. Юрагим

www.ziyouz.com kutubxonasi

сезди: у тутзорда бўлиши керак. Негадир кўнглим ғаш, уни эрталаб кўрган, юзининг бўздай оқариб кетгани, наша чекиб олгандай гарангсиб юриши мени шубҳага солиб қўйган эди. Шошиб тутзорга юрдим. Адашмаган эканман. Ойсанам ҳар галгидай одамга таскин берувчи майсалар устида ўтириб, хаёллари ила банд, ғамгин овози йиғламсираб чиқар эди:

Ғариб ўлдим, меҳрибоним бўлмади,
Қадимги даври-давроним бўлмади,
Вой болам, деб отажоним бўлмади,
Шўрли онам, соябоним бўлмади,
Неча қизлар қадрдоним бўлмади,
Чўлда ўлдим, ном-нишоним бўлмади.
Не бир нонхўр полвоним бўлмади.
Лашкарим, хурду калоним бўлмади,
Армон билан ўлар бўлдим мен энди,
Мен ўлсам, манзил-маконим бўлмади...

У ҳўнграб, кўз ёшларининг юкини кўтаролмай, бошини тиззаларига қўйди. Унга қарамасликка тиришарканман, ёнидаги улкан тут шохида илондай осилиб турган сиртмоққа кўзим тушди. Беихтиёр титраб кетдим.

— Ойсанам, Ойсанам!..

У сесканиб тушди. Орқасига қайрилди. Тилини ютиб юборгандек гунг, ёноғини ёшлар шилиб, қизартириб юборган эди. У чақчайган кўзларини менга қадаб тураверди.

— Ойсанам, жинни бўлдингми?..

У менга телбалардек тикилиб қолди. Назаримда, у мен томонга қарагани билан, мени кўрмаётгандек эди.

— Ашир, тинч қўй мени!.. Жинни бўлсам сенга нима?

— Бу нима қилиқ? Ўзингни осмоқчимисан? Сабаби борми ўзи, айтсанг-чи?

Ойсанамнинг қип-қизил кўзлари чақнади.

— Сабаби сен, сен, сен!.. Сен Шерзодга ўлим тилаган... Сен уни кўролмаган...

— Менда нима айб?! Сени севганимми? Юлдузимсан, деганимми? Шерзодинг оёғидан ажраган бўлса, менда нима гуноҳ? Уруш ўз оти билан уруш! Нега тушунмайсан?.. — дедим танамга чирмовуқдай ёпишаётган қайноқ эҳтиросни алам билан босиб.

Ойсанам ҳўнграб юборди:

— Э, худойим, нима гуноҳим бор эди? Нега пешонамни шўр қилиб яратдинг?..

— Пешонанг шўр эмас, Ойсанам, жоним... Мен борман-ку?.. Ахир мен сени...

— Тинч қўй мени, тинч қўй. Мен сени севмайман, севолмайман. Сен... қўрқоқ, хоин... Нега сени олиб кетишмади, нега сен яраланмадинг? Шерзоднинг ўрнига сен шу балога йўлиқсанг бўлмасмиди? — у ғазабдан гезариб олдимга келди. — Кет, сени кўргани кўзим йўқ, кет!

— Ҳеч қаёққа кетмайман. Сен барибир меники бўласан! Нима десанг деявер...

— Нима дединг?.. Сенга текканимдан кўра, ўзимни осганим яхши...

Мен ўзимдаги ялинувчини ўлдиришим зарур эди. Шунда ҳамма нарсани унутиб, эсанкираб қолган Ойсанамни қучдим...

— Қўйвор, қўйвор!.. Шарманда! Қўйвор, иблис... — у қўлларини кўкрагимга тираб юлқинар, қафасдаги кабутардай типирчилар, қайноқ бўсаларимдан ўзини олиб қочишга беҳуда уринар эди.

Ниҳоят, у қўйнимдан юлқиниб чиқди. Бир дақиқа менга нафрат билан еб қўйгудек қараб турди-да, телбалардек кийимларини йирта бошлади:

— Мана... Мени истайсанми, мана! Мени истайсанми?!. Минг лаънат, минг лаънат, мана...

Мен ўзимни тамом унутдим. Мен ҳайвон эдим. Мен қаршимда турган, мендан ўлардек нафратланадиган, бироқ бу нафратга сабаб топиб беролмайдиган димоғи баланд шу қизни бўғиб ўлдиргим келарди. Таним фақат шу ўй билан яшаётган эди. Мен унинг пахтадай оппоқ, юмшоқ бўйнини темирдай қотган қўлларим билан бўғдим:

— Мен сени бўғиб ўлдираман, Ойсанам... Сенинг юрагинг тош, дийданг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тош! Уни эритмоқ азоб, фақат бўлаклаш мумкин! Мен шу тошни янчаман, Ойсанам!..

Ойсанам нафас ололмай кўкариб кетган эди. Унинг ҳеч нарсани англатмайдиган, бақрайган, олчадек қип-қизил кўзлари мени жазавага соларди. У ҳирқираб қўлларимга тармашган, бу ўлимдан қўрқиш эмас, ўлим билан табиий кураш эди. Нима учундир қўлларимни бўшаштирдим. У ютоқиб, оғриниб ютинди-да, менга қўрқув тўла кўзлари билан боқди.

— Охирги марта сўраяпман сендан, мени севасанми?!

У титроқ қўллари билан бўйнини чирмаб олган панжаларимдан халос этмоқчи бўлди:

— Йўқ, йўқ! Қўй-вор мен-и... хих...

Миям мисдай қизир эди. Мушакларим таранглашган, қон қуйилган кўзларим билан Ойсанамга қараб, қанчалик ваҳшийлик қилаётганимни унинг даҳшатга тушган, ёш қалқиб келаётган кўзларидан уқсам бўларди. Қанча вақт ўтганини эслолмайман. Бироқ, қўлларимни бўшатганимда, Ойсанамнинг тани сирғалиб кўм-кўк майсага тушган эди. Аллавақт адашган руҳим қаерлардадир кезиб юрди. Ўзимга келиб, қалтираётган қўлларимга ҳайрат билан қараганимда, мағриб қонталаш, қуёш охирги кокилларини йиғиштириб олаётган, ферузаранг осмон қуюқлашаётган пайт эди. Қулоқларим ҳеч нарса эшитмас, кўзларим ҳам атрофга маъносиз боқар эди. Мушакларимда оқаётган асов қон гупиллаб айланаётганини, юрагим босқондай уриб, қулоқларимни тешиб юборгудек бўлаётганини англар эдим, холос. Шунда кўзларим оёғим остида маъсум ётган Ойсанамга тушди-ю, бир неча дақиқа олдин қандай оғир жиноят қилганимни англаб етдим. Беихтиёр тиз чўкиб, унинг паришон сочларидан, даҳшатда қотган юз-кўзларидан силай бошладим. Ундан таралаётган хушбўй ҳидни ютоқиб ҳидлар, вақт ўтиб унинг йўқлик этагини тутиши, томирларида адашиб юрган қон қотиб, танаси бадбўй ислар аро тупроқ билан бир бўлиши хаёлимга ҳам келмас эди. Таним безгак тутгандай титрай бошлади. Ҳали совиб улгурмаган тана майин, назокатли эди... Ана шунда бор овозим билан бақирдим:

— О-ой-са-нам-м-м!.. — негадир овозим хириллаб, паст чиқди.

Титроқ қўлларим билан юзимни тўсдим. Бўғзимга тиқилган алланарса кўз ёш бўлиб чиқиб кетди. Мен юзларимни қанча яширмайин, қотиллик тамғаси қўлларимга, юзимга абадий муҳрланиб қолган эди. Осмон қорая боргани сари мендаги даҳшат ҳам жиноят олдидаги қўрқув билан алмаша борди. Энди нима қиламан?.. Агар қотиллик қилганимни билиб қолсалар, отишлари тайин... Нима қилиш керак?! Шунда олазарак кўзларим тут шохидаги — шамолда тебранаётган арқонга тушди. Агар... Нажот йўли битта эди... Мен ерда ётган Ойсанамнинг оғир танини кўтариб, дарахт тагига олиб бордим. Минг бор уриниб, унинг бўйнига арқон солдим... Бошқа иложим йўқ эди. Титраб-қақшаб арқонни тортдим...

Зум ўтмай, Ойсанам тут шохида тебраниб турар, мен атрофида ҳўнграб айланар, ботинимда бундай ўлимни шубҳага соладиган аломатларни қидирар эдим... Ойсанам... кечир мени... кечир... Сен мени севмадинг, мен сени севдиролмадим... Сен ўзингни барибир ўлдирар эдинг, Ойсанам... Менда гуноҳ йўқ, йўқ! Ёвуз куч қўлларимни ҳаракатга келтирди, Ойсанам...

Мен девоналардек ўзим ўлдирган қурбонимдан кечирим сўрар, унинг олдида кўзёш тўкиб, гуноҳимни ювмоқ истар эдим...

Бу ерда қолиш хавфли эди. Қош қорая бошлаган пайт. Ойсанамнинг қари холаси уни излаб, бутун қишлоқни турғазиши турган гап.

Оёғим тагидаги ҳар майса куйдираётган жойдан атрофга қўрқув билан қараб қоча бошладим. Гоҳ қайрилиб орқамга қараб қўяр, гўё Ойсанамнинг руҳи изимга тушгандай, қишлоқдагиларга ҳаммасини айтиб берадигандай туюлар эди...

Эрта тонгга яқин Уни топишди. Мен ҳам титраб-қақшаб, иситмалаётган бўлсам-да, қўлимда машъал — тун бўйи оломон билан бирга Ойсанамни излашган, оёқдан қолган эдим. Машъаллар гулхан атрофидаги чўғлардай ҳар тарафга тарқаб кетган, уларга қараб, кўзим тинар эди. Тонгга яқин аёлларнинг бири: «Ойсанам баъзан тутзорда ўтирар эди...» деганида, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Ана шу дақиқаларда ҳеч кимдан садо чиқмаганда, мен ўзим уларни тутзорга етаклаб борган, қўрққанимдан ҳаммасини айтиб берган бўлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим. Мен биринчи бўлиб тонголди шамолида у ёқдан-бу ёққа тебранаётган жасадни кўрдим — зеро, даҳшатга тушган кўзларим қотиллик рўй берган жойни аниқ эслаб қолган эди. Негадир машъал ёруғида жасаднинг кўзлари тўғри менга боқиб, қўллари мен томон кўтарилаётгандай туюлди-ю, қўрқувдан бақириб юбордим. Кимдир мени бўғаётгандек хирқираб, мадордан қолдим, ҳушимни йўқотдим.

Ўзимга келганимда, Ойсанамни тушириб олишган, қачон олиб келишгани менга қоронғу, аравага ётқизишиб, устига қоп-қора сўзана ёпишган экан. Атрофдаги қари-қартанглар ўзимга келганимни сезиб, тинчланишди. Баданимдаги титроқ, иситма кучайган, элиган хаёлимдаги савол тилимга кўчган эди:

— Нега, не-га-а?

Атрофдагилар мени алаҳсираяпти, деб ўйлашдими, тинчлантира бошлашди:

— Ўзингизни босинг, Ашир! Ажал ҳеч кимдан суриштирмайди. Ёшми у, қарими, пешонага битган бўлса, олиб кетади. Сабабини биласиз-ку?.. Севги одамни кўр қиларкан-да...

«Севги одамни кўр қилади...» Бу мен учун оқловдай эшитилди. Бироқ ўша дам кўр бўлган кўзларим энди кўра бошлаган, ўша дам суюқлашган ақлим энди тиниқлашган эди. Ойсанамни тириклигида қандай севган бўлсам, энди ундан-да юз чандон ортиқ севар, менга қотил тамғасини босган муҳаббат бир умрлик изтиробга айланган эди...

Ойсанамнинг жанозаси ҳам ўқилмади. Уни ювиб-тараб, Хизир Ота мозорига — ўзи обод қилиб юрган ота-онаси қабри ёнига қўйдилар. Афти тунд гўрков бу хабарни эшитганданоқ гўр қазиб қўйган, энди бир четда туриб, тамаки тутатган кўйи гўр устига тортилган нам тупроққа маъносиз тикилиб қолган эди. Урушдан олдин унчалик катта бўлмаган бу мозор эндиликда бир қишлоқ учун улкан эди. Бунда бир ойлик маъсум гўдакдан тортиб, тўқсон яшар қариягача макон топган қабристон аҳли қишлоқ аҳли билан тенглашиб қолган эди...

Кўмиш маросими тугаб, бошқа иш қолмагач, ҳамма тарқаб кетди. Бунда ифор ҳиди анқиб турган яп-янги қабрга тикилганча, полиз ўртасидаги хароб қўриқчидай бўлиб қолган эдим мен. «...Ойсанам, яратган эгам гувоҳ, мен истаган эмасман, мен қотил эмасман... Агар севгимга иноннганингда эди, бундай қилмасдинг... Ишонмайман, Ойсанам, сен ўлмагансан, йўқ! Ўлмагансан... ухлаяпсан... ҳозир уйғонасану, ажабланасан... Қабринг тебраниб, этагингни ҳилпиратиб намоён бўласан ҳозир, Ойсанам...» Мен мўъжизани кутар, айтаётган сўзларим рост бўлиб чиқишини истар эдим. Шамолда шитирлаётган тераклар, қабристоннинг қуйи тарафида шовиллаб оқаётган Шайтонариқ, беташвиш чуғурлаётган чумчуқлар севиб-севилмайин, азобга тўлган кунларимни ёдга солар, мен — қотил, Ойсанам эса ҳеч қачон олдимга нафис оёқларини майда-майда босиб келмаслигини телба хаёлимга сиғдиролмас, қабр ёнида ёлғиз қолгач, иситмалаб ётган танимни қабр устига қўйиб, титроқ қўлларим билан тупроғини эзғилар, ўксиб йиғлар эдим. Мен юпанч излар, шу тупроқ бутун ҳовуримни, керак бўлса, жонимни олишини юракдан хоҳлар эдим. Бутун дунёда ёлғиз эдим — туғилдиму шу қабристонда пайдо бўлдим, Ойсанамнинг қабри устида тиз чўкиб қолдим... Орқамдан эшитилаётган ғилдираклар ғичиридан хаёлим бўлинди. Қайрилиб, ўзининг миқти аравачаси устида кўзлари қонга тўлиб турган Шерзодни кўрдим. У мурдадай оқариб кетган, кўзлари мени-да кўрмас, янги қазилган қабрга даҳшат билан тикилиб турар эди.

— Шерзод?!.

У сесканиб тушди. Менга қаради. Қотил мен эмас, у эди гўё...

— Ашир... Ҳаммасига айбдор менман!.. Ўлиб кетсам бўлмасмиди, Ашир?!. Бу дунёда энди қандай яшайман? Одамларнинг кўзига қандай қарайман? Ойсанам тўйиб нафас ололмаган ҳаводан қандай нафас оламан?! — у тўзғиб кетган сочларини чангаллаб, икки букилди.

Кўзларимга аянчли кўппакдай кўриниб кетди у. У ҳали шуни деб ўзини осмоқчи бўлганмиди, шуни деб мендан юз ўгирганмиди?.. Нега тирик қайтдинг, Шерзод, нега?! Мен оёққа қалқдим, қўлларим мушт бўлиб тугилди. Бира-тўла уни ҳам ўлдирмоқчи эди қотил қўллар...

— Рақибим эдинг, Шерзод. Майиб бўлиб келдинг ҳамки, рақиблигингча

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдинг. Ўлгунимча сендан жирканиб ўтаман энди, чала сўйилган махлуқ! Сени ўлдирар эдим. Лекин қўтир итдан баттарсан, қўлимни кўтаришга ҳам ирганаман...

Шерзод гезариб, қалтираб, кўкимтир тусга кирди. Сўнг руҳий касалларникі каби кўзлари олхўридай катталашиб, лаблари қийшайиб бир нима демоқчи бўлди-ю, тили айланмади. Титроқ қўллари кўкрагидаги нишонларни ғижимлай-ғижимлай, тинчиди. Кўзларини мендан олиб қочди.

— Мен... мен энди яшай олмайман... — у алам билан охирги марта Ойсанамнинг қабрига қаради-ю, минг азоб билан аравасини буриб, ортига қайта бошлади. Мен серрайган кўйи то у азим дарахтлар орасида эриб кетмагунча туриб қолдим...

Иш унмас эди. Ҳеч ким эрталабки совуқ воқеа чангалидан халос бўла олмаганди. Хотин-халажнинг пичир-пичири Ойсанамнинг ўлимига янги-янги ривоятлар қўшилаётганидан дарак берар, мен «нега энди одамзод ўликни ҳам тинч қўймайди?» деб ич-ичимни еганча узоқда кўриниб турган тутзорга тикилиб ётар эдим. Шунда қишлоқ тарафдан чопиб келаётган бир қиз билан болакай кўринди. Болакай чопа туриб, ерга юзтубан йиқилди, қиз тўхтаб, уни турғазгач, яна жон ҳолда югуриб кела бошлади. Болакай елкаларини учириб йиғлаб турди-да, қизнинг ортидан чопди.

— Она-а-а!.. Онажо-он!.. Шерзод акам... Шерзод акам...

Даладагилар ҳадик билан қотиб қолди. Югуриб келган қиз овози бўғзига тиқилиб, кўзёшларини енгига арта-арта алам билан ўкради:

— Она-жо-он!.. Шерзод акам... ўзини о-тиб қўйди!..

Моҳларойим яшин ургандай бир чинқирди-ю, ҳушидан кетди. Бир-икки хотин унинг юзига сув сепиб, ўзига келтирди. Моҳларойим атрофга бежо қараб, кутилмаганда кулиб юборди:

— Шерзоджоним ўлибди?!. Йўқ, алдаманглар! Ўғилгинам ҳазиллашган, яқинда тўйини қиламиз-у, нима қилади ўлиб? Тўй қиламиз, ҳа... Ка-атта тўй!.. Ёр-ёрай, келин келди, ёр-ёр... Ойсанам қани? Ойсанамни чақиринглар! Тайёр турсин. Эртага тўй. Ҳамманг келинглар, хўпми? — у қаҳ-қаҳ уриб, атрофдагиларга бир-бир қараб чиқди. Сўнг юзи тундлашди. — Йўқ, ҳеч кимни чақирмаймиз. Ўзимиз ўтказамиз, ўзимиз! Мана мундай доира чаламиз: бак-бака бум, бака-бака бум... Сизлар ёмонсизлар — кўролмайсизлар!.. Сизларга ёлғону ғийбат бўлса бўлди — алдаб-алданиб юраверасизлар!.. Шерзоджоним ўлибди?! Ўлгани йўқ, ёлғон, ўлгани йўқ!..

Моҳларойим ўрнидан туриб, товуқ ҳайдаётгандек, қўлларини ёзиб атрофидагиларни ҳайдай бошлади.

— Моҳлар хола! Ўзингизни босинг... Бандалик, Моҳлар хола!..

— Бандаликмас! Ўғлим ўлгани йўқ! Сизлар алдаяпсизлар!.. — у ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб, юлқина бошлади.

Даҳшатга тушган жувонлардан бири қўрқув аралаш бақириб юборди:

— Моҳлар хола ақлдан озибди, ақлдан озибди!..

...Мен Шерзоднинг ўлимидан ўзимга келолмай, бу кўргилик олдида эсанкираб қолган эдим. Ана шундагина жиноятимнинг нақадар оғирлигини, уч карра қотил эканлигимни англаб етдим. Агар ўша дамда Ойсанамнинг олдига бормаганимда, танамда телба қон гупириб, унинг нозик бўйнига чанг солмаганимда, балки ҳеч нарса бўлмасмиди?! Балки мен — инсонларнинг энг пасткаши, қилган ёвузлигим олдида қўрқувга тушиб, ўзимда йўқ виждон азобида қийналмаган, ўзимни минг маротаба ўлдирмоқчи бўлиб, минг маротаба бу ўйдан қайтмаган (зеро, мен Шерзод эмас эдим, мен Ойсанам айтган қўрқоқ, юраксиз ҳайвон эдим, сўнг ўйлаб кўрсам, Ойсанамни ҳам дурустроқ севмаган, шунчаки севги ҳирсига берилган ғўр бола эдим, холос), умр бўйи изтироб алангасида қоврилмаган бўлурми эдим?! Вақт энг зўр табиб, дейдилар. Аммо юракдаги ярам вақт ўтиши билан битиш ўрнига, каттариб, газаклаб борди. Энди юрагим ўрнида яранинг ўзи қолди, холос. Юраксиз, фақат яра билан яшаб бўларканми? Орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, ўша ёш, дуркун, маъсума Ойсанам хаёлимдан кетмайди, юрагимни, аниқроғи, ярамни эзади, кечалари мени бўғмоқ истайди, мен қўрқув ила ўрнимдан туриб кетаман, қаҳр билан боқиб турган Ойсанам олдида ўзимни оқламоқчи бўламан... Бироқ, ҳаммаси абас... У мени эшитишни истамайди, лаблари «уч карра қотил, қўлларингда қон

www.ziyouz.com kutubxonasi

изи, буларнинг жавоби бор, жавоби бор...» деб пичирлайди. Шунда титроқ қўлларимни қайга яширишни билмайман, чопиб ташлагим келади...

Ҳали ҳеч кимга айтолмаган сиримдан воқиф бўлдингиз. Отам қотил экан, деб ранжимангиз, мен бунинг учун ёзганим йўқ. Фақат инсон қилиб қўйган катта гуноҳини у.лр бўйи юволмаслигини, ўйламай ташланган бир қадам нақадар оғир кулфатларга ошно қилишини айтмоқчи эдим, холос. Отангизнинг гуноҳини ювинг. Индинга операция. Кўнгил ҳамма нарсани сезади. Бунинг устига, шу пайтгача мени эшитишни истамаган Ойсанам қаҳқаҳ уради, ёнига имлайди... Кутиб чарчадим, дейди... Мени кечиринглар... Сизни севиб, алқаб қолгучи отангиз...»

Дафтарни ўқиб бўлганимда ҳамроҳим ухлаб ётар, мен чолни оқлашни ҳам, қоралашни ҳам билмай унсиз қолган эдим. «Ҳатто одам ўлдиришга ҳам ботинингиздаги ёвуз куч мажбур этади...» Чолнинг титраб-қақшаб айтган сўзларига унчалик эътибор қилмаган эканман. Унинг одам ўлдиришига ишонгим келмасди. Бироқ, ҳаёт... Қандоқ қилиб ёзишга ботинди экан? Балки бунга улкан қўрқув мажбур этгандир?.. Тушим эсимга тушди. Демак, ўша даҳшатли махлуқ кеча эмас, бугун эмас, бир аср олдин ташлаб кетилган экан-да?! Жирканч махлуқ мен ўйлаганчалик тез эмас, аста-секин, шошилмай, инсонни махлуққа айлантираётган экан-да!.. Сесканиб кетдим. Бемаъни хаёллар таъқибидан қочиб, деразадан пастга — касалхонанинг ҳовлисига қарадим. Кираверишдаги ўтирғичларда чолнинг яқинлари ўтирар, кўзлари тўртинчи қаватга тикилган эди. Дафтарни буклаб, хонадан чиқдим. Аста-секин пастга туша бошладим. Ҳозир берсаммикин? Қуёшнинг илиқ нурларидан кўзим қисилиб, улар томон юрдим. Хушҳаводан тўйиб ҳидладим. Касалхонадаги уч куним унинг ёқимсиз ҳидидан бездирган, кўнглим қишлоқни, унинг уфқларга уланиб кетган бийдай далаларини, сўлим ҳавосини истар эди.

— Қандай? Амакидан хабар йўқми?..

Чолнинг кичик ўғли ҳасрат тўла кўзларини менга тикди:

— Тўртинчи соат кетяпти. Кириб-чиқиб турганлари озгина қолди, дейди...

— Худо хоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетадилар... — бундай кўнгил кўтариш ўйини жонимга тегиб қолганиданми, овозим темир каби жонсиз, қуруқ чиқди.

Йигит бошини хам қилиб, индамади.

— Биласизми, амаки мана шу дафтарни ўғилларимга бериб қўйинглар, деган эди... — мен истамайгина унга дафтарни узатдим.

Йигит дам қўлимдаги дафтарга, дам менга саволомуз қараб қолди.

— Кундаликка ўхшаш нарса... Бошидан ўтган кунлари... — у ёғини айтишга тилим бормай, дафтарни унинг қўлига тутдим.

Йигит паришон ҳолда дафтарни буклаб, ён чўнтагига солди:

— Раҳмат, ака... Ҳозир ҳеч нарса кўнгилга сиғмаса керак...

Ҳеч нарса дегим келмади. Бошимда пичоқ санчилгандек оғриқ туриб, юзим буришди. Секин юриб, ортимга қайтаётганимда, эшик очилиб, профессор чиқди. Ўйчан нигоҳини бизга тикди. Чўнтагидан тамаки чиқариб, тутатди.

— Операция тугади. Реанимацияга қўйдик... Энди бу ёғи ўзларига боғлиқ...

Чолнинг яқинлари енгил тин олди. Бироқ бу тин шунчаки юпанч, умид учқунларининг чақнашига монанд эди. Йигит профессорнинг олдига яқинлашди:

— Профессор, қандай экан?..

— Бир нарса дейишим қийин. Ўзингиз биласиз, мия — ҳазил иш эмас... Бир пиёлача ўсма олдик. Ҳарҳолда қўлимиздан келганини қилдик. Бу ёғи аканинг ўзига боғлиқ...

— Раҳмат, профессор... — деди йигит тушкун овозда.

— Раҳмат айтишга эрта. Энди бу ерда бекорга туришмасин. Бир киши қолса бўлади. Руҳингизни туширманг, ука! Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз бир. Биров эрта, биров кеч. Умидни сўндирманг, — профессор тамакини чуқур тортиб, четга ташлади. — Майли, қариндошларингизга айтинг, бу ерда туришнинг фойдаси йўқ. Уйга кетаверишсин.

Йигит яқинларини касалхона дарвозасигача кузатиб қайтгач, яна ўриндиққа ўтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ука, юринг, хонага. Дам олиб ўтирасиз, — дедим унга. — Бу ерда нимаям қиласиз?

У бош чайқади:

— Раҳмат, кейинроқ. Сиз боравeринг...

Унинг бир неча бор тўртинчи қаватга — реанимация хонасига чиқиб-тушаётганини кўрдим. Ҳар гал чиққанида аввалгисидан кўпроқ хавотирланиб, қўллари мадорсиз шалвираб тушиб келарди. Охири бу тушиб-чиқишлардан чарчаб, касаллар ўтирган ўриндиқлардан бирига ўтирди. У ҳеч нарсани англамай, атрофдагиларнинг суҳбатини эшитиб-эшитмай, чолнинг аҳволини сўраганларга бошини паришон қимирлатиб, бирон нарса дейишга қурби етмай, ҳадик тўла кўзларини бир нуқтага тикканча ҳайкалдек қотди. Мен негадир буларнинг орасида ортиқча киши бўлиб туюлдим. Гапим гапларига қовушмас, уларнинг хотинчалиш ҳасратларини тинглашга эса тоқатим йўқ эди. Хонага кириб, ёнбошладим. Ҳамхонам йўқ, ташқарида унинг латифа айтаётгани, ўтган-кетган ҳамширага гап отиб, қаҳқаҳ ургани жуда узоқдан келаётгандек элас-элас эшитилиб турарди. Буларнинг кўнгли ҳеч қачон чўкмаса керак. Мен шифтга — чол қарайвериб тешолмаган шифтга тикилиб қолдим. Қош қорайган, хонанинг электр чироғи ажиб товланиб ёнар, бироқ шу ҳам келажагим олдидаги қўрқув олдида ҳеч эди. Бу қўрқув узоқ ўтмишга — йиғлоқи болалигим, онамнинг қадоқ қўллари, биринчи севгим, бахту қайғуларимни эслашга мажбур этар эди. Мен кимман ўзи? Нима учун яшадим? Жавоб топишга қийналар эдим. Бундай бахт балким мингдан бирига, балким юз мингдан бирига насиб этар?.. Агар мен ўлсам... юлдузлар тўкилиб кетмайди, дунёни сув босмайди, чақмоқ чақмайди... Чумоли уясидай дунё ҳар доимгидай бемаъни ташвишлари, жанжаллари, майда қувончу майда кулфатларга ботиб яшайверади, бижғиб яшайверади... Токи тушимга кирган даҳшатли махлуқ уларни ер юзидан ахлатдай сидириб ташлагунга қадар...

Шифокорларнинг югур-югури, беморларнинг шивир-шивиридан ўзимга келдим. Анча вақт ҳеч нарсага тушунмай ётдим. Шунда эшик очилиб, ҳамхонамнинг тунд юзи кўринди. Мен саволомуз унга қарадим.

— Амак... амак кетибдилар... Бечора йигит... йиғлай-йиғлай машина топгани кетди... — у ҳолсизланиб каравотига чўкди. Мен беихтиёр юзимга фотиҳа тортдим. Негадир бу хабар мени ҳайратга солмади. Менимча, бундан бўлакча бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чолнинг бўш каравотига қарар эканман, танимга енгил титроқ кирди. Қаршимда у ўтиргандай бўлаверди: ҳорғин, дардли кўзларини менга тикиб... «Кетяпман»... деди. Юрагим увушиб кетди. Чолнинг ғира-шираликда кўриниб турган шакл-шамойилидан варажалаб, иякларимгача муздай терга ботганимни кеч англадим. Ички қўрқув билан қўлларини боши остига олиб ётган йигитга қарадим. Чамаси, у ҳеч нарсани эшитмас, кўрмас, ҳатто чол олиб келган, энди бутун хонани тўлдириб юборган нам тупроқ ҳидини ҳам сезмаган эди. Шунда қаршимда қўлларини тиззаларига қўйиб ўтирган арвоҳ-чолнинг тириклигида ҳам бунчалик қатъият билан тикилмаган кўзларига қараб, сўзсиз, боқийликка эришганларга-да аён руҳий алоқа ёрдамида гапираётганини тушундим.

«Мен... ўқидим...»

«Ҳаммасини биламан. Бошимни қийма-қийма қилишаётганини кузатишдан безиб, олдингизга тушган эдим. Дафтарни бергунингизгача тепангизда турдим. Сўнг яна танимни томоша қилишга чиқдим. Қон кетавериб қордай оқарган танам узра чарх уриб, жисмимга қайтишнинг иложи йўқлигини тушундим... Озодлик дегандим. Озодлик шу экан...»

«?!»

«Бир нарсани айтмоқчиман... Сиз...»

«Кераги йўқ. Тушундим. Башорат эшитишни ёқтирмайман...»

«Кетяпман... Жасадимни мошинга солишди... Сизга ҳам ОЗОДлик тилайман, биродар!..»

«?!.»

Ниманидир айтмоқчи, ниманидир эшитмоқчи бўлган, ўлмасдан бурун кесакка айланганимни сезган Арвоҳ менга охирги марта афсус билан тикилгандай бўлди-да, буғланди — қия очилган деразадан ташқарига чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ чол олиб келган зах ер ҳиди узоқ вақт — то операция қилишларига бир кун қолгунча димоғимдан кетмади...

Мен танҳоликка кишанлаб ташланган жисмидан қутулган арвоҳнинг кўзларида фақат бир нарса — инсоний ҳамдардликни туйиш истаги милтираб турганини жуда кеч эсладим. Чолнинг ичидагини ўша пайти англаганимда ҳам илкимдан ҳеч нарса келмасди. Зеро, раҳм-шафқат либосини ечиб ташлаганимга анча бўлган, юрагим тошдай қотиб кетган эди. Мен бошимни қуйи солиб, асабларимни очофат қуртдай кемираётган ўйлардан қутулмоқ истадим. Жавонча устида турган уйқу дорини ичиб, тўшакка буркандим, ҳеч нарсани кўрмаслик учун, гунгу кар бўлиш учун ёстиқни бошим устига ташладим. Ухла, ухла! Бу дунёдан бир зум тин ол, бир зум ҳаммасини унут!.. Мен учун ҳамма нарса аҳамиятсиз эди. Фақат бошимни парчалагудек бўлаётган эрка оғриқ тўхтаса бас...

...Шундан ҳам бир ҳафта ўтди. Ёнимдаги йигитга жавоб бериб юборишди. Мен тўрт девор аро якка ўзим қолган, қисматим олдида ожизлик ботқоғига ботган эдим. Назаримда, мени ўраб турган деворлар қулаб тушаётгандай бўлар, нафасимни бўғар, менинг к е р а к с и з эканимни ҳар дақиқа эсга солиб турар эди. Аслида, бутун умрим тўрт девор орасида ўтганига, туғилган ҳар банда тўрт девори билан туғилажагига шу ерда амин бўлдим. Мен бу сукунатда бир кун келиб ўрним хонадаги икки каравотдай бўшаб қолишини теран англардим, фақат бир нарса изтиробга солар; қисмат қайси йўлни танлайди — чолнинг йўлиними, ё йигитнинг, ана шугина тинч қўймасди. Ичимдаги пинҳоний сезги ҳақиқат олдида бош эгишга мажбур этди; ҳеч қайси тиббиёт абадий соғлиқ ваъда қилмас, жонингга чанг солган касалликни буткул йўқ этмас... Демак, мен сажда қилиб юрган профессорнинг илми ҳам шифобахш эмас... Чолнинг гапи тўғри эди — бу ер соппа-соғ одамни ҳам касал этар, тушкунлик гирдобига тортаётган беморлар, истайсизми-йўқми, сизни ҳам ўз аҳволига солар эди. Мен улар билан деярли алоқани узган, гоҳо эрталаблари бошимни қимирлатиб саломлашиб турар, кечки пайт ўриндиқларда ўтириб, бир-икки сўз қотиб қўяр эдим, холос. Мен бу дунёга сиғмай қолган руҳим билан қари кампирдай ожиз ва аянчли борлиқ ўртасига ўз ташвишларимдан катта тўсиқ қурган эдим. Бу кўринмас қўрғондан одамлардан нафратланишга олиб келадиган ҳеч бир унсур ўта олмас, хаста таним ўз дардларида қоврилар ва бу, маҳкумнинг ОЗОДликка томон ташлаган илк қадами эди, назаримда.

Мен профессор қистовида уйга телеграмма юбордим. (У майингина: «Биласизми, таомилимиз шунақа, танангиздаги кичкинагина зирапчани оладиган бўлсак ҳам, яқинларингиздан ёзма розилик олишимиз керак. Бусиз бўлмайди. Лекин сиз кўнглингизни чўктирманг, ҳали кўп яшайсиз... Ҳа, ҳа, эътироз билдирманг, азизим... Энди кечиктирманг, бугуноқ уйга телеграмма юборинг...» деб елкамдан қоқиб қўйди.) Энди кўзларимни оҳаги кўчган шифтга қадаб ётишгагина ярардим. Мен ҳатто чол каби яқинларимга хат ёзиб қўймоқчи ҳам бўлдим. Бироқ «Азизларим!..» деб ёзишдан нарига ўтолмадим. Бу чидаб бўлмас азоб эди. Яна нима ҳам деб ёзар эдим? Бировни ўлдирмаган бўлсам, кўнглим кир бўлмаса, яна... ҳали ҳеч кимга чинакамига яхшилик қилолмаган бўлсам... Хатни ўнинчи бор ғижимлаб отдим-у, қайтиб уринмадим. Мен бефарқлик Даҳмаси ичида ҳамма нарсадан безган эдим...

ХОТИМА — МУҚАДДИМА

Эртага операция, деганининг оқшомида ўлаётган касалнинг оҳидай ғичирлаган эшик очилиб, бир асрлик уйқудан уйғотгандек бўлди. Қўрғошин қуйилгандай зил тортган кўзимни базўр очдим. Ичкарига қирқлардан ошган, хасталик енгиб қўйган киши кириб келди:

— Ассалому алайкум... — унинг бўғиқ овози шунчалик забун чиқдики, бу овоз олдида эшик ғичири ҳам авлороқ туюлиб кетди.

— Салом... — сўзга ўрин қолмаган, хона яна бир МАҲКУМни бағрига олган эди...

1990, савр

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инобат Нормуродова

КУНЛАРИМНИ УЧИРДИ ЕЛЛАР

* * *

Бу дунёда битта мен ўзим,
Битта менман ковуши йитган.
Танҳо ўзим, сўнгги йўқ тўзим,
Сабртошга кўмилиб кетган.

Бу дунёда яна мен, тангри
Даргоҳида овози йитган.
Ҳилол боғларида анорзор,
Кўкрагидан итариб кетган.

Бу дунёда яна мен, неча
Елкасида оғир юк куннинг.
Чироқлари ёнмаган кеча,
Пешонамда гардуни-дуннинг!

* * *

Қанча бўлди хатлар ёзмадим,
Аста-аста бўлдим бегона.
Кутганингни гўё сезмадим,
Шаҳарда мен дали-девона.

Қорлар ёғди, ёмғирлар ёғди,
Кунларимни учирди еллар.
Бир кун: «Мени унутдинг!» дея,
Кириб келар қадимги йиллар.

Остонамда турарсан, соғинч —
Кўзларингда югуриб-елар.
Менинг эса, унутмаганинг
Учун узр сўрагим келар!..

* * *

Бу кеч узоқ йиғладим,
Йиғлади кўксимда тоғ.
Ютоқиб қучди мени
Кимсасиз йўлда алдоғ.

Пичирладим кўксимга:
Қўй, йиғлама, кулайлик.
Бир кеча келмас ойга,
Елғиз паноҳ бўлайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрагимга бўл қувват,
Кел, суягин ёнимдан.
Қоматимни тутолмай —
Азоб ўтар жонимдан.

Мискину бенаводек
Оҳда куйган оҳлиман.
Томчилаб томган ёшга
Танҳо мен гуноҳлиман.

Бугун авзоим ёмон,
Тантиқ қишга тоб бердим.
Воажаб, жисмим қолиб,
Руҳимга азоб бердим.

Ҳасратимдан доғ томар,
Беайб парвардигорим.
Кел, энди бағримга кир,
Қўй, йиғлама, нигорим.

Тентимайлик тун билан,
Тугаб борар иложим.
Ё раб, даҳри-дун билан,
Хайрлашдим, қачон жим?!

Тонг уйғонар, мен ёлғиз,
Ўз-ўзимга сўз дейман.
Этаги тўлмай қолган,
Баҳоримни куз дейман.

Чорлайверар маҳшар кун,
Бор эдимми, борми мен?!
Катта йўлда йўл топмай,
Қолган ёлғиз дорми, мен?!

* * *

Қаерданам қўлим тегди,
Сариқ гулнинг бандига?!
То ергача бўйин эгди,
Мендай ғариб, андига.

Токай энди сариқ бўлар,
Рангим, гулим қўлдаги?!
Ўнта оқил гулми кулар,
Пинҳон ўнгу сўлдаги.

Оғиз очсам оҳи қулнинг
Лабида дод қалтирар.
Сариқ рангим сариқ гулнинг
Япроғидай ялтирар.

Шамол тегса ёполмайман,
Осилади хазонрез.
Сўнг ўзимни тополмайман,
Сариқ гулга теккан кез...

* * *

Мадор йўқ, қаршингга чиқмоққа,
Кўзлар фол очади тушлардан
Ва ўйлар эрк берар йиқмоққа,
Паришон кунларни ушлардан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаро тун имиллаб кийинар,
Сочлари ёйилган ноумид.
Киприкда намликми ийинар,
Қароғлар гумоннинг шохин йирт.

Қўл-оёқ шол бўлган кимсадай,
Ўзини уради тўшакка.
Вақт яна чўзилар тумсадай,
Вақт яна чўзилар ўшаққа...

Минг йиллик гумонлар уйғонар,
Сабрнинг отига тош тегмас,
Ҳаловат ҳасрати туйғонар,
Қўл яна оёққа бош эгмас.

Ярим бахт, ярим тун олишар,
Томирда тирилар илтижо.
Бостириб келар, деб толишар,
Чарчаган ўйларим, эй худо!

* * *

Қаердасиз, билмайман,
Бир азоб сиқар жонни.
Кўзёш билан келмайман,
Қўйинг, мен меҳрибонни.

Тутаб ётар бир парча,
Кўксимда аччиқ алам.
Этагимга осилиб
Йиғлар кичкина болам.

Бахмал тўшакда мизғиб,
Ёйилиб олар гинам.
Тушида бўрон тўзғиб,
Қоқилар олма гилам.

Ойнинг олтин ўроғи,
Тинар, тунда тинмаган.
Қаердасиз, умрида
Мени ҳеч соғинмаган!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёқуббек Яквалхўжаев

УЧ КЎЧАНИНГ ОХИРИ

Романдан боблар[1]

...Мурод бобонинг кириб келганини на катта хонадагилар, на бошқа сезди. Бобо томоғини қириб йўталган эди, ғалати узун оқ ўғирсимон нарсанинг ичида ётган одам кўзларини чирт юмиб олди. Дунёнинг не-не синоатларини кўрган Мурод бобо шу ерда кўкрагини чангаллади. Аслида бу ўлимдан чўчиган одамнинг талвасаси эмас, ақл бовар қилмас ҳолатнинг инъикоси эди. Тинч жой деб қўйган жойлари ҳали шуми?

Мурод бобо доктордан илтимос қилганига пушаймон еди.

— Энди, ўғлим, ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолди, телевизор, магнитофонни қўяверинг, бировнинг қаттиқроқ шанғиллаб гапиргани ҳам ёқмайди, беғалвароқ бир пана берсангиз.

— Уч кун бўлдики, сиздан улуғроқ бир қариямиз дардларига шифо топиб кетдилар. Сизни ўша кишининг хосиятли жойларига қўйсак, ҳамхонангиз кўп бамаъни йигит.

Қаёқданам сўради?! Бобо адашиб қолмадимми, дегандай у ёқ-бу ёққа аланглади...

Ёдгорбек қулоғининг тагида нимадир қитирлаётганидан ғаши келиб, ёнига ўгирилдию ҳамхонасига кўзи тушди.

У баланд бўйли, жуссадор киши бўлса-да, кексайганида қаттиқ чўккан, елкалари тепага тепчиб чиқиб, сал энгашса боши билан бўйни кўринмайдиган аҳволга тушиб қолган эди. Қошлари ўсиқ, беҳафсала йигит қўйган мўйловдай манглайининг икки чеккасида осилиб турарди. Кўзлари ич-ичига кириб кетган, қирра бурунли, ранги сарғая бошлаган бу одам тахминан саксонлар атрофида эди.

Мурод бобо буюмларини авайлаб халтасидан олаётганида Ёдгорбекнинг овозини эшитиб, чўчиб тушди.

— Ҳорманг, ота.

— Э... ўғлим, бор бўлинг, мен сизни ухлаётибди дебман.

Ёдгорбек чолнинг: «Қани, ўғлим, илоё яратган эгам дардларимизга шифо берсин», деб кафтларини ёзиб, дуо қилишини кутган эди, аммо у индамади, ўзи ҳам кеч киргунча ҳамхонасига бирон сўз айтмади. Элакишолмади.

Сўнг... ҳеч кутилмаганда икки ҳамхонанинг гап халталари очилиб кетди. Кўпроқ қария ҳикоя қилди. Хўрсиниб-хўрсиниб, кўзёшларини ора-сира арта-арта бошидан кечганларини бу «ўғир ичидаги» одамга айтди. У айтгани сари Ёдгорбекнинг назарида

---

[1] «Қайтар дунё» асари билан сизга яхши таниш булган адиб Ёқуббек Яквалхўжаев янги роман езиб тугатди. Биз драматик воқеаларни ўзига хос услубда акс эттирган шу асарнинг бир қисмини чоп этаётирмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

отларнинг дупури жонланиб, шапкасига қизил юлдуз шакли туширилган қизил аскарлар суронию осмонга кўтарилган қиличларнинг кўзни қамаштирувчи ялтираши, яйдоқ, сувсизликдан бағри ёрилган замину барханлар орасида отилган ўқ, нимагадир умид билан тикилган бир жуфт қора кўз бешта полапоннинг отага интиқ нигоҳлари ва яна поёни йўқ, айтиб тамом қилиб бўлмас бир дард, армон намоён бўлар эди.

Буларга жон, забон ато эт, она-табиат!

* * *

Мурод ўн етти ёшида ҳарбий гимнастёрка кийиб, белини қалин камар билан боғлади. Бошида «будённовка» билан эгарга ўтирди. Тошкентга Фрунзе келганида у Тошовузда, Искандар Матрайимовнинг отлиқ полкида оддий аскар эди. У илк бор ўша ерда эгардан учди.

— Ўрунхўжаев!

— Мен, ўртоқ командир,— Мурод қумтупроқни чангитиб, оёқларини жуфтлади.— Жанговар топшириқни бажаришга тайёрман.

— Қўй, буйруқ жанговар бўлсаям кўп тарақ-туруқ қилма, бу ёққа кел,— ўрта ёшлардаги лекин кўринишидан улуғсифат командир Искандар Матрайимовнинг бугун руҳи тетик эмас, қаттиқ чарчаган, паришонлиги шундоққина рангидан билиниб турар эди. У Муродни орқасидан эргаштириб чеккароққа олиб чиқди-да, дўнг ерга ўтирди, сўнг ёнидан жой кўрсатиб, «чўк» дегандай ишора қилди.

— Хоҳласанг этигингни еч, бу лаънати қум роса жонга тегди-ку,— ўзи саҳардан буён ғашини келтираётган этигини ечиб, пайтавасини қоқди, сўнг чиройи очилиб унга қаради.

— Гап бундоқ, Муродхўжа, шу бугун Оллоберган иккаланг Тошкентга жўнайсан, у ерга ўртоқ Фрунзе келган, қўмондон барча командирлардан аҳволни очиқ-ойдин баён қилишни сўраяпти. Мана бу мактубда ҳамма нарса равшан ёзилган, шуни Тошкентга элтасан. Билиб қўй, душман учраб қолса олишиб кўрмоққа уринма, қоч. Қизил аскарларнинг ҳам қочишини бир томоша қилсин улар, тегларингдаги отларга Жунаиднинг тулпорлари ҳам етолмайди. Оллоберган йўлни яхши билади. Унутманглар, бизнинг ҳаёт-мамотимиз эсон-омон етиб боришларингга боғлиқ.

— Тушунарли, ўртоқ командир,— Муродхўжа ўрнидан туриб, Искандар Матрайимовнинг кўзғалишини кутди.— Жанговар топшириқни бажаришга ижозат этинг.

— Ижозат этаман, оддий аскар Ўрунхўжаев.

* * *

Чиндан ҳам отлар учқур эди. Қизилқумнинг олов пуркаб турган гармсел шамолида тулпорлар елдай енгил юрар, Муродхўжа эса хаёл суриб бораётган шеригини гапга тутгиси келарди.

— Ҳўв... кўриниб турган «Айиқтош»ми, Оллоберган?

— Ҳа, ўша. Нимайди, минг марта ўтгансан-ку бу йўллардан?

— Сўрадим-да.

— Қўй, иссиқда одамни гапга тутма, ҳали-замон чанқаб қолсак ҳолимиз вой бўлади, ундан кўра бурнингдан нафас олиб, йўлингга қараб юравер.

Муродхўжа ҳамроҳининг совуқ муомаласидан ранжиди ва отини қистаб қамчи босди. Шу тоб Қизилқумнинг сокин бағрини тилка-пора қилиб, қарсиллаган ўқ овози эшитилди. Оллоберган анчадан буён ўйлаб юрган ниятини амалга оширди. Шериги Муродхўжани орқасидан отди. Қонига беланиб ётган эгасига қараб кишнаётган саманни ҳам ўқ узиб йиқитди. Узоқдан қандайдир қорани илғаб қолиб, шоша-пиша Муродхўжанинг устига энгашиб қўйнидан мактубни суғуриб олди-да, зум ўтмай барханлар оралаб кўздан ғойиб бўлди.

Кўринган — қора туркман овулининг қизи Кийикбиби эди. У биринчи ўқ овозидан чўчиб, орқага қайтмоқчи бўлиб турганида, ғира-шира кўринган икки отлиқнинг бири қулаганини, кейин иккинчисининг от суриб ичкарилаб кетганини пайқаб қолди.

Кийикбиби етиб келганида Муродхўжадан сал нарида йиқилган саманнинг жони узилган эди. Қиз шошиб отдан тушди. Қизил аскарнинг кўкрагига қулоғини босиб ҳеч нарса билолмади, бошини сал кўтармоқчи бўлганида ярадор ингради.

— Ие, тирик экан-ку,— пичирлади Кийикбиби.

Ярадор алаҳлади:

— Оллоберган, мактубни ол, манзилга элт, мени ташлаб кетавер, ол мактубни, ол, ол...

Кийикбиби ярадорнинг гапларидан ҳеч нарса тушунмади. У отини чўктириб, Муродхўжани авайлаб от олдига олди, сўнг манзилга шошилди.

Ёзқули бобо ҳам ўқ овозини эшитган эди, Кийикбибини узоқдан илғаб, қандайдир кор-ҳол юз берганини пайқади ва у томон от суриб кетди. Улар ярадорни авайлаб ичкарига олиб киришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Номарднинг ўқидан йиқилибди, бечора,— Ёзқули бобо ярадорнинг пешонасига кафтини босди.

— Оллоберган, Оллоберган, мактубни ол, манзилга элт, мени ташлаб кетавер... ол мактубни, ол дейман, ол...

Ўқ Муродхўжанинг тос томонидан тегиб, ўнг сонини ўйиб чиқиб кетган, бутун бир оёқ ёғочга ўхшаб қолган эди.

Ёзқули бобо набирасига нимадир буюрди, зум ўтмай Кийикбиби учи қорайган бир жуфт арча косовни кўтариб келди.

— Оловга қўй, қизим, чўғла,— Ёзқули бобо ташқаридан катта сопол идишда ўт олиб кирди. Кийикбиби косовни оловга қўйиб, бурчакдаги кичкина сандиқчани очди, ичидаги халтадан бир ҳовуч сап-сариқ талқон дори олиб ўтга ташлаган эди, ўтовни кўзни ачиштирувчи ёқимли ҳид босиб кетди.

Ярадор аскар яна алаҳсиради:

— Оллоберган, Оллоберган, мактубни ол, ол дейман...

Ёзқули бобо аскарнинг алаҳлашларига парво қилмади, пичирлаб дуо ўқиди-да, набирасини чақирди.

Кийикбиби хиёл тутаб турган иккита косовни олиб, бобосининг ёнига келди. У қўлини ҳўллаб, таёқнинг учига теккизди.

— Тузук, тузук, бир оз ёнибдию зарари йўқ. Сен ёшуллининг қўлини тиззанг билан босиб тур, у ёғини ўзим амаллайман.

Ёзқули бобо аскарнинг икки оёғини болдирининг орасига олиб, оловли косовни ҳилвираб турган ярага босди. Кийикбиби бундай ҳолга неча бор юзма-юз келган бўлса-да, баданлари зирқираб кетди. Жангчининг фарёдидан юраклари ларзага келди. Бобо бир зумда қорайиб-қотган жойга дори босиб, юмшоқ кўк мато билан боғлади.

— Мана энди бўлди, бу ёғи оллога омонат.

Кийикбиби бобосига ҳеч нарса демади. У ташқарига чиқиб кетгач, жони ором олиб, тинчиб қолган аскарга тикилди. Бир зумда унинг қошлари пориллаб, оппоқ оқариб ётганидан юраги орқага тортиб кетди. Кўрпача қатидан ойна олиб, йигитнинг нафасига тутди, ойнанинг юзи хира тортганидан кўнгли ёришиб, енгил тортди. Ойначасини кафтлари билан қўшиб юзига босди.

— Ботир ўғлон оёққа турсин, илойим,— деб секин пичирлади.

Аммо Муродхўжа оёққа туриб, воқеани эшитгач, тирик қолганига пушаймон бўлди.

— Не дейман энди, не дейман?

Сўнг яраси битиб улгурмай, Ёзқули бободан изн сўради.

— Миннатдорчилигимни қандай изҳор этсам, Ёзқули бобо, рози бўлсангиз, отам дейин, фарзанд тутинг мени ўзингизга.

— Фарзандликка фарзанд бўлиб қолдинг, ўғлим. Энди сендан илтимос,— Ёзқули бобонинг лаблари пирпиради.— Кийикбибини ҳам олиб кетсанг.

— Нелар деяпсиз, бобо? Кийиксиз ҳолингиз не кечади?

— Менинг ҳолимни қўй. «Айиқтош»нинг у томони овул, бир нафаслик йўл. Кийикбибини сен билан жўнатмасам, улар отларининг тақимига босиб олиб кетадилар. Замон замон бўлиб, дориломон кунлар келганда, ҳув... ўша «Айиқтош»га туташиб кетган текисликда кўҳна мозор бор. Бошинг омон бўлса, бу тупроқни зиёрат этмоққа келарсан. Ёзқули бобонинг қабри қайси, деб одамлардан сўрасанг, айтиб беришади, шунда бошимдан айланиб ўт, Кийикбибининг ҳам ўғлонларини кўрайин, туркман тулпорларининг узангисига оёғи теккан паҳлавонларимнинг товушини эшитайин. Болаларингга тайинла, ҳа... ҳо... ҳув... Ёзқули бобо, мана, биз келдик, деб овоз берсинлар!

Бу гапларни эшитиб ҳушини йўқотаёзган Кийикбиби чидамади. Кўз олдидан онасининг телбасифат ҳолатдаги фарёди, икки опасининг Жунаидхон йигитлари минган от тақимидан осилиб турган қоп-қора сочлари, қулоғидан уларнинг ноласи сира нари кетмади. «Айиқтош» этагидаги мозор ёнидан овулдагилар олиб келган отасининг жасади, шундай елкасининг тагига ханжар билан қўшиб санчиб қўйилган юлдузли шапкаси гавдаланди. Ўзи беҳуш одамдай гаранг эди.

Ёзқули бобо хаёл суриб қолган набирасига эътибор бермай, Муродхўжанинг билагидан ушлаб, ичкарига бошлаб кетди. Ниҳоят, анчадан кейин остонада куёв тўнда, белида ханжарли камар, бошида туркман попоғи билан Муродхўжа кўринди. Кийикбибининг уятчан юзига сезилар-сезилмас ним табассум қалқди.

* * *

Поезд ғилдираклари шарақлаб олди томонидан қуюқ тутун кўтарилди, эски, шалоғи чиққан вагонлар силкиниб тўхтади. Қаердандир вокзалга яқинлашаётган бошқа поездларнинг қулоқни қоматга келтирувчи гудоклари шаҳарга чўкаётган оқшомнинг сокинлигини бузди, тўхтаган поезд бир зумда чумоли уясидай тўзғиди.

Вагондаги одамларнинг охири остонага етганида Кийикбиби секин Муродхўжанинг елкасидан туртди.

— Ҳамма тушиб кетяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, ҳа, тушиб бўлишдими?— Муродхўжа поезднинг силкиниб тўхтаганини билган бўлса-да, унинг охири кўринмайдиган манзил томон кетишини хоҳлар, ўрнидан қўзғалгиси келмасди. У ота ҳовлисига умрида биринчи бор ошиқмас эди. Хаёлидан эса қўмондон кетмасди. Нима дейман энди қўмондонга, нима дейман?.. У шу ўй билан Хадрага етди. Ўқчи маҳалласига бурилиб, кичкина қўшқанот эшик олдида тўхтади. Кийикбиби орқасидан изма-из келар эди. У туш кўраётган ҳушсиз одамдай эшикни қоқди.

Ичкаридан: «Ҳозир-ув...» деган товуш эшитилди. Инобат опа эшикнинг бир табақасини очиб, ўғлини, ёнида каттагина тугунни қучоқлаган қизни кўриб, ақлдан озаёзди.

— Болагинам-эй, ойигинанг қоқиндиқ бўлсин бўйларингга,— Инобат опа бўйнини эгиб, онасининг елкасига бош қўйганча дами ичига тушиб кетган ўғлининг елкасидан силади.— Болагинам-эй! Нима азоб эди сенга шунча ташвишлар?..

* * *

Тонг ёришиб, юлдузлар хира тортди, фақат чўлпон юлдузгина тонгни писанд қилмай пориллаб турарди. Шу оқшом Муродхўжа бутун тунни юлдузларга тикилиб, бедор ўтказди. Аёлларнинг ҳам уйқуси бутун бўлмади.

Муродхўжа айвондан пастга тушиб ювинди, шаҳарни бошқа кўриш насиб этмайдиган одамдай манзилгача пиёда юрмоқни ният қилди. У эшик томон жилаётганида, онасининг овозини эшитиб тўхтади.

— Ўғлим, меҳмонимизни нима қиласан, бирга олиб кетасанми, ё жойини айтсанг ўзим элтиб қўяйинми?

— Буларни ҳозир сизга тушунтириб ўтиролмайман, ойижон, келайин, сўнг ҳаммасини айтиб бераман. Ҳозирча меҳмонимизнинг борадиган жойи йўқ, бироз ҳаялласам хавотир олманг.

* * *

Муродхўжа Пиёнбозорга етганида соат тўққиздан ошган эди. У раста ёнидаги кўчани кесиб ўтиб, қизғиш рангли, ойналари катта-катта ҳарбий кенгаш биносининг ёнида тўхтади. Ичкарига кириб, қайгадир шошиб бораётган йигитнинг олдини тўсди ва беихтиёр: «Ўртоқ ҳарбий комиссар, мурожаат этишга рухсат этинг», деб юборди.

— Мен ҳарбий комиссар эмасман,— ёш йигит қайрилиб, зинапоядан тушиб келаётган, думалоқ юзли, сарғиш гимнастёрка кийган, устидан юлдузли камар тақиб олган кишини кўрсатди.— У... ана, ўртоқ Холиқовга мурожаат қилинг.

Холиқов Ўрунхўжаевнинг ҳамма гапини барча тафсилотлари билан эшитди.

— Яхши, ҳар қалай ўз оёғингиз билан келганингиз маъқул иш бўлибди, ҳозир қўмондоннинг вақтини билиб, олдига олиб кираман,— Холиқов Муродхўжанинг ёнига қуролли соқчи чақирди.— Мен келгунимча бу аскарни қўриқлаб турасан,— деди.

Милтиғининг учидаги найзаси пориллаб турган қизил аскар депсиниб: «Есть, ўртоқ комиссар, қўриқлаб тураман»,— деб «честь» берди.

Муродхўжа ўзига ғалати ёвқараш қилиб тикилиб турган қизил аскарни кўриб, иш тамом, дегандай деворга суянди. «Э, аттанг, онам бечора билан хайрлашиб, гапнинг ростини айтиб келсам бўлар экан, улар билиб-билмай Кийикбибига озор бериб юрмасайди»...

— Қани, юринг бўлмаса, Ўрунхўжаев.— Муродхўжа чўчиб тушди, индамай орқасига қайрилган Холиқовнинг изидан эргашди. Улар кенг зинапоядан тепага кўтарилишди. Ўнг томондаги баланд эшикдан қабулхонага кириб келишганида фуқаро кийимидаги ўрта ёшлардаги киши Муродхўжанинг ёнига ўтиб синчиклаб текшира бошлади. Қўлини кўтаргизиб, қўлтиғининг тагидан то қўнжигача пайпаслаб чиқди. Ичкарига аввал комиссар Холиқов, орқасидан Муродхўжа кирди.

Кенг, ёруғ хонанинг ўртасида миқти қоматли, сочлари қуюқ, тимқора мўйловли, белини ҳарбий камар билан қаттиқ тортиб бойлаган, кўзлари ёниқ Михаил Фрунзе тик турарди. Муродхўжа қўмондоннинг жарангдор овози, хуш муомаласидан ўзига келгандай бўлди.

— Келинг, келинг, қизил аскар Ўрунхўжаев, ўтиринг. Хўш... Шундай қилиб, жанговар топшириқни бажаришга шеригингиз халақит берди, шу гап ростми?

— Рост, ўртоқ қўмондон,— Муродхўжа ўтириб ўрганмаган креслонинг чеккасидан ушлаб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Фрунзе елкасидан босди.

— Ҳожати йўқ, ҳожати йўқ, шундай гаплашаверамиз. Биласизми, Ўрунхўжаев, рапортнинг душман қўлига етказилиши бизга жуда қимматга тушди, отрядингиз Жунаидхон ва унинг Тошовуздаги қисмлари томонидан деярлик тор-мор қилинди, командир Искандар Матрайимов дорга осилди.

— Мен бундан бехабарман, ўртоқ қўмондон!— Муродхўжа ўрнидан даст туриб кетди.— Ҳарбий трибуналнинг ҳар қандай жазосига тайёрман, ўртоқ қўмондон,— деди у кўзда ёш билан.

— Жазо бериш осон, лекин ўзингизнинг хиёнатга учраганингизни исбот этишингиз керак, далилларингиз борми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бор, ўртоқ қўмондон, танамдаги ўқнинг жароҳати ҳали битгани йўқ, ўқ орқадан, тос томонимдан теккан, уни даволаган Ёзқули бобо «Айиқтош» этагидаги ўтовда, ўлимдан қутқарган одам набирасини қўшиб юборди.

— Қачон келдингиз?

— Кеча кечқурун.

— Яхши, ҳозирча мен сизга ишонаман, лекин ҳарбий трибуналдан олиб қолиш қўлимдан келмайди, мен ҳам трибуналнинг битта аъзосиман.

Комиссар Холиқов қўмондоннинг сўзи ниҳоясига етгач, эшикни очиб кимнидир чақирди, хонага кириб келган соқчига: «Маҳбусни олиб чиқинг»,— деб буюрди.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ,— қўмондон катта стол устига ёзиб қўйилган харитадан бошини кўтариб Холиқовга қаради.— Уйига элтинг қизил аскарни, ўзи билан бирга келган қизни бу томон олиб келинг, бунга ижозат берасизми, ўртоқ Ўрунхўжаев?

— Ҳарбий кенгаш вакилининг буйруғига итоат этаман, ўртоқ қўмондон!

— Яхши, уч кундан кейин ўртоқ Холиқовга учрайсиз.

Хонада қўмондон билан ёлғиз қолган комиссар бош чайқади:

— Оқибати нима билан тугашидан қатъий назар ушлаб туриш керак эди, ўртоқ қўмондон, ахир қўлимизда шунча асосларимиз бор.

— Йўқ, у гуноҳини ўзи исбот этиб беради, бу бизнинг ҳар қандай текширишларимиздан кўра ҳақиқатга яқинроқ.

— Қочиб қолса-чи?

— Қочадиган нияти бўлса бу ерга ўз оёғи билан келмас эди.

— Барибир Ўрунхўжаевга нисбатан энг қаттиқ жазо бериш керак.

— Фикрингизни ҳарбий кенгашда айтасиз.

* * *

Уч кун Муродхўжанинг ичини ит тирнаб ўтди. Ўзи билан бирга келган қизил аскар Кийикбибини олиб кетгандан кейин у бор воқеани онасига очди.

— Мен сени не умидлар билан катта қилган эдим, болам,— деди онаси, қалтираб.

— Нима деганингиз бу, ойижон?

— Ахир, йўлда учратиб, отнинг тақимига босиб келинган қиз хотин бўлмайди, болам.

— Мен уни йўлда учратганим йўқ, у менинг ҳаётимни асраб қолди, ойижон.

— Унда оласанми шуни? Хотинликка ярайдими етти ёт така туркман?

— Ундай деманг, бобоси уни менга ишониб то.іширди.

— Қандай қилиб уйимда беникоҳ олиб ўтираман, болам?

— Элга ошкор этинг бўлмаса.

Кийикбиби ҳарбий кенгаш сўроғидан қайтиб, тиззаси ерга тегиб улгурмай, барча расм-русмлар адо этилди. Маҳалла-кўйга кичкина дастурхон ёзилиб, тўй овоза қилинди. Пастқам маҳаллада бир зум сурнай навоси янгради, Кийикбиби чимилдиққа киргунча ёр-ёр айтилди. Ахир ўзбек тўйсиз, никоҳсиз қачон уйланибди?

Муродхўжа чимилдиққа кириб келганида Кийикбиби туркман қизларининг узун қизил гуллик чит кўйлагида тиззасини қучоқлаб, унга ёноғини босган кўйи ўтирарди. Йигит шу дамдагина қаршисидаги қизга узоқ тикилди. Табиат бу ҳуркак санамга ҳусн бўлмоққа арзигулик қанча гўзаллик ва латофат атаганини шу ердагина пайқади ва шу кеча у бу мулки оламдаги уқубатларни, жавоб бермоғу дор тагида тикка турмоқни, ҳамма-ҳаммасини унутди.

* * *

Комиссар Холиқовнинг ҳарбий кенгашдаги дағдағаси масалани ҳал қилмаса-да, одамларда нохуш кайфият туғдирди. Муродхўжа Фрунзенинг шахсан кафолоти билан трибуналга берилмай қолди.

Қўмондон Муродхўжани чақиртирганида у содир бўлган ишлардан, Михаил Фрунзенинг уйидагилардан, дунёдаги саркардалар ўзларига эътиқод қиладиган одамларни қандай қилиб ёнларида ҳамиша бирга олиб юрадиган садоқатли қулга айлантириб олишларидан, қаршисидаги қўмондон ҳам шундай уста, буюк саркардалардан бири эканидан тамомила бехабар эди.

— Ўртоқ қўмондон, оддий аскар Ўрунхўжаев буйруғингизга биноан келди.

* * *

Агар висол онлари ҳақида ажиб бир эртак айтилса, Муродхўжа ҳаёт саҳифаларида ўчмас из бўлиб муҳрланиб қолган мана шу дамларнигина эслайди. Гўё бошқа вақт уйда бўлмагандай.

Тўйиб ухлаган вақтлар, эрталаблари хонтахта атрофида ўтириб ичилган бир пиёла чой, онаизорининг ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган меҳрини туйиш, синглиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳинисонинг «ака» деган ожиз овози, яна кундалик ташвишлар... э-ҳе... инсонга ўхшаб яшаш нақадар гўзал ўзи. Агар осойишта кунларда яшамоқ насиб этсаю эрталаб ишга кетсанг, кечқурун онанг, ёринг, фарзандларинг меҳрига талпиниб, улар ҳузурига шошилсанг, остонадан ҳатлаб ўтганингда қўлингдаги енгилгина юкингни олишиб, сенинг ороминг учун ҳамма нарсани муҳайё этишса, дастурхонга бир коса иссиқ овқат қўйилиб, ўтирмоғингни илҳақ бўлиб кутишса, болаларингни елкангга миндириб, «от-от» қилиб ўйнатсанг... Инсон шодликдан ёрилиб кетмасмикин шундай дамларда, нега шундай қутлуғ ташвиш билан бир умр осойишта яшамайди одамлар?

— Ўйга толибсиз, сафарингизни айтишди чоғи?— Муродхўжа Кийикбибининг овозидан ҳушёр тортди.

— Йўқ, Кийик, жилишимдан сўз очишмади.

— Нега бўлмаса бунча хомушсиз?

— Бўлғусини ўйлаяпман, Кийик. Ахир дунё шундай безовта бўлавермас, бир умр эгардан тушмай яшамасмиз, тинч-осуда замон ҳам келар, ўшанда бахтиёрликдан энтикиб кетмасмикан фарзандларимиз?

— Нималар деяпсиз, ўша кунларни ўзимиз ҳам кўрамиз, шу қутлуғ кунлар бизга насиб этмаса, бу дунёдан рози бўлмасман.

— Шундайми, ўзимиз ҳам кўрамизми ўша осуда дамларни? Йўқ, Кийик, мен кўролмайман, шодликка чидолмайман, ёниб кетаман...

Кийикбиби эрининг оғзини кафтлари билан тўсди. Муродхўжа руҳидаги беоромликни босолмай, хотинини ўзига тортди. Кийикбиби энтикканидан пешонасини эрининг бўйинларига ишқаб, қулоғига пичирлади.

— Нелар деяпсан, нелар деяпсан Кийик, ростми, рост гапиряпсанми?— Муродхўжа бағридаги санамни ўзига қаттиқроқ тортса нобуд қилиб қўядигандай, авайлаб елкаларидан силади.— Бутун оламга жар солайинми, ўқ узайинми самога, Кийик? Эҳе... Қизилқум саҳроси бўлсайдими шу дамда, нелар деяпсан, нелар деяпсан, Кийик, чинми сўзинг?!

Кийикбиби эри ҳаяжондан ёнгани сари унинг бағрига кириб кетгудай бўлиб суйкалар, энтикар, кўз ёшларини тўхтатмоқнинг иложини қилолмасди.

Бу кеча сўнгги висол оқшомидай туюлди уларга, чарақлаган юлдузлар хира тортгунча бедор ётишди. Муродхўжа қачон кўзи илинганини билмади. Уйғонганида хотини ёнида йўқ, кун алламаҳал бўлган, айвонга тушган уйнинг деразасидан офтоб тушиб, кичкина боғли ҳовли чароғон бўлиб кетган эди. У ҳарбийларга хос чапдастлик билан тез кийинди, ташқарига чиқиб, онасининг тандир бошида бир томонга елкасини қийшайтириб, оловга қараётганини, сўнг қўлини косага солиб, тандирга сув сепаётганини, синглисининг бир дунё эски-тускини олдига йиғиб, игна билан овора бўлаётганини кўриб, кўнгли ёришди. Кийикбибини эса, ҳовлига кўз югуртириб, тополмади.

— Нима ташвишдасиз, ойижон?

— Ташвиш бўптими нон ёпиш, болам, ҳали замон йўлга отланиб қолсанг, бириккита кулча қилиб қўяйин дедим.

— Ҳа...— бирдан Муродхўжа сергак тортиб, онасининг ёнига борди,— нима, сўраб келишдими?

— Билмадим, кимдир йўқлади чоғи, сўраган одам хотинингга бир нарсалар дедиёв, бир энлик қоғоз ҳам берди, адашмасам.

— Ака...— Айвондаги синглисининг нимжон товуши келди, бечора буни бор кучини йиғиб айтган бўлса-да, Муродхўжа зўрға эшитди.

— Лаббай, сингилжон.

— Белига камар боғлаган аскар келди,— унгача акаси Моҳинисонинг ёнига бориб, олдидаги кийимларини нари сурди.

— Нега секин гапиряпсан?

— Вой, ўзингизнинг қулоғингиз яхши эшитмас экан, ака белига камар бойлаган, шапкасида сиздақанги юлдузчаси бор аскар келди.

— Нима деди?

— Камарининг орқасида йўғон ёғоч тўппончасиям бор.

— Нима деди, эшитдингми?

— Суюнчи берасизми?

— Бераман, синглим, бераман.

— Бўлмаса, келган одам келинойимнинг қулоғига биннарса деб пичирлади.

— Қани у?

Муродхўжа синглисининг ўзини соғинганини, акаси билан гапиришгиси келганини билмас, кўнглидаги таҳликасини тезроқ босгиси келар эди. Шунинг учун ҳам у Моҳинисонинг бедармон вужудига, сўник нигоҳларига, калта-калта йўталиб, зўрға титраб чиқаётган овозига эътибор қилмади.

— Ана, ўзлари келдилар...

Муродхўжа ташқаридан паришон кириб келаётган хотинига ялт этиб қаради, яқинлашгач, овоз берди:

— Омонликми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизни чақириб келишди.

— Нега уйғотмадинг,— Муродхўжа апил-тапил орқага қайтаётган эди, онасининг овозини эшитиб тўхтади.

— Қаёққа?

— Боришим керак, ойижон, боришим.

Кийикбиби ойисининг амрона имоси билан эрининг олдини тўсди.

— Соат бирга дейишди, шошманг, қоғози ҳам бор. Ҳаммамиз сизнинг ташвишингиздамиз.

— Тушунасанми, мени ўртоқ Фрунзе йўқлаяпти.

Яна тандир бошидан онасининг овози келди.

— Пошшоси йўқламаётган экан-ку, болам, эрталабдан уннаяпман, иккитагина нон ёпиб берай.

Ўқчидан Пиёнбозоргача пиёда жадаллаб юрилса ярим соатлик йўл эди. Чақирилган муддатга эса роппа-роса уч ярим соат бор. Муродхўжа қайтди. Аммо хайрлашмоққа яқин уйдагиларнинг биронтасини остона ҳатлатиб ташқарига чиқармади. Фақат онасига тасалли бермоққа уринди.

— Кўз ёши қилманг ойижон, ахир мен...

— Ахир сендан ўзга суянган тоғим бўлмаса, болам...

Муродхўжа онасининг елкасига бошини қўйиб, унинг бўйидан тўйиб-тўйиб нафас олди, сўнг синглисига ўгирилди. Унинг нигоҳлари бирам мунгли эди. У Моҳинисонинг чеҳрасидаги сўник чарчоқдан, кўзларининг тагидаги сарғиш чизиқлардан, нимжон овозидан чўчиди.

— Нима, тобинг йўқми, Моҳинисо?

— Вой, нега ундай дейсиз, ака, сиз бизни ташлаб кетаётганингизга хурсанд бўлайинми?

— Бор,— деди ойиси ўғлини гапиртирмасдан,— хотинингга айтадиганинг бўлса айтиб чиқ.— Инобат опа остонага чўкди.

Муродхўжа уйга кирганида Кийикбиби ўша никоҳ оқшоми кунидагидай, тўпиғигача тушган қизил гуллик кўйлакда, бир ҳовучгина бўлиб, тиззасини қучоқлаб ўтирарди. Эрини кўриб, ўрнидан даст турди, овоз чиқармай Муродхўжанинг кўксига энгашди.

— Бирон нарса айтинг, эслаб қолгудай, бўлмаса жонимни қақшатгудай қилиб бир шапалоқ уринг.

— Нега, нега ураман сени, Кийик?

— Бўлмаса бир нарса денг.

— Агар ўғил кўрсанг, исмини Фрунзе қўй.

Кийикбиби олдинга чўзилган қўлларини ташлаб, бошини эгган бўйи қолди.

* * *

Фрунзе Бухоро остонасида тўхтади. Қалин девор билан ўралган мустаҳкам истеҳкомни хаёлан айланаркан, ўйга толди.

Ҳарқалай, ёриб кирмоқнинг имкони йўқ, бирон чора топмоқ керак, шаҳарни эса, вайрон қилмай туриб... Қўмондоннинг боши қотди.

Сўнг муштини чап қўли кафтига уриб, соқчига буюрди: «Ўрунхўжаевни чақиринг!..»

— Ўрунхўжаев буйруғингизга биноан етиб келди, ўртоқ қўмондон!

Қўмондон гўё чақирганини эсидан чиқариб қўйган одамдай, секин бошини кўтариб қаради. Муродхўжанинг кўзлари ёниқ, аламли эди. Фрунзе ҳушёр тортди.

— Бугун сўнгги кеча, Ўрунхўжаев. Чапдаст йигитларингдан бир нечтасини танлаб, нима қилиб бўлса-да, бизга йўл очиб борасан, тун ярмигача беш соат ихтиёрингда, кўрсатмани жилиш олдидан оласан.

— Ишга киришишга ижозат этинг, ўртоқ қўмондон?

Тун ярмидан оққанда тўрт нафар жангчини ёнига олган Муродхўжа бешинчи бўлиб, қайтиб келмаган қуролдошларининг изидан, белидаги оғир портловчисини авайлаб, олға эмаклади.

Аслида бундай ишларга Муродхўжанинг уқуви йўқ, фақат юрагидаги алам, туганмас қасос туйғуси уни ўлимни писанд қилмай, олдинга етаклаб бораётган эди. Шунданми, омон етиб келди истеҳкомнинг ёнига. Аскарлар девор тагини кавлашаётганида Муродхўжа қовушолмади. Поёнсиз қумли саҳроларда тулпорини бор ихтиёрига қўйиб, от устида жанг қилиб ўрганган аскар ўзини эплолмади. «Ҳа, сендақа Амирдан ўргилдим, ҳезалак, чиқмайсанми майдонга, дарвозангни беркитиб ётгунча...» деб сўкинди. Ёнидаги аскар Муродхўжанинг тирсагидан туртди.

— Кимни сўкяпсиз, овозингизни чиқарманг, командир.

* * *

Тонг ғира-шира ёришаётган паллада еру осмонни ларзага келтириб, кучли гумбурлаган овоз эшитилди. Узоқдан чанг-тўзон кўтарилиб, истеҳкомнинг бир чеккаси қулади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яша, Ўрунхўжаев!— Фрунзенинг кўкиш кўзлари ёниб кетгудай чақнади.— Олға, жангчилар, Совет ҳокмияти учун олға!— деб окопдан қиличининг дастасидан ушлаб, ўзи биринчи бўлиб қўзғолди.

Арк вайрон, Лаби ҳовуз вайрон, Минораи калон вайрон, қуролини ташлаган душманлар ҳам омон қолмади. Бухорои шарифнинг олампаноҳи бўлган Олимхон Афғонистонга қочди. Харобага айланган кўҳна шаҳар осмонида «Ўроқ-болға» шакли туширилган Қизил Байроқ ҳилпиради. Лекин бунинг учун жон олиб-жон берган Муродхўжа билан унинг тўрт нафар дўсти кўринмасди. Уларни жангчилар истеҳкомдан анча узоқдан топишиб, елкаларига қўйиб олиб келдилар. Истеҳком ёнидаёқ уч нафарининг жони узилган эди. Оғир ярадор бўлган Муродхўжа билан Сайдолимни эса Когон ҳарбий касалхонасига олиб кетишди.

* * *

Бухорога баҳор эрта келиб, ерга уруғ тушди, қирларда лола, томларнинг чеккаларида қизғалдоқлар очилди. Кампирлар оқ дока рўмолларининг учларини кесак билан бостириб, кўк, ялпиз, жаф-жаф, отқулоқлар теришди. Баҳор ўқ овозидан чўчиб, юраги зада бўлиб қолган деҳқонни қўлидан етаклаб, далага олиб чиқди, элнинг оғзи заминнинг неъматига тегди.

Мана шу кўкламнинг илиқ кунларидан бирида Муродхўжа оёққа туриб, қўлтиқтаёқ билан ҳовлига чиқди. Чарақлаган баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, бир неча қадам олдинга юриб, бошини кўтарди. У кўм-кўк осмоннинг қаърига кириб кетгудай бўлиб энтикди. Онасининг седана сепиб ёпган нонини, қўлининг куйишига қарамай патирнинг чеккасидан тишлатиб: «Илоё насибангни қайтиб синдирмоқ ўзингга насиб этсин» деб дуо қилганларини, синглиси Моҳинисонинг нимжон нигоҳини, «суюнчи берсангиз айтаман», деб акасига эркаланмоқчи бўлганини эслади. Кийикбибининг сурати ўша-ўша охирги бор кўрганидай, уйининг бурчагида, тўпиғигача тушадиган туркман кўйлагидан тиззасини букиб, устига юзини қўйган кўйи ўтирганича кўз олдига келди.

Муродхўжа хаёллардан толиқиб касалхона ҳовлисига кўз югуртирди. Саҳн бир мунча тор бўлса-да, озода эди. Нигоҳи бир чеккада, оқ камзул устидан беморхона тўнини елкасига ташлаб, тагига кичкина курсича қўйиб ўтирган кишига тушди. Муродхўжа ўзига қараб, хатти-ҳаракатларини кузатаётган бу одамнинг неча ёшларда эканини тахминан илғаб ололмаса-да, кўзига улуғсифат кишига ўхшаб кўринди. Бошига бухороча гуллик дўппи кийган, миқти қоматли бу одамга Муродхўжа ўзи сезмаган ҳолда қўлини кўксига қўйиб, салом берди.

Улуғсифат киши унинг саломига «бу ёққа келинг» дегандай алик олди, сўнг қўлини узатиб кўришди.

— Бухорога узоқдан келгансизми?

— Ҳа, Тошкентдан.

— Қайдан бундай жароҳат орттирдингиз?

— Дўстларимга йўл очаман деб...

— Ҳимм,— деди улуғсифат одам, худди оғир дарддан инграгандай юзи буришди. Муродхўжа бошқа гапирмоққа журъат этолмади. Шу орада ҳар иккалаларини ҳамширалар чақирди.

— Сен кўришган одамни танидингми?— деди Сайдолим Муродхўжа хонага кириб улгурмай.

— Йўқ.

— У киши Айний домла.

— Наҳотки?..

* * *

Муродхўжага шахсан Фрунзенинг буйруғи билан ҳордиқ берилиб, Тошкентга жўнатишди. Хаста аскар вужудида бир дунё алам билан она шаҳрига кириб келди. У маҳалласига қараб бурилганида уйига ақалли бир энлик хат ёзмагани, ўзининг аҳволидан дарак бериб, онасининг ҳолидан хабар олмаганидан эзилиб борарди.

Э... қизил аскар бўлмай кетай мен ҳам, ахир онам бечора кўзимга тикилиб: «Тирикмидинг, болам?» деса нима дейман?

Муродхўжа уйларига яқинлашганида одамларнинг ғалати қараш билан салом-алик қилишидан, юзларини тескари ўгираётганидан кўнгли ғаш тортди. Остонада Кийикбибини кўк либосда кўриб, вужуди қалтираб кетди. Воқеадан хабар топгач, у телба қиёфага кириб бораётган одамдай тўппончасини ғилофидан суғурди, қандай қўлига олди уни — билолмади, жимжит маҳаллани гумбурлаган ўқ овози безовта қилди.

Муродхўжанинг бошидаги мусибат оғир эди, эрта баҳорда синглиси Моҳинисо сил касалидан, онаси Инобат опа куйикка бардоши етмай, қизининг йигирмасига ҳам улгурмай оламдан ўтган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳаётнинг ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган шафқатсиз қонунлари бор. Лекин кўнгилга малҳам берувчи тантилиги ҳам йўқ эмас. Қайнона билан Моҳинисони қабрга қўйган Кийикбиби ўғил кўрган, боласининг эса ҳали чилласи чиқмаган эди. Аммо Муродхўжага бу шодлик татимади. У ғамхонага айланган ҳовлисида туролмади, ижозат берилган бир неча кунини ҳам ўтказолмай, Кийикбиби билан ўғлини олиб, Бухорога жўнади.

Узоқ йиллар... Ҳарбий одамнинг ўзи учун оддий, оиласи учун сарсонликдан иборат кунлар ўтаверди. Отажон Самарқандда, Нуржон, Бекжонлар Фарғонада, Бибигул Тошкентда туғилди.

Бир замон Муродхўжа «Мен етиб боролмайман, шодликка чидолмайман, ёниб кетаман» деганида, Кийикбиби кафтлари билан унинг оғзини тўсиб: «Шундай деманг, ўша дориломон кунларга ҳам ҳаммамиз бирга етиб бормасак, бу дунёдан рози бўлмасман», деган эди, шу кунларга деярлик унинг ўзи ёлғиз етиб келди. Ёрилиб кетмади, куйиб кетмади. Ёрилиб кетса бўларди, куйиб кетса бўларди...

* * *

Мадаминбек Совет ҳокимияти томонига ўтганида Муродхўжа унга қарши жанг қилаётган Фарғона отлиқ полкининг командири эди. У Тошкентга, ҳар галгидай, нега чақирилганидан бехабар етиб келди. Аммо у Мадаминбекни қўмондон ҳузурида, қизил командир кийимида кўраман деб сира ўйламаган эди.

Ўрта бўйли, тўладан, келган, оқ юзли, қоп-қора соқол-мўйловли, қошлари хиёл чимирилган Мадаминбек хонага кириб келган қизил командирга эътибор қилмай, Фрунзега айтадиган гапларини таржимонга тушунтирарди.

«Ахир кечагина,— хаёлидан ўтказди Муродхўжа,— худди шу саркарданинг ўзи Мадаминбекни тор-мор қилиш планини тузган, «имкони борича қочиб кетишига йўл қўймай, тириклай қўлга туширилсин!» деб буйруқ берган эди-ку? Жуда ғалати, ўзи нималар бўляпти?

Михаил Фрунзе қиличини Мадаминбекка тақдим этаётганида аввалига Муродхўжанинг ғаши келди, сўнг вужуди қалтираб, бир нарса деб юборишдан зўрға ўзини тийиб лабларини қаттиқ, жуда қаттиқ тишлади.

Шу тобда барибир унинг кўз ўнгидан минг бир даҳшатли манзаралар ўтарди.

Мадаминбекка қилич топширилганидан кейинги гап-сўзларни Муродхўжа эшитмади, қулоғига ҳеч нарса кирмади. Ниҳоят ҳаммага ижозат бўлди. Муродхўжа жилаётганида қўмондан уни тўхтатди.

— Ўртоқ Ўрунхўжаев!

У Фрунзе ёнига келиб тўхтади, гўё қўмондонни биринчи бор кўраётган одамдай унга тикилди-ю, лекин бир зумда ҳарбийларга хос бўлган чапдастлик билан ўзини ўнглаб, қўмондон қаршисида оёқларини қарсиллатиб честь берди:

— Эшитаман, ўртоқ қўмондон!

— Сизга ҳарбий кенгаш қарорини етказишим керак эди, кўриб турибсизки, бунинг сира иложи бўлмади.— Қўмондон Мадаминбекка ўгирилиб, уни таржимон билан ёнига чақирди.— Танишиб қўйинглар, Фарғона отлиқ полкининг командири Муродхўжа Ўрунхўжаев.

Мадаминбек қадди-қомати қиличдай йигитга тикилди. «Ҳали мен шу тирранча билан олишиб юрувдимми» дегандай, беписандлик билан собиқ рақибига бошдан-оёқ кўз қирини ташлади.

Муродхўжа Мадаминбекнинг қорачиқлари кўкиш ўткир нигоҳидан баданлари жунжикиб кетса-да, кўзини олиб қочмади.

— Сизга, Мадаминбек, мана шу жанговар командиримизни комиссар этиб тайинлайман,— деди Фрунзе.

Муродхўжанинг вужуди ёниб, энди қилич билан қуролни ташлайман деб турганида Мадаминбекнинг овози эшитилди.

— Менга ҳеч қандай қоровул, комиссар, ҳатто йигитларнинг ҳам лозими йўқ, қўмондон жаноблари, не жойки лозим бўлса, икки-учта йигитимни олиб ўзим бораман. Кўршермат билан Холхўжани шундай оёғингиз тагига ташлайман, бир томони улар билан ҳисоб-китобим бор, тўғрисини айтсам.

— Мен ҳам сенга қоровуллик қилай деб кўзим учиб тургани йўқ,— деди Муродхўжа ҳам.

Мадаминбек бепарво жилмайди, унинг жилмайиши чиройли, самимий эди. Аммо у барибир Муродхўжага гуноҳ иш қилиб қўйган болага қарагандай яна беписандлик билан тикилди, тикилдию гезариб бораётган Муродхўжанинг нигоҳида қасоскор одамнинг нафратини сезди, «Алиқул!» деб бақириб юборишдан ўзини зўрға тийди.

— Иккалангизга ҳам, эндиликда бир-бирингизга душман эмаслигингизни тушунтириб қўйишга тўғри келяпти,— Михаил Фрунзе пешонасини ишқаб, Муродхўжага ғалати

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикилди. Бу тикилишнинг маъноси чуқур эди. Мадаминбекнинг бу ерга келгунча бўлган тарихи ҳам узоқ эди.

* * *

Суҳроб полвон минг бир хаёл билан Мадаминбекнинг қароргоҳи томон жилди. Ахир, елкаси ер искамаган Полвонни бу атрофда танимайдиганлар кам эди. Мадаминбекнинг ўзи ҳам Полвонни кўрса, кўзлари чақнаб кетгучи эди. Бек ҳам бир неча бор белбоғ боғлаб, Полвоннинг белидан ушлаган, бу мардликнинг сир-асрорини билмоққа уриниб кўрган эди. Шундай кезларда Полвон Бекнинг оёғини ердан узиб олсада, кўтариб урмас, «аяманг, полвон», деса-да, барибир рақибининг белидан қўлини бўшатарди.

Мадаминбек Суҳроб полвоннинг ташрифини эшитганида ўша ширин хотиралар хаёлидан ўтди. Унинг устига, бугун Бекнинг кайфи чоғ эди. Щунданми ёки Полвонга чиндан-да ҳурмати баландлигиданми, уни остонада ўзи кутиб олди, ҳазил-мутоиба қилиб ичкарига бошлади, тўрга ўтказиб, ҳол-аҳволини сўради. Полвон бир совуқ хабар олиб келган одамдай камгап эди.

— Безовта кўринасиз, Полвон,— деди хиёл ўйга толгандай,— тинчликми?

— Йўқ, ўғлим, эл бесаранжом бўлмаганда от-эгар қилиб ёнингга келармидим!

— Не гап?

— Ўзингга аёнки, жума намоз ва жаноза чиққан маҳалда элга озор етказмагучи эдинг, сўз бериб эдинг. Локин ўтган жума айни пешин чоғида йигитларинг қишлоққа бостириб киришди, боз устига масжидда жаноза ҳам бор эди, маст-аласт бўлган одамларинг мозор томондан масжид ҳовлисида «урҳо-ур» қилишиб, еру осмонни бошига кўтаришди, ўғлим. Тобут ҳам ағдарилди тўполонда, элнинг лаънатига қолдинг, болам.

Мадаминбекнинг кўзлари ёниб, қўллари қалтиради, ненидир қидираётгандай, ўзини ушлолмай ўрнидан турди.

— Шундан сўнг...— Полвоннинг гапи бўғзида қолди.

— Ё раббий! Бас қилинг, қайдан билдингиз сиз айтаётган бетавфиқлар менинг йигитларим эканини?

— Бировини ушлаб олдик, сенинг йигитингман деди.

— Олиб келдингизми?

— Халойиқнинг ўртасида каломуллони қўлига олиб қасам ичди, сўнг одамлар қўйиб юборишди.

Мадаминбек нафаси ичига тушиб, тинчиб қолди. Сўнг узоқ уқубатдан мадори қуриган одамдай, секин ўрнидан қўзғалди, бирпас белини ушлаб туриб, индамай ташқарига чиқиб кетди.

Бекнинг Полвонга кўзи тушганда, у отининг бўйнини силаб, кетмоққа ҳозирланаётган эди. Бек унинг йўлини тўсди.

— Қолинг, Полвон, эртага ўша қуръон ушлаб, қасам ичган падарлаънатини бўйнидан боғлаб, оёғингиз тагига ташлайман.

— Ёлғон айтиб, қуръон ушлабдики, ўғлим, уни каломулло ургай, тирик эса, бетавфиқни шу ишга даъват этганларнинг ўзи бошини танасидан жудо этгай, биласанки, ўликлар гапирмас.

— Ўлигини бўлса-да, гапиртираман.

— Йўқ, қуръон урган мурданинг жасадига қараш гуноҳ, ўғлим. Ёлғоннинг умри узоқ бўлмас.

— Бўлмаса элга менинг узримни айтинг, йигитларим ўтган жумамас, ундан олдингисида ҳам жилишганлари йўқ. Мен сизга айтсам, Полвон, қутлуғ бир ният ила бандман, уни сизга ошкор этолмайман. Шул боис муқим ўтирибман шу ерда. Ё сўзимга ишонмайсизми?

— Йўқ, сенга ишонаман, ўғлим, балким Шерматнинг, Холхўжанинг ишидир.

— Ҳа... йўқ, алар ҳам бундай қилмас, жанозаки бузилибди, билло, бу кофирнинг қўлидир, Полвон.

Мадаминбек узангига оёқ қўяётган Полвоннинг қўлтиғидан олди.

* * *

Мадаминбек саҳарлаб Суҳроб полвонни кузатиб қайтиб кирган бўйи қароргоҳидан чиқмай, тўлғониб ўйлай бошлади. Не қилдим энди? Бу элни ўзим ҳам таладим, наинки ночорман, йигитларимга емоқ-ичмоқни аларнинг ўзидан олмасам, қаердан топаман?.. У томонда қизиллар, улар ҳам босмачи билан олишаман деб, гўё бизлар энасининг ерини босиб олгандай элни омон қўймаяпти-ку, унинг устига мана шунақанги қилиқ чиқариб, босмачиман деб бечора юртни хонавайрон этса, ую мозоримизга ўт қўйса, жанозамизни ағдарса, тутилиб қолса мабодо, қуръонни ушлаб қасам ичса, бу не балолиқ бўлди энди. Ростданам Полвон айтмоқчи, элнинг қарғишига қолсам-а. Ҳали бегуноҳ қон тўккан бу лаънати деб, жанозамни ўқишмаса-я, ё раббим, ўзинг кечиргайсан. Энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

мана бу йигитларнинг уволига қоламанми, жувонмарг бўлиб кетса бу навқиронлар, билиб турсам аларнинг нобуд бўлишини ва яна ғазотга чорласам ўзим, яратган ҳам кечирмагай. Ҳа... бўлмади, энди Фрунзенинг вакилига розилик бериб, саркарданинг ўзи билан кўришайин, юрт омон бўлса, эл орқамдан тош отмагай, Мадаминбек ким эди, деб сўраган авлодларимнинг сўроғига ростликни айтадиган замонлар келар, бу дунё шундай зулмат билан кечмас...

Бек ўрнидан даст туриб, кимнидир чақирди.

— Лаббай, Бегим.

— Нормаҳамматни чақир.

Мадаминбек Нормаҳамматни Оғабек ҳузурига юборди.

* * *

Мадаминбекнинг Тошлоқдаги қароргоҳида Фрунзенинг расмий вакили Оғабек сулҳ ва тинчлик битимининг барча шартларини келишиб, имзо чекмоққа ҳозир этилган ҳужжатни тайёрлади, сўнг шунчаки зарур ва лозим гаплар устига кўчилди.

— Мана энди, Бек,— деди Оғабек,— ихтиёрингизда бутун Фарғона музофотининг қўшинлари ҳозир бўлур.

— Йўқ, Оғабек, мен бу савоб ишларни сизлардан бирон мансаб олайин деб ихтиёр этмадим, бунинг маъноси ўзингизга аёндирки, биз мусулмонлар кўп талофот кўряпмиз. Қуръони каримда беҳуда қон тўкмоқ гуноҳи азим дейилган.

— Оллонинг амри билан десангиз, бу ҳам маъқул гап бўлур, Бек.

Билло, бу ишимиз яратганнинг амри билан бўлаётгани ҳам ҳақ. Лекин афсус томони ҳам борки, бизга бобомиз Амир Темур еру заминни титратиб, уни забт этгач, ҳаракатларининг ниҳоясида улуғ жангнинг илми-ҳикматини, ҳийлайи-найрангларини мерос қилиб қолдирган бўлса-да, аларнинг авлодлари бўлмиш бизлар, бор кучимизни ерга уруғ ташлаб, ҳосил етказиб, заминни боғу роғ қилиб яшнатиб улғайибмиз. Шул боис йигитларим бобосининг тарихини ёддан чиқариб, жангу жадал бобида нотавон ва ношуд бўлибдир. Милтиқларини кетмон дастасига ўхшатиб ушламоқларининг боиси ҳам шундадир, Оғабек. Баҳси ҳужумда аларда орият устунки, ўқларингизга юзма-юз бориб ўзларини нобуд этадилар. Буни мен каби ўзини саркарда атаб юрган одамнинг англамаслиги уятдир. Шул боис бизлар сизлардан нечоғлик саноғимиз мўл эса-да, майдонда енгилмоғимиз тайин. Менинг мана шу ҳақиқатга кўзим етади, энди ниятимизни англагандирсиз, Оғабек?

— Англадим, Бек. Битим имзолангунга қадар қўмондонга еткурилиши лозим ҳисобланган айтмоқларингиз борми?

— Бор, Оғабек, қўмондонга айтинг, йигитларим қиёфасига кириб, элни бесаранжом этмоқни ихтиёр қилган аскарларини тийиб турсин. Бундай ножўя хатти-ҳаракатлар саркарданинг номига ярашмайдир. Одамлар бу каби номаъқулчиликка қўл урган кимсани хотин кишининг бузуқлигига тенг қилиб сўкадир.

— Маълумотингиз учун, Бек, бу зинҳор биз томондан қилинган иш эмас, бунга қўмондонсиз ҳам ўзим жавоб айтаманки, шул яқин ўртада бир тўда пайдо бўлибдир, алар гоҳ бизнинг кийимимизни кийиб, нопок ишлар қилса, гоҳ сизларнинг қиёфангизда юртни талаб юрадир, иттифоқо бирлашганимиздан сўнг буларнинг нафаси ўчадир.

— Йўқ, Оғабек, менга важ қилманг, қўмондонга еткуринг илтимосимни, мабодо айтганларимни маъқул кўрмасангиз, ул бетавфиқларнинг ҳам қўрбошиси бордир, аларни ҳам сулҳ чоғида чақиринг.

Оғабек салгина эҳтиётсизлик қилганини сезди, гапни айлантирмасдан, «маъқул, ҳаммасини қўмондонга еткураман», деб ўрнидан турди.

* * *

Тошлоқнинг катта майдони тонготардан худди байрам маросимлари янглиғ тумонат одам билан тўлди. Марғилон томондан Фрунзе ўз аскарлари билан, Тошлоқ тепалигидан Оқ байроғини ҳилпиратиб саман отда Мадаминбек йигитлари билан келиша бошлади. Улар бир-бирларига яқинлашгач, отларидан тушиб, гўё оға-инилардай кўришдилар, суратларга тушишди, аскарлар орасида бирпас айлангач, Шўро маҳкамаси томон ўтишиб, битимга имзо чекишди.

Бу кеч оқшомларнинг энг сокинидай, энг мусаффосидай туюлди Мадаминбекка. Сўнг у имзо чекилган битимнинг биттасини қўйин чўнтагига жойлаб, Марғилондаги уйига кириб борди. Рафиқаси Саодат беканинг елкаларини силаб, тавоф этган қўлларини юзларига суртди. Шу оқшом орзули оқшом бўлди, тонгдай мусаффо бўлди ҳар дақиқа.

— Бир оромли кунлар бўлармикан, Саодат,— деди Мадаминбек энтикиб.

— Бўлар, Бегим, ахир шуни деб яшадингиз, шуни деб шу қутлуғ ишларга қўл урдингиз.

— Э-ҳа... бир нуроний чол бўлсам дейман. Суҳроб полвон сингари белбоғимни

www.ziyouz.com kutubxonasi

елкамга ташлаб, уйимиздан наридаги ў... тепаликда тегирмон қурсам, сен билан, болаларим, набираларим билан ағанашиб, сувнинг ғувиллаган шовқинида буғдой янчсам. Э-ҳе... бирам суюкли, билсанг, Саодат, буғдойнинг ҳиди, тандирдан узиб олган нонинг сасига бардошим етмаса не дердинг, Саодат? Шундай омон-осойишта яшармикан бу эл, ўзлигини, эркини танирмикин бу юрт, шундай яшнаб турурму Фарғона, Саодат? не дейсан, бир нарса айт сен ҳам.

— Йигитларингиз билан Тошлоқ томондан тушиб келаётганингизни кўрган чоғим юрагим қинидан чиқиб кетаёзди, Бегим.

— Бориб эдингми шоҳид бўлдингми бунга, Саодат?

— Шундай, шоҳид бўлдим, бегим.

— Мана бунга имзо чекдик Фрунзе билан, кўздан йироқ жойга яшириб қўй, Саодат. Иншоолло, энди элда омонлиқ бўлгай.

— Маъқул, Бегим айтганларингиз келсин.

Мадаминбекнинг хаёллари учқур эди. Лекин у шу тобда сокинлик, танҳоликни қўмсар, Оқ подшо зулмига тоқат этолмай исён этган чоғларини, бутун Фарғонани ларзага келтириб Фрунзега бош эгмаган кезларини унутиб, қилган саъйи-ҳаракатларининг саробга айланиб кетишидан чўчирди.

* * *

Муродхўжа Мадаминбекнинг Фрунзе билан ярашга қўл қўйганини эшитган бўлсада, бу ҳолатни у ҳолдан тойган Бекнинг таслими деб тушунган, уни Фрунзе оёғи тагига қилични ташлаб, тиз чўкиб, бошини эгган, деб ўйлар эди. Шунинг учун ҳам Муродхўжа Мадаминбекнинг Фрунзе ёнида мағрур, ўзини назар-писанд қилмай турганига чидаёлмаган эди.

* * *

Мадаминбек Холхўжа тайин этган жойга бир-иккита йигити билан ўзи бормоқни лозим кўрди, ҳеч кимнинг маслаҳатига кўнмади. Ўзи сингари Шерматбекни ҳам, Холхўжани ҳам бу йўлдан қайтармоқни истади, аммо Шерматбек йўлидан қайтмади. Унинг бир кўзи чала кўр бўлса-да, кўзи очиқ мағрур Бекни қизилларга сотилган хоин сифатида таниди. Қўрбошилар уни қатл этиб, бошини карвонсарой дарвозасига қозиққа санчиб осиб қўйишди. Шу тариқа Бекнинг довюраклиги ниҳоясига етган бўлса ҳам, унинг танасидан жудо қилинган мағрур боши барибир одамлардан баландда турди.

* * *

Фрунзе Мадаминбекка Муродхўжани рўпара қилганида у навқирон йигит эди. Гарчи ёш командир от устида қилич ўйнатиб, не-не жангу жадаллардан омон қолган бўлса-да, ҳали ҳарбий илмнинг кўп сир-асрорларини яхши билмас, ундан айтарли бехабар эди. Буларни Муродхўжа кейинроқ тушунди.

Жангужадал кўрган довюрак одамлар ғаниминнинг ҳам мардлигига, ўлимни писанд қилмаганлигига ҳамиша ҳавас қилишади. Муродхўжа Мадаминбек фожеасини эшитгач, юрагининг бир чеккаси жизиллади, Қувасойда шовуллаган сой бўйида хаёли қочиб туриб қолди. Шу ерда кўрди у Мадаминбек йигитларининг аҳволини, шу ерда юзма-юз келди у ўзини ва ўзлигини танимаган оломон билан.

Баланд қизғиш тепаликнинг этагида, шарақлаб оқаётган сой бўйида оломоннинг ғазаби қайнар, ким оғзига нима келса айтишдан чўчимас, тап тортмас эди. Халойиқ Мадаминбекнинг Қизилқия ва Қашқарга чегарадош жойлардан ушлаб келинган ва қайтган йигитларини ўртага гувала қилиб йиғиб олган эди.

— Йўқолсин босмачилар! Қораларини кўрмайлик буларнинг. Халойиқ! Инсоф борми Шўрода? Шўро шўро бўладиғон бўса қасосимизни олиб берсин...

Булар шўронинг фаоллари эди. Улар юқорида ёзганларимизни баланд овозда бақириб айтишардилар.

Оппоқ соқолли, оқ яктак кийган Суҳроб полвон чап қўлини белбоғи орасига тиқиб гўё оломонни тинчитмоқчидай, ўнг қўлини кўтарди.

— Болам, қасос олиб нима қиласан, эгилган бошни қилич кесмайди, деган нақл бор халқимизда. Ахир, шўронинг ўзи қўлига қоғоз қилиб берибди-ку уйингга бориб деҳқончилигингни қил, деб айтибди-ку, яна нима дейсан, қўлида қоғози бўлгандан кейин тек қўй-да бировни. Э... босмачи деб, бир-биримизнинг гўшимизни еб, тамом қиламизми, ўлдирганинг билан ер тўярмиди, ахир булар вақтида номаъқулчиликдан ўзини тиёлмаган экан, қасос деб биз ҳам гуноҳга қўл урамизми, гумроҳликка оёқ босма болам, гуноҳи азим бўлади айтганларинг.

Қаердандир тош устига чиқиб олган фаоллардан бирининг овози эшитилди.

— Раҳм-шафқат қилмаймиз, ўлим босмачиларга!

— Ўтир мундоқ, бемаҳал қичқирган хўрозга ўхшаб чийиллама, тирранча, сенинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

энангни дорга осиб кетибдимики, ўлимлайсан,— деб кимдир фаол комсомол Раҳмоналининг тирсагидан ушлаб нари итарди.

Раҳмонали ҳам бўш келмади:

— Ҳа... сиз ҳам ўша босмачиларнинг шеригисиз, йигит бўган одам ё Мадаминга, ё Шўрога ўтмаса йигит бўптими деб айтгансиз, одамларни йўлдан оздиргансиз, ҳа, сизни ҳам маҳкамага айтиш керак,— деб чийиллади.

Раҳмоналига Муродхўжанинг кўзи тушди, гапларини тўла эшитмаса-да, «олов, олов, бўладиган бола», деб хаёлидан ўтказди.

Ўртага ёши нечада эканини билиб бўлмайдиган, боши билан оёғигача бир текисдай, юзлари қип-қизил, Қувасойга беш панжадай таниш Сўпи юмалоқ чиқди.

— Халойиқ, агар Шералини Шўро бир ёқлик қилмайдиган бўлса, ўзим қорнини тилиб ташлайман. Мана, олдиларингизда оллони гувоҳ этиб айтиб қўяй, бу лаънати никоҳимдаги хотинимни отининг тақимига босиб опқочиб кетган...

— Ҳой, понсод,— Мадаминбекнинг йигити Шерали кимнингдир елкасини босиб ўрнидан турди. Сўпи эса, «ушланглар уни» деганича ранги оқариб орқага тисарилди.— Аввал биттасини эпласанг-чи, курк товуққа ўхшаб, учта бўрсиллаган хотинни босиб ётганингдан кейин опқочаман-да, опқочган бўлсам, ҳовлига ўзингни судраб чиқиб, талоқ қилдириб, ҳалоллаб олганман. Асфаласофинга жўнаб кетишингдан чўчиб: «Биттасини эмас, ҳаммасини осанг ҳам майли, ҳаммаларингни уч талоқ қилдим», деган ўзингмасмидинг ё тонасанми бундан, лаънати?!

Оломоннинг гуриллаган овози сойнинг шовқинини босиб кетди.

Муродхўжа элнинг ҳовурдан тушишини кутди, сўнг иложи бўлмагач, қўлини кўтарди.

— Халойиқ!— Муродхўжа элнинг оқсоқолига ўхшаб томоғини қириб, йўталди, оломон гўё недаидир таскин топмоқчидай, командирнинг сўзига қулоқ тутди.— Мен ниятларингизни билай деб эдим, гапларингизнинг охири бўлмаяпти. Ҳозир билсаларингиз, ҳаммадан элга осойишталик керак, ерга дон ташламасак, бола-чақанинг ризқирўзини ўйламасак бўлмас, шул боис шўро ҳукумати аввал Мадаминбекка йигит бўлган, локин кейин айбини бўйнига олиб уйига қайтганларнинг гуноҳидан кечди.

Муродхўжанинг сўзини бўлиб, одамлар орасидан кимнингдир овози эшитилди.

— Менга қаранг, ўртоқ командир, кечагина ўзингиз шу тепаликка чиқволиб, Мадаминнинг йигитларига омонлик йўқ, босмачилар ҳеч қачон бизга дўст бўлмайди, деб эдингиз-ку...

Яна кимдир:

— Бу айтаётган гапингиз Шўронинг лабзими? Қоғоз ёзиб берганми қўлингизга, ёнингизда бўлса кўрсатинг, бўлмаса ишонмаймиз, деди.

— Ишонинглар, одамлар, ишонинглар, Шўронинг гапини, унинг лабзини айтаётирман.

Оломон орасидан: «Шўрода лабз йўқ, Шўрода лабз йўқ», деган товушлар эшитилди.

— Мадамин билан ҳисоб-китоб бўлмайдими, командир?

— Бўлади, ҳисоб-китоб қилиш лозим бўлганлари билан бўлади.

— Ҳамма қўрбошиларнинг энасини Учқўрғондан кўрсатяпти-ю, Мадаминбекнинг йигитларига жазо йўқми?

— Тавба қилганларига жазо йўқ.

— Нима каромат кўрсатди Шўрога ўтган Мадамин, айтинг, командир?

— Шўрога ўтганининг ўзи катта каромат бўлди, неча минглаб аҳли фуқаронинг қони тўкилмай қолди.

— Бўлмаса, айтинг, Мадамин бизга дўстми ё душман?

— Душман эди, дўст бўлиб қўрбошиларнинг қўлида ўлди.

Қувасойнинг тепалигида шу тариқа оловга сув сепган эди Муродхўжа, шу тариқа сой шовқини босиб кетган эл ғазабини тинчитган эди қизил командир, шу тариқа деҳқоннинг қўлига кетмон ушлатиб, далага бошлаб чиққан эди. Лекин у вақти-соати келиб, шу фидойилик эвазига бошига не маломатлар тушишини билмас эди. Юрт осмонида мусаффолик сўна бошлайдиган, чароғон қуёш нурини тўсиб, унда қора булутлар айланадиган кунлар яқинлашиб келаётган эди.

* * *

Тун ярмидан оққанда ҳовли эшигини кимдир тақиллатаётганини Муродхўжа сезмади. Кийикбиби чўчиб ўрнидан турди, эрининг даҳлиздаги шинелини елкасига илиб, ташқарига чиқди.

— Ким, ким у?

— Менман, менман, Кийикбиби опа. Раҳмоналиман, очинг эшикни, очинг.

— Қайси Раҳмонали, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз?

— Эсингиз борми, Кийикбиби опа, қайси Раҳмонали деганингиз нимаси?

Кийикбиби эшикнинг тамбасини олди. У қоронғида Раҳмоналининг ранг-рўйи бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолатда эканини билмаса-да, энтикиб нафас олишидан, овозининг ташвишли қалтирашидан бирон нохуш кори ҳол юз берганини англади.

Неча йилдирки, Фарғонада осойишталик эди. Кийикбиби эрининг тун ярмида ўрнидан туриб чиқиб кетишларини, шарпасиз кийиниб ғойиб бўлганларини эсидан чиқариб қўйганига анча замон бўлганди, шунданми, бемаҳалда безовта қилган Раҳмоналининг ҳаракати унга эриш туюлди.

— Тинчликми, Раҳмонали?

— Муродхўжа акамларни уйғотинг.

Унгача шивир-шивирдан уйқуси бузилган Муродхўжа шинелини тополмай, яктак билан чиқиб келди.

— Нима гап?— у хотинига «ичкарига кир» дегандай қўлини силтади.— Тинчликми, намунча ҳовлиқмасанг?

Раҳмонали Муродхўжани чеккароққа тортиб, кейин яна бирон бегона билиб қолмасин дегандай, атрофга олазарак назар ташлаб, секин пичирлади:

— Сизни шу бугун саҳар ҳибсга олишармиш.

— Бекорнинг мингтасини айтибсан, бемаъни гапларни йиғиштир, бор уйингга.

— Тайинлик гап, Муродхўжа ака.

— Ким айтди сенга ўша тайинлик гапни?

— Тошкентдан вакил келибди. Охуновнинг уйидамиш, ўша вакилга Охунов: «Саҳар Ўрунхўжаевни Тошкентга жўнатиш керак, уни Фарғонада ҳибсга олиб бўлмайди», деб айтибди. Ўғли, ҳалиги кичкинаси, чўлоқланиб юрадигани бор-ку, ўшаниси келиб дадамга хабар қилибди.

— Хўп, дадангга бориб хабарни етказдим, деб айт.

Муродхўжанинг бемалол гапиргани Раҳмоналини ҳайратга солди.

— Қочмайсизми, Муродхўжа ака?

— Қаёққа?

— Одамлар Қашқарга ўтиб кетишаётганмиш.

Муродхўжа Раҳмоналига раҳмат айтиб, уни бемалол кузатиб қўйган бўлса-да, барибир ҳаловати бузилди.

— Нега индамайсиз, тинчлик эканми?

— Тинчлик, саҳар Тошкентга бориш керак чоғи, шунга ҳовлиқиб келибди.

— Э... бетоқат бўлмай қолсин илойим, мен нима бўлдийкин дебман.— Кийикбиби кўнгли жойига тушиб, тескари ўгирилиб ётган эрининг елкасига юзини ишқади.

Муродхўжанинг уйқуси бузилди, шинелини елкасига илиб ташқарига чиқди, хаёлига минг бир ўйлар кела бошлади.

Наҳотки шу гап рост бўлса... Уни қўрқув эмас, ғалати, тушуниб бўлмайдиган безовталик ваҳимага сола бошлади. Бирдан эсига нимадир келди, ичкарига кириб қўмондон ҳадя этган револьвер билан партия билетини олиб чиқди, уни кичкина пўлат сандиқчага солди, кейин ҳовлига, чинор томонга ўтиб анча тинчиб кетди, қайтиб уйга кирмади. Тонг ғира-шира ёришаётган маҳал эшик тақиллади, йўқловчиларни ҳайрон қолдириб зумда эшик очилди.

— Салом, ўртоқ Ўрунхўжаев.

— Салом, салом, ичкарига киринглар.

Муродхўжа кўкиш айвонли шапка кийган, фуқаро кийимида бўлишига қарамай, ҳарбийларга хос муомала қилаётган икки бегона кишига кўзи тушиб, вужудидаги ғулғула баттар кучайди.

— Шошиб турибмиз, ўртоқ Ўрунхўжаев, бир соатдан кейин махсус поезд билан Тошкентга жўнашингиз керак, мана мактуб, олганингиз ҳақида имзо чекиб беринг.

Улар қандай тез келган бўлса, шундай тез кўздан ғойиб бўлишди.

* * *

Поезд Тошкент вокзалига етиб келганида эртами-кеч ёғадиган қорнинг дарагини берувчи аччиқ изғирин билан ёмғир шивалаётган эди. Муродхўжа тамбурга ўтиб, поезд зинапоясига қадам қўяётганида хотирасида ўрнашиб қолган ажиб дамларни эслади. У бир неча бор Тошкент ва Когон вокзалида қуролдош дўстлари билан бирга қўмондон Фрунзени кутиб олган эди. Шундай кезларда Муродхўжа ҳамиша саркарданинг поезддан тушиб келишини биринчи бўлиб кўришга ошиқар, қўмондоннинг зинага оёғини босишга, шинелининг ёқасини кўтариб, кифтларини силкитишларига жуда ҳавас қиларди, лекин ўзи унга ўхшаб ҳаракат қилишни жуда истаса ҳам негадир ҳеч ботинолмасди. Бугун, худди шу бугун, ўттиз еттинчи йилнинг изғиринли кеч кузида, оёғини поезд зинапоясига қўйиши билан ёқасини кўтариб ташқарига қаради, кифтларини қоқишга эса улгуролмади.

— Ўрунхўжаев!

— Менман!

— Қамоққа олиндингиз!

Муродхўжа камарини ечишга улгурмай туриб, кеча эрталаб эшигини тақиллатиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўртоқ Ўрунхўжаев» деган нотаниш киши қўлини орқага қайирди, иккинчиси камарини пистолети билан ечиб, бош кийимидаги ярақлаб турган қизил юлдузни юлиб олди.

— Фрунзедан олган шахсий тўппончангиз ҳам бор, қани у?

— Иккита қурол олиб юрмайман.

Улар Ўрунхўжаевни йўл чеккасидаги сарғиш машинанинг орқа томонига ўтирғизганларида партия билетини сўрашди.

— Йўқ, партия билетимни олмадим.

Машина орқасида Ўрунхўжаевни қўлтиғидан ушлаб келаётганлардан бири унинг кўкрак чўнтагига қўлини узатган эди, ҳайдовчининг ёнида ўтиргани буйруқ оҳангида:

— Бас қилинг, партия билети билан Фрунзедан олган шахсий қуролини беришдан бош тортди деб, протоколга ёзиб қўйинг,— деди.

* * *

Икки ярим ой давом этган сўроқдан натижа чиқмаган бўлса-да, Муродхўжанинг тинка-мадори қуриди. Охирги марта: «Шахсан ўртоқ Нурниёзовнинг ўзи сўроқ қилади», деб айтишди унга. Шунда ҳам жоҳиллик қилинса оқибати яхши бўлмайди, деб огоҳлантиришди.

«Қаршиликдан натижа чиқмайдиган кўринади». Ноилож қолган Ўрунхўжаевнинг хаёлидан шу ўй кечди. «Қурол билан партия билетини топширсам қутуламанми? Ўзим қамоқда, аҳволим бу бўлса, партия аъзолигим қоптими... Э, нима бўляпти ўзи?..» Унинг биқини, қовурғасининг суяклари зирқираб оғриди, кўзлари тиниб, қовоқларининг тагида оғир санчиқ сезди, чидолмади. «Бу ёқда яна қанча ёлғон-яшиқ гаплар... уларни ҳам шундай, рост эди деб бўйнимга оламанми? Бор, нима бўлса бўлди, энди, бир бошга бир ўлим, бундай туҳматларни эшитаверганимдан кўра, ярамасларнинг ўқларига рўбарў бўлганим афзал, ахир бир кун бўлмаса бир кун ростлик рўёбга чиқар, ҳақлигимизни ўзимиз билмай ўлиб кетсак-да, фарзандларимиз, одамлар билишар, Муродхўжа Ўрунхўжаев ҳақиқий коммунист, жанговар қизил командир эди, дейишар...»

Охир-оқибат ўйлаб, тақдир ҳукмига тан берган Муродхўжани эртаси пешин маҳалда сўроққа олиб чиқишди. Тун билан кундузнинг фарқига бориб бўлмайдиган хонадан чиққан Муродхўжа қора, мустаҳкам темир панжарали, ойналари ҳовли томонга қараган сўроқхонанинг ёруғига ўрганолмай, қаршисидаги шапкасига қизил юлдуз таққан ўша қошлари қуюқ, мускулдор одамни аввалига таниёлмади, кейин хотирасига имони комил бўлгач, вужуди қалтираб, даҳшатдан бақириб юборди.

— Оллоберган?!

— Шундай, собиқ қизил командир Ўрунхўжаев!— У гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай бамайлихотир Муродхўжага тикилди.

— Қандай келиб қолдинг бу ерга?

— Сен халқ душманини сўроқ қилгани Москвадан келдим.

Муродхўжа ингради, муштини туккан бўйи пешонасига қарсиллатиб урди.

— Эҳа... учрашган жойимизни қара, ҳали жавоб берасан, барибир жавоб берасан, лаънати.

— Унгача сен жавоб бериб тур, собиқ қизил командир. Нега жиноятларингни бўйнингга олишдан бош тортяпсан; қўмондон Фрунзега етказилиши керак бўлган мактубни — жанговар топшириқни адо эта олдингми?

— Йўқ.

— Мабодо ўлишинг мумкин бўлган тақдирда ҳам мактубни душман қўлига — топшириб қўймаслигинг керакмиди?

— Шундай.

— Мактуб душман қўлига тушиб, қизил командир Искандар Матрайимовнинг бутун отряди Жунаидхон томонидан тор-мор этилди, Искандар Матрайимов дорга осилди, булардан тонасанми?

— Йўқ, тонмайман.

— Мадаминбекни жанговар қизил командир деб ташвиқот этиб, унинг каллакесар йигитларини ўлимдан олиб қолган сенмасмисан?

— Менман, лаънати, менман.

— Собиқ бойларнинг ажнабий мамлакатларда таълим олган, совет ҳокимиятига душман фарзандларининг партия сафига кириб олиши учун тавсияномалар берган, ўз атрофингга халқ душманларини тўплаган сенмасмисан?

— Йўқ, ҳамиша ўзим софдил эканига ишонган одамларга тавсиянома берганман.

— Жайнақ Мирзо деган шахсни, чет элга қочиб кетган халқ душманини танийсанми?

— Йўқ.

— Мана бу сенинг имзойингми, сен ёзиб берганмисан?

Муродхўжа Оллоберган қўлидаги ўз имзосини таниди. Қачон ёзганини, унинг кимлигини хотирасида тиклашга уринди, эслади, эслади. Жайнақ Мирзо деган, кўзлари ҳамиша оловдай чақнаб турадиган йигит эди. Нечанчи йили эди, эсида йўқ, ўша, ҳа... Йўлдош Охунбобоевнинг ҳузурида бўлган бир йиғилишда Ҳайдарбек, ҳа... Ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайдарбек олиб кирганди Жайнақ Мирзо деган йигитни унинг ёнига, унга иккаласи тавсиянома ёзишган эди ўшанда. Ҳозир Оллоберган ушлаб турган қоғоз ўша ўзи имзо чеккан тавсиянома эди.

— Сенлар бир ҳовуч босмачилар билан тил бириктирган зараркунандалар, бой болаларини «ўқиган» деган баҳона билан партияга тортиб, совет ҳокимиятини ағдармоқчи бўлгансанлар. Яхши ҳам ҳушёр одамлар ифлос ниятларингни сезиб қолиб, олдини олишган, сафимизга қабул қилишмаган, мана, сен шу тавсияномани ёзиб берган инқилоб душмани ҳозир Қашқарда ўз атрофига босмачиларни тўплаб қуролланяпти...

Муродхўжа узоқ тин олиб, Жайнақ Мирзо... деб пичирлади, хаёлидан унинг ёниқ кўзлари ўтди. Яна кимнингдир шунга ўхшаган нигоҳини сезди вужудида. Бу Мадаминбек, Мадаминбек, деди овозини сал баландлатиб.

— Эсингга тушяптию тан олишга қўрқяпсан, ўлимдан чўчияпсан, халқ душмани, бу пўлатдай мустаҳкам далил, ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан, ёт унсур! — Оллоберган ўдағайлаб, Муродхўжанинг пешонасига нуқиди. — Ифлос, жавоб бер, жавоб бер деяпман сенга!

— Ҳа... мен ёзганман, эсладим.

— Мана, кўрдингми? Совет ҳокимиятининг зараркунандаси, халқ душмани эканингга шунинг ўзи ҳам етиб ортади.

— Шундай дегин, мен Совет ҳокимиятининг душмани, сен дўсти бўлдингми?

— Мен сени зўрлаганим йўқ, ўзинг тан олдинг буни, шундай бўлгач, партия билети билан қуролни топшир, пишириб ейсанми уларни, ахир қасам ичгансан, партия уставига амал қиламан, дегансан.

— Мен партия уставини бузган одам, сен эса коммунист бўлдингми?

— Сен мени сўроқлашдан аввал жавоб бер.

— Кимнинг олдида?

— Халқ, давлат вакилининг олдида.

— Менга қара, Оллоберган, мен бу ишни қандайдир бир англашилмовчиликдан содир бўляпти, деб ўйлаётган эдим, йўқ, адашган эканман. Энди икки қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол: сенки, совет ҳокимиятининг ҳимоячиси бўлсанг, ростдан ҳам мен унинг душманиман, сенки коммунист бўлсанг, мен ундай партиянинг аъзоси эмасман, тупурдим ҳаммасига!

— Бўлмаса нега бермаяпсан партбилетингни?

— Йўқ, бермайман, уни қўмондон Фрунзенинг ўз қўлидан олганман, сендақа нокасларнинг қўлига бермайман, бермайман!

— Отиб ташлаймиз унда, ёт унсур, халқ душмани!

— Биласан, мени яхши биласан, Оллоберган, ҳарбий одамман, ўлимдан чўчимайман. Мени отишаётганларида албатта томоша қил, ана ўшанда коммунистнинг қандай ўлишини кўрасан. Энди билганингни қил, мараз!

* * *

Муродхўжа Ўрунхўжаевни суд отувга ҳукм қилди, кейин жазо муддатсиз қамоқ билан алмаштирилди, сўнг 1937 йилнинг кеч кузида мангу музликлар аримайдиган Магаданнинг узоқ чеккасига ҳайдаб кетишди.

* * *

Маҳкумлар музлик устидаги бараклардан иборат истиқомат жойига оппоқ тунда етиб келишди.

Мудҳиш тонг отди, ёруғликнинг азобини, дунё дунё бўлиб, бу оламда шундай ажал макони борлигини ва сукунатнинг даҳшатини Муродхўжа шу ерда сезди. Лекин барибир бу мусибатлар Оллоберганга жавоб беришдан кўра минг бор енгил эди...

Унсиз... унсиз турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ, оппоқ қор ва музликда қор рангига айланган одамдан ўзга, жонинг узилса ковлаб бўлмас қаттиқ ердан ўзга жону жаҳон кўринмас эди.

Тахминан 120 маҳбус ётадиган ёғоч уйнинг ўртасидаги каравотнинг биринчи қаватида Муродхўжанинг рақами ёзилган эди.

Уч кун, деярли уч кечаю кундуз унсиз ётишди. Кийимлар ечилмас, телпаклар бошдан олинмас эди. Ҳамманинг хаёлида ўзи яшаб, вояга етган макон, унинг оғушига интилиб, энтикиб уйқуга кетишарди. Тўртинчи кун тонготар ишга чиқишди. Эшик олдида сумба, белкурак, замбилчалар турар, улар фақат назоратчиларнинг буйруғи билангина олинарди. Ҳамма саф бўлгач, колонна секин пастлик томон жилди. Бир зумда Муродхўжанинг қора чарм телпаги қотиб қолди, қулоқчинининг икки чеккасини қиров босиб, нафасининг ҳовури билан музга айланди. Нимадир халақит бераётгандай кўзларини юмди, кўзининг ичига сув йиғилди, сўнг киприклари оғирлашиб, кўзига қаттиқ ботди, ишқаган эди, киприклари юлиниб чиқди.

Пастликдаги йўл Шарқ томондан жилиб, шу ерга келиб тўхтаган, ерга шағал тў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

килган эди. Маҳбуслар очликдан ўлжасига ўзини отган махлуқдай шағал уюмига ўзларини уришди. Ҳаракат керак эди уларга, қотиб қолмаслик учун жон-жаҳди билан ишга киришиш лозим эди.

Меҳнат одамларни бир-бирига яқинлаштирди. Кимдир буни ол, деди, яна бирови замбилни бу ерга қўй, деди, тезроқ кўтар, деди, отинг нима, қаерликсан, деб сўради.

Муродхўжа устидаги шеригининг исмини ҳам шу ерда билди. Ваня Кременцов экан. Жуда ғалати фамилия эканми, деб ўйлади ичида. Соат бирларда маҳбуслар бир бурдадан қора нон ейишди, озгинадан иссиқ сув ичишди. Кеч соат тўртларда маҳбусларнинг баданига иссиқ югуриб, бир-бирларига меҳри ортишиб, гаплашиб, тунамоққа қайтишди. Уларнинг хаёлидан ажал ҳам узоқлашди.

Яна тонг отди, яна белкураклар олинди қўлга, яна замбиллар ташланди елкага, яна шарқдан келаётган йўл Магаданнинг ичкарисига қараб жилди, мангу музликларга яқинлаша борди, тун ярмидан оққан маҳал машиналарнинг гувиллаган товушлари эшитила бошлади, бехос отилган ўқ овози келди.

Муродхўжа баъзан тунлари, баъзан озгина ором дамларида Кременцов билан гапиришгиси келар, лекин қомати текис, қирқ ёшлар атрофидаги, оқ-сариқдан келган бу йигит ниҳоятда камгап эди. Баъзан ҳафталаб оғиз очмас, хаёлида ненидир ўйлаб, майин оҳангда шеърлар ўқир эди. Муродхўжа Ванянинг ўзи ун бермаса гапирмас, бирон нарса сўрамасди. Шу бугун ҳеч кутилмаганда Кременцов табиатига мос келмайдиган хуш кайфиятда Муродхўжага қараб жилмайди.

— Миша.

— Нима дейсан?

— Мен бир ажойиб нарса ёздим, эшитгин.

Кременцов Муродхўжанинг жавобини кутмай, бошини пастга эгиб, ётган кўйи ўқий бошлади, унинг кўзлари чақнаб кетди, ниҳоят оромли ва аламли бир нафас олиб тўхтади.

— Тушундингми?

— Йўқ, қандайдир қайинларни, ўрмонларни айтдинг. Осмон дединг, ер дединг, ғалати бир сочнинг номини айтдинг, кимнингдир кўзини чиройли дединг, локин тушунмадим, Ваня.

— Тушунибсан, Миша, тушунибсан... Миша, сен ҳам бир нарса дегин.

— Нима дейин?

— Бир ўзингнинг тилингда гапиргин.

— Тушунмайсан-ку?

— Эшитай, қандай бўлар экан сизлар томонларда одамларнинг овози.

— Қўй, ундан кўра сен менга айт, бизнинг бу ерда бегуноҳ қамалиб ётганимизни, у ердаги Оллоберганнинг хоинлигини ўртоқ Сталин билармикин, ахир Москвадан келгансан, ўқигансан...

— Сен аввал сўзла, ўз тилингда гапиргин, кейин айтаман.

— Нимани гапирай?

— Нима, ўз тилингда нимани гапиришни билмайсанми?

— Биламан.

— Унда айт.

Муродхўжа аввалига деворга гапираётган одамдай ўзини ўнғайсиз сезди. Кейин ўзининг овозидан, ўз тилининг сеҳридан ўзи маст бўлиб, бу дунёнинг жамики мусибатларини унутган одамдай сўзлай бошлади.

— Эҳ... Ваня, Ваня, сен биз томонларни кўрмагансан-да, билмайсан. У ерда кунлар иссиқ бўлади, Ваня, қуёшнинг тафтидан вужудинг ёнади, гуллар оқ, сариқ, қизил, сафсар бўлиб очилади, анвойи ҳидларнинг оромига бардошинг етмайди. У ерда бодом гуллайди, шафтоли, анжир, ўрик кўзларингни қамаштириб етилади. Ў... Фарғонанинг оқшомларини айт, Қувасойнинг гувиллашини айт, оппоқ бўлиб гуллаган жийдазор тагида ўтирсанг, унинг муаттар ҳидидан сармаст бўлишингни айт. У томонларда чойхоналар бўлади, кўк чой ичишади одамлар. Қўлларини кўксига қўйиб бир-бирларига салом беришади, ўша қўллари билан таом ейишади. У ерда Кийикбиби бор, Ваня, паҳлавонларим Фрунзежон, Бекжон, Нуржон, Отажонларим бор. Эҳ, Ваня, Ваня, неларни айтай сенга, не деб сўзлаб, не деб фарёд этайин...

Муродхўжа йиғлаётганини, кўзларидан тирқираб ёш чиқаётганини эсидан чиқарди, дўстининг қўлидан ушлади.

— Ў... сени қара, Миша, кўрдинг, яна мени тушунмайсан дейсан, юртингни соғинибсан-ку, хотинингни, болаларингни кўргинг келибди-ку, Миша! Бу дунёда ажойиб, таърифи беқиёс Ватанинг бор экан-ку Миша!..

Муродхўжа кўзёш тўкканидан хижолат бўлмади, юраги бўшаб, негадир ўзини енгил ҳис этди.

— Энди айт, Ваня, бизнинг шундай азоб чекаётганимизни ўртоқ Сталин биладими?

— Билади, Миша, билади.

Муродхўжа сергак тортди, шундай ёнгинасида бомба портлагандай сапчиб тушди.

— Нималар деяпсан, Ваня?!

— Менинг отам Ленин билан бирга ишлаган, партияга кирмаган улар, партияни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тузишган, Миша. Ўша отамни, Ленининнинг сафдошини отиб ташлади Сталин, тушундингми?

— Йўқ, Ваня, нотўғри гапиряпсан, тилингни тий.

— Тилимни тийганимда сен билан бу ерда ўтирмас эдим, Миша. Ўша Сталининг жаллод, отамни отиб ташлашга ўз қўли билан имзо чеккан қотил, тушундингми?

— Йў... қ, шундай дейишингга йўл қўймайман, мараз, зараркунанда аблаҳ,— Муродхўжа Ванянинг ёқасидан олиб ўзига тортди.— Сўзингни қайтариб ол!

Муродхўжа Ванянинг кўзларига тикилиб, ҳайратга тушди: унинг кўзлари ҳаётдан видолашаётган одамнинг нигоҳига ўхшар, илтижоли, мунгли эди. Дунёдаги энг улуғ инсонни ҳақорат қилаётган жасоратли қаҳрамонга ўхшамасди.

— Сен... Сенинг тилларинг бирам ширин, юртларинг бирам гўзал кўриндики сўзларингдан, Миша. Аммо, кўп қўрқоқ, муте одамга ўхшайсан туришингдан. Сенки, шу халқнинг қаҳрамони бўлсанг, унда халқингнинг аҳволига вой, косаси оқармагай, Миша.— Ваня бошқа овози чиқмайдиган одамдай, нафаси ичига тушиб тинчиб қолди, унинг пичирлаб айтган сўзларини Муродхўжа зўрға эшитди.— Йўқол, йўқол!

Эрталаб Муродхўжа шеригини жойида кўрмади. Лекин ишда узоқдан илғади. Ваня унинг ёнига келмади, Муродхўжа ҳам бормади, боролмади. Ваня Кременцов шу кун кечки маҳал ўткир сумбанинг учини қорнига санчиб, ўзини ўлдирди, Маҳбуслар Муродхўжадан юз ўгиришди. Шу кундан бошлаб ажал маскани Муродхўжага зимистон бўлиб туюлди, бу зимистон қайта ёришмади...

* * *

Муродхўжа Сибирдан андижонлик Исмоилжон Алимов билан бирга 1955 йилнинг эрта баҳорида қайтди.

Фарғона! Муродхўжа кўзларига ишонмасди. Кўчалар сокин, баланд оппоқ теракларнинг барглари ҳали ёш, тирикчилик ташвишида юрган одамларнинг чеҳралари очиқ эди.

Муродхўжа ҳаётининг энг оғир дамларида «бундайин яшаганимдан кўра ўлганим минг бор афзал», деб ўйлаганида, елкасига ойлаб офтоб тегмай, муз чайнаб ётган дамларида, оч бўриларга рўбарў келганларида ҳам, она юртининг шу сўлим чиройини кўз олдига келтириб, қаддини ростлаган эди, юртимни кўрмасдан ўлмайман, деб яшаган эди. Ўша умид, ўша суюк туйғу ҳамма балолардан уни омон сақлади. Бугун, мана шу қутлуғ тонготар маҳали у ўзи ташна, интизор бўлган кўз олдидаги манзараларга тўйиб-тўйиб тикилди, вужудидаги бор кучи билан энтикиб-энтикиб нафас олди.

У уйи томон бурилаётганида, оёқларининг дармони қуриб, ҳолдан тойди, гандираклаб борганича рўбарў келган теракни ушлаб, унга пешонасини босди. Энди бир неча қадам боссам бас, уйим, деб ўйлади. Кимни чақирай, не деб овоз берайин, Кийикбиби дейинми, йўқ, Фрунзе дейман, катта ўғлон ҳар қалай, паҳлавон бўлгандир. Дарвозани очгани тузук.

Муродхўжа эшикни тақиллатаётганида Кийикбибининг устидан шинелини олиб, уни елкасидан итаргани, Раҳмоналини чеккага тортиб, у билан гаплашгани ёдига тушди.

Ҳа... тирикчиликнинг ташвишидан бўшамабди-да бечоралар, дарвозани ҳам янгиламабди... Шу хаёллар билан турганида эшикни йўғон гавдали, кир майкаси устидан эски тўн кийиб олган, мўйловли киши очди.

«Наҳотки, наҳотки шундайин ишга оёқ босган бўлсанг, Кийик...»

Эшик очган киши нима дейишини билмай ҳайрон бўлди.

— Ичкарига кирсинлар, ичкарига кирсинлар,— деди ноилож.

Муродхўжа остона ҳатлаб ҳовлига кирди, лекин ўтирмади, атрофга назар ташлади. Ўша нақш солинган бўёқсиз устунли айвон, нураган, тўкилган хоналар...

Муродхўжа секин, нафаси ичига тушиб кетган одамдай мўйловли кишига муддаосини айтди.

— Билсангиз, биродар, биз ҳам бу ерга мусофирмиз. Биздан аввал ҳам бу ҳовлида бир неча оила ўтиришган, шунинг учун қай бири сизнинг болаларингиз эканини билолмайман, меҳмон. Аммо бошпанагаки муҳтожлик сезсангиз, ҳовли-жой сизники, ҳеч қачон бировнинг мулки бировга эш бўлганмас.

— Йўқ, оғайни, мен ҳам бу уйнинг пойдеворини қуриб, устига лўмбоз босмаганман. Менга ҳам сизга ўхшаб ҳукумат берган, болаларим, оилам деб келганман.

— Бўлмаса суриштирадиган ишларингиз бор экан-да.

— Шундай, биродар, мен жилай бўлмаса.

— Кечга ётмоққа келинг.

— Қуллуқ.

Муродхўжа янги шаҳар гузаридаги чойхонага ўтиб, нафасини ростлади. Сўраб-суриштириб, Раҳмоналининг дарагини топди.

Раҳмонали ўтган йиллар мобайнида ўқиб улғайган, ҳукуматнинг назарига тушиб, Фарғонанинг айтувли раҳбарларидан бири бўлиб етишган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикни Раҳмоналининг ўзи очди. Аввалига у қаршисидаги одамни кимгадир ўхшатди-ю, танигач, ранги оқариброқ бўлса-да, қулоч ёзиб кўришди.

— Э... э... э, буни қаранг, буни қаранг, одам омон бўлса охир-оқибат кўришар экан-да, қани, марҳамат, ичкарига киринг.

Муродхўжага Раҳмоналининг бағри совуқ туюлса-да, у чинданам самимий одамдай муомала қилишга уринарди.

— Ҳа... уй-жой қилиб чиқибсан-да,— Муродхўжа кўзига иссиқ кўринаётган ҳовлига синчиклаб қарашга андиша қилди.

— Йўқ, уй-жой қилиб чиқишга вақт қаёқда, ҳукумат уйи-ку бу, наҳотки танимаётган бўлсангиз?

Улар айвон томон ўтиб, столга ўтиришди.

— Ҳа... буни қаранг, шундай қилиб, тамомила қутулиб келдим, денг, биратўла ҳисоб-китоб қилиб келдим, денг?

— Биратўла қутулиб келганим рост, Раҳмонали, лекин ҳисоб-китоб қилганим йўқ ҳали.

— Ҳужжатлар, озод қилинганингиз ҳақидаги ижозатномалар, ҳаммаси ёнингиздами?

— Ҳа, ёнимда, нимайди? Менинг ўзимга, Муродхўжа Ўрунхўжаев эканимга, ноҳақ қамалиб, оқланиб келганимга ишонмайсанми?

— Мен-ку, биламан, лекин одамлар ҳам ишониши керак-да.

— Сен ким, одамлар ким?

— Мен раҳбарман, одамлар одамлар-да.

— Одамлар ишонган ҳақиқатга партия, ҳукумат раҳбари ишонмайдими?

— Нима, ҳужжатларингизни мана деб кўрсатиб қўйиш шунчалик қийинми?

— Йўқ, қийинмас,— Муродхўжа қўйин чўнтагидан кармонини олиб, бир даста сарғайиб кетган ва яна оппоқ, янгилиги шундоққина билиниб турган, имзо ва юмалоқ муҳрлар босилган ҳужжатларни Раҳмоналининг олдига ташлади.— Яхши, садоқат билан ишлайдиган раҳбар бўлибсан.

— Ишимиз тақозо этганича ишлаяпмиз, Муродхўжа ака, сиз ҳам мана энди миннатдор бўлишингиз керак.

— Кимдан?

— Партия ва ҳукуматимиздан.

— Нега?

— Нега деганингиз нимаси, мана, ҳақиқат ахир юзага чиқиб, озод этилдингиз-ку.

— Туҳматнинг умри шунчалар узоқ бўладими, ҳақиқат тупроқдан бошини кўтаргунча ўн саккиз йил азоб чекишим керакмиди, партиянинг ақл-идроки шунчаликмиди?

— Сиз партияга тил теккизманг, ўзингиздан ҳам ўтгани бордир.

— Йўқ, мендан ўтгани йўқ, Раҳмонали.

— Унда қасос оласизми?

— Йўқ, ҳақиқатни суриштираман.

— Сизга ўхшаган битта-яримтани ҳисобга олмаса, ҳаммаси ноҳақ бўлганмас, ким билади, балким сизда ҳам йўқ эмасдир...

— Азоб чекмагансан, ҳақиқатнинг юзига тикка қарамагансан, муз бўлиб қотиб қолган Ленининнинг сафдошларини кўрмагансан, менга ўхшаган бир қамалган бечоранинг бола-чақасини кўчага ҳайдаб чиқариб, маза қилиб ўтирибсан, сенга гапириш осон, қўй, Раҳмонали. Мен сен билан баҳс этай деб остонангни ҳатламадим, болаларимнинг дарагини билайин деб ўтган эдим. Сен бўлсанг сўроқлаганинг сўроқлаган, қўрқма, сенга сўз теккизиб қўймайман. Келганим боиси, эшик томон ўтган эдим, ичкаридан бегона эркак чиқди, нима гап ўзи, хабаринг бўлмадими?

— Э, ҳеч нарсадан огоҳ эмассизми?

Йўқ, қайдан, недан огоҳ бўлай, Раҳмонали? Айт, ҳамма нарсани айт, яшириб ўтирма, ўғлим.

— Бошингизга кўп мусибатлар тушган, Ўрунхўжаев.

— Бўл, Ўрунхўжаевламай, бор гапни рўйи-рост сўзла.

— Уруш бошландию болаларингиз — Фрунзе, Бекжон, Нуржон, Отажонлар бирин-кетин кетишди. Ёшлари етмаганлариям йўлини топишди, қаҳрамонлар. Кийикбиби аямиз ҳаммасидан қорахат олди. Фрунзе Берлингача борган экан, у армиямиз Рейхстаг устига ғалаба байроғини қадаган кун қаҳрамонларча ҳалок бўлибди.

— Тўртта паҳлавоним-а, ҳаммаси-я?

— Шундай бўлди, она Ватан йўлида жанговар топшириқни шараф билан адо этаётиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Партия ва ҳукуматимиз ўзининг азамат фарзандларини ҳеч қачон унутмайди.

Муродхўжа ўзини йўқотиш ўрнига ҳушёр торта бошлади. У хаёлида уруш бўлгану ҳамма баробар бош кўтариб, от устида қилич ўйнатиб, ажалнинг уруғини даф этган деб ўйлар, урушнинг бутун даҳшати ва уқубатларини ҳали яхши англаб етмаган эди, шунданми, хаёлига келган, тилининг учида турган гапни тўхтатиб қололмади.

— Менга қара, Раҳмонали, бу дейман, сенам катта ўғлим билан қурдош эдинг чоғи, сен ўзинг урушга бормабсан-да, а?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мени комсомол Тожикистонга — Лаъли Бадахшонга, меҳнат фронтига раҳбар этиб жўнатди, сизнинг булардан хабарингиз йўқ, бизнинг ҳам ғалабага қўшган ҳиссамиз чакки бўлмади.

— Кийикбибининг ўзи-чи, унга нима бўлди?

— Кийикбиби аямиз охирги қорахатни олганларидан кейин Тошовузга кетиб қолдилар.

— Ҳомиладор эди, адашмасам.

— Ҳа, айтмоқчи, бу хушхабарни айтмабман-ку, фарзандингиз, қизингиз бор. Кийикбиби аямиз уни шу ерга, детдомга бериб кетганлар. Халқ душманининг боласини етимхонага олиш ҳам қийин эди ўша кезларда, сўз тегиб қолишидан чўчимай, қўлимиздан келган ёрдамимизни аямадик. Ҳозир қизингиз Тошкентда, қандайдир ўқишниям битириб олган дейишади.

— Ҳа... раҳмат, оиламдан хабардор бўлиб турибсан.

— Ўзи қачон келдингиз?

— Бугун, шу бугун эрталаб.

— Ҳа... дарров менинг ҳузуримга келиб яхши қилибсиз. Қонун тақозо этган даражада, қандай кўмак керак бўлса ёрдамни аямайман.

— Ўша қорахатлар қаердалигидан хабаринг йўқми?

— Менда, менда. Кийикбиби аямлар Тошовузга кетиш олдидан ташлаб кетганлар, сақлаб қўйибман.

— Опчиқ!

— Жой-пой, иш масалаларини ҳозироқ ҳал этиб, тегишли ташкилотларга қўнғироқ қиламан.

Раҳмонали ўрнидан туриб, ичкарига кирди. Муродхўжа баланд ғиштли айвондан ҳовли саҳнига назар ташлади. Шу тобда кўнглига ҳеч нарса сиғмаса-да, айвонга айланма зинапоя билан чиқадиган, бир уй, бир даҳлизли оврупоча бу ҳовли кўзига таниш кўринди. Ҳатто қачондир келганини эслади. Эгаси ким эди бу уйнинг? Муродхўжа бошини кўтарган эди, айвоннинг нариги чеккасидан келаётган Раҳмоналиги кўзи тушди. У замонасидан анча ўзиб кетган одамлардай кийинган, ям-яшил, баҳор фаслига мос бўйинбоғ, оҳорлик костюм, оёғида чиройли туфли, қоп-қора жингалак соч, буларнинг ҳаммаси унга аллақандай салобат бахш этиб турарди.

— Мана ўша хатлар, лекин шундай осойишта кунларда қорахат топшириш ғалати туюлар экан одамга.

— Ҳеч ғалатимас, беравер,— Муродхўжа уларни ўқимай, ҳатто тузукроқ назар ҳам ташламай кармони орасига солди.— Айбга буюрма-ю, келаётганимда халқ душмани саналиб қамалганларнинг фарзандларини аскарликка олмаган, деб эшитиб эдим, ёлғон эканда-а?

— Кўп ҳам ёлғон эмас, лекин болаларингиз ўзингиздан ҳам баттар қайсар эди. Фронтга юбормаганига қўймади, биз ҳам ёрдамимизни аямадик.— Раҳмонали кўзлари яшнаб Муродхўжага қаради.

— Кетишларигами?

— Ҳа-да.

Муродхўжа индамади. У ўрнидан қўзғалаётганида Раҳмонали чўнтагини ковлаётган эди. Муродхўжанинг қошлари пирпираб кетди, бундай кезларда қизил аскарнинг қўли қиличнинг дастасига боргучи эди.

— Осмон узоқ, ер қаттиқ, ўғлим.— Ўрунхўжаев эски солдат шинелининг тугмаларини ечиб нимадир қидира бошлади, қўллари қалтиради, лекин қўлига ҳеч нарса илинмади.

* * *

Муродхўжа эски шаҳардаги чеккароқ чойхоналарнинг бирида тунади. Ярим кечада, ўзига ўхшаган кўчада қолганлар уйқуга кетганига ишонгач, чойхоначидан сўраб олган жинчироғини ёндириб, эрталабдан буён кўкрагини тилка-пора қилаётган мактубларни унинг ёруғига яқинлатиб, ўқий бошлади.

«Ўртоқ К. Ўрунхўжаева!

Ўғлингиз оддий солдат Бекжон Ўрунхўжаев Москва остонасидаги шиддатли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Капитан Волгин И. В.»
17.XII.41

«Ўртоқ К. Ўрунхўжаева!

Ўғлингиз оддий солдат Нуржон Ўрунхўжаев Сталинград учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Капитан Дуров И. К.»
9.I.42

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ўртоқ К. Ўрунхўжаева!
Ўғлингиз оддий солдат Отажон Ўрунхўжаев Белоруссияни озод этиш учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.
Старший сержант Сабуров А. Р.»
14.III.43.

«Ўртоқ К. Ўрунхўжаева!
Ўғлингиз майор Фрунзе Ўрунхўжаев Рейхстагни ишғол қилиш учун олиб борилган шиддатли жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.
Полковник Никитин З. Ю.»
20.IV.45.

Муродхўжа пахталигига юзини ишқаб, ингради, муштларига пешонасини тираб, тўлғонди, кўзёшлари селдай босиб, унсиз фарёд этди.

«Полапонларим-эй, болагиналарим-эй, халқ учун қурбон бўлган ботирларим-эй! Ростмиди буларнинг ҳаммаси? Эҳа... пешонангдаги юлдузларинг, дўстларингни олға етаклаган қўлларингга ушлаган қурол қандай ярашиғлик кўринган экан одамларнинг кўзларига, ҳей?! Болагиналарим-эй, полапонларим-эй...»

Муродхўжа кўз ёшлари ич-ичига сингиб кетган пахталигига юзини босиб, уйқуси келганидан эмас, ҳолдан тойганидан тонгга яқин кўзи илинди. Кўзи илиндию кун ғира-шира ёришаётган маҳал уйғонди. Оч-наҳор, бу йўлларга энди бошқа қадам изи қилмайман деган ниятда уйлари томон тезлади.

Эшикни тақиллатганида худди кечаги алпозда ўша нотаниш хушчеҳра киши дарвозани очаркан, Муродхўжага кўзи тушиб, қойинди.

— Э, э, бу қандай бўлди, меҳмон? Бола-чақа билан дастурхон ёзиб, топганимизни қозонга ташловдик, а, яхши қилмадингиз, яхши қилмадингиз.

— Энди, узрлик иш чиқиб қолди, биродар, яна безовта қилдим сизни

— Безовталиги борми, меҳмон! Битта хонани ҳозирча бемалол қилиб қўйдим, мана, ҳадемай елкамизга офтоб тегиб қолса, биратўла ҳовлини ҳам бўшатиб бераман.

— Ҳа, йўқ, бу ўйни кўнглингиздан чиқариб юборинг, кетаётганимда бир ҳужжат қолдириб эдим, шуни олиб кетайин деб келдим.

— Бемалол кираверсинлар.

Муродхўжа ҳовлининг орқа томонига ўтиб, чинор тагини кавлади, мўлжалга яқинлашаётганида юрагининг гупиллаб ураётганини сезди, ниҳоят кетмон учи занг босган пўлат сандиққа «тик» этиб тегди.

Муродхўжа қайтиб чиққанида уй эгаси айвонга кичкина дастурхон ёзиб, кутиб ўтирган эди.

— Насибангиз, қани бу ёққа ўтсинлар, меҳмон,— унинг кўзи Муродхўжа қўлидаги кичкина занг босган пўлат сандиққа тушди-ю, чиройи ёришиб, гапида давом этди.— Ҳа, бола-чақалик одам, бир кори-ҳолимга ярар деб у-буни қўйиб яхши қилган экансиз, ҳалол мол эканки, мана, ҳеч кимнинг назари тушмабди.

— Йўқ, йўқ, биродар, бу молу дунё эмас. Биз от миниб, қиличнинг дастасини ушлаган кезларда кўзимизга олтину ёмби кўринмасди, ҳужжат бу, биродар, гапнинг ростини айтсам, партия билети ва қўмондон ҳадя этган тўппонча. Ё кўрсатайми?

— Лозими йўқ, лозими йўқ, сиз бу ерни кавламадингиз, мен уни кўрмадим, меҳмон, насибаларига қарасинлар.

Муродхўжа эрталабки иситилган шўрвага майдалаб қесиб, қотирилган қаттиқ нондан бир нечтасини ташлаб ичаркан, вужудидан тер чиқиб, танаси яйраб кетди. Унинг Фарғонага қадами етиб ичган иссиқ овқати ҳам шу эди. Муродхўжа астойдил ўрнидан туриб, уй эгасига қуллуқ қилди.

— Бу хонадонда бир коса шўрва ичмоқни ўн саккиз йил кутибман, умрингиздан барака топинг, биродар, минг раҳмат.

Воқеалардан бехабар уй эгаси меҳмон айтаётган гапларнинг маъносига тушунмади.

— Бугун кечқурун келсинлар бўлмаса, бир баҳоли қудрат ош қилурмиз, юк-тоқни олиб келишга қийналсангиз, арава-уловимиз ҳам бор, бирга борайинми?

— Йўқ, биродар, бир хона ҳам, умуман уйнинг ҳам кераги йўқ энди, бошқа келмайман, бу қутлуғ жойлар ўзларига насиб этсин, омонлик бўлса, кечқурун Тошкентга жўнайман.

Уй эгаси бу нотаниш, ғалати одамни остонасигача кузатиб чиқди, муюлишдан қайрилиб кетгунча орқасидан қараб турди.

* * *

Ёдгорбек уйғонганида аллақачон тонг отган эди. У қайрилиб ойнага қаради, ёнғоқнинг барглари деярлик тўкилиб сийраклашиб қолганиданми, осмон ярқ этиб кўринди. Само жудаям тиниқ, кузнинг зилол сувидай мусаффо эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Омонмисан, бепоён дунё! Агар оёққа турсаму ерни босиб кўкка қарамоқ насиб этгудай бўлса, сенга телмурмаган, сен билан юзма-юз бўлмаган кунларимни лаънатлагайман!

Ёдгорбек ёнига, Мурод бобонинг бўш каравотига қаради. Бу жой унинг кўзига узоқ сафардан ҳолдан тойиб, жони ўзилган йўловчининг кимсасиз, мунгли қабрига ўхшаб кўринди. Кўз олдидаги ғалати манзарадан чўчиди. Гўё ўша сағанадан Мурод бобо секин чиқиб келаётгандай, қўлига бир ҳовуч ёнғоқ тўлдириб, Ёдгорбек томон яқинлашаётгандай эди. «Мана бу табиатнинг нозу неъматларидан татисинлар», дегандай ҳамхонасига тикилар, унсиз бош томонига ўтар эди. Қўлидаги ёнғоқларини тумба устидаги гуллик тақсимчаларга бўлиб, яна Ёдгорбекка қарарди. Унсиз, унсиз, унсиз сукунатнинг азоби бошланарди.

Ўтган куни кечқурун Ёдгорбек Мурод бобога ҳазил аралаш гапирди:

— Келинг, Мурод ота, ҳангомаларимиздан бир шингилини мана бу магнитофоннинг ичига киритиб қўяйлик, қайбиримиз бу оламни илгарироқ тарк этсак, қолганимизга эсдалик бўлар.

— Қўйинг...

Одатда Мурод бобо ташқарига чиқиб, узоқиб кетса, Ёдгорбек «Весна»нинг тугмачисини босар, баъзан бундай кезларда бобонинг ўзи ҳам кириб қолар, «Зап эрмак топдингиз-да, ўғлим» деб бир жилмаяр, иккалалари ўзларининг овозидан ўзлари маст бўлишиб, биргаликда эшитишар эди. Ҳозир Ёдгорбек яна тугмачасини босди, ундан ўзининг нимжон товуши эшитилди.

— Сиз қўйинг дейсиз-у, ҳали ёзилиб бўлгач, эшитганингизда, «буни илгарироқ ўйламаган экансиз-да», деб мендан хафа бўласиз.

— Бўлмаса эсдалик бўлсину ҳарқалай сизга қолсин эсдалик, баъзан мен узоқ яшамоқнинг ҳам азобини тортиб кетаман.

— Жим,— деди Ёдгорбек ўзига-ўзи, Мурод бобонинг товуши лентада жаранглаб, вазмин эшитила бошлади.

— Сўзлолмайман, ўғлим, айтолмайман, ўйласам, тилим калимага бормас.

— Нега энди, ахир дардни айтиб, тўкиб енгиллашади одам, дейсиз-ку ўзингиз, сиз ҳам шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларига дуч келгансиз.

—...

— Ноўрин сўз айтдимми, Мурод ота?

— Йўқ, йўқ, ноўрин эмас, ўғлим, лекин жуда совуқ гапларингиз, эшитолмайман шундай сўзларни, Ёдгорбек. «Шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларига дуч келгансиз», деганингиз нимаси, ҳаммангиз шундай, анови сандиқчангиздаги лентага ёзиб олгандай бир хил, бепарво, гўё Лазокат хола мана шу шафтолингиз ёмон бўлиб қопти дегандай бемалол гапирасиз, эҳа... шундай сўзлаб бўлар эканми, Ёдгорбек!

— Нима дейлик унда?

— Ҳа... мени англамаяпсиз, ўғлим, шернинг суратидан кичкина бола ҳам чўчимайди. «Шахсга сиғинишнинг оғир оқибатлари» сизлар хаёлингизга келтиргандай кечганмас, бутун Сибирь ажал лагерига айланган, энг асил коммунистларни навбат билан отиб тамом қилолмаганлар, билсангиз, музлаб қотиб ўлганлар.

— Мен сизга ишонмасам гумроҳ бўлурман, лекин барибир ўтмишни суриштиришдан кўра бегуноҳ кетганларнинг номларини улуғлаш афзалроқ бўлур.

— Суриштириш керак, кесиб ташланган бир кичик новдани ҳам нега кесгансан, лаънати, деб сўраш керак, бўлмаса одамларда ишонч қолмайди, ўзи усиз ҳам бебурд бўлиб боряпсизлар, ростини айтсам. Билмадим, ўғлим, яна, балки менинг юрагимда ўчиб тамом бўлмаган аламнинг қасоскор нидоси бордир ёки шу бугун отиб ўлдирилганлар номига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан бехабардирманки ўша билганларим билан қолиб, сизни хижолат этаётгандирман. Аммо қайтиб келганимдан сўнг бир гал Қодирий хотирасига бағишланган анжуманда уни маҳв этганларнинг яна ҳурмат-эҳтиром билан тўрда ўтирганларини кўрганман. Шул боис сизларга ишонгим келмайди. Эҳа... Олов бўлиб ёниб, ҳақиқатни оёғости қилганларнинг юзига тикка қараб, сенинг бу ерда ўтиришга ҳаққинг йўқ, деб айтолмай, «шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларига дуч келгансиз, қурбони бўлгансиз», деб чайналиб ўтирганингизга чидаёлмайман.

— Ҳозиргиларнинг, ўша тўрда ўтирганларнинг устамонлигини билмайсиз, Мурод ота. Улар ҳамма нарсани Сталин қилган-у, биз беайбмиз, дейишяпти, ўзларини Қодирийга шогирд, унинг чопонининг тагидан чиққанмиз, деб мақтанишяпти.

— Сизлар чапак чаляпсизларми?

— Ҳа.

— Унда шижоатларингизга ўт тушсин, менга ундай гапларни айтманг, бор бўлса ҳам йўқ денг.

— Кийикбиби опамнинг дарагини топганингизда...

— Э... қўйинг ўғлим, юракларимни эзманг... Одамлар Кийикни ҳам ўша «Айиқтош» этагидаги мозорга қўйишибди, кимсасиз, йўқловсиз қолган сағанани тополмадим.

— ...

— ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раҳмоналини ҳам роса изза қилибсиз-да?

— Шундай... Шуларга ўхшаганлар урушга борганларида тўртта паҳлавонимдан биттаси бўлсаям омон қолармиди...

— Оллоберган ҳам сандалнинг ичида тирикчилик қилиб қўлга тушгандир-да?

— Йўқ, у урушга ҳаммадан олдин отланган, хаёлида бораману бир омад келса янада тепароққа чиқаман, деб ўйлаган. Қарасаки, урушнинг охири кўринадиганмас, ўйлаб-ўйлаб, қуролини ташлаган, қўлини кўтариб, немисга асирга тушган, падар лаънати.

— Барибир Оллоберган билан ҳисоб-китоб қилмабсиз-да, Мурод ота?

— Э... қизиқ гапирасиз, балчиққа беланиб, хор бўлиб ётган нокаснинг бошига тепмоқ номардлик бўлади, ўғлим.»

Мурод бобо Оллоберган билан учрашув ҳикоясини айтаркан, магнитофондан Ёдгорбекнинг чуқур нафас олишигина эшитилиб турарди.

* * *

Мурод бобо Оллоберганни Тошкентда, Каллахонадан тушиб келишдаги пастликда, лўлилар элак, пойтеша, човли, турли шиша маржонлар ва яна минг бир хил майда-чуйдалар сотиб ўтирадиган жойда, тагига эски пўстин ташлаб, ғалати, кўкиш ойна идишга йиртилган газета парчаларини бурма қилиб солиб, нос сотаётган аҳволда учратди.

— Эҳа... Шу ерда экансан-ку...

Муродхўжа Оллоберганни бир ирғиб тушса керак деб ўйлаганди, унинг парвойига ҳам келмади. Ҳатто бошини тузук-қуруқ кўтармай, хотиржам деди:

— Ҳа, қизил командир, сенмисан?

— Менман, лаънати, менман. Бошингни кўтариб, тикка қараб гапир.

— Қараб нима қиламан, ўша-ўша Мурод партизансан, шохинг чиқмабди, кўриб турибман.

— Кунингни қара, итдан баттар хор бўлибсан-ку!

— Сенам осмонга чиқиб кетмабсан, банди узилган хамакдай бужмайиб қопсан, нари тур, харидорнинг йўлини тўсма.

— Пешонангдан отиш керак эди ўзи.

— Гуноҳимга яраша жазойимни тортиб келганман, икки марта отишмайди одам деганни.

— Немисга таслим бўлганингга, хоинлик қилганингга олгансан жазойингни, ҳали Искандар Матрайимовнинг қони, менга ўхшаганларнинг қасоси бор бўйнинда.

— Мен Искандар Матрайимовни ким ўлдирганини бўйнингга қўйиб, ҳукуматнинг қўлига тутқазиб қўйганман. Ундан кўра худога шукр қил, умринг бор экан, қалтираб бўлса-да, ерни босиб юрибсан.

— Афсус. Сен ушлаган қуролни ҳукумат менга бермаган...

— Кўрамиз ўша ҳукумат сени духобага ўраб кўмишини, билиб қўй, сен, ўзинг ҳам итдан баттар хор бўлиб ўласан, билсанг, бўйнингда неча минг навқирон йигитларнинг қасоси бор, ҳа... Худо ҳам бор, тўртта ўғлингни ўлдириб, фарзанд доғининг нималигини кўрсатиб қўйибди ўзингга, билдингми?

Оллоберган носқовоғини силкитиб, у ёқдан-бу ёққа олазарак бўлиб қараётган харидорга кўзи тушиб, ўрнидан туриб кетаёзди. Бир зумда Муродхўжани ҳам эсдан чиқариб, носқовоғини ушлаб турган одамга интилди.

— Келинг, аковси, келинг, носдан адашманг, бу атрофда бундан зўрини тополмайсиз. Тешавой носпурушнинг носи бу, кеп қолинг...

Оллоберганнинг тили шундай бурро эдики, харидор қўлидаги носқовоғини қандай қилиб унга бериб қўйганини билмай қолди. Муродхўжа Оллоберганга бирпас қараб турди-да, секин жилди.

* * *

Бу тонг Ёдгорбек ажиб бир ўксик, азобли ўйлардан қутулолмай уйғонди. У ҳеч бўлмаса Мурод бобонинг пичирлаган товушини эшитиб, вужудини босиб келаётган мудҳиш ғулғулани ҳайдамоқчи бўлди.

— Ҳорманг ота, яхши ухлаб турдингизми?— деди Ёдгорбек.

Мурод бобо индамади. Бобо ҳар гал саҳарда, Ёдгорбекнинг овозини эшитгач, «Раҳмат, ўғлим!» дейишга мадори етмаган тақдирда ҳам, бошини қимирлатиб қўйгучи эди, бугун на индади, на бошини кўтарди. Ёдгорбекнинг юраги «шув» этди.

Хонага Лазокат хола пол артгич таёғи билан пақирини кўтариб кириб келди. У Мурод бобога кўзи тушгач, қўлидагиларни ерга қўйиб, отанинг ёнига югурди.

— Ота, ҳой, ота.

— ...

— Э... худо раҳмат қилсин, бандаликни бажо этибдилар,— деганича Лазокат хола кафтларини юзига тортди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёдгорбек титраб, адёлнинг учини зўрға топди, уни юзига тортаркан, ўзи ҳам қайтиб турмайдиган одамдай тинчиди. Ич-ичидан бир фарёд босиб келар эди.

* * *

Чолнинг мурдаси шаҳар ўликхонасида уч кун турди. Аммо қариндош-уруғлардан дарак бўлавермагач, маҳаллий ҳукумат ноилож маблағ ажратиб, дафн эттирди. Албатта, Оллоберган айтгандай духобага ўраб кўмганлари йўқ.

* * *

Ёдгорбек бобонинг ўлимидан сўнг жуда лоқайд бўлиб қолди. Гўё унга энди бу дунёнинг қизиғи йўқдай, ўзи ҳам бугун ё эрта бу ёруғ олам билан видолашадигандай эди. Шунинг учунми, Ёдгорбек остонада ўзига тикилиб турган аёлга қарамади ҳам. Қолаверса, бирон нарса сўраб қолмасин, деб юзини тескари бурди.

— Кечирасиз, Мурод ота шу хонада ётган эканлар,— деди остонада турган аёл.

Ёдгорбек бобонинг номини эшитиб, ўгирилди.

— Келинг, мана каравотлари, шу ерда менга ҳамроҳ эдилар, кимлари бўласиз?

— Қизлариман.

Ёдгорбек чўчиб тушди.

— Бибигулмисиз?

— Ҳа.— Бибигулнинг «ҳа»сида афсус бўлса-да, аёлларга хос бўлган фарёддан ўзини зўрға ушлаб тургучи титроқ нидо йўқ эди.— Узр, дадам сизга бирон нарса айтмадиларми?

— Айтдилар, айтдилар,— Ёдгорбек Бибигулнинг чиройи ёришиб, кўзлари яшнаб кетганининг боисини тушунмади.— Чоғимда ойингизга ўхшар экансизми, сизни кўп йўқлар эдилар. Ёнимда бўлганида айтадиганим бор эди, дер эдилар, армонда қолдингиз, Бибигул.

— Ҳа... айтганингиз рост, армон бўлиб қолди билсангиз, бу ердан узоқда эдимда. Шу десангиз, ўғлимни ўтган йили армияга жўнатиб эдим, армияси ҳам бор бўлсин, Хабаровский деган дунёнинг бир чеккасига олиб кетса бўладими, жой бўлмай гумдони чиқсин илойим. Болажонимни кўриб юраккинам эзилиб кетди, акажон, қулоқлари кўкариб, қотиб қолибди боламнинг бояқиш, ўша ёқда эдим, келолмадим!

— Ҳа... узоқ иши қийин.

— Ҳар йили икки-уч ой ётар эдилар, овора бўлиб болаларингни ташлаб келавермагин, дер эдилар... Бошқа бирон нарса демадиларми?

— Йўқ, васиятлари бўлганида айтмасмидим.

— Шу десангиз, бир кўк книжкаларига кўзим тушувди, беш-олти тангалари бормиди-ей, бироз қўшиб, бошларига мармар тош ўрнатиб қўйсам, девдим.

— Беш-олти танга эмас, Бибигул, ўша кўзингиз тушган кўк книжкада ўн мингми, ундан ортиқми... пуллари бормиш.

— Қаранг, отам бечора-ей,— Бибигул чўнтагидан рўмолча олиб, йиғламсираб кўзларини артди.— Отамнинг муборак қўллари теккан ўша дафтарчани бир кўзимга суртай, менга кўрсатинг, акажон.

— Вафотларидан сўнг уни комиссия акт тузиб олиб қўйди.

— Менга бермайдими, мендан бошқа меросхўрлари йўқ-ку, беришмайдими, закон шундайми, акажон, ўлган одамнинг пулини олиб қўйишадими?

— Агар Мурод бобонинг ўзлари бирон жойга харажат қилинглар, деб васиятнома қолдирмаган бўлса, сизга тегишли қисмини беришади.

— Нимага харажат қил дейди, нимага харажат қилади бировнинг пулини?

— Масалан, ўғилларининг хотирасига бирон ёдгорлик ўрнатишни айтадими...

— Акаларимнинг мозори бўлмаса, ёдгорликни нима қилади, акажон, ахир мен тирик бўлсам...

Ёдгорбек Бибигулнинг кейинги гапларини, нима деганини англамади, кўз олдидан Мурод бобонинг ажиб туғёнли кунлари ўтаверди, кейин хаёлларига кимдир халақит бераётганидан ғаши келиб, тескари ўгирилди.

Бибигул, отамнинг книжкасини шу одамнинг ўзи олмадимикан, дегандай Ёдгорбекнинг каравотига яқинлашиб, унга энгашди.

— Нима дедингиз, акажон, ҳа?..

Ёдгорбек ўгирилиб, зўрға пичирлади:

— Йўқолинг...

Бибигул чуқур сандиқ ичида ётган одамнинг ранги оқариб, ғалати бўлиб бораётганини сезиб, чўчиди, яна бирон кори ҳол юз бериб қолса, фалокатга шерик бўлиб қолмай, деб секин жилди.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булоқ кўз очди

Ҳабиб Абдиев

ЁНГАН БУЛУТЛАРНИ ТУШУН ДАРДИНИ

Чин инсоннинг чин дўсти, ҳабиби кам. Ёмонга йўлдошнинг эса саноғи йўқ.

Ҳабиб чинакам хаёлот фарзанди экан. Уни ҳамма ҳам тушунмаса керак. Эҳтимол шундадир унинг бахти ҳам!..

Унинг беғубор кўнглига омад ёр бўлишини истайман, Истайманки, яхши одам, яхши шоир, айниқса, ҳали уни ҳеч ким танимаганда тушкунликка тушмасин.

Ҳабибнинг самимий сатрларига юракдан тушунган инсонларга раҳмат. Тушунмаганига ҳам. Зеро, шеърни тушуниш учун олим ёки шоир бўлиш шарт эмас. Бунинг учун одам, бўлиш керак.

Қолганларини эса Ҳабибнинг ўзи исбот этишига ишонаман.

Муҳаммад ЮСУФ

Совиган меҳримни кафтига олиб,
Иситар аламим, титрама руҳим.
Қоп-қора патлари тунга қорилиб,
Қушларим учади—жонига тўзим.

Кеч бўлди, кетаман хавотирдан кеч,
Ёнган булутларнинг тушун дардини.
Сархуш хаёллари ватансиз қолган
Кунларимнинг ёдлат оппоқ ёдини.

Бу кун осмонимда юлдузлар—жаҳон,
Ажралмас бахтимни қўлимга тутгил.
Ширин тушларимнинг табриги сенсан,
Субҳидам, қалбимга бир дуо дегил.

Бош урган тошларим бунчалар қаттиқ,
Шу тошлар бағридан ситилган куйман.
Замин юрагига сиғмаган қўшиқ—
Осмон товонини куйдирган ғамман.

* * *

Эй, ёр, эй ёр, ҳайёр-эй,
Кун кўрмаган кунлар-эй.
Айиллари бўшаган—
Ҳуркар дайди йўллар-эй.
Гулоб ҳиди сочингдан
Саболарга ёйилар.
Оҳ, кўнгил изҳорига
Қандай оҳанг сойилар?!

Хаёлим хаёлингдан
Ўтаётир паришон.
Зўр отлари дунёнинг
Танлаётир кенг майдон.

Мунғайиб боқар ҳилол,
Ўйларимнинг шаҳрида.
Шовуллар она замин
Сени кўриб бағрида.

Кўзёшлари қуриди—
Чатнаётир кўзларим.
Етаклашиб кетар энди,
Бебош, саёқ йўлларим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Термулдим, чексизлик саботдир менга,
Юлдузлар ичида тобланди кўнгил.
Мен юрак сўзини сенга айтдимми,
Бахтли қўлларимда йиғладинг-а, гул!

Чигиртка соэини бағримга кўмдим,
Кўзимдан тўкилди қароланган тун.
Мен сенсиз адашиб заминга келдим
Ва сенсиз кетарман озурда, дилхун.

Жонимдан жон берди муҳаббат увол,
Қайғули ҳислари кўчар бўғзимга.
Мен мангу ҳеч нарса топмадим бунда,
Мен ўлим яратдим мангу ўзимга.

* * *

Ойдан-ой, кундан-кун ўтар, дарёдил,
Менга танҳо бўлган сен йўқсан, моҳим.
Етти кишвар аро айлангувчи йўл,
Саркаш туғёнимда саргардонлигим.

Умримнинг равшани, эй ашки тобон,
Бедарак кунларга очурсан аза.
Тунлар қаҳри ўтди, қасдимда шиддат,
Қиёматли юрак, беқарор кеча.

Саҳобларни олиб бўронлар қаро,
Айтинг, қай ерларга сузмоқда улар?!
Кўзларимда қолди ғариб ярим ой,
Кўнгли ярим гардун қайғули кулар.

* * *

Қирқ кеча малҳам бўлди,
Қирқ кундуз малҳам бўлди.
Юрагимни тўлдириб
Толғин кунларим кулди.

Кетар бўлдим, ҳижрон зўр,
От ўйнатиб тоғига.
Ботар бўлдим алам зўр,
Шомнинг қизил доғига.

Оҳ кўнглимга сайрона
Улфат бўлди кечалар.
Қучоғимдан тўкилди—
Тонгга оппоқ гулчалар.

Добил солиб-дунёни,
Чертиб ўтдим торини.
Қушлар каби, умримнинг
Овлаб ўтдим борини.

Суякларим оқарди
Умрим кенгликларида.
Иссиқ ботди қуёшим,
Кўзларимнинг тубида.

Бир қуш сайрар қўлимда,
Ўртаб мунглиғ қарорим.
Сенга даволар истаб,
Ёниб келдим-а, зорим.

Бир кеча ҳам ўтдилар,
Бир кундуз ҳам етдилар.
Қирқ кечанинг фиғони,
Қирқ кундузни тутдилар.

Дунё, дунё, у дунё,
Ухлагайдир бу дунё.
Қушчам, нолишларингдан
Уйғонгайдир бу дунё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маннон Отабой

ЮРАКДА СЕНИНГ МАКОНИНГ...

* * *

Дарахтлар
туш кўрар —
бургутларнинг ўткир тирноқларини,
танига ботгандек талпинар бирдан
яширмай бу хушбахт титроқларини.

Дарахтлар бағрига чорлар, эҳтимол,
қоялар сардори — полвон қушларни.
Увиллаб келаркан зўравон шамол
ерга қориб кетар яшил тушларни...

Уйғониш

Унга тегманглар,
ухлайверсин —
Балки ўн йил,
балки эллик йил
бордир ҳали уйғонишига.

Бир кун товони куйгач,
ўзининг бадбўй ҳидидан
уйғониб кетар.

Унгача овора бўлманг,
тилла занжирига бош қўйиб
бахтли тушлар аро
ётсин бу ғариб.

Армон

Яхшиям, юракда сенинг маконинг,
Яхшиям, кўзлардан чиқиб кетмассан,
Агар бўлмаганда бу қадар сабр,
Агар сени, сени кўмиб бўлсайди, —
Ё раб, ўзбекники бўларди, ахир,
Дунёдаги энг катта қабр —
Армонлар қабри...

Ҳақиқатга айланар эртак

Кўкка қараб учади оҳим,
Қўлларимга ботади кишан.
Ўзинг қўлла, қодир оллоҳим,
Тупроқ ичра хордир буюк шаён.

Яқинда бир шоир дўстим: «Шеър ўлди...», деди. Бошимга тош теккандек юрагим зирқираб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бир ботиний зарб билан ўзимни тутиб олдим. «Йўқ! — дедим мен, — шеър ўлмайди, ҳақиқий шеър ўлмайди!»

Ҳа, баҳорлар қайтиб, қоялар устида чечаклар кулар экан, ирмоқларда сувлар жилдираб қўшиқ куйлар экан, боғларда булбуллар чаҳ-чаҳлар экан, чўлу тоғларда жайронлар қора кўзлари қувнаб, сакраб ўйнар экан, майсалар тўлқинлар янглиғ елларда тебранар экан — шеър ўлмайди. Оналар бешиклари омон, ошиқлар қалби гоҳ хуш, гоҳ вайрон, ботирлар юрагида армон, эл-юрт ғамгузору шодмон экан — шеър ўлмайди. Шеър ўрнини ҳеч нарса босолмайди!

Маннон Отабой шеърларини «шеър ўлди...» деган сўзлар аҳён-аҳёнда эшитилиб турган шу кунларда ўқидим. Ўқидиму қувониб кетдим, ёш шоир келажагига умид боғладим. Умидим ижобатига ишондим.

Азим Суюн.

Ботар қуёш кўзларим аро,
Нигоҳимда ёнмоқлик учун.
Эзгуликка йўқдир ибтидо,
Бахт ҳақида ўйласа тутқун.

Қояларга товонни тираб,
Булутларни ҳайдайди бешак.
Ғолиб бўлар кенжа ботирлар.
Ҳақиқатга айланар эртак.

Оҳанг излаб

Узоқлардан келар бир оҳанг,
Кўзларимда дунё ранг-баранг...

Алдамасми майин оҳанглар,
Алдамасми далли бу шамол.
Мен кўрганим — камалак ранглар
Ё аллангми, эй мунис аёл?!

Ё раб, ишон, ўнгимда, ахир,
Узоқлардан келар бир оҳанг.
Нега жимсан, ҳей шўрлик тақдир,
Балки шудир мен излаган ранг?!

Шеърим каби кўзларим очиқ,
Югураман уфққа томон.
Кенг қирларда қонлари сочиқ
Қуёшни жим кузатар чўпон.

Узоқлардан келган бу оҳанг
Дилим, чўпон нигоҳидир у.
Ё ўтовда янги туғилган,
Қўзичоқнинг нидосими бу?

Ёхуд ғорда минг йиллар ётган,
Али Қушчи яширган сандиқ —
Бир қимирлаб, тўлғанганича
Юрагимга солдими санчиқ?..

Шу оҳангни излаганим рост,
Бўйнимга сен сиртмоқ сол, фалак!
Улуғбекнинг кўзларига ос —
Ошиқ куйни тополсин юрак!

Узоқлардан келар бир оҳанг,
Кўзларимда дунё ранг-баранг.

* * *

У кетди...
Ёмғир қуяр —
Менинг зор-интизор кўксим савалаб,
Унинг эса ювар кокилларини.

У кетди...
Қалдироқ чақнаб —
Йўлларини ёритиб боради унинг,
Менинг эса кесиб умидларимни.

У кетди...
Ёмғир тинди —
Қалдироқ ҳам эгик бошимда
Сўнгги бор ўйнатиб шамширин,
Ортига қайтди.

У кетди...
Ёмғир паноҳида,
Чақмоқ ортидан
Айтмас бўлиб,
Қайтмас бўлиб кетди у...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дилмурод Қуронов

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ...

Кечагина «классик» саналган асарларнинг чангини қоқиш, уларда тасвирланган воқеаларни ғирт ёлғон, ижтимоий буюртмани бажариш йўлида ўйлаб топилган, дея ҳисоблаш урф бўлиб бормоқда. Албатта, бунда матбуотда эълон қилинган «замонавий нигилизм» руҳидаги мақолаларнинг хизмати катта. Улардаги айрим фикрларга қўшилиш, айримлари билан баҳслашиш мумкин, лекин мақсадимиз бу эмас. Бизни ўйлантирган нарса — олдинги мақтовларга қандай ишонган бўлсак, ҳозирги танқидга ҳам шундай иноганимиз. Нима учун шундай? Кейинги вақтда эълон қилинган ҳужжатлар ошкор этган ҳақиқат гангитиб қўйдими бизни? Омма руҳиятини пода руҳиятига менгзаганлар ҳақли эдими ё?..

Фикримизча, бунинг илдизи бошқа: биз бадиий асар воқелиги билан реал воқелик, бадиий образ билан реал инсон орасига тенглик аломати қўйиб ўрганганмиз. Ҳа, ҳар қандай бадиий асар реал борлиқнинг бор-йўғи тасаввури эканию образнинг шу иллюзион (хомхаёлий) оламга тегишлилигини, характернинг реаллиги реал борлиқ мезонлари билан эмас, бадиий ҳақиқат мезонлари билан белгиланиши назариётчилар томонидан аллақачон айтилган бўлса-да, шундай қилиб ўрганганмиз. Тўғрироғи, бизни шунга ўргатишган, чунки Ғофир, Йўлчи, Саида ва бошқаларни реал инсон деб тушуниш тарихга ва бугунга ҳамманинг бир хил назар ташлашига асос бўлади, фикрини қолиплайди, охирроқибатда мономафкурага хизмат қилади. Шу боис ҳам бизда «реализм — ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш» деб келинди. Аслида нисбий бўлмиш реализм тушунчаси мутлақлаштирилдики, бу ҲАҚИҚАТ ягона дея уқтиришдан бошқа нарса эмас эди. Томчида қуёш акс этади, дейдилар. Тўғри, лекин шуни деб аксни қуёш дейишимиз шартми?!

«Ҳаётни акс эттиради» деган ибора ёзувчиларга нисбатан бот-бот қўлланади. Бу ибора одатий эса-да, фикримизча, у ижод жараёнини тўлиқ ифодалай олмайди. Ёзувчи борлиқни **акс эттирар экан,** унга ўз дунёқараши, орзу-интилишлари, маданий ва илмий савиясидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Шундай экан, ёзувчи **борлиқни борича эмас, ўзи англаганча акс эттиради,** бошқача айтганда «акс эттириш» ва «қайта яратиш» борлиқни бадиий талқин қилишнинг муштарак унсурларидир. Бадиий асарни (бу ўринда эпик асарлар назарда тутилмоқда) қайта яратилган борлиқ деб тушунсак, қаршимизда ўз-ўзидан реал ҳаётий далиллар, воқеа-ҳодисалар, одамлар ва уларнинг бадиий инъикоси орасидаги муносабат муаммоси кўндаланг бўлади. Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиқсак, қайта яратилган борлиқнинг реал борлиққа,— бадиий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқатига тугал мос келиши эҳтимолдан йироқ экани англашилади. Яъни, Толстой таъбирича, аслида ягона ҳақиқатни икки одамнинг бирдай тасаввур қилиши мумкин эмас. Муаммонинг торроқ жиҳатига назар ташлайлик: инсоннинг образга айланиш жараёни қандай кечади? Бу жараёнда у нималарни йўқотиб, нималарга эга бўлади? Инсон ва образ муносабати қандай?..— мазкур саволларга жавоб излаб биз Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига мурожаат этдик. Қуйида бу борадаги айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга жазм қилдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1

«Акбарали мингбошининг белида кумуш сопли қиличи, эгнида зарбоф чопони бўлмаса, ҳеч ким уни амалдор демайди...»— Чўлпон қаҳрамонини ўқувчига таништиришни айни шу сўзлардан бошлайди. Англаш қийин эмаски, муаллиф тасаввурида яхши амалдор идеали мавжуд. Акбарали эса шу идеалнинг антиподи (зидди) сифатида гавдалантирилади:

Идеал	Акбарали
Саводли, ўқимишли	Саводсиз, оми
Маърифатпарвар	жоҳил
Юрт ғамхўри	манфаатпараст, худбин
Маънавий пок	ахлоқан тубан
Сиёсий етук	дунёбехабар...

Қиёслашни давом эттиришга ҳожат бўлмаса керак, зеро шунинг ўзиёқ ёзувчи мазкур образни яратишда муайян схемага таянганини кўрсатиб турибди. Бу — **мавжуд ижтимоий ҳаёт** ва муаллиф хаёлидаги **ижтимоий ҳаёт** идеали муқоясасининг ҳосиласи сифатида юзага келган, асар мазмун-мундарижаси билан боғлиқ схемадир. Сирасини айтганда, ҳар қандай эпик асар шундай тартиб асосига қурилади, бу эса реал инсонни образга айлантириб, уни муаллиф тасаввуридаги оламга олиб киради.

Бирмунча илгари биз «Чўлпон образнинг бадиий баркамоллигини мақсад — феодализмнинг чиркин башарасини очиб ташлаш — йўлида қурбон қилгандек: Акбарали образида жонли характердан кўра схематизм кўпроқ кўрилади», деб ёзган эдик. Модомики, эътирозимиз Акбаралининг характер сифатида бўш кўрсатилганига қаратилган экан, энди, кечикиб бўлса-да, бунинг зиддича фикр юритамиз.

Юқоридаги янглиш фикрга келганимизнинг биринчи сабаби — қаламга олинган даврни етарлича ўрганмаганмиз: ёзувчи Акбарали образини яратишда қандай асосларга таянганини, қандай одамлар реал воқеликдан (ёзувчи олами орқали) асарга кўчганини билмасдан туриб тўғри хулосага келиш, албатта, мумкин эмас. Айтиш керакки, Чўлпон Акбарали тимсолида маҳаллий амалдорларга хос хусусиятларни жамлай олган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, аввало, чор ҳукумати маҳаллий амалдорлардан қай йўсин фойдаланганини аниқлаб олайлик. Маълумки, мингбоши, амин ва элликбошилар сиёсий ҳокимиятдан четлатилган эдилар. Шунга кўра, уларнинг гарданидаги вазифалар ҳам чегараланган, яъни, маҳкумларидаги ҳудудда майда-чуйда маъмурий-хўжалик ишлари билан шуғулланиш ва, асосийси, халқ орасида осойишталикни таъминлашдангина иборат бўлган. Маҳаллий амалдорлардан фақат ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, уларни сиёсатдан йироқ тутиш учун, табиийки, шунга мос одамларни танлаб қўйиш керак эди ва чор ҳукумати бунга асосан эришган. Архив ҳужжатлари кўздан кечирилса, аксарият амалдорларнинг саводсиз бўлгани, мингбоши маҳкамаларидан юборилган ҳисобот ва маълумотномаларга «...саводсиз бўлгани учун илтимосига кўра имзо чекдим» деган изоҳ билан рус ва мусулмон мирзалар қўл қўйганини кўриш мумкин. Масалан, Андижон уездининг Хакан бўлиси мингбошиси Абдураҳмон Қозоқбоев ва Балиқчи мингбошиси Бувахўжа Қаноатхўжаевлар айни шу тарзда ҳужжат расмийлаштирганлар[1]. Иккала мингбоши ҳам уезднинг шаҳар атрофи приставлигига тобелигини, приставликда эса атиги тўрт мингбоши бўлганини айтсак, масала янада ойдинлашади. Албатта, мингбошилар орасида саводлилари ҳам бўлган, лекин бўлисни бошқариш учун хат танишнинг ўзи кифоя эмас. Аксарият амалдорлар дунёда не сиру синоатлар кечаётганини, қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини миш-мишлар доирасидагина билганлар. Шу жиҳатдан Акбаралининг, муаллиф таъкидлашича, уруш ҳақидаги илк ўйлари характерли: «Шу қиронларнинг бир-бири билан урушгани ёмон бўлди... Кўп одам қирилди, дейди нойиб тўра. Менинг мирзам Соколов ҳам дараксиз кетди. Уч ойдан бери дараги йўқ. Юрт ҳам самовардай, ичидангина аста-аста қайнаб ётибди. Бир тошади бу! Ёмон тошади лекин. Одамларнинг юзига қарасам, урус, мусулмон — ҳаммасининг кўзи бежо... «ютаман!» дейди. Қимматчилик борган сари авж оляпти. Шундай оқпошшонинг хазинаси қоқланиб қолдимикан. Оқпошшо менинг гапимга кирса, юрт берса берардики, тезроқ яраш қилиб одамларни тинчитарди. Аллақайлардаги юртларни деб ўз бошини қазога тутадими киши...»[2]

Акбаралининг дунёни ларзага солган воқеа — жаҳон уруши ҳақида эндигина ўйлай бошлагани бир қарашда муболағадай, муаллиф бирмунча ошириб юборгандай туюлади. Аслида эса бу ўринда ҳеч бир муболаға йўқ, чунки қаҳрамон, ҳар қандай сиёсатдан йироқ одам сингари, уруш воқеалари бевосита ўзига таъсир қила бошлагандагина у ҳакда ўйлай бошлайди. Акбаралини ўйга толдирган нарса — қимматчиликдан «юртнинг самовардай қайнаб ётгани»— молию жонининг ташвиши, холос. Эътибор берилса, Акбаралининг фикрлаш тарзида чор ҳукуматини қониқтирадиган жиҳатларни топиш мумкин. Биринчидан, у жаҳон урушидан анча илгари бошланган чоризм инқирози

[1] ЎзССЖ МДА, Ф. 326. о. 1, д. 26.
[2] Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман. Биринчи китоб. «Шарқ юлдузи», 1988 йил, № 2, 126-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида мутлақо тасаввурга эга эмас, ҳалиям «шундай оқпошшо» деб оғиз тўлдириб гапирадики, унинг қудратига бешак ишонади. Иккинчидан, у урушнинг моҳиятини, оқпошшога «аллақайлардаги юртлар» нима учун кераклигини англамайди, табиийки, шундай одам мустамлакачилар юртига нега канадай ёпишиб ётганларини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Бу нарсаларнинг фаҳмига етиш учун киши аввало сиёсий саводли бўлиши керак. Рус тилини билмаган одам учун эса у вақтда, ҳарбий цензура кўригидан ўтувчи айрим жадид нашрларини демасак, сиёсатдан хабардор бўлишга деярли имконият йўқ эди. У маълумот олиши мумкин бўлган ягона нашр — «Туркистон вилоятининг газети»— хабарларни «айтишларича...» «ёзишларича...»дан бошлаб, «эмиш» билан тугатар эди. Шу ўринда яна бир ҳужжатга эътиборни қаратмоқчимиз. Андижон уездининг бошлиғи полковник Брезжицкий юқоридан жўнатилган «Маҳаллий тилда газета чоп этиш ва уни аҳоли ўртасида тарқатиш мақсадга мувофиқми?» деган сўровга: «Маълум қиламанки, маҳаллий тилда газета нашр қилиш ва уни аҳоли ўртасида тарқатиш мутлақо зарурдир... Маҳаллий халқ орасига душманларимиз — исломнинг зарарли асосларини тарғиб қилувчи эшонлар ва бошқа руҳонийларнинг ғояларини эмас, биз истаган ғояларни сингдириш учун яхши йўлга қўйилган газета керак...»[1] деб жавоб берган эди. Аввалари маҳаллий амалдорлар приставлар томонидан «Туземная газета»га мажбурий обуна бўлганларини, кейинроқ эса пристав тавсия этган рўйхатга асосан бепул (!) олганларини эътиборга олсак, чор ҳукумати «кадрлар сиёсатини» ниҳоятда пухталик билан олиб борганига яна бир карра амин бўлиш мумкин.

Юрт бошида турган саводсиз одам, табиийки, юртнинг маърифатли бўлишидан манфаатдор эмас, чунки зўрлик ва жоҳиллик билан омиларнигина бошқариш мумкин. Чўлпон шуни кўрсатмоқ учун ҳам Акбаралининг газетада танқид қилганларидан жизғанаги чиқиб турган ҳолатни чизган кўринади. Шу ўринда Мирёқубнинг «газетчини ҳар нарса» қилишга шай турган мингбошига қарата айтган гапи эътиборга лойиқ: «Бу маҳкумингиздаги **қаро фуқаро** билан (таъкидлар бизники — Д. Қ.) бўладиган иш эмаски, чақиртириб келиб Мирзабобога буюрсангизу ертўлага олиб тушиб қичиган ерини қашласа!.. Газет ёзадиганлар одатда, закунчи бўлади... Улар билан ярим пошшога ўхшаган улуғ одамлар олишмаса, **анча-мунча амалдор** бакор келмайди...»[2]

Акбарали қанча ҳовлиқмасин, ўзининг ўша «анча-мунча амалдор»лар сирасига киришини ичдан ҳис қилади. Шу боис ҳам, гарчи «нойиб қўймади» деса-да, мактабни ёпишни ўзи ҳам истаган. Кўрамизки, Туркистон халқини жаҳолатда тутишдан манфаатдор чор ҳукумати учун акбаралилар бу жиҳатдан ҳам қўл келади.

Романда Акбаралининг иқтисодий жиҳатдан нўноқлиги, янги иқтисодий шароитда зарур бўлган омилкорликка эга эмаслиги равшан кўрсатилади. Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан муаллиф бу ўринда ҳам ҳақ: чор маъмурлари амалдор тайинлар экан, номзоднинг иқтисодий аҳволига ҳам жиддий эътибор берганлар. Мана бир мисол: Скобелев уезди бошлиғи Аввал бўлиси қозилигига сайлов натижаларини Фарғона губернаторига жўнатар экан, уларни тасдиқламасликни сўрайди. Уезд бошлиғини ташвишга солган нарса номзод сифатида кўрсатилганлардан бири «собиқ йигит, ҳозирда Аввал мингбошиси, кейинги вақтда пахта иши бўйича савдо операцияларини авж олдириб юборган» Тошматов эканлиги эди. Унинг айтишича, «Тошматов феълининг беқарорлиги ва пахта савдоси бўйича операцияларда иштироки билан шундай ишларни келтириб чиқариши мумкинки, уларни ҳал қилиб бўлмай қолади»[3]

Мулоҳаза қилинса, Тошматов Акбаралидан фарқли ўлароқ уддабурон одам. У уезд бошлиғининг қаршилигига қарамай номзодини ўтказгани ҳам буни тасдиқлайди. Тошматов типидаги тадбиркор, иқтисодий жиҳатдан мустақил иш юритишга қобил одамнинг бора-бора сиёсий ҳокимият томон интилиши табиий, чунки у фаолият майдонини кенгайтиришни, ҳаракатларида эркин бўлишни истайди.

Айтмоқчимизки, амалдорликка номзоднинг ўта бой ёхуд тадбиркор бўлиши чор маъмурлари мақсадларига мувофиқ эмас эди. Улар аксар ҳолларда ўртамиёна бойларни амалга миндирар эдиларки, амалдорлик улар учун ягона даромад манбаи бўлсин. Бошқа йўл билан сармоясини оширишга ноқобил амалдор ўз амалининг ва амал бергучининг қулига айланади: ҳар қандай кўрсатмани бажаришга ҳозир туради. Романда айтилишича, Акбарали — «ер-сув, пул ва бошқа бойликка кўмилган одам», буларнинг барига у амали орқасида эришган. Ҳали амалга минмасдан туриб у «беш-тўрт таноб» ерли, ўзига тўқ одам эди. Мингбошига олиб берган «яхши бир улоқчи от» бадалига олти йил элликбошилик қилган ва бу «олти йил мобайнида бир улоқчи отнинг эмас, неча улоқчи отларнинг ҳиссаси чиқарилган, бурунги беш-тўрт таноб ерга яна бир неча беш-тўрт таноб ер қўшилган...» Элликбошиликдан келган даромад кам кўринганидан мингбошиликка интилади, Мирёқуб кўмагида бунга эришади ҳам. Мингбошилик ҳам унинг учун даромад манбаи бўлгани катта хотини Хадичахоннинг сўзларидан равшанлашади: «Бунингиз амалдор бўлгандан кейин айниди. Мингбошилик ёмон ҳовлиқтирди.

---

[1] ЎзССЖ МДА. Ф. И. — 19, о. 1. д. 29329, л. 52.
[2] «Шарқ юлдузи», 1988, № 2, 109-бет.
[3] ЎзССЖ, МДА, Ф. И. — 19, о. 1, д. 10014, л. 163.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз қишлоғини ташлаб бу ерга кўчди. Бу катта ҳовлини сотиб олди. Мана бу — катта иморатларни солдирди. Боғ-роғ қилди, ер-сув кўпайтирди...» Акбарали бу давлатни қай йўл билан топгани маълум: халқни очиқ-ойдин талаган, бойларнинг «ҳожатини чиқарган», маҳкумидаги амалдорларнинг «патини юлган»... Қизиғи шундаки, чор чиновниклари маҳаллий амалдорларнинг кирдикорларидан воқиф бўлганлари ҳолда, расман жиноят ҳисобланган бу ишларга панжа орасидан қараганлар. Фарғона вилояти бошқармасига амалдорлардан шикоят қилиб ёзилган аризаларнинг кўпи «даъво тасдиқланмагани учун оқибатсиз қолдирилгани»ни Мирёқуб каби «эпақаларнинг» саъй-ҳаракатларидангина эмас, бунинг чор маъмурларига ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан фойдали эканидан, деб тушунмоқ лозим. Бундан руҳланган нопок амалдорлар қутургандан қутурганларки, 1916 йил қўзғолони вақтида улардан кўпининг ўлдирилгани, ўласи қилиб калтаклангани, уй-жойларига ўт қўйилгани бунинг ёрқин далилидир. Халқ орасида тез-тез эшитилиб қоладиган «ўзбекка амал бермасин экан-да» деган таассуфнинг илдизи ўша даврларга бориб тақалади, пояси эса...

Юқоридаги мулоҳазаларга таяниб, Чўлпон Акбарали образини ижтимоий-тарихий тип сифатида ҳаққоний кўрсатган, дея оламиз. Албатта, эътироз туғилиши табиий: ҳаётда дурустроқ амалдорлар бўлмаганми? Бўлган, лекин: биринчидан, дурустроқ амалдорлар, таассуфки, ижтимоий-тарихий шароитлар маҳсули бўлмиш акбаралилар салмоғи олдида йўққа чиқади ҳисоби. Иккинчидан, Чўлпон роман йўналишидан келиб чиқиб дурустроқ амалдорни кўрсатиши мумкин эмас, чунки бу нарса унинг асардан кўзлаган мақсадларига мувофиқ эмас. Агар ёзувчи ижтимоий-тарихий романга қўл урмасдан, дейлик, бирон-бир муайян амалдорнинг тақдири, унинг ташқи дунё билан муносабати асосида юзага келган изтиробларини (дейлик Достоевскийнинг Макар Девушкини) қаламга олиб ижтимоий-психологик роман ёзганида, ёхуд конкрет амалдорнинг муҳаббати (дейлик Куприннинг Чарткови) ҳақида асар ёзганида амалдор бошқа қиёфада кўрсатилиши мумкин эди. Ўйлаймизки, шу икки далил эътирозларга етарли жавоб бўлиб, юқорида чиқарган хулосамиз фойдасига гувоҳлик бера олади.

Чўлпон Акбарали мингбошини «сирт»дан тасвирлайди: хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини кўрсатиш орқали қиёфасини очиб беришга интилади. Дастлаб учратганимизда, мингбоши отдан тушар-тушмас Мирёқубни дараклайди. Бир қарашда ёзувчи илгарироқ айтган гапини —,мингбошининг Мирёқубсиз ҳеч нарсага ярамаслигини кўрсатиш учунгина қаҳрамонини шунга «унда»гандек кўринади. Аслида эса қаҳрамон тамомила эркин, ички мантиққа асосан ҳаракат қилмоқда: у ўзининг устидан нойибга тушган аризани йўл бўйи ўйлаган, табиийки, бунинг чораси — Мирёқуб ҳам бир лаҳзага бўлсин хаёлидан кетмаган. Акбарали Мирёқубга иш юзасидангина эмас, бошқа кўринмас иплар билан-да боғланган, зеро дунёда ёлғиз суянгани шу. Унинг «Оббо бетовфиқ-эй! Номозшомда ухлаганини!» дея койишлари, «О, баттол-эй! О, баттол-эй! Худо урди сени! Худо урди энди!..» дея ёйилиб кулишлари Мирёқубга нисбатан ўзига хос тўпори меҳридан ҳам дарак беради. Акбаралининг Мирёқуб билан бўлганида ўзини тутишлари, гап-сўзлари бачканадай ёки мавқеига номуносибдай туюлса эҳтимол. Ҳар ҳолда, бизга шундай туюлгани илгари образ схематизм қурбони бўлган дея хулосага келганимизнинг сабабларидан эди. Аслида эса ундай эмас: Чўлпон берган таърифда Акбаралининг феълидаги «содда»лик ва «тўнг»ликка урғу берилганини эътиборга олайлик. Мингбоши Мирёқуб билан бўлгандагина ўз стихиясида яшайди, бошқа вақтларда у яхшимиёмонми роль ўйнашга мажбур. Шундай экан, қаҳрамоннинг бу ўринда «суюлиб» кетишининг ҳеч ажабланарли томони йўқ, зеро у айни шу дамларда руҳий зўриқишдан бўшалади, унинг учун бу — заруратдай гап.

«Ҳукумат ва улуғликнинг бир оғиз гапини силлиқ ва ёқимли қилиб гапиролмайдиган» Акбарали амалдор одамнинг атрибути — «дипломатлик»дан маҳрум. Шу жиҳатдан бир лавҳани кузатайлик:

«Мингбоши одатда хотинларига калта гапирар, улар билан эзилиб ўтиришни ўз эркаклик шаънига сиғдиролмас эди...

— Холматникига келган шаҳарлик меҳмонларни чақиртириб яхши бир зиёфат қилинглар,— деди у.— Шаҳардан келиб Холматнинг қуруқ нонини еб кетса яхши эмас!

Сўнгра Хадичахоннинг жавоб беришини кутиб ўтирмасданоқ:

— Овқатинг нима бўлди?— деб сўради.— Жадаллат! Қорин оч!»

Хадичахонга бу топшириқни беришдан илгари Акбарали «Каттанинг рашки келмас-а?» деб сўраганини эсласак, мингбошининг шу лаҳзадаги ҳолати қандай бўлганини, оз бўлса-да хижолатдан, андишадан холи эмаслигини англаш қийин эмас. Кейин, бунақа гаплар сал сийпалаб, айлантириб келиб айтилиши жоиз, мингбошининг эса бунга уқуви йўқ — томдан тараша тушгандай тўғрисини айтди-қўйди. Топган важ-карсони ўзига ҳам маъқул келмагани, «каттаси»нинг олдида қовун туширганини англаганидан гапни тез бурадики, бундаги зарда оҳанги очиқ сезилади. Худди шу лавҳанинг давомини кузатиб, Хадичахон «меҳмонлар бизникида» дегач, мингбошининг хатти-ҳаракатига эътибор берайлик:

«Яхши, яхши.

Бир оздан сўнг яна такрор қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яхши... Яхши...

Сўнгра бирдан:

— Ашуллачиси борми-йўқми?— деб сўради».

Қаҳрамоннинг биринчи бор маъқуллаши ишнинг ўз-ўзидан пишиб турганига қувонганини кўрсатса, кейингиси буткул бошқа маънони билдиради. Акбаралининг бироз тўхталиб қолганидан сезамизки, у мақсадини айтиш учун жўялироқ гап қидиряпти. Вақт тиғиз, мияси зўриқиб ишлаяпти, демакки, кейинги «Яхши... Яхши...» дегани беҳуш одамнинг алаҳлаши мисоли — ғайришуурий тарзда юз бермоқда. Қанча уринмасин, фаҳмига бир нарса келмади, шу боис ҳам очиқчасига «Ашуллачиси борми, йўқми?» дейдики, бундан ҳам ўзига аччиқ қилган одамнинг зардаси сезилиб туради.

Акбарали жаҳлланган лавҳалар кузатилса, унинг қанча тез жаҳлланмасин тезда совишини кўриш мумкин. Чўлпон айтмоқчи, жаҳлланганда «дарранда»га айланадиган бу одам кўп ўтмай «сувга пишилган мушукдай» бўшашиб қолади. Халқимизда «жаҳл келса, ақл қочар» деган доно мақол бор. Жаҳлланган одамнинг жаҳлини чиқарган субъектга нисбатан агрессив кайфиятда бўлишию оқибати хунук тугаши мумкинлигини кўравериб кўзи пишган халқ тўқиган буни. Акбаралида эса бу нарса ўзгачароқ кечади: у бўғилади, ич-этини ейди, Мирёқубни йўқлайди — вассалом, жаҳл уни ҳаракатга бошламайди. Қаҳрамон феълидаги бу ўзига хослик, фикримизча, унинг эгаллаган мавқеига ўзи берган баҳо ва реал аҳвол орасидаги тафовутдан келиб чиқади. Акбарали ҳали мингбошиликни орзулаб юрган вақтда бу лавозим унинг наздида жуда улуғ мартаба бўлиб кўрингани табиий, чунки унинг тасаввури тобе одам мавқеидан туриб ҳосил қилинган. Ўн уч йил мингбошилик фаолияти давомида бу тасаввурни инкор қилувчи қатор далилларга дуч келгани ҳам равшан, лекин уларни таҳлил қилиб мавқеига реал баҳо беришдан у ожиз. Демак, унинг онгида бир вақтнинг ўзида эски тасаввур ва уни инкор этувчи узуқ-юлуқ далил-хотиралар яшайди. Булардан биринчиси устун эканлигидан мингбоши ўта иззатталаб, ўзига қарши ҳар қандай ҳаракатни, итоатсизликни ғайритабиий нарса деб тушунади. Газетада уриб чиққанларидан кейин Мирёқуб «Нима қилардингиз: тишни тишга қўясиз, хўжайин!» деганида Акбарали «тишимни тишимга қўядиган ҳезлардан бўлсам, ма, ол, бу шоп шалопларингни!» дея сапчиб кетадики, унинг амали ҳақидаги тасаввури қандайлигини сезиш қийин эмас. Иккаловининг ўртасида сал илгарироқ кечган гап-сўзларга диққат қилайлик:

«Йўқ, шошма, мен нойиб тўранинг ёнларига бораман. «Иложини қилинг, ўзингиз айтгансиз», дейман. Қани йўқ десин-чи!

— Йўқ дейишдан қўрқармиди? Йўқ, дейди, тониб тураберади...

— Нега ахир? Нега?

— Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёптирмасмиди?

— Тонганига қўяманми?

— Нима қилардингиз? Урармидингиз?

— Уриб бўладими?

— Нима қилардингиз?

Мингбоши жим бўлди. Бир қўлини чаккасига олиб бориб бошини қашларди...»

Мингбошининг шаштидан тушиши, кўриб турганимиздек, суҳбатдошининг унга реал аҳволни эслатиши баробари юз бермоқда. Худди шундай ҳолатни унинг шикоятчи бойлардан жаҳлланганида ҳам, Мирёқубнинг юзига газетани улоқтирганида ҳам кузатишимиз мумкин. Фикримизча, ёзувчининг ўткир нигоҳи қаҳрамон психикасидаги ўзига хос бу жиҳатни жуда тўғри илғаб олган. Қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан асослангани, унинг фақат ички мантиққа риоя қилиши бир тарафдан ёзувчи маҳоратини, иккинчи томондан унинг ҳиссиётга берилмасдан, тасвирда холис бўлишга интилганини кўрсатади.

Мингбошининг аҳволга ҳақиқий баҳо бериши Мирёқуб йўқлигида бошланади, чунки у энди ўзи ҳаракат қилишга, шундай экан, истаса-истамаса ўйлашга мажбур. Қумариқдаги тўполонни тинчитиш учун йўлга чиққан Акбарали кўпроқ атрофидаги ғанимларига ўзини кўрсатиб қўйиш ҳақида ўйлайди, лекин манзилга етгач, ишнинг анча жиддийлигини, «ичидангина қайнаб ётган» самовар тошганини, юртнинг нечоғли катта куч эканини ҳис қилади. Унинг қайтиш чоғидаги ўйлари: «Келишим чакана бўлмади! Фақат натижа? Натижа нима бўлди? Нимага эришдим? Нимани бажардим?» — Акбаралининг ўз мавқеи тўғрисида илк бор жиддий бош қотириши. Мингбоши Ёдгорхўжани қамаб қўйгани билан унинг эрта-индин қутулиб чиқишини, «ярим пошшо»гача боришини яхши билади. Бу нарса уни ўзи тўла англамаган, англашни истамаган ҳақиқатни тан олишга мажбур қилади: «Битта оғзи катта бойга кучим етмаса бу шоп-шалопларни нега тақдим денг? О, пули тушкур-эй! Амалдан ҳам кучли экан-а?»

Эътибор берилса, мингбошининг қарама-қарши ҳислар исканжасида қолганини сезиш мумкин: бир томондан қилган иши ҳеч бир натижа бермаслигини, боз устига бошига ортиқча ғавғолар солишини ўйлаб ташвишда; иккинчи томондан ўзи қилган ишдан қониқиш ҳиссини туяди. Муайян вақт давомида иккинчи ҳис устунроқ, чунки у юрт сўраб адл қилди, одамларнинг миннатдорлигини туйди, энг муҳими — «бу шоп-шалопларни нега тақдим?» деган саволга жавоб топгандай бўлди. Унинг ташвишли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйларини енгиб, «Қани, йигитлар, шўхроқ ашуладан бўлсин!» дегани юқоридаги фикримизни далиллайди. Лекин ундаги мазкур ҳолат узоқ давом этмайди, чунки Акбарали ўзини амалсиз тасаввур қилолмайди, астойдил ташвишга тушгани учун ҳам «Ёдгорхўжани қамоқдан бўшатиш ҳақида фармон» билан икки йигитни орқага қайтаради. Эртаси кун нойиб тўра ҳузурида юртни ёқлаб, адолатдан гап очгани ўз бошига тушган адолатсизликдан: Ёдгорхўжанинг айбдорлигию юртнинг ҳақлигини айтиш билан у амалини сақлаб қолмоқчи эди — адашди. Эҳтимол, нойиб тўра бунгача Акбаралини ҳимоя қилишни ўйлаган ҳамдир, энди эса ўзлари учун унинг амалдор сифатида «ўлганини» тушунди. Зеро юртини ўйлайдиган, юртнинг ғамини ейдиган амалдор ҳеч қачон ҳеч бир мустамлакачига керак бўлмаган, керак бўлмайди ҳам.

Ёзувчи Акбаралини ўқувчига таништирар экан, Мирёқуб тилидан «унинг — ёши анчага бориб қолганда бундай хотинпараст бўлиб кетишига шу фарзанд хусусидаги ноумидлик сабаб бўлмадимикан?» деган саволни берадики, бу — қаҳрамонни тушуниш учун ишорадай гап. Мингбошини ичидангина кемириб ётган дард нойиб тўраникида меҳмонда эканида сиртига чиқади: «...Нойибнинг онаси ўз неварасини олиб кириб қолди. У — тилла сочли, тарвуздай думалоқ, ўзи лўппигина ва оппоқ момиқдай бир бола эди. Мингбоши болани дарҳол қўлига олди ва, ўз ақидасича «кофир»нинг ва «урус»нинг боласи эканига қарамай, маҳкам бағрига босиб ўпди... Бола мингбошининг башарасидан қўрққан бўлса керак, жон аччиғида йиғлай бошлаган эди, болани олиб чиқиб кетдилар. Шундан сўнг мингбоши, бир-бир устун қўйиб ича берди, ича берди, ича берди...» Кўриниб турибдики, мингбоши бир инсон сифатида ўртанади, орттирган давлати кимларга қолишини ўйлаб куяди. Акбаралининг «айниши»га яна бир сабаб — унинг оилада бахт топмагани, тўғрироғи, оилавий бахтни қўлдан чиқаргани. Хадичахоннинг кундошига қилган иқрорини эслайлик: «Менинг ҳеч бир нолийдиган ерим йўқ эди. Толеимдан хафа эмасидим». Бу гапларни айтаётган аёл худди эртак сўйлаётгандек, узоқ ўтмишдаги нарсаларни эслаётгандек гапирадики, «толеидан нолимаслиги» узоқ давом этмаганини сезиш қийин эмас. Хадичахон иқрорида яна ҳам чуқурлашиб, «Энахоннинг келинбибисига рашким келади... Давлат асари йўқ. Рўзғорлари зўрға ўтади. Қўзичоқдай икки боласи бор. Эри ҳамиша ёнида...» деган гапларидан кўп нарсаларни илғаб олиш мумкин. Акбарали ўзининг бош мақсади — баланд мавқега интилиш ва бойлик орттиришга муккасидан кетиб, оилага эътиборни сусайтирган кўринади. Натижа эса маълум: оиладан меҳр кўтарилган, зеро «меҳр кўзда», дейдилар. Бошқа ташвишларга андармон мингбоши у вақтда бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Хадичахон эса, аксинча, изтироб чеккан. Эҳтимол, унинг хиёнат томон қадам ташлаши, Акбаралининг «баъзида, ўзи ёлғиз қолиб меҳмонхонага беркинганида ва ҳатто ўз соясининг ҳам эшитмоқ эҳтимоли қолмаганда: «Бу қиз ўлгур ҳам бошқадан бўлмасин...» деб куйиши ҳам юқоридаги сабаб билан изоҳланса ажаб эмас. «Бузоқнинг югургани — сомонхонагача»: Акбарали бойлигу мавқега эга бўлди, кўрадики, бундан ортиқ бўладиган эмас. Шундагина у шахсий ҳаёти ҳақида ўйлай бошлагани, меҳрга ташна бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Оиласида бу ташналикни қондиролмагач, иккинчи хотинга уйланган бўлса эҳтимол. Лекин мингбоши бу билан тўхтамайди, яна ва яна уйланади. Нега? Бу саволга жавоб бериш учун Хадичахон билан Пошшахоннинг тўйдан кейинги гапларига эътибор берайлик:

«Куёвингизни бугунча киргизмай турсак, — деди Пошшахон. — Эртага Зебихонни алдаб-сулдаб йўлга солардик... Кейин олиб кириб қўйсак, ундан нарисини эркак киши ўзи эплаб оларди...

— О-в-в...— деди Хадичахон.— Кошки, эп деган нарса бўлса куёвда...»

Шарқона удумларимизга зид бўлса-да, айтамиз: кундошларнинг гапларига кўра Акбаралининг физиологик имкониятлари жуда ошиб кетмаган. Агар у ўзини билганда, Хадичахон билан тинч-тотув умр кечириши, камчиликларни меҳру оқибат ҳисобига тўлатиши мумкин эди. Л е к и н, юқорида кўрганимиздек, ўзига ортиқча баҳо бериш Акбаралининг табиатига сингиб кетган. Мазкур масалада ҳам унинг ўзига берган баҳоси билан реал аҳвол орасида тафовут мавжуд: бу баҳони ўзи ва бошқалар наздида тасдиқлаб олиш (психологияда «самоутверждение» истилоҳи қўлланади — Д. Қ.) учун қайта-қайта уйланади, бузуқлик кўчасига киради.

Акбарали нимагаки интилган бўлса — барига эришди, лекин бахтли бўлолмади. Ҳаётидан қониқмаслик ҳисси — гарчи стихияли, идрок тарозисига солинмаган бўлса ҳам — уни тинимсиз таъқиб қилади. У ўз ҳаётидан безган, шу боис ҳам гоҳ хотинларини «газетчи даюсга икки қўллаб» тутмоқчи, гоҳ «Э, катталиги қурсин! Керак бўлса олинг шу катталикни!» дея амалини Ҳасановга тутмоқчи бўлади. На ичкилик ва на бузуқлик унинг кўнглини тўлдирмайди: «Зерикдим буларингдан... Кўнглимга урди. Юр, кетайлик!» дея Мирёқубга ялинганнамо гапириши ҳам шундан. Акбарали ҳаётида недир бўшлиқ борлигини, уни тўлатиш кераклигини ҳис қилади-ю, ўзига нима етишмаётганини идрок қилолмайди. Шу боис ҳам унинг Зебини севиб қолгандай бўлгани, у ҳақда: «Мен у қизга қиз деб, хотин деб талабгор бўлсам экан...»— дейиши табиийдай кўринади бизга. Зеби то ўзи ихтиёрий-мажбурий таслим бўлмагунча, мингбошининг ўзини рисоладагидек тутиши, кейин эса бутунлай ўзгаргани ҳам унинг юқоридаги сўзлари сами-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мий бўлганини тасдиқлайди. Айтмоқчимизки, Акбаралининг паймонаси илгарироқ тўлган, чўкаётган одам чўпга осилганидек Зебига талпинган, ўзи чўккани етмагандек бир бокира вужудни ҳам тортиб кетган.

Албатта, Акбарали шахс сифатида ҳам, амалдор сифатида ҳам нафратга сазовор. Лекин унинг тақдири ҳақида ўйлаганда, негадир, куни-кеча сазойи қилиниб ҳақ-ноҳақ жазога мустаҳиқ бўлган юртимиз катталарини эслаб, улар бир охурдан ем еган, ҳозирда на танқид ўқи ўтадиган ва на мазлум оҳи етадиган қалъа ичида давру даврон сураётганларни кўз олдингга келтирасан киши — ачиниб кетасан. Чўлпон Акбарали образини яратар экан, нафратини яширмагани ҳолда, унинг инсон сифатидаги фожиасини ҳам кўрсата олган. Ёзувчи, фикримизча, «эшагига яраша тушови» деган нақл замиридаги шафқатсиз ҳақиқатни мардона бўйнига олиб, тасвирда холис бўлишга интилгани учунгина бунга эриша олган.

Чўлпон Акбарали тасвирида типик ва индивидуал хусусиятларни уйғун мужассам қилишга эришган, бу эса образнинг тўлақонли бадиий характер эканидан далолат беради. Агар юқоридаги мулоҳазаларимиз билан буни кўрсата олган бўлсак, улуғ адиб олдидаги гуноҳимизни ювган ҳисоблаб, ўзимизни енгил сезамиз.

II

«Кеча ва кундуз»ни шавқ билан ўқий бошлаган китобхон адибнинг баҳорий хуш кайфиятини ўзига эндигина юқтириб, қизларнинг завқига берилганидан оламни унутаёзганида Раззоқ сўфининг дағдағасидан шошиб қолади:

— Бу нима қиёмат!!!

Адиб китобхон қаршисига «эшик олдида гезариб-бўзариб турган» сўфини келтириб (бамисоли кўргазмали қуролдай) қўяди-да, ўзи хотиржам унинг таърифига берилади: китобхон диққати бир нуқтада — Раззоқ сўфида қотиб қолади. Қўлланган усул адиб муносабатини ўқувчига «юқтиради»: нурли ҳисларга тўлиб тошган китобхон кўнглига бир хиралик инади — унда Раззоқ сўфига нисбатан антипатия (ижирғаниш) пайдо бўлади. Бу илк таассурот ёзувчи таърифи билан тўлатилиб қаҳрамон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилинадики, у нурли чизгилардан маҳрум. Айтмоқчимизки, Акбарали образи талқинида кўрилган холислик сўфи образи талқинида сезилмайди. Фикримизча, психологик жиҳатидан буни икки турли сабаб билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, муаллиф Раззоқ сўфида юрак қони билан чизгани — Зеби фожиасининг бош айбдорини кўради, иккинчидан, ёзувчининг муайян ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар асосида шаклланган диндорларга муносабати.

Романда ҳаракат қилувчи диндорлар — эшон, сўфи, имом образларида бирон бир нурли сифат кўринмайди. Табиийки, бу нарса ҳозирда кўпчилигимиз учун эриш туюлади. Шуни назарда тутиб, гарча мавзудан четлаб кетгандек туюлса-да, муаллифнинг диндорларга муносабати қандай шаклланганини кузатмоқчимиз.

Айтиш керакки, диндор кишилар образлари талқинида Чўлпонга замонасининг таъсири яққол сезилади. Замона таъсири деганда биз инқилобдан кейинги «атеистик юриш»ни эмас, сал илгарироқ бошланган жараёнларни назарда тутмоқдамиз. Замонасининг барча илғор кишиларини тўлқинлантирган муаммолар — Туркистонни мустақил ва мутараққий, элини фаровон ва маърифатли қилиш, миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш...— ёш Чўлпонни ҳам ўйлантирган. Тараққийпарвар зиёлилар эзгу ниятларини амалга ошириш учун динни ислоҳ қилиш, уни бидъату хурофотдан тозалаш заруратини англаганларки, бусиз минг йилдан зиёд ислом асосий мафкура бўлиб, одамларнинг қон-қонига сингиб кетган Туркистонда бирор натижага эришиш маҳол эди. Жадид матбуотида дунёвий ҳам диний маърифатчиликнинг тенгдан олиб борилгани бунинг ёрқин далилидир.

Нафсиламрини айтганда, тараққийпарвар зиёлилар билан диндорлар қарашларида талайгина муштарак ўринлар мавжуд эди. Бунга шоҳид бўлмоқ учун айрим ҳужжатларга эътибор берайлик. Фарғона губернатори вазифасини бажарувчи подполковник Иванов 1916 йил қўзғолонидан кейинги ҳисоботида: «... ерли халқнинг рус таъсирига сира тушмаган вакиллари — руҳонийларни характерлаб ўтишни вақтли ҳисоблайман. Бу группага мачит-мадрасаларнинг домла-муллалари, қориваччалари, сонсиз-саноқсиз мадраса ва мактабларнинг муаллимлар синфи, маддоҳлар, мусулмон курашчан суфизмининг вакиллари — эшонлар ва уларнинг муридлари, сўфилари кирадилар. Бутун бу группа ўлканинг қўлга олинишининг бошиданоқ мусулмонларнинг ҳурлигини йўқотганлиги, кофирлар ҳокимияти қўлига қолғонидан фарёд қилиб келди [1]» деб ёзган эди. Ҳисоботнинг давомидан эса руҳонийлар «фарёд қилиб»гина қолмаганлари кўринади. «Мусулмон диний идоралари ҳукумат ҳимоясига олинган, лекин улар устидан назорат қўйилмаган (яъни, назоратни кучайтириш керак!— Д. Қ.)... мана шу диний идораларда ҳам кофирларга қарши диний ташвиқот олиб борилди. Шунинг билан бирга Маккага ҳаж қилишга ҳам кенг йўл берилди (йўл бермаслик керак!— Д. Қ.). Бунинг натижасида мингларча ҳожилар мусулмон ҳукуматининг шан-шавкати тўғрисидаги ўзларининг та-

[1] Ўрта Осиёда 1916 йил қўзғолони. Ҳужжатлар тўплами, 1-қисм, Т., 1933, 59-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ассуротларини тасвирлаб (сартлар дунё бехабар бўлишлари керак!— Д. Қ.) бериб, ўлкага исломнинг диний эътиқодларини ва Туркиядан олган панисломизм идеяларини кенг тарқатдилар[1]». Подполковник Иванов ўз мақсадлари (чоризм мақсадлари) йўлидағов бўлиб турган руҳонийларни, иложи бўлганда, отибоқ юборарди, лекин начора, бу улкан куч билан ҳисоблашишга мажбур. Чор чиновникини ғазаблантирган нарса руҳонийларнинг «кофирлар ҳокимияти қўлига қолғони»дан нолиб, «йўқотган ҳурликлари»ни топмоқ истаганлари эканлиги равшан кўриниб турибди. Бошқа бир ҳужжатда: «Жиззах уездидаги қўзғолон қилган маҳаллий халқларнинг русларни тутиб уриб, бундан буён Русияга тобеъ бўлишни хоҳламаймиз, деб бақирганлари бизга қарши душманлик руҳида олиб борилган ташвиқотга очиқ мисол бўла олади»[2], дейиладики, бу ташвиқот ким томонидан олиб борилганини юқорида кўриб ўтдик. Руҳонийлар фақат ташвиқот билан кифояланмасдан, 1916 йил қўзғолонида фаол иштирок ҳам қилганлар: Хўжандда қўзғалиш бир мулланинг халойиққа қилган мурожаатидан бошланган бўлса, Назир хўжа (Жиззах), Қосим хўжа (Зомин) каби эшонлар жойларда қўзғолонга бошчилик қилганлар. Булардан кўринадики, руҳонийлар мустақиллик учун курашга, мустақиллик ғояларининг тарқалишига катта ҳисса қўшганлар. Шундай бўлса-да, Чўлпон ва у каби тараққийпарвар зиёлиларнинг уларга муносабати салбий. Нега? Гап шундаки, фикримизча, улар янги ижтимоий муносабатлар шароитида мустақилликка ғазот орқали эришиб бўлмаслигини, етарли тайёргарликка эга бўлмаган, фақат фанатик нафратгагина таянган ғазот халқ бошига оғир кулфатлар солишини, истибдодни кучайтириб, мақсадни яна ҳам узоқлаштиришини англаганлар. Айтиш мумкинки, улар билан руҳонийларни мақсад бирлаштиргани ҳолда, мақсадга етиш йўллари фарқлаган. Мақсадга етиш учун эндигина замин ҳозирлай бошлаган зиёлилар реакцион руҳонийларга ҳам қарши туришга мажбур эдилар, бу эса кучларни парчалар эди. Тараққийпарвар зиёлиларнинг илғор фикрлари руҳонийлар таъсири кучли бўлганидан, кўпинча уларнинг ошкор қаршилиги туфайли етарли даражада оммага сингмас, табиийки, кутилган натижаларни бермас эди. Шундай экан, **уларнинг руҳонийларга салбий муносабати мустақиллик учун курашдаги стратегик ва ғоявий зиддиятлардан ўсиб чиққан,** деган тўхтамга келишимиз мумкин.

Руслаштириш сиёсатининг мустамлакачилар истагандек натижа бермаганида, шубҳасиз, руҳонийларнинг улкан хизматлари бор. Улар ўлка истило қилинишининг бошиданоқ азалий урф-одатлар, ахлоқий мезонлар, шариат қонунларининг дахлсизлиги учун қаттиқ курашганлар. Ўн етти ёшли Чўлпоннинг «Оврупонинг мўдаси ва бузуқ ахлоқи сизни хонавайрон, беватан, асир қул қиладур. Бундан сақланингиз!» дея бонг уриши бу ўринда ҳам қарашлар муштараклигини кўрсатади. Лекин реакцион руҳонийлар кофирларга тааллуқли ҳар нени инкор қиладилар. Чўлпон эса уларнинг яхши томонларини олиш тарафдори: «Оврупонинг мактаб, мадраса, илм, фан, саноат, ҳунарга ўхшаш маданиятлари сизларни обод, маъмур, олим қилуб, жоҳилликдан, асорат қуллигидан қутултурадур[3]». Руҳонийлар талабича иш тутилса, Туркистон жаҳолатда, жаҳон тараққиётидан четда қолиши тайин, шу боис ҳам юртининг ҳар жиҳатдан тараққий қилишини истаган зиёлилар улар билан келишолмас эдилар. Ачинарлиси шундаки, улар ўзларининг бу каби қарашларини шаръий асослаганлар. Фитратнинг «Мунозара»сидаги мударрис бунга яққол мисол бўла олади. Усули жадидани ҳаром деркан, у тубандагидан келиб чиқади: «Пайғамбаримиз буюрмишларки, «ман тошаббаҳа қавман ва ҳува минҳу», яъни, ҳар ким бир қавмга ўзини ўхшатса, ўшал қавмдан бўлур. Курсида ўлтурмак овруполикларнинг ишидур. Шунинг учун болаларимиз агар курсида ўлтурсалар кофир бўлурлар[4]». Эҳтимол, мударрис келтирган далил ҳозирги вақтда кишини ишонтира олмас, лекин ўша даврда «оми»ларни усули жадиданинг ҳаром эканига ишонтириш учун шунинг ўзи кифоя эди. Нима учун мударрис минглаб ҳадислар ичидан айни шунисини танлаб олди? Шунинг учунки, бу ҳадис (мударрис талқинида) унинг манфаатларига мос келади: усули қадим (мударрисннг тирикчилик манбаи)нинг дахлсизлигини таъминлайди. Кўринадики, нопок руҳонийлар учун шариат қонунлари ҳаётда дастуруламал бўлиш ўрнига, уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, хатти-ҳаракатларини оқловчи воситага айланиб қолган. Демак, маданий-маърифий қарашлар ўртасидаги бу зиддиятни ўзаро душманликнинг яна бир сабаби десак бўлади.

Ҳар қандай мафкуранинг равнақу камоли, аввало, уни ташувчи кишиларнинг маънавий поклиги, беғаразлиги билан белгиланади. Руҳонийлар орасида эътиқодида собит, этагини ўпишга лойиқ буюк зотлар бўлганини эътироф этганимиз ҳолда, нафси йўлида имонини сотишга шай турган, исломни тирикчилик манбаига айлантирган, билиб-билмай мустамлакачилар фойдасига ишлаган ожиз кимсалар ҳам бўлганини афсус билан айтишга мажбурмиз. Биз руҳонийларнинг майда-чуйда «гуноҳ»ларига кўз юмиб, Туркистон генерал-губернатори маҳкамасидан йўлланган қуйидаги махфий телеграммага

---

[1] Ўша китоб. 59-бет.
[2] Ўзбекистонда 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони. Тўплам, Т., 1947. 12-бет.
[3] Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар. «Садои Фарғона». 1914 йил 6 июнь, № 26.
[4] Фитрат. Мунозара. Т., 1913, 27—28-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эътиборни тортмоқчимиз: «Генерал-губернатор Фарғона ва ўлканинг бошқа вилоятларини инсофга чақириш учун Сиёҳ эшондан фойдаланиш фикрини тўла маъқуллайди. Эшоннинг бизнинг давлат манфаатларимизга хайрихоҳ муносабати тақдирланмасдан қолмаслигини унинг ўзига англатиб қўйиш мумкин [1]».

Энди озроқ фикр қилайлик: эшондан фойдаланиш таклифи билан қуйидан генерал-губернаторга мурожаат қилинган экан, демак, қуйидагилар аввал эшоннинг қўйнига қўл солиб кўришган, эҳтимолки ризолигини ҳам олишган. Ҳа, шундай, акс ҳолда кичик амалдорлар «ярим пошшо»га бундай таклиф билан мурожаат қилмас эдилар. Қизиғи шундаки, бу телеграмма ҳам 1916 йилга тааллуқли: нариёқда эшонлар ислом байроғи остида халқни ғазотга бошлайди, бунда эса бошқа эшон ислом номи билан уларни инсофга чақиради!

Чўлпоннинг диндорларга муносабати, фикримизча, шу каби омиллар таъсирида шаклланган, лекин буни унинг динга муносабати деб тушунмаслик лозим. Чўлпон «бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўядиган»лар хилидан бўлмаган: у юқоридаги каби руҳонийлар ҳақида гапирганда, албатта, «қора гуруҳ уламолар» ёхуд оддийгина «уламонамолар» деб ажратиб гапирган; замонасининг забардаст уламоларидан бири — Маҳмудхўжа Беҳбудийни маънавий устозларидан деб санаган бўлса, иккинчиси — Заҳириддин Аълам билан ҳамфикр бўлиб, бақамти ишлаган. Бу хусусда кенгроқ тўхталиш мумкин, лекин муддаога қайтсак.

Ёзувчининг муносабати характер талқинида қандай из қолдирган? Бу саволга жавоб бериш учун қаҳрамон ҳаётини кузатиб, унинг феъл-атворини тушунишга ҳаракат қиламиз.

Сўфи қачонлардир акаси билан ер талашиб шаҳарга — қайнотасидан қолган жойга келиб ўрнашган. Унинг оилада ўзини тутиши, хотинига ва умуман аёл зотига муносабати шу нарса — «ичкуёв»га яқин ҳолатда яшаши билан изоҳланиши мумкин. Ҳар хил таъналарнинг олдини олиш учун, «бошимга чиқиб олмасин» деган ўйда бошданоқ Қурвонбибини тупроққа тенг тутган. Боз устига, норизо бўлишга асослари етарли Қурвонбиби сал «ҳаддидан» ошса, «Бу ҳовли-жой отангдан қолгани учун ўзимники дейсанми, ё?» деб ғазаблайдики, бу билан хотининнинг хўп юрагини олган — бечора дардини қизигагина айтади. Сўфи умрини асосан хонақода ўтказади, уйида бўлганида эса ўзи билан ўзи андармон. Чамаси, авваллари у хотини билан ёзилиб, дилдан гаплашмаслик учунгина шундай қилган — «сир» бериб қўйишдан чўчиган, бора-бора бу нарса одатга айланган. Бунақа шароитда яшаган сўфидай феъли тор одамнинг: «Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст махлуқ олдида хор қилинадими?» дейиши, турган гапки,— зарурат. Гарчи унинг ўзи «Бу оғиз ҳаммавақт худонинг зикрига очилади» деса-да, унинг хотинларга паст назар билан қараши диндорлигига мутлақо алоқадор эмас.

Тақдир тақозоси билан шаҳарга келиб қолган ерсиз, ҳунарсиз сўфи Эшонбобонинг этагидан маҳкам тутган, унинг орқасидан тирикчилиги ўтади. Бир қарашда у турмушидан буткул розидай: «Э-э,— деди сўфи чўзиб ва ўзидан хурсанд бир кулумсираш билан кулумсиради,— менинг давлатим ҳеч кимда йўқ, ака! Эшонбобо худонинг суйган қули: нозу неъмат тўрт тарафдан сувдай оқиб туради. Дарё бўйидамиз-у, чанқаймизми? Ғалати экансиз!» Лекин акаси билан суҳбатдан сезиладики, кўнглида кемтиги бор:

«Ердан азиз ҳеч нарса йўқ! Отамиз раҳматлик, боболаримиз, ундан наридагилар — ҳаммаси — бир шапалоқ ердан ризқини чиқариб келган... Ростми?

Сўфи эшитилар-эшитилмас қилиб:

— Рост...— деди.

— Сиз нега ердан қочасиз?

Сўфи бу тўғри саволга жавоб эплаёлмади:

— Ер қани менга?— деди.— Бир шапалоқ ерингиз бор, ўзингизга етмайди...»

Кўрамизки, сўфи акасининг гапларига бефарқ қаролмайди, унинг «ер қани менга?» деган хитобида алам, ўкинч, изтироб зуҳур қилади. Тўрт мучаси соғ, ота-бобоси ризқини ердан териб келган бу одам учун бировнинг қўлига қараб қолиш осон кечмаган чоғи. Шундай бўлса-да, у акасининг қишлоққа қайтиш ҳақидаги таклифига кўнмайди. Нега? Фикримизча, шу саволга жавоб беришда бошда ҳосил қилинган антипатия ўз ишини қилади: кўпчилик буни сўфининг танбаллиги билан изоҳласа эҳтимол. Шу билан бирга, ёзувчи муносабати ўқувчининг қаҳрамонни тушунишга таъсир қилгани ҳолда, талқинда холис бўлишда унга халал бермайди. Бизнингча, сўфининг рад жавоби бир-бирига боғлиқ уч сабаб билан изоҳланиши мумкин: Биринчиси — ижтимоий иқтисодий аҳвол билан. Модомики роман воқеалари Фарғона водийсида кечаётган экан, Фарғона деҳқонларининг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Аҳоли зичлиги билан боғлиқ мазкур воҳадаги ер танқислиги чор мустамлака сиёсати туфайли янада кескинлашди. Андижон қўзғолонидан (1898) кейин бошланиб, Столипин аграр ислоҳоти даврида авж олган рус деҳқонларини кўчириб келтириш оқибати шу бўлдики, 1911 йилга келиб

[1] Шестаков А. В. Восстание в Средней Азии в 1916 г. г. Историк-марксист. № 2. 1926 г., С., 93.

www.ziyouz.com kutubxonasi

водийда 25 минг десятинадан зиёд майдонни эгаллаган 28 рус қишлоғи бор эди. Гарчи келгинди рус деҳқонларига энг яхши ерлар ажратиб берилса-да, бу нарса ер танқислигининг асосий сабаби эмас эди. Пахтачиликка ихтисослашув қишлоққа капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини олиб кирди, иқтисодий рақобатда кўплаб деҳқон хўжаликлари синди: 1910 йилдаёқ Фарғона деҳқонларининг 30 фоизи ерсиз қолган эди.[1] Ерсиз деҳқоннинг ер олиши ақлга сиғмас, чунки «Андижон, Хўжанд атрофида бир десятина ернинг ҳақи 2 минг, ҳатто 3 минг сўмларга етса ҳам, сотиладиган ер ҳар вақт топилиб турмайди[2]». Сўфининг «ер қани менга?» деган аламли хитоби шундан. Эътироз туғилиши мумкин: акаси «ер бор» деса ҳам сўфи кўнмади-ку? Тўғри, лекин бунинг ҳам асоси бор эди: «1914 йил маълумотларига кўра Фарғона 90—100 млн. сўмлик пахта берарди... Фарғона деҳқонларининг банклардан қарзи 60 млн. сўмни ташкил қиларди»[3]. Кўринадики, пахта етиштириш ортгани баробари деҳқонлар қарзга ботиб борар, уларнинг машаққатли меҳнатлари ҳузурини рус ва чет эл корчалонлари кўрар эдилар. Бунга биринчи жаҳон уруши йилларида пахтага бўлган талаб ортганини, унинг нархи юқоридан қатъий белгилангани ҳолда озиқ-овқат, саноат молларининг нархи бир неча бор кўтарилганини қўшсак, сўфининг иссиқ жойини совутмасликка тиришиши табиий кўринади. Илк мақолаларидан бирини зироат ва деҳқончилик муаммоларига бағишлаган Чўлпон булардан жуда яхши хабардор бўлган. У сўфи тақдирини кўрсатиш орқали сўфиларни келтириб чиқарган тузумга нафратини ифодалаган, лекин ёзувчининг қаҳрамонга муносабати асосида шаклланган антипатия ўқувчининг буни илғаб олишига халал беради.

Сўфининг акаси айтган таклифга кўнмаганининг иккинчи — соф психологик сабаби ҳам бор:

«Мен сизни ўша қишлоққа олиб кетай деб келдим. Сиз, ахир, мен билан бир шапалоқ ерни талашиб, шу тўғрида нари-бери бўлишиб, шу туфайли шаҳарга келиб қолган эдингиз...

Сўфи, **хўрсинганидан овози қалтираб** деди:

— Эски гапларни қўзиб нима қиласиз? Бўлар иш бўлиб ўтди... Ери ҳам қурсин, мероси ҳам...»

Сўфининг ота юртидан айрилиб шаҳарга келиб қолиши, Эшонбобонинг қўлига, хотинининг оғзига (ўз наздида) қараб яшашига сабаб бўлган можарони эслашга тоқати йўқ: ўз аҳволидан эзилиб яшаган бу одам ўзини «бахтлиман» дея аранг кўндирганида дардини янгилашдан қўрқади. Боз устига, у ҳаётининг бундай изга тушишида акасини айбли санайди. Эҳтимол, акаси қариганда жигари билан топишиш ниятида ҳаракат қилаётгандир, лекин сўфи буни «дасмая ва одамдан қийналаётгани»дан деб тушунишга ўзича ҳақли ҳам. Шундай экан, сўфининг тўнини тескари кийиб олиши «Энди керак бўлиб қолдимми?!» деган аччиқнинг ифодаси бўлса, эҳтимол.

Учинчи сабаб, табиийки, сўфининг белини оғритмай нон ейишга ўрганиб қолгани. Лекин юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқсак, унинг қишлоққа қайтишни истамаганини танбаллиги билангина изоҳлаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Сўфи фожиасининг асосий сабаби — унинг, ўзи айтмоқчи, омилигида. Тўғри, у саводсиз эмас — туркийни ўқийди, лекин шариат қонунлари асосланган «Қуръон»ни мустақил ўқиб уқишдан ожиз, шу боис ҳам Эшонбобо етовидаги бузоққа айланган қолган. Улуғ мутасаввуф шоир Хожа Аҳмад Яссавий:

Тариқатга шариатсиз кирганларни
Шайтон келиб имонини олур эмиш...—

деганларида Раззоқ сўфи каби одамларни назарда тутган бўлса, эҳтимол. Сўфининг кўр-кўрона, ўзи дуруст англаб етмаган эътиқоди ҳали унинг учун ҳаёт дастурига, кундалик эҳтиёжига айланган эмас. Шу боис ҳам у намоздигарни «аксари уйқуга қурбон» қилади, «худо беради» деб умидвор бўлгани ҳолда, ҳунарнинг фарзлиги ҳақида эшитишни ҳам истамайди — эътиқодини ўзига мослаштириб олган. Ёруғ дунёда рўшнолик кўрмаган бу одам охиратдан умидвор, лекин бунинг учун эзгу ишлар қилиш лозимлигини ўйламайди — бутун умиди Эшонбободан, унинг этагини маҳкам тутиб Сиротдан ўтиб кетмоқни умид қилади.

Сўфи мингбоши совчилари хусусидаги илк суҳбатда хотинига: «Ўша бетовфиқ, бенамозга қиз бераманми, қалай?» дейди. Бу гап замиридаги болаларча ўзидан мамнунлик нимадан озиқланади? Акбаралининг «бетовфиқ, бенамоз» экани элга аён, бу ҳақда хонақода гап борган бўлиши, эҳтимолки, Эшонбобонинг ўзи гапирган бўлиши мумкин. Шундай экан, Эшонбобога чин дилдан ихлос қўйган, ўз кўнглида диёнатли мусулмон Раззоқ сўфининг Акбаралидай фосиқ кимсадан ҳазар қилиши табиий. Биз-

---

[1] Валиев А. Х. Положение дехканства Ферганы в XIX-н. XX в. Т., 1958, С. 15, 28.
[2] «Садои Фарғона». 1914 йил 25 апрель.
[3] Кастельская З. Д. Основные предпосылки восстания 1916 г. в Узбекистане. М., 1972, 23-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нингча, сўфи мингбошига рад жавоби бераркан, Эшонбобо бу ишимни маъқуллайди, деб қаттиқ ишонган, шунинг учун ҳам хотини билан суҳбатда ўзини тутиши тубандагича:

«Сиз нима дедингиз, сиз?— деб сўради кампир.

Унинг бу саволидан очиқ бир безовталик сезиларди: «Бу сўфи ўлгур унаб қўймадимикан!..»

Раззоқ сўфи **индамасдан, мийиғида кулумсираб** турарди. Бу кулумсирашда, бир муғомбирлик асари, **«мен бўламану индамай қоламанми!» деган ифодалар бориди...** Кулумсираш билан яна ҳам хунукроқ кепатага кирган башарасини кампир томон кўтариб туриб:

— Ўша бетовфиқ, бенамозга қиз бераманми, қалай?— деди».

Сўфининг ўзини тутишидан яққол кўриниб турган «биз ҳам чакана одам эмас» деган ифодалар бошқаларга кўз-кўзлаш учунгина эмас, аввало унинг ўзи учун керак. Бечораҳол умр кечирган, шу чоққача на оила ва на эл-юрт олдида ўзининг ҳам ОДАМ эканини намоён қилолмаган сўфи, эҳтимолки, ҳаётида илк дафъа ўзини бошқаларга тенг кўриб, кўнгли тоғдай ўсиб ўтиргандир?! Мингбошига рад жавоби бериш билан эл-юрт наздида, Эшонбобо наздида бир поғона кўтарилишни, «жуда сўфи, имони бут одам» номини олишни ҳам ўйлаган. Тўғри, бу — бориб турган худбинлик, лекин сўфининг ҳаёт йўли назарда тутилса, буни тушуниш мумкин бўлади. Сал қуйироқда Чўлпон ёзади: «Раззоқ сўфининг беҳуда тақводорликка суянган сўзлари ва Қурвонбибининг қайта-қайта ишонтиришлари ила, Зебининг кўнгли бир қадар тинчланди». Муаллиф бирмунча шошаётгандек, қаҳрамонни ҳали қилиб улгурмаган «айби» учун ҳам қоралаётгандек туюлади бизга. Сўфининг сўзлари чинданам беҳуда тақводорликка суянадими? Бизнингча, йўқ! Раззоқ сўфи совчилар Акбарали ҳақида гап очганларида унинг учта хотини борлигини ҳам, кексалигини ҳам, бадбашара эканини ҳам ўйлаган эмас, хаёлига келгани — мингбошининг «бетовфиқ, бенамоз» экани, холос. Шу боис ҳам, фикримизча, сўфининг совчиларга берган андак мужмал жавобини «қизи борнинг нози»га йўйиб бўлмайди. Шу ўринда Солиҳ маҳдумни эслашга тўғри келади. Маҳдум қизини нафси йўлида қурбон қилишга шай эди, шунинг учун ҳам А. Қодирий унинг характеридаги очкўзлик, хасислик жиҳатларини бўрттирган. Раззоқ сўфи Зебини жоҳиллиги орқасида қурбон қилади. Маҳдумдан фарқли ўлароқ у, бизнингча,— очкўз эмас. «Худонинг берганига шукр қиладиган банда» бўлиши ҳақиқатга яқинроқ келади. Бундай дейишимизнинг боиси — сўфининг Эшонбобога мурид экани. Албатта, сўфийлик таълимоти ҳам, уни ташувчилар маънавияти ҳам аввалги асрлардагидек эмасди, лекин Эшонбобо бу маслак асосларидан бири зуҳд экани, зоҳид киши «маълум миқдордаги емоқ, ичмоқ, киймоқдан ортиқ дунё лаззатига, айш-ишратга, зебу зийнатга эътибор бермаслиги» [1] лозимлигини муридларига уқтирган бўлиши табиий, Сўфи учун Эшонбобонинг сўзи қонун, шундай экан, у лоақал қўрққанидан қизини мол учун сотиш хаёлига бормаслиги керак. Тўй тадориги бошланиб, мингбошиникидан келган мол-дунёни кўргач, сўфи ўзгаради. Чўлпон қаҳрамонининг бу ҳолатини тасвирлаб ёзади: «...ёнидан битта ўн сўмлик янги қоғоз олди, уни бармоқлари орасида увиб, шир-шираган овоз чиқарди, ундан кейин юзларида шу чоққача ҳеч кўрулмаган болаларча қувониш билан кампирга узатди». Муаллифнинг бу сўзлари юқоридаги фикримизни инкор қилаётгандек. Эҳтимол, лекин Зебининг мингбошига муносиб кўрилгани сўфининг очкўзлигидан эмас, яна қайтарамиз — жоҳиллигидан. Сабабки, сўфининг мол-давлатни кўриб қувониши Зеби фожиасининг сабаби эмас,— натижаси. Омилиги туфайли сўфи никоҳ масаласида шариат талабларидан бехабар. Унинг ўйлашича, Эшонбобо — «худонинг буйруғини тушунадиган одам»— қизингни мингбошига бер, деб ундадими, демак, бу — мутлақо шаръий иш. Шаръий ишни бажариб, бунинг орқасида умрида кўрмаган дунёга эга бўлганидан сўфи қувонади, чунки буни худонинг марҳамати сифатида қабул қилади. Муаллиф сўфининг очкўзлигини Зеби фожиасининг бош сабаби сифатида талқин қилмоқчи бўладики, бу, фикримизча, характер мантиқига зид келади. Воқеалар ривожи ниҳоясига яқинлашгани сари характер мантиқи муаллиф томонидан тайёрлаб қўйилган қолипга сиғмай қолади — жонли характер етовдан бўшалиб кетади.

Сўфи эътиқодидан келиб чиқиб қизини мингбошига бермоқчи бўлмаганини айтиб ўтдик. Унинг ўзи англамаган, манфаат аралашган эътиқоди пуч экани Эшонбобо аралашувидан кейин осонгина синганида кўринади: «Мен оми бўлсам, саводим бўлмаса, оққорани танимасам, у киши мулла бўлса, забардаст бўлса, худонинг буйруғини тушунса; шариатни, тариқатни сувдай билса... нима дейман?»— кўринадики, сўфи яратганга эмас (гарчи ўзи шундай деб ўйласа-да), Эшонбобога сиғинади. Раззоқ сўфидай одамнинг хотинига (!!) ёрилишидан кўрамизки, унга ҳам осон эмас: қизига жабр қилаётганини, мингбоши унинг тенги эмаслигини билганидан бўлса керакки, куйиб-ёниб гапиряпти: «Ўртоқларини чақиртир, фитна... Ўйин-кулгу қилишсин... У тарафдан мен ҳам тўйни тезлатай... Тезроқ бериб қутулайлик...» — сезасизми, бу гапларда энди «бу нима қиёмат» дея ҳайқирган одам сиёғи йўқ — у қийналиб гапиряпти. «Тезроқ бериб қутулайлик» дегани ҳар бир мўмин-мусулмонга хос гапнинг қайтариғигина эмас — «суратдай,

[1] М. Зокиров. Тасаввуф таълимоти ҳақида. «Шарқ юлдузи», 1990, № 7.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жонсизгина судралиб юрган» қизини кўриш азобидан қутулиш истагидан туғилган гап. Ўзининг айтишича, сўфи «кўп олишган», «бенамозга қиз бермайман» деган, лекин Эшонбобо келтирган далиллар олдида ожизлик қилган — кўнган.

Сўфининг, Зеби келин бўлиб тушгандан кейин, шаҳардан пиёда бориши, «оппоқ соқоли билан кўз ёшларини оқизиб йиғлаши», «Қизим, мени мунақа шарманда қилади-ган бўлсанг, илоҳим, бўйнинг тагингда қолсин, муродингга етмагин...» дея қарғашлари вужудида «мутаассиб диндор» билан «ота» курашаётганини, қаҳрамоннинг онгида кечиб, уни муқаррар ҳалокатга олиб келадиган ечими йўқ зиддият — фожеий ҳолат юзага келганини кўрсатади.

Фарзандини тириклай йўқотган сўфи вужудидаги «ота» уни қутқаришга ундайди — пул керак. Сўфи «арз қилиб борадиган бирдан-бир маҳкамаси» — Эшонбобонинг хонақосига йўл олади. Бизнингча, сўфи образи талқинидаги энг муҳим бу саҳнада муаллиф характер мантиқига зид боради. Сўфининг эшонни кутиб ўтирган чоқдаги ўйлари икки хил сабабга кўра жоиз эмас: биринчидан, мадад кутиб ўтирган, бошқа мададкори бўлмаган сўфининг пири ҳақида: «Эшонбобо хотиржам, бир чақа ҳам бермайдилар. У киши, албатта, бераман десалар-ку, қўлларидан келади; ҳар қандай катта закунчининг иштаҳасини қондирадиган дунёлари бор. Фақат, на чораки, у киши бериб ўрганмаганлар, олиб ўрганганлар; «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», дейди бурунгилар. У кишини беришга ўргатиш қийин! У киши, шунча бадавлат бўла туриб, эшикдан гадой кирса қўлига қарайди — «назри йўқмикан?» деб...» қабилида ўйлаши, фикримизча, ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки сўфининг бутун вужуди умидга айланган. Иккинчидан, агар сўфи пири ҳақида бунақа ўйлар экан, унга сиғинганига ишониш қийинлашади. Айтмоқчимизки, муаллиф сўфининг «кўзини очгани» эртароқ киришган.

Эшонбободан мадад кутганида пирининг бефарқлиги сўфини адои тамом қилади: «Бутун вужуди қизиган танурдай тобига келган эди. Қўллари ихтиёрсиз баландга кўтарилди, муштлари ўз-ўзидан тугумланди... Бу мушт пирнинг бошига тушмоқчи эди. Фақат, қаршидаги ким?— Пир! Эшон! Эшонбобо! Йўқ, унга қўл кўтариб бўлмайди! Яна бир онда сўфи сувдай суюлди, қордай эриди, орият оёқлари билан омонат ерни босиб ташқари чиқди...»— жабрдийда «ота» ҳамон «мутаассиб диндор»дан устун келолгани йўқ. «Индамасдан бориб ётоққа чўзулган» сўфи туни билан мижжа қоқмагани, вужудида ҳалиги кураш тинчимагани — аён. Чўлпон «Эрта билан, нонушта чоғида, бутун воқеани ётиғи билан кампирига айтгандан кейин, сўфи кеча пирнинг бошига тушмоқ учун кўтарилган муштнинг бугун ўз бошига тушаётганини кўрди»,— деб ёзади-ю, сўфининг хонақога йўл олганини айтади. Сўфи нимани кўрди? Бунга хотимадан жавоб топамиз: у хотинининг юз-кўзларида ақлдан озганлик аломатларини кўрган, ёруғ дунёда бир ўзи сўппайиб қолаётганини англаган, бу — «ўз бошига тушаётган мушт», етишмаётган сўнгги томчи эди! Вужудида «ота» ғолиб келганки, сўфи «эшоннинг ҳам молига, ҳам жонига қасд қилган», эҳтимол пулни олиб Зебини қутқармоқчи бўлгандир...

Сўфи образи — ўлкамиздаги минглаб «оми»лар тақдирини умумлаштириб, эътиқодининг моҳиятига кўпда етмасдан, фақат «омин» деб туришгагина яраган, бу билан бидъату хурофотга йўл очиб берган халқ фожиасини кўрсатиши мумкин эди. Ёзувчининг қаҳрамонида жоҳил диндорнигина кўриб, инсонни доим ҳам кўролмагани унда мавжуд кучли имкониятларнинг очилмай, катта фожеий характернинг қиёмига етмай қолишига олиб келган.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳон адабиёти дурдоналари

Бадриддин Ҳилолий

Рубоийлар

Тун-куним васфингни сўзлаб ўтибдир,
Ой-йилим изингни излаб ўтибдир.
Сенинг йўлларингга термилиб кўзим,
Умрим висолингни бўзлаб ўтибдир.

II

Кўзларингдан жон тарож бўлмоқчидир,
Юз дил куйиб ноилож бўлмоқчидир.
Эй санам, гар истасанг қилмоқни ноз,
Биз томондан эҳтиёж бўлмоқчидир.

III

Сен келдинг, жонимдан асарим йўқдир,
Ҳушсизман, ўзимдан хабарим йўқдир.
Васлинг томон парвоз истайди кўнгил,
Аммо, не қилайки бол-парим йўқдир.

IV

Не дардки, ҳаддин зиёд фироқнинг туни,
Кундузим ҳам сиёҳ чулғар ҳажр тутуни.
Қандай кунлар келди бошимга, ё раб,
Бу қиёмат куними, ё фироқ куни?

V

Ғам бору ғам сўрорим керак, аммо йўқ,
Ёнимда бир нигорим керак, аммо йўқ.
Рақибим дарди не даркор эрур менга,
Бу оқшом гулузорим керак, аммо йўқ.

VI

Эй дард, ки асири шуҳрату номмиз ҳануз,
Тинглашда ожизу сўзлашга роммиз ҳануз.
Умр тугаб бўлдию нотамоммиз ҳануз,
Юз бор пишдигу куйдик, вале, хоммиз ҳануз.

VII

Ўзимдан-ўзга букун бир паришон йўқдир,
Мушкул ҳосилини ечмоққа имкон йўқдир.
Мени ғам ўлдирди, кимса додимга етмас,
Э воҳ, бу шаҳрингда бир меҳрибон йўқдир.

Бадриддин Ҳилолий — шарқ адабиётининг кўзга кўринган сиймоларидан биридир. У XV асрнинг еттинчи йилларида Астробод шаҳрида таваллуд топган. Йигирма ёшида илм ва маданият маркази бўлган Ҳиротга келади. Жомий ва Навоийдек улуғ зотлар бошчилик қилаётган адабий давраларга қўшилади. Ундан бизга мерос бўлиб учта достон: «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифат ул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» ҳамда 2700 байтдан иборат бўлган шеърий девон етиб келган.

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида Бадриддин Ҳилолий хусусида шундай ёзади: «Унинг ёд олиш қобилияти жуда яхши, таъби назми ҳам шул қобилиятига яраша эрур. Илм ўрганишга иштиёқи зўр».

Ҳилолий рубоийларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ТАРЖИМОН

www.ziyouz.com kutubxonasi

VIII

Моҳим тунни ёритгучи чироқ бу тун,
Эй чархифалак, рашкдин ўзни ёқ бу тун,
Бу васл шомимас, мақсудим кечасидир,
Мингта янги кундан-да, ортиқроқ бу тун.

IX

Ҳар кимки ишқ майин жомин кўтарур,
Унинг қуйқасидан дил дардга тўлур.
Гўё жаҳон ғами бир ерда жаму
Бу ғамлар денгизи муҳаббат бўлур.

X

Сенинг зебо юзинг шундай яралди,
Юз ҳусну малоҳат кундай яралди.
Алқисса, оламни лол қилган ҳуснинг
Орзули қалбларга кириб таралди.

XI

Мискинман, ошиқлик кўчаси манзилимдир,
Ғарибман, ўзгалар дили не ҳосилимдир.
Эй ҳазин дил! Сен ҳам бир гадодирсан, билсанг,
Гадо — сен, бенаво — мен, бечора кўнглимдир.

XII

Токай дилинг жаҳондин қайғули бўлур,
Дард чекиб ҳам фироқда ўз-ўзин тилур.
Шод бўлгин, дунё сену менгача бўлган,
Бор эди, ҳамон бордир ва мангу бўлур.

Форсийдан **Баҳриддин ТУРҒУНОВ** *таржималари.*

www.ziyouz.com kutubxonasi



Алоуддин МАНСУР таржимаси

Бу сура Мадинада нозил қилинган бўлиб, ўн саккиз оятдир.

Сура Оллоҳ таолонинг қудрати илоҳийсига далолат қиладиган оятлар билан бошланиб, сўнгра илгари ўтган динсиз кимсалар топган оқибатлар ва улар охиратда гирифтор бўладиган аламли азоб ҳақида хабар берилади.

Бу сурада ўлгандан кейин қайта тирилиш Куни бор эканлигини инкор этган кофирларнинг даъволари кескин рад қилиниб, Парвардигори олам номига қасам билан у Куннинг ҳақ эканлиги таъкидланади ва уни «Тағобун», яъни «Бир-бирларини алдаш — зиён етказиш» Куни деб аталади. Чунки бу дунёда мўминларни алдаб, уларга зиён етказиш ҳаракатида юрган кофирлар у Кунда дўзахга гирифтор қилинишлари билан ўзларининг зиён тортиб, алданиб қолганликларини билишиб, надоматлар қилурлар, мўминлар эса у Кунда жаннат неъматларига эришишлари билан ҳаёти-дунёда кофирларнинг васваса-алдовларига учмаганликлари сабабли катта фойда кўрганликларини билурлар.

Сура охирида мўминларга топган мол-мулк ва бола-чақалари улар учун

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат бир имтиҳон эканлиги уктирилиб, уларни қўлларидан келганча тақво билан ҳаёт кечиришга ва Оллоҳ йўлида бечора-мискинларга хайр-эҳсон килишга даъват этилади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Оллоҳга тасбеҳ айтур. Эгалик—подшоҳлик ёлғиз Уникидир ва ҳамду сано ёлғиз Унинг учундир. У барча нарсага қодирдир. 2. У сизларни яратган зотдир. Бас, сизлардан (айримларингиз) **кофир, сизлардан** (айримларингиз) **мўминдир. Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир. 3. У осмонлар ва Ерни ҳақ** (қонун) **билан яратди ва сизларга сурат-шакл берди—сувратларингизни гўзал қилди. Ёлғиз Унга қайтиш бордир. 4. У осмонлар ва Ердаги бор нарсани билур ва У сизлар яширадиган нарсани ҳам, ошкор қиладиган нарсани ҳам билур. Оллоҳ диллардаги сирларни билгувчидир. 5.** (Эй Макка кофирлари), **сизларга аввалги кофир бўлишиб, сўнг** (ҳаёти-дунёдалик пайтларидаёқ), **ўз ишларининг зиёнини тотган кимсаларнинг хабари келмадими? Яна улар учун** (охиратдаги) **аламли азоб ҳам бордир. 6. Бунга сабаб, уларга пайғамбарлари** (ўзларининг ҳақ пайғамбар эканликларини билдиргувчи) **ҳужжатлар билан келганларида, улар: «Бизларни** (ўзимизга ўхшаган) **башар** (авлодлари) **ҳидоят қилурларми?!» дейишиб,** (у пайғамбарларга) **кофир бўлганлари ва** (иймондан) **юз ўгириб кетганларидир.** (Шунда) **Оллоҳ** (уларни ҳалок қилиш билан Ўзи уларнинг иймонларидан) **беҳожат эканини кўрсатди. Оллоҳ беҳожат ва ҳамду санога лойиқ зотдир. 7. Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар.** (Эй Муҳаммад, уларга) **айтинг: «Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Оллоҳга осондир». 8. Бас, сизлар Оллоҳга, Унинг пайғамбарига ва Биз нозил қилган Нурга—Қуръонга иймон келтиринглар! Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. 9.** (Оллоҳ) **сизларни тўплайдиган тўпланиш Кунини** (эслангиз)! **Бу** (одамлар) **бир-бирларини «алдаб зиён етказадиган» Кундир** (яъни, ҳаёти-дунёда иймон эгаларини алдаб—зиён етказиб юрган кофирлар у Кунда дўзах азобига дучор қилиниш билан ўзларининг алданган кимсалар эканликларини билиб олурлар). **Ким Оллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса,** (Оллоҳ) **унинг ёмонлик — гуноҳларини ўчирур ва уни остидан дарёлар оқиб турадиган,** (барча жаннат аҳли) **абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Бу эса улуғ бахтдир. 10. Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар — ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, ўша жойда мангу қолгувчидирлар. Нақадар ёмон оқибат** (бу)! **11.** (Бирон кимсага) **бирон мусибат етмас, магар Оллоҳнинг изниродаси билангина** (етур). **Ким Оллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини** (Тўғри йўлга) **ҳидоят қилур. Оллоҳ барча нарсани билгувчидир. 12. Оллоҳга итоат этингиз ва пайғамбарга бўйинсунингиз! Энди агар** (итоатдан) **бош тортсангиз, у ҳолда** (билингизки), **пайғамбаримиз зиммасида фақат** (Бизнинг ваҳйларимизни сизларга) **очиқ-равшан қилиб етказиш бор, холос. 13. Оллоҳ—ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг ўзи бордир. Бас, мўминлар, ёлғиз Оллоҳга таваккул қилсинлар—суянсинлар! 14. Эй мўминлар, албатта жуфтларингиз ва болаларингиздан сизлар учун душман бўлганлари ҳам бордир. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар! Агар сизлар уларни афв этсанглар, кечириб юборсанглар ва мағфират қилсанглар, у ҳолда албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир.**

Изоҳ: Ривоят қилинишича, Макка аҳлидан бир гуруҳ кишилар Исломни қабул қилишиб, сўнгра пайғамбар алайҳи-с-салом ҳузурларига—Мадинаи мунавварага ҳижрат қилмоқчи бўлганларида, уларнинг динсиз бўлган хотин ва бола-чақалари бу ниятларидан тўсишиб: «Исломга кирганларингизга сабр қилдик, аммо бизларни ташлаб ҳижрат қилишларингизга чидай олмаймиз», дейишган экан. Шунда улар бу гапга кўнишиб, Маккада қолишган ва орадан анча замон ўтиб, Мадинага келганларида эса бу ердаги мусулмонлар диний билимларни пухта эгаллаб олганларини кўришиб, илгари ўзларининг йўлларини тўсган хотин, бола-чақаларидан ўч олмоқчи бўлганларида юқоридаги оят нозил бўлгандир. Муфассирлар айтишларича, ушбу ояти карима Оллоҳ таоло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га тоат-ибодат қилишдан тўсадиган хотинлар ва болаларнинг сўзларига кирадиган барча кишилар учун танбеҳдир.

15. Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна—имтиҳондир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. 16. Бас, кучларингиз етганича Оллоҳдан қўрқинглар, (ўзларингизга қилинаётган панд-насиҳатларга) **қулоқ тутинглар ва итоат этинглар ҳамда инфоқ-эҳсон қилинглар,** (мана шу) **ўзларингиз учун яхшироқ бўлур. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчидирлар. 17. Агар сизлар Оллоҳга қарзи-ҳасана берсангизлар** (яъни, Унинг мискин-бечора бандаларига инфоқ-эҳсон қилсангизлар) **У зот сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва сизларни** (нг гуноҳларингизни) **мағфират қилур. Оллоҳ ўта шукр қилгувчи** (яъни, озгина яхши амал учун кўп мукофот ато этгувчи) **ва ҳалимдир. 18.** (У) **ғайбу шаҳодатни** (яъни, барча яширин ва ошкор ишларни) **билгувчи, қудрат ва ҳикмат соҳибидир.**

Бу сура ўн икки оятдан иборат бўлиб, Мадинада нозил қилинган.

Унда сўз, асосан, оилавий аҳволга тааллуқли шариат ҳукмларидан талоқ ва унинг қонун-қоидалари устида боради. Шунинг учун у «Талоқ» сураси деб номлангандир.

Яна бу сурада идда ва унинг турлари ҳамда иддадаги аёлни жой ва нафақа билан таъминлаш тартиблари ҳам баён этилади. Сура давомида эр ё хотиндан бирортасига зулм бўлмаслиги учун бот-бот Оллоҳдан қўрқишга даъват такрорланиб туради.

Сура Қуръони карим нозил қилинишидан ва Муҳаммад алайҳи-с-салом пайғамбар қилиб юборилишидан мурод, мўминларни жаҳолат зулматларидан иймон нурига олиб чиқиш эканини таъкидлаш ҳамда етти осмону етти заминни яратган зот бўлмиш Оллоҳ таоло барча нарсани билиб, иҳота қилиб тургувчи зот эканлигини уқтириш билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Эй пайғамбар, қачон сизлар (яъни, мўминлар) **аёлларингизни талоқ қилсангизлар, уларнинг иддаларида** (яъни, поклик пайтларида) **талоқ қилинглар ва идда сақланглар! Парвардигорларингиз бўлмиш Оллоҳдан қўрқинглар!** (То иддалари тугагунча) **уларни** (ўзлари яшаб турган) **уйларидан ҳайдаб чиқарманглар ва улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақат улар очиқ фаҳш ишни** (бузуқлик ёки беҳаёлик каби қилиқларни) **қилсаларгина** (яшаб турган уйларидан ҳайдаб чиқарилурлар) **Бу Оллоҳнинг қонун-чегараларидир. Кимки Оллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, аниқки, у ўзига зулм қилибди. Сиз билмассиз, эҳтимол Оллоҳ бу** (талоқ)**дан кейин бирон ишни пайдо қилар.**

Изоҳ: Бақара сурасининг 228-оятида айтилганидек, талоқ қилинган аёллар уч ҳайз муддатида идда сақлаб ўзларининг ҳомиладор бўлган-бўлмаганларини кузатадилар. Агар бирон аёл ҳайз кўриш пайтида талоқ қилинса, мана шу ҳайзидан ташқари яна уч ҳайз идда сақлаши лозим бўладики, бу ўша аёлга зулм қилиш демакдир. Чунки у идда муддати битиши билан бошқа эр билан турмуш қуриш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолатда эса талоқ қилинган аёл яна ортиқча бир ҳайз идда сақлашга мажбур бўлади. Умуман, оиласиз эркак ва аёлларнинг кўпайиши жамиятда бузуқлик ва нопокликнинг авж олишига

www.ziyouz.com kutubxonasi

сабаб бўлгани учун Ислом дини оилаларнинг бузилиб кетишига имкон қадар йўл бермаслиққа, бузилган чоғда эса иложи борича тезроқ ярашишга ёки бошқа турмуш қуришга даъват этади. Шунинг учун юқоридаги оятда талоқ қилгувчилар хотинларни идда сақлайдиган поклик пайтларида талоқ қилишга ҳамда иддани аниқ ҳисоб-китоб қилиб боришга буюрилдилар. Ушбу фармоннинг яна бир ҳикмати, аёл киши ҳайз кўриш пайтида одатда эри унга поклик пайтидагидек рағбат қилмайди, бинобарин ундан ажралиш ҳам эр учун у қадар қийин иш эмасдек туюлиши мумкин. Шу сабабдан, Қуръон эркакларга, улар агар хотинларидан ажралмоқчи бўлсалар, у аёлларни пок ва марғуба бўлган пайтларида талоқ қилишлари мумкин эканлигини билдиради. Бундан ташқари, ушбу оятда талоқ қилинган аёлларни модомики улар бузуқлик, беҳаёлик қилмас эканлар, то идда муддатлари тугамагунча эрларининг уйларидан чиқариб юбориш дуруст эмаслиги баён қилинди. Бу ҳукмдан мурод, биринчидан, идда сақлаётган аёл мана шу идда муддати асносида талоқ қилган эрининг ҳукмида эканлиги, яъни бошқа эрга никоҳланиши дуруст эмаслигини билдириш бўлса, иккинчидан, агар у аёл уч талоқ қилинмасдан бир ёки икки талоқ қилинган бўлса, жаҳл устида талоқ қилиб юборган эри ҳар куни уни кўриб турганлиги сабабли, меҳр кўзда, деганларидек яна унга мойил бўлиб, эр-хотиннинг қайтадан ярашиб кетишлари ҳам осонлашишидир. Шунинг учун ҳам оят ниҳоясида «Сиз билмассиз, эҳтимол Оллоҳ бу (талоқ)дан кейин бирон ишни пайдо қилар», дейилади.

2. **Энди қачон** (талоқ қилган аёлларингизнинг идда) **муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинглар** (яъни, қайта никоҳларингизга олинглар) **ёки яхшилик билан** (яъни, ҳаққи маҳрларини бериб) **ажрашинглар. Ва** (ярашиб олиб қолаётган ёки ажрашиб кетаётган чоғларингда) **ўзларингиздан** (яъни, мусулмонлардан) **бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар ва** (гувоҳ бўлгувчилар) **гувоҳликни Оллоҳ учун тўкис адо қилинглар! Бу** (ҳукм)**дан фақат Оллоҳга ва охират Кунига иймон келтиргувчи бўлган киши панд-ибрат олур. Ким Оллоҳдан қўрқса,** (юқорида мазкур бўлган талоқ қилиш қонун-қоидаларига Оллоҳдан қўрққани учун риоя этса) **У зот унинг учун** (барча ғам-кулфатлардан) **чиқар йўлни** (пайдо) **қилур. 3. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур. Ким Оллоҳга таваккал қилса, бас,** (Оллоҳнинг) **Ўзи унга етарлидир. Албатта Оллоҳ Ўзи** (хоҳлаган) **ишига етгувчидир.** (Унинг хоҳишига қарши турувчи кимса йўқдир). **Дарҳақиқат, Оллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир** (яъни, ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодиса ёлғиз Оллоҳ хоҳлаган-белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради). **4. Аёлларингиз орасидаги** (кексайиб қолгани сабабли) **ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар** (уларнинг иддалари қанча давом этиши хусусида) **шубҳалансангизлар**, **бас** (билингизки), **уларнинг иддалари уч ойдир, яна** (ҳали-ҳануз) **ҳайз кўрмаган** (аёллар)**нинг** (иддалари ҳам уч ойдир). **Ҳомиладор** (аёл)**ларнинг** (идда) **муддатлари ҳомилаларини қўйишлари** (яъни, кўз ёришларидир). **Ким Оллоҳдан қўрқса,** (Оллоҳ) **унинг ишини осон қилур. 5. Бу Оллоҳнинг сизларга нозил қилган ҳукмидир. Ким Оллоҳдан қўрқса, унинг ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва унинг ажр-мукофотини улуғ қилур. 6. Уларга** (яъни, талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) **ўзларингиз маскан тутган—қудратингиз етган жойдан маскан беринглар ва уларни** (турган жойларидан) **қисиб чиқариш учун уларга зиён етказманглар. Агар улар ҳомиладор бўлсалар, у ҳолда то ҳомилаларини қўйгунларича уларга нафақа бериб турингглар! Энди агар** (талоқ қилган аёлларингиз) **сизлар учун** (бола) **эмизсалар** (ўзларининг сиздан бўлган болаларини эмизсалар), **у ҳолда уларнинг** (эмизганликлари учун) **ажр-ҳақларини беринглар! Ва** (эмизиш, ҳамда унинг ҳаққи хусусида) **ўзаро яхшилик билан келишиб олинглар! Агар** (келиша олмасдан) **танг ҳолга тушсангизлар, у ҳолда** (ота) **учун** (боласини) **бошқа** (бир аёл) **эмизур** (Яъни, ота боласини бошқа—бегона бир аёлга эмиздирур). **7. Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан** (яъни, бойлигига ярашадиган) **нафақа берсин! Қимнинг ризқи танг қилинган** (камбағал) **бўлса, у ҳолда Оллоҳ ўзига ато этган нарсадан** (яъни, ўз ҳолига яраша) **нафақа берсин! Оллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этган** (ризқ-рўз)**дан бошқа нарсага таклиф қилмас** (яъни, ҳар бир инсон фақат Оллоҳ ўзига ато этган ризқдан инфоқ олишга таклиф қилинур). **Оллоҳ танглик-камбағалликдан кейин енгиллик-бойлик ҳам** (пайдо)

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилур. 8. Қанчадан-қанча қишлоқ-шаҳарлар борки, ўз Парвардигорлари ва Унинг пайғамбарлари амридан бош тортгандирлар, бас, Биз улардан қаттиқ ҳисоб-китоб олганмиз ва ёмон азоб билан азоблаганмиз. 9. Бас, у (қишлоқ-шаҳарларнинг аҳли) **ўз иш-қилмишларининг зиёнини тотдилар ва бу ишларининг оқибати зиён тортиш—ҳалокат бўлди. 10. Оллоҳ улар учун** (охиратда ҳам) **қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир. Бас, эй иймон келтирган ақл эгалари, Оллоҳдан қўрқинглар! Дарвоқе, У зот сизларга Эслатма-Қуръонни нозил қилди. 11. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Оллоҳнинг очиқ-равшан оятларини тиловат қиладиган пайғамбарни** (Муҳаммад алайҳи-с-саломни юборди). **Ким Оллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса,** (Оллоҳ) **уни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадул-абад қоладиган жаннатларга киритур. Дарҳақиқат, Оллоҳ унинг учун гўзал ризқ** (жаннатнинг туганмас ризқини ато) **қилди. 12. Оллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшаларнинг мислини** (яъни, етти қават ерни) **яратган зотдир.** (Оллоҳнинг) **амри-фармони уларнинг** (яъни, етти қават осмон ва етти қават Ернинг) **ўртасига нозил бўлиб—тарқалиб турур. Токи сизлар Оллоҳнинг барча нарсага қодир эканлигини ва Оллоҳ барча нарсани** (Ўз) **билими билан иҳота қилиб олганини билишларингиз учун** (У зот сизларга юқорида зикр қилинган нарсалар ҳақида хабар берди).

Ўн икки оятдан ташкил топган бу сура ҳам Мадинада нозил бўлган.

«Тахрим»—«Ҳаром қилиб олиш» деб номланган бу сура жорияларини ўзлари учун харом қилиб олган пайғамбар алайҳи-с-саломга танбеҳ бериш билан бошланади.

Сўнгра у зот билан аҳли байтлари ўртасида бўлиб, ўтган айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилинади ва бу билан мусулмонларга эр билан хотиннинг оилада тутиши лозим бўлган ўрни—мавқеи ҳамда улар ўртасидаги риоя этилиши лозим бўлган айрим тартиб-қоидалар ўргатилади.

Сура давомида мўминлар ўзларини ва аҳли оилаларини дўзахга дучор қиладиган гуноҳлардан сақлашга ҳамда холис тавба-тазаррулар қилишга қайта-қайта даъват этиладилар.

Сура мўмин зот (Нуҳ ва Лут пайғамбарлар) карамоғидаги кофиралар ва кофир кимса (Фиръавн) қўл остидаги мўмина аёл ва Марям бинти Имрон ҳақидаги икки ибратли мисол билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Эй пайғамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб Оллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?!Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир.

Изоҳ: Ушбу ояти карима нозил бўлишининг сабаблари ҳақида бир неча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бири «Саҳиҳул Бухорий»да келтирилган қуйидаги ривоятдир: Пайғамбар алайҳи-с-салом жуфти ҳалоллари Зайнаб бинти Жахш (Оллоҳ ундан рози бўлсин)нинг хоналарида истироҳат қилиб, онамиз қуйиб берган асал шарбатидан ичиб ўтирар эканлар, бошқа аёллари Оиша ва Ҳафса оналаримизнинг (Оллоҳ улардан рози бўлсин) рашклари келиб, пайғамбар алайҳи-с-салом бу ердан чиқиб қайси биримизнинг олдимизга кирсалар «Мағофийр (ўзи лаззатли, аммо саримсоққа ўхшаш бадбўй таом) едингизми?», деймиз, деб келишиб оладилар ва расулуллоҳ олдиларига кирган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида ҳар иккалалари ҳам ўша сўзни айтадилар. Шунда ҳар қандай бадбўй ҳидни ёмон кўрадиган пайғамбаримиз: «Йўқ, мен фақат Зайнабнинг олдида асал шарбати ичган эдим», деб қайта асал танову қилмасликка қасам ичганларида юқоридаги оят нозил бўлади.

2. Дарвоқе, Оллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда каффорат — эваз тўлаб) **қасамларингиздан қутулиб чиқишни буюрган-ку. Оллоҳ хожаларингиздир. У билгувчи ва ҳикмат соҳибидир.**

Изоҳ: Бу оятда Оллоҳ таоло пайғамбаримизн ва у зотнинг барча уммат-ларини ноўрин ичилган қасамларидан каффор – эваз тўлаб қутулишга буюрмоқда. Қасамнинг каффорати ҳақида Моида сурасининг 89-оятида батафсил айтилгандир.

3. Пайғамбар жуфтларидан бирига (яъни, Ҳафсага) **бир сўзни пинҳона айтганини эсланг! Энди қачонки** (Ҳафса) **у** (сир) **ҳақида** (Оишага) **хабар бергач ва Оллоҳ** (Жаброил фаришта воситасида пайғамбарни Ҳафсанинг қилмишидан) **воқиф этгач, у** (Ҳафсага ўзи воқиф бўлган кимсанинг) **баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди — билдирмади. Бас, қачонки,** (пайғамбар Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида) **хабар бергач, у: «Ким сизга бу хабарни берди?» деган эди,** (пайғамбар): **«Менга билгувчи ва хабардор зот хабар берди», деди. 4.** (Эй Ҳафса, Оиша), **агар сизлар** (бу қилмишларингиз учун) **Оллоҳга тавба қилсангизлар,** (ўзларингизга яхшироқ бўлур). **Чунки сизларнинг дилларингиз** (ҳақ йўлдан) **тойиб кетди!** (Аммо) **агар сизлар** (пайғамбарнинг) **зиёнига** (яъни, у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида) **бир-бирларингизга ёрдам берсангизлар, у ҳолда, шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мададкоридирлар. Яна, булардан кейин фаришталар ҳам** (пайғамбарга) **ёрдамчидир. 5. Эҳтимол Парвардигори — агар у сизларни талоқ қилса — унга сизлардан яхшироқ жуфтларни — муслима, мўмина,** (Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига) **итоат этгувчи, тавба-тазарру қилгувчи, обида,** (мудом Оллоҳнинг йўлида) **кетгувчи жувон ва қизларни алмаштириб берур.**

Изоҳ: Юқоридаги оятларда Оллоҳ таоло пайғамбар алайҳи-с-саломнинг аёлларига ибратли панд-насиҳат қилиб, уларни расулуллоҳ билан бирга кечаётган саодатли ҳаётларининг қадрига етишга даъват этгач, қуйидаги оятларда барча мўминларга хитоб қилади.

6. Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни — ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақлангизки, (дўзах) **устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Оллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур. 7.** (Кофирлар дўзахга киритилар эканлар, уларга дейилур): **Эй кофирлар, бугун узр айтмай қўяқолинглар,** (чунки энди ҳар қандай узр-баҳона бефойдадир)! **Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланмоқдасизлар! 8. Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки Парвардигорингиз сизларнинг ёмонлик — гуноҳларингизни ўчириб, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. У Кунда Оллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрур. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират қилгин. Албатта Сен барча нарсага қодирдирсан», дерлар. 9. Эй пайғамбар, сиз кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир! Нақадар ёмон оқибат бу! 10. Оллоҳ кофир бўлган кимсалар** (ва уларни мўминлар билан бирга ҳаёт кечиришлари ҳам Оллоҳнинг азобидан қутқара олмаслиги) **ҳақида Нуҳнинг аёли ва Лутнинг аёлини мисол келтирди. У иккиси Бизнинг бандаларимиздан икки солиҳ банда қўл остида эдилар. Бас, у** (аёл)**лар** (Нуҳ) **ва** (Лут)**га хиёнат қилган эдилар.** (Нуҳ ва Лут) **Оллоҳ**(нинг азоби)**дан бирон нарсани у иккисидан даф қила олмадилар ва** (уларга): **«Киргувчилар билан бирга дўзахга киринглар!» дейилди. 11. Оллоҳ иймон келтирган зотлар** (ва улар ўзлари ҳақиқий мўмин бўлсалар яқин одамларининг кофир ҳолда бўлиши уларга зиён қилмаслиги) **ҳақида Фиръавннинг аёлини мисол келтирди. Ўшанда** (яъни, Фиръавн у аёлнинг Мусо пайғамбарга иймон келтирганини билиб қолгач, азоблаган чоғида) **у: «Парвардигорим, Ўзинг мен учун ҳузурингда — жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан**

www.ziyouz.com kutubxonasi

нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин», деди. 12. Яна (иймон келтирган зотлар ҳақида) **ўз номусини сақлаган аёлни — Марям бинти Имронни** (мисол келтирди). **Бас , Биз Ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик** (ва у Исога ҳомиладор бўлди). **У Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда** (Оллоҳнинг амрига) **итоат этгувчилардан бўлди.**

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, ўттиз оятдан ташкил топгандир.

Сура барча оламлар мулки — подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган Оллоҳ таборака ва таоло беҳад буюк-баракотли зот эканини таъкидлаш билан бошланади. Шу боисдан, у «Мулк» сураси деб номлангандир. Айрим манбаларда уни «Таборак» сураси деб ҳам атайдилар.

Бу сурада Оллоҳ таоло ўлим ва ҳаёт неъматларини нима учун яратгани ҳамда У зот етти қават осмон ва ундаги бор мавжудотни қандай дақиқ ҳикмат — интизом билан бунёд этгани баён қилинган оятлар қаторида охират ҳақида ва у Кунда кофирлар дучор бўладиган азоб ҳамда уларнинг чекадиган бефойда афсус-надоматлари тўғрисида хабар берадиган оятлар ҳам мавжуддир.

Сўнгра Еру осмондаги Тангри таолонинг қудрати илоҳийсига далолат қилиб турган турли-туман оят-аломатлар тасвирланади ҳамда кофир ва мўмин ҳақида ибратли мисоллар келтирилиб, барча инсонларни Оллоҳ таоло рози бўладиган Тўғри Йўлни тутишга даъват этилади.

Ушбу суранинг фазилатлари баёнида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, улардан бири имом Термизий ривоят қилган мана бу ҳадиси шарифдир: Пайғамбар алайҳи-с-салом айтдилар: «Дарҳақиқат, Оллоҳнинг Китобида ўзи фақат ўттиз оятдан иборат бўлган бир сура борки, у (ўша сурани ўқиб, амал қилиб юрган) кишини шафоат қилур ва ҳатто Қиёмат кунида уни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритур. У «Таборак» сурасидир.

Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. (Барча оламлар) **подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган зот — Оллоҳ баракотли — буюкдир. У барча нарсага қодирдир.** 2. (Эй инсонлар, У) **сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон этиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир.**

Изоҳ: Демак, Оллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг мана шу ҳаёти-дунёда қилиб ўтадиган амалларини синаб, охиратда ўша амалга яраша мукофот-жазо бериш учун ўлим ва ҳаётни яратган экан. Ушбу ояти каримада ўлим сўзи ҳаёт сўзидан муқаддам келтирилишига сабаб, ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканлигидир. Чунки ҳаёт сўзи шу ўткинчи дунёда яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи охират диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ўлим юзаки қараганда ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мангу ҳаётнинг ибтидосидир. Бу хусусда пайғамбар алайҳи-с-салом шундай деганлар: «Жоним қўлида бўлган зотга — Оллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (ўликлардан) *яхшироқ англагувчи эмассизлар. Фақат улар жавоб қила олмайдилар, холос».*

3. (У) **етти осмонни устма-уст қилиб яратган зотдирки, сиз У Раҳмоннинг**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Меҳрибон зотнинг) **яратишида бирон тафовут-нуқсонни кўрмассиз. Энди кўзингизни яна** (самога) **қайтаринг-чи,** (удда) **бирон футур-ёриқни кўрармикансиз? 4. Сўнгра кўзингизни қайта-қайта** (самога) **қайтаринг, кўзингиз сизга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда қайтур,** (аммо Оллоҳ таоло яратган осмонлардан бирон айб-нуқсон топа олмас). **5. Дарҳақиқат, Биз энг яқин осмонни чироқлар** (юлдузлар) **билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик. Биз улар** (шайтонлар) **учун** (охиратдаги) **олов-дўзах азобини ҳам тайёрлаб қўйгандирмиз. 6. Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу! 7. Қачон улар** (жаҳаннамга) **ташланганларида қайнаб турган** (жаҳаннамнинг худди эшак ҳанграшидек) **бир ўкирик-фарёдини эшитурлар. 8. У** (дўзах) **ғазабдан бўлиниб-парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар қачон унга бир тўда** (кофир) **ташланганида унинг қўриқчилари улардан** (кофирлардан): **«Сизларга** (ҳаёти-дунёда) **бирон огоҳлантиргувчи — пайғамбар келмаганмиди?» деб сўраганида; 9. Улар дерлар: «Ҳа, дарҳақиқат, бизларга огоҳлантиргувчи келган эди,** (лекин бизлар уни) **ёлғончи қилганмиз ва: «Оллоҳ** (ҳеч кимга) **ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта залолат — гумроҳликдадирсизлар», деганмиз». 10. Улар** (кофирлар) **яна: «Агар бизлар** (огоҳлантиргувчи пайғамбарнинг сўзларини) **тинглаб, ақл юргизгувчи бўлганимизда, дўзах эгалари қаторида бўлмас эдик», дерлар. 11. Мана улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар! Энди у дўзах эгаларига ҳалокат бўлғай! 12. Албатта ғайбдаги** (кўзларига кўринмайдиган) **Парвардигорларидан қўрқадиган зотлар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бордир. 13.** (Эй инсонлар), **сизлар сўзларингизни яширинглар ёки ошкора қилинглар** (ҳарҳолда, Оллоҳ билиб турур). **Албатта У диллардаги сирларни билгувчидир. 14.** (Ахир) **яратган зот** (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) **билмасми?! У меҳрибон ва** (ҳар нарсадан) **хабардор зотдир. 15. У** (Оллоҳ) **сизлар учун Ерни хокисор-бўйинсунгувчи қилиб қўйган зотдир. Бас, у** (ер)**нинг ҳар томонида** (сайр-саёҳат қилиб ё тижорат билан ёки деҳқончиликни касб қилиб) **юраверинглар ва** (Оллоҳнинг берган) **ризқ-рўзидан енглар. Ёлғиз Унинг ҳузурига тирилиб чиқиш-қайтиш бордир. 16.** (Эй Макка кофирлари), **ё сизлар** (куфрларингизда оёқ тираб тураверсангизлар) **осмондаги зот сизларни ерга юттириб юборишидан, бас, баногоҳ** (ер) **титроққа тушиб** (сизларни босиб қолишидан) **хотиржаммисизлар** (қўрқмайсизларми)?! **17. Ёки сизлар осмондаги зот устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Ҳали** (азобга гирифтор қилинганларингизда) **Менинг огоҳлантиришим қандай эканлигини билиб олажаксизлар! 18. Дарвоқе, улардан аввалги кимсалар ҳам** (ўз пайғамбарларини) **ёлғончи қилгандилар. Бас, Менинг инкорим-азобим қандоқ бўлди?! 19. Улар устларида** (қанотларини) **ёйгувчи бўлган ва ийққан ҳолда** (учиб юрган) **қушларни кўрмадиларми?! У** (куш)**ларни ёлгиз Раҳмонгина** (самода) **ушлаб турар! Албатта У барча нарсани кўриб тургувчидир. 20.** (Эй мушриклар), **Раҳмондан ўзга сизларга ёрдам берадиган, сизлар учун қўшин-ёрдамчи бўлган ўша зот ким ўзи?!** (Оллоҳдан ўзга бирон мададкор йўқдир). **Кофирлар эса фақат ғурур-алданишдадирлар.** (Шунинг учун улар ўзлари сиғинаётган бутсанамлари уларни Оллоҳнинг азобидан қутқара олади, деб ҳисоблайдилар.) **21. Агар** (Раҳмон) **Ўз ризқини ушлаб-тўхтатиб қўйса сизларга ризқ-рўз берадиган ўша зот ким ўзи?!** (Оллоҳдан ўзга бирон ризқ-рўз бергувчи йўқдир.) **Йўқ, улар** (кофирлар) **катта кетишда ва** (Ҳақдан) **йироқлашишда давом этдилар. 22. Ахир юзтубан** (яъни, оёгининг остидан ўзга ёққа қарамасдан) **юрадиган кимса Ҳақ йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида Тўғри йўлдан юрадиган кишими?!**

Изоҳ: Ушбу ояти карима кофир билан мўмин ҳақида келтирилган ибратли бир масалдир. Уни шундай тушунмоқ лозим. Динсиз-эътиқодсиз кимса бирон илоҳий қўлланмасиз, ўтган кунини ҳам, эрта-келажагини ҳам унутиб, фақат бугунини қандай ўтказиш гамида, бугуннинг муаммоларини ҳал қилиш билан оворaю сарсон бўлиб, яъни фақат оёғининг тагига қараб кун ўтказади. Демак, унинг эрта бир кун йўлидан чиқиб қолиши аниқ бўлган ҳар қандай тошга — тўсиққа қоқилиб, юзтубан қулаши ҳеч гап эмас. Аммо иймон-эътиқод эгаси эса Яратган юборган Илоҳий Қўлланма кўрсатиб қўйган Тўғри Йўлда, қаддини рост тутиб, қиладиган ҳар бир иш-амалида фақат ҳозирнинг ҳузурини кўзламасдан, балки Эрта — Қиёмат кунидаги ҳисоб-китоб ва ажр-мукофотни ўйлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

боради. Бинобарин, бугуннинг, яъни ўткинчи дунёнинг арзон матолари уни ўзи танлаб олган Тўғри Йўлидан адаштира олмайди.

23. (Эй Муҳаммад, у кофирларга) **айтинг: «У** (Оллоҳ) **сизларни** (йўқдан) **пайдо қилган ва сизлар учун қулоқ-кўзлар ва дилларни** (ато) **қилган зотдир. Сизлар эса камдан-кам шукр қилурсизлар». 24. Айтинг: «У сизларни Ер юзида яратиб қўйган зотдир. Сизлар** (Қиёмат кунида) **ёлғиз Унга тўпланурсизлар». 25. Улар: «Агар ростгўй бўлсангизлар** (айтинглар-чи) **ушбу ваъда** (қилинган Қиёмат куни) **қачон бўлади?» дерлар. 26.** (Эй Муҳаммад, уларга) **айтинг:** «Қиёмат качон қойим бўлиши ҳақидаги) **билим ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридадир. Мен фақат бир очиқ огоҳлантиргувчидирман, холос». 27. Бас, қачонки улар** (Қиёмат кунида ваъда қилинган азобни ўзларига) **яқин ҳолда кўришгач, у кофирларнинг юзлари қорайиб кетар ва** (уларга): **«Мана шу сизлар истаган нарсадир», дейилур. 28.** (Эй Муҳаммад, у кофирларга) **айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар Оллоҳ мени ва мен билан бирга бўлган кишиларни ҳалок қилса ёки** (умримизни узун қилиш билан) **бизларга раҳм-шафқат қилса** (Ўзининг изн-ихтиёридадир. Аммо) **энди кофирларни** (яъни, сизларни) **ким аламли азобдан ҳимоя қилур?!»**

И з о ҳ: Макка кофирлари доим Муҳаммад алайҳи-с-салом ва у зотнинг саҳобаларига ўлим-ҳалокат тилар эдилар. Шунда Оллоҳ таоло томонидан пайғамбаримизга юқоридаги оят нозил қилиниб, у кишини кофирларга шундай жавоб қилишга амр этилди: «Биз мўминлар икки гўзал оқибатга кўз тутиб яшаймиз. Улардан бири, сизлар орзу қилаётганингиздек, дин йўлида ҳалок бўлиб, жаннатга етиш бўлса, иккинчиси омон қолиб, сизларнинг устингиздан ўзимиз умид қилган ғалабага эришишдир. Аммо сизлар кофир бўлган ҳолларингизда кимнинг ҳимоясини кутмоқдасизлар?!»

29. Айтинг: «У (оллоҳ) **Раҳмон — Меҳрибондир. Бизлар Унга иймон келтирдик ва ёлғиз Унинг ўзига таваккул қилдик — суяндик. Ҳали сизлар ким очиқ залолатда эканлигини билиб олажаксизлар!» 30.** (Эй Муҳаммад, у мушрикларга) **айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар** (баногоҳ ичар) **сувларингиз** (ер тубига) **сингиб кетар бўлса, у ҳолда ким сизларга оқар сув келтира олур?!»** (Жонсиз бутларингизми?! Бас, нега у бефойда-бежон бутларни Меҳрибон Оллоҳга шерик қилиб олдингизлар?!)»

Бу сура ҳам Макка сураларидан бўлиб, эллик икки оятдир.

Сура аввалида Оллоҳ таоло инсон зотига ато этган буюк неъмати — Қалам ва у билан битиладиган битикларга қасам ичиб, Ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг Макка мушриклари ҳасад, адоват билан у кишига тақаётган туҳмат — мажнунлик айбидан пок эканликларини уқтиради ва у зотнинг улуғ Ҳулқ устида эканликларини таъкидлайди.

Сўнгра пайғамбаримизга кофирларнинг бирон сўзига итоат этмаслик буюрилиб, улардан бирининг ҳатто ўзи ҳам билмайдиган иллатлари ҳақида хабар беради. Бу сурадан бахилликлари сабабли бор нарсаларидан айрилган бир қавм тўғрисидаги ибратли масал ҳам ўрин олгандир.

Сура пайғамбар алайҳи-с-салом кофирлар томонидан етадиган озор-азиятларга сабр-тоқат қилишга даъват этиш билан хотима топади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1 — 2. Нун. Қалам ва (у билан фаришталар) **битадиган битикларга қасамки,** (эй Муҳаммад), **сиз — Парвардигорингизнинг марҳамати билан — мажнун эмасдирсиз.**

И з о ҳ: Сура «Нун» ҳарфи билан бошланади. Қуръондаги бир неча сура, биз олдин ҳам эслатиб ўтганимиздек, мана шундай ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар, билан бошланади. Кўпчилик Ислом уламолари наздида мазкур ҳарфлар «хуруфи муқаттаот», яъни маънодан узилган ҳарфлар саналиб, уларнинг маъноси ёлғиз Оллоҳ таологагина маълумдир. Уламолар айтишларича, илоҳий мўъжиза бўлган бу Китоб одамлар осон ўқиб-англаб амал қилишлари учун улар яхши танийдиган ҳарфлар билан осон тушуниладиган қилиб юборилган. Қуръондаги сураларнинг жойлашиш тартибида ушбу сура ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланадиган сураларнинг сўнггисидир.

3. Албатта сиз учун (кофирларнинг бундай озорларига сабр-тоқат қилганингиз сабабли) **битмас-туганмас ажр-мукофот бордир. 4. Албатта сиз улуғ Хулқ устидадирсиз.**

И з о ҳ: Айрим муфассирларнинг айтишларича, бу оятдаги «улуғ Хулқ»дан мурод улуғ диндир. Зеро, Оллоҳ таоло наздида Ислом динидан суюклироқ ва гўзалроқ бирон хулқ йўқдир.

Оиша (Оллоҳ ундан рози бўлсин) онамиздан пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ахлоқлари тўғрисида сўралганида: «У зотнинг хулқлари Қуръон эди. Қуръон рози бўлган ишдан рози, Қуръон норози бўлган ишдан норози бўлар эдилар», деб жавоб қилганлари ҳам юқоридаги тафсирни қувватлайди. Зотан, расулуллоҳнинг ўзлари ҳам: «Дарҳақиқат, мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилганман», деб марҳамат қилганлар.

5—6. Ҳали яқинда қайсиларингиз (яъни, сизми ёки уларми) **мафтун — мажнун эканликларингизни сиз ҳам кўражаксиз, улар ҳам кўражаклар. 7. Албатта Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни жуда яхши билгувчидир ва у ҳидоят топгувчиларни ҳам жуда яхши билгувчидир. 8. Бас,** (эй Муҳаммад, сизнинг ҳақ пайғамбарлигингизни ва Қуръонни) **ёлғон дегувчи кимсаларга итоат этманг! 9. Улар сизнинг** (ўзларига) **кўнгилчанлик — муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам** (сизга) **кўнгилчанлик қилурлар.** (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бўйинсунманг!) **10—11—12—13.** (Эй Муҳаммад), **яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап ташувчи, яхшиликни ман қилгувчи — бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари, бенасаб — ҳароми кимсага итоат этманг! 14-15. У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун** (ўзидан кетиб), **қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «**(Булар) **аввалгиларнинг афсоналари-ку!» дер. 16. Яқинда Биз уни тумшуғидан тамғалаб қўяжакмиз!**

И з о ҳ: Бу оятлар малъун кофир Валид ибн Муғийра ҳақида нозил бўлгандир. У Қуръон оятларига аввалгилардан қолган афсоналар, деб пайғамбаримизга эса мажнун, деб туҳмат қилганида, Оллоҳ таоло унинг бир эмас, тўққиз иллатини фош қилади. Шунда мазкур иллатлардан саккизтасини рад эта олмайди, аммо тўққизинчи, бенасаб-ҳароми деган номни кўтара олмай, (чунки то Оллоҳ таоло Ўз ояти билан ошкор қилмагунча Валид ўзининг ҳароми эканлигидан бехабар эди) бу шармандаликни ўзидан даф қилиш учун туққан онасини қасти-бастига олиб сўроққа тутганида, онаси ҳақиқатан унинг зинодан бўлган бола эканлигини тан олади. Саҳобалардан ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) гувоҳлик беришларича, Оллоҳ таоло Ўзи ваъда қилганидек, Валид ибн Муғийра Бадр жангида «тумшуғидан тамғаланди, яъни худди бурнидан қилич ёб, ўлгунича одамлар орасида ўша «тамға»си билан юради. Мана, ушбу оятларда бир кофир кимсанинг кирдикори ва кўргилиги ҳақида хабар берилгач, қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло ато этган неъматларга ношукрлик — нонкўрлик қилганлари учун бутун Макка аҳли қаҳатчилик ва очарчиликка мубтало қилинганлиги баён этилиб, илгари ҳам Тангри таоло имтиҳон қилиш учун берган ноз-неъматлардан камбағал-бечораларнинг ҳақларини бермасдан бахиллик қилганлари сабабли бир боғнинг эгалари бор будларидан маҳрум бўлганлари тўғрисидаги бир ибратли қисса сўйланади. Қисса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг аввали будир: Маккадан унча узоқ бўлмаган Яман диёрида жуда катта мевазор боғ эгаси бўлган бир киши ўтган эди. У ҳар йили ҳосил пишганида ундан камбағал-мискинларнинг ҳақ-улушларини ажратиб берарди. Лекин у киши вафот этгач, мевазор боғнинг эгалари бўлиб қолган фарзандлари бошқа йўлни тутадилар. Қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло мана шу ҳақда ҳикоя қилади.

17—18. Дарҳақиқат, Биз уларни (Макка аҳлини очарчилик ва қаҳатчилик билан) **балоладик. Биз** (илгари) **боғ эгаларини ҳам худди шундай** (маҳрумлик билан) **балолаган эдик. Ўшанда улар, албатта уни** (яъни, боғнинг ҳосилини) **эрта тонгда** (камбағал-мискинларга ҳақ-улуш) **ажратмаган ҳолларида узиб олишга қасам ичган эдилар. 19—20. Бас,** (тунда) **улар уйқуда бўлган чоғларида, у** (боғ)**нинг устида Парвардигорингиз томонидан бўлган айлангувчи** (бало — олов) **бир айланди-ю, у** (боғнинг ҳосили) **узилгандек бўлди-қолди** (яъни, бутун боғ куйиб кул бўлди). **21—22. Улар эса эрта тонгда туришиб** (тунда бўлган ҳодисадан бехабар ҳолларида): **«Агар** (ҳосилни) **узмоқчи бўлсангизлар, зироатгоҳларингизга юра қолинглар»,** (деб) **бир-бирларини чақирдилар. 23—24. Сўнг: «Бугун у** (боғда ҳосил узаётган вақтда) **устларингизга бирон мискин кириб қолмасин-да»,** (дейишиб) **бир-бирларига пичирлашган ҳолларида жўнаб кетдилар. 25. Улар** (ўз гумонларича мискинларни боққа йўлатмаслик тўғрисидаги мақсад-ғаразга қодир бўлган ҳолларида) **тонг-саҳарлаб бордилар. 26—27. Энди қачонки уни** (куйиб кулга айланган боғларини) **кўришгач,** (аввал): **«Шак-шубҳасиз, бизлар йўлдан адашиб қолдик** (яъни, адашиб бошқа боғга келиб қолдик,)» **дедилар,** (сўнг бу ўзларининг боғлари эканини билишгач эса): **«Йўқ, бизлар** (боғимиздан) **маҳрум бўлибмиз», дедилар. 28.** (Шунда) **уларнинг инсофлироқлари: «Мен сизларга** (Оллоҳга) **тасбеҳ айтиб — шукр қилмайсизларми** (яъни, шундай мўл ҳосил ато этганининг шукронасига қамбағалларнинг улушларини бермайсизларми) **демаганмидим?» деган эди. 29. Улар** (энди вақт ўтгач): **«Парвардигоримизни поклаймиз. Дарҳақиқат, бизлар** (ўзимизга) **зулм қилгувчи бўлдик», дедилар. 30. Сўнг улар бир-бирларига боқиб, маломат қила бошладилар. 31. Улар дедилар: «Эй, ўлим бўлсин бизларга! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошгувчи бўлдик. 32. Шоядки Парвардигоримиз бизларга у** (боғ)**дан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар албатта Парвардигоримизга интилгувчидирмиз». 33.** (Оллоҳнинг амридан четга чиққан кимсалар учун) **мана шундай азоб бордир. Агар билсалар, охират азоби, шак-шубҳасиз, янада каттароқдир. 34. Албатта тақводор зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ноз-неъмат боғлари бордир.**

И з о ҳ: Ушбу оят нозил бўлганида Макка мушриклари: «Агар Муҳаммаднинг айтганлари рост бўлса, бизларга худди дунёда бўлганидек, охиратда ҳам ундан ва у билан бирга бўлган мусулмонлардан яхшироқ ноз-неъматлар берилади», дея бошладилар. Шунда уларнинг бу пуч даъволарини инкор этиб қуйидаги оятлар нозил бўлди.

35. Ахир Биз мусулмонларни жиноятчи-кофир кимсаларга баробар қилурмизми?! 36. (Эй мушриклар), **сизларга нима бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар? 37—38. Балки сизлар учун** (осмондан туширилган) **бирон Китоб бўлиб, унда сизлар ўзларингиз учун** (охиратда) **шак-шубҳасиз, танлаган-хоҳлаган нарсаларингиз бор эканлигини ўқиб-ўрганаётгандирсизлар?! 39. Балки сизлар учун Бизнинг зиммамизда «Шак-шубҳасиз, ўзларингиз ҳукм-қарор қилган бор нарса сизларники бўлур», деган, то Қиёмат кунигача етгувчи қасамлар** (яъни, Биз томондан берилган аҳд-паймонлар) **бордир?! 40.** (Эй Муҳаммад), **улардан сўранг-чи, қайсилари бунга** (яъни, пуч даъволарининг ҳақ эканлигига) **кафил бўла олар эканлар?! 41. Балки уларнинг** (бу даъволарини тасдиқлайдиган) **шериклари бордир?! У ҳолда, агар ростгўй бўлсалар, ўша шерикларини келтирсинлар! 42—43. Болдирлар очиладиган** (яъни, оғир ҳисобкитобга чоғланиладиган) **ва улар** (кофирлар) **кўзлари** (қуйига) **эгилган, хорлик уларни ўраб-эгаллаб олган ҳолларида сажда қилишга чорланишиб,** (лекин саждага) **кучлари етмай қоладиган Кунни** (эсланг! Чунки ҳаёти-дунёлик пайтларида) **улар соғ-саломат бўлган ҳолларида сажда қилишга чорланар эдилар** (аммо саждага қодир бўла туриб ундан бош тортар эдилар). **44. Бас,** (эй Муҳаммад), **сиз ушбу Сўзни — Қуръонни ёлғон дейдиган кимсаларни Менга қўйиб беринг! Яқинда Биз уларни ўзлари билмайдиган-сезмайдиган томондан**

www.ziyouz.com kutubxonasi

аста-секин (ҳалокатга дучор қилажакмиз)! **45. Мен** (гуноҳларини кўпайтиришлари учун) **уларга муҳлат бериб,** (умрларини узун қилиб) **қўюрман. Дарвоқе, Менинг «макрим» жуда қаттиқдир! 46. Балки сиз** (эй Муҳаммад, динга даъват қилганингиз учун) **улардан ажр-ҳақ сўраб, улар зиён қилишларидан оғирсинаётгандирлар?** (Яъни, сиз улардан ҳеч қандай ҳақ сўраётганингиз йўқ-ку!) **47. Балки уларнинг олдиларида ғайб** (яъни, ғайбда бўладиган барча ишлар битилган Лавҳул-Маҳфуз) **мавжуд бўлиб, улар** (айтаётган сўзларини ўшандан) **ёзиб олаётгандирлар?! 48. Бас,** (эй Муҳаммад), **сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига** (яъни, У зот кофирларга муҳлат бериб қўйганига, Ислом дини тезроқ ғолиб бўлмаётганига) **сабр қилинг ва наҳанг-балиқ соҳиби** (Юнус пайғамбар) **каби** (бесабр) **бўлманг! Эсланг, у** (ўзи бесабр бўлгани учун тушиб қолган балиқ қорнида туриб ғамга) **тўлган ҳолда** (Парвардигордан паноҳ тилаб) **нидо қилган эди. 49. Агар унга Парвардигори томонидан бўлган неъмат-марҳамат етмаганида, албатта қуруқликка мазамматланган ҳолда улоқтирилган бўлур эди,** (лекин Парвардигори унга) **марҳамат кўрсатиб** (балиқ қорнидан) **соғомон чиқарди. 50. Сўнг Парвардигори уни** (қайта пайғамбарликка) **танлаб, солиҳ** (пайғамбар)**лардан қилди. 51. Албатта кофир бўлган кимсалар эслатма — Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар ва: «Муҳаммад, шак-шубҳасиз, мажнундир», дерлар. 52. Ҳолбуки, у** (Қуръон) **барча оламлар учун фақат бир** (буюк) **эслатмадир!**

Бу сура эллик икки оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир. «Ал-ҳаққа» — «Аниқ рўй бергувчи», деб номланган бу сурада, асосан, Қиёмат кунида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, бу сурада ўтмишдаги куфр йўлини тутган миллатларнинг топган оқибатлари, Сур чалинадиган Кунда осмону заминда рўй берадиган даҳшатли ҳодисалар ва шундан кейин ҳар бир банда ҳаёти-дунёда қилиб ўтган барча амаллари тўғрисида ҳисоб бериши, ўша ҳисоб-китоб Кунида номаи аъмоли ўнг қўлидан келадиган кишиларга ато этиладиган улуғ мукофотлар ва номаи аъмоллари чап томонидан келадиган бадбахт кимсалар дучор бўладиган мудҳиш азоб-уқубатлар хусусида хабар бергувчи оятлар ҳам мавжуддир. Сўнгра Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ҳақ пайғамбар эканликларини ва Қуръони каримнинг чин илоҳий Китоб эканини таъкидлайдиган оятлар билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Аниқ рўй бергувчи (қиёмат)... **2. Ўша аниқ рўй бергувчи нимадир? 3.** (Эй Муҳаммад), **сиз аниқ рўй бергувчининг нима эканлигини қаердан билурсиз?**

И з о ҳ: Ушбу оятларда «Ал-ҳаққа» (Қиёмат кунининг номларидан бири) яъни, Аниқ рўй бергувчи Қиёмат ибораси кетма-кет уч бор такрорланади. Бунга сабаб, у Куннинг Оллоҳ таоло наздида нақадар улуғ мақом тутишини таъкидлашдир. Шунинг учун ҳам сўнгги оятда пайғамбар алайҳи-с-саломга хитоб қилиниб, у Куннинг қандай кун эканини, моҳият-ҳақиқатини сиз билмассиз, дейилди. Энди қуйидаги оятларда ўша Қиёмат куни ҳақ эканлигини инкор этиб, ҳалокатга дучор бўлган қавмлар ҳақида хабарлар берилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. **Самуд ва Од** (қабилалари ўз даҳшатлари билан қалбларни) **қаттиқ** қоқувчи (Қиёмат куни)**ни ёлғон, дедилар. 5. Энди Самуд** (қабиласи)**га келсак, бас, улар ҳаддан ташқари қаттиқ нарса** (чақмоқ) **билан ҳалок қилиндилар. 6. Энди Од** (қабиласи)**га келсак, бас, улар бир даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. 7. У** (бўронни Оллоҳ) **уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни худди чириб — ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек, қулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўрурсиз. 8. Бас, улардан бирон** (омон) **қолгувчини кўрармисиз?** (Асло, уларнинг барчалари ҳалок бўлиб битдилар). **9. Фиръавн ҳам, ундан аввал** (ўтган динсиз) **кимсалар ҳам, зеру забар бўлган қишлоқлар** (яъни, Лут пайғамбар қавмининг қишлоқлари) **ҳам хато ишлар қилдилар — 10.— Улар Парвардигорларининг пайғамбарига итоатсизлик қилдилар. Бас, У зот уларни ортиқча қаттиқ ушлаши билан ушлади** (яъни, мислсиз қаттиқ азоб билан азоблади). **11. Дарвоқе, Биз сув туғёнга тушган вақтида сизларни** (Нуҳ пайғамбар ясаган) **кемада кўтардик. 12. Биз у** (ишни, яъни мўминларга нажот бериб, кофирларни сувга ғарқ қилиб юбориш)**ни сизлар учун эслатма-ибрат қилиш учун ва англагувчи қулоқлар англаб-эшитиб олишлари учун** (қилдик). **13. Бас, қачон сур бир бор чалинганда; 14. Ва Ер тоғлар** (ўз жойларидан) **кўтарилиб,** (бир-бирларига) **бир бор урилиб** (чилпарчин бўлганида); **15. Ана ўша Кунда воқеа воқеъ бўлур!** (Яъни, Қиёмат қойим бўлур!) **16. Ва осмон ёрилур! Чунки** (осмон) **у Кунда заиф бўлиб қолур! 17. Ва фаришталар** (осмоннинг) **чор-атрофида** (Оллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) **турурлар. Уларнинг устида Парвардигорингизнинг аршини у Кунда саккиз** (фаришта) **кўтариб турур. 18. Ўша Кунда сизлар** (ҳисоб-китоб учун Оллоҳга) **кўндаланг қилинурсизлар — сизларнинг бирон сирингиз махфий қолмас. 19—20. Энди ўз китоби — номаи аъмоли ўнг қўлидан берилган кишига келсак, бас, у: «Мана, менинг китобимни ўқинглар. Дарҳақиқат, мен ҳисоб-китобимга** (яъни, охиратдаги ажр-мукофотга) **рўбаро бўлишимни билган эдим», дер. 21-22-23. Сўнг у кўнгилли ҳаётда, мевалари** (аҳли жаннат учун) **яқин бўлган юксак жаннатда бўлур. 24.** (Жаннат аҳлига) **«Ўтган кунларда** (яъни, ҳаёти-дунёда) **қилиб ўтган** (эзгу) **амалларингиз сабабли** (ушбу ноз-неъматларни) **пок билиб еб-ичаверинглар»,** (дейилур). **25. Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у дер: «Эҳ қанийди, менга китобим берилмаса эди! 26. Ва мен ҳисоб-китобим** (яъни, оладиган жазойим) **нима эканлигини билмасам эди! 27. Эҳ қанийди, ўша** (биринчи ўлимим барча нарсани) **тугатгувчи-узгувчи бўлса** (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) **эди! 28. Менга** (не машаққатлар билан топган) **мол-дунёйим асқотмади-я! 29. Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!» 30.** (Бас, Оллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер): **«Уни ушлаб, кишанланглар! 31. Сўнгра дўзахга ташланглар! 32. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!» 33. Чунки у** (ҳаёти-дунёдалик пайтида) **Улуғ Оллоҳга иймон келтирмас эди. 34. Ва мискин-бечорага таом беришга** (ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам) **тарғиб қилмас эди. 35. Бас, Бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир! 36. Ва бирон таом ҳам йўқдир! Фақат йирингдан бўлган** (бир «таом» борки); **37. Уни фақат** (йўлдан) **адашган** (кофир)**ларгина ерлар! 38-39-40. Бас, Мен сизлар кўрадиган нарсаларга ҳам, сизлар кўра олмайдиган нарсаларга ҳам қасам ичурманки, у** (Қуръон), **шак-шубҳасиз, улуғ пайғамбарнинг** (Оллоҳ даргоҳидан келтирган) **сўзидир! 41. У бирон шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар** (ушбу Қуръон Оллоҳнинг каломи эканлигига) **камдан-кам иймон келтирурсизлар! 42. Ва бирон коҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир! Сизлар камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар! 43.** (У) **барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинган** (Китобдир). **44. Агар** (пайғамбар) **Бизнинг шаънимизга** (Биз айтмаган) **айрим сўзларни тўқиб олганида: 45—46. Албатта Биз унинг ўнг қўлидан ушлаган, сўнгра албатта унинг шохтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. 47. У ҳолда сизлардан бирон киши ундан** (яъни, пайғамбардан ҳалокатни) **тўса олгувчи бўлмас эди.** (Бас, Муҳаммад алайҳи-с-салом Оллоҳнинг каломига ўз томонидан бирон сўз қўшмагани, балки зиммасидаги омонат — пайғамбарликни ҳалол адо қилиб келаётгани учун ҳам сизларнинг орангизда соғ-омон ҳаёт кечирмоқда, акс ҳолда Оллоҳ уни ҳалок қилган бўлур эди. Бу Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ҳақ пайғамбар эканликларининг яна бир ёркин далилидир). **48. Албатта**

www.ziyouz.com kutubxonasi

у (Қуръон) **тақводор зотлар учун панд-насиҳатдир. 49. Шак-шубҳасиз. Биз сизларнинг орангизда** (Қуръонни) **ёлғон дегувчилар ҳам бор эканини аниқ билурмиз. 50. Албатта у** (Қуръон) **кофирларга** (улар Қиёмат кунида Қуръонга иймон келтирган кишиларнинг савобга эга бўлганларини кўрган вақтларида) **ҳасрат-надомат бўлур. 51. Албатта у** (Қуръон) **аниқ Ҳақиқатдир! 52. Бас, улуғ Парвардигорингизнинг номини** (мудом барча айб-нуқсонлардан) **пок тутинг!**

Бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У қирқ тўрт оятдир. Сура кофирларнинг туғёнга тушиб, ўзлари огоҳлантирилган охират азобини инкор этишлари ҳақида хабар бериш билан бошланиб, сўнгра улар иймон келтирмаётган Қиёмат кунида кофирларга бериладиган ҳақли жазодан ҳеч қандай тўлов билан кутулиб бўлмаслиги яна бир бор таъкидланади. Бу сурада яна инсоннинг хафагарчиликни ҳам, хурсандчиликни ҳам кўтара олмайдиган ожиз вужуд экани уктирилиб, фақат тақво ва эзгу амалгина инсонни бундай ожизликдан омон сақлай олиши мумкинлиги айтилади. Сура ниҳоясида кофирларнинг жаннатга кириш тўғрисида беҳуда-бефойда тама қилишлари баён этилиб, сўнгра пайғамбар алайҳи-с-саломга уларни то ўзларига ваъда қилинган азобга йўлиқишгунча тарк қилиш буюрилади. Сура номланган «Маориж» калимаси асли «поғоналар» маъносида бўлиб, бу сурада «осмон қаватлари» маъносида келгандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1-2-3. Бир сўрагувчи кимса (осмонларнинг барча) **поғоналари — қаватлари соҳиби бўлмиш Оллоҳ томонидан кофирларга тушгувчи, биров қайтара олмайдиган азобнинг** (ўз-устига тушишини) **сўради.**

И з о ҳ : Бу оятлар мушриклардан Назр ибн Хорис ҳақида нозил бўлган. Пайғамбар алайҳи-с-салом кофирлар учун тайёрлаб қўйилган Оллоҳ таолонинг азоби бор эканлигини билдириб, уларни огоҳлантирганларида, Назр туриб: «Эй Худо, агар мана шу (Қуръон) Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, устимизга самодан тош ёғдиргин ёки бизларга аламли азоб келтиргин», дейди. Мана шу тилакнинг ўзидан Назр ва у кабиларнинг ким эканликлари маълумдир. Чунки улар Ҳақ йўлга юришни истаган кишилар бўлганларида: «Эй Худо, агар мана шу Қуръон Сенинг даргоҳингдан келган ҳақиқат бўлса, бизларни ҳам унинг йўлига ҳидоят қилгин», деган бўлур эдилар.

Энди қуйидаги оятда барча фаришталар Қиёмат кунида осмон қаватларини босиб ўтишиб, Оллоҳ таоло ҳузурига тўпланишлари зикр қилинади.

4. Фаришталар ва Руҳ (яъни, Жаброил) **миқдори — узунлиги эллик минг йил бўлган бир Кунда** (яъни, Қиёмат кунида) **У зотнинг ҳузурига кўтарилурлар. 5. Бас,** (эй Муҳаммад, кофирларнинг озор-азиятларига) **чиройли сабр билан сабр-тоқат қилинг! 6—7. Чунки улар у** (Кун)**ни узоқ деб билурлар, Биз эса унинг яқинлигини билурмиз! 8. У Кунда осмон эритилган мис каби бўлиб қолур. 9. Тоғлар эса юнг каби** (енгил) **бўлиб қолурлар. 10. Ва бирон дўст дўстидан** (ҳол-аҳвол) **сўрамас. 11-12-13-14.** (Ҳолбуки) **улар** (бир-бирларига) **кўрсатилурлар! Жиноятчи-кофир кимса у Куннинг азобидан** (кутулиш учун)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғилларини, жуфтини, биродарини, уни ўз паноҳига оладиган қариндош-уруғини ва Ердаги барча кишиларни тўлов қилиб бериб боришни, сўнгра (бу тўлов) **унга нажот беришини истар. 15—16. Йўқ,** (ҳеч кандай тўлов уни азобдан қуткара олмас)! **Албатта** (кофирлар ташланадиган дўзах ўз ҳарорати билан) **бош териларини сидириб олгувчи бўлган бир оловдир! 17—18. У** (Ҳақ йўлидан) **юз ўгириб, терс қараб кетган ва** (пул-мол) **йиғиб-тўплаган** (яъни, уни Оллох буюрган жойларга сарфламаган) **кимсаларни** (ўзига) **чорлаб турар! 19. Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир. 20. Қачон унга ёмонлик** (камбағаллик-кулфат) **етиб қолса, у ўта бесабрлик қилгувчидир. 21. Қачон унга яхшилик** (бойлик, саломатлик) **етса, у ўта ман қилгувчи — бахилдир. 22. Фақат намоз ўқигувчи зотлар** (яъни, мусулмонларгина ундоқ эмасдирлар)**ки; 23. Улар намозларида доим — барқарор бўлгувчи зотлардир. 24—25. Улар** (топган) **мол-мулкларида сўрагувчи ва** (мол-давлатдан) **маҳрум кишилар учун маълум ҳақ** (яъни, закот) **берган зотлардир. 26. Улар жазо — Қиёмат кунини тасдиқ этадиган зотлардир. 28.— Зотан, Парвардигорларининг азоби** (ҳеч ким учун) **бехатар эмасдир** (яъни, ҳеч кимнинг: «Менга Оллоҳнинг азоби тушмайди», деб хотиржам бўлишга ҳакки йўқдир).— **29. Улар авратларини** (ҳаромдан — зинодан пок) **сақлагувчи зотлардир. 30. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларданги на** (сақланмайдилар). **Бас, улар маломат қилинмаслар. 31. Энди ким бундан ўзгани** (яъни, зино ва шу каби шариати исломияда ҳаром қилинган бошқа нарсаларни) **истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчи кимсалардир. 32.— Улар** (яъни, мўмин-мусулмонлар) **ўзларига ишонилган омонатларга ва** (ўзгаларга) **берган аҳд-паймонларига риоя қилгувчи зотлардир. 33. Улар ўз гувоҳликларини тўғри — холис адо қилгувчи зотлардир. 34. Улар намозларини** (вақтида адо этиб, қазо бўлишдан) **сақлагувчи бўлган зотлардир. 35. Ана ўшалар жаннатларда ҳурмат-иззат кўргувчилардир.**

И з о ҳ: Мазкур оятларда ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифат-фазилатлари баён қилинди ва ана ўшалар жаннат неъматларига сазовор бўлгувчи зотлар эканликлари уқтирилди. Энди қуйидаги оятларда пайғамбар алайҳи-с-салом атрофларига келишиб, тўп-тўп бўлиб ўтиришиб олиб, у зот айтган сўзларни масхара қиладиган ва бир-бирларига саҳобаларни кўрсатишиб: «Агар мана шулар Муҳаммад айтаётганидек, жаннатга кирадиган бўлсалар, бизлар, ҳеч шак-шубҳасиз, улардан олдинроқ ўша жойга кирамиз», деб сафсатабозлик қиладиган мушриклар ҳақида сўзланиб, уларнинг бундай тамалари бефойда эканлиги таъкидланади ва пайғамбар алайҳи-с-саломни улардан юз ўгиришга амр этилади.

36—37. Бас, (эй Муҳаммад), **бу кофир бўлган кимсаларга нима бўлдики, улар ўнг ва сўлдан тўда-тўда бўлиб, сиз томонга чопурлар?! 38. Ё улардан ҳар бир кимса ноз-неъмат жаннатига киритилишни тама қилурми?! 39. Йўқ,** (улар ҳеч қачон жаннатга кирмаслар)! **Албатта Биз уларни ўзлари биладиган нарсадан** (яъни, бир томчи сувдан) **яратдик. 40—41. Бас,** (шундоқ экан) **машриқу мағрибнинг Парвардигорига қасам ичурманки, шак-шубҳасиз, Биз** (бу кофирларни ҳалок қилиб ўринларига) **улардан яхшироқ** (инсонларни) **алмаштириб қўйишга қодирдирмиз ва Биз** (бу ишга) **ожиз эмасдирмиз. 42. Бас,** (эй Муҳаммад), **сиз уларни тарк қилинг! Улар то ўзларига ваъда қилинаётган кунларига рўбарў бўлгунларича** (ўз ботил-беҳуда ҳаёлларига) **шўнғишиб, ўйнаб-кулиб юраверсинлар! 43—44. У Кунда улар гўё** (ўзлари сиғинадиган) **бутларга қараб чопишаётгандек шошилган, кўзлари** (қуйига) **эгилган, хорлик уларни ўраб эгаллаб олган ҳолларида қабрларидан чиқиб келурлар! Мана шу** (ҳаёти-дунёда) **уларга ваъда қилингувчи бўлган Кундир!**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маккада нозил қилинган бу сура йигирма саккиз оятдан ташкил топгандир. Бу сурада пайғамбарлар оқсоқоли Нуҳ алайҳи-с-саломнинг қиссалари у зотнинг пайғамбар қилиб юборилишларидан тортиб то қавмларининг орасидаги кофир бўлган кимсалар тўфон балосига дучор қилинишларигача батафсил ҳикоя қилинади. Шунинг учун бу сура «Нуҳ» сураси, деб аталади.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг Ўз пайғамбарлари орқали юборган динига қаршилик қиладиган кимсалар барча замон ва маконларда бўлгани ва бўлажаги ҳақида хабар берилиши билан бирга инсоният тарихида Яратган буюрган диндан чиққан барча миллатларнинг оқибатлари ҳалокат бўлгани ҳам уқтирилади.

Сура Нуҳ алайҳи-с-салом ўз қавмлари орасида тўққиз юз эллик йил туриб, уларни Оллоҳнинг динига даъват қилганларидан кейин ҳам улар панд-насиҳат олишиб, Ҳидоят йўлига юришмагач, у зот Тангри таолога илтижо қилиб бу кофирларга Ўз балосини юборишини сўраганлари ҳақидаги оятлар билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Дарҳақиқат, Биз Нуҳни: «Қавмингни уларга аламли азоб келиб қолишидан илгари огоҳлантиргин», деб ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. 2. У деди: «Эй қавмим, албатта мен сизларга (юборилган) **очиқ огоҳлантиргувчидирман. — 3. — Оллоҳга ибодат қилинглар ва У зотдан қўрқинглар ҳамда менга итоат этинглар. 4.** (Шунда Оллоҳ) **сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларни белгиланган муддатгача** (яъни, ажалларингиз битгунча тирик) **қолдирур. Агар билгувчи бўлсангизлар, Оллоҳнинг** (ўлим учун белгилаб қўйган) **муддати келган вақтида ортга асло сурилмас». 5.** (Нуҳнинг бу даъватлари уларга кор қилмагач), **у деди: «Парвардигорим, албатта мен қавмимни кечаю кундуз** (иймон-эътиқодга) **даъват этдим. 6.** (Аммо) **менинг даъватим уларга фақат** (иймондан) **қочишни зиёда қилди, холос. 7. Дарвоқе, ҳар қачон мен уларни Сенинг мағфиратингга** (сабаб бўладиган дин йўлига) **даъват қилсам, улар** (менинг сўзларимни эшитмаслик учун) **бармоқларини қулоқларига тиқиб** (мени кўрмаслик учун юзу кўзларига) **кийимларини ўрабчирмаб олдилар ва** (ўз куфрларида) **оёқ тираб турдилар ҳамда** (менга итоат этишдан бош тортиб) **кибру ҳаво қилдилар.**

Изоҳ: Муҳтарам ўқувчи эътибор берган бўлса, Нуҳ пайғамбарнинг қавмлари орасидаги кофир кимсалар Муҳаммад алайҳи-с-салом замонларидаги ва ундан кейинги даврлардаги кофирларга ўхшаб Оллоҳнинг динидан юз ўгириб, терс қараб кетмайдилар, балки улар худди ёш болаларга ўхшаб, бармоқларини қулоқларига тиқиб, юзу кўзларини рўмоллар билан ўраб олишиб, Ҳақ йўлига юришдан гўдакларча қайсарлик билан бош тортадилар. Бунга сабаб, Қуръони карим бизларга ушбу сурада неча ўн минг йил илгари ўтган, иккинчи Одам Ота ҳисобланмиш Нуҳ алайҳи-с-салом замонларидан, яъни башариятнинг айни гўдаклик палласидан ҳикоя қилмоқда. Қуръоннинг бу ажиб услуби, яъни ҳар бир давр ҳақида айни ўша даврнинг руҳи — тили билан сўзлаши — тасвирлаши ҳам унинг илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир далолатдир. Зеро Муҳаммад алайҳи-с-саломдек хат-саводи бўлмаган бир киши ўзининг инсоний онг-шуури билан узоқ ўтмиш қаърига сингиб кетган қавм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қабилаларни ҳар бирини ўз «тили» билан сўзлата олиши мумкин бўлмаган бир ишдирки, бунга фақат барча замонларда ҳаёт ва барча нарсадан огоҳ бўлган азалий ва абадий зот — Оллоҳ таологина қодирдир.

8. Сўнгра мен уларни ошкора (яъни, одамлар тўпланган жойларда баланд овозда) **даъват этдим. 9. Сўнгра мен уларга** (ўз даъватимни) **очиқ эълон ҳам қилдим, пинҳон сир қилиб ҳам айтдим. 10. Мен дедимки: «Парвардигорларингиз** (Оллоҳ)**дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир. 11.** (Шунда) **У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. 12. Ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар** (ато)**қилур ва сизларга оқар дарёлар** (ато) **қилур. 13. Нега сизлар Оллоҳни улуғлашни** (яъни, Унга ибодат қилишни) **ўйламайсизлар?! 14. Ҳолбуки, У зот сизларни босқичма-босқич яратди-ку!**

И з о ҳ : Ушбу ва қуйидаги оятларда нима сабабдан бандалар Оллоҳ таолога ибодат қилишлари зарур эканлигига далиллар келтирилгандир. Тангри таоло инсонларнинг диққат-эътиборларини аввало ўзларининг қандай яратилганларига қаратади. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон она қорнида даставвал бир томчи сув бўлиб, сўнгра қуюқ қонга айланиб, кейин бир парча гўшт бўлиб, сўнгра унга жон ато этилиб, ёруғ дунёга келиши ҳақида ўйлаган ҳар бир соғлом ақл ва тоза дил эгаси беихтиёр Яратганнинг қудратига-улуғлигига тасаннолар айтиб, У зотга сажда қилмай тура олмас.

Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таолонинг қудрати нақадар чексиз-чегарасиз эканлигига очиқ далолат қилиб турган самовот ва ундаги сайёралар ҳақида сўз юритилади.

15—16. Оллоҳ етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратганини ва ойни улардаги нур — ёруғлик қилиб, қуёшни эса (нур сочгувчи) **чироқ қилиб қўйганини кўрмадингларми?! 17. Оллоҳ сизларни**(нг отангиз Одамни) **ердан ундириб ўстирди** (яъни, пайдо қилди). **18. Сўнгра** (вафот қилганларингизда) **У зот сизларни яна** (ерга) **қайтарур ва** (Қиёмат қойим бўлганида) **сизларни чиқариб олур! 19—20. Оллоҳ ерни сизлар учун — сизлар ундаги кенг йўлларда юришларингиз учун ёйиқ-текис қилиб қўйди». 21. Нуҳ айтди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик қилдилар ҳамда** (топган) **мол-дунёси ва болачақаси ўзига фақат зиённи** (яъни, куфр ва туғённи) **зиёда қилган кимсаларга** (ўзларининг бой-бадавлат бошликларига) **эргашиб кетдилар». 22. У** (бошлиқлари Нуҳга қарши) **жуда катта макр-ҳийлалар қилдилар. 23. Ва** (ўзларига эргашган тубан-пасткаш кимсаларга): **«Сизлар ҳаргиз ўз худоларингизни тарк қилманглар! «Вад»ни ҳам, «Сувоъ»ни ҳам, «Яғус»ни ҳам, «Яуқ»ни ҳам, «Наср»ни ҳам ҳаргиз тарк қилманглар!»,— дедилар.**

И з о ҳ : Бу оятда зикр қилинган бешта ном Нуҳ пайғамбар замонларидаги кофирлар сиғинадиган бут-санамларнинг номидир. Улар Нуҳ алайҳи-с-саломнинг даъватларига қулоқ солмай ўша бутларга сиғинганликлари учун ҳам тўфон балосига гирифтор қилиниб, ҳалок бўлганлар.

24. «Дарҳақиқат, улар (яъни, Нуҳ қавмининг бой-бадавлат бошликлари) **кўп** (кишиларни) **йўлдан оздирдилар.** (Парвардигорим), **бу золим кимсаларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин»,** (деди Нуҳ). **25. Улар ўз хато-гуноҳлари сабабли ғарқ қилиниб, дўзахга киритилдилар. Бас, ўзлари учун Оллоҳдан ўзга ёрдам бергувчиларни топмадилар** (яъни, сиғинган бут-санамлари уларни Оллоҳнинг азобидан қутқара олмадилар)! **26. Нуҳ айтди: «Парвардигорим, Ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин. 27. Чунки сен агар уларни** (Ер юзида) **қолдирсанг, улар бандаларингни йўлдан оздирурлар ва улар фақат кўрнамак, нопок** (кимсалар)**ни туғиб-кўпайтирурлар. 28. Парвардигорим, Ўзинг мени, ота-онамни, менинг уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмину мўминаларни мағфират қилгин, золим кимсаларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!»**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сура йигирма саккиз оятдан иборат бўлиб, Маккада нозил қилингандир.

У Оллоҳ таоло оловдан яратган кўзга кўринмас махлуқлар — жинлар олами ҳақида ҳикоя қилади. Маълумки, Муҳаммад алайҳи-с-салом инсу жинга баробар пайғамбар қилиб юборилгандир. Худди инсонлар орасида бўлгани каби жинлар орасида ҳам у зотнинг пайғамбар эканликларига иймон келтирганлар ҳам, иймон келтирмайдиганлар ҳам бордир. Бу сура аввалида Қуръон оятларини эшитишлари билан у Китобга дарҳол иймон келтирган бир гуруҳ жинлар ҳақида хабар берилиб, сўнгра умуман жинлар қандай махлуқот эканликлари тўғрисида маълумотлар келтирилади ва улар айрим кишилар ўйлаганидек, инсонларга бирон фойда ёки зиён етказишга ё ғайб сирларини билишга кодир эмасликлари, шунингдек уларнинг ичида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, мусулмонлари ҳам, Иблиси лаин каби кофирлари ҳам бор эканлиги очиқравшан баён қилинади.

Сура пайғамбар алайҳи-с-саломнинг ўзларининг зиммаларида қандай вазифалар борлигини, Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарларига нималарни маълум қилиши ва нималарни билдирмаслигини, Тангри ва Унинг пайғамбарига осийлик қилган кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлишини айтишга буюриш билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1—2. (Эй Муҳаммад), **айтинг: «Менга ваҳй қилиндики, жинлардан бир гуруҳи** (менинг Қуръон тиловат қилганимни) **эшитишиб,** (ўз қавмларига қайтиб боришгач), **дедилар: «Дарҳақиқат, бизлар Ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар** (энди) **Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз».**

И з о ҳ : Саҳобалардан Ибн Аббос (Оллоҳ ундан рози бўлсин) гувоҳлик беришларича, пайғамбар алайҳи-с-салом Бомдод намозини ўқиётган чоғларида бир гуруҳ жинлар ҳозир бўлишиб, Қуръон оятларини тинглаганлар ва дарҳол Унга иймон келтирганлар. Лекин расулуллоҳ уларнинг келишганидан ҳам, Каломуллоҳга қулоқ тутишганидан ҳам бехабар эдилар. Қачонки ушбу сура нозил қилинганидан кейингина у зот бу воқеадан огоҳ бўладилар. Юқоридаги оятларда жинларнинг Қуръонни эшитишлари билан бу башар сўзи эмас, балки илоҳий мўъжиза деб иймон келтирганлари тўғрисида хабар берилишидан кўзланган мақсад, муфассирларнинг айтишларича, биринчидан барча инсониятга Каломуллоҳ фақат инсонлар учунгина эмас, балки жинлар олами учун ҳам илоҳий кўрсатма бўлиб нозил қилинганини эълон қилиш бўлса, иккинчидан Муҳаммад алайҳи-с-саломни шахсан танийдиган ва у кишининг хатсаводлари йўқ эканлигини ҳам жуда яхши биладиган Макка аҳлига — арабларга, ўзларининг тилларида нозил бўлган, фасоҳат-балоғатнинг беназирлигидан саводсиз одам эмас, балки дунёдаги етук адиблар бирлашиб ҳам ёза олишлари имконсиз бўлган бир Китобга — ҳатто жинлар ҳам эшитибоқ иймон келтирган Каломуллоҳга улар (Макка аҳли) иймон келтирмаганлари учун танбеҳ-дашном беришдир.

Энди қуйидаги оятларда Оллоҳ таоло мўмин жинлар тилидан ҳикоя қилишда давом этади.

3. **«Албатта буюклиги юксак бўлган Парвардигоримиз бирон жуфт ёки**

www.ziyouz.com kutubxonasi

фарзанд тутган эмасдир. 4. Албатта бизларнинг ичимиздаги аҳмоқ (Иблис) **Оллоҳ шаънига** («У зотнинг хотини ва боласи бор», деб) **ноҳақ сўз айтар эди. 5. Албатта бизлар инс ҳам, жин ҳам Оллоҳ шаънига ҳаргиз ёлғон сўзламас, деб ўйлар эдик».**

И з о ҳ: Бу сўзлар жинлар томонидан Оллоҳ таолога айтилган узрдир. Яъни, улар инсонлар ҳам, жинлар ҳам Оллоҳ шаънига ёлғон сўзни айта олмайди, деб ўйлаганлари учун, жинлардан бўлган Иблис уларга «Оллоҳнинг хотини, боласи бор», деб иғво қилганида, унинг сўзларига ишонганларини ва қачонки Қуръон оятларини эшитганларидан кейингина Оллоҳ таолонинг бирон шериги йўқ яккаю ягона зот эканлигини билишиб, «Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз», деб онт ичганларини айтишиб узр сўрамоқдалар.

6. «Албатта инсдан бўлган (айрим) **кишилар жиндан бўлган кимсалардан панох тилашиб, уларга янада ҳаддан ошишини — муттаҳамликни зиёда қилур эдилар».**

И з о ҳ: Яъни, қадимда (ҳозир ҳам) айрим кимсалар бирон хилватроқ ерга бориб қўнмоқчи бўлсалар, ўша ернинг «эгалари» бўлган жинларнинг катталаридан панох сўрар эдилар ва буни билган жинларнинг муттаҳамлиги янада зиёда бўлиб, «Мана бизлар фақат жинларга эмас, балки инсларга ҳам хожамиз», дейишиб ғурурланар эдилар. Ушбу оятда Қуръон бундай ақиданинг ботил эканлигини айтиб, жинлар ҳам худди инсонлар каби Оллоҳнинг бандалари эканликларини, бинобарин Оллоҳ таолонинг изни-иродасисиз ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмасликларини билдиради.

Қуйидаги оятларда яна жинлар тилидан ҳикоя қилинади. Дастлабки оятда мўмин жинлар кофирларга хитоб қилиб, дедилар;

7. Албатта улар (яъни, инсонларнинг кофирлари) **ҳам худди сизлар гумон қилганингиздек, Оллоҳ ҳаргиз бирон кимсани қайта тирилтирмас, деб гумон қилдилар.** (Яъни, сизларнинг гумонларингиз ҳам, уларнинг гумонлари ҳам нотўғридир. Чунки Қуръонда қайта тирилиш ва ҳисоб-китоб бўлиши ҳақ экани тўғрисида айтилди ва бизлар бунга иймон келтирдик.) **8. Албатта бизлар** (фаришталарнинг сўзларини ўғринча эшитиб олиш учун) **осмонга тақилган эдик, унинг кучли қўриқчи** (фаришта)**лар ва** (ўғри жинларга отилгувчи учар) **юлдузлар билан тўла эканлигини кўрдик. 9. Албатта бизлар** (илгари осмондан айрим) **жойларга** (фаришталарнинг сўзларини ўғринча) **эшитиб олиш учун ўтириб олар эдик. Энди ҳозир** (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-салом пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин) **эса ким** (яъни, қайси жин ўғринча) **эшитар бўлса, ўзини кузатиб турган бир** (учар) **юлдузни кўрар. 10. Албатта бизлар Ердаги кишиларга** (Оллоҳ томонидан) **ёмонлик ирода қилинганми ёки Парвардигорлари уларга тўғрилик-яхшилик ирода қилганми, билмасмиз».**

И з о ҳ: Мазкур оятлардан маълум бўладики, Муҳаммад алайҳи-с-салом пайғамбар қилиб юборилишларидан илгари, жоҳилият даврида жинлар осмон хабарларини ўғирлаб, айрим коҳин-фолбинларга етказиш билан машғул бўлар эканлар. (Бу ҳақда «Ҳижр» сурасининг 18-оятига берилган изоҳда батафсил айтилган эди). Аммо Ислом дини келиб, Қуръон нозил бўла бошлагач, жинлар учун осмоннинг барча йўллари беркилган ва юқоридаги оятда жинларнинг ўзлари эътироф этишларича, улар Оллоҳ Ердаги бандалари бўлмиш инсонларга нимани, яъни, яхшилик ё ёмонликни ирода қилишидан мутлақо бехабардирлар. Бас, жинлардан панох тилаш ёки улардан нажот кутиш нодонликдан ўзга нарса эмасдир. Панох ҳам, нажот ҳам ёлғиз Оллоҳ таолонинг Ўзидангина сўралиши лозимдир. Қуръон ушбу оятлар билан мўмин-мусулмонларни ҳар қандай ваҳму гумондан халос этади. Қуйидаги оятларда жинлар тилидан ҳикоя қилиш давом этади.

11. «Албатта бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва (шунингдек) **орамизда ундоқ эмаслар** (яъни, ёмонлар) **ҳам бордир. Бизлар** (Қуръонни эшитишдан илгари) **бўлак-бўлак йўлларда эдик. 12. Албатта бизлар** (Қуръон эшитганимиздан сўнг) **билдикки, Ер юзида ҳаргиз Оллоҳни ожиз қила олмасмиз** (яъни, фақат Оллоҳ ирода қилган ишгина бўлур) **ва У зотдан** (яъни, Унинг жазосидан) **қочиб ҳам қутула олмасмиз. 13. Албатта бизлар қачонки Ҳидоятни — Қуръонни эшитдик, унга иймон келтирдик. Бас, кимки Парвардигорига иймон келтирса, демак у** (яхшиликларининг) **камайиб қолишидан ҳам,**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ёмонликларининг) **ҳаддан ортиб кетишидан ҳам қўрқмас** (яъни, Парвардигори унга ҳаргиз зулм қилмас, балки қилган ҳар бир амали учун муносиб жазо — мукофот ато этур). **14. Албатта бизларнинг орамизда мусулмонлар ҳам бордир ва** (шунингдек) **орамизда** (йўлдан) **озганлар ҳам бордир. Бас, кимки мусулмон бўлса, демак ана ўшалар тўғри йўлни мақсад қилиб олибдилар. 15. Энди** (йўлдан) **озганларга келсак, бас, улар жаҳаннам учун ўтин бўлган кимсалардир».**

И з о ҳ : Мана шу оятга келиб, иймон келтирган жинлар тилидан қилинган ҳикоя ниҳоясига етди.

16—17. Албатта, агар улар (Тўғри) **йўлда устивор турганларида, албатта Биз уларни имтиҳон қилиш учун мўл ёмғир билан суғорган бўлур эдик.** (Яъни, уларга мўл-кўл ризқ ато этган бўлур эдик.) **Кимки Парвардигорининг зикридан — Қуръондан юз ўгирса, У зот уни қаттиқ азобга йўллар. 18. Албатта** (барча) **масжидлар Оллоҳникидир. Бас,** (масжидларда) **Оллоҳ билан бирга яна бирор кимсага дуо-илтижо қилманглар! 19. Албатта, қачонки Оллоҳнинг бандаси** (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-салом) **У зотга дуо-илтижо қилган ҳолда турганида, улар** (яъни, жинлар Қуръон эшитиш иштиёқида) **унинг устига ғуж-ғуж бўлиб ёпирилишга яқин бўлдилар. 20.** (Эй Муҳаммад, динингиздан қайтишингизни талаб қилаётган кофирларга) **айтинг: «Мен ёлғиз Парвардигоримгагина дуо-илтижо қиларман ва У зотга бирон кимсани шерик қилмасман». 21. Айтинг: «Албатта мен сизларга на бир зиён ва на бир тўғри йўл беришга эга эмасдирман** (тўғри йўлга солгувчи ҳам, зиён етказгувчи ҳам ёлғиз Оллоҳдир)». **22. Айтинг: «Албатта мени Оллоҳ** (нинг азоби)**дан** (агар У зотга осийлик қилсам) **бирон кимса ҳимоя қила олмас ва У зотдан ўзга паноҳгоҳ ҳам топа олмасман. 23.** (Мен) **фақат Оллоҳ томонидан етказишга ва У зотнинг элчилик вазифаларигагина** (эгадирман). **Кимки Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас, албатта унинг учун жаҳаннам олови бордир.** (Ундай кимсалар) **ўша жойда мангу қолурлар. 24. Энди қачон улар ўзларига ваъда қилинаётган азобни кўрганларида, бас,** (ўша пайтда) **кимнинг** (яъни, уларнингми ёки мўминларнингми) **ёрдамчиси ожизроқ ва саноғи ҳам озроқ эканини билажаклар!» 25.** (Эй Муҳаммад, у кофирларга) **айтинг: «Мен сизларга ваъда қилинаётган азоб яқинми ёки Парвардигорим унинг учун** (узоқроқ) **муддат қилганми, билмасман. 26.** (У зот) **ғайбни билгувчидир. Бас, Ўз ғайбидан бирон кимсани огоҳ қилмас. 27—28. Фақат Ўзи рози бўлган пайғамбарнигина** (Ўзининг ғайбидан сир-асрорининг айримларидан огоҳ этар). **Бас, албатта У** (Оллоҳ) **токи пайғамбарлар** (Парвардигорларининг) **элчилик вазифаларини** (ўз умматларига) **тўла етказганларини билиш учун** (Ўзининг ғайбидан огоҳ қилиб қўйган ҳар бир пайғамбарнинг) **олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатгувчи** (фаришта) **йўллар. У зот** (пайғамбарлар) **ҳузуридаги бор нарсани** (яъни, уларнинг илму амалларини) **иҳота қилиб олгандир ва** (коинотдаги) **ҳар бир нарсанинг саноғини ҳисоб-китоб қилиб қўйгандир».**

Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, йигирма оятдан иборатдир. «Ё айюҳал-муззаммил — Эй (кийимларига) ўралиб олган зот!» — деб, Муҳаммад алайҳи-с-саломга хитоб қилиш билан бошланадиган бу сурада дастлаб пайғамбаримиз кечаларни тоат-ибодат қилиб бедор ўтказишга ва бу билан нозил бўлажак «Оғир Сўз» — Каломуллоҳни башариятга етказиш учун руҳий тайёргарлик кўришга буюриладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнгра у кишига Макка мушриклари томонидан етадиган турли озоразиятларга сабр-тоқат қилиш ва улардан юз ўгириш лозим эканлиги уқтирилиб, у мушриклардан Оллоҳ таолонинг Ўзи интиқом олажаги билдирилади.

Сура ниҳоясида Оллоҳ таолонинг мўминларга ато этган енгиллик-марҳаматлари баён қилиниб, уларга тоат-ибодатда устивор бўлиш буюрилади ва бу ҳаёти-дунёда қилиб ўтган ҳар бир яхши амалнинг ажр, мукофотини охиратда Тангри таоло ҳузурида беками-кўст, знёдаси билан топишлари ҳақида хабар берилади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1—2—3—4. **Эй** (кийимларига) **ўралиб олган зот, кечаси** (бедор бўлиб намозда) **туринг! Фақат озгина — унинг** (кечанинг) **ярмида** (ухлаб ором олинг) **ёки** (уйқуни кечанинг) **ярмидан ҳам бир оз камайтиринг, ёҳуд унга** (бир оз) **зиёда қилинг** (яъни, кечанинг ярмидан кўпроғида ухлаб, истироҳат қилинг) **ва Қуръонни тартиб билан** (яъни, дона-дона қилиб) **тиловат қилинг!**

Изоҳ: Ушбу оятларда пайғамбар алайҳи-с-саломга кечанинг ярмини ёки учдан иккисини ёхуд учдан бирини бедор бўлиб тоат-ибодат билан ўтказиш ҳамда Қуръони каримни шошмасдан, мазмун-моҳиятига эътибор бериб тиловат қилиш буюрилди.

Бу оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳақида турли ривоятлар мавжуддир. Улардан бирида айтилишича, пайғамбар алайҳи-с-салом Қурайш кофирлари тўпланишиб Ислом динига ва пайғамбарнинг ўзларига карши ҳар хил макр-ҳийла режаларини тузишаётганидан хабар топгач, ғамгин бўлиб, кийимларига ўралган ҳолларида ётиб энди уйқуга кетганларида, Жаброил фаришта мазкур оятларни келтириб, уларда пайғамбаримизга ҳозир уйқу вакти эмаслиги, балки тунларни тоат-ибодат билан бедор ўтказиб, барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинаётган илоҳий Қўлланма — Қуръонни дона-дона қилиб ўқиб, кишиларга етказиш вакти эканлиги уқтирилади.

5. **Зеро, Биз сизга оғир Сўзни — Қуръонни туширажакмиз.** 6. **Албатта кечаси** (ибодат учун бедор бўлиб) **туриш** (тун уйқу — ором вақти бўлгани сабабли) **жуда оғир юкдир ва** (лекин у пайтда кундузги безовталиклар бўлмагани учун) **энг тўғри сўздир.**

Изоҳ: Тун сукунатида ибодат қилаётган киши Қуръонни ҳам адашмай тиловат қилади, дуо-илтижоларини ҳам ҳузури дил билан бехато қилади ва бу вақтда ўзгалар уйқу — ғафлатда бўлгани учун унинг қилган ибодати — ўқиган намози бериё, яъни ёлғиз Оллоҳ учун бўлади.

7. **Албатта сиз учун кундузи узун-тинимсиз машғулот бордир** (шу сабабли кечалари бедор бўлиб ибодат қилинг). 8. **Парвардигорингизнинг номини** (мудом) **ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб,** (чин ихлос билан бандалик қилинг)! 9. (У) **машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзигина бордир. Бас, сиз** (ўзингиз учун) **Унигина вакил-ҳомий қилиб олинг!** 10. **Ва улар** (мушриклар) **айтаётган сўзларига** (бераётган озорларига) **сабр қилинг ҳамда чиройли тарк этинг!** 11. (Сизни) **ёлғончи қилгувчи у аҳли неъмат — аҳли дунёларни Менга қўйиб беринг ва уларга озгина** (Қиёматгача) **муҳлат беринг!** 12. **Зеро, Бизнинг даргоҳимизда** (кофирлар учун тайёрлаб қўйилган) **кишанлар ва** (уларни куйдириб озор бергувчи) **олов — дўзах бордир!** 13. **Ва** (томоққа) **тиқилгувчи** (йиринг ва қон каби) **«таом» ҳамда аламли азоб бордир!** 14. **У кунда Ер ва тоғлар титроққа тушар ва у тоғлар тўкилиб тургувчи қумтепаларга айланиб қолур!** 15. (Эй Макка аҳли), **дарҳақиқат, Биз худди Фиръавнга пайғамбар юборганимиз каби сизларга ҳам** (агар бу ҳаётидунёдан куфру исён билан ўтсангизлар, Қиёмат кунида) **сизларнинг зиёнингизга гувоҳлик бергувчи бўлган бир** (яъни, Муҳаммад алайҳи-с-саломни) **юбордик.** 16. (Ўшанда) **Фиръавн** (Мусо) **пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш билан ушладик** (яъни, денгизга ғарқ қилиб юбордик). 17. **Бас, агар сизлар кофир бўлсангизлар,** (ўз даҳшати билан) **болаларни** (нг сочларини оқартириб) **чолларга айлантириб қўядиган Кун** (нинг азоби)**дан қандай сақланурсизлар?!** 18. **У** (даҳшатли Кун) **сабабли осмон ҳам ёрилгувчидир!** (Оллоҳнинг) **ваъдаси амалга ошгувчидир!** 19. **Албатта ушбу** (оятлар) **бир эслатмадир. Бас, ким хоҳласа** (бу насиҳатдан ибрат олиб) **Парвардигорига йўл тутар.** 20. (Эй Муҳаммад), **албатта Парвардигорингиз ва сиз ва сиз билан бирга бўлган кишилардан иборат тоифа** (яъни, саҳобаларингиз гоҳо) **кечанинг**

www.ziyouz.com kutubxonasi

учдан иккисидан озроғида, (гоҳо) **унинг ярмида ва** (гоҳо) **учдан бирида** (бедор бўлиб, намозда) **туришларингизни билур. Кеча ва кундуз** (соатлари)**ни Оллоҳ белгилар. У зот** (фасллар ўзгариши билан кечалар ҳам узун-қиска бўлиб туриши сабабли сизлар у кечаларда бедор бўлишларингиз лозим бўлган соатларнинг) **саноғига ета олмасликларингизни билиб, сизларга қайта енгиллик берди. — Энди** (кечалари намозларингизда) **Қуръондан муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. У зот сизларнинг орангизда** (кечалари бедор бўлишга куввати етмайдиган) **беморлар бўлишини, бошқалар Оллоҳнинг фазл-марҳаматидан** (ризк-рўз) **истаб, Ер юзида** (яъни, унинг турли томонларига) **сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Оллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билди. Бас,** (ўзларингизни қийнамай Қуръондан) **муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар. Ва намозни тўкис адо этинглар, закотни** (ҳақдорларга) **ато этинглар ва** (бечора-мискинларга хайру саховат қилиш билан) **Оллоҳга қарзи ҳасана беринглар! Ўзларингиз учун тақдим қиладиган ҳар бир яхшиликни** (Қиёмат куни) **Оллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ ажр-мукофот ҳолида топурсизлар. Оллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир.**

Бу сура Маккада нозил қилинган. У эллик олти оятдир. Бу сурада ҳам худди аввалги сурада бўлганидек, сўз асосан пайғамбар алайҳи-с-салом шахсиятлари хусусида бориб, дастлабки оятларда пайғамбаримизга даъват юкини ўз зиммаларига олишлари амр этилади ва бу йўлда кофирлар томонидан ўзларига етадиган озор-азиятларга Оллоҳ учун сабр-тоқат қилиш буюрилади.

Сура давомида Қиёмат кунида кофирлар учун осон бўлмаслиги таъкидланади ва улардан бирининг кирдикори батафсил фош этилади.

Сўнгра кофирларга ваъда қилинган дўзах ва унинг қўрикчи — ходимларининг саноқлари тўғрисида сўз юритилиб, бу санок фақат имтиҳон учун айтилгани баён қилинади.

Бу сурадан жаннат аҳлининг дўзахийлар билан қиладиган савол-жавоблари ҳам ўрин олгандир.

Сура Макка мушрикларининг Ҳақ йўлига юрмаётганларидан ғамгин бўлган пайғамбар алайҳи-с-саломга ҳар иш Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси билан бўлишини билдириб, таскин-тасалли бериш билан хотима топади.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1—2. Эй (либосларига) **бурканиб олган зот, туринг-да,** (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг!**

И з о ҳ: Саҳобалардан Жобир ибн Абдуллоҳ (Оллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилишларича, пайғамбар алайҳи-с-салом юқоридаги оятлар нозил бўлиш хусусида шундай деганлар: «Мен бир куни йўлда кетаётиб осмондан бир овоз эшитдим. Бошимни кўтариб қарасам, баногоҳ мен Ҳиро ғорида эканлигимда олдимга келган фаришта осмон билан ернинг ўртасида муаллақ бўлган бир курсида ўтирибди. Бу ҳолни кўриб қўрққанимдан ерга йиқилдим ва қалтираб-титраган ҳолимда уйга етиб келиб, «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар», дедим. Энди кўрпага бурканиб ётганимда, менга «Эй (либосларига) *бурканиб олган зот...» деб бошланган оятлар нозил бўлди».*

3. Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! 4. Либосларингизни пок тутинг! 5. Бутлардан йироқ бўлинг! 6. (Бераётган нарсангизни) **кўп санаган ҳолингиз-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

да эҳсон қилманг! 7. Ёлгиз Парвардигорингиз (юзи) **учун** (кофирлар томонидан етадиган озорларга) **сабр қилинг! 8—9. Чунки қачон** (Қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) **бурғу чалинганида, ана ўша Кун қийин Кундир! 10. Кофирларга осон бўлмаган** (Кундир)!

И з о ҳ: Ушбу оятларда Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарини зиммасидаги пайғамбарлик вазифасини сабр-тоқат билан адо этишга чорлаб, у зотга яқинда дин йўлига ғов бўлган кимсалар учун қийин бир Кун — Қиёмат келиши тўғрисида хабар берди.

Энди, қуйидаги оятларда ўша кофирлардан бири бўлган Валид ибну-л-Муғийранинг Қуръон ва пайғамбар алайҳи-с-саломга қарши қилган кирдикори ва у топажак оқибат ҳақида сўз боради:

11. (Эй Муҳаммад), **Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг! 12—13. Мен унга кенг-мўл мол-давлат ва** (доимо ёнида) **ҳозиру нозир ўғилларни** (ато) **қилдим. 14. Яна унга** (ҳаётнинг барча неъматларини) **қулайосон қилиб қўйдим. 15. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тама қилур. 16. Йўқ,** (унинг тамаси беҳудадир)! **Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчидир. 17. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга** (яъни ўтиб бўлмас тўсиққа) **дучор қилажакман! 18. Чунки у** (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Қитобга қандай туҳмат қилиш тўғрисида) **ўйлади, режа тузди.— 19. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! 20. Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! — 21. Сўнгра у** (ўйлаган режаларига) **қаради. 22. Сўнгра** (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) **тириштирди ва** (афтини) **буриштирди. 23. Сўнгра** (Ҳақдан) **юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди. 24—25. Бас, у: «Бу** (Қуръон Оллохнинг сўзи эмас, балки) **фақат** (аввалгилардан) **нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир», деди. 26. Яқинда Мен уни Сақарга** (Жаханнамга) **киритажакман! 27.** (Эй Муҳаммад), **Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. 28. У** (бирон кофирни) **қолдирмас — қўймас** (балки куйдириб ҳалок қилур)! **29.** (У беш юз йиллик масофадан) **инсонларга яққол кўриниб тургувчидир. 30. Унинг устида ўн тўққиз** (фариштa қўриқчилигу эгалик қилур). **31. Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари — қўриқчилари қилдик ва Биз фақат кофир бўлган кимсаларни синаш учун У** (фариштa)**ларнинг саноғини** (ўн тўққизта) **қилдик. Токи китоб берилган кимсалар** (яъни, яҳудий ва насронийлар ўзларининг илоҳий китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда ҳам дўзах қўриқчилари бўлган фаришталар саноғи ўн тўққизта экани айтилганини кўриб Қуръоннинг Оллоҳ томонидан нозил қилинган Ҳақ Китоб эканлигини) **аниқ билгайлар ва иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай ҳамда китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам** (дўзах қўриқчиларининг саноғи тўғрисида) **шак-шубҳа қилмагайлар. Ва токи дилларида мараз** (мунофиқлик) **бўлган кимсалар ва кофирлар: «Буни мисол қилиш билан** (яъни, фаришталар саноғини ўн тўққизта қилиш билан) **Оллоҳ нима демоқчи?» дегайлар. Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўюр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини** (яъни, фаришталарнинг қанча ададда ва қандай сифатда эканликларини) **ёлғиз Унинг Ўзигина билур. У** (яъни, ушбу оятларда таърифланган жаханнам фақат инсонлар) **панд-насиҳат олишлари учун бир эслатмадир. 32. Дарҳақиқат, Ойга қасам; 33. Ўтиб кетган тунга қасам; 34. Ёришиб келаётган тонгга қасамки; 35—36—37. Албатта у** (жаханнам барча) **инсонлар учун — сизларнинг орангиздаги** (яхшилик ва тоат-ибодат томонга) **илгарилаётган ёки** (куфру исён томонга) **чекинаётган кишилар учун — огоҳлантиргувчи бўлган чўнг** (бало)**лардан биридир. 38. Ҳар бир жон ўзи** (ҳаёти-дунёда) **касб қилган амали сабабли** (дўзахда) **ушлангувчидир. 39. Фақат ўнг қўл эгаларигина** (яъни, ҳаёти-дунёда иймон келтирганлари ва эзгу амаллар қилганлари сабабли Қиёмат кунида номаи аъмоллари ўнг қўлларидан берилган саодатманд зотларгина дўзахдан) **нажот топгувчидирлар. 40—41. Улар жаннатларда бир-бирлари билан** (дўзахга ташланган) **жиноятчи — кофир кимсалар ҳақида савол-жавоб қилишурлар. 42.** (Улар дўзах аҳлига): **«Сизларни нима Сақарга киритди?!** (деганларида); **43. Улар айтурлар: «Бизлар намоз ўқигувчилардан бўлмадик. 44. Мискин-бечорага таом бергувчи ҳам бўлмадик. 45. Бизлар** (ботил-беҳуда сўзларга) **шўнғигувчи кимсалар билан бирга шўнғир эдик** (яъни, Қуръон ва пайғамбар хусусида туҳмат-ёлғонлар тўқир эдик). **46—47. То бизларга аниқ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ўлим) **келгунича бизлар Жазо — Қиёмат кунини ёлғон дер эдик». 48. Энди оқловчиларнинг оқлови уларга фойда бермас!**

И з о ҳ: Яъни Қиёмат кунида ҳаёти-дунёда кофир бўлиб ўтган кимсалар ўзлари учун бирон оқловчи топа олмаслар ва агар фаразан Ер юзидаги барча одамлар уларни оқлаган тақдирда ҳам, бу оқлов уларга фойда бермас! Юқоридаги оятларда кофирлар топадиган оқибат зикр қилинди. Энди қуйидаги оятларда уларнинг Ҳақдан юз ўгиришлари тўғрисида бир ибратли мисол келтирилади.

49—50—51. Нега улар худди шердан қочган ёввойи эшакларга ўхшаб бу Эслатмадан — Қуръондан юз ўгирдилар-а?! 52. Йўқ, (улар ҳеч қачон Қуръон оятларига қулоқ тутмаслар, балки) **улардан ҳар бир кимса ўзига очиқ саҳифалар берилишини истар!**

И з о ҳ: Макка мушриклари Муҳаммад алайҳи-с-саломга: «Токи сен бизларнинг ҳар биримизга осмондан алоҳида саҳифа келтирмагунингча ва у саҳифада ҳар биримизга Оллоҳ томонидан сенга эргашиш буюрилганини ўқиб кўрмагунимизча сенга иймон келтирмаймиз», деганларида, ушбу ояти карима нозил бўлди.

53. Йўқ, (уларнинг кофир бўлишларига сабаб асло уларга очиқ саҳифалар берилмагани эмас,) **балки улар охират** (га иймон келтирмайдилар ва унда бўладиган азоб-уқубат)**дан кўрқмаслар** (ва шу сабабдан, Қуръондан юз ўгирурлар). **54. Ҳа, албатта у** (Қуръон) **бир эслатмадир. 55. Бас, хоҳлаган киши ундан эслатма — ибрат олур. 56. Улар ёлғиз Оллоҳ хоҳлаганидагина** (Қуръондан) **эслатма-ибрат олурлар. У** (Оллоҳ) **тақво эгасидир** (яъни, бандалари Ундан тақво қилишлари — қўркишлари лозимдир) **ва** (У Оллоҳ тақво қилгувчи бандалари учун) **мағфират эгасидир.**

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шониёз Дониёров

МУХТОРИЯТ ҚИСМАТИ

Халқ ўзини бошқаришга ўргангандагина етук фуқаро бўлишга муносибдир. Озодлик, аввало ўз-ўзини бошқаришга қодирликдир. Ўз-ўзини, фикр ва ҳистуйғуларини, ўз ички «тўполонлари»ни бошқаришга ўрганган кишиларгина ўзгаларни, ўз мамлакатини бошқара олади.

Николай БЕРДЯЕВ

Туркистонда мухторият тузиш ғояси, февраль инқилоби берган озодликдан сўнг пайдо бўлган эди. Бу фикр дастлаб 1917 йилнинг 12 ноябрида «Шўрои уламо» жамиятининг раҳбари Шерали Лапин раҳбарлигида Тошкентда бўлиб ўтган «Мусулмон жамоаларининг бирлашган йиғини»да расман ўртага ташланган. Бу таклифни миллий савдо буржуазияси, ўлкада эндигина шаклланаётган саноат буржуазияси вакиллари, демократик ўзгаришлар тарафдори бўлган мусулмон зиёлилари ва руҳонийлар билан бир қаторда қуйи меҳнаткаш табақа вакиллари ҳам қўллаб-қувватладилар.

1917 йилнинг 26—29 ноябрида Қўқонда Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойи чақирилади. Қурултой ноибларининг асосий қисмини эндигина тетапоя бўлаётган миллий савдо-саноат буржуазияси вакиллари ҳисобланмиш, янги дунё кўрган савдогарлар ва руҳонийлар ташкил этарди. Кўпчилик ноиблар мустақил демократик мусулмон давлатини тузиш, қўшни давлатлар билан сиёсий-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурдилар. Ноиблар Туркистон жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлигини тушуниб етган, тараққиётга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай эски кучларни синдириш ва янги илғор унсурларнинг ривожланишига йўл очиш тарафдори эди. Очиқ овоз бериш йўли билан қурултой ҳайъатига Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, А. Маҳмудов, Юргули-Оғаев, Саломан Гердцфельд, И. С. Шоҳиаҳматов, Камолқори, Акаев, Кичкимбоев, Абдураҳмонбек Ўразаев, Пилиев, Каримбоев, М. Беҳбудий сайланди.

Съезд кун тартибига иккита масала қўйилади. Биринчи масала: «Туркистоннинг жануби-шарқий иттифоққа қўшилиши тўғрисида» бўлиб, делегатлар учун кутилмаганда пайдо бўлди ва анча мунозара туғдирди. Иккинчи масала: «Туркистон мухторияти тўғрисида» эди. 27 ноябрь куни эрталаб съезднинг очилишида шаҳар ҳокими қуйидагича фикр билдиради: «Туркистон мусулмонларининг IV Ўлка съездини чин қалбдан қутлайман ва съезд Туркистонга мумкин қадар кўпроқ фойда келтириб, Туркистон тарихида чуқурроқ из қолдиришини истайман... Шубҳасиз, Туркистонга эркин мухторият керак», деб таъкидлади. (Қаранг: П. Алексеенков. «Кокандская автономия», Тошкент, 1931 й., 21-бет.) Биринчи масала юзасидан ўтган баҳсларда депутатларнинг бир қисми иттифоққа киришни маъқулладилар.

Иқтисодий жиҳатдан иттифоққа кириш фойдали эди. Чунки ўлкага Шимолий Кавказ ва Оренбургдан дон маҳсулотлари келтириларди. Айни вақтда Туркистон ўз пахтасини уларга сотиши мумкин эди. Устига устак «Жануби-шарқий иттифоқ» ҳудуди аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қиларди, бу сабаблар иттифоққа киришни яқинлаштирса, иккинчи гуруҳдагилар Туркистоннинг яна мустамлака бўлиб қолишидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

хавотирда эдилар. Бу гуруҳдагиларнинг фикрларидан мисоллар келтирамиз: «Казаклар азалдан самодержавиенинг суянчиғи бўлиб келган. Улар халқимизни қанчалар азоб-уқубатга дучор қилмади. Казаклар доимо инқилобга қарши чиққан. Ҳозир ҳам казаклар тепасида подшо тузумини қайта тикламоқчи бўлган Красновлар, Карауловлар, Келидинлар турибди-ку! Улар Олмония билан урушни ғалабагача давом эттирмоқчи, Истамбулни забт этиб Оқ-София черковини қайта тикламоқчи. Уларнинг биздан ёрдам сўраб мурожаат қилишига ягона сабаб — ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдир. Биз улар билан бирлаша олмаймиз».

Съездда тартиб йўқола боради. Раислик қилувчи тажрибасизлиги туфайли тартиб ўрнатолмайди ва у қурултой мажлисини ёпиқ деб эълон қилишга мажбур бўлади. Жануби-шарқий иттифоққа кириш эса эртаси кунга қолдирилади. 27 ноябрь куни узоқ тортишувлардан сўнг бўлғувси давлатнинг иқтисодий ҳолатини ҳисобга олиб, иттифоққа кириш ҳақида қарор қабул қилади.

Съезд кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мунозаралар съезднинг кечки мажлисида ва 28 ноябрь кунги эрталабки мажлисда давом эттирилди.

Бутунрусия Мусулмонлар Кенгаши МҚнинг аъзоси, депутат Убайдулла Хўжаев маърузасида қуйидагиларни қайд этди. «Русияда ҳозир ҳақиқий ҳукумат йўқ. Русия империяси музофотида ҳамма миллатлар большовойларга қарши курашга бел боғладилар. Бутунрусия таъсис мажлисининг чақирилишига ҳеч қандай умид йўқ...» Ва маърузачи зудлик билан Туркистонни мухторият бошқарувига ўтишга, депутатларни большовойларга қарши курашга чақирди».

Депутат С. Юсупов (Русиядаги воқеалар тўғрисида, айниқса, большовойларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, зўравонликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгач).[1] Туркистон мухторият ҳуқуқини олишга ҳозир тайёрми? Ва ўзи жавоб беради: албатта тайёр эмас, лекин бундан мухторият эълон қилишимиз керакмас деган хулосага бормаслик лозим. Озод яшашни хоҳлаймизми? Демак, Туркистонни мухтор жумҳурият деб эълон қилмоқ керак.

Депутат Содиқбоев: Большовойлар Туркистонни мухтор жумҳурият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумҳурият деб эълон қилишимизга қаршилик кўрсатмасинлар. Оврўпаликлар бизнинг ички ишларимизга аралашмасинлар. Чунки ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку.

Депутат Аминхон Тўра: Туркистон 50 йилдан буён Русия ҳукумати қўли остида. Руслар босиб олгач, ерли аҳолининг диний, миллий суд ишларига дарров аралашмасада, аста-секин ўлка ҳаётининг ҳамма жабҳаларига қўл чўза бошладилар. Февраль инқилобидан сўнг Туркистон халқи озодликка эришдик, деб хурсанд бўлганди. Большовойлар ҳокимият тепасига келгандан сўнг зудлик билан мухторият эълон қилиш зарурати туғилди. Айтишларича, большовойлар уруш эълон қилармиш. Майли, лекин улар турки мусулмонлар диний, миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қондан (ўлимдан ҳам — Ш. Д.) қўрқмаслигини унутмасинлар.

Съезд Туркистон тараққиётини белгилаб берувчи тарихий ҳужжатлар қабул қилди. Кабул қилинган қарорларда демократик кайфиятдаги мусулмон зиёлиларининг фикрлари ҳам ўз ифодасини топди.

Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз маърузасида съезднинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, «Съездимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг оврўпалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар»[2], деди. М. Беҳбудий съезд раёсатида мусулмонлар билан бир қаторда насроний гуруҳларнинг делегатларидан ҳам вакиллар бўлишини ёқлаб чиқди. Уни вилоятдан келган депутатларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Қўқонлик бир депутат М. Беҳбудий фикрини давом эттириб, қуйидагиларни қўшиб қўйди: «Биз съезд ҳайъатига вилоятлар бўйича эмас, балки қайси динга мансублиги ва миллий этник гуруҳларига қараб, кенг фикрли, билимли ва ишбилармон кишиларни сайлашимиз керак»[3]. Натижада демократик мусулмон зиёлилари талаби билан Туркистон аҳолисининг оврўпалик қисми вакиллари ҳам съездда тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар.

1917 йилнинг 28 ноябрида, съезд қабул қилган резолюцияда қуйидагилар ўз аксини топди. «Съезд Туркистонда яшаётган халқлар иродасини ифода этиб, Буюк Русия инқилоби берган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи»дан келиб чиқиб, Туркистонни Россия Федерацияси таркибидаги маъмурий мухтор жумҳурият деб эълон қилди. Мухторият ҳуқуқи Туркистон таъсис мажлисида қонунлаштирилди ва Туркистондаги камсонли миллатлар, элатлар ҳуқуқи ҳимоя қилинажаги тантанали равишда эълон этилди[4]. Тузилган ҳукумат ўз номини 28 ноябрь куни «ТУРКИСТОН МУХТОРИЯ-

---

[1] 1918 йилнинг январида большевиклар фуқаролик ҳуқуқига хилоф равишда Петроградда ўтаётган Бутунрусия таъсис мажлисини қурол кучи билан тарқатиб юборади.

[2] «Туркестанский вестник», 1917 йил, 25 ноябрь.

[3] Ўша газета, 1917 йил, 9 декабрь.

[4] Ўша ерда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИ» деб атади. Бутунрусия таъсис мажлисида Туркистоннинг мухторият ҳуқуқи расман тан олиниши талаб қилинди.

Съезд Бутунрусия таъсис мажлисини чақириш, қабул қилинган қарорларга мувофиқ бутун ҳокимиятни тўлалигича «Вақтли Туркистон Шўроси» ва «Туркистон Халқ Бошқаруви» ихтиёрига беришни талаб этди. Бутунрусия таъсис мажлисига борадиган Туркистон Вақтли Шўросининг таркиби 32 депутатдан иборат эди. Депутатларнинг учдан бир қисмини оврўпаликлар ташкил этди. Чунки мухтор ҳукуматнинг юқори идораларида йирик этник гуруҳларнинг ўрни кафолатланган эди.

«Съездда делегатлар иқтисодий масалаларга ҳам алоҳида эътибор берди. Мухтор жумҳурият инглизлардан ҳарбий ёрдам билан бир қаторда иқтисодий ёрдам ҳам олажагини, жумладан ўлкада очлик ҳукм сураётган бир вақтда тайёрлов нархи бўйича нон харид қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан нон маҳсулотларини пахтага, жунга алмаштириш тўғрисида келишиб олинди».[1]

Бўлажак давлат мафкурасида ислом дини ғоялари ҳукмронлиги тан олинганди. «1917 йил сентябрь ойидаги «Ўлка мусулмонларининг Олий Кенгаши»да мусулмонлар ўз ҳуқуқини аниқлаш йўлида, умуминсоният тараққиётига етишишда Қуръон ва шариат қонунларида кўрсатилганидан бошқа тўғри йўл йўқ»[2], деб таъкидланганди. Съезд ўз ишини якунлаш арафасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи парламент аъзоларини сайлади ва яна бир карра Туркистон мухтор жумҳурият деб эълон қилинганини тантанали равишда такрорлади. Депутатлар бу сўзларни тик туриб тингладилар, худога шукроналик билдириб, «Қуръон» сураларидан тиловат қилдилар.

Қўқон шаҳрида эълон қилинган мухториятнинг миқёси кун сайин кенгая борди ва бутун Туркистонга ёйилиб, Туркистон мухториятига айланди.

Турли сиёсий оқимлар мухториятга турлича муносабатда бўлдилар. Ўлкадаги социал инқилобчилар, кадетлар (конституцион демократлар) ва ҳаттоки ҳарбий халқ бошқаруви ёки Губернатор канцеляриясининг чиновниклар ташкилоти ҳам уни Туркистондаги ягона қонуний ҳокимият эканлигини тан олдилар.

«Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 19 январь сонида берилган хабарга қараганда, 1918 йилнинг 7—10 январида Қўқон шаҳрида Туркистон социал-инқилобчилар партиясининг II съезди бўлиб ўтади. Съездда Қўқон, Скобелев, Андижон, Марв, Самарқанд, Ашхобод, Қизил Арвот шаҳарлари ва нефть конларидан вакил бўлиб келган делегатлар қатнашадилар. Съездда Туркистон мухториятини ёқлаш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинади.

Мухториятни қўллаб-қувватлашга бағишланган намойишнинг энг каттаси 13 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтади. Бунгача Туркистон ХКСининг ҳам, ҳукмрон партия маъмуриятининг ҳам Қўқон мухторияти ва Тошкентда ўтказиладиган байрам митингига муносабати унчалик аниқ эмасди. Шунга қарамасдан ТошСовет митинг ўтишига рухсат беради ҳамда шаҳарда тўла тартиб сақланишини шаҳар гарнизони бошлиғи Стасиков зиммасига юклайди. Аммо тинч ўтаётган намойишнинг қонли тугашига капитан Фролов бошлиқ шаҳар ҳарбий бўлинмаси сабаб туғдиради. Фроловчилар намойишчиларнинг қудратли тўлқинидан фойдаланиб, Туркистонни мустамлака ҳолида сақлаб қолмоқчи бўлган ва мусулмонлар билан насронийлар ўртасида жанжал чиқаришга устаси фаранг граф Г. Доррерни озод қилмоқчи бўлган эдилар. Қонли тўқнашувда намойишчилардан 15 киши, аскарлардан бир киши ўлдирилади.

...Ўн саккизинчи йилнинг қиши Қўқон учун ниҳоятда оғир келди. Қўқонда рўй бераётган воқеалар силсиласи бутун Туркистонни қамраб олди. Шаҳарда икки ҳокимиятчилик ҳукм сурарди. Қўқон Шўроси ва мухторият ҳукумати ўзларича бир-бирига зид қарорлар чиқарар ва ўзларича иш тутарди. Қўқонда бўлаётган воқеаларнинг асл моҳияти қуйи табақа вакиллари онгига сингиб улгурмаганди. Қўқон шаҳар Шўроси шаҳарнинг янги қисмида ҳокимлик қилиб, асосан темир йўл ва пахта заводларида ишлайдиган оврўпалик ишчиларга, шаҳар гарнизонига, Қўқон қалъасидаги (собиқ Қўқон хони Ўрдаси) подшо армиясининг ҳалича уй-ўйларига тарқалиб улгурмаган аскарларига суянарди. Қалъада доимий яшаётган аскарлар сони бор-йўғи 16 киши эди. Подшо армиясининг қолган-қутган аскарлари қорин ташвиши билан Қўқон атрофида изғиб юрарди. Самарқандда эса (ҳозирги Хўжанд атрофида) жаҳон урушининг 8 мингдан ортиқ ҳарбий асирларини 8 та аскар қўриқларди. (Биринчи жаҳон урушининг 41 минг 285 та ҳарбий асири Туркистонда сақланарди.[3])

Шаҳар гарнизонидаги қуролларнинг бир қисми шаҳар думасининг қарори билан мухтор ҳукумат фойдасига мусодара қилинганди. Қалъадаги эгасиз ётган қуроллар ишчиларга тарқатилди. Ва қалъадаги қуролли кишилар сони 33 тага етказилди.

Февраль ойининг бошларида Қўқонда рўй бераётган воқеалар анча жиддий тус олган эди. 11—12 февралга ўтар кечаси бир гуруҳ номаълум кишилар қалъага бостириб

---

[1] М. Ҳасанов, «Кокандская автономия» и некоторые её уроки. «Общественные науки в Узбекистане» 1990 й. № 2, 43-бет.

[2] «Туркестанский вестник», 1917 йил, 1 декабрь.

[3] ЎзССЖ Марказий Давлат Архиви. Р—25-фонд, 1-изоҳнома, 18-иш, 38-варақ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўқон қалъасига ҳужум

кирдилар. 12 февраль куни қалъадагиларга Сазонов Тошкентдан олиб келган қуролларни тарқатди ва кечгача қалъа ҳимоячиларининг сони 400 кишига етказилди. 13 февраль куни эса қалъадагиларга Андижон ва Скобелевдан 120 та яхши қуролланган аскар, Перовскдан эса 80 та аскар ёрдамга келди. Уч-тўрт кун ичида қалъа ҳимоячиларининг сони 600 дан ошиб кетди.

Туркистон мухторияти илдизига қай тариқа болта уришни билолмаётган қизил гвардиячилар, ниҳоят ҳар хил миш-мишлардан усталик билан фойдаланади. Буни кир ниятли Сазоновнинг хотираларидан ҳам билса бўлади.

«Қўқон ҳукумати ва Қўқон воқеалари аста-секин жиддийлашиб, кучайиб борарди. Посетовскадаги съездга қадар, марказдан келган Ислом Шоҳиаҳматов Туркистон мухториятининг имкониятлари ҳақида оташин нутқ сўзлади.

...Мухтор ҳукумат Советлардан мусулмон делегатларини чақириб олди (улар Советларда кўпчиликни ташкил қиларди) ва улардан, жангчи ҳамда деҳқонлардан иборат парламент яратди. Бойлар қуролланаётган эмиш, мухтор ҳукумат қандайдир жангга тайёрланаётганмиш, аллақаерлардан қуроллар олаётганмиш деган узун-қулоқ гаплар юрарди. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий бойлар ва аҳолининг бадавлат қатлами банклардан пулларини олардилар. Темир йўлчиларимиз мухтор ҳукумат номига келаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

юкни текшириб қурол-яроғ топган эмиш, деган гаплар қулоққа чалиниб турарди. Вақт ўтган сари бундай гаплар кўпаяверди. Қўқон ҳукумати Советларсиз буйруқлар чиқара бошлади. Туркистон халқлари бу буйруқларга сўзсиз итоат этиши ҳақида овозалар тарқатдилар. Шундай қилиб, Қўқон ҳукумати Совет ҳукуматининг обрўйига путур етказа бошлади.

Ўлкада шундайин нозик аҳвол ҳукм сураётган бир вақтда, аввалига Ашхободда темирйўлчиларнинг III съездига, сўнгра Тошкентда Советларнинг съездида иштирок этишимга тўғри келди.

Съезд ўтаётган вақтда, Қўқон Советининг раиси Бабушкин топшириғи билан келган 2 аскар мен билан учрашди ва Тошкентдан қуролли ёрдам кўрсатиш зарурлигини айтиб, Қўқон мухтор ҳукумати ҳужумга тайёрланаётгани тўғрисидаги номани менга топширди. Агар Тошкентдан ёрдам юборилмаса Бабушкиннинг ўзи Тошкентга келиши мактубда таъкидланган эди. Мен аҳвол тўғрисида Тоболинни воқиф этдим. Тоболин Қўқондан келган аскарларни қабул қилди. Қалъа доруғаси (коменданти) Якименкони чақирди ва бизларга 300 та милтиқ, пулемёт ва бошқа қурол-яроғ беришга рози бўлди.

Мен Қўқонга қуролларни сездирмасдан олиб бориб Мешенковга топширишни маслаҳат бердим, чунки Қўқон қалъасининг доруғаси Зинченко ишончсиз киши эди.

Ўзимни ростлаб олдим ва уч кундан кейин Қўқонга жўнадим. Қўқонга кириб боришимиз арафасида паровозчилар бригадасида маъруза қилдим. Гўё шаҳарда осойишталик ҳукм сурарди. Қўшниларимизнинг айтишларига қараганда, тунда шаҳарда отишма бўлганмиш. Мен воқеани билиш учун станцияга бордим. Станцияда темирйўлчилар билан Коновалов ва Рилов бирга экан. Бабушкин тунда мухториятчилар рус зобитлари бошчилигида уларга қандай ҳужум қилганини сўзлаб берди... Қисқагина бўлиб ўтган отишмада қатнашишга тўғри келди. Қизил гвардиячи соқчилардан бирига ўқ тегиб нобуд бўлди. Бабушкин хотини билан панароқ жойга яширидилар. Кўчада гўёки, ҳаммаёқ жимжит, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Шаҳар телефон станцияси ишламаётганди. Отишмани ким бошлаганини аниқламоқ зарур эди. Темирйўлчилар менга ва Николаенкога (партиясиз) мажлисга қатнашиш учун мандат беришди.

Биз шаҳар телефон станцияси томон жўнадик. Телефон хизматчиларининг деярли ҳаммаси жой-жойида, янги шаҳар алоқа тармоғи ажратилган. Мен алоқачи аёлга «Эски шаҳарни узиб, Янги шаҳарни уланг», деб буйруқ бердим. Алоқачи аёл эса бизга иккиланиб, Янги шаҳарни қўшолмаслигини айтди. Маълум бўлишича, кечаси рус зобити бошчилигида бир қисм келиб, Янги шаҳарни узиб, Эски шаҳарни узмасликни буюриб кетибди. Зобитларнинг ўзаро телефондаги суҳбатидан уларнинг бири имом билан қалъа томон жўнаётганини, иккинчиси эса телефон станциясида эрталабгача навбатчилик қилишни зиммасига олганини англадим. Улар 73-рақамга телефон қилишни келишиб олишди. Бу Қўқон мухторияти ҳукуматининг телефон рақами экан.

Энди ҳаммаси тушунарли бўлди. Қўқон ҳукумати ҳужум тараддудида. Мен телефончи жувонга: «Эски шаҳарни узиб, Янги шаҳарни уланг», деб буйруқ бердим. Ва 73-рақамга қўнғироқ қилиб ҳукумат аъзоларидан бирортаси борми, деб сўрадим, аксига олиб ҳеч ким йўқ экан. Телефонда гаплашган кишига ҳукумат аъзоларининг бирортаси билан соат 4 ларда гаплашмоқчи эканимни айтдим.

Қалъага кириб борганимизда бир неча марта ҳужум қилиб, уни анчагина вайрон қилган эканлар. Қалъа доруғасини бизга нисбатан хоинлик қилган учун қамаб қўйибди. Темирйўл станциясидан туриб, Бабушкин нома юборибди. Унда «Зигель, Чўқаев ва унинг котибини қамоққа олинглар», деб ёзилган экан. Иккала қизил гвардиячи аскар билан бирга уларни қамоққа олиш учун жўнадим. Зигель ҳам, Чўқаев ҳам уйларида йўқ экан. Уйларини роса тинтув қилдик. Котибини уйидан топдик ва уни қалъага олиб келдик. У бизга мухтор ҳукумат аъзоларининг рўйхатини ва рус зобитларининг исм шарифларини айтиб берди.

Телефон станциясида қолган Николаенкога 12 кишини ёрдамга юбордим. Телефонда келишиб олганимиздай соат 4 ларда экипаж келди. Мен ва Николаенко жин кўча бўйлаб йўлга чиқдик. Бизнинг йўлдошимиз мусулмон бўлиб, Шўроларнинг собиқ аъзоларидан экан. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб келдик. Унинг айтишича, мухтор ҳукуматнинг ихтиёрида қурол-яроғ ва одамлари жуда кўп бўлиб, уларни шаҳарда нафақат сартлар ва қирғизлар, балки, тожиклар, форслар, лазгинлар ҳам қўллаб-қувватлаётган экан.

Қўқон мухтор ҳукумати Эски шаҳардаги оврўпача услубда қурилган энг катта уйда, собиқ «Проводник» фирмасининг биносида жойлашган эди.

Бизни М. Чўқаев юзида илиқ табассум билан кутиб олди ва дастурхонга, чойга таклиф қилди. Умуман меҳмонга бўлгандай муносабатда бўлди. Сўнгра кимлигимизни ва нима учун келганимизни суриштирди. Биз унга кечаси рўй берган воқеани айтиб берганимизда, унинг ранги оқариб тутақиб кетди ва ёрдамчисини чақириб, унга баланд овозда: «Мен ҳукумат бошлиғиман, менинг рухсатимсиз нималар бўляпти? Ахир бизнинг Шўро ҳукумати билан тинч-тотув яшаш тўғрисида қабул қилган қароримиз борку!» деб бақирди. Шу вақт мен гапга аралашдим: «Келишиш кеч эмас, рўй берган воқеани текшириш ўз йўли билан, яхшиси музокарани давом эттирамиз. Келинглар, сизлар нимани талаб қилсангиз, бизлар ёзиб оламиз. Кўриниб турибдики, сизлар мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нархист эмас, озодлик тарафдорисизлар». Шунда М. Чўқаев: «Озодликни сизлардай қўллаш бизга тўғри келмайди, тўғри, сизнинг миллатингиз маданиятли, сизларнинг бунақанги озодликларингизга бизнинг мусулмон халқимиз чўкиб кетади», деди... Николаенко котиб сифатида талаб бандларини ёзиб ола бошлади. Жумладан, 7-бандда «Суд юритиш ва ҳуқуқий норма қоидалари Шариатга асосланиб, ер масаласи ўз ҳолича қолдирилсин, аёлларнинг юзи очилмасин, одатдагидай эрига тобе ҳолда қолдирилсин ва ҳоказолар», дейилганди. Сўнгра у Қўқонда оврўпаликларнинг фақатгина маданиятли қатламини, яъни, темирйўлчилар, телеграфчилар ва бошқаларни қолдириш таклифини киритди. Уларга катта маош тўлашга ваъда ҳам берди.

Шунда Юсуф Давидов киборлик билан: «Бу ерда нима қиласизлар», деди. Бундан Чўқаев ҳаяжонланиб: «Ҳукумат бошлиғи менман-ку! Биз Шўролар ҳукумати олдига ўз талабларимизни қўйиб, улар билан келишиб оламиз», деди. Юсуф Давидов яна: «Қўйсангиз-чи!» деб Чўқаевнинг гапини бўлди. «Биз бу шартларни тан олмаймиз», деди ва Николаенкодан: «Сиз ким бўласиз?» деб сўради. Мен унга мандатимни кўрсатдим. «Мен ҳам расмий шахсман ва расмий равишда айтаманки, сизлар билан келиша олмаймиз». Мен унга биродаркуш бўлиши аниқ экан-да, дедим. «Катта кетманг, сизлар билан ва сизларнинг халқингиз билан ҳисоб-китоб қилишга бизнинг кучимиз етади», деди Ю. Давидов.

Нима ҳам қилардик. Биз келишолмай қуруқ қайтдик. Мен қалъадагиларни огоҳлантириш учун у ёққа бордим. Кейин янги Ревкомга (инқилобий қўмита) музокара якунлари тўғрисида ҳисобот бердим. Темирйўлчилар билан умумий йиғилиш ўтказдик ва Ревком аъзоларини сайладик. Ревком аъзолигига Коновалов, Рилов, Николаенко ва мен сайландим. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий эмас, ҳарб ишига уқувсизроқ эди. Менинг мажлис аҳлига берган ҳисоботимдан сўнг кўпчилик жанг қиламиз, деган фикрни олдинга сурди. Эс-ҳушни жойга қўйиб, шошмасдан иш қилиш керак эди. Қурол-яроғлар бизда жуда кам, бор-йўғи 50 кишида бор, холос. Гарнизонда 38 кишимиз, шаҳар ташқарисида 8 минг чехословак ҳарбий асирлари бор... Ким билади, уларнинг қайси томонда туриб жанг қилишини. Эски шаҳар бизга нотаниш. Бунинг устига ҳарбийлар орамизда жуда камчилик. Демак, уришишдан фойда йўқ. Қалъани мудофаага тайёрлаш, Тошкент ва Скобелевдан мадад кутишга қарор қилдик.

Хоҳлаймизми, йўқми, биз шундай йўл тутишга мажбур эдик. Бир кишини навбатчиликда қолдириб, қолганларимиз мудофаа ишлари билан овора бўлдик. Кечаси соат 3 ларда Месхи мени уйғотиб: «Йўл берди, Осипов келяпти», деди... Янги сайланган ревком раиси Тошкентга, Колесовга ўзининг сайланганлигини ва Қўқонда бўлаётган воқеалар тўғрисида телеграмма берди.

Поезд етиб келди. Мен уларга чой, нон ҳозирлаб қўйгандим. Аскарлар шовқин кўтариб: «Биз сартларни тинчитиб қўямиз!», деб ҳовлиқиб кириб келдилар. Осипов билан унинг қисм замбаракчиси Пономарёв ҳам келган экан. Яхши қуролланган 120 киши ёрдамга келишди. (К. Осипов Скобелевдан 4 замбарак, 5 пулемёт билан келади. У Скобелев ҳарбий дружинасининг командири эди — Ш. Д.) Мен Осипов билан келишиб олдим. Қурол-яроғларни сездирмасдан қалъага жойлаштирдик. Осиповнинг талаби билан ревком қалъанинг доимий вакили сифатида мени ва Николаенкони унинг ихтиёрига берди. Қалъага ёрдам бериш учун Удалов, Беленко, Шишков, Вершининлар ҳам келишди. Бизга Осипов қўмондонлик қилди. Артиллериячиларга Пономарёв бош бўлди.

...Биз мажлис ўтказдик ва Қўқон ҳукуматига қуйидаги мазмунда кескин талабнома беришни келишиб олдик:

1. Эртага кундуз соат учгача қурол-яроғларни Воскресенский майдонига олиб келиб топширсин;

2. Мухтор ҳукумат таслим бўлсин ва Шўро ҳукумати тан олинсин, — деган талаблар бор эди.

Шундай қалтис вазиятда темирйўлчилар орасида интизом бўшлиги сезилиб қолди. Улар гоҳ ревком буйруғини бажармасди, гоҳо маст-аласт бўлиб дайдиб юрарди. Темирйўлчилар йиғилиш ўтказдилар. Мажлисда мудофаамизнинг нозик томонлари тўғрисида гап-сўзлар бўлди. Хўжанд томондан ҳужум хавфи борлиги сабабли, Хўжанд кўпригини портлатиш ёки портлатмаслик масаласи кўрилди. Агар кўприк портлатилса, Тошкентдан бизга нон ва озиқ-овқат маҳсулотлари келмай қоларди. Бу масалада баҳс анча қизиди. Николаенко кўприкни портлатмасликни қаттиқ туриб талаб қилди. Биз уни Ревком таркибидан чиқардик ва Чаплигинни сайладик. Ревком қаттиқ туриб шундай буйруқ берди. «Хўжанд кўприги портлатилсин, қаршилик кўрсатганлар отиб ташлансин!»

Эртасига Биленко ва мен талабномани топширгани бордик. Бизни яна Чўқаев илиқ кутиб олди, дастурхонга таклиф қилиб чой узатди. Биз албатта рад этдик ва унга хатжилдни бердик. У хатжилдни очиб ўқиди ва бошқа нозирларга узатди. Менимча, унинг ёлғиз ўзи бундай саволларни ҳал этишга ваколати йўқ экан.

Биргаликда соатларимизни тўғриладик ва вақтни белгилаб орқага қайтдик. Чўқаев яна бизни эҳтиром билан кузатиб қўйди ва ярим йўлгача соқчи ҳам берди. Соат 3, шаҳарда жимжитлик, ҳеч ким Воскресенский майдонига келиб қуролини ташламаяпти. Фақат алла айтаётган аёлнинг овози элас-элас қулоққа чалинади. Соат 3 яримларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Проводник» томон замбаракдан бир неча марта ўқ уздик. Шаҳарни вайрон қилмасликка қарор қилдик ва ҳукуматнинг яна бир кун ўйлаб кўриши учун муҳлат бердик.

Қалъадаги соқчиларнинг сонини кўпайтириб, уларни сергакликка чақирдик. Умуман, Осипов ҳарбий ишларни яхши йўлга қўйди. Эрталаб Осипов ҳарбий кучларимизни уч гуруҳга бўлди ва 40 кишини ўзи билан бирга олиб, Эски шаҳарга мухтор ҳукумат вакилларини қамоққа олиш учун йўл олди. Иккинчи гуруҳ эса ҳар эҳтимолга қарши қалъани қўриқлаш учун қолди.

Қалъа мудофаачиларини асосан темирйўлчилар ва арман дашноқлари ташкил қиларди. Кейинроқ айтишларича, айрим уйлардан тартибсиз ўқ отилганини ҳисобга олмаганда, бўлинмамиз шаҳарга эмин-эркин кириб борибди. Бизникилар ҳам ўша уйларга қарата ўқ узибди ва кичкина қуролланган тўда билан тўқнашибди. Аскарларнинг айтишича, бу жангда форслар алоҳида намуна кўрсатганмиш. Улар билан бўлган биринчи тўқнашувда 5 киши ярадор қилинибди, иккинчи тўқнашувда бир киши ўлдирилиб, 2 киши жароҳатланибди.

Бўлинмамиз анча вақт ҳаяллаб қолди. Қоронғу туша бошлади, улардан эса ҳамон дарак йўқ. Телефон станциясидан «Биз томонга мусулмон отряди келяпти, нима қилайлик?» деб шошилинч телефон қилдилар. Мен уларга «Электрни ажратиб, ҳамманг уйуйларингга тарқалинглар», деб буйруқ бердим.

Монтёр станциядан зарур иш қуроллари билан ёнимизга етиб келди ва қалъани станция билан қайта улади.

Қош қорайганда отрядимиз ҳорғин ҳолда қайтиб келди. Мухтор ҳукумат имижимида, сездирмасдан жойини алмаштирган экан. Очиқ ҳужум қилишимиз учун ҳали кучимиз кам эди. Ҳужум уюштирмасликка келишдик. Қалъа мудофаачилари эса анча чарчаган эди.

Иккинчи куни иккала томон ҳам тинчиб қолди. Айғоқчиларимиз уларнинг айғоқчисини тутиб олибди. Уни сўроқ қилганимизда: «Сизларнинг қуролларингиз оз. Биламан, мени отиб ташлайсизлар, лекин бизникилар сизни полкингиз билан қириб ташлайди», деб жавоб берди... Қалъанинг собиқ доруғаси Зинченко Тошкентдан ёрдам келишини билмасди, хоинлиги туфайли уни ертўлага қамаб қўйгандик. Мусулмонлар тунда қалъа ва станцияга бир вақтда ҳужум қилишга уринибди кўрдилар. 10 минглар атрофида қуролсиз оломон оқ кийимда қалъа томон ёпирилиб кела бошлади. Уларни орқасидан қуролланган форслар қувиб келаётганди. Ярим соатлардан кейин бу ҳолат яна такрорланди. Ҳужумни қалъа мудофаачилари қайтардилар. Оралиқдаги Пугас кўчасида 30 оврўпаликни мусулмонлар бўғизлаб ўлдирибди. Қалъага энг яқин бўлган Верёвкин станциясидан ёрдам сўрадик. Тезда 80 кишидан иборат Перовский бошчилигида қисм етиб келди.

Қўқон ҳукумати очиқ жангда енголмасликларига кўзи етиб, бошқача йўл тута бошлади. Бизга делегация юбориб таслим бўлишни таклиф этишди: «Бизнинг кучимиз ҳам, қуролимиз ҳам кўп. Казаклар бизга ёрдамга келаяпти. Сизларни қириб ташлашни ҳам, қон тўкилишини ҳам хоҳламаяпмиз». Албатта, биз таклифни рад этдик.

Қўқон ҳукумати яна делегация юбориб: «Таслим бўлинглар, мухторият таркибида энди уламо ва бойлар йўқ», деб айтишди. Музокара кетаётган бир вақтда соқчи аскарлардан бири югуриб келиб, «қалъага ҳужум қилишяпти», деб қичқирди. Улар бизни чалғитиб, айёрлик қилган эканлар. Имкониятдан фойдаланиб, яқинимиздаги бинони керосин қуйиб ёқиб юбордилар. Шамол қора тутунни биз томонга ҳайдай бошлади, тутун орасидан 40 га яқин киши яшириниб ҳужумга ўтди. Оқ байроқ кўтарган турк зобити кийимидаги бир неча киши шамолдек учиб келарди. Соқчилар уларни отишга улгурдилар. Ҳужум қайтарилгандан кейин ўлган зобитни тинтиб кўрсак, ёнидан катта портлатиш қувватига эга бўлган 2 бомба топилди. Маълум бўлишича, унга қалъа дарвозасини портлатиш топширилган экан. Дарвоза очилгач, асосий пиёда қисмлар қалъага ёриб кириши кўзда тутилганини англадик.

Мусулмонларнинг яна бир айғоқчисини тутиб олиб сўроқ қилдик. Унинг айтишича, М. Чанишевнинг ўзи, тунда қалъага ҳужум бошлаш учун арқондан нарвон ясаб 400 тача кишини тайёрлаётган экан. Тунда ростдан ҳам ҳужум бўлди. Биз уни қайтардик.

Улар беш мартача делегация юборди. Мухториятчилар қуролини ташлаб Шўро ҳокимиятини тан олмаса, музокара олиб боришдан бош тортишимизни айтдик. Шунда улар станцияга, ревкомга мурожаат қилибди ва ҳарбий ишда уқувсиз темирйўлчилар билан келишиб олибдилар. Келишувга биноат, «кечаси соат 12 ларда Ўрдадаги (қалъадаги) қўнғироқ чалинганда, мусулмонлар қалъага кириб намозимизни ўқиб, кейин таслим бўламиз», деб айтибдилар. Осипов ва мен уларнинг бу таклифини рад этдик.

...Оқ халат кийган мусулмонлар тўдаси қалъа томон ёпирилиб келарди. Улар йўлйўлакай биноларга ўт қўйиб, ҳаммаёқни тутунга ботирарди. Мен дашноқлар ёрдамида уларнинг ҳужумини яна бир бор қайтардим. Бунақанги ҳужумлардан биз ҳаддан ташқари чарчадик. Қалъада озиқ-овқат етишмовчилиги ҳам сезила бошлади.

Кейинги кун мухториятчилар яна музокара олиб боришни, ярашишни таклиф қилишди. Улар тузган делегация таркибининг тенг ярмини оврўпаликлар, қолганини ерли халқ вакиллари ташкил этарди. Биз яна музокара олиб боришга рози бўлдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки Тошкентдан ёрдам кутаётган эдик. Музокаралар «Рус-Осиё» банки биносида ўтказилди. Ярашиш битимини ўтказишга келишиб олдик. Лекин мухториятчилар Янги шаҳарга ўқ узишдан ўзини тия олмади. Музокараларни қалъага яқинроқ жойда ўтказилишини қаттиқ туриб талаб қилдик ва бунга эришдик ҳам. Музокаралар давомида мухтор ҳукумат томонидан, кўринишидан оврўпалик зобитлардан бўлса керак, рус тилида эркин гапирарди. У «ҳамма гап ҳарбий гуруҳда, шахсан Чанишев ерли халқ устидан диктатура ўрнатмоқчи. Чанишев ҳибсга олинмас экан, ҳеч қандай музокарадан наф чиқмайди. Яраш битими имзоланаётган бўлишидан қатъий назар, уларнинг ҳужум қилиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Агар шундай ҳолат рўй берса, бизнинг ҳаётимиз гаровга тикилиб қолиши мумкин», деди ва Чанишевни қўллаб-қувватловчилар орасида Шўро ҳукуматининг ашаддий душмани саналган Мулла Бой борлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Музокаранинг иккинчи куни делегациямиз қайтиб келди. Эргаш ўзини хон деб эълон қилибди. У бўйсунмаётганларни отиб ташлаётган эмиш. Қалъага Гушин кириб келди ва «ҳеч қанақа жиддий ҳаракат қилинмасин, эрталаб Перфильев Тошкентдан етиб келади. Казаклар қуролсизлантирилди», деди. Биз Қўқон мухторияти делегацияси билан ўтаётган музокара вақтини турли баҳоналар билан чўза бошладик. Эрталаб Е. Перфильев отряди билан етиб келди (подшо армиясининг 28 ёшли собиқ поручиги, Туркистон ўлкасининг ҳарбий комиссари — Ш. Д.). Ва шу куниёқ Эски шаҳарни ёндирувчи снарядлар билан тўпга тутди. Менимча, бундай қилишнинг сира ҳарбий зарурати йўқ эди.

Эски шаҳарда даҳшатли талон-торож ва ёнғин бошланди. Саросимага тушган Эски шаҳар аҳолиси орқа-олдига қарамасдан, уйлари ва қимматбаҳо молу мулкларини ташлаб жонҳолатда дуч келган томонга қоча бошлади. Талон-торожликдай гуноҳ ишлардан аскарларни тўхтатиб қололмадик. Отиш ва ёнғинда кўплаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди. Шаҳар ҳувиллаб қолди. Қолган-қутган аҳоли ёрдамга муҳтож эди. Биз улар учун ошхоналар ташкил этдик.

Маҳаллий буржуйлардан Потеляхов, Вадяев ва бошқалар ишчиларга пул беришдан бош тортибди. Уларни қамоққа олиб, ишчиларга пул олиб келиш учун Тошкентга жўнадик. Мухтор ҳукумат тор-мор этилгандан сўнг беш мартача кенгаш чақирдик, фақат еттинчи куни йиғилишга улгурдик. (Чунки, қизил гвардиячилар ўртасида тартибсизликлар ҳукмрон бўлиб, «ғолиб»лар етти кунгача талон-торож билан шуғулланган эди — Ш. Д.) Мажлисдан ревкомни қўрқоқликда айблаб суд қилдик. Бабушкин мажлисда сўзга чиқиб: «Ревком энг оғир кунда яширинди, қўрқоқлик қилди», деб айблади.

Икки марта сайлов ўтказдик, иккинчисида большовойлар кўпроқ овоз олди.

Осиповни байрамона тарзда, мушаклар отиб кузатиб қўйдик. Дарвоқе, кимдир унга суиқасд қилиб ўқ узди, лекин ўқ тегмади. Е. Перфильев ҳам улар билан бирга Тошкентга жўнаб кетди».[1]

Қуйидаги лавҳа ҳам (муаллифини аниқлай олмадик) Қўқонни қонга ботиришда фаоллик кўрсатган қизил гвардиячи қаламига мансубдир.

«...Бизнинг ҳарбий қисмимиз отишмалар остида Қўқон вокзалига кириб борди ва... душман томонидан фаолроқ ҳарбий ҳаракат бошланишини кутдик... Мана «Мусулмонлар Ҳарбий Шўроси» ва «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» томонидан бизга таклиф этилган кескин талаб шартлари:

1. Ишчи, деҳқон ва аскар Қўқон Шўроси мусулмон депутатлари, ишчи, аскар депутатлари Кенгаши ва «Городской самоуправление» идораларидан бирлашган ҳукумат тузиш:

Ишчи, деҳқон ўлка Шўроси ва мусулмон жангчиларидан 2 киши;

«Шўрои ислом» жамоасидан 2 киши;

«Уламо жамияти»дан 2 киши;

«Городской самоуправление»дан 2 киши;

Ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари кенгашининг 4 та вакилидан иборат ҳукумат тузиш.

2. Қўқон шаҳар қалъаси мазкур унитар *(манфаатдор)* ҳукуматнинг бевосита назорати остига берилсин.

3. Қизил гвардиячилар қуролсизлантирилсин.

4. Мусулмон аҳолиси қуролсизлантирилсин *(милиция бундан истисно)*.

5. Ишчи, аскар ва мусулмон деҳқонларининг бевосита назорати остида миллий ҳарбий қисм ташкил этилсин.

6. Мусулмон депутатлари Кенгаши ва Халқ Комиссарлари Совети биргаликда, зудлик билан Туркистон таъсис мажлисини чақирсин.

7. Иккала томон ҳам, биродаркушлик воқеаларини кузатмасин ва унда иштирок этмасин.

---

[1] «Красная Летопись». Тошкент, 1923 йил, 88—93-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

8. Иккала томон ҳам ўлганлар ва ярадор бўлганлар учун гина сақлаб, адоватда бўлмасин.

9. Халқ Комиссарлари томонидан тузилган йўл-йўриқлар Шариат қонунларига зид келса, мусулмонлар у йўл-йўриқларга амал қилмайди.

10. Шартномага имзо қўйилган заҳоти иккала томон ҳам бандиларни озод этсин.

11. Аҳолидан тортиб олинган молу мулклар мумкин қадар ўз эгаларига қайтарилсин.

Ярашув конференцияси Раиси номига. Музокара олиб бориш учун «Рус-Осиё» банки ёнига келасизлар. У ердан сизларни мусулмон соқчилари Русия меҳмонхонасигача кузатиб боришади. Музокара «Канишка» дўконида ўтказилади. Музокара пайтида иккала томон ҳам ўқ отишни тўхтатиб туришлари шарт.

Жавобини кундуз соат 4 гача кутамиз.

Қўқон шаҳри, 16 февраль, 1918 йил.
«Вақтинчалик Мусулмон ҳарбий Кенгаши
Раислигини бажарувчи (имзо)».

Қалъадагилар талабнома шартларига тўпдан Эски шаҳар устига ўқ отиш билан жавоб берди. Талабнома шартлари қабул қилинмаганини сезган Эски шаҳар мусулмон мутаассиблари шаҳардаги оврўпалик аҳолини бўғизлашга киришиб кетдилар. Яна мусулмон делегацияси келди ва шаҳарни ўққа тутиш тўхтатилмаса, ўзаро душманлик бутун ўлкага ёйилиб кетиши мумкинлигини айтдилар. «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тинчликка эришиш учун бошқа чора-тадбирлар қидирмоқда, деди.

Делегацияга «биз сизлар билан урушишдан қўрқмаймиз», деб жавоб бердик. Шаҳарни яна замбаракдан ўққа тутдик. Натижада мусулмон қисмлари Скобелев томонга қоча бошлади. Шаҳардаги бадавлат рус кишилари ҳам улар билан бирга эди.

...Эски шаҳар аланга ичида қолди. Учта ҳарбий юришда демократия ва социализм душманлари билан қаҳрамонларча жанг қилган қизил гвардиячилар ўзгалар молу мулкини талон-торож қилишдан ўзини тийиб туролмади».[1]

Учта ҳарбий юришда «қаҳрамонлик» кўрсатган қуролли инқилобчилар Қўқонда ўзгалар молу мулкини талон-торож қилдилар. Бу ҳам етмагандай арман дашноқлари билан ҳамкорликда Фарғона водийси халқи бошига тарих кўрмаган ваҳшийликларни солдилар.

«1918 йилнинг 19—26 январида Тошкентда бўлиб ўтган «Туркистон ўлка Советлари»нинг IV съезди Қўқон мухторияти ва ҳукумат аъзоларини қонундан ташқари, деб жория этди, ҳукумат аъзоларини ҳибсга олиш ҳақида қарор қабул қилди».[2] Ана шу қарорга биноан Қўқон қонга ботирилди. Мухтор ҳукуматнинг 30 вакили (ҳукуматга алоқадор бўлган шахслар) қамоққа олинди. Айримлари қўлга тушган заҳотиёқ судсиз отиб ташланди. Ҳукумат бошлиғи М. Чўқаев Фарғонага, Фарғонадан Қашқарга қочиб кетишга мажбур бўлди. Шаҳар бир неча кун олов ичида қолди. «Ўт очиш оқибатида 1000 дан ортиқ дўкон ва дўкончалар вайрон этилди. 1500 киши ўлдирилди».[3] «Қўқон ҳукумати тор-мор келтирилгандан сўнг дашноқлар гуруҳи Шўро дружинаси байроғи остида шаҳарни 9 кун талади. Қўқон касалхонасида даволанаётган бемор ва ярадорларни биноси билан бирга ёқиб юборди. Қўқон пахта тозалаш заводи ишчиларининг 50 таси оиласи билан пичоқлаб ўлдирилган».[4] Шаҳар (Қўқон)нинг 10 маҳалласида сўйилмаган одам қолмади. Қисқа вақтда 10 минг кишининг ёстиғи қуриди. Дашноқлар ваҳшийларча одамларнинг қўли, оёғини чопди, аёлларнинг эса кўкрагини кесди. Болаларни эса жоду (беда қирқадиган асбоб)дан ўтказдилар».[5] Перфильев Тошкентга кетганидан сўнг дашноқларнинг бир қисми қалъа ҳимоячиси сифатида қолдирилган эди. Дашноқлар 1915 йилги турк-арман қирғинидан қочиб, Туркистондан паноҳ топгандилар. 1919 йилнинг май ойида Дашноқцутюн партияси Коминтерндан чиқарилади ва қуролсизлантирилади.

Қўқон партия дружинасининг собиқ взвод командири Усмон Алиев қуйидагича ёзади: «Ҳал қилувчи февраль кунларида дашноқлар дўконларни талади, Потеляхов идорасини ёқди. Шаҳар роппа-роса бир ой ёнди. Оқибатда очарчилик бошланди». Фарғонадаги биродаркушликнинг фаол қатнашчиси Матқовул Матфозиловнинг ёзишича, «Сўл эсерлар, дашноқлар ва бошқалар Қўқон Шўросига кириб олиб, яширин равишда хоинлик сиёсатини олиб бордилар. Бу партияларнинг махсус қуролланган бўлинмаси босмачиларга қарши кураш ниқоби остида ерлиларга нисбатан ваҳшийлик қилди, зўрлади ва молу мулкини талон-торож қилди». Дашноқцутюнчилар ва қуролли инқилобчилар Сузоқ, Бозорқўрғон аҳолисини қирғинга гирифтор этди.

---

[1] «Наша газета», 1918 йил, 28 февраль.

[2] «Наша газета», 1918 йил, 25 январь, № 20.

[3] Қўқон шаҳар тарих ва ўлкашунослик музейининг илмий фонди. Шўро жамияти бўлими манбаларидан.

[4] КПСС МК қошидаги Марксизм-ленинизм институтининг ҳужжатгоҳи. 61-фонд, 1-изоҳнома, 124-иш, 119-варақ.

[5] Ш. А. Шамагдиев. «Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине». Ташкент, 1961 г. стр. 54.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўрбоши Раҳмонқул Мамаузоқов Фарғона водийсидаги босмачилар ҳаракати бошлиқларидан бири эди

Жонузоқов — Фарғонадаги босмачилар ҳаракати бошлиқларидан (собиқ шўро маҳкамаси ходими) эди

Қисқа вақтда рўй берган вайронагарчилик, талон-торож ва ваҳшийликлар бутун Туркистонга ёйилди. Инсоний ҳуқуқи, эътиқоди, ориятн топталган халқ қўзғалди. Ва бу ҳолат халқ ҳаракатига, халқнинг оммавий қаршилик ҳаракатига, ўзига хос йўсиндаги халқ норозилигига ва қўзғолонга айланиб кетди. Биз, бу миллий озодлик ва қаршилик ҳаракатини босмачилик ҳаракати, даврни эса босмачилик даври деб атадик.

Қўқон фожиаси турли хил сиёсий партиялар ва гуруҳлар ичида жиддий норозиликлар келтириб чиқарди ва соф виждонли кишиларни оёққа турғазди. Бу фожиадан жабрланган халқнинг қасоскорлик руҳида тарбияланган мард ўғлонлари аллақачон хулоса чиқарганди. Тошкент шаҳар Советининг 1919 йил 23 февралидаги йиғинида «Қўқон воқеаларига доир ва социалистик армия» деган масала муҳокама қилинади. Унда Қўқонда содир этилган фожиаларга сиёсий баҳо беришга, тўғрироғи хаспўшлашга уринишлар бўлади. Шу ўринда ана шу мажлис маълумотномасидан парчалар келтиришни лозим топдик. (Чунки унда аждодларимизнинг қизил гвардиячилар томонидан қанчалик ваҳшийларча ўлдирилгани ва демократик кучларнинг фожиаларни холис баҳолаши қанчалик қаршиликка учрагани аён бўлади.)

Меньшевик-интернационалистлар фракциясининг бошлиғи ўртоқ ВАЙНШТЕЙН (мажлисни очиқ ўтказишни талаб қилади ва кўрилаётган масаланинг аҳамиятига тўхталиб, қуйидагича фикр билдиради): «Кўрилаётган масалага ҳар томонлама сиёсий баҳо бериш бизни жуда қизиқтиради, айниқса жанговар бўлинманинг жанг пайтида ва жангдан кейинги хулқ-атвори, зиммасига юкланган топшириққа муносабати ва уни қандай бажарганлигини билишимиз лозим. Бу масалалар нафақат бизни, балки бутун жамиятимизни, инқилобий демократияни, ҳар қандай махфий сиёсатдан, сирли шартномалардан устун турадиган ҳақиқатни халқ оммаси билиб қўйиши керак.

Шубҳали ва қайғули ҳолат рўй бермаслиги учун мазкур масала очиқ муҳокама этилиши лозим. Кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаган бўлса, жуда яхши, кимлардандир қўрқадиган, яширадиган нарсамиз йўқ. Агарда демократияга, инқилобга доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этилган бўлса, у бизнинг ярамиз ва жароҳатимиз деб қабул қилишимиз керак. У газак олиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар кўришимиз даркор. Мабодо демократия учун шармандали воқеа рўй берган бўлса, масалани очиқ муҳокама этиб, айбмизини тан олиб, уни ювишимиз лозим.

Е. ПЕРФИЛЬЕВ: Январь ва февраль ойида учта юриш қилишга тўғри келди. Бу учала юриш бир-бири билан узвий боғланган. Биз атаман Дутов билан жанг қилаётганимизда, унинг Зайцев ва мухтор ҳукумат билан алоқада бўлганлигини тасдиқловчи маълумотларга эга эдик.

Оренбург учун жанг қилаётганимизда Қўқонда қўзғолон кўтарилиши керак экан. Айни вақтда, казаклар Эрондан Ўрта Осиё томон силжимоқда эди. Улар бирлашиб, Шўро ҳокимиятини ағдармоқчи эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқ оммаси Қўқондаги мухториятни қўллаб-қувватламади. Биз ўз вақтида душманни Оренбургда тор-мор келтириб, Шўролар ҳокимиятини ўрнатдик ва Ўрта Осиё томонга йўл олдик. Самарқанд остонасида казакларга зарба бердик ва уларни тинчитдик. Казакларни қўзғолонга ундаган 200 тача киши шармандаларча қочиб қолди.

Қўқонда эса, ерли халқнинг қуролли бандаси қалъага ҳужум қилибди, талабнома топширибди ва таслим бўлишни, қуролларни топширишни, қизил гвардиячиларни қуролсизлантиришни талаб қилаётган экан. Биз Қўқоннинг Янги шаҳар қисмида рус аҳолисини ерли бандитлар бўғизлаб ўлдирмоқдалар, деган хабар олдик. Бизнинг поездимиз йўл-йўлакай, йўлда учраган ҳар қандай қаланғи-қасанғиларни ўққа тутиб борди. Шаҳар қалъаси ҳалича қўлдан кетган йўқ экан.

...Исёнчилар орасида яхши қуролланган 250 тача форс бўлиб, ҳукумат уларга ҳар куни 25 сўм пул бериб турар экан. (Мухтор ҳукуматнинг хазинаси бўш бўлган, 60 миллион сўмлик заём чиқариб уни ҳам сотолмаган—Ш.Д.) Қуролланган арман дашноқлари шаҳарда жойлашган бўлиб, форслар билан душманлик кайфиятида эди. Улар қалъа ва вокзал ўртасидаги алоқани ушлаб турарди.

Эрталаб, Хўжанд кўчаси бўйлаб 2000 тача ерлилар шаҳар томон бостириб келаяпти, деган хабарни олдим. Олдинда қуролланган пиёдалар, уларнинг изидан болта, теша, ўроқ, кетмон ва калтак билан қуролланган одамлар, улар орқасидан қуролланган отлиқлар ярим ҳалқа бўлиб, қуролсиз оломонни биз томонга зўрлаб, олдига солиб қувиб келарди. Наманган йўли бўйлаб ҳам, худди шундай гуруҳ бостириб келмоқда эди. Отрядимиз 12 та артиллерия пушкасидан уларга қарата ўт оча бошлади. Исёнчиларнинг катта қисми мачитга яширинишди. Менимча, улар мачитни тўпдан сақланадиган паноҳ деб тасаввур қилгандилар. Мачитни ҳарбий истеҳком сифатида шаҳар қалъаси билан таққослаганда жуда катта фарқ қилади. Масжидга қарата бир неча маротаба ўқ уздик. Гуруҳимиз ўз вазифасини бажармади. Чунки гуруҳимиз ёнғин чиқариб шаҳар ва аҳолига катта зарар етказди. Биз шаҳардаги ҳокимиятни йўқ қилиб ташладик. Шаҳардаги эски ҳукумат рус кишиларининг ҳаётини сақлаб қолишга кафолат беролмасди.

Мачитларни яна бир неча маротаба тўпдан ўққа тутишга тўғри келди. Қизил гвардиячилар бўғизланган оврўпаликларнинг жасадларини кўрганда шундай тутақиб кетдиларки, уларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди, аскарлар олдиларидан чиққан ҳамма нарсани яксон қилиб кетавердилар. Ҳатто шундай ҳолат рўй бердики, 5 та қизил гвардиячи ерли бандитларнинг 200 тасини олдига солиб қувлади (қуролсиз оломонни—Ш. Д.). Отряд катта қаҳрамонлик кўрсатди. Жанг иштирокчилари орасида бирорта ҳам қўрқоғи йўқ эди. Биз қийинчилик билан тошкўприкни қўлга киритдик ва Эски шаҳарга ёриб кирдик. Исёнчилар тўдаси Скобелев томонга чекинишди. Бадавлат кишилар қимматбаҳо буюмларини, пулларини ўзлари билан олиб қочдилар, лекин нарсалари ўзларига насиб этмади. Қочаётганларни тезотар тўпдан ўқ узиб, янчиб ташладик, бир қисмини эса орқага чекинишга мажбур этдик. Уларнинг кўрпа-ёстиқлари, гиламлари, қимматбаҳо нарсалари йўлда сочилиб қолди.

Туркистон мухтор ҳукумати деб аталган ҳукумат, биз боргунга қадар тарқаб кетган экан. Унинг ўрнига «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» тузилиб, моҳиятан олдинги ҳукуматдан ҳеч қандай фарқланмасди, фақатгина номи ўзгача эди, холос. «Ўлка мусулмон депутатлари Шўроси» вакилининг айтишича, бизлар уларни ўққа тутганимиз сабабли мусулмонлар бизга қарши миллий уруш эълон қилган эмиш. Мен уларга: «Биз урушдан қўрқмаймиз», деб жавоб бердим. Гуруҳимиз Эски шаҳар устига яна 9 марта замбаракдан ўқ узди... Шундан сўнг оқ байроқ кўтариб мусулмон делегациялари келавердилар. Улар «Биз айбдор эмасмиз, у тўдалардан ўзимиз ҳам катта зарар кўряпмиз, қонли тўқнашувларга улар айбдор, ўқ отишни тўхтатинглар», деб илтимос қилдилар. Гуруҳимиз қочган тўдаларни изидан қувиб етиб тор-мор келтириши керак эди, лекин гуруҳимиз ва дашноқлар шаҳарни талон-торож қилишга берилиб кетишди. Шунинг учун ҳам гуруҳни бошқа кучлар билан алмаштириш зарурияти туғилди.

Ҳозир Қўқон қандай аҳволда, у ерда нималар бўляпти? Қўқоннинг Эски шаҳар қисми тамомила вайрон этилган. Янги шаҳар мавзеига зарар етказилмаган. Шаҳардаги бадавлат рус кишилари ҳам шаҳарни ташлаб қочиб кетган. Шаҳарда катта озиқ-овқат заҳиралари, банкида эса олтин ва кумуш пуллардан анчагина бор...

Биз зиммамиздаги ишларни якунлаган эмасмиз. Омон қолган бандитлар ўлканинг бошқа ҳудудларида қўзғолон кўтаришга уриниб кўрмоқда. Оврўпаликларга қарши ерли халқни қайраб, миллатчилик руҳида ташвиқот олиб бормоқдалар.

...Биз шаҳарда Пономарёв ва Белов бошчилигида шаҳар қуролли мудофаасини туздик. Олдимизда фитначиларнинг асл қиёфасини фош этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Душманларимиз кундан-кунга ҳушёр тортмоқдалар. Аскарлар уйларига тарқаб кетмоқдалар. Бизнинг ихтиёримизда замбараклар, снарядлар, ўқдорилар истаганча бор, лекин одамларимиз кундан-кунга камайиб бормоқда. Шунинг учун тезлик билан, қисқа муддат ичида социалистик армия тузиш зарурияти яққол сезилиб қолди.

Мен маърузамни тугатар эканман, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: мен урушда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганман, кўплаб жанговар тўқнашувларда қатнашганман, лекин қизил гвардиячиларимизнинг Қўқонда кўрсатган қаҳрамонликларини, мардлигини ҳалигача кўрмаган эдим.

Агар ўзгалар молу мулкини талон-торож қилишдек шармандали ҳолат рўй бермаганида, гуруҳимиз ўзининг инқилобий вазифасини сидқидилдан аъло даражада бажарди, деб айтган бўлар эдим.

ВАЙНШТЕЙН: ҳисоботдан шуни англадимки, гуруҳ бошлиғи ўртоқ Перфильев маърузаси юзасидан бирор жўяли фикр айтишим қийин. Унинг маърузасида киши ҳиссиётини қитиқлайдиган ва ташвиқотнома сўзлар анчагина. Лекин Қўқонда рўй берган фожиали воқеалар тўғрисида далиллар жуда оз келтирилди. Бизни Оренбург ва Самарқанд эмас, айнан Қўқон воқеалари қизиқтиради.

Қизиқ, синфий кураш номи билан кўтарилган инқилобий байроғимиз қаерда қолди? Руслар ва сартлар, арманилар ва форсларнинг ўзаро миллий келишмовчиликлари ҳақидаги гаплар, мусулмонлардан қандай қилиб ҳимояланишимиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрлар қулоққа чалинмоқда. Биз синфий кураш ўрнига, миллий кураш олиб бораяпмиз. Бу аҳволни, шубҳасиз, табиий ҳол деб ҳисоблай олмаймиз. Лекин у мантиқан тўла, Советларнинг Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсати оқибатидир.

Ўлкада мусулмонлар хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай туриб социализм қуришга интилмоқда. Ўртоқ Перфильев меҳнаткаш мусулмон оммаси мухториятни хоҳламади, қўллаб-қувватламади, деб таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Перфильевнинг ўз фикрини исботлашга асоси борми? Унинг асоси шундаки, қайсики мусулмонлар тўпдан ўққа тутилгандан кейингина ўзларини бўйсунишга тайёр эканликларини билдирганини назарда тутаётган бўлса керак.

Ерли халқ Куропаткинга ўзларининг итоатгўйлигини ўшандай усуллардан кейингина билдирмаганмиди? Ўртоқ Куропаткин (Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори 1914—1917 й.—Ш. Д.) қўллаган усуллар билан ёндашмоқни мулоҳаза қиляпти (залдан ола-ғовур кўтарилди, «Йўқол бу ердан!»).

Маърузада биз фақат миллий қирғинларни кўраяпмиз: уни социализмнинг ёвуз душмани бўлмиш подшо монархияси ва ҳукумати қўллаб-қувватлаган эди.

Қайси социалист бунга ишониши мумкин? Сиз Туркистонни ташлаб чиқиб кетасизми? Агар бу ерли халқнинг хоҳиш-иродаси бўлса-чи? Кимки бу тўғрида гапирадиган бўлса, сизлар дарров унинг овозини ўчирасизлар. Йўқ, сизлар социалист эмас, ўша империалист, ўша истилочисизлар (залда шовқин, «Йўқол ярамас!» деган овоз янгради).

...Қатор шаҳарлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мана, биз интернационализм ғояларини, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва халқаро биродарлик ғояларини ҳаётга қандай тадбиқ қилаяпмиз.

Биз Германия пролетариатини немис империалистлари билан курашда ёрдамга чақираяпмиз, лекин ўзимиз (аскарларни—Ш. Д.) бир ирқдан иккинчи ирқнинг устунлигини тан олиш кайфиятида тарбиялаяпмиз. Нима учун Германия бизга: «Сизлар Туркистонда сартларни топтагандай биз сизларни янчиб ташлаймиз», деб айтмайди. Бошқалар ҳурматига сазовор бўлиш учун, бошқаларни ҳам ҳурмат қилиш керак.

Ўртоқ Перфильев ҳиссиётимизни қўзғаб ундан фойдаланмоқчи... Интернационалистлар фракцияси номидан зудлик билан рўй берган воқеани тафтиш қилиб, ўрганиб чиқувчи комиссия тузишни, инқилобнинг қизил байроғига кимки доғ туширган бўлса, оддий гвардиячидан тортиб, отряд командиригача ҳамма-ҳаммасини қатъий жавобгарликка тортишни талаб қиламиз.

Биз учун айрим кишиларнинг шуҳрати эмас, демократиянинг виждони ва тутган йўли аҳамиятлидир. Инқилобий демократия байроғидан бу доғни ювиб ташлаш керак. Айбдорлар қонун олдида жавоб беришлари лозим.

Раислик қилувчи И. О. ТОБОЛИН: Қўқон воқеалари тўғрисидаги маърузани интернационалистлар фракциясининг вакили ташвиқотнома маъруза деб атади. Лекин мен танқид қилаётган кишининг маърузасини ташвиқотона нутқ деб атайман. Катта йиғилишга тўғри келмайдиган гап-сўзларни қилмоқда. Интернационалистлар фракциясининг қанча аъзоси аксилинқилобчилар билан бўлган жангда ҳалокатга учради? Аъзоларингизнинг қанчаси жангда иштирок этди? Майли, биз улардан ҳеч нарсани, дам олишни ҳам, уйқуни ҳам, ҳаётни ҳам аямаймиз. Бу партияга (фракцияга) фақат танқидингизни чўнтагингизга солиб қуйинг дейман, танқидни сизлардек тафтиш комиссиясида ўтирмоқчи бўлаётган қўрқоқлар эмас, ишни амалга оширганларнинг ўзлари қиладилар. Менимча, уларнинг ўзлари айбланувчилар курсисида ўтириб, суд олдида жавоб беришлари керак.

Маърузачи социалистик ҳукумат қандай қилиб бундай шафқатсизликларга йўл қўйди, деб савол бераяпти. Мен унга ҳозир пролетариат диктатураси даврида, ким кимни енгиши ҳал бўлаётганда шафқатсизларча кураш бўлиши табиий бир ҳол, деб жавоб берар эдим. Қизил гвардиячилар ўзаро жангларда бундан ҳам қаттиқ шафқатсизликларни намоён қилди. Умуман, бундай дақиқаларда, бундайин курашда шафқатсизлик ҳақида гапириш жудаям кулгули бир ҳол. Интернационалистлар партияси вакилининг айтишича, маъруза ҳеч нарса бермаган эмиш, лекин биз ундан кўп нарсаларни билиб олдик ва хулоса чиқардик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Қўқонда марказдан узилиб, ҳаётимиз хавф остида қолганида ҳам, инқилобнинг тақдири қил устида турганида ҳам, ўз қарорларимизни ҳаётга тадбиқ қилаверамиз. Тўғри, айрим шахсларнинг жиноий ҳаракатлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқ керак, лекин бутун бошли қизил гвардия юзига қора чалпишга йўл қўймаймиз. Бизнинг оилавий ҳаётимизга суқилишга ҳаққингиз йўқ. Демократлар орасида сизларга ўрин йўқ. Яратганга шукурким, ўлкани танг аҳволдан сақлаб қолувчи қизил гвардиячилар ўз вақтида ҳаракат қилишга улгурди... Ўртоқ Перфильев оғир аҳволдагиларга ёрдам беришга умидсизлик билан қарамоқда. Менга эса умидли бўлишга рухсат бергайсизлар.

...Социалистик армиядан ташқари бизнинг ихтиёримизда, Шўро ҳокимияти душманларини янчиб, йўқ қилиб ташлайдиган, ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятига қарши кучларга қарши шафқатсиз кураш олиб борадиган қизил гвардия ҳам бор.

...Интернационалистлар фракциясини рус инқилобининг вайсақи сиёсатбозлари деб аташ мумкин. Жангдан сўнг ўзгалар молу мулкини талон-торож қилиш, шубҳасиз, шармандали ҳол, лекин биз бу воқеага психологик нуқтаи назардан ёндашишимиз мумкин. Тарихдан маълумки, шунчалик катта оломон билан жангчилар тўқнашганда талон-торож бўлиши табиий бир ҳол, фақатгина талон-торожнинг ҳажми ва қандай бўлганлиги билан фарқ қилади, холос. Бу албатта ёвузлик.

Шу кунгача Русиянинг ҳамма йирик шаҳарларида тўнтариш вайрон қилиш йўли билан амалга оширилди. Биз Коровиченко (Туркистон Вақтли ҳукуматининг ҳарбий вазири) устидан ғалаба қозонганимизда талон-торож деярли содир бўлмади. Инқилобнинг илғор қизил гвардиячи гуруҳлари байроғида доғ бўлмаслиги лозим, тушган доғни эса, албатта ювиш керак.

Талон-торож ва бебошликни тан олиб, айбдорларни ўзларининг ижтимоий-сиёсий ташкилотларида, ҳарбий қисмларида, гуруҳларида суд қилинишини таклиф қиламан.

Ўртоқ ВАЙНШТЕЙН интернационалистлар фракцияси номидан «Қўқон воқеаси» тўғрисидаги қарорни мажлис аҳлига ўқиб эшиттиради. Интернационалистлар фракцияси аъзолари номидан, қабул қилинадиган қарорда қуйидагилар акс этишини лозим деб ҳисоблайман: Инқилобий ҳарбий қисмлар томонидан содир этилган талон-торож ва бебошлик, инқилоб демократияси байроғига доғ бўлиб тушганлиги тан олинсин. Қўқон воқеалари яхши ёритилмади, деб ҳисоблансин. Фақат воқеа содир этилган жойнинг ўзида текширилган тақдирдагина ҳақиқат юзага чиқади. Шунинг учун демократик комиссия тузилсин, айбдорлар аниқлансин, инқилобий суд олдида жавоб берсин ва жазога тортилсин.

Раислик қилувчи ўртоқ ТОБОЛИН меньшевик-интернационалистлар фракцияси томонидан таклиф қилинган қарорларни расмий равишда қабул қила олмаслигини эълон қилди, сабабини таклифлар ёзма равишда берилмади деб кўрсатди. Ва мажлис аҳли меньшевик интернационалистлар фракцияси томонидан қилинган таклифларни рад этди.

Сўнгра большовойлар резолюцияси ўқиб эшиттирилди ва 75 делегат розилиги (17 делегат қарши овоз берди) билан большовойлар қарори қабул қилинди».[1]

Қўқонда рўй берган февраль воқеалари ҳамон бизга қоронғилигича қолмоқда. Айрим манбаларда, 18 февраль куни Эргаш томонидан ҳокимият тўнтариши амалга оширилганлиги таъкидланади. Менимча, ҳеч ким, ҳеч қандай тўнтаришни амалга оширмаган. Чунки таҳликали февраль кунларида Қўқонда ҳам, мухтор ҳукумат ичида ҳам, ягона ҳокимият кучи йўқ эди. Қўқоннинг амалдаги ҳақиқий эгаси, Қўқон шаҳар милициясининг бошлиғи Эргаш эди.

Қадимдан қолган ва қомусларда ёзилмаган ҳаётий бир қонун бор. Лашкар кимнинг қўлида бўлса, ҳокимият ҳам ўшанинг қўлида бўлади (албатта, демократия институтлари ривожланмаган жамиятда). Олий лавозимга М. Чўқаев сайланган бўлса-да, мухтор ҳукумат суянган армия Эргаш қўлида эди. Шу ўринда Эргаш шахсига қисқача тўхталиб ўтсак. У долғали замонда иккита Эргаш яшаб ўтди. Катта Эргаш подшо замонида талончилик ва ўғрилик қилгани учун 20 йиллик Сибирь сургунига ҳукм қилинганди. Дарҳақиқат, подшонинг Туркистондаги маъмурлари Бобонни ҳам, Номозни ҳам ўғри, талончи деб атаганди. Февраль озодлиги туфайли 1917 йилнинг сентябрида Эргаш сургундан қайтиб келади. Ва у Шўро ҳукумати Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи лавозимига тайинланади. 1918 йилнинг бошларига келиб Эргаш ва унинг ёрдамчиси Ҳамдам ихтиёрида 1700 дан ортиқ қуролли йигит бор эди.[2]

1918 йилнинг март ойида Қўқон ёнидаги Бачир қишлоғида қўрбошилар йиғини бўлиб ўтади. Унга 40 дан ортиқ қўрбошилар қатнашиб Эргашни «Амир ул-муслим» (Мусулмон қўшининнинг бошлиғи) этиб сайлайди. Ўринбосарликка Мадаминбек ва кичик Эргаш сайланади. Катта Эргаш 1918 йилнинг ёзида Марғилон шаҳри ёнидаги жангда ҳалок бўлади. Кичик Эргаш эса, 1920 йили Қўқонда мағлубиятга учраганидан сўнг сиёсий фаолиятдан четлашиб кетади.

Мухторият тузиш ғояси тарихимизда ўз эркини қўлга олмоқчи бўлган, миллий

---

[1] «Наша газета», 1918 йил, 28 февраль.
[2] Ш. А. Шомаъдиев. Ўша асар, 44-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

демократик давлат тузишни ният қилган ва унда ҳур яшашни орзу этган юқори қатламдаги бир гуруҳ ватанпарварлар ташаббуси эди. Туркистон мухторияти ҳам, Париж коммунаси каби бор-йўғи 72 кун яшади. Туркистон миллий савдо-саноат буржуазияси мухториятнинг асосчиси ва ҳаракатнинг йўлбошчиси бўлди. Демократик кайфиятдаги миллий мусулмон зиёлилари эса, унинг тарғиботчиси ва собит курашчисига айланди. Туркистон тақдири учун, миллий истиқлол учун, эрк ва ҳурлик учун ВАТАН туйғусидек муқаддас туйғу қалбининг тўридан жой олган миллатпарвар зиёлилар курашганди холос. Улар Тошкентда қозоқ тилида «Бирлик тўғи», ўзбек тилида «Эл байроғи», «Улуғ Туркистон», «Ҳуррият», рус тилида «Свободная Туркестан» газеталарини озодлик ғояларини тарғиб қилувчи минбарга айлантирганди.

Мухторият ҳукумати молиявий жиҳатдан ниҳоятда оғир аҳволда эди. Турк шўронинг буйруғи билан 1917 йилнинг декабридаёқ Қўқондаги банклар пулини П. Г. Полторацкий шўро ҳукумати ихтиёрига олиб кетганди. Пулсиз қолган мухториятчилар 60 миллион сўмлик заём чиқардилар. Лекин бир бурда нонга зор халқ заёмларни деярли сотиб олмади. Ҳукуматни қисқа вақтда молиявий жиҳатдан оёққа турғазиш вазифаси долзарб масалалигича қолаверди.

Ҳукумат ҳарбий кучга ҳам эга эмас эди. Қисқа муддатда, жангавор қуролли инқилобчиларга тенг келадиган ҳарбий кучни йиғишнинг умуман имкони йўқ эди. «Қўқон ҳукумати ҳарбий кучга муҳтож эди», деб ёзади Турор Рисқулов 1925 йили чоп этилган «Инқилоб ва Туркистоннинг ерли халқлари» рисоласида. Ҳукумат Эргаш тўдасига суянишга мажбур бўлади, чунки, Қўқон воқеаларигача Эргаш гуруҳи Туркистондаги ягона қуролли гуруҳ эди.

Инқилоб арафасида Туркистонда бир нечта ижтимоий қатламлар мавжуд бўлиб, уларнинг дунёқараши ҳам, жамиятда тутган ўринлари ҳам, манфаат ва мақсадлари ҳам турлича эди. Амалда Туркистонни инқилобгача ағдарилган подшо тузумининг собиқ амалдорлари, помешчик ва дворянлар бошқариб келди. Уларнинг кўпчилиги подшо армиясининг собиқ ҳарбий хизматчилари эди. Чунки, Туркистон ҳарбийлар қўлида бўлиб, ҳокимиятни ҳам ҳарбий усулда, ҳарбийлар бошқарарди.

Иккинчи ижтимоий қатламни Русиянинг очкўз буржуйлари ташкил этиб, улар Туркистондаги эскича ишлаб чиқаришни синдириш, лекин Туркистонни мустамлака, ҳеч бўлмаганда ярим мустамлака ҳолда сақлаб қолиш тарафдори эдилар. Айни пайтда улар ҳам Туркистон хом ашёсидан ажралиб қолишдан ўлгудек қўрқарди.

Учинчи ижтимоий қатламни эндигина шаклланаётган миллий савдо-саноат буржуйлари ташкил қиларди. Улар миллий маблағ ўсишини, Туркистон ва Русия муносабатларини тубдан ўзгартиришни, иложини топса ҳокимиятни ўзлари бошқаришни орзу қиларди. Ўз навбатида, уларни ҳам ўнг ва сўлга ажратиш мумкин эди. Ўнгларга ерли яҳудий буржуйлари мансуб бўлиб, нозик масалаларда иккиланиб турарди. Бу сирага Фарғонада Потеляхов, Вадяев, Давидов, Самарқандда Фузайлов ва бошқалар мансуб эди. Сўлларга эса туркий халқлар ичидан чиққан маҳаллий буржуйлар—Миркомилбой, Убайдуллахўжа, Мўминбой ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи гуруҳга ислом уламолари ва «мусулмон мутаассиблари» мансубдир. Уларни ҳам ўз навбатида икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Беҳбудий, Мунавварқори сингари миллатпарвар, айни пайтда байналминалчи, ислом илмининг билимдон уламоларини киритсак, иккинчи гуруҳга реакцион кайфиятдаги ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган хурофотчилар мансубдир.

Ва ниҳоят бешинчи қатламга қуйи табақа вакиллари—ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар, ишчилар киради. Учинчи, тўртинчи қатлам вакиллари орасидан демократик кайфиятдаги мусулмон зиёлилари гуруҳи ажралиб чиқиб, ўз тақдирини халқ тақдири билан бирга боғлади. Улар ерли халқ фарзандлари учун жадид мактаблари очиб, миллий маданиятни кўтариш, ҳурликда яшаш тарафдори эдилар. Уларга рус зиёлиларининг тараққийпарвар қисми хайрихоҳ бўлди.

Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришида етакчи ўрин тутган «онгли ва уюшган, инқилобий синф» бўлмиш, ишчилар синфи кам сонли эди. Борлари ҳам юқоридаги таърифга нолойиқ эди. (Инқилоб арафасида Туркистонда 21 минг атрофида ишчи бор эди.) Империя марказидан кўчириб келтирилган деҳқонлар каби ишчиларга ҳам, маҳаллий ишчи кадрларга нисбатан қўшимча имтиёзлар белгиланганди. Пахта заводида ва бошқа корхоналарда ишлайдиган рус ишчисига тўланадиган ҳақ, ўзбек ишчисига тўланадиган ҳақдан икки баробар кўп эди. Масалан: Қизилқия кўмир конида «сартларга бир ойда 15—17 сўм, рус ишчиларига 30 сўм тўланарди».[1] Подшо замонасидаёқ Туркистонга кўчиб келган оврўпаликлар ва ерли халқ ўртасига миллий низо уруғлари сепилганди. Чунки бундан чоризм манфаатдор эди. Маҳаллий ишчилар, асосан қора ишларни, пахта заводларида тойланган пахталарни у ёқдан бу ёққа таширди, ёки тоғ-кон саноатида ҳам юк ташувчи бўлиб ишларди. Улар мавсумий ишчи ҳисобланарди. Инқилобий уюшқоқлик ва синфий онглилик каби ғоялар ҳали уларга бегона эди.

---

[1] «Обзор Ферганской области за 1898 года». Новый Маргилан, 1900 г. 40 стр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тарихчи олим П. Алексеенков «Қўқон мухторияти»ни тўрт даврга бўлади.

«Тайёргарлик даври» ёки биринчи давр. Октябрь инқилобидан, (аслида Октябрь тўнтариши Тошкентда Петрограддагидан бир неча кун олдин бўлиб ўтган—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавқуллодда қурултойигача, яъни октябрь ойининг охирларидан 28 ноябргача.

Иккинчиси буржуазия раҳбарлиги даври. (Миллатпарвар демократик кайфиятдаги маҳаллий буржуа мусулмон зиёлиларининг раҳбарлиги даври дейилса, ҳақиқатга тўғри бўларди—Ш. Д.) Ўлка мусулмонларининг IV Фавқулодда қурултойидан Эргаш бошчилигида ҳокимият тўнтаришига қадар, яъни 28 ноябрдан, 18 февралгача давом этган.

Учинчи давр бир неча кунгина давом этиб, аксилинқилобий кучларнинг енгилиши ва Эргашнинг қочиши билан тугайди.

Тўртинчи давр эса, Эргаш бошчилигидаги гуруҳнинг янги аксилинқилобий курашни бошлаб бериши. Туркистон тарихида бу курашга босмачилик кураши деб ном берилди ва неча йил давом этганлигини П. Алексеенков алоҳида таъкидлайди. Ўзўзидан кўриниб турибдики, Туркистон тарихидаги энг қонли ва фожиали давр ҳисобланган «босмачилик» даври ва ҳаракати ҚОНГА БОТИРИЛГАН «Қўқон мухторияти»нинг аччиқ меваси экан.

---

* *

ВЬЕТНАМ МАҚОЛЛАРИ

ОИЛА, СЕВГИ ВА ТУРМУШ ҲАҚИДА

Инсон қалбини ўлчашдан кўра, денгиздаги сувни ўлчаш осонроқ.
Қаттиқ севган қаттиқ куюнади.
Эрсиз аёл — дарғасиз кема, хотинсиз эркак — жиловсиз отга ўхшайди.
Эркаксиз уй етим, хотинсиз ўчоқ етим.
Ўғил учун она, набира учун буви жавобгар.
Фарзанд ўстирсанггина ота-онангнинг қадрига етасан.
Ака-укаларингдан юз ўгирсанг, сендан қишлоқ юз ўгиради.
Мевасидан умидвор бўлсанг — гулларини эҳтиёт қил.

АҚЛЛИЛИК ВА НОДОНЛИК ҲАҚИДА

Бир лаҳзалик нодонлик, уч йиллик доно ишнинг пачавасини чиқаради.
Чўғга пуфлашдан мақсад лабни куйдириш эмас, балки олов ёқишдир.
Ҳеч бир нодон, нодонликда бошқа нодонларга ўхшамайди.
Ақлли қуш қанотларини эҳтиёт қилади, ақлли одам — сўзини.
Ҳамма тўр тўқиганда, сен бўш ўтириб гап сўқсанг, ов маҳали оч қоласан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. Авторхонов

СТАЛИН ЎЛИМИНИНГ СИРЛАРИ

Китобдан боблар[1]

Сталиннинг сўнгги кунлари

1953 йилнинг 13 январи Сталин учун машъум кун бўлди—у «тескари даволаш йўли билан Совет Иттифоқининг фаол арбобларининг умрини қирқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган террорчи дўхтирлар гуруҳи»ни давлат хавфсизлик идоралари фош этгани тўғрисида «ТАСС хабари»ни эълон қилдирди.

Бунинг қандай содир бўлганини тушуниб етиш учун биз ўзимизга «Дўхтирлар иши» Сталинга нимага керак бўлиб қолди? деган сўроқни беришимиз керак. Бу саволга Сталин ўша 13-куни эълон этилган «Профессор-дўхтирлар ниқоби остидаги ифлос айғоқчилар ва қотиллар» деган мақоласида бехосдан оппа-ойдин жавоб бериб қўйган. Мақоланинг тагида имзо йўқ, аммо тил ва услубининг ўзига хос хусусиятига кўра, унинг муаллифи Сталин экани равшандир.

«ТАСС хабари»да айтилишича, «зараркунандачи-дўхтирлар» амриқо (профессор дўхтирлар М. С. Вовси, Б. Б. Коган, А. И. Фелдман, А. М. Гринштейн, Я. Г. Этингер ва бошқалар) ва инглиз (академик Виноградов В. Н., профессор дўхтирлар М. Б. Коган, П. И. Егоров) айғоқчилик идораларининг топшириғи бўйича ишлаганлар. Виноградов билан Егоровдан бошқа барча ҳибсга олинганлар жуҳудлардир. Ҳаммаси Кремл поликлиникасининг дўхтирлари ва Сиёсий бюро, ҳукумат аъзолари ҳамда олий ҳарбий амалдорларнинг хос дўхтирлари ҳисобланишади. Биринчи гуруҳдаги барча жуҳудлар амриқо айғоқчилигига «Жойнт» номида ўзини меҳр-шафқат ташкилоти қилиб кўрсатадиган жуҳудларнинг халқаро буржуача миллатчилик ташкилоти ёрдамида «ёлланган» бўлиб чиқишди, Виноградов гуруҳининг аъзолари эса «илгаридан инглиз разведкасининг айғоқчилари» эканлар.

«ТАСС хабарлари»да дўхтирлар ўз айбларига иқрор бўлганлари тўғрисида ҳам маълумот бор. Улар гўё «тескари даволаш йўли билан» МҚ котиблари Жданов ва Шчербаковни ўлдирганларини, маршаллар Василевский, Говоров, Коневни, армия генерали Штеменкони, адмирал Левченкони ўлдирмоқчи бўлганларини тан олган эдилар. Профессор Вовси тергов чоғида «СССРнинг раҳбар кадрларини қириб юбориш тўғрисида» гўё «Жойнт»даги сионистлардан топшириқ олганман», деганмиш (эътибор беринг: мўлжалланган қурбонлар орасида Жуков ва Булганин сингари энг йирик маршал-

[1] Охири. Бошланиши ўтган сонда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳамда Маленков, Берия, Хрушчёв сингари энг йирик партия арбоблари номлари йўқ).

Агар Сталин шу «ТАСС хабари» билан чекланганида эди, унда бу ҳодисани семитизмга қарши кайфиятнинг галдаги портлаши деб, «дўхтирлар иши»ни эса «сионистлар иши»нинг бир кўриниши деб ўйлаш мумкин эди. Аммо «Правда» рўзномасидаги (ўша, 13-кунги сонидаги) мақола билан Сталин ҳовлиқиб (натижада эҳтиётсизлик қилиб) ниятини фош қилиб қўйди. Сиёсий бюро аъзоларининг хос дўхтирларига қарши бошланган иш худди Сиёсий бюронинг ўзига қарши уюштирилгандай кўринарди.

Жиноий айблар ўйлаб топишда Сталиннинг ҳамиша бой бўлган қувваи ҳофизаси, «дўхтирлар иши»га келганда, ажабки, янгича айб тополмай оқсаб қолди. Натижада у осон йўлдан бориб, архивдан Бухарин, Риков, Ягодаларнинг ҳамда улар билан бирга судланган Кремл «қўпорувчи-дўхтирлари» профессор Плетнёв, тиббиёт дўхтири Лёвин, Максимов ва Казаковларнинг ишларини кўтарди-да, эски исмларнинг ўрнига янгиларини қўйиб, айбномани ҳам сал-пал янгилаб, Сиёсий бюронинг муҳокамасига киритди. Бундан ташқари, Сталин синфлар ва социализмда синфий курашлар ҳақидаги, социализм қанча муваффақият қозонгани сари шунчалик кўпайиб борадиган «ўнг оппортунистлар», халқ душманлари» ҳақидаги ўзининг эски сиёсий фалсафасини тағин ишга солди. Архивни кўтариб, дўхтирларни ўз қотилликларига иқрор қилишда ўша вақтда биринчи бор қўлланган усулни ҳам кавлаб топди. (Ўз вақтида Плетнёв, Лёвин, Максимов ва Казаковлар ҳам чет эл разведкалари айғоқчилари бўлмиш Сиёсий бюронинг собиқ аъзолари Риков, Бухарин, НКВДнинг бошлиғи Ягодаларнинг топшириғи билан Сиёсий бюро аъзоси Куйбишевни, МҚ аъзоси Менженскийни ҳамда «пролетар» ёзувчиси Максим Горкийни тескари даволаб ўлдирганларига иқрор бўлган эдилар.)

Сиёсий бюрога нисбатан ғазаби Сталиннинг кўзини шу қадар кўр қилиб қўйган ёки у шу қадар эсини еб қўйган эдики, эски оқ иплар билан янги қора ишни тикаётганини ўзи кўрмасди: «...айримлар зараркунандачилик, қўпорувчилик, айғоқчилик хавфи энди батамом ариди, деган хулосага келиб қолдилар. Фақат ўнг оппортунистларгина, синфий кураш «сўниб боради» деган марксизмга зид нуқтаи назарда турувчи одамларгина шундай деб ўйлашлари мумкин. Бизнинг ғалабаларимиз курашнинг сўнишига эмас, балки кучайишига олиб келишини, қанчалик муваффақият билан олдинга бораверсак, халқ душманларининг кураши шунчалик кескинлашаверишини ундай кимсалар тушунишмайди ёки тушунишни исташмайди». («Правда», 13.01.53).

Номи айтилмаган бу «ўнг оппортунистлар» кимлар эди? Албатта, колхозчилар ёки ҳатто «зараркунандачи дўхтирлар» ҳам эмас, балки, Совет ҳукуматининг аъзолари ва давлат хавфсизлиги идораларининг раҳбарлари эдилар ва булар ҳам, худди «ўнг оппортунистлар Бухарин, Риков ҳамда Ягода сингари, осонгина чекистларнинг ўқига тўғрилаб қўйилиши мумкин эди.

Ҳарҳолда, Сталин «халқ душманлари» кимлар эканига тўппадан-тўғри ишора қилади: 1. «Бизнинг айрим Совет идораларимиз ва уларнинг раҳбарлари ҳушёрликни йўқотдилар, боқибеғам бўлиб қолдилар»; 2. «Давлат хавфсизлиги идоралари дўхтирлар орасидаги зараркунандачи, террорчи ташкилотни вақтида очиб ташлай олмади».

Сталин Кремл дўхтирларини қора курсиларга ўтиргизиб, ўтмишдаги найрангни ношудларча такрорлаётганини ўйламайди. У уларнинг «зараркунандачилиги»ни қарийб қонуният деб билади: «...ифлос қотиллар ва Ватан хоинларининг дўхтир чиқобида иш кўрганларига тарихда мисоллар топилади. Лёвин, Плетнёв каби «дўхтирлар» Совет Иттифоқининг душманлари топшириғи билан атай тескари даволаб, улуғ ўрис ёзувчиси А. М. Горкийни, Совет давлатининг атоқли арбоблари В. В. Куйбишев ва В. Р. Менжинскийни ўлдирганлар».

Лёвин ўша пайтлар, худди Виноградовга ўхшаб, Сталиннинг шахсий дўхтири бўлган эди. Булар иккаласи ҳам чет эл разведкаси хизматига кирган «ўнг оппортунистлар» билан «халқ душманлари»нинг топшириғига биноан Сталинни ўлдирмоқчи бўлдилар. Агар Сталин омон қолган бўлса, ўзининг ҳушёрлиги, сергаклиги туфайли омон қолди, НКВД идоралари эса ўша вақтда (Ягода) ҳам, ҳозир (Берия) ҳам «дўхтирлар орасидаги зараркунандачи, террорчи ташкилот»ни ўз вақтида фош эта олмади.

Нимага?

Ягода, ўзи ҳам «ўнг оппортунист», ҳам «халқ душмани» бўлгани учун фош этмаган. Берия-чи? Берия нимага фош этмаганини Сталин мана энди билиб олмоқчи.

Сталин мақолани дўқ-пўписага тўла огоҳлантириш билан тугаллайди: «Совет халқи қотилларнинг бу жиноятчи тўдасини ва уларнинг чет эллардаги эгаларини қаҳр-ғазаб билан лаънатлайди. Доллар ва стерлингларга сотилган жирканч малайларни разил маразлар сифатида янчиб ташлайди. Бу ёлланган қотилларнинг илҳомчилари масаласига келсак, имонлари комил бўлсинки, қасос уларни-да унутмайди, ўзининг асосли сўзини айтиш учун уларга-да йўл топади» («Правда», 13.01.53).

Мақоланинг тил услуби ежовчилик замонини эслатади. Ушанда Сталин Лёвин билан Плетнёвларнинг «илҳомчилари»га томон «йўл топган», Сиёсий бюронинг ярмини, МҚ аъзоларининг 70 фоизини оттириб юборган эди. Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганинлар (Молотов билан Ворошиловни, Микояну Каганович билан Андреевни айтма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гандаёқ) бу тил услубини-да, Сталин ҳокимият тепасида яна бир неча ой турса ўзларининг тақдирлари ҳам ҳал бўлиши мумкинлигини-да, жуда яхши билардилар. КПССнинг XX съездида шу ҳақда гапирилди:

«Зараркунандачи дўхтирлар иши»ни эслайлик. Аслида ҳеч қанақа «иш-пиш» бўлмаган, Тимашук деган аёл дўхтирнинг аризаси бўлган, холос. Уни ҳам кимдир Сталинга хат ёзишга ё гиж-гижлаган, ё тўппадан-тўғри буюрган (дарвоқе, у аёл давлат хавфсизлиги идорасининг норасмий ходими эди). Дўхтирлар қамалганидан кейин ҳеч қанча фурсат ўтмай, биз—Сиёсий бюро аъзолари — дўхтирларнинг ўз айбларига иқрор бўлгани кўрсатилган қарорларни олдик... Иш шундай чалкаштирилган эдики, ундан тергов қайси далилларга асосланганиЙ аниқлаб ё текшириб бўлмасди... Сталин ўлимидан кейин бу «иш»ни қайта кўриб чиққанимизда, у бошдан-охир тўқиб чиқарилган деган хулосага келдик. Бу шармандали «иш»ни Сталин яратган эди. Аммо у бу ишни ўзи истаган ниҳояга олиб боролмади, улгурмай қолди» (Н. С. Хрушчёв. «КПСС XX съезди ёпиқ мажлисида қилинган маъруза», 41-бет).

Хўш, ниҳояни Сталин ўзича қандай тасаввур қилган эди?

Бу саволга-да ўша маърузада очиқ ва қатъий жавоб берилган: «Афтидан, Сталин Сиёсий бюронинг ҳамма эски аъзоларини бир ёқли қилмоқчи бўлган кўринади», «келгусида Сиёсий бюронинг эски аъзоларини гумдон қилишни» кўнглига тугиб қўйган» (58-бет).

Сиёсий бюро ўттиз йил кечикиб, архивдан Ленининг Сталин ҳокимиятни кўтара олмаслиги, лавозимини суиистеъмол қилиши мумкинлиги, бинобарин, уни Бош котибликдан олиш лозимлиги таклиф этилган «Васиятнома»сини кавлаштириб топди. «Сталиннинг бу салбий хислати... умрининг охирларига келиб мутлақо чидаб бўлмас даражадаги феълга айланди», деб қайд қилди Сиёсий бюро (8-бет).

Сиёсий бюро аъзолари Сталин ўзларини йўқ қилишни истаётганига ва унинг феъли «мутлақо чидаб бўлмас» ҳолга етганига ишонч ҳосил қилганларидан кейин, улар Сталинга нафақат дўхтирларни озод этиш тўғрисида, балки ҳамма лавозимлардан кетиши ҳақида кескин талаб қўйишга қарор қилдилар. Буни қўлида аниқ ҳокимият бўлган Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганинларгина армияга (Жуков, Захаров, Москаленко, Соколовский, Ерёменко) ҳамда полицияга (Игнатев) суянган ҳолда амалга ошира олардилар. Ўзларининг иғволари билан «ички кабинет»нинг тор-мор этилиши уларга қатъий талабни қўйишга имкон очди. Фитначиларнинг бошлиғи, шубҳасиз, Берия эди.

Энди Сталин билан Бериянинг ўзаро муносабатларига қайтамиз. Сталиннинг Бериядан қўрққани ва ҳатто унинг фитна уюштириб қолишидан чўчиши тўғрисидаги Хрушчёвнинг ҳикоясини китобимизнинг бошроғида келтирдик. «Мингрел иши» аслида Берияга қарши қаратилганини ҳам кўрдик. Ниҳоят, «дўхтирлар иши» ҳам энг аввало «Берия иши» эканини билдик. Шуларни ҳисобга олганда Сталин уни нега эркин қўйиб қўйгани бизни ажаблантиради. Ахир, у Сиёсий бюронинг эски аъзолари Молотов, Ворошилов ва бошқаларни уйига яқинлаштирмай қўйган эди, нега Берияга нисбатан ҳам шу чорани кўрмади? Берия Сталиннинг уйига кўнгли тусаган пайтда—кечасими, кундузими демай, исталган маҳалда келаверарди. Берия бу хонадонга Сталиннинг аввалги хотини Надежда Аллилуева тириклигида ҳам келиб-кетиб юрарди. Айнан ўша аёл Бериянн ярамас деб эрини биринчи бор огоҳлантирган. Қизлари Светлана Аллилуева бу ҳақда шундай ёзади:

«Барчамиз бу одамдан бирдай жирканар ва ҳайиқар эдик. Отамнинг ўзи менга айтишича, онам ҳў ўша замонлардаёқ (29-йилларда) «бизнинг уйга бу одамнинг оёғи тегмасин», деган талаб билан ҳар хил машмашалар кўрсатган экан. Отам буларни менга анча кейин, катта бўлганимда айтган ва кетидан бундай изоҳ берган: «Мен онангдан, нима гап ўзи, далиллар келтир, сен мени ишонтира олмаяпсан, мен ҳеч қанақа далил-исбот кўрмаяпман, деб сўраганимда, онанг фақат бақирарди: сенга яна қанақа исбот кераклигини билмайман-у, лекин мен унинг ярамаслигини кўриб турибман, дерди. Ўшанда мен онангга: «Ундай бўлса, ўзинг йўқол! Бу менинг ўртоғим, яхши чекист, у бизга Гуржистонда Мингрелчиларнинг исёни бўлишини олдиндан кўрсатиб берди, мен унга ишонаман. Менга далил, далиллар керак!» деганман» («Дўстимга йигирма мактуб», 18-бет).

Бора-бора Сталин Берия ҳақидаги фикрини ўзгартиришга мажбур бўлди. Бир гал қизи Светлана Бериянинг уйида меҳмон бўлиб, ўша ерда ётиб қолганида бундай воқеа рўй берди: «...эртасига эрта билан отам сим қоқиб қолди ва мени уят сўзлар билан сўкиб, «ҳозироқ уйга жўна! Мен Берияга ишонмайман!» деб бақириб берди», деб ёзади Аллилуева ва отасининг бу сўзларидан қанчалик ҳайратга тушганини айтади («Фақат бир йил», 327-бет).

Буларни аллақачон Берия кўриб-сезиб юрарди. «Тақдири доимий хавф остида эканини Берия жуда яхши биларди» (ўша асар, 325-бет).

Бироқ, Берия ҳақида фикрини ўзгартириб ҳам Сталин ундан дарров қутула олмади, шунинг учун ташидан сир бой бермай юраверди. Сталин нафақат зимдан иш кўришда устаси фаранг, балки юксак маҳоратли найрангбоз ҳам эди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам, Сталин жиноий фаолиятининг биринчи қоидаси бундай эди: у кўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

остига олган қурбонининг ишончини аввал қозониб оларди-да, кейин унга туйқусдан, довдиратиб қўядиган зарба берарди.

Сталин мўлжалдаги зарбасини ниқоблаш учун нимадир-янгича бир баҳона ўйлаб топишга ҳаракат қиларди, лекин сира ўйлаб топа олмасди. Кунсевода бот-бот уюштириб турилган ичкиликбозликлар, улфатчиликлар қандайдир маънода унинг тадбиркорлигига завол етказган бўлиши ҳам мумкин. Бу улфатчиликлар чоғи Сталин соқийликни намойишкорона Берияга топшириб қўярди. Натижада, Қофқоз одатига кўра, соқий Бериями, демак, Сталинга ҳатто унинг уйида ҳам хўжайинлик қила оларди.

Сталин ўзи алданиб қолишини ҳам, бу ҳол галдаги (ва охирги) зиёфат чоғи рўй беришини ҳам кутмаган эди.

Сталин ўзининг ҳар бир жиноятини мафкуравий жиҳатдан асослашни хуш кўрарди. Ўнғай бирор кўчирма бор бўлса, Ленинга суянади, унақа кўчирма топилмаса, янги ақида тўқирди. Бундай мафкуравий далил асосида синфлар ва синфий курашлар ҳақидаги дунёқараш ётиши керак. Бироқ, Ленин худди Маркс сингари тарихий жараён ва одамларнинг хатти-ҳаракатлари фақат синфий жамиятда синфлар ва синфий курашлар манфаатидан иборат бўлади, деб тушунтирган. Социализм эса синфсиз жамият ҳисобланарди. (1936 йили Сталиннинг ўзи шундай деб эълон қилган) ва шунинг учун бу жамиятдаги бирон-бир ижтимоий-сиёсий ҳодисани синфий курашга суяниб асослаб бўлмасди. Хўш, унақада ҳар йили 10 милёни конслагерларда ўтирган қотилларнинг, қўпорувчиларнинг, зараркунандачиларнинг СССРда ғиж-ғиж тўлиб ётганини қандай тушунтириш керак? 13 январдаги (юқорида эслатилган) мақоласида Сталин одамларни ўтирғизиб қўядиган содда жавобини берди: «СССРда эзувчи синфлар аллақачон янчиб ташланган ва тугатилган, аммо... буржуача қарашларни ва буржуача ахлоқни ўзида ташувчи тирик одамлар (аслида шундай ажратиб кўрсатилган. — А. А.), халқимизнинг яширин душманлари сақланиб қолган». Мана шу «тирик одамлар» синфсиз жамиятда ўзлари бир синф бўлиб уюшиб олиб, Сталин билан ҳаёт-мамот курашини олиб бормоқдалар.

Сталиннинг бу фикрлари бутун январ ва феврал ойлари «Правда»нинг мафкуравий жазавасига асос бўлди.

«Правда» 18 январ сонида Сталиннинг синфлар ва «халқ душманлари» тўғрисида ежовчилик замонида билдирган фикрларини қўшимча тарзда келтириб, ўрис вилоятларида шунақа «халқ душманлари»ни, миллий жумҳуриятларда эса, «буржуа миллатчилари»ни фош этишга чорлайди.

Ур-сур айни қайнаган дамда—21 январ куни СССР Олий Совети Ҳайъатининг «Зараркунандачи дўхтирларни фош қилиш ишида ҳукуматга ёрдам кўрсатгани учун дўхтир Лидия Федосеевна Тимашук Ленин ордени билан тақдирлансин», деган Фармони эълон қилинди. Бу энди маҳаллий чақимчи тимашукларга очиқдан-очиқ чақириқ—яъни, чақувларни кўпроқ-кўпроқ ёзинглар, сизлар ҳам орден оласизлар, деган гап эди.

22 январ куни «Правда» МҚ котиби Михайловнинг Ленин ўлимининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган маърузасини босди. Маърузани кимга топширишни Сталин биларди: Михайлов унинг 13 январдаги мақоласида билдирилган фикрларни сўзма-сўз такрорлабгина қолмай, ежовчилик замонида айтган бошқа бир қанча ўткир мулоҳазаларини-да қўшимча қилган эди.

24 январ куни «Правда» маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан ўлибтирилиб халқни ҳушёрликка, Ленин—Сталин партияси теварагида бирикишга чорлади.

25 январ куни «Правда» Куйбишевнинг «зараркунандачи дўхтирлар» томонидан заҳарлаб ўлдирилганининг йиллигини атай бўрттириб нишонлади.

31 январ куни «Правда» «Меҳнаткашларни юксак сиёсий ҳушёрлик руҳида тарбиялаш» деган бош мақолани босди. Мақола «сўнгги йилларда Булғория, Можористон (Венгрия), Чехословакия, Полша ва бошқа халқ-демократик мамлакатларида айғоқчи ва зараркунандачилар тўдаси устидан бўлиб ўтган судлов ишларига ҳамда СССРга уя қуриб олган ифлос айғоқчи ва қотилларнинг фош этилганига орқа қилиб туриб, бутун мамлакатни «халқимизнинг яширин душманлари»ни қатъий фош этишга чақиради. Рўзнома Украина вазирликларининг раҳбар идораларидаги «ёт унсурлар»ни ва «космополитлар»ни, Литвада литвалик ва жуҳуд «буржуа миллатчилари»нинг фош этилишига оид мисоллар келтиради.

6 феврал куни «Правда» давлат хавфсизлиги идоралари СССРнинг турли жойларида кўпларни ҳибсга олгани тўғрисида катта мақола босди. Мақола махфий ҳужжатларнинг ўғирланиши (Поскребишев!) тўғрисидаги мисоллар билан тўла эди. Унинг устига, бу ўғирланган ҳужжатлар ҳам нимагадир албатта «душманлар» ва «сотқинлар»нинг қўлига тушиб қолаверарди!

11 феврал куни Тимашук «Правда»га хат ёзиб, «совет халқининг душманларини» фош этгани муносабати билан олган «кўплаб табрикнома ва тилгиромлар» учун миннатдорлигини изҳор этди.

Сталин «дўхтирлар иши»ни мана шу «ўз юртининг ватанпарвари» етказган чақувга асосланиб яратди. Аммо Тимашук фақат битта дўхтир-академик Виноградовнинг устидан чаққан эди, холос. Аввалги саҳифаларда эслаганимиздек, Берия бу чақувни Сталин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳалол ва содиқ дўхтиридан жудо қилиш ниятида уюштирган бўлиши ҳам мумкин. Келгусида Сталиннинг саломатлигини ёмонлаштириш режасига академик Виноградов айнан шу ҳалоллиги ва содиқлиги туфайли халақит берарди. Берия кейин Сталинга ўз одамини бириктириб қўймоқчи бўлди, лекин қўя олмади — Сталин ҳеч қанақа дўхтир-пўхтирни ўзига яқинлаштирмади ва уйида бор дори-дармон билан қаноатланиб, ўзига ўзи тиббий хизмат қилиш йўлига ўтиб олди. Албатта, Берия бундай бўлиб чиқишини кўзламаган эди, бироқ унга Сталиннинг тиббий назоратдан холи қолганининг ўзи ҳам етарли эди.

«Правда» рўзномасининг «қотиллар»га қарши бошлаган жазаваси айни авжига минган кунлари яна иккита қотиллик содир бўлади. У пайтлар бу иккаласини ҳам табиий ўлим сифатида талқин этишган, лекин энди бизга маълумки, ўликларнинг биттаси Сталинга, иккинчиси Берияга керак бўлган.

17 феврал куни «Известия» рўзномаси Кремл комендатурасининг бошлиғи, «Сталин хавфсизлигига масъул бўлган генерал Косинкиннинг «бевақт» ўлгани тўғрисида хабар берди. Генерал бу лавозимига тўппадан-тўғри Сталиннинг соқчилигидан кўтарилган эди. Нисбатан ёш, ҳали бақувват, Сталинга мутаассибларча содиқ ва мустақил Косинкин Бериянинг қўлидан ҳар иш келиши мумкинлигини англаб етмади ва шунинг учун ҳам «бевақт» ўлиб кетди. Лекин Сталинга керак бўлган қотиллик ҳамма «бу одам жанговар постида ўлди» деб ўйласин, деган мақсадда анча табиий, ҳатто тантанали равишда ташкил этилди. Гап Лев Мехлис устида борянти.

Мустабид Сталиннинг тарихий оёққа туришида полицияга боғлиқлик томондан Ежов билан Берия қандай хизмат кўрсатган бўлса, мафкуравий жиҳатдан Мехлис ҳам шундай хизмат қилган эди. Мехлис МҚнинг: «Мен Сталинга Ленининнинг ҳамма эски сафдошлари жасадлари устидан ҳокимиятга элтувчи мафкура йўлини тўшаб қўйганман, уни партиянинг улуғ доҳийси қилган ҳам, ҳамма фанларнинг буюк саркори қилган ҳам менман!» дея оладиган ягона аъзоси эди. Дарҳақиқат, «Правда»нинг муҳаррири сифатида Мехлис бу мақсадга эришишда қанчалар иш қилганини кўриш учун рўзноманинг 20- ва 30-йиллардаги ҳамма сонларини варақлаб чиқиш кифоя. Миннатдор Сталин унинг бу хизматларини ерда қолдирмади: Қизил профессура институтининг собиқ тингловчиси Мехлисни аввал «Правда» рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари, кейин бош муҳаррири қилиб қўйди, «улуғ тозалаш»дан кейин эса Сталин уни МҚга ва унинг партия ва давлатнинг олий ўринларига кадрлар тақсимловчи ташкилий бюросига киритди. Уруш пайти Сталин унга генерал-полковник унвонини бериб (ҳолбуки, ҳатто Сиёсий бюро аъзоси Хрушчёв ҳам бор-йўғи генерал-лейтенат эди), ўзининг мудофаа халқ комиссарлиги бўйича ўринбосари ва Қизил Армия Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлади. Урушдан кейин Сталин Мехлисни Давлат назорати вазири ҳамда тағин МҚ (XIX съездда) аъзоси қилиб қўйди. «Сионистлар иши»дан ва янги «зараркунандачи дўхтирлар иши»дан кейин Сталин унинг бир «лекин»ини эслаб қолди: Мехлис жуҳуд эди. Жуҳуд зотини жинидан баттар ёмон кўрадиган Сталинга бу ёғи ҳал: у жуҳудми, демак сионист, модомики сионист экан, демак, сионист дўхтирларга ўзининг эски рақиби ва Қизил Армия Бош сиёсий бошқармасига ўзидан кейин бошлиқ бўлиб келган Қизил профессура институти бўйича курсдоши бўлмиш А. Шчербаковни ўлдириш тўғрисида топшириқ берган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, «зараркунандачи дўхтирлар» ҳали судни кутиб ўтирганларида, Сталин Мехлисни «муҳим топшириқ» билан Саритовга (Саратовга) юборди. Ўша ерда уни шовқин-суронсиз ва гувоҳларсиз қўлга олишди. Масковдаги Лефортово қамоқхонасининг касалхонасига ўтказилган Мехлис Сталин талаб этган кўргазмаларни беради ва 1953 йил февралининг 13-куни ўлади.

Мехлисни Қизил майдонга Сиёсий бюронинг кўплаб аъзолари, маршаллар, вазирлар иштирокида тантанали равишда кўмдилар. Аммо маросимда Сталин иштирок этмади. Афтидан, Сталин риёкорликнинг ҳам чегараси бўлиши керак, деган қарорга келган шекилли. Ҳарҳолда, у ўша кунлари касал эмас эди, чунки 17 феврал куни Ҳиндистоннинг элчиси К. Менонни қабул қилган ва узоқ суҳбатлашган. К. Меноннинг сўзига қараганда, Сталин етмиш уч ёшга кирганига қарамай, кўринишидан ҳали анча тетик, соппа-соғ бўлган. Суҳбат чоғида Сталин ён дафтар саҳифасига бўриларнинг расмини чизган ва нафақат дипломатик суҳбатга, балки нодипломатик суҳбатга ҳам алоқаси бўлмаган фикрларни айтган эди. Ўзи чизган суратларни шарҳлаётгандай, қутурган бўриларни ўлдириб деҳқонлар тўғри қилишади, деб қўйган. Албатта, Сталин Сиёсий бюродаги «қутурган бўрилар»ни назарда тутган!

Бу орада «Правда» мамлакатда сиёсий ва руҳий муҳитни қиздириш йўлидаги кампанияни давом эттирарди. Рўзноманинг 8, 9, 11, 12, 16, 18, 19, 20, 22, 23, 26, 27 феврал сонларида чиққан мақола ва хабарлар «қотиллар»га, «айғоқчилар»га, «зараркунандачилар»га, «халқ душманлари»га ҳамда «буржуа миллатчилари»га бағишланган эди. «Правда»нинг ҳеч қайси сиёсий бош мақоласи «ҳушёрлик» ва «халқ душманлари» сингари истилоҳларсиз чиқмай қўйди. «Правда» ежовчилик даврининг йўл-йўриқларидан оғишмай, атай ва узлуксиз равишда оммавий жосуслик васвасасини қўзғаб турди.

28 феврал кечаси «Правда»нинг 1 март сони босмадан чиқади. Унда КПСС МҚнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

8 Март аёллар байрами тўғрисидаги қарори босилади. Шу қарорда ҳам «жосуслар», «қотиллар», «совет халқининг пинҳона душманлари» ҳақида гаплар бор...

Эртаси кундан бошлаб эса ғалати ва тушунтириб бўлмас ҳодиса рўй беради: «Правда» бирдан «халқ душманлари» ҳақидаги ҳар қанақа гап-сўзни тўхтатади. Боз устига, «халқ душманлари» ҳатто сиёсий мақола ва шарҳларда ҳам тилга олинмай қўяди. «Правда»нинг 2 март сонидаги («Социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши») ва 3 март сонидаги («Тарғиботни кўтаришнинг энг муҳим, шартлари») бош мақолаларда «буржуа миллатчилари», «халқ душманлари», «жосуслар», «қотиллар» ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ!

«Халқ душманлари»га қарши уюштирилган кампания бекор қилинган эди. «Правда» рўзномаси таҳририятида эмас, албатта, балки юқорида бекор қилинган эди. Уни 1953 йил 1 мартидан бошлаб Сталиннинг ўлимини пойлаб турганлар бекор қилган эди. Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганиндан иборат тўртлик тимсолидаги бу «қоровуллар» 1953 йилнинг 28 февралидан 1 мартига ўтар кечаси давлат тўнтариши қилган ва бу тўнтаришлари «Сталин касаллиги туфайли ҳокимиятни «вақтинча» бошқара олмайди, деган баҳона билан пардаланган эди. Тўртлик КПСС МҚ Ҳайъатини четлаб ўтиб, ҳокимиятни зудлик билан ўзаро тақсимлаб олди. Сталиннинг Сиёсий бюродаги бошқа барча ворисларига эса, улар тўнтаришда иштирок этмаганлари учун, иккинчи даражали ўринлар тегди. Тўртлик «Ҳукумат хабари»ни чиқарди. Унда бундай сўзлар битилган эди: «Марказий Қўмита ва СССР Вазирлар Кенгаши бутун партия ва бутун совет халқимиз сингари ўртоқ Сталин оғир касаллиги туфайли анча муддат раҳбарлик фаолиятида иштирок эта олмаслигини чуқур англайди. Марказий Қўмита, Вазирлар Кенгаши партия ва мамлакатни бошқаришда ўртоқ Сталиннинг партия ва давлат раҳбарлигидан вақтинча четлашгани билан боғлиқ ҳамма шарт-шароитларни ғоят масъулият ила ҳисобга олади» («Правда», 4.03.53).

Бу паллада Сталиннинг ажали яқинлашиб келарди. Совуқ нияти ўзига уриб, «тескари даволовчилар» қўлига тушган ва мана энди аста-секинлик билан, аммо муқаррар ўлим сари борар эди... Дарвоқе, биринчи «Ҳукумат хабари»да бошқа ёлғон ҳам бор эди. Унда айтилишича, Сталинга касаллик (мияга қон қуйилиши) 2 мартга ўтар кечаси Масковдаги уйида ётганида хуруж қилган. Аслида эса, кейинчалик маълум бўлишича, бу воқеа Масковда эмас, Кунсевода содир бўлган. Агар ҳаммаси табиий кечган ва Сталин шогирдларининг виждонлари тоза бўлса, унда нимага улар устозларининг ҳақиқий ўлган жойини яширадилар? Нимага МҚ ва Вазирлар Кенгаши номидан ўз партияларини ва халқларини бу қадар алдайдилар? Жиноят содир бўлган жойда биз йўқ эдик, дейиш учун эмасмикан?

Сталин Масковда ўлмаганини Хрушчёвдан биринчи бўлиб Нью-Йорк шаҳрининг собиқ ҳокими, уруш пайтида АҚШнинг Масковдаги элчиси бўлиб ишлаган Аверелл Ҳарриман эшитиб билган. Тўртовининг Сталиннинг ўлимини қандай пойлаб туришганини ҳам Хрушчёв ўша одамга айтган. Бу ҳақда Ҳарриманнинг ўзи бундай ҳикоя қилади:

«Айрим раҳбар коммунистларни ўлдириш ниятида бир неча дўхтирнинг тил бириктирганликда айбланишига олиб келган «дўхтирларнинг фитнаси» деган иш, афтидан, янги тозалашни бошлаш учун Сталин наридан-бери тўқиган уйдирма шекилли. Айрим хорижлик ўрусияшунослар Сталинни ўзининг теварагидаги одамлар ўлдирган деб шама қилишади ва бу тахминларини, янги оммавий қирғин муносабати билан ўз жонидан айрилиб қолишдан чўчиб, улар қарияни ўзлари ўлдириб қўя қолишган, деб асослашади. Мен нуқул шунга жавоб ахтардим. Яқинда Хрушчёв билан узоқ суҳбатлашганимда, у Сталин ўлими масаласида ўзининг ривоятини айтиб берди. Кейинроқ, илтимосимга биноан, ўша ҳикояни эълон қилишимга ҳам рухсат этди.

Сталин сўнгги йилларда ҳар нарсадан шубҳаланаверадиган, зулмкор ва шафқатсиз бўлиб қолди, деди Хрушчёв менга. «У ҳеч кимга ишонмасди, биздан ҳам ҳеч ким унга ишонмасди. Анчадан бери ўзи бир ишни эплаёлмасди, биз қилайлик десак, қўймасди. Жуда қийналиб кетдик. Бир шанба кечаси у бизни далаҳовлисига зиёфатга чақирди. Сталиннинг кайфияти яхши эди. Зиёфат хушчақчақлик билан ўтди, кўнгилли ўтириш бўлди. Кейин уй-уйларимизга тарқалдик. Якшанба кунлари у одатда бизларга сим қоқиб чиқар, ул-бул ишни гаплашиб олар эдик, аммо ўша якшанба сим қоқмади. Биз ажабландик. Душанба куни ҳам у шаҳарга тушмади. Душанба куни кечқурун шахсий соқчиларининг бошлиғи сим қоқиб, Сталин касал, деди. Биз ҳаммамиз — Берия, Маленков, Булганин ва мен зудлик билан унинг далаҳовлисига жўнадик. Биз борганимизда у ҳушсиз ётарди. Бир қўл, бир оёғи шол, тилдан қолган. Биз унинг ёнида уч кун турдик, лекин ҳушига қайтмади. Кейин маълум муддатга ҳуши жойига келди, биз у ётган хонага кирдик. Ҳамшира унга қошиқда чой ичирди. У бир-бир қўлларимизни сиқди, зўр бериб ҳазиллашмоқчи бўлди, соғ қўли билан девордаги расмни кўрсатди. Расмда кичкинагина қизалоқ эчки боласини қошиқда овқатлантираётгани тасвирланган эди. Мана, энди мен ҳам худди шу эчки боласига ўхшаб нотавонман, демоқчи бўларди гўё. Сал вақт ўтиб жони узилди. Мен йиғладим. Ахир, энг аввало, биз унинг шогирдларимиз ва ундан кўп жиҳатдан қарздор эдик».

Мен Хрушчёвдан, Сталин ўзига ворис танлаганмиди, деб сўрадим. «У ҳеч кимни

www.ziyouz.com kutubxonasi

танлагани йўқ. У абадий яшайман деб ўйларди!» деб чўрт кесди Хрушчёв» (Аверелл Ҳарриман. 1959).

Бу ҳикоядан биз қуйидаги муҳим маълумотларни билиб оламиз:

1) Сталин Масковда эмас, ўзининг далаҳовлисида жон берган (кейинчалик биз Аллилуева китобидан ҳам унинг Кунсеводаги далаҳовлисида вафот қилганини биламиз);

2) Сталиннинг олдида сўнгги марта Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганинлар бўлишган ва улар 1953 йил 28 февралида кечаси билан Сталиннинг далаҳовлисида ичкиликхўрлик қилишган;

3) 2 март душанба кунигача соқчилар бу тўртовлонга Сталиннинг касаллиги тўғрисида хабар беради ва булар у ерга бориб, Сталиннинг ўлимини бамайлихотир кутиб, уч кун унинг боши тепасида турадилар:

4) дўхтирлар тўғрисида гап-сўз йўқ.

Бу ривоятни Хрушчёв кейин турли одамларга кўп бор қайтарган. Хотираномаларида андак кенгайтирилган. Сталиннинг касал бўлган куни санаси 28 февралга кўчирилган, лекин моҳият ўзгармаган. Фақат, афтидан, кимдир лоақал касалликнинг иккинчи куни дўхтирлар ҳақида ҳам қистириб ўтиш керак, деб Хрушчёвга ақл ўргатган кўринади. Натижада ҳикоя ўзгариб-ўзгариб, ниҳоят, бундай ҳолга келган:

«Сталин 1953 йил февралида (яъни, 28 феврал куни. — А. А.) касал бўлди. Маленков, Берия, Булганин ва мен унинг далаҳовлисида шанба куни бирга бўлган эдик... Одатдагидек, зиёфат тонгги соат беш-олтиларгача давом этди. Зиёфат тугаганда Сталин росмана маст бўлган, жуда баланд кайфиятда эди... Зиёфат яхши ўтганидан хурсанд ҳолда ҳаммамиз уй-уйимизга тарқалдик... Эртаси якшанба куни Сталин бизни ҳузурига чақиришига амин эдим, аммо ҳадеганда сим қоқавермади. Бирдан телефон жиринглаб қолди. Маленков экан: «Ҳозиргина Сталиннинг далаҳовлисидан соқчилари сим қоқишди. Улар, Сталинга бир нима бўлган, деб ўйлашяпти, ўша ёққа борсак, яхши бўларди. Берия билан Булганинга айтиб қўйдим. Сен ҳам тезроқ йўлга чиқсанг дедим...» Тезгина кийиндим-да, Сталиннинг далаҳовлисига жўнадим... 15 дақиқадан кейин мен ўша ерда эдим. Ҳаммамиз йиғилганимиздан сўнг, Сталин ётган хонага кирмасдан олдин, навбатчи офицерларга учрадик. Офицерлар нимага ҳаммани оёққа турғизишганининг сабабини тушунтиришди: «Ўртоқ Сталин одатда деярли соат 11 ларда кимнидир чақирарди ва чойми, бирор егуликми сўрарди. Бугун шундай қилмади», дейишди. Кейин улар гап нимадалигини билиш учун Матрёна Петровнани киритишибди. Матрёна Петровна деганлари жуда эскидан Сталин хизматида ишлаб келаётган қари қиз эди. Бировлардан ажралиб турадиган фавқулодда қобилияти йўғ-у, аммо ҳалол ва Сталинга содиқ эди. Шу аёл қайтиб келиб, офицерларга Сталиннинг одатда ўзи ётиб юрадиган катта хонада ерда йиқилиб ётганини айтади. Афтидан, Сталин катдан қулаб тушган шекилли. Соқчилар уни ердан кўтариб, кичик хонадаги диванга ётқизишибди. Шуларни эшитганимиздан кейин биз бундай хунук ҳолдалик чоғида Сталиннинг олдига киришни ноқулай деб топдик ва уй-уйимизга қайтиб кетдик».

Демак:

1) 28 феврал куни зиёфатда Сталин билан шу тўртовлон бўлган;

2) улар Сталин ёнидан 1 март куни эрталаб кетишган;

3) ўша куни оқшом чоғи Сталин оғир касалга чалинган (катдан қулаган, ўзи ўрнидан туролмаган, овқат талаб қилмаган, хизматчилар билан гаплашмаган, эҳтимол, тилдан қолган);

4) тўрттовлон касал Сталиннинг ҳузурига 1 март куни кечқурун чақирилган, аммо улар дўхтир чақириб ўтиришмаган, касални кўришдан ҳам воз кечишган ва уй-уйларига тарқалишган.

Хрушчёв ҳикоясини бундай давом эттиради:

«Кеч тунда Маленков иккинчи марта сим қоқди: «Сталиннинг соқчилари қўнғироқ қилишди. Сталиннинг аҳволи қандайдир чатоқ, дейишяпти», деди...

Сталиннинг ҳолидан хабар ол-чи, деб Матрёна Петровнани тағин киритганимизда, у қайтиб чиқиб: «Қаттиқ ухлаяпти, аммо уйқуси ғалатироқ», деди. Яхшиси, кетганимиз маъқул, деган қарорга келдик. Маленковга Каганович билан Ворошиловни ҳамда дўхтирларни чақиришни юкладик».

Ва ниҳоят дўхтирларни ҳам чақиришди! Дўхтирлар Сталинни ечинтиришади ва уни ёруғроқ бўлган катта хонага қайтариб олиб чиқишади. Дўхтирлар бизга «бунақа касаллик узоққа бормайди, оқибати ўлим билан тугайди, дейишди», деб ҳикоя қилади Хрушчёв.

Ким ўзи бу дўхтирлар? Уларни ҳеч ким билмайди. Кейинроқ билишимизча, улардан ҳеч қайсисини Светлана Аллилуева ҳам танимайди.

Нафақат Сталиннинг шахсий дўхтири Виноградов, балки бунақа шароитларда зудлик билан касал Сталин тепасига етиб келиши лозим бўлганлар ҳам йўқ эди: Даволаш бошқармасининг бошлиғи Егоров ҳам Виноградов билан бирга қамоққа тиқилган; СССР Соғлиқни сақлаш вазири, Сталиннинг шишадош улфати Смирнов эса айни Сталин касал бўлиши арафасида изсиз йўқолиб қолди, ўрнига тайинланган Третяковни ҳам ҳеч ким танимасди.

Хрушчёвнинг Матрёна Петровнадан Сталин аҳволини сўраб-суриштиргач, касални

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳатто кўргани кирмаганлари ва дўхтир чақирмаганлари тўғрисидаги ҳикоясидан кейин яна «Сталинни оёққа турғизиш учун ҳамма чорани кўрдик», дейиши Сталин устидан ҳақоратдай бўлиб эшитилади. Дўхтирларни (агар улар ҳақиқатан ҳам дўхтир бўлса) Сталин буткул чорасиз ҳолга тушгандан кейингина чақиришган ва ўшандагина уни ечинтиришган!

Хрушчёв яна ҳикоясини давом эттириб, Сталиннинг ўлимини фақат битта одам — Берия истаган эди, дейди. Берия ўлаётган Сталинни очиқдан-очиқ хўрлади, дейди.

Аммо-лекин Хрушчёвнинг мана бу иқрори муҳим:

«Мен бошқаларга қараганда Булганин билан очиқроқ гаплашар эдим. Шунинг учун ундан:

— Сталин ўлса, нима бўлади, биласанми? Берия қанақа лавозимни мўлжаллаётганини тасаввур қиласанми? — деб сўрадим.

— Қанақа лавозимни? — деди Булганин.

— У давлат хавфсизлиги вазири бўлмоқчи. Агар у шу ўринни эгалласа, ҳаммамизнинг кунимиз битди деявер. Нима бўлганда ҳам биз бунга асло йўл қўймаслигимиз керак.

Булганин фикримга қўшилганини айтди ва бундан буён бу ёғига нима қилишимиз лозимлигини гаплашиб ола бошладик. Маленков билан ўзим гаплашаман, фикримизга қўшилса керак, дедим мен» (344-бет).

Агар Хрушчёв ҳақиқатан самимий бўлса, айни дамда у икки баробар самимийдир: Сталиннинг сиёсий меросини бўлиб олиш учун кураш ўлаётган «доҳий»нинг боши устидаёқ бошланган ва биринчи қурбон сифатида Берия кўз остига олинган эди. Шунга қарамай, давлат хавфсизлиги вазири лавозими барибир унга насиб этди — бу ўринни у шунчаки эгаллади-қўйди, камига ички ишлар вазири лавозимини ҳам қўшиб олди.

Сталин касалининг бошланган санаси масаласига қайтайлик.

Шундай қилиб, аслида, Сталинга касаллик қачон хуруж қилган — тўртовлон унинг меҳмони бўлган 28 феврал шанба куними ёки улар тарқаб кетгандан кейин — 1 март куними (бу иккала санани ҳам Хрушчёв келтирган) ёхуд «Ҳукумат хабари»да таъкидланиши бўйича, 2 мартга ўтар кечасими?.. «Хабар»да Сталиннинг касал бўлган жойи нотўғри кўрсатилган, куни ҳам ёлғон бўлиши мумкин) ёки Хрушчёв Ҳарриманга айтганидек, ўша 2 март куни оқшомдами?

Тўрт сана тилга олинди, шунинг учун улардан қай бири рост эканини ишонч билан айтиш қийин. Мен 28 феврални кўрсатишга мойилман, чунки, юқорироқда айтилганидек, 1 мартдаёқ ҳокимият амалда тўртликнинг қўлида эди (бунинг холис далили «Правда»нинг 1—2 март кунлари «халқ душманлари»га қарши кампанияси тўсатдан тўхтаб қолганидир). Лекин фитначилар тўнтаришни ҳеч бир қаршиликсиз ва муваффақиятли амалга ошириб олиш учун Сталиннинг аҳволини нафақат халқдан, балки айниқса партиядан ва армиядан яширишга катта аҳамият берадилар. Ўзларини айбсиз ва Сталиннинг касаллигига алоқасиз қилиб кўрсатишдан қаттиқ манфаатдор бўлганлари учун фитначилар ўлаётган Сталиннинг тепасига иккинчи ё учинчи куни унинг фарзандларини ва Сиёсий бюронинг икки аъзосини (Ворошилов билан Кагановични) чорлашади, халққа эса тўртинчи ё бешинчи куни эълон қилишади. Бу палла Сталиннинг ўлими муқаррар бўлиб қолган эди.

Энди Светлана Аллилуеванинг хотираларига мурожаат қилайлик. Унинг таъкидлашича, Сталин Масковда эмас, Кунсеводаги далаҳовлисида ўлган: Василий Сталин билан иккалаларини ўлаётган оталарининг олдига у буткул ҳушини йўқотганидан кейин, яъни 2 март кунигина чақиришган. «Касални биринчи марта кўриб турган бегона дўхтирлар ғоятда типирчилаб қолдилар. Бўйни билан гарданига зулук қўйишди, юрак уришини аппаратга солишди, ўпкани рентген қилишди, ҳамшира тинимсиз қандайдир уколлар қиларди, дўхтирлардан биттаси кассаллик жараёнини тўхтовсиз ёзиб борарди... Ҳамма сақлаб қолиш мумкин бўлмаган ҳаётни сақлаб қолишга овора эди...» («Дўстимга йигирма мактуб», 6—7-бет). Бор дўхтирларнинг орасида Светлана Аллилуевага фақат битта аёл дўхтир танишга ўхшаб туюлади. «Мен бирдан мана шу ёш дўхтир аёлни биладиганга ўхшадим. Қаерда кўрган эканман? Биз бир-биримизга бош қимирлатиб қўйдик, лекин гаплашмадик» (7-бет). (Шу дўхтир аёлни эслаб қолиш даркор.)

Сталиннинг ҳушга келгандаги қилиқлари тўғрисидаги Аллилуеванинг кузатишлари Хрушчёвнинг ёзганидан буткул бошқача, Хрушчёв, Сталинга эс-ҳуш қайтганида, «у бир-бир ҳаммамизнинг қўлимизни сиқиб кўя бошлади...» деб ёзган бўлса, Аллилуева мана бундай ҳикоя қилади: «Талвасаси қўрқинчли эди. Шу талваса уни ҳамманинг кўзи ўнгида бўғарди... Бир пайт... у бирдан кўзини очди ва атрофида турганларга бир-бир қараб чиқди. Нигоҳи телбаворми, ғазабнокми — қандайдир даҳшатли эди... Шу нигоҳ дақиқанинг бирор улуши ичида ҳаммани айланиб чиқди. Шунда тўсатдан у чап қўлини (қимирлайдиганини) юқорига кўтарди — бу ҳаракати тушунарсиз ва ваҳимали эди, мен ҳалигача тушунмайман, лекин эсимдан ҳам чиқара олмайман: тепада ниманидир кўрсатдими (Хрушчёв икки марта такрорлайдики, Сталин эчки боласи билан қизалоқнинг суратига ишора қилди, деб. — А. А.) ёки ҳаммамизга пўписа қилдими... Ҳаракати тушунарсиз, аммо таҳдидли ва кимга ё нимага қаратилгани номаълум эди» (9—10-бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай экан, Хрушчёв тасвирлаганидек, Сталин ўз сафдошлари билан хотиржам видолашмаган. Аксинча, видолашув «ғазабнок», «таҳдидли» бўлган.

Лекин Хрушчёв билан Аллилуеванинг Берия қилиқлари хусусидаги кузатишлари асосан бир-бирига мувофиқ келади.

«Фақат битта одам ўзини одобсизларча тутди — бу одам Берия эди, — деб ёзади Аллилуева. — У ҳаддан ташқари асабийлашарди... туйғулари тўлиб-тошганидан унинг юзи тез-тез буришиб кетарди. Унинг дили эса шуҳратпарастлик, раҳмсизлик, айёрлик, ҳокимият, фақат ҳокимиятга интилиш туйғулари билан тўла эди...

У кўрпага яқин келиб, отамнинг юзига узоқ тикиларди: отам гоҳида кўзини очарди, лекин барибир ҳушсиз эди... Шунда Берия бу хира тортган кўзга еб қўйгудек бўлиб қарарди... Масала ҳал бўлганда эса, биринчи бўлиб йўлакка отилиб чиқди ва катта хонадаги сукунатни унинг «Хрусталёв! Машинани тайёрла!» деган тантанали, баланд овози бузди. Бу одам маккор сарой аъёнининг ажойиб замонавий кўриниши, шарқона маккорлик, тилёғмалик, иккиюзламачиликнинг қуйма тимсоли эди. Бундай хислатлар ҳатто отамни ҳам чулғаб олган, шунинг учун уни алдаш ўмуман қийин бўлган, аммо кўп жиҳатдан Лаврентий отамга ҳам фириб бериб кетарди... Ундан жуда ҳайиқишар ва отам ўлаётган пайтда Ўрусияда ҳеч ким шу даҳшатли одамчалик хокимиятга эга эмаслигини билишар эди. (7—8-бет)».

Бундан келиб чиқадики, Сталиндан кейин ҳокимият амалда Берияга ўтган, модомики ҳозир Сталин ҳушсиз ётар экан, демак, тақдири Бериянинг қўлида эди. Бу масалада Хрушчёв ҳам, Аллилуева ҳам бир хил хулосага келганлар: Берия Сталиннинг ўлимини истаган, у ўлганида эса, тантана қилган эди. Ана энди биз энг сирли-жумбоқли масалага келиб тақалдик. Сталинни, ўзи Кремл дўхтирларини айблаганидай, тескари ташхис (диагноз) қўйиш, акс дорилар бериш усули билан «даволаш»мадимикан? Бизнинг ғоят муҳим бир гувоҳимиз бор. У доҳий ўлими тепасида турган ва қатъиян, ҳаммага эшиттириб туриб: «Отамни заҳарлашди, отамни ўлдиришди!» деб айтган генерал-лейтенант Василий Сталин — Сталиннинг ўғлидир.

Светлана Аллилуеванинг китобларидан кўриниб турибдики, қиз ўз отасининг назарияларига ва совет воқелигига аввалдан танқидий муносабатда бўлган, лекин сиёсий масалалар билан жиддий шуғуллангани ёки отаси билан сиёсий мавзуда бирон-бир суҳбатлар қилгани тўғрисида у китобларда бирон-бир гап йўқ. Аёл киши билан сиёсат тўғрисида гаплашишни одобсизлик деб биладиган қофқозликлар анъанасига содиқ Сталин, афтидан, қизи билан ҳам сиёсат тўғрисида суҳбатлашмаган кўринади. Боз устига, қиз отасининг ҳузурида охирги икки-уч йил давомида жуда кам бўлган.

Бу борада ўғилнинг ҳолати бошқача эди. Василий Сталин уруш арафасида ҳарбий учувчилик мактабини тугаллади. Бутун уруш давомида фронтларда бўлди, қирувчи учоқларда учди, дивизияга, корпусга, урушдан кейин Олмониядаги учувчилар қўшинига қўмондонлик қилди. Кейин Масков ҳарбий округи Ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони этиб тайинланди. Масков атрофида, байрам кунлари эса Қизил майдон тепасида ўтказиладиган барча анъанавий ҳаво намойишларига у қўмондонлик қиларди. Албатта, йигирма беш-йигирма олти ёшда офицерлар ўз-ўзидан генерал бўлиб қолишмайди, бундан Наполеоннигина истисно қилиш мумкин (шунинг учун ҳам у Наполеон-да!), аммо Василийни ҳам шунақа истисно деб ҳисоблаш керак, чунки у Сталиннинг ўғли эди. Ўша давр маршаллари Бош қўмондоннинг кўнглини овлаш учун унинг олдида қуллуқ қилиб туришар ва унга кетма-кет унвонлар ва нишонлар ёғдиришар эди. Аммо, Василий ичишни ёқтирарди деб қанча гап-сўз қилишмасин, ҳеч ким унинг уруш чоғи кўрсатган жасорати ва мардлигини рад қилолмасди. Қўрқоқлар реактив қирувчи учоқларда хизмат қилишмайди, ахир!

Сталин Сиёсий бюродаги сафдошлари тўғрисида кўнглида пинҳон сақлаб келган ўйларини қачондир, кимгадир айтган бўлса, буни ўзининг содиқ ўғлига айтган. Ота билан ўғил ўртасидаги муносабатлар Василий лавозимидан олингандан кейин ҳам яхши бўлиб қолаверди. Бу лоақал шунда ҳам кўринадики, отасининг маслаҳати билан у Бош штаб Академиясига ўқишга киради. Опаси сингари, Василий Сталинни ҳам отанинг тўсатдан касал бўлгани тўғрисида иккинчи ё учинчи куни — Сталин тилдан қолгандан кейингина хабардор этишди. Ўлаётган одам бунақа аҳволда зорланолмайди-да.

Аммо кўнгил сезар экан. Қандайдир бегона куч (балки, шунчаки ички туйғудир) Аллилуевани айни ўша якшанба куни — 1953 йилнинг 1 мартида отага сим қоқишга ундади. «Мен якшанба куни яна бир бор отамнинг ёнига бормоқчи бўлган эдим, лекин кўп сим қоқдим, ҳеч тушолмадим» («Дўстимга йигирма мактуб», 195-бет). Туша олмасди ҳам! Сталиннинг ҳамма телефонлари Бериянинг қўлида, у алоқа йўлларини тўсиб қўйган эди, лекин Аллилуеванинг бу шаҳодати тарихий аҳамиятга эгадир. «2 март куни эрта билан эса мени дарсимдан Академиядан — чақириб, Кунсевога боришим лозимлигини айтишди, — деб давом этади Аллилуева. — Укам Василийни ҳам 1953 йил 2 март куни чақиришган. У ҳам катта хонада бир неча соат ўтирди... Хизматчилар уйида роса ичиб олиб, шовқин кўтарди, дўхтирларни сўкди, «отамни ўлдирдилар», «ўлдиряптилар», деб бақира бошлади» (ўша китоб, 195—196-бетлар). Афтидан, Аллилуева укам ичкилик таъсирида қутуряпти, деб ўйлашга мойил кўринади. Бироқ, Василий

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўмиш куни мутлақо ҳушёр ҳолатда отасининг тобутини Молотов билан ёнма-ён кўтариб бораётиб, яна «отамни ўлдиришди» деб такрорлайди.

«Отамнинг ўлими уни ларзага келтирди, — деб давом этади Аллилуева. — У даҳшат ичида қолган эди. Отамизни «заҳарлашган»ига, «ўлдиришган»ига унинг ишончи комил эди. Отам унинг учун борлиқ олам эди, бу оламсиз у ўзини тасаввур эта олмасди, энди шу оламнинг қулаётганини кўриб турарди... Мотам кунлари у даҳшатли аҳволда эди ва ўзини ҳам шунга яраша тутарди: ҳаммага маломат қиларди, ҳукуматни, дўхтирларни, кимларни айблаш мумкин бўлса, ҳаммасини лозим даражада даволамаганлари учун айбларди... У ўзини меросхўр шаҳзода каби ҳис этарди» (198-бет).

Василий дуч келган одамга отасини ўлдиришгани тўғрисида қайта-қайта гапиравер-ар, дарҳақиқат шундай бўлганлигига ишончи комил ва бу ишонч асло маст одамнинг босинқирашига ўхшамас эди. У кўп нарсани — фитначилар Сталиннинг «касалини ташкиллаштиришганини» ҳам, отаси ўзининг устидан тайёрланаётган фитна тўғрисида ўйлаганини ҳам биларди. Отасининг ўлими сирларидан воқиф ёш генерал ҳокимиятни тортиб олаётганларга қарши янги тўнтаришнинг байроқдори ва ҳатто ташкилотчиси бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун уни эркинликда қолдириб бўлмасди.

Аввалига яхшиликчасига қутулмоқчи бўлишди. Мудофаа вазири Булганин уни ҳузурига чақириб, чеккага, ҳарбий округлардан бирига боришни таклиф қилди, лекин Василий Масковда қолишни истаб, бу таклифни рад этди. Шунда унинг устидан шикоят уюштиришди-да, ҳибсга олишди ва эндиликда ўзининг ваҳшиёна тутуми билан машҳур бўлиб кетган Владимир қамоқхонасига ташлашди. Бу воқеа 1953 йил 28 апрелида — Сталиннинг ўлимига икки ой тўлиб-тўлмай содир бўлди. Ўша ерда етти йил ўтиргач, 1962 йилнинг март ойида, Қозонда сургундалик чоғида вафот этди. Опаси уни ички-ликбозликдан ўлди, деб ўйлайди, бироқ, афсуски, дунёда бундан бошқа ҳам яна бир касаллик — сиёсат бор. Василийнинг шу касалликдан ўлгани ҳақиқатга яқинроқ...

Тағин расмий ҳужжатларга қайтайлик.

КПСС МҚ ва Вазирлар Кенгаши номидан 1953 йил 4 мартида эълон қилинган «Ҳукумат баёноти»да бундай дейилган: «2 мартга ўтар кечаси Масковдаги ўзининг квартирасида ўртоқ Сталиннинг миясига қон қуйилди ва мия фаолиятининг муҳим нуқталарини қамраб олди. Ўртоқ Сталин ҳушини йўқотди. Ўнг қўли ва оёғи шол бўлди. Тилдан қолди».

Сталиннинг оғир, ҳалокатли касали тўғрисида фақат тўртинчи кунгина эълон қилинмоқда эди, ҳолбуки бу касаллик амалда 1 март оқшомида хуруж қилган (аввалги саҳифаларда келтирганимиз Хрушчёвнинг ҳикоясига қаранг). Сталин касали тўғрисидаги «Ҳукумат баёноти»ни фитначилар, афтидан, дўхтирлар билан маслаҳатлашмай тузишган кўринади, акс ҳолда, Сталин аввал ҳушидан кетиб, кейин тилдан қолмаган бўларди.

Сталинни даволаш учун саккиз нафар академик ва профессор дўхтирлардан иборат ҳайъат тузилади. Комиссияни янги СССР Соғлиқни сақлаш вазири Третяков билан Кремл даволаш бошқармасининг янги бошлиғи Куперинлар бошқаришади. Баёнотда: «Ўртоқ Сталин КПСС Марказий Қўмитасининг ҳамда Совет Ҳукуматининг доимий кузатуви остида даволанянпти», дейилади.

Бу — «зараркунандалик» истисно қилинади дейилгани эди.

5 ва 6 март кунлари Сталин касалининг ҳолати тўғрисида бир неча хабар чиқади. Энди бу хабарларни ёзишда сўнгги ва энг яхши тиббий дарсликлардан фойдаланилганга ўхшарди. Тушунарсиз, тор тиббий атамаларга тўлалиги билан улар кишининг ақлини шоширади. Сталин касалининг кучаётганидан зоҳирий ташвиш ва уни даволаш учун кўрилган «кескин чоралар», бунинг натижасида баъзан ҳатто бемор аҳволининг қисман яхшиланишлари тўғрисидаги гап-сўзлардан Сталин ўлими аллақачон ҳал этиб қўйилгани сезиларди. Масалан, 5 март — Сталиннинг ўлими куни тузилган ва 6 март куни эълон қилинган хабарда: «Соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда такроран юрак фаолиятининг кескин сусайиши рўй берди, лекин бу тегишли чора-тадбирларни кўриш оқибатида қийинчилик билан бартараф этилди», дейилади. Ва ҳатто! «Кейинчалик юрак-томир бузилишлари анча-мунча камайди, шунга қарамай, умумий аҳвол ҳамон ғоят оғирдир», дейилади. Хуллас, иш жон чиқишгача боряпти-ю, кескин даво чораларигина Сталинни ўлимдан сақлаб турибди, дейишмоқчи бўлишади.

1953 йилнинг 5 мартида Сталин ўлади. Шундан кейин ворислар кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган иш қилишади: Сталин касалига қўйилган диагнознинг ҳамда МҚ раҳбарлигида кўрилган даво чораларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун ўша-ўша, Третяков билан Куперин бошчилигида етти нафар академик ва профессордан иборат буткул янги комиссия тузишади. Комиссиянинг обрўли хулосаси мана бундай: «Жасад ёриб кўрилгандаги натижа И. В. Сталинни даволаган профессор-дўхтирлар қўйган диагнозининг тўғрилигини исботлади. Ёриб текшириш хулосалари мияга қон қуйилиши содир бўлган фурсатдан эътиборан И. В. Сталин касалининг тузалмас тус олганини аниқлади. Кўрилган кескин чора-тадбирлар шунинг учун ижобий натижа бера олмас ва ҳалокатни даф эта олмас эди» («Известия», 7.03.53).

Бу хулосани дўхтирлар бермаган, балки Берия билан унинг шериклари ўзларининг айбсизликларини исботлаш учун олдиндан ҳозирлаб қўйишган эди. Чунки улар били-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шардики, «Сталинни ўлдиришди» деб Василий Сталиннинг ўзигина эмас, бошқалар ҳам даъво қилиб қолишлари мумкин эди. Лекин шунақа хулоса керак бўлганининг ўзиёқ уларнинг сирини ошкор қилиб турарди.

1953 йилнинг 28 февралидан 1 мартига ўтар кечаси Сталинга қарши уюштирилган сарой тўнтариши кўп жиҳатдан Павел 1 га қарши уюштирилган сарой тўнтаришини ва унинг 1801 йил 11 мартдан 12 мартга ўтар кечаси ўлдирилиши ҳодисасини эслатади. Унда золим подшога қарши дворянлар намояндалари исён қилган эди, бунда сталинчи намояндалар «ота ва устоз»ларига қарши исён қилдилар. Булар шундай қилмаса бўлмас эди, чунки Сталин «ўз болаларини ўлдиришга» қатъий бел боғлаган эди. Фарқ ҳам шу ерда: дворян фитначилар Ўрусияни мустабиддан озод этиш учун исён кўтарган бўлсалар, сталинчилар ўзларининг бошларини омон сақлаб қолиш учун исён қилган эдилар.

Павелга қарши фитна қилганларнинг кўпи, агар у тахтдан ўз хоҳиши билан воз кечиши тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекса, жонини омон қўйишга (Павелнинг ўғли Александр фақат шу шарт билан тўнтаришга розилик берган эди) мойил эдилар: Сталинга қарши фитна қилганларнинг ҳам кўпи, агар у ўзининг ҳамма лавозимларидан воз кечса, эҳтимол, уни-да омон қўйган бўлардилар. Лекин Бериянинг фикрича, юзага келган вазиятда тирик Сталиндан ўлик Сталин афзал эди. Фикрининг исботига у ўз салафи — Павелга қарши фитнанинг ташкилотчиси, Петербург ҳарбий валийси граф Паленнинг фитна амалга ошириладиган кечада ўз шерикларига айтган гапини келтириши ҳам мумкин. Ўшанда Пален: «Эсингизда бўлсин, жаноблар, тухумни синдирмай туриб қуймоқ пишириб бўлмайди», деганди.

Ҳатто Павелдан ва Сталиндан кейин янги давр бошлангани тўғрисидаги баёнотлар ҳам бир-бирига ўхшайди. Тож табиий равишда ворисга ўтганида, кўҳна Ўрусиянинг одатдаги анъанасига кўра, ўғил мамлакатни «унутилмас падари бузрукворимиз» бошлаб берган йўлда бошқариши айтиларди, бироқ 1801 йил мартининг 12-куни чиқарилган мурожаатномасида Александр I мамлакатни марҳума малика Екатерина II нинг «дил» ва қонуни бўйича бошқаришини таъкидлади. Бу дегани ҳурфикрлик қарор топади, мамлакатда муросаи мадора ўрнатилади дегани эди. Сталинга қарши фитначилар эса, унинг ўлимидан кейинги илк қарорларида Сталин номини тилга олмаслик билан ундан юз ўгирганликларини билдиришди ва мамлакатни ҳозиргина ўлган «ота, устоз ва доҳий»нинг «буюк кўрсатмалари» асосида эмас, балки «жонажон партиямиз ишлаб чиққан сиёсат»га таянган ҳолда бошқаришга ваъда беришди. Айни чоқда ворислар «парокандалик ва саросималик»ка йўл қўйилмасин деб огоҳлантиришди (кўнгилни тинч қилинглар, ҳеч қанақанги даҳшат бўлгани йўқ, дейишмоқчи бўлишди). КПСС МҚ пленуми, СССР Вазирлар, Кенгаши, СССР Олий Кенгаши Ҳайъатининг 1953 йил 7 март куни ўтказган қўшма мажлиси Қароридан тегишли парча келтирамиз:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Қўмитаси, ССР Иттифоқи Вазирлар Кенгаши, СССР Олий Кенгашининг Ҳайъати партиямиз ва мамлакатимиз учун оғир бўлган ушбу дамларда узлуксиз ва тўғри раҳбарликни таъминлашни партия ва ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси деб билади... бу эса ўз навбатида... ҳеч қанақанги парокандалик ва саросималикка йўл қўймасликни ва шу тариқа мамлакатимиз ички ишлари бўйича ҳам, халқаро ишлари бўйича ҳам партиямиз ва ҳукуматимиз ишлаб чиққан сиёсатни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишни шубҳасиз таъминлашни талаб этади».

Шундай қилиб, ҳокимият алмашиниши тўғрисидаги бу биринчи ва энг муҳими ҳуқуқий ҳужжатда Сталин ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ, аммо мамлакатни қачонлардир бизнинг партияхон «маликамиз» бошқарганларидек бошқаришга ваъда бор эди.

Икки ҳодисани бир-бирига қиёсладикми, охиригача қиёслайлик: граф Пален Ўрусияни ёш подшо биқинида туриб олиб ўзи бошқаришни кўзлаган эди, лекин Александр I уни истеъфога чиқариб юборди. Сталинни тахтдан қулатаркан, Берия тахтга Маленковни номигагина ўтирғизиб қўйиб, Ўрусияни Сталин Ўрусиясидан Берия Ўрусиясига айлантирмоқчи эди, лекин унга панд беришди ва уни ўзининг «душманнинг тиригидан ўлиги яхши» деган фалсафасига таянган ҳолда нариги дунёга жўнатишди.

ТЎНТАРИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛДИ?

Агар Сталинга қарши фитна ҳақиқатан бўлгани исбот талаб этилмайдиган ҳол деб ҳисобланса, тўнтаришнинг ўзи қандай амалга ошгани масаласи ҳалигача Кремлнинг энг пинҳон сирларидан бири бўлиб қолмоқда.

XX съезддан, партияга «МҚнинг ёпиқ хати»дан, 1956 йилнинг бошларида матбуотда эълон қилинган Сталинни фош этувчи бир қатор мақолалардан кейин совет ва чет эл коммунистлари КПСС МҚга хат ва талабномаларни ёғдириб ташлашди. «Модомики Сталин шунақа аблаҳ экан, сизлар нима қилган эдинглар, ахир Сталин сизларсиз ҳеч ким эмас-ку!» деб ёзишарди улар. «Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисидаги» 1956 йил 30 июн қарори чиқарилди. Ўшанда МҚ раҳбарлари орасида Сталинга қарши гуруҳ (тўртлик) бўлганини ва улар қўл қовуштириб ўтиришмаганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

биринчи ва охирги марта тан олди. Шу гуруҳ тимсолида Сталинга қарши кучлар ташкил этилган пайтда: «Партиянинг XX съезди ва МҚнинг Сталин ўлимидан кейин бутун сиёсати очиқ-равшан шаҳодат бериб турибдики, партия МҚси ичида раҳбарларнинг ленинчи бўлаги вужудга келган эди» («Правда», 2.07.56).

Модомики бу «вужудга келган раҳбарларнинг ленинчи бўлаги» орасида Сталин йўқми, демак, «ленинчи бўлак» Сталинга қарши вужудга келган эди. Шундай қилиб, бу «ленинчи бўлак» Сталинга қарши уюшган фитначиларнинг бошқача номи эди, холос. Фитна тан олиняпти, аммо уни амалга ошириш техникаси сир тутиляпти (Сталин ўлимидан ўн йил ўтгачгина Хрушчёв бу сир пардасини қия очди). Ҳозирча биз Ғарб матбуотида пайдо бўлган тахминларни кўриб чиқайлик.

Биринчи ривоят Иля Эренбургга тегишлидир. Маълумки, Эренбург Кремлнинг ўша давр раҳбарлигининг таянчи, қўғирчоғи бўлган. Эренбургга шу топшириқни берар экан, Кремл МҚнинг шахсга сиғиниш тўғрисидаги 1956 йил 30 июн қароридан қандай мақсадни кўзлаган бўлса, бунда ҳам шундай мақсадни кўзлаган, яъни, Сталин «қўпорувчи дўхтирлар» ишини бошлаганида МҚ раҳбарлари қўл қовуштириб ўтиришмаган, деган фикрни ўтказиш эди. Ўзининг ривоятини Эренбург фаранг файласуфи ва ёзувчиси Жан Пол Сартрга сўзлаб беради, бу ривоят фаранг матбуотида юз кўрганидан кейин бутун дунё матбуотини ҳам айланиб чиқади.

Эренбург ривоятининг қисқача мазмуни бундай эди: 1953 йил 1 март куни КПСС МҚ Ҳайъатининг мажлиси бўлади, унда Каганович сўзлайди ва Сталиндан: 1) «дўхтирлар иши»ни холис тергов қилиш бўйича махсус комиссия тузишни; 2) барча жуҳудларни СССРнинг чекка қисмига кўчириш тўғрисида Сталин берган буйруқни бекор қилишни талаб этади. Кагановичи эски Сиёсий бюронинг Бериядан бошқа (?!) ҳамма аъзолари қўллайди. Бу ғайриодатий ва мисли кўрилмаган якдилликдан Сталин олдиндан тайёрланган фитнанинг исини сезади. Ўзини тутг олмай қолган Сталин нафақат шалақ сўзлар билан сўкина бошлайди, балки исёнчилардан шафқатсиз равишда ўч олишини айтиб, уларга дўқ уради. Сиёсий бюро номидан Каганович қўйган қатъий талабга шунақа муносабат бўлишини фитначилар олдиндан ҳисобга олиб қўйган эдилар. Улар яна шуни ҳам билишардики, агар Сталинга қўйиб берилса, биронталари Кремлдан эминэркин чиқмайдилар. Шунинг учун улар ҳалигиндай муносабатга мос огоҳлантирувчи чорани қўллайдилар ва Микоян қутурган Сталинга: «Агар ярим соатдан кейин биз бу бинодан соғ-омон чиқмасак, армия Кремлни ишғол қилади!» деб баёнот беради. Бундай баёнотдан кейин Берия ҳам Сталиндан ўзини олиб қочади. Айниқса, Бериянинг сотқинлиги Сталинни буткул адойи тамом қилади. Каганович бўлса, ўзининг КПСС МҚ Ҳайъати аъзолиги билетини йиртиб, майда-майда қилиб Сталиннинг юзига отади. Сталин Кремл соқчиларини чақирмоқчи бўлади, аммо улгурмайди: уни оғир дард тутади ва ҳушидан кетиб, йиқилади. 2 март куни эрталаб соат олтидагина унинг ёнига дўхтирни қўйишади (бу ривоят батафсил 1956 йил 1 сентябрда «Дие Велт» деган немис рўзномасида чоп этилган).

Эренбургнинг бу «ўқи» билан Сталиндан кейинги МҚ бир йўла уч қўённи уришни кўзлаган эди: биринчидан, Сталин совет жуҳудлари учун ўртоқликнинг янги турини вужудга келтирмоқчи бўлганида биз томошабин бўлиб ўтирмаганмиз; иккинчидан, Сталиннинг ўлимида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор; учинчидан, Берия ҳар доимгидек Сталин билан бирга эди, армия биз тарафда турганини билганидан кейингина сафимизга қўшилди...

Эътибор қилинг, Хрушчёвнинг ҳали келажакда айтилажак ҳикоясидаги сингари Эренбург ривоятида ҳам дўхтирлар Сталиннинг қошига ҳалокатли зарба етганининг иккинчи кунигина киритилади.

Орадан бир йил ўтиб—1957 йили Кремлнинг уюштируви билан КПСС МҚ Ҳайъатининг собиқ аъзоси, КПСС МҚнинг собиқ котиби, кейинчалик эса СССРнинг Нидерландиядаги элчиси бўлмиш Пономаренко чет элда яна бир ривоятни тарқатади. Гарчи Пономаренко моҳиятан Эренбургнинг ҳикоятини тасдиқлаган бўлса-да, у расмий шахс ва МҚ аъзоси бўлгани учун унинг ривоятини дунё матбуоти буюк янгиликдай илиб кетади. Пономаренконинг ривояти бўйича: Сталин 1953 йил февралнинг охирларида МҚ Ҳайъатининг мажлисини чақириб, у ерда «зараркунандачи дўхтирлар» партиянинг кўзга кўринган арбобларини қандай ўлдирганлари ва бундан кейин ҳам шу ишни қачдай давом эттирмоқчи бўлганлари тўғрисидаги кўргазмаларини кўрсатади. Айни чоқда, жуҳуд уруғи борки, ҳаммасини Ўрта Осиёга кўчириш тўғрисидаги ёрлиқ лойиҳасини МҚ Ҳайъатининг тасдиғига ҳавола этади. Шунда Каганович билан Молотов сўз олиб, бунақа кўчириш ташқи дунёга ҳалокатли таъсир этишини айтадилар. Сталин қаҳр-ғазабга тўлади ва лойиҳасига кўнмасликка журъат этган ҳаммани чапарастасига сўка бошлайди. Каганович яна бир марта сўзга чиқади, бу сафар кескин ва муросасиз тарзда гапиради, партбилетини (МҚ Ҳайъатининг аъзолик билетини — А. А.) намойишкорона йиртиб, Сталин олдида устолга ирғитади. Сўзини: «Сталин мамлакатни исподга қолдиряпти!» деб тугатади. Каганович билан Молотовни бошқалар ҳам қўллайдилар, ғазаби тўлибтошган Сталин шунда бирдан ҳушсиз йиқилади—юрак фаолияти кескин сусаяди. Берия буни кўриб ғоят хурсанд бўлади ва: «Мустабид ўлди, энди биз эркинмиз!» деб бақира

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлайди. Лекин Сталин бирдан кўзини очганида, гўё тиз чўкиб, Сталиндан кечиримлар сўрашга тушади. (Берия билан боғлиқ бу сийқа саҳна кўп совет ёлғонномаларида қайта-қайта келтирилган.)

Пономаренконинг ривоятини ёзган муаллиф шундай савол қўяди: «Сталинга ўз ажали билан ўлишга рухсат берилган эдими ёки ичи-мишларда тиришиб ўқтирилаётганидек, унга қарши ворисларнинг фитнаси уюштирилганмиди?»

Эренбургнинг сўзига қараганда, Сиёсий бюро аъзолари уни ўлдириш мақсадида фитна уюштирганларига Сталиннинг ишончи комил бўлган. Фақат, Сталин тасаввурдаги фитначилар билан ҳақиқийларини айириб ололмагани жуда ғалати ва келгусида рўй беражак ҳодисалар назаридан қараганда тушунтириб бўлмайдиган бир ҳолдир. Эренбургники деб тақдим этиладиган ривоятда яна мана шундай дейилади: «XIX съезддан кейин аниқ бўлдики, Сталин восвос касалига мубтало бўлган... У энг катта қонли тозалаш ўтказишга тайёрланаётган, XIX съезд МҚсини буткул қириб юбормоқчи бўлган эди. Ўзаро суҳбатлар чоғи у Ворошилов, Каганович, Микоянлар ўзини ўлдирмоқчи бўлаётганларини айтарди».

Сталиннинг бу гумонлари ва фикрлари унинг кундалик юриш-туриши ва ўз сафдошларига жуда мос келади. Юқорида айтганимиздек, Сталин уларнинг ҳаммасини очиқдан-очиқ хоинликда айблаган.

Сталин ўлими масаласи КПССнинг XXII съездидан кейин тағин қўзғалди. Ҳаммани «шунча жиноят содир қилган мустабид (съездда бу ҳақда нафақат Хрушчёв, балки МҚ Ҳайъатининг барча янги аъзолари ҳам гапиришди) наҳотки ўзининг ажали билан ўлган бўлса», деган савол қизиқтирарди. Сталиннинг ваҳшиёна жиноятлари маълум бўлгани сари, афтидан, партиянинг ҳамияти қўзғаган шекилли, ғазаби туғёнга келиб, нимага бу аблаҳни ўлдириб ташлашмаган-а, дейдиган даражага етган.

1963 йили Хрушчёв, Сталин нимага ўн йил илгари ўлмади деб одамлар ғазабланишаяпти, дея очиқчасига гап бошлади-да: «Улар ҳақ», деб қўйди.

Сталин ўлимидан ўн йил ўтиб, XXII съезддан буён икки йил давом этган сталинчиликка қарши қизғин ташвиқотдан кейин Хрушчёв биринчи бор Сталин ўлимининг айрим тафсилотларини очишга журъат этди. Бу ишни у Полша компартияси намояндалари ҳузурида қилди. Тингловчилар доираси кенгмиди ёки бу ҳам Хрушчёвнинг режаси бўйича уюштирилганми, ҳарҳолда, у айтган айрим янги далиллар Франгистоннинг «Paris Match» мажалласи саҳифаларига ҳам тушди, у ердан айрим изоҳлар билан бирга немис мажалласи «Der Spiegel» кўчириб босди. «Шпигел» ўз таҳлилини: «Бир қатор далиллар шуни кўрсатиб турибдики, Сталин, бир вақтлар расмий хабарлар бизни ишонтирмоқчи бўлганидек, ўз ажали билан ўлмаган. Асло!» деган фикр ила бошлаган.

Хрушчёвнинг бу ривояти воқеаларни мана бундай тасвирлайди: Сталин ўзининг Кремлдаги квартирасида эмас, балки граф Орловнинг собиқ мулки (Кунсеводаги далаҳовли)да ўлади. Ташқи дунёдан буткул ажратилган Сталин бу ерда «ўз қўрқувининг асири» бўлиб қолган эди. 2 мартга ўтар кечаси Сталин соқчиларининг чақируви билан Хрушчёв, Маленков, Берия ва Молотовлар (биз биламизки, улар орасида Молотов бўлмаган, Булганин бўлган —А.А.) далаҳовлига етиб келишади. Соқчилар анчадан буён Сталиндан дарак йўқлигини айтишади. Сталин хоҳишига қараб учта хонадан бирида яшагани, уларнинг ички тузилмаси мураккаб бўлгани учун соқчилар ичкарида нима гаплигини билиша олмайди. Эшикни фақат Сталиннинг ўзи махсус симқувватли мослама ёрдамида очиши мумкин эди. Сталин айнан қайси хонада эканини соқчилар билмагани учун бирма-бир ҳамма эшикни бузишга тўғри келади. Сталинни иккинчи хонадан топишади. У генералисимус кийимида, тирикликдан нишона бермай, ерда ётган экан. Биринчи бўлиб Берия овоз чиқаради: «Золим ўлибди, ўлибди, ўлибди!» деб хурсанд бақира бошлайди. Шу вақт Сталин кўзларини каттакатта очиб қолади. Тирик экан ҳали. Маленков, Хрушчёв ва Молотов учалалари хонадан чиқишади. Ёнида доим заҳар олиб юрадиган Берия ўзининг мустабид ҳокими билан хонада ёлғиз қолади. Орадан беш соат ўтгачгина (гўё йўлларнинг қаттиқ музлаганлиги туфайли) дўхтир чақиришади...

Хрушчёвнинг, полшаликларнинг, фаранг мажалласининг ривояти мана шунақа. Бир нарсани алоҳида эътиборга олиш керакки, бирмунча илгари (1963 йилнинг 8 мартида) Хрушчёв совет зиёлилари вакилларини қабул қилиб, ўша ерда Бериянинг Сталин ўлимидан нафақат хурсандчилигини яширмаганини, балки унинг ажалидан бурун ўлишидан манфаатдор бўлганини тўппа-тўғричасига билдирди. Савол туғилади: агар Сталин ўлимидан битта Берия манфаатдор бўлган бўлса, уни ожиз, оғир бемор ёнида ёлғиз, бунинг устига, қўлида заҳари билан қолдиришдан булар қандай манфаат кўзлашган?..

Биз бу икки бобда Сталиннинг сўнгги кунларини баён қиладиган беш хил талқинни — Эренбургнинг (1956), Пономаренконинг (1957), Ҳарриманнинг (1959), 'Raris Match» мажалласининг (1963) ҳамда Хрушчёвнинг (1970) ривоятларини кўриб чиқдик. Булардан ташқари яна битта — олтинчи хил талқин ҳам мавжудки, уни оқланган эски болшовойлар айтиб юришади. Бу талқинни ғоят мураккаб вазиятларда олишга эришганим учун бу ҳақда ёзишга ҳали эрта...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тириклигида оқланган эски болшовойларнинг кўплари Сталин жиноятларини текширувчи комиссиялар ишида анча фаол иштирок этишган (улардан айримларини камина Масков ва Қофқоздаги ҳаётим давомида шахсан танир эдим). Сталиннинг қандай шарт-шароитда ўлгани биринчи навбатда шу болшовойларни қизиқтирарди.

Албатта, эски болшовойларнинг талқинлари ҳам Хрушчёв талқини таъсирида юзага келган бўлиши мумкин, чунки Хрушчёв улар олдида ўзини маънавий жиҳатдан оқлаб олишни истаган, шунинг учун ҳам унинг ҳикояларида Сталинни даф қилиш ташаббускори сифатида Хрушчёвнинг ўзи намоён бўлади, Берияга эса «қора иш» топширилгани айтилади. Бироқ, Сталин ўлими тафсилотларини таҳлил қилиш чоғимда мен бу эски болшовойларнинг талқинидан фойдаланмадим, фақат «дўхтирлар иши»га тегишли қисмидангана фойдаландим. Нимага? Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, унинг тўғри-нотўғрилигини чет элда туриб аниқлашнинг иложи йўқ; иккинчидан, эски болшовойларнинг ҳикояларининг айрим ўринларида хрушчёвча тарғиботнинг излари кўриниб турибди. Шунга қарамай, у ҳикояларда ҳам ҳақиқатга яқин саҳналар бор.

Бу талқин бўйича ҳам 28 феврал — 1 март воқеалари Хрушчёв ҳикоя қилганидек тарзда кечади: тўртлик аъзолари Сталиннинг ҳузурига келишади, биргаликда тинч ва шод-хуррамлик билан кечки овқатни ейишади, бироқ, бу учрашув асло Сталиннинг ташаббуси билан эмас — балки Маленковнинг таклифи билан уюштирилган эди. Баҳона — Вазирлар Кенгашининг 2 март, душанба куни бўладиган мажлисида кўрилажак масалалар бўйича Сталиннинг кўрсатмалари керак. Бундан бир ҳафта олдин Сталин МҚ Ҳайъатининг Бюросини «зараркунандачи дўхтирлар» устидан суд мартнинг ўрталарида бўлажаги тўғрисида хабардор этган ва уларга СССР Бош прокурори имзо чеккан «Айблов хулосалари»нинг нусхасини топширган эди. Бу ҳужжат, шунингдек, Бериянинг малайи бўлмиш бош прокурор Сафоновнинг Сталин билан суҳбат ҳақидаги шарҳлари доҳийнинг асл ниятларини узил-кесил фош қилиб қўяди. Ҳужжатга қараганда, амриқоликлар уруш пайтлари нафақат Кремлнинг Даволаш бошқармасида, ҳатто МҚ (Лозовский) ва Давлат Хавфсизлиги вазирлиги (Абакумов) ичида ҳам айғоқчилик тармоқларини очиб олган бўлиб чиқарди. Инглизлар худди шу ишни урушгачаёқ қилиб қўйишган, уруш чоғи эса МҚ аъзолари Кузнетсов, Попков, Родионовларни ҳам ёллаб, ўзларининг айғоқчилик тармоқларини янада кенгайтиришганмиш. Армия хусусида Василевский, Говоров, Штеменко, ва Коневларни заҳарлаш мўлжалланганги тўғрисидаги хабардан бўлак ҳеч гап йўқ эди. Лекин шу қисқа сатрлар остидан ҳам гўё Жуков, Воронов, Юмашев, Богданов сингари аламзадаларгина уларни заҳарлашдан манфаатдордир, деган тагмаъно чиқиб турарди. Жданов билан Шчербаковни ўлдиришдан ким манфаатдор бўлган, деган масала очиқ қолган эди. Лекин ҳаммалари билишардики, Берия билан Маленковнинг улар билан муносабатлари ҳеч қачон яхши бўлмаган ва агар Сталин чиндан ҳам Ждановни ўлдирган бўлса, буни у худди Кировни Ягоданинг қўли билан ўлдирганидек, Бериянинг қўли билан амалга оширган.

Хуллас, иш дўхтирлар суди билан чекланмаслиги, балки худди 1937 йилдагидек, Сиёсий бюронинг кўп аъзоларининг ҳам боши кетиши маълум бўлади. Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганинлар бу ҳужжатни синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин, Хрушчёвнинг таклифи билан, аҳволни жам бўлиб муҳокама қилиб олишга келишадилар. Учрашув Масков яқинидаги ўрмонда ов баҳонаси билан уюштирилади.

Сталиннинг саломатлиги ёмонлашгани туфайли партия ва ҳукуматнинг кундалик ишларида иштирок этолмаяпти, шунинг учун ҳамма лавозимларидан истеъфо бериши керак, дея талаб қўйишга қарор қилишади. Лекин, Сталин вақтдан ютиш учун ҳар қандай ҳужжатга имзо чекавериши, кейин эса уларни биттама-битта йўқ қилиб юбориши мумкин-ку. Нима қилмоқ керак? Шунда Хрушчёв Берияга гўё: «Лаврентий Павлович! Бунақа ишларга ўзинг устасан, биз ҳеч балони тушунмаймиз. Айт-чи, нима қилсак Сталин яшайверади-ю, лекин партия ва давлат ишларига аралашмайдиган бўлади?» деган эмиш.

Берия ишорани тушунади ва гапни айлантириб ўтирмасдан: «Қафасдаги Сталин эркинликдагисидан баттар хавфлидир», деб жавоб қилади. Агар Сталиндан узил-кесил воз кечилмаса, ўлимидан кейин ҳам у яна анчагина ишларга аралашавериши мумкин эди-да. Аммо Берия бирор аниқ йўл таклиф этмайди.

Шунда Маленков Сталиннинг истеъфо тўғрисидаги аризасини радио ва телевиденияда ўқишга мажбур этиб, ундан кейин Соловетский оролига олиб бориб қўйиб, бутун дунёдан узиш керак, деб таклиф қилади.

Лекин Берия бу таклифни рад этади, у ва унинг чекистлари фақат марҳум Сталиннинг кафиллигини олишларини айтади. Хрушчёв ҳам Бериянинг оғзидан айнан шуни эшитишни истаган эди. Берия бу таклифни чин дилдан айтади, ахир ўзининг ҳам жони қил устида турган эди-да. Маленков Берия билан Хрушчёвга бир оз иккиланиб қўшилади.

Бир неча кундан кейин Берия ўзининг далаҳовлисига Маленков, Хрушчёв, Булганинни таклиф этиб, майда-чуйдаларигача ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган икки хил — «кичик» ва «мақбул» режаларни уларга баён қилади.

«Кичик режа» четдан куч аралаштирмасдан Сталиннинг истеъфога чиқишини назарда тутарди. Бу режа бўйича, Кунсеводаги далаҳовлида навбатдаги кечки зиёфатлардан бирида Сталинга шундай бир дард хуруж қилсинки, у ўша заҳоти ўлмасин-у, лекин

www.ziyouz.com kutubxonasi

соғайиб ҳам кетмасин ва гувоҳлар олдида, ўзининг фарзандлари ва дўхтирлар ҳузурида ўлсин.

«Мақбул режа»да Сталин ухлаб ётганида (демак, кундуз куни) унинг далаҳовлисини портлатиш назарда тутилган. Озиқ-овқат ниқоби остида портловчи модда олиб кириб, нафақат Сталин яшайдиган иморатни, балки биратўла гувоҳларни ҳам йўқ қилиш учун атрофдаги бошқа биноларни-да портлатиш лозим эди.

«Кичик режа»нинг муваффақияти учун тўрттовлон жавоб бериши керак бўлади, «мақбул режа»нинг муваффақиятини таъминлашни Берия ўз зиммасига олади. Ҳар иккала режада эҳтиёт чоралари ҳам кўриб қўйилган эди: Сталиннинг ашаддий тарафдорларини, айниқса, алоқа ва ахборотни бошқарувчиларни (Алоқа вазирлиги, радио ва телевидение, ТАСС, «Правда» ва «Известия» рўзномалари таҳририятларини), шунингдек, Мудофаа, Давлат хавфсизлиги, Ички ишлар вазирликларидан ва Кремл комендатурасидан кўзга кўринган раҳбарларни қандай қилиб бўлса ҳам Масковдан кетказиш лозим. Айни чоқда, тўрттовлоннинг ишончли тарафдорларини (Жуков ва бошқаларни) Масковга чақириш керак. Сталин далаҳовлисининг, Кремлдаги квартирасининг ва хизмат хоналарининг барча алоқа воситалари белгиланган соатда умумий ва махсус ҳукумат симларидан узилади. Ҳамма машиналар, далаҳовлилар, соқчи ва хизматчилар белгиланган вақтдан эътиборан «мусодара» қилинади. Далаҳовлига элтувчи ва далаҳовлидан қайтувчи ҳамма йўллар тўрттовлондан бошқа ҳамма учун, шу жумладан, МҚ Ҳайъатининг барча аъзолари учун ҳам тақа-тақ ёпилади.

Тўртлик аъзоларининг вазифалари аниқ тақсимланган эди: Берия режанинг «амалий қисми»га, Маленков партия ва давлат аппаратини жалб этиш ишига, Хрушчёв пойтахтга ва алоқа воситаларига, Булганин ҳарбийлар устидан назоратга жавоб берарди. Белгиланган вақт кириши билан тўртлик Сталинни «оғир касал» деб эълон қилиши ва у «буткул соғайиб кетгунигача» ҳокимиятни ўз қўлига олиши лозим эди...

Бу ривоятдаги энг кўзга ташланадиган ҳол фитначиларнинг иккала режани ҳам бирданига тасдиқлаганларидир. Ишни «кичик режа»дан бошлашга қарор қилишди, аммо мабодо ҳаракат барбод бўладиган бўлиб қолса, ўша заҳоти иккинчи режани ишга солиш мўлжалланган эди. Фитна бўлгандан кейин, буткул муваффақиятга эришиш кафолати билан бўлсин-да. Ахир, ўртоқ Сталиннинг ўзи шунга ўргатган («душманга бехато зарба бериш керак»)!

Тўртликнинг Сталин билан 1953 йил 28 феврали оқшомида унинг Кунсеводаги далаҳовлисидаги учрашуви мана шунақа тайёргарликдан кейин бўлган эди. Иш тўғрисида гаплашиб ва тўйиб ичиб олишгач, Маленков, Хрушчёв ва Булганинлар ҳар қачонгидан эрта жўнаб кетишади, аммо уйга эмас, Кремлга йўл олишади. Илгарилари кўп бўлганидек, Берия ўзининг айрим тадбирларини Сталин билан келишиб олиш баҳонасида шу ерда қолади. Мана шу жойда янги одам: бир талқин бўйича, эр киши — Бериянинг мулозими (адютанти), бошқа талқин бўйича, аёл киши — унинг хизматчиси пайдо бўлади. Берия Сталинга Хрушчёвнинг «дўхтирлар иши»га алоқадорлигини исботлайдиган даҳшатли далилларни қўлга киритганини айтиб, ўзининг ходимасини ичкарига чорлайди. Аёлнинг қўлида ҳужжатлар тўла папка бўлади. Берия бу папкани Сталин олдига қўяр-қўймас ҳалиги аёл Сталиннинг юзига тез буғланиб кетувчи аллақандай суюқликни (эфир бўлиши ҳам мумкин) сепиб юборади. Сталин ўша заҳоти ҳушини йўқотади ва аёл унга бир неча бор укол қилиб, секин таъсир этадиган заҳар юборади. Кейин Сталинни «даволаш» чоғида худди шу аёл (яъни дўхтир сифатида) аввалгича миқдорда укол юбориб туради. Мақсад — Сталин тез ўлиб қолмасин, балки аста-секинлик билан ва гўё табиий ўлим билан ўлсин.

Эски болшовойларнинг ҳикояси мана шунақа. Буни эшитганда, бемор Сталин бошидаги куймаланиб юрган сирли аёл дўхтир тўғрисидаги Аллилуева ёзган гаплар ўзўзидан ёдга келади: «Ёш дўхтирлар довдираб теваракка термулишади... Бирдан анави ёш аёл дўхтирни таниб қолдим. Қаерда кўрган эканман? Бир-биримизга бош қимирлатиб қўйдик, лекин гаплашмадик» («Дўстимга йигирма мактуб», 7-бет).

Менимча, Бериянинг ишларида бу аёлнинг хизмати нечоғли экани аниқланса, кўп нарса ойдинлашар эди. Ажаб, Сталин ўлимигача Аллилуева уни қаерда кўрган экан? Сталин ўлимидан кейин ҳам кўрганмикан?

Мазкур талқинлар муносабати билан Александр Солженитсиннинг бир фикрини ҳам келтирсак яхши бўлади: «Сталин ўлими арафасида Бериянинг таҳдидли важоҳатда бўлганига тахминлар бор, Сталин шу одамнинг қўли билан йўқотилган бўлиши ҳам мумкин», деб ёзади А. Солженитсин («Қамоқхоналар салтанати», 1 жилд, 166-бет).

Сталинчи МҚ Ҳайъатининг икки аъзоси ва бир совет ёзувчиси ҳикоя қилган барча талқинларда учта фикр ажабланарли тарзда бир хилдир:

1) Сталиннинг ўлимини Сиёсий бюродан фақат тўрт киши—Берия, Маленков, Хрушчёв ва Булганин қоровуллаб туришади:

2) Сталиннинг ёнига дўхтирлар иккинчи кунигина чақирилади.

3) Сталиннинг ўлимидан шахсан Берия манфаатдор.

Булардан қуйидаги икки мантиқий хулоса чиқиб келади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

1 Сталин дардининг ниҳоятда оғир (ҳушини йўқотган) эканига қарамасдан, тўртлик атайлаб дўхтир чақирмай туради, ўлишига аниқ ишонч ҳосил қилгунча кутади.

2 Дўхтир чақириш ёлғиз Бериянинг ҳукмида экан (хизмат вазифаси тақозосига кўра ҳам шундай бўлиши лозим), у, афтидан, ўзининг хоҳиш-иродасини бажарадиганларни—Сталиннинг ўлишига ёрдам берувчиларни чақирган бўлса керак.

Вазиятдан маълум бўляптики, Кремл Даволаш бошқармасига бу дўхтирларнинг сира ҳам алоқалари йўқ. Ҳарҳолда Аллилуева улардан биронтасини танимайди, Хрушчёв бўлса, фақат профессор Лукомскийни таниганини айтади. Сталинни чақирилган дўхтирларнинг ҳаммаси ҳам текширгани йўқ. Улар қўшни хонада ўтиришган ва, Аллилуеванинг ёзишича, Сталинни қандай даволаш тўғрисида «мажлис қилишган». Дарднинг тадрижи ва унинг кўриниб турган белгилари тўғрисидаги маълумотларни ҳам Бериядан бўлак ҳеч ким танимайдиган дўхтир берган.

Сталин дардининг сабаблари тўғрисидаги тахмин ҳам икки хил бўлиши мумкин: Сталинга дард «зараркунандачи дўхтирлар» масаласида қатъий талаб қўйганларида ва ҳарбий кучларни ишга солиш билан пўписа қилганларида хуруж қилган, ёки Берия Сталинни секин таъсир этувчи заҳар билан заҳарлаган.

Демак, Сталиннинг ўлими—Сиёсий бюродан етган зарбаданми ё Берия берган заҳарданми, деган савол кўндаланг бўляпти.

Ўзига суиқасд бўлиши мумкинлигини Сталин ичдан ҳис этарди, лекин у ўзинан заҳарланишдан қўрқарди. Сталинга қолса, Сиёсий бюро аъзоларининг ҳаммаси заҳар бериши мумкин. Бу борада Хрушчёв жуда кулгили воқеаларни айтиб берган: Сталин сафдошлари билан зиёфатда ўтирса, дастурхондаги ноз-неъматлардан аввал ўзи емас экан, бирор баҳона топиб шерикларини нарсалардан бир-бир тотиб кўришга мажбур қиларкан-да, шундан кейингина ўзи еб-ича бошлар экан. Фақат Бериягина овқатни еб кўришдан қутулган эди, чунки у фақат кўкат ер, кўкатларни эса ёнида олиб юрарди, дерди Хрушчёв.

Хрушчёвнинг Берияни истисно қилиб кўрсатишига унча ишониб бўлмайди. Нега деганда, Хрушчёвнинг аввалги ҳикоясидан бизга маълумки, Бериянинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келишини Сталин биларди. Хрушчёв, афтидан, Берия Сталиннинг ўзини ҳам қандай алдаб кетиши мумкинлигини кўрсатиш учун уни истисно этиб тасвирлаганга ўхшайди.

Сталин ҳаммадан ҳам заҳарланишдан қўрқишни у кўрган эҳтиёт чоралардан ҳам билса бўлади. Нафақат озиқ-овқат билан бирга, балки ҳаводан ҳам заҳар кириб қолмаслиги учун далаҳовли ниҳоятда пухталик билан қўриқланади. Қизи С. Аллилуеванинг ёзишича: «Унинг дастурхонига балиқ махсус хазиналардан, қирғовул ва қўзичоқлар махсус парваришхоналардан келтириларди, гуржи майи ҳам махсус тайёрланарди, мевалар жанубдан учоқлар (самолётларда) етказиб келинарди. Буларнинг ҳаммасини дастурхонга мунтазам тортиб туриш учун давлат ҳисобидан қанча маблағ кетишини, неча улов (транспорт) овора бўлишини у билмасди. Баъзи махсус дўхтирлар унинг дастурхонига қўйилажак барча емишни кимёвий текширувдан ўтказиб туриш учунгина мавжуд эди. Ҳар бир тўғрам нон, ҳар бир бўлак гўшт ёки ҳар дона мева жавобгар «заҳаршунос»нинг имзосию муҳри ила мустаҳкамланган («Заҳарли модда топилмади») махсус «акт» билан қўшиб бериларди. Баъзида Дияков деган дўхтир бизнинг Масковдаги уйимизда ўзининг шиша идишлари билан пайдо бўлиб, «ҳаводан ҳам намуна оларди». («Фақат бир йил». 335-336-бетлар).

Албатта, агар Бериянинг ўзи Сталинни заҳарлашни истаб қолса, бунақа эҳтиёт чоралари ҳам бир пул бўлиб қоларди, чунки Поскребишевнинг «ички кабинети» тормор этилган, генерал Власик ҳам, Сталиннинг барча дўхтирлари ҳам йўқотилган эди. Ўшандан бу ёғига Сталин Бериянинг илтифоти туфайлигина яшаб келди.

«Сталин масаласи» Берия учун аллақачон ҳал бўлган, унга энди муҳими — молотовчиларнинг дўстона хайрихоҳлигини қозониш ҳамда тўртлик аъзоларининг фаол қўлловларига эришиш эди. Берия Сталиндан аламзада одамларни атрофига усталик билан йиға олишини Хрушчёв ҳам инкор этмайди: «Бериянинг Сталин билан муносабатлари сал оғирлашган одамларни осонгина ёллаб олиш одати бор эди,— деб ёзади Хрушчёв.— У ўшанда бунақа одамлардан ўзининг шахсий саргузаштларида фойдаланарди».

Сталинга қарши тўнтаришнинг тадрижи ва натижаси «аламзадаларни ёллаш» усулининг зўр ютуғини кўрсатиб турибди. Ҳал қилувчи дақиқаларда Сталиннинг олдида на содиқ ўғли Василий ва на шахсий дўхтири Виноградов — ҳеч ким бўлмай қолди. Сталиннинг ўлимини Берия ва унинг доимий учала шериги Маленков, Хрушчёв, Булганинлар қоровуллаб ва йўналтириб туришди. Кейинги бу учаласи Сталинга ҳам, Бериягa ҳам хиёнат қилишган эди.

Янош Кадар бошчилигидаги можор (венгер) партия ва ҳукумат делегацияси шарафига 1964 йил июлининг 19-куни уюштирилган митингда Хрушчёв нутқ сўзлайди ва совет диктатори мажбурий ўлим топганини ярим дунё олдида тан олади. «Сталин ўзиникиларни қирарди. Инқилоб ветеранларини овларди. Мана шу зўравонлик учун биз уни қоралаймиз... Мамлакатимиз раҳбариятини ўзгартиришни ва Сталин йўл қўйган барча суиистеъмолликларни ҳимоя қилишни истаётганлар беҳуда чиранмоқдалар... Ҳеч

www.ziyouz.com kutubxonasi

ким уни оқлаёлмайди ҳам... Қора кўппакни ювган билан оқариб қолмайди (Чапаклар). Инсоният тарихида шафқатсиз золимлар кўп ўтган, лекин уларнинг бари ўз ҳокимиятларини болта билан тутиб турганлари боис, ўзлари ҳам болтадан ҳалок бўлганлар». Бутун СССР бўйлаб ва Интервидение орқали бутун Шарқий Оврупа бўйлаб кўрсатилган, Масков радиосидан эшиттирилган бу нутқни «Правда» ва «Известия» рўзномалари кўчириб босаётганида Хрушчёвнинг золимлар тўғрисидаги гапини ўчириб ташлашган, лекин уни СССРдаги ва Оврупадаги милёнлаб кишилар эшитганлар.

Сталин ўлимнинг сири унинг ўлдирилганлиги ё ўлдирилмаганлигида эмас, балки қандай ўлдирилганлигидадир. Сталин ўлсинми ёки Сиёсий бюронинг ҳамма аъзоси ўлсинми деган икки йўл аро қолган Сиёсий бюро аъзолари, охир-оқибат Сталин ўлимини маъқул топишди. Инсонийлик нуқтаи назаридан ҳеч ким бу қарор учун уларни айблай олмайди.

Бу ҳодиса Совет давлати тарихида ҳукумат аъзоларининг манфаати халқ манфаати билан бир келиб қолган ноёб ҳодисалардан бири эди.

БЕРИЯНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Жиноятнинг изини йўқотиш ва ўзини бу жиноятга алоқасиздек қилиб кўрсатиш ҳар қандай қотилнинг табиий интилишидир. Аммо мутлақ ҳокимиятга эга бўлган қотилларгина ўзларини мутлақ оқ қилиб кўрсата оладилар. Изни йўқотиш учун улар кетма-кет янги қотилликларга қўл урадилар — гувоҳлар, бажарувчилар, ўлдирилган шахснинг яқин кишилари бирин-кетин йўқ бўлиб қолаверадилар.

Аммо шахсларга, гуруҳларга, синфларга ва ҳатто бутун-бутун халқларга нисбатан сиёсий қотилликларни ташкил этиш фақат Сталин ва унинг шогирдлари учун олдиндан ўзларини оппоқ қилиб кўрсатадиган жиноятчилик санъатининг махсус тармоғига айланиб қолди.

Сталин нафақат душманларини, балки, агар шахсий манфаати тақозо этса, ўзининг энг яхши дўстларини ҳам ўлдирарди — бунақа золим тарихда сира учрамаган. Менжинский, Куйбишев, Горкий, Оржоникидзе, Кировларни ўлдириб ҳам Сталин оппоқ бўлиб қолаверганининг боиси — ўлганлар унга жуда садоқатли эдилар. Куйбишевнинг акаси (гражданлар урушининг қаҳрамони) ва Оржоникидзенинг акаси (кекса гуржи инқилобчиси) отиб ташланди. Горкийнинг-да айрим ходимлари ва яқин кишилари, жумладан, унинг шахсий котиби отиб ташланди. С. М. Кировнинг ҳамма мулозимлари йўқ қилинди.

Сталин Кировга суиқасднинг гувоҳларини ҳам, қотилликни амалга оширганларни ҳам битта қўймай гум қилди. «Улар Кировга суиқасднинг чинакам ташкилотчилари изини яшириш учун отиб юборилган, деб тахмин қилсак бўлади», дейди Хрушчёв XX съезд минбаридан.

У пайтлар ўйлаб ўтирмасдан ҳаммани йўқ қилишган. Ёзилмаган шундай қонун бор эди: махфий ўлдирилган одам Сталинга қанчалик яқин юрса, шунчалик кўп асос билан унинг теварагидагилар ҳам йўқотилган. Бу «қонун» ҳатто Сталиннинг оиласига ҳам тааллуқли эди: у ўзининг қайнағаси кекса болшовой Сванидзени, божаси, кекса чекист қўмиссари Рединсни отиб ташлади: у урушдан кейин ўғли Яковнинг хотини қўлидан боласини олиб қўйиб сургун қилди; у ўз хотинининг сингиллари — Лениннинг дўсти Аллилуевнинг қизларини қамоққа ташлаттирди. Нимага? Бу воқеалардан ҳайрону лол қолган қизи отасидан, холамларнинг айби нима, деб сўраганида, Сталин ўзига хос бўлмаган самимият билан: «Керагидан ортиқча билишарди», деб жавоб қилган.

Берия Сталин ўлимидан кейин дарҳол мана шунақа «керагидан ортиқча биладиганлар» билан шуғулланишга тушди. Улар тоифасига, Бериянинг шерикларидан ташқари, Сталинни «даволаган» ва «тўғри» даволадилар деб гувоҳлик берган икки комиссия (дўхтирлар) ҳамда Сталиннинг соқчилари ва хизматкорлари кирар эди.

Бу икки комиссия аъзоларидан кўп дўхтирлар Сталин ўлимидан кейиноқ йўқ қилинди. Сталиннинг жасадини ёриб кўришда қатнашган дўхтирлардан бири — профессор Русаков «туйқусдан» ўлиб қолди. Сталин саломатлигига масъул бўлган Кремл Даволаш бошқармаси зудлик билан тугатилди, унинг бошлиғи И. И. Куперин эса қамоққа олинди. СССР Соғлиқни сақлаш вазири А. Ф. Третяковни (у, лавозимига кўра, иккала комиссиянинг ҳам бошлиғи бўлган эди) ишдан бўшатишади, Куперин ва комиссия аъзолари бўлган яна икки дўхтир билан бирга ҳибсга олишади, Воркутага сургун қилишади. Уша ёқда Третяков қамоқ касалхонасининг бош дўхтири лавозимини эгаллайди. Улар орадан бир неча йиллар ўтибгина оқланишади. Берия ўлимидан кейиноқ оқланмаганликлари шуни кўрсатадики, из йўқотиш билан битта Берия эмас, тўртликнинг ҳамма аъзоси шуғулланган.

Сталиннинг Кунсеводаги соқчилари ва хизматчиларини Берия бошқалардан кам қирғин қилмади. Чунки улар Сталин теварагида нималар бўлаётганига шунчаки гувоҳ эмасдилар, балки Бериянинг «дўхтирлари» Сталинни қандай даволашгани тўғрисида ўғли Василийга айтган бўлишлари ҳам мумкин эди.

Агар Сталин, «Ҳукумат баёноти»да ёзилганидек, «КПСС МҚ ва Ҳукуматнинг доиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мий кузатуви остида» ўз ажали билан ўлган бўлганида, ундан кейин Кунсевода Сталиннинг қизи ёзган «антиқа воқеалар» содир бўлмасди:

«Отам вафот этганидан кейин Кунсеводаги хонадон бошидан антиқа воқеалар кечди. Хонадон эгаси вафотининг иккинчи куни, ҳали дафн маросими ўтмай туриб, Бериянинг топшириғига биноан, ҳамма хизматчию соқчиларни, далаҳовлига хизмат кўрсатадиган барчани тўплашди-да, нарсалар бу ердан (қаергалиги номаълум) зудлик билан олиб кетилади, ҳамма далаҳовлини тарк қилсин, деб эълон қилишди. Сабабини Бериядан сўрашга ҳеч ким ботинмасди. Ўзини мутлақо йўқотиб қўйган, нималар бўлаётганини тушунмай қолган одамлар нарсаларни, китобларни, идиш-товоқни, жиҳозларни йиғиштиришди, кўзда ёш билан юк машиналарга юклашди — ҳаммаси қаёққадир, қайсидир омборларга олиб кетилди... Бу ерда қўрққанидан эмас, виждонан ўн-ўн беш йиллар давомида ишлаб келган одамларни кўчага ҳайдаб солишди. Ҳаммани ҳар томонга тирқиратишди. Қўриқчи офицерлардан кўпини бошқа шаҳарларга жўнатишди. Иккитаси ўша кунлари ўзини отиб қўйди. Одамлар нима бўлаётганига ақли етмасди, айблари нимада эканини, нега уларга қарши қирғин бўлаётганини англашмасди» («Дўстимга йигирма мактуб», 21-22-бетлар).

Буларга Берия ҳам худди Сталиндай: «Керагидан ортиқча билишарди», деб жавоб қилиши мумкин эди. Шунинг учун уларни узоқ-узоқ шаҳарларга сургун қилишардики, кейин уларни у ёқда судсиз, шовқин-суронсиз гумдон қилса бўларди.

Дарвоқе, Бериянинг жиноятчи шериклари — Маленков, Хрушчёв ва Булганиндан иборат яна бир гуруҳлар гуруҳи бор эди. Ўзлари жуда унақа буюк шахс бўлмасалар ҳам, энг муҳим соҳаларнинг бошида турардилар — Маленков давлат бюрократиясини, Хрушчёв партия аппаратини, Булганин армияни бошқарарди. Ўзининг қадрига етадиган ҳар қандай босқинчи сингари, Берия ҳам қўлга киритилган ўлжани — ҳокимиятни улар билан бўлишиб олишни ўйларди. Сталинни «даволаш» чоғи иккинчи даражали рол ўйнаган бу учаласи Сталиннинг ўлимидан кейин Бериядан партия ва давлат устидан раҳбарлик қилиш ҳуқуқини олишган эди. Фақат битта айтилмаган шарт билан, Берия давлатда биринчиларни бошқариб турадиган иккинчи шахс бўлишга розилик беради.

Берия политсайгина эмасди. Сиёсатдон сифатида ҳам у ўз ҳамтовоқларидан анча баланд турарди. Сталин билан бирга бутун бир давр ҳам тугаганини, бундан бу ёғига энди фақат Сталинга қарши бўлган одамгина улуғликка кўтарилиши ва давлатни муваффақиятли бошқариши мумкинлигини у англаб етди. Ҳақиқатан, найза билан ўз мамлакатини эгаллаш мумкин, аммо абадий шу найза устида ўтириб давлатни бошқариш ўнғайсизлиги аниқ бўлиб қолди. Ўнғайсиз ҳам гапми...

Албатта, совет расмий тарих асарларида бор барча маълумот Берияга қарши қаратилган, биз ҳам уни қарийб йигирма йил давомида мамлакатнинг бош ёвуз одами сифатида биламиз, шундай ҳолда унинг ўз шахсига тескари одамга эврилиб қолишини тасаввур этиш қийин. Аммо сиёсатда ҳар қанақа кескин ўзгаришлар ҳам рўй бериши мумкин. Ленин ўзидан кейингиларда турлича ўзгаришлар бўлажагини башорат қилиб кетган: «Эврилиб туришлар тарих учун оддий ҳолдир,—деган эди у РКП(б)нинг XI съездида. — Сиёсат эътиқодга, садоқатга ва бошқа зўр руҳий сифатларга таянмайди, буларни бачкана деб билади».

Охир-оқибат Ленининг гапи тўғри бўлиб чиқди — Муссолинининг таъбири билан айтганда, «болшевизм қайта туғилиб, славян фашизмига айланди».

Ленин ўлимидан кейин партия: «Ленинсиз, аммо ленинча йўлдан бораверамиз», деган шиорни олға сурди ва нишонга тўғри урди. Ленин «ҳарбий коммунизм»ни бекор қилган, НЭПни берган, Советларни сақлаб қолган, Давлат Сиёсий Бошқармасини чеклаган, санъатда ижодий уюшмаларнинг сотсреализмсиз, лекин хусусий нашриётларга эга ҳолда яшашига рухсат берган, пролеткултчиларга қарши курашган, ҳамма эркинлик ва ҳуқуқларни тиклашга ваъда берган (партия Дастури)... шундан кейин ўлган эди. Мамлакат унинг йўлидан боришга рози эди. Ҳозир-чи? Ҳозир халққа: «Сталинсиз, аммо сталинча йўлдан бораверамиз», деб айтиб бўладими? Хуфяларидан тинимсиз оқиб келиб турган маълумотлардан Берия Сиёсий бюро аъзоларининг ичида биринчи бўлиб халқнинг бу саволига жавоби қандай бўлишини билди: халқ елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортмоқда, катта ўзгаришларга умидвор бўлмоқда эди.

Берия халқни яхши кўрганидан ё Сталинни ёмон кўрганидан, ва ёки содир этган жиноятлари учун тавба-тазарру қилганидан эмас, балки янгича шароит сиёсати нуқтаи назаридан, шахсий манфаати нуқтаи назаридан мамлакатда ислоҳот ўтказишга, бу ҳаракатни ўзи бошқаришга қарор қилди. Термидорчилар ҳам Робесперни ўлдираётганларида мақсадлари гилётина (қатл машинаси) офатидан қутулиш ва уни тарих музейига топшириш бўлмаган, аммо халқ бу қирғин ҳокимининг ўлимини нақадар шодхуррамлик билан кутиб олганини кўриб, бу англашилмовчиликдан фойдаланиб қолишга, инсонпарварлик ҳаракатини ўзлари бошқаришга қарор қилган эдилар. Хрушчёв Сталинни уч йилдан кейин, XX съездида (1956) нима қилган бўлса, Берия ўша ишларни ҳозироқ бошламоқчи эди. 1953 йил 4 апрелида «зараркунандачи дўхтирлар»ни озод этиб, сохта, уюштирилган далиллар асосида одамларни азоблашнинг сталинча-берияча усулини ўзи танқид қилиб, бу ишни бошлади ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сталинчиликни тугатишнинг бошланишини ва ҳатто «шахсга сиғиниш» иборасининг пайдо бўлишини Хрушчёвга ва XX съездга нисбат беришади, аммо бу—хато. Чунки бу ибора биринчи бўлиб Сталин ўлимидан уч ой кейин, Берия амалда мамлакат ҳокими бўлиб турган маҳалда ишлатилган. «Правда» рўзномаси 1953 йил 10 июн сонида «Коммунистик партия — совет халқининг йўналтирувчи ва раҳбар кучидир» деган имзосиз, аммо, шубҳасиз, МҚ Ҳайъатининг қарори билан босилган мақолада бундай деб ёзган эди: «...омманинг, синфларнинг, партиянинг рўлига ғайри марксча зид қарашлар ва шахсга сиғинишнинг унсурлари каби партия аллақачон қоралаган сарқитлар тарғиботташвиқот ишларида энг сўнгги дамларгача учраб келди, айрим китоблар, мажаллалар ва рўзномалар саҳифаларига ҳам кириб борди. «Мақола яна: «Партия ва давлат раҳбарлигимизнинг кучи унинг кўпчилик бўлиб бошқаришига асосланганидадир», деб қайд этади; «партиямиз сиёсатининг моҳияти» бўлса «Г. М. Маленков, Л. П. Берия, В. М. Молотов маърўзаларида ўз ифодасини топган», дейди.

Бериянинг сталинчиликка қарши бу яширин дастурини Маленков ҳам қўллаган, лекин Хрушчёв қарши бўлган эди, чунки бу дастур Берия билан Маленковнинг обрўларини ошириб юборарди, бу эса Хрушчёвга тўғри келмасди. Айни чоқда, Хрушчёвнинг ҳеч қанақанги ўз дастури йўқ эди, унга фақат Маленков, Берия, Молотовдан иборат янги учликнинг вужудга келиши ёқмасди.

Сталиннинг ҳамма шогирдлари сингари Хрушчёв ҳам, сталинчами ёки ғайристалинчами, бирор дастур эмас, балки ҳокимият муҳим, «партия билан давлат рулини» «у қўллардан» ўзининг қўлига олиши муҳим эди. Хрушчёв кейинчалик шу мақсадига эришганини биз ҳозир биламиз, аммо, ажабки, бу мақсадига у сафдошларидан ҳеч қайсиси бу иш унинг қўлидан келишини хаёлларига ҳам келтирмаганлари учун эришди.

Партиянинг тарихи гўё яна такрорлангандай бўлди. Бир вақтлар, ҳали Ленин тириклигидаёқ бош котиблик лавозимига бир овоздан Сталинни тавсия этишган. Сабаби, уни «ювош» ва истеъдодсиз деб ҳисоблаб, ўзларининг мақсадлари йўлида ундан фойдаланишни кўзлаганлар. Хрушчёвни МҚнинг биринчи котиблиги вазифасини бажариб турувчи қилиб кўрсатганда ҳам партия тахминан яна ўшандай: «Хрушчёв қишлоқи, эси паст, партиянинг мурвати, бундан ҳам ўзимизнинг мақсадларда фойдаланишимиз мумкин», деган хаёлга борди...

Ҳозирча Берия ва шахсга сиғиниш масаласига қайтиб турайлик. Сталинчиликни тугатиш йўлининг биринчи ташаббускори Берия бўлганининг энг зўр далилини биз партиянинг мафкуравий ҳаётидан топамиз. Март ойида, мотам тарақа-туруқлари босилган заҳоти Сталин номи рўзнома ва мажалла саҳифаларидан аста-секин тушиб қола бошлади. Асарларини босиш тўхтатилди. Босилиб чиққан энг охирги асари 13-жилд бўлди. Босишга рухсат этиб, тайёрлаб қўйилган 14 — 15 жилдларнинг нашри ушлаб қолинди, кейин босмаси тарқатиб юборилди. Агар апрел ва май ойларида «Правда» рўзномасининг бош мақолаларида Сталиннинг номи ҳамон кўриниб турган бўлса, майнинг охиридан то 29 июнгача бутун бир ой давомида Сталин фикрига бор-йўғи бир мартагина суянишган! Берия ҳибсга олинганидан кейин эса, Сталин номи фақат бир ҳафта ичида 12 марта — олий мақомдаги ҳамма сифатлари билан қўшиб тилга олинди.

Сталинчиликни тугатиш режасининг бир бўлаги сифатида Берия сохта «сталинча миллий сиёсат»ни ҳам қайта кўриб чиқишни бошлади.

Ташқи дунёнинг диққат-эътибори фақат «дўхтирлар иши»га қаратилган эди, шунинг учун иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларда уюштирилган ўнлаб «миллий иш»ларни биров сезмай ҳам қолди. Бу ишлар ҳам 30-йиллар ўлчовида ташкил қилинган эди: СССРнинг ҳамма миллий жумҳуриятларида «буржуа миллатчилари»нинг ёвуз гуруҳлари қуролланишмоқда, ўз жумҳуриятларини «қардош оиладан» ажратишга тайёрлашмоқда, деган қутқу уйғотилган эди. Ўрисларнинг ўзи 20-йиллар сиёсатининг қурбони бўлиб, тинимсиз хўрлаб келинди, энди уларни «улуғ оға» мартабасига чиқариб қўйиб, майда халқларга қарши қаратилган империячилик таёғини қўлига тутқазишди.

Берия бир томондан империячи жандарм бўлса, иккинчи томондан гуржи шовинисти (чеченлар, ингушлар, балқарлар ва қорачойлар ўз ватанларидан кўчириб юборилганидан кейин, Бериянинг буйруғи билан тоғли Чечения ҳамда Элбурс тоғларини Гуржистон ССР босиб олган) эди, шунинг учун у Совет Иттифоқининг заиф жойи афсонавий капиталистик қуршов эмас, балки ўзи босиб олган халқларнинг икки қаватлама қуршови эканини жуда яхши тушунарди. Биринчи қават қуршов Ўрусиянинг чекка ўлкалари бўлса, иккинчи қават қуршов Шарқий Оврупа эди. Берия миллий сиёсатни лоақал ленинча ўзанга қайтармоқчи бўлди. Яъни, партия ва давлат аппаратини маҳаллийлаштиришга, она тилда иш юритишни йўлга қўйишга киришди. 1953 йил 12 июнда Берия маърузаси бўйича қабул қилинган КПСС МҚ Ҳайъатининг қарори шу мақсадга хизмат қиларди. Унда бундай дейилган:

«КПСС МҚ Ҳайъати қарор қилди:

1) ҳамма партия ва давлат идораларига миллий жумҳуриятлардаги аҳволни тубдан яхшилаш, совет миллий сиёсатини бузишларга чек қўйиш ишлари юклатилсин;

2) маҳаллий миллат кишиларидан раҳбарлик ишларига тайёрлаш ва уларни бу лавозимларга кўплаб тавсия этиш ташкил қилинсин; маҳаллий миллатдан бўлмаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

кадрларни кўтариш тажрибаси тўхтатилсин; бўшаб қолган ҳисобдаги ходимлар, агар улар маҳаллий тилни билмасалар, КПСС МҚ ихтиёрига чақириб олинсин;

3) миллий жумҳуриятларда ҳамма иш маҳаллий она тилида юргизилсин».

Бу иш қарор билан чекланмади. Миллий жумҳуриятларда иккинчи котиблик усулини йўқ қилишга киришилди. Бу усулни Сталин ташкил қилган эди. Шу усул бўйича иттифоқдош жумҳуриятларда партия МҚнинг биринчи котиблари туб миллатдан тайинланарди-да, иккинчи котиб тўппа-тўғри Масковдан келган ўрис бўларди. У маҳаллий халқнинг тилини ҳам, тарихини ҳам, маданиятини ҳам билмас, билишининг кераги ҳам йўқ эди. У Масковнинг кўз-қулоғи эди, холос. Маҳаллий биринчи котиблардан айримларигина ўзларини сал-пал биринчи деб тасаввур қила олишарди (масалан, Туркманистонда Бобоев, Озарбайжонда Мустафоев, Доғистонда Дониёлов, Гуржистонда Мжаванадзелардаги ўзларини унча-мунча ҳоким деб ҳис этишарди, шунинг учун ҳам МҚ уларни ишдан олиб ташлаган). Аслида биринчи шахс иккинчи котиб бўларди, биринчи котиб эса бор-йўғи унинг қўлидаги миллий қўғирчоқ эди. Буни ҳамма билар ва ҳамма кўникиб кетган эди. Миллий жумҳуриятларда шундай лавозимлар борки, унда фақат ўрислар ёхуд ўрислашган маҳаллийлар ўтириши мумкин. Ҳарбий округлар қўмондонлари, гарнизонлар бошлиқлари, чегара отрядларининг бошлиқлари, жумҳуриятлар Давлат хавфсизлиги қўмиталарининг раислари, Ички ишлар вазирлари, темир йўллар ва ҳаво йўлларининг бошқарувчилари, жумҳуриятларнинг алоқа вазирлари, иттифоқ аҳамиятидаги заводларнинг директорлари, МҚларда асосий бўлимларнинг мудирлари шунақа лавозимлардандир. Иттифоқдош жумҳуриятлар Вазирлар кенгаши раисларининг биринчи ўринбосарлари ҳам, барча вазирларнинг ўринбосарлари (агар вазирнинг ўзи ўрис бўлмаса) албатта ўрис бўларди.

Бунақа тасқара улуғдавлатчилик тажрибасидан воз кечилса ва партия-давлат аппаратини маҳаллийлаштириш йўли танланса, бу, энг аввало, партиянинг манфаатига тўғри келишини Берия англаб етди ва эҳтимол, бошқаларни ҳам шунга ишонтирди. Ишни Украина ва Белоруссиядан бошлашди. У жумҳуриятларда ҳатто биринчи котиблар ҳам ўрис кишилардан эди. Украинада Л. Маленковни олиб, ўрнига украин Кириченконы, Белоруссияда Патоличев ўрнига белорус Зимянинни қўйишди. Латвияда иккинчи котиб В. Ершовни латиш В. Крумишин билан алмаштиришди.

Аммо бошқа жумҳуриятларга навбат етмай қолди: 26 июн куни Берияни қўлга олишди. Бошқа айблар қаторида уни сиёсатда «буржуача миллатчилиги» асосланганликда айблашди, мисол тариқасида Украина, Белоруссия ва Латвия келтирилди!

Шундай қилиб, чекка ўлкаларда сталинча миллий сиёсат аввалгидай қолаверди.

Умуман сиёсий ҳаётда ва хусусан миллий масалада сталинчиликни сиқиб чиқариш — мана шу икки улкан масала асосида Берия ўзининг янги дастурини ўрнатмоқчи бўлган эди.

Бироқ ҳали халқ ҳам, партия ҳам Бериянинг дастурини билмасдан туриб, Хрушчёв унга қарши фитна бошлаб юборди. Мана, ўзининг иқрори: «Ҳайъат Бериянинг Украина ҳукумат идораларидаги миллий таркиб тўғрисидаги баёнотини муҳокама қилишга киришди. Бериянинг ғояси бўйича, маҳаллий (ўрис бўлмаган) кадрлар ўз жумҳуриятларини бошқаришлари лозим эди... Кейин баёнотда Болтиқбўйи жумҳуриятлари ва Белоруссия масаласи ҳам кўтарилди. Иккала ҳолда ҳам жумҳуриятлар раҳбарлигига маҳаллий миллат вакилларидан кўтариш йўриғи таъкидланган эди. Биз ҳар бир жумҳуриятнинг биринчи котиблиги лавозимини ўрис эмас, маҳаллий миллат вакили эгаллаши лозим деган қарорга келдик. Бу масалада Бериянинг тутган йўли тўғри бўлгани учун ҳам шундай қарор қабул қилинди, лекин у аслида партияга зид мақсадларни кўзлаган эди. У ўрис бўлмаган жумҳуриятлар раҳбарлигида ўрислар салмоғининг ортиқлиги тажрибасини тугатишга чақирарди. Бу йўл партиянинг йўлига мувофиқ эканини ҳамма биларди, аммо одамлар аввалига Бериянинг бу ғояни ўрислар билан ўрис бўлмаганлар ўртасида ва Масковдаги марказий раҳбарлик билан жумҳуриятлардаги раҳбарлик ўртасида миллий кескинликни кучайтириш мақсадида илгари сураётганини англаб етмади. Шу муносабат билан мен Маленковни бир чеккага тортдим-да: «Менга қара, ўртоқ Маленков, бу қаёққа бошлаётганини кўрмаяпсанми? Биз фалокатга қараб боряпмиз. Берия пичоғини қайраяпти», дедим. — «Рост, лекин нима қилмоқ керак?» — «Қаршилик қилиш фурсати етди, — дедим мен. — Биз у қилаётган ишларга йўл қўймаслигимиз керак» (Хотираларидан).

Қолаверса, Хрушчёв Берияга қарши фитнани ҳали Сталин ўлим тўшагида ётгандаёқ бошлаганини эслайлик. Бериянi Сталиннинг ўлимидан хурсанд бўлганликда айблаганини ҳам кўриб ўтдик, лекин Хрушчёвнинг ўзи ҳам хурсандлигини зўрға тутиб тургани аниқ. Рост, унинг қувончи тўлиқ эмасди, чунки у Сталиндан ёмон қўрқарди, лекин ҳозир Бериядан баттар қўрқарди.

Берияни қандай қилиб Сталиннинг орқасидан жўнатса бўларкин-а? (Шундай қилса, унинг биринчи ва охирги ҳамфикри бўлмиш Маленковни ҳам четга суриш мумкин бўларди.) Хрушчёв бундан бу ёғига ўзининг қайнаб турган бутун қувватини ва табиат ато этган фавқулодда айёрлик истеъдодини мана шу масалани ҳал қилишга бағишлади. Сталин ўлимидан кейин вужудга келган аҳволни у ғоят қайғули оҳангда тасвирлайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сталин ўлган чоғда у бизга нотинчлик ва қўрқувни мерос қолдирди. Бу қўрқув ва нотинчлик орамизда доимий яшаб қолишини ҳаммадан кўра Берия истарди. Мен анчадан бери Берияга ишонмасдим. Берияни мен ташқи сиёсатда найрангбоз сифатида баҳолашимни Маленков билан Булганинга кўп марта айтганман. У ўзининг аҳволини мустаҳкамлаш билан банд эканини ва энг муҳим лавозимларга ўзининг одамларини қўяётганини билардим» (Хотиралардан).

Хрушчёвнинг сўзларига ишонмасликка бизда ҳеч қанақа асос йўқ. Чунки ҳақиқатан у, айнан шу Хрушчёв — Сталинга қарши фитнада Бериянинг шериги — ўша заҳоти, яъни ўлаётган Сталиннинг боши устидаёқ Берияга қарши фитнага олов ёққан эди. Шуниси диққатга сазоворки, Берияга қарши аввал тўртлик аъзолари билан тил бириктирди, кейин Сиёсий бюронинг бошқа аъзоларини ҳам осонгина ёллай бошлади.

Совет фуқаролари 1953 йилнинг 10 июлида «Правда» рўзномасида қуйидаги хабарни ўқиб, ҳайратга тушишди:

«Яқинда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг Пленуми бўлиб ўтди. КПСС МҚ Пленуми МҚ Ҳайъатининг Л. П. Бериянинг чет эл капитали манфаати йўлида Совет давлатини кучсизлантириш ва СССР Ички ишлар вазирлигини Ҳукуматдан ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан устун қўйиш йўлида хиёнаткорона уринишга қаратилган партияга ва давлатга қарши жиноий ҳаракатлари тўғрисида ўртоқ Маленков ўқиб берган маърузасини муҳокама қилиб, Л. П. Берияни КПСС МҚ таркибидан чиқариш ва уни Коммунистик партиянинг ва совет халқининг душмани сифатида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларидан ўчиришга қарор қилди».

Берия МҚнинг бу Пленумида иштирок этмаган, шунингдек, декабр ойида ўзининг устидан ўтказилган судда ҳам қатнашмаган. Суд одатдаги томоша тарзида ўтади, бунақа судларни Берия бошқалар устидан кўп маротаба ўтказган. Битта фарқи — энди буниси тирик одам устидан эмас, жасад устидан уюштирилган эди, холос.

Хрушчёв чет эллик суҳбатдошларига Берия қандай қўлга олинганию қандай қатл этилгани тўғрисида кўп гапириб берган. Берияни бевосита жисман ўлдирган қотиллар сифатида унинг турли ҳикояларида турли шахслар кўрсатилади, лекин ҳикояларнинг мағзи доим бир хил.

Битта ҳикоясига қараганда, Бериянинг тугатилиши бундай бўлган. Хрушчёв олдин Маленков билан Булганинни, кейин МҚ Ҳайъатнинг ҳамма аъзосини йўқ қилиб юборишига ишонтиради. Эҳтимол, ҳамма ҳам шундай ўйлаб юргандир-у, бир-бирларига айтишдан чўчиб келишгандир. Хрушчёв қўрқмади. Гап осон, уни амалга ошириш қийин эди. Энг рисоладаги йўл МҚ Ҳайъатида ёки унинг пленумида Берияга қарши қўйилган айбларни муҳокама қилиш, лекин бу сиёсатга мутлақо тўғри келмасди. Шунинг учун ҳам тўғри келмасдики, Берия ўзига қарши қўйилаётган айблардан хабар топган заҳоти зудлик билан давлат тўнтариши қилиб, барча рақибларини отиб ташлаши мумкин эди. Яна ўша — барча ифлосларнинг энг синалган қуроли — алдов, пистирма ва тузоққина қўлланадиган бўлди. Бу борада Бериянинг ўзи бениҳоя уста эмасми, демак, устомонларча алдовни айёрона тузоқ билан уйғунлаштириб юбориш лозим эди. Шунинг учун Берияга қарши операция муддатини Совет Армиясининг ёзги ўқув тайёргарлиги ўтадиган вақтга тўғрилашади. Масков ҳарбий округининг ўқув-тайёргарлик ҳаракатларида (агар Масков дивизияларида Бериянинг тарафдорлари бор чиқиб қолса, ҳар эҳтимолга қарши) бир неча Сибир дивизиялари ҳам иштирок этиши лозим эди. Вазирлар кенгаши мажлисига мудофаа вазири, унинг ўринбосарлари ва Бош штаб бошлиғи ўқув ҳаракатларининг бориши тўғрисида ахборот беришлари керак бўлгани учун кўп ҳарбийлар таклиф этилади. Бу мажлиснинг кун тартиби ҳар хил қарорлар лойиҳалари ва таклиф этилган маърузачилару экспертларнинг номлари битилган қоғозлар билан бирга, одатдагидек, Вазирлар кенгаши аъзоларига олдиндан юборилади. Хуллас, ҳаммаси эскичадай. Ҳамма келади. Ҳукумат аъзолари Вазирлар кенгашининг мажлислар хонасига йиғилишади, таклиф этилганлар, шу жумладан ҳарбийлар ҳам, яна ўша эскича одатдагидек, кутув хонасига жойлашишади (таклиф қилинганлар, ўзларига боғлиқ масала кўрилаётгандагина ичкарига чорланади). Муҳокамага Совет Армиясининг ўқув машғулотларининг бориши биринчи масала қилиб қўйилади. Мажлислар хонасига маршал Жуков билан Масков ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал Москаленко бошчилигидаги бир гуруҳ ҳарбийлар киришади. Маленков МҚ Ҳайъати билан Вазирлар кенгашининг қўшма мажлисини очиқ деб эълон қилади ва ўша заҳоти Жуковга қараб:

— Ўртоқ Совет Иттифоқининг Маршали, Совет ҳукумати номидан сизга халқ душмани Лаврентий Павлович Берияни қамоққа олишни таклиф қиламан, — дейди.

Ҳарбийлар Берияни қўлга олишади ва қўшни хонага олиб чиқиб кетишади. МҚ Ҳайъати унинг келгуси тақдири тўғрисидаги масалани муҳокама қила бошлайди.

Шундан кейин биз бир-биридан мураккаб, бир-биридан ёқимсиз икки йўл аро туриб қолдик, деб ҳикоя қилади Хрушчёв. Берияни қамоқда ушлаб туриб рисоладаги тергов ўтказайликми ёки шу заҳоти отиб юбориб, кейин ўлим ҳукмини ҳужжатлаштириб қўяйликми, деб бошимиз қотди. Биринчи тўхтамга келиш хавфли эди, чунки Бериянинг орқасида бутун бошли чекистлар аппарати ва ички қўшинлар турарди ва улар Берияни осонгина қутқариб олишлари мумкин эди. Иккинчи тўхтамга келишга ва Берия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни зудлик билан отиб ташлашга бизнинг ҳуқуқий асосимиз йўқ. Иккала йўлнинг ҳам яхши ва ёмон томонларини узоқ ва ҳар тарафлама муҳокама қилганимиздан кейин шундай қарорга келдик: Берияни зудлик билан отиб ташлаш керак, чунки ўлик Берияни деб биров исён кўтариб ётмайди. Бу ҳукмни ижро этувчи шахс Хрушчёвнинг ҳикояларида бир гал генерал Москаленко, бошқа гал Микоян, учинчи гал эса ҳатто Хрушчёвнинг ўзи бўлгани айтилади. Берия ишини тергов қилганимизда, биз уни отиб ташлаганимиз тўғри бўлгани аниқланди, деб доим таъкидлаб қўярди Хрушчёв ҳикоясининг охирида.

Т. Витлин ўзининг Берия ҳақидаги рисоласида бундай ёзган:

«Москаленко ёки Хрушчёв томонидан отиб ташланганми, томоғидан ғиппа ушлаган уч генерал ёрдамида Микоян ёки Молотов томонидан бўғиб ўлдирилганми (бунақа нақллар ҳам бор) — аниқ бир нарса дейиш қийин. Яна, 27 июн куни ундан бошқа Ҳайъат аъзоларининг бари Катта театрда «Декабристлар» операсини томоша қилаётган чоғи, у шу театрга келаётганда йўлда ҳибсга олинганми ёки Полша элчихонасидаги қабул маросимидан кейинми ёхуд МҚ Ҳайъатининг мажлисидами — бу ҳақда ҳам бир нарса айтиш қийин... Хрушчёв Бериянинг ўлими тўғрисида бир неча талқин тарқатгани учун ва ҳар бир кейингиси олдингисидан фарқли бўлавергани учун улардан биронтасига ҳам ишониш қийин.

Берия 27 июн куни қўлга олинган, деб ҳисоблашади. Исботига унинг юқорида биз айтган опера томошасида иштирок этмагани далил қилиб келтирилади. Лекин театрда Бериясиз ўтирган ҳукумат аъзоларининг рўйхати чиққан «Известия» рўзномасининг ўша сонида «Партия ва халқнинг ажралмас бирлиги» деган катта сиёсий мақола босилган ва у ерда Берия номи партия ва давлат раҳбарларидан бири сифатида тилга олинган. Бироқ мақола аслида сталинчиликни тугатиш сиёсатига ва Бериянинг миллий дастурига қарши қаратилган. «Коммунизм ҳақидаги ленинча-сталинча фан» тўғрисидаги, «миллатчилик ва ҳавойичилик (космополитизм) сингари буржуача мафкурага қарши» курашнинг зарурлиги тўғрисидаги ва «партия совет кишиларини бепарволик ва боқибеғамлик касалидан ҳамиша огоҳлантириб келмоқда, коммунистларни ва барча меҳнаткашларни юксак сиёсий ҳушёрлик руҳида, ички ва ташқи душманларга қарши курашда муросасизлик ва қатъийлик руҳида тарбияламоқда», дегандек таниш иборалару баландпарвоз ифодалар тағин такрорланган. Тил услуби жиҳатидан бу мақола Сталиннинг Берияга қарши ёзган («Правда», 13,01.53) мақоласи билан бир хилдир!

Берияни раҳбарлардан бири сифатида нега тилга олишгани номаълум. «Известия» таҳририяти Бериянинг аслида бу мақола чиқмасидан бир кун бурун, яъни, СССР Прокуратураси хабар қилганидек («Правда, 17.12.53), 1953 йил июнининг 26-куни қамоққа олинганини билмаслиги мумкин эмас.

Берия билан унинг олти нафар ёрдамчиси устидан суд «томошаси» 1953 йил декабрининг 18-23-кунлари ўтказилади. Ҳукмда Бериянинг 1919 йилдан то қамалгунча чет эл айғоқчиси (Озарбайжонда мусоватчи, Гуржистонда меншевик, СССРда инглиз хуфяси) бўлгани айтилади. Бундан ташқари яна Берия ҳокимиятни қўлга олиб, СССР ички ишлар вазирлигини кейинчалик «капитализмни тиклаш ва буржуазия ҳукмронлигини ўрнатиш» учун партия ва ҳукуматдан юқори қўймоқчи бўлгани; «совет халқи фаровонлигининг ошувига» қаршилиги ва «мамлакатимизда озиқ-овқат қийинчилигини вужудга келтириш мақсадида Партиянинг муҳим тадбирларни амалга оширишига халақит бергани ва йўлни тўсгани» саналган. «Судланувчи Л. П. Берия ва унинг ҳамтовоқлари иттифоқдош жумҳуриятларда буржуача миллатчи унсурларнинг қолдиқларини фаоллаштириш мақсадида қатор жиноий тадбирлар ўтказишга интилдилар», «Суд жараёнида маълум бўлдики, судланувчилар Л. П. Берия, В. Н. Меркулов, В. Г. Деканозов, Б. З. Кобулов, С. А. Гоглидзе, П. Я. Мешик ҳамда Л. Е. Влодзимирскийлар ўзларининг Ички ишлар Халқ Қўмиссарлигидаги, Давлат хавфсизлик вазирлигидаги—Ички ишлар вазирлиги идораларидаги хизмат мавқеларидан фойдаланиб, Коммунистик партия ишига ва Совет ҳокимиятига содиқ ва ҳалол кадрларни қириб юбориш ниятида қатор оғир жиноятлар содир этдилар». Санаб ўтилган бу ҳамма жиноятларда судланувчилар ўзларини айбдор деб тан олдилар. 23 декабр куни суд уларни ўлимга ҳукм қилди. Ўша куниёқ улар отиб ташланди.

Холис кузатувчи бу айблов ҳукмида чин ҳақиқат қип-қизил ёлғон билан аралашқуралаш бўлиб кетганини осонгина сезиб олади. Берия билан унинг ҳамтовоқлари (салафлари ҳам, ворислари ҳам) халқ душмани эканликлари ҳақиқат, аммо улар ўзларининг сиёсий политсайларини партия ва давлат устидан ҳукмрон қилмоқчи бўлганлари ёлғондир. Бундай қилишларига ҳожат йўқ эди, чунки шундоғам у партия ва ҳукумат устидан йигирма йилдан бери ҳоким эди. Мазкур суд иши декабр ойида бўлиб ўтгани тўғри, лекин унда Бериянинг ҳам иштирок этгани ёлғон. Ҳамма нарсадан хабардор ва Берия қирғинидан шахсан жабр кўрган С. Аллилуева, масалан, Берия устидан бўлган суд ҳақида бир оғиз ҳам ёзмаган. Аксинча, унинг ёзувларидан Берия ҳибсга олинган заҳоти ўлдирилгани билинади: «Берия 1953 йил июнида қўлга олиниб, зудлик билан отиб ташлангач, бироз муддат ўтиб, ҳукумат унинг «жиноятлари» ҳақида узундан-узоқ махфий ҳужжат тарқатди. Партия йиғилишларида уни ўқишнинг ўзига уч соатдан кўп

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақт кетди. Берия «империализм фойдасига халқаро айғоқчилик» билан шуғулланганликда айбланганидан ташқари, МҚнинг махфий хатининг ярмидан кўпи унинг «ахлоқсиз қиёфаси»ни фош этишга бағишланган эди. Партия терговчилари энди ўзларига хавф сола олмайдиган рақибларининг чиркин кўрпасини оғизда сўлак билан титкилаб чиқдилар ва ҳалигача ҳеч бир партия йиғилиши бу қадар қизиқарли бўлмаган эди: тахтдан ағдарилган «доҳий»нинг ишрат саргузаштлари бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилинарди. Фақат, МҚ коммунистлар оммасига бу билан нима демоқчи бўлгани номаълум, чунки сиёсатга у гапларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Партия ичидаги ўзаро курашларга ҳам алоқасиз. Ҳужжат одамларга ҳеч нарсани англатмайди, ҳеч нарсага ишонтирмайди ҳам — фақат, МҚдаги риёкорлар ўзларининг ифлос табиатларини кўрсатганлар, холос. 1953 йилдан кейин Бериянинг хотини билан ўғлини Масковдан Ўролга сургун этдилар» («Фақат бир йил», 357-358-бетлар).

Суд вақтида Берия тирик бўлмаганига анчагина ишончли бўлган манба — «Полша Катта аралаш қомуси» ҳам далилдир. Унда ёзилишича, Берия 1953 йилнинг июнида отиб ташланган.

Сталин суҳбатлардан бирида: «Бепарволик бизнинг одамларга теккан аҳмоқона касалликдир», деган эди. Бериянинг ифлослигини назарга илмай, ўзи ҳам мана шу касаллик қурбони бўлиб кетди. Бериянинг ўзи-да худди шу касалликдан ҳалок бўлди. Фақат, энди у ўзининг ифлослигига ортиқча баҳо бериб юборган эди.

Мартин Лютернинг: «Мен шу ерда тураман, бошқачаси қўлимдан келмайди, Мени худо қўлласин», деган машҳур сўзлари бор. Сталин шу сўзларни озгина ўзгартириб, ўзининг туриш-турмушига шиор қилиб олди. Лютер лўндагина «Худо» деган бўлса, Сталин уни «тарих худоси» деб ўзгартирди, холос. Болшовойлар: «Мен Сталин эмасман, лекин Сталинда мен ҳам борман», деб юришарди. Ўз шахсини бутун партиянинг бунақа тимсолига айлантириб олгани кўп жиҳатдан Сталиннинг қўл-оёғини боғлаб қўйган эди. Энг даҳшатлиси, ўзини худо деб билган Сталин хато қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Биринчи хатоси охирги хато бўлишини у биларди, чунки ўша хато туфайли бу «худо»ни тахтдан қулатишади. Худди шундай бўлиб чиқди.

Тифлис Дантони барибир башоратчи экан...

Русчадан таржима («Новый мир» мажалласининг 1991 йил 5-сонидан олинди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАНЖИРБАНД ГЎША

Дадахон Нурий. Шаҳар тегирмони. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1990.

Қадимда одамлар табиатдан нажот кутишга, дарё ва денгизлардан, дарахтлар ва ҳайвонлардан шафқат сўраб, кўкка илтижо қилишга мажбур эди. Эндиликда эса табиатнинг ўзи инсон ёрдамига муҳтож бўлиб турибди. Истеъмолчилик хуружлари кўламида табиатни бўйсундиришга қаратилган тадбирлар халқларнинг бошини гангитди: тоғлар емирилди, дарёлар тескари оқизилди, чўллар тароватидан файз кетди, ҳаво ва сувлар булғанди, одамлар касалланди... Сўлим гўшаларнинг манфаат бандалари томонидан оёқ ости қилинаётгани қалби адолат туйғусига ташна қалам аҳли эътиборини ҳамиша тортиб келган.

Ёзувчи Дадахон Нурий ижодини кузатар эканмиз, табиатни асрашга даъват унинг эътиқодига айланганини кўрамиз. «Шаҳар тегирмони» деб аталган қисса, ҳикоя ва публицистик мақолалар тўплами ҳам фикримиз шоҳидидир.

Дадахон Нурий «Шаҳар тегирмони» қиссасида беғубор болалик туйғулари орқали кекса авлод кишиларининг табиатга, боғ-роғларга, мева-чеваларга алоҳида муҳаббат билан қараганини холис тасвирлайди. Уруш жароҳатларини бошидан кечирган Деҳқонбува кичкинтойларда боғбонликка ҳавас уйғотади, уларга мева-чева улашиб эътибор топади. Болалар Қичқириқ бўйида гувиллаб ишлаб турган шаҳар тегирмони аҳамиятини ҳам Деҳқонбува орқали билиб оладилар. Қиссада боғ-роғларга бурканган маҳалла, шовуллаб оқиб турган Қичқириқ ариғи бўйларида кечган болалик ўйинқароқликлари ажиб бир тарзда тасвирланган.

Воқеалар «тугуни» Деҳқонбува боғига ва шаҳар тегирмонига «ҳужум»дан бошланади. Боғни текислаб, ўрнига корхона қурмоқчи бўлган шаҳар ҳокимлари ҳеч ким билан ҳисоблашмайдилар, «юқори»нинг топшириғини адо этишга киришадилар. «Ҳужум» бошида Раҳимов, Толмасов деган кишилар туради. Деҳқонбува, маҳалла фаоллари, болаларнинг саъй-ҳаракатлари бекор кетади. Масала раҳбарлар фойдасига ҳал бўлади...

«Шаҳар тегирмони»да воқеалар бола тилидан баён этилади. Афсуски, кўп ўринларда болаларча фикрлаш меъёри бузилган. Бола ҳамма воқеа-ҳодисаларга катталардек муносабатда бўлади. Қиссанинг асосий қаҳрамони Деҳқонбува воқеаларга фаол қатнашмайди, унинг ҳақида бошқалар сўзлайди. Шунингдек, Деҳқонбуванинг боғбонлиги ҳақида кўп айтилади-ю, лекин унинг руҳий олами таҳлил этилмаган. Раҳимов, Толмасовнинг табиатга тажовузкор одамлар экани ҳам чуқур очилмаган. Қисса эртак услубида якунланган: воқеалар занжирида узилиш бўлиб, Миржалол тез улғаяди, шаҳарнинг етакчи меъмори бўлиб етишади ва Деҳқонбува боғини тиклаш учун лойиҳа тайёрлайди. Деҳқонбуванинг урушда кўрган-кечирганлари акс этган тафсилотлар ҳам асар мазмунига сингиб кетмаган.

Қиссада бадиий санъаткорликдан кўра, публицистика устунлик қилгани ёрқин сезилади...

Ҳеч бир ёзувчи адолат топталган жойда жим турган эмас. Дадахондаги мана шу хусусият кейинги йилларда уни бадиий мақоланавислик жабҳасига тортди ва номини элга танитди. Унинг Бўстонлиқ табиатини асраб қолиш, Тошкент шаҳри экологияси муаммоларига оид мақолалари қўлдан қўймай ўқилдигина эмас, аввало халқнинг кўзини очди, идоравий манфаатпарастликнинг илдизларига болта урди, баъзи раҳбарлар, олимларни «ташвиш»га солди десак янглишмаймиз.

Қаламкаш «Бўстонлиқни қутқаринг!» деган туркум мақолаларида пурвиқор тоғларию гўзал, хушманзара боғ-роғлари билан асрлардан бери яшаб келаётган Бўстонлиқнинг бугунги кунда ўйламай тузилган режалар, тажовузлар оқибатида завол топаётганини, ҳалокат ёқасига келиб қолганини далил-рақамлар, мулоҳаза ва мушоҳадалар, суҳбатлар асосида таъсирчан баён этади. Ёзувчи бу шафқатсизликнинг илдизларини тадқиқ этади. Табиатни топташга қўйилаётган қадамларнинг бошида маъмурий-бошқарув идоралари турганини бир неча мисолларда кўрсатиб беради. Ана шундай идораларнинг вакиллари оёқ тираб ёзувчи фикрига қарши чиқадилар, турли-туман иқтисодий фойда, хаёлий манфаатларни рўкач қиладилар, кўп ҳолларда табиатнинг топталаётганини кўр-кўрона рад этадилар. Ёзувчи ана шу «раддия»ларнинг рост-ёлғонлигини холисона тасвирлайдики, унинг фикрлари ўқувчиларни лоқайд қолдирмайди. Шулар баробарида муаллиф идоравий «корчалонларнинг янги лавозим, мўмай мояна, шинам қабулхоналар, мукофоту обрў-эътиборлар йўлида табиатга қараб қўл силтовчи, яна аллақачон ўз кучини йўқотган талқину шиорларни кимлардандир ҳимоя қилувчи ва шу билан ғурурланувчи мутассиб шахслар»нинг (С. Залигин) ғайриинсоний хатти-ҳаракатларини, Ғазалкентда қурилмоқчи янги «шаҳар корхоналари» истиқболсизлигини кескин ва бироз аччиқ тилда қоралайди. «Ўзбекхимпром»га қарашли ва асбобсозлик заводлари қурилиши тўхтатилиб қолганда ҳам экологик аҳвол мушкуллигича қолаверади. Зеро, Чирчиқ дарёсига тўкилаётган заҳарли оқава 230 миллион куб метрдан кўпроқ, сувда сульфид нормадан етти, магний тўрт баравар зиёддир. Шуни кўра-била туриб ҳайбаракаллачилар «Ғазалкентни Чирчиқ каби саноат шаҳрига айлантирамиз», деган шиор билан идорама-идора елиб-югурганига ажабланасан, киши. «Бу кураш усули менга бундан ўн йил олдин «Помир» журнали саҳифаларида босилган давра суҳбатини эслатади, — дейди Дадахон Нурий. — Ўша суҳбат журнал редакциясида Иттифоқимизнинг бир гуруҳ таниқли публицист-ёзувчилари иштирокида ўтказилган бўлиб, мавзу тоғли Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи ва унинг келажакда атроф-муҳитга етказадиган зарарлари, келиб чиқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган хунук оқибатлар ҳақида эди. Ўшанда ҳам худди ҳали ўзи йўқ заводнинг директори жонини жабборга бериб «курашган», юқори идоралардан паноҳ излаган, ниҳоят завод ҳақида ҳеч ким, ҳеч нарса билмаслиги, ёзмаслиги хусусида кўрсатма берилишига эришган эди.

Бироқ журнал раҳбарлари кўрсатмага хилоф йўл тутганликда айбланиб, жазоланадилар. Аммо ўша пайтлардаёқ улар келажакни кўра билганликлари ҳозир ҳаммага аён!.. Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи муаммоси шу кунларда бутун регион учун Орол, Бўстонлиқ муаммосига ўхшаб, кўндаланг бўлиб турибди».

Дадахон Нурий Бўстонлиқ табиатини яксон этишга киришган идоравий корчалонларнинг хатти-ҳаракатларини кўрсатар экан, масаланинг бу тарзда кескинлашувига халқимиздаги лоқайдлик касаллиги ҳам маълум ўрин тутганлигини эътибордан соқит қилмайди.

Китобдаги маълумотларга кўра, Бўстонликда 200 дан зиёд дам олиш маскани, кашшофлар оромгоҳлари мавжуд. Тошкентда неки идора бор, ҳаммаси Бўстонликда «дам олиш зонаси», пансионат, оромгоҳ қуриб олган. Чимён ва Чорвоқнинг сўлим гўшаларини Тошкентдаги вазирликлар, бошқармаларнинг «казо-казо»лари эгаллашган. Қизиғи шундаки, бу масканларнинг Бўстонлиқ халқига дахли йўқ — улар киритилмайди, шаҳарлик кашшофлар мазза қилиб дам олади-ю, Бўстонлиқ болалари бу имкониятлардан бебаҳра!..

Чорвоқ ГЭСи узоқ йиллар мобайнида қурилди. Қишлоқлар сув ости қолди. Энг даҳшатлиси, сув босмаган жойлардаги дов-дарахтлар кесиб ташланди, тракторлар оёғи остида ноёб доривор ўсимликлар топталди.

Чотқол тизма тоғлари этагидаги Оқсоқота водийсида кончилар нодир тошлар излаб ҳаммаёқни хонавайрон қилдилар. Геология вазирлигига қарашли кончилик идоралари корчалонлари Ғазалкент мармарини қазиб олиш мобайнида бу ердаги боғ-роғларни пайҳон этдилар. Афсуски, Ғазалкент мармари жумҳуриятимиздан четга олиб кетилади.

Пском водийси, Нанай боғлари қуриб-қақшаб қолган. Ёшлар қишлоқларни ташлаб кетганлар. Ёзувчи Пском водийсини «ёнаётган дарахтга» қиёс қилади.

Ёзувчи Саргардонота водийсидаги кончиларнинг номатлуб ишлари, совхозларнинг яйловлари бўла туриб, улар ёз ойларида ўрмон хўжалиги тасарруфига чорва молларини қўйиб юбориши, шаҳардаги идораларнинг ўрмон бойлигини талон-торож қилаётгани, Чирчиқ корхоналарининг заҳарли чиқиндилар ва «сирли ёмғир» ёғдираётгани, Ғазалкентдаги асбобсозлик заводининг қурилиши тўхтатилгани ҳақидаги мушоҳадаги бой фикрлари ўқувчини ўйга толдиради.

Ёзувчи Бўстонлиқ муаммосини изчил кўрсатиш муддаосида ҳар бир масалага алоҳида тўхталади — тарихий, адабий ва ҳаётий далилларга кенг ўрин беради, олимлар, ёзувчиларнинг табиат ҳақидаги панднома фикрларини келтиради. Бу мақолаларни ёзиш учун ижодкорнинг кўп вақт тоғу тош, қишлоқ ва овуллар кезгани, турли маҳкамалар эшиги олдида навбат кутиб сарғайгани, воқеа-далилларни синчиклаб ўрганганини, ўзаро суҳбатларда асабини минг бор қақшатгани сезилиб туради.

Дадахон Нурийнинг «Шаҳар ўртасида бир туп оқ ўрик» мақоласи катта шов-шувларга сабаб бўлди. Шу тариқа «Раддия», «Жавоб», «Ҳушёр бўлинг, ваҳима ёки мажлисдан кейинги сўз», «Ҳамкорликми ёки рақобат», «Чўртанбалиқ, Қисқичбақа ва Оққуш ҳақида эртак» каби иншолар юзага келди. Бу публицистик ёзмаларнинг умумлаштирувчи хусусияти шуки, уларда сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ва атрофидаги боғ-роғларнинг йўқ бўлиб кетаётгани, шаҳарда мевали дарахтларни кўпайтириш орқали шаҳар халқини мева-чева билан таъмин этишни енгиллаштириш муаммоси кўтарилган. Шаҳарнинг камтар бир фуқароси сифатида Дадахон Нурий бу мақолаларида шаҳар маданияти, этник хусусиятлари, удумлари ҳақида сўзлаб, шаҳарнинг экологияси бузилаётгани, боғ-роғлари топталаётгани ҳақида ижтимоий-иқтисодий далиллар асосида мулоҳаза юритади. Кўникма ва ҳодисаларни ўзгартириш осонликча рўй бермайди. Ёзувчи кўпдан-кўп тўғаноқларга дуч келади. Бу тўғаноқларнинг энг каттаси — маъмуриятчиликдир! Шаҳарлардан миллий тароват кўтарилди — боғлар ўрнида қават-қават уйлар, чакалакзорлар барпо этилди. Қушлар бизни тарк этдилар. Кўзбўямачилик билан ёзилган сохта ҳисоботлар — қоғозлардагина дарахтлар кўкарди. «Одамлар боғлар тароватидан эмас, хушбичим дарахтларнинг қуруқ савлатидан завқланишга ўрганиб қолдилар». Хўжасизлик, чинорпарастлик авж олди...

Қаламкашнинг бу мақолалари фавқулодда янгилик сифатида ўқувчида қизиқиш уйғотади. Шаҳардаги мева танқислиги масаласи орқали номатлуб экологик вазият, кўкаламзорлаштириш, мевали дарахтлар экишга мутасадди одамларнинг муносабати тадқиқ этилган. Ёзувчининг шаҳарда мевали дарахтларни кўпайтириш ҳақидаги мулоҳазалари халқ миллий удумларига эътиборни кучайтириш масаласига бориб тақалади.

Ёзувчи бу мақолаларида қайси бир муаммога муносабат билдирмасин, унинг моҳиятини ҳар томонлама очиб беришга, далил-рақамларни ўз ўрнида қўллашга, уларни ҳиссий образга айлантиришга интилади. Тошкентда мева танқислигининг битта сабаби шаҳарда қурувчиларнинг болтаси ўйнагани бўлса, 15 маданият ва истироҳат боғи эгаллаб турган 5500 гектар майдонда бирор туп мевали дарахт учрамаслигининг боиси нима, деб ўқувчини мулоҳаза юритишга ундайди.

Мева танқислигига яна бир сабаб — раҳбарлар сансалорлигидир. Улар бир неча далиллар билан ёзувчи ўртага қўяётган жумбоқни рад этади. Раҳбарлар фикрича, шаҳарда бошқа шаҳарларга қараганда кўчат кўп экилган, бошқа шаҳарларда шароит— одамлар турмуш тарзи ўзгача, шаҳарда одам кўп — кислород керак, мевали дарахтлар кўп бўлса талон-торожлик авж олади — шаҳар булғанади ва ҳоказо. Бошлиқлар публицистнинг ҳақлигини, муаммонинг жиддийлигини ҳис этиб турсалар-да, аммо тан олгилари келмайди.

«Шаҳар тегирмони»га кирган мақолалар услубий жиҳатдан ҳам турли шаклларга эга: ёзувчи мақоласи, фельетон, савол-жавоб — суҳбат, репортаж, мулоқот, хат жанри хусусиятларини кўрамиз. Булар ёзувчининг воқеа-ҳодисаларни публицистик ҳис этишда ўзига хос услубга, ижодий имкониятларга эга эканидан дарак беради.

Ростини айтганда, ҳаёт жумбоқларининг чуқур илдизларини кўрсатиб берадиган, иллатларни таг-томири билан қўпориб ташлайдиган, ўйга толдирадиган публицистик мақолалар мажмуаси бизда энди-энди пайдо бўлаяпти. Зеро, ўқиб чиқилган китоб, аввало санъат муждаси, қолаверса, ҳаёт дарслиги сифатида ўқувчини чуқур ўйлантирса, нимагадир чорласа, отлантирса, қандай яхши! «Шаҳар тегирмони» ана шундай китоб даражасига кўтарилган.

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲОРҒИН ВОДИЙ МАНЗАРАЛАРИ

Абдул Жалилнинг «Ҳорғин водий» китобини ўқиб

Сўнгги ўроқдан омон қолган бутанинг боши шабадада чайқалмоқда. Офтоб бебош бола каби чўмилаётир. Саратон уватларда ўйнамоқда. Дарёнинг тубидаги қайроқтош балиқдай ялтираб кўринади. Каллакланган тутлар панжаси қирқилган қўлларга менгзайди.

Мен «Ҳорғин водий»га кириб бормоқдаман. Сеҳру асрорга, рангу бўёқларга, ҳаяжону эҳтиросларга тўла бу водий мени тобора афсунлаб олмоқда.

Абдул Жалил руҳ ҳорғинлиги, юрт толғинлиги хусусида оддий ва самимий, шовқинсиз ва тўлиқиб куйловчи мусаввир-шоир. У табиатдан ундирган, борлиқдан ўзлаштирган бўёқларига гоҳ шикаста, гоҳ ошуфта кўнгли рангларини саховат билан омухта этади. Заргарий синчковлик, синчиклик ила сўзларни теради, оҳангларни муғанний сезими ила жилвалантиради. Анъанавий шеърий услубнинг янги каломий ва мусиқий қирраларини инкишоф этади.

Райҳон япроғидай ювилар қалбим,
Ювилар...
Ёки: **валекин ўчмайди гарди.**
Ишонч бор, валекин журъат етмайди.

Аҳамият берган бўлсангиз, тенг ва зидлов боғловчилари («ва» — «лекин») қўшиб ёзилган. Хўш, бу хатоми? Сўз ва оҳангнинг арзимас ўзгариши асносида шеърий нутқ яхлитлиги тобора сайқаллашса, бундай «хато»дан юз ўгиришнинг ўзи нўноқлик эмасми? Сўзларнинг сатрларга нақшлар янглиғ жойлаштирилиши шеърий садоларни мантиқий урғулар билан тўлдираётир:

Поёнида тупроқ кўчанинг —
Кўримсиз,
қаровсиз
ва жабрдийда,
Пастак девор билан ўралган,
хароб,
Кимсасиз ҳовлида гуллади жийда.

Абдул Жалил дилкаш ва дилбар шоир, таъбир жоиз бўлса, тағин соатсозга ўхшаган эринмас уста, яъни шеърнинг энг жузъий, энг кичик, бўлинмас унсурларига, қисмларига ҳам катталаштириб кўрсатадиган нигоҳи билан қарайди. Шеърнинг энг мўъжаз далолатларидан бири — товуш. Демак, шеърий сайқал товушлардан бошланиши керак:

Боғларим бағрига ғўрадан ғулув
Ёки:
Ранггину раққоса руҳ ёнди
Жилғаларнинг жилваларида...
Яна бир мисол:
Сокин супаларни супурди шамол.

Иқтибосларнинг биринчисида «ғ», иккинчисида «р», учинчисида эса «с» товушларининг кетма-кетлиги мазкур шеърларнинг шакли, оҳанги ва руҳига мос келиши, равонлик ва оҳангий жилвадорликни таъминлаши билан ижодкорнинг фазилатидир. Ўйлашимча, айрим шеърхонлар менинг мазкур фикрларимга эътироз билдиришлари мумкин. Уларнинг қарашларини ҳам ҳурмат қиламан. Бу, менимча, кишининг назмий тафаккури, назмий ҳис этиши қай хил адабий-бадиий муҳитда шаклланганн билан боғлиқ бўлса керак. Алоҳа, шоирлик меҳнати ана шу тахлитдаги гуногунлиги билан ҳам гўзал-да! Шубҳа йўқки, товуш шеърнинг асосий мақсади эмас, шунинг баробарида, шеър мақсадидан ташқарида қоладиган ҳолат ҳам эмасдир.

А. Жалил, айниқса, рубобий (лирик) назм объектини табиатдан ўзлаштирганда, «тўкин ёз», «ҳорғин куз», «қўйларнинг туёқларига бута қистирган» баҳорни тасвирлаганда кўнгилда болаликдаги таниш туйғуларни, саратон қуёшида улғайган, ёниб, аммо кулга айланмаган ҳароратли хотираларни жонлантирадиган қилиб ёзади. У тасвир шоири. Мавжудотнинг нўноқ нусхакаши эмас, бильакс, «туман тарқалишидан», «қуёшнинг безавол кулгуси» бемалол учишидан таҳайюрга тортиладиган, таҳайюлга бериладиган хаёлкаш, ўйчан, сокин, осуда, баъзан тарқоқ, баъзида эса ранглари ғоят қуюқлашиб кетадиган заҳматкаш шоир. Унинг сатрлари мутолаасида юртингизни соғинасиз, уйингизни қўмсайсиз, қишлоқда туғилиб ўсгансиз, кўпдан буён ота-онангизни, ёр-биродарларингизни йўқламаганингизни, сиздан кечирилмас гуноҳ ўтганини, яхшиларни ёдлашга, эзгуликка интилишга шошиш лозимлигини англайсиз. Қадрли манзараларнинг батафсил тафсилоти сизни зериктирмайди, аксинча, чумоли ҳам, илон ҳам, тош ҳам, қайғу ва йиғи ҳам гўзал эканлигини тушунишга ундайди, кўнглингиз бир армонга, бир ёруғликка тўлади:

Бугун менинг руҳим равшандир жуда,
Бугун менинг руҳим оламни қучар.

Шоир табиатда инсонни, инсонда табиатни, табиат ва инсон оралиғида эса ўз жисму жонини кўради. Эҳтимол, жамиятдан, ижтимоий муҳитдан «равшан руҳи»га нохуш кайфият юқса, балки бири кам дунёнинг ноқисликларидан тушкунликка тушса, рауфпарфиёна пардаларда ўз товуши билан муножот қилади:

Мунаввар тун, мунаввар тун,
Мунавварсан ким учун!
Мен даво сўрдим сендан-ей,
Бедаво дардим учун.

«Аёлдан эмас, Александр Пушкиннинг юрагига теккан ўқдан туғилган» (Евтушенко) иқтидорли ўрис шоири Михаил Лермонтов ўзининг насрий асарларидан бирида, инсон жамиятдан қанчалик йироқлашиб, табиатга қанчалик яқинлашса, шунчалик бола бўла боради, қабилида фикр билдиради. Абдул Жалил «жамиятдан йироқлашиб, табиатга яқинлашганида» тобора тиниқлашиб, болалардек беғуборлашиб бораётган қаламкашдир:

Бу сўқмоқдан юрар бўлсанг гар
Гиёҳларга бир-бир боқиб ўт:
Сени қутлаб маъюс жилмаяр
Сариқ дуррачали қоқиўт.

Менинг назаримда, кузак — ўлим, офтоб — ҳаёт, япроқ — инсон тимсолидир. Дарҳақиқат, ўлим тафаккуримиз ташқарисидан туриб ўзи ҳақида қанчалик кўп шивирлагани сари биз — дарахт япроқлари ҳаётни — офтобни шунча қаттиқроқ сева бошлаймиз. Ахир, инсон ҳаётни севишдан толган замон бўлганми?! Жуда сиқилиб кетсак; олам кўзимизга тор кўриниб қолса, нари борса, «бедарвоза кишанланган от» сингари «кишнаймиз», «депсинамиз»: «Заҳарли, олачипор Қамчин бўлди бу ҳаёт! Тўпиғимдан тишлаган Занжир бўлди бу ҳаёт!»

Муҳаббат ила лутф этганда, ҳаёт сингари мурувват ва меҳрдан бундан ортиқ норози бўлиш мумкинми? Алам билан айтганда, ҳаётни бундан ошириб кифтини келтириб сўкиш мумкинми?! Эй — бечора От, ҳей — бечора Мен, Ўх — бечора Сиз... Нима бўлганда ҳам, эй Ҳаёт, Ватан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрт, Муҳаббат, эзгулик, садоқат, ишонч, халқ ва...

Қуёшнинг саратон кунларидаги
Ҳарорати билан севаман сени.

Кейинги пайтларда турли минбарлардан турфа оҳангларда жаранглаётган Ватан каломи нени англатадир ўзи? Жўғрофий майдонними? Одамларними? Табиатними? Руҳий ҳурликними? Руҳий ҳурликнинг ўзи нимадир? Шу каби саволларга сиз ҳам: «Туққан ерни танимоқлик ҳам, Шунча оғир эканми дейсиз...»

Ростини айтинг-чи, туққан ерни таниш осонми?! «Бу заминга мен ҳам бегумон, бир гиёҳдай отурман илдиз».

Мен Инсонман, Курраи Замин менинг Ватаним. Эй дўсти азиз, не бўлганда ҳам:

Инграма, собит тур,
Букчайма, тик тур,
Минг азобда севгин она ерингни.
Куйлар қўшиғингни куйлагин мағрур,
Ҳайқириб айтгин сен айтар шеъринги.

Аммо собит туриш жудаям оғир, — айниқса зулмат қўйнида. Тунлар бўйида ҳаракатсиз турмоқ чорасизликдир. Зеро: «Қанча оғир бўлса куйламоқ, Шунча енгил тортмоқда руҳим».

Адолат билан айтганда, қаро туннинг ёруғ кунни муқаррар. Бахтсизликнинг бахти бор. Тарозунинг икки палласи бор. Барча ва ҳамма нарса тенг эмас. Нечун қаттиққўл ва қаттол ҳаёт ёлғиз мени яккалайди (?):

Кун сайин кўркамдир кундузлар,
Ҳаммага меҳрибон бу фасл.
Бир менинг бошимдан нур эмас,
Қайғулар ёғдирар муттасил.

Синглиси бор киши бахтли кишидир. Сингиллар меҳр-оқибат, зарофат ва бошқа эзгу ҳамда пок туйғу-тушунчаларнинг тажассуми бўлишади. Деярли барча ёш ўзбек шоирлари ижодида сингилга «кўнгил очиш» услубида ёзилган шеъларни учратиш мумкин. Ўз-ўзига «йиғлаган» шеърнавис тўлиб кетган чоғида синглисига ҳам «йиғлаб» беради-да. Бу хусусият кўп жиҳатдан халқимизнинг инсонийлик маданияти, урф-одатлари билан ҳам боғлиқ. Мирзо Кенжабек «Синглимнинг хати» шеърида: «Жон синглимнинг мактублари менга хаёл дарёси», Сирожиддин Саййид (унинг «*Хатлар ёздим: Бормисан, сингил...*» *сатри билан бошланувчи шеъри ҳам бор*) ўз достонида саксонинчи йилларни юрагига яқин тутиб сингилга қиёслаган: «Сен менинг синглимнинг туғилган куни. Сенга гулдасталар олиб бораман!» деб ёзган эди. Адабий танқид тили билан айтганда, Абдул Жалил «сингил мавзусини янада ривожлантирди». У машаққатли турмуш нозик қўлларига кетмон тутқазган (*бундай сингиллар озми!*) сингилнинг соддалиги ва покизалиги, дунёга соф назар билан қарашини иғволардан, юмалоқ хатлардан, қўшиб ёзиш ва алдовлардан қизғанди. Мусаффо қалбга:

Кўксингга кўклардан кенглик тилагин,
Бағрингга бардошлар тилагин ердан, —

деб ёлворади.

Шоирнинг «Мен отамни соғинсам» деб бошланувчи шеъри ҳам руҳан мазкур шеърга яқиндир. «Балки севмас эдим мен шеърни, Отам деҳқон бўлмаса агар... Зулму зуғум занжирларин ҳам Отам омоч тилида кесди... У ҳаммадан яхши билади — таъми қандай ернинг, заҳматнинг». Шеърни ўқир эканман, наҳотки биз зироатчи бузрукворларимиз (*худо раҳмат қилсин уларни!*) сингари шеърнинг «таъми қандайлигини биладиган заҳматкаш» бўлолмасак, деган ўй мени сескантириб юборди. Мен охирги қўш мисрани такрор ўқидим:

Отам айтган қўшиқларни гоҳ
Куйлар бўлсам, овозим етмас...

Абдул Жалилнинг қишлоқ кўринишлари маҳорат билан чизилган «Кетмончилар», «Шийпон — дала йўлнинг адоғига», «Мен самони севдим», «Сувчи юрар пайкал оралаб», «Пахтахирмон қишлоғида» шеърларида онамизнинг алласи билан қонимизга сингган қишлоқ руҳи, манзаралари сузиб юрибди. Уларда деҳқон дунёқарашининг кўпгина қирралари акс этган.

Тўпламдан жой олган «Қайрилиб қарайди атиргул», «Оҳанг», «Аёл, аёл, паришон аёл», «Кел, ўпайин сени сўнгги бор», «Қонталаш бағримга отганинг пайкон» сингари шеърларида шоир ўз услубининг бошқа бир қиррасини намоён этади: табиатни эмас, қалб манзараларини, дақиқалар кайфиятини, туйғуларнинг тароватли сизимларини тасвирлайди.

Шоирнинг бағри кенг, нигоҳи тийрон, тили сайқалли жозибали, руҳи таранг ва енгил. У «Ёз» шеърида ҳорғин:

Водийни қопласин ўтлар-ўланлар,
Бедазор очилсин тойга, бияга.
Тунлар овга чиқса агар илонлар,
Шикаст етказмасин чумчуқ уяга, —

дейди. Илоҳим, шундай бўлсин!

Салим АШУР

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Юлдуз» — дўстлик элчиси

Афғонистон ҳукумати 1978 йил 9 майда эълон қилган ўз дастурида, мамлакатда яшовчи барча миллату элатларнинг миллий маданиятини ривожлантириш, уларнинг адабиёти ва санъатини равнақ топиши учун имкониятлар яратиш, миллий тилларда газета, журналлар, китоблар чиқариш, мактаблар очишга алоҳида эътибор берди. Шундан кўп ўтмай, 1978 йил 6 июлдан бошлаб, илк бор ўзбек тилида «Юлдуз» газетаси чиқа бошлади. У ҳафтада бир марта, 4 саҳифадан, айрим сонлари эса 6 — 8 саҳифадан нашр этилади. «Юлдуз» Афғонистоннинг ўзбеклар яшайдиган Қундуз, Бағлон, Самангон, Жузжон, Балх, Фарёб ва бошқа вилоятларида тарқатилади. Газета аввалига ахборот ва маданият вазирлиги томонидан нашр қилинган бўлса, 1984 йилдан бошлаб миллатлар ва қабилалар вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

«Юлдуз» ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ўз ўқувчиларини ўзбек адабиёти эришган ютуқлар, жаҳон адабиёти тараққиётига ҳисса қўшган йирик намояндалари билан муфассал таништириб бормоқда. Жумладан, газета ўзининг илк сонида Бобур Мирзо ҳақида маълумотлар берди ва унинг айрим шеърларидан намуналар келтирган. Шунингдек, унинг бир неча сонларида тадқиқотчи Донмаснинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деган катта илмий оммабоп мақоласи чоп этилди.

Газета Алишер Навоийнинг шахсиёти, адабий-бадиий меросини кенг ўрганиш ва афғон халқига тарғиб қилишда катта иш қилмоқда. Ҳазратнинг: «Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидан ғами», деган шоҳ байти унинг доимий шиори бўлиб қолди.

Яқин вақтларгача афғон халқи (тор илмий жамоатчиликни назарга олмаганда) Алишер Навоийни шоирдан кўра инсонпарвар, мутафаккир вазир сифатида кўпроқ билишар эди. Бунга ўзим гувоҳ бўлганман. 60-йиллар охирида хизмат юзасидан Ҳиротга борганимда, шаҳар аҳлидан Алишер Навоий қабри қаерда, деб сўрадим. Афсуски, аксар кишилар саволимга елка қисишди. Бу менга оғир ботди. Барибирам суриштиришда давом этиб, Навоий бобомиз қабрини бир амаллаб топдим. Ўша вақтда қабр оддийгина бўлиб, усти ганчланган, ёмғир-қор сувлари ювиб кетмаслиги учун тепасига айвон кўтариб қўйилган экан. Шундан сўнг мен Ҳиротнинг машҳур жомъе мачитининг бош хатиби (у киши ўша вақтда 80 ёшда эди) билан суҳбат қуришга муяссар бўлдим. Суҳбат чоғида Алишер Навоийнинг қабри тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларимни билдирдим. У киши фикрларимга қўшилган ҳолда айтдики, амир Алишернинг қабри аслида муссалоҳда эди. Бир вақтлар шаҳарда сув тошқини бўлган, шунда унинг қабрини сув ювиб кетган. Бу воқеадан кўп йиллар ўтгач, Ҳирот аҳли амир Алишернинг қабрини тахминий равишда сиз кўрган жойга тиклашган, деди. Бу фикрларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини аниқлашни афғон ва ўзбек навоийшунослари эътиборига ҳавола қиламиз.

Ҳозирги пайтда Афғонистонда навоийшунослик маркази ташкил этилган. Газета саҳифаларида эса ўзбекистонлик навоийшунослардан В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, А. Қаюмов, С. Ғаниева, А. Абдуазизов, Н. Маллаев ва бошқаларнинг мақолалари чоп қилинди.

«Юлдуз» Афғонистонда истиқомат қилаётган туркий забон халқларни ўзбек халқининг ажойиб шоирлари Машраб, Лутфий, Саккокий, Хоразмий, Муқимий ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб кўплаб ранг-баранг мақолалар чоп этаётир.

Биз шу ўринда муҳтарам журналхонлар диққатини яна бир нарса Машраб дафн қилинган жой масаласига жалб қилмоқчимиз. Маълумки, бизда Машраб Балх ҳокимининг амри билан дорга осилиб ўлдирилади ва унинг қабри Хонобод шаҳридан бир неча чақирим жанубда бўлган Ишкамиш қишлоғида деган фикр мавжуд. Мен Қундуз ва Хонобод шаҳарларида бўлганимда маҳаллий халқ Машрабнинг қабри Ишкамишда эканлиги ва бир зиёратгоҳга айланиб қолганлигини айтишди. Балх шаҳри билан Хонобод ўртасидаги масофа тахминан 400 чақиримдир. Агар Машраб Балх ҳокими томонидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

осиб ўлдирилган бўлса нега у Хонободга дафн қилинган, деган савол туғилиши мумкин. Афғонистонда, хусусан Балхда «Машраб Балхда дафн қилинган», деган фикрлар ҳам бор. Мен Балх қалъасини кўздан кечириб юрганимда шу ерлик аҳолидан Машраб қисмати ҳақида сўраб-суриштирдим. Улар, менга Машраб шаҳар қалъаси ичидаги зиндонда бир неча йил ётган, зиндон харобалари ҳали ҳам мавжуд, унинг чуқурлиги тахминан 5—6 метр, кенглиги 4—5 метр. Зиндонга элтадиган йўл ва посбонлар турадиган жойларнинг излари ҳалиям сақланиб қолган. Хоки эса шаҳар қалъасининг кунчиқар томонига қўйилган, дейишди.

Ҳақиқатан ҳам, қалъа деворидан тахминан 300—400 метр нарида бир қабр мавжуд. Одамларнинг айтишича, бу Машраб қабри экан, у пишиқ ғиштдан кўтарилган, қабрнинг узунлиги 3, эни 2 метрга яқин. Қабр устини янтоқ босган. Шаҳар қалъасини кўргани келган кишилар қабрни зиёрат қилмасдан кетишмайди.

Хуллас, биз Машраб таваллудининг 350 йиллиги муносабати билан маълум бир илмий гуруҳ Афғонистонга бориб, Машраб қабрини аниқлаш, тиклаш, обод қилиш масаласини афғонистонлик дўстлар, керакли ташкилотлар кўмагида ҳал этсалар мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Газета саҳифаларида ёритилган адабиётшунос Маҳбуба Қодированинг Нодира ижодига бағишлаб ёзган илмий ишлари тўғрисида талай фикрлар баён этилди ва улар Афғонистонда ўзбек ижодий зиёлилари, ёш шоиру адиблари ўртасида нодирахонликка асос солди.

«Юлдуз» ўзбек-афғон адабий алоқаларини ривожлантириш, афғон халқини, айниқса, туркий забон халқларни ўзбек совет адабиёти ва унинг намояндалари асарлари билан таништиришда таҳсинга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Газета орқали афғонистонлик биродарларимиз оташин шоир Ҳамза, ҳассос Ойбек ижоди ва фаолияти, ҳақида маълумотлар олдилар, асарлари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Булардан ташқари «Юлдуз» ўз мухлисларини Ғ. Ғулом, А. Мухтор, Шуҳрат, А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Бобожон, А. Пўлат каби қатор шоирларнинг асарлари билан ҳам таништирди.

Биз «Юлдуз» газетасининг ўзбек-афғон адабий алоқаларини ривожлантириш, уни мустаҳкамлаш борасидаги самарали хизматлари хусусида сўз юритарканмиз, бу борада Афғонистонда узоқ йиллар хизмат қилган, таниқли афғоншунос олим Ориф Усмонов ҳақида қисқача тўхтаб ўтишимиз жоиздир. Чунки камтар, камсуқум О. Усмонов ўзбек-афғон адабий-илмий алоқаларини мустаҳкамлашда ўзига хос ўрин тутмоқда. У киши «Юлдуз» чоп этилган кундан бошлаб, газета фаолиятида иштирок этаётир. О. Усмонов биринчи бўлиб олим, шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ва мақолаларини газета саҳифаларида чоп этилишини бошлаб берди.

Заҳматкаш олимимизнинг шеърлари, пушту тилидан қилган таржималари ва турли илмий мақолалари газета саҳифаларидан ўрин олди. Пушту адабиётини ўрганишга бағишлаган рисола ва китоблари Афғонистон Фанлар Академияси томонидан нашр қилинди. Шунинг учун ҳам Афғонистонда О. Усмоновнинг обрўи баланд.

Ўзбек-афғон адабий-маданий алоқаларини, икки қадимий халқнинг анъанавий дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш борасида қилаётган хизматлари учун «Юлдуз» газетаси ижодий жамоасига миннатдорчилик билдиришимиз фарзу қарздир.

Маъмур НИШОНОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу мўъжаз мақола босмага тайёрланишидан сал олдин таҳририятимизга «Юлдуз» рўзномасининг бош муҳаррири Абдулла Рўйин, масъул котиби Мустафоқул Жўра ва мухбири Муҳаммад Мусо меҳмон бўлиб келди.

Ойнома бош муҳаррирининг ўринбосари Омон Мухторов меҳмонларга бугунги ўзбек адабиётининг мавқеи, ойноманинг ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрни, ўтмиши ва келажаги хусусида қисқача сўзлаб берди. Абдулла Рўйин Афғонистон аҳлига ўзбеклар ҳаёти ва адабиётини таништиришда «Шарқ юлдузи» ойномаси яхши кўмак бераётганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъкидлаш баробарида, «Юлдуз» рўзномасининг ўз юртидаги йўналиши, режалари ҳақида гапирди. Суҳбатда ҳар икки жумҳурият халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш, ўзбек адабиётини қўшни жумҳуриятда яшаётган ўзбек ва бошқа халқлар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, Афғонистонда яшаб ижод этаётган ўзбек қаламкашлари ижодини «Шарқ юлдузи» ойномасида,ўзбек ёзувчилари асарларини эса «Юлдуз» саҳифаларида чоп этиш каби қатор долзарб масалалар юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Унда «Ойдин» рўзномасининг бош муҳаррири Миад Ҳакимов иштирок этди.

Суратда: бош муҳаррир Абдулла Рўйин, мухбир Муҳаммад Мусо ва масъул котиб Мустафоқул Жўра

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Шарқ юлдузи» ойномаси 1991 йил сонларининг умумий мундарижаси

НАСР

Усмон Азим. *Ҳикоялар. 8 — 43*
Ёқутхон Акрам. Руҳим япроқлари. 3 — 78
Саид Анвар. Ширкатга марҳабо. Ҳикоя. 11 — 51
Вали Бобомурод. Қора от. Қисса. 1 — 51
Шойим Бўтаев. Нотавонлар. Эссе. 2 — 169
Шойим Бўтаев. Қўрғонланган ой. Романдан боблар. 10 — 12
Набижон Боқий. Қатлнома. Ҳужжатли қисса. 5 — 33, 6 — 84
Саломат Муҳаммад Вафо. Муқаддас манзил. Ҳикоя. 3 — 27
Хуршид Даврон. Самарқанд хаёли. Эссе. 1 — 11, 2 — 111
Жаҳонгир. Жаҳаннамга йўл. Қисса. 12 — 63
Мирза Карим. Мунаввара эртаклари. Эртак қисса. 9 — 115
Мирмуҳсин. Илон ўчи. Роман. 2 — 7, 3 — 84 4 — 45
Фарҳод Мусажон. Қилич ва соз. Қисса. 3 — 36, 4 — 96
Музаффар Мирзо. Паноҳ. Қисса. 7 — 19
Омон Мухторов. Осмондан тушган одам. Қисса. 7 — 55
Мурод Мансур. Гуноҳи азим. Роман. 9 — 32, 10 — 76, 11 — 64
Омонулла Оллоёров. Менинг қуралай опажоним. Қисса. 7 — 83
Иброҳим Раҳим. Генерал Равшанов. 11 — 5
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Лайли ва Мажнун. 12 — 24
Абдусаттор Содиқов. Зомин ҳикоялари. 9 — 89

Аҳмад Турсун. Гулшан. Қисса. 4 — 5
Темур Убайдулло. Яшин тутган чавандоз. Эссе. 1 — 181
Абдурауф Фитрат. Ҳинд сайёҳининг қиссаси. 8 — 7
Акбар Юнусов. Хазончинак. Қисса. 7 — 131
Рустам Қаюм. Йўқчилик. Туркум ҳикоялар. 5 — 18
Абдусаттор Ҳотамов. Уватда қолган излар. 11 — 46
Еқуббек Яқвалхўжаев. Уч кўчанинг охири. Романдан боблар. 12 — 93

ШЕЪРИЯТ

Усмон Азимов. Янги дунёларга руҳни қистайман. 1 — 44
Чори Аваз. Руҳим ҳам сафарга таппа-тахт, хозир. 5 — 28
Абдумажид Азим. Ўзимни ахтариб юрибман. 11 — 97
Эргаш Абдулла. Тулпорлар кишнаши эртакда қолди. 12 — 21
Зулфия Бобоева. Ҳақни олиб, тумшуғида наврўз олиб. 3 — 34
Мақсуд Бекжон. Ҳамма нарса мангу бу ерда. 4 — 87
Машраб Бобоев. Инсонлик — Ватанга эгалик демак. 11 — 59
Самандар Воҳидов. Эринчоқ нур сизар уфқдан. 4 — 43
Холдор Вулқон. Ёғду — ёнаётган қуёш нурлари. 4 — 92
Юсуф Жумаев. Чечак қисилади ўтлар ичинда. 2 — 68
Абдул Жалил. Ҳар баргида минг дард дарахтнинг. 7 — 81
Маъруф Жалил. Висол ва ҳижрон. 10 — 139
Жамшид. Муҳаббат фасли. 11 — 107
Омон Мухторов. Эркин учаётган қуш. 1 — 77
Носир Муҳаммад. *Ғазаллар.* 7 — 50
Омон Матжон. Қуш йўли. Достон. 9 — 17,10 — 64
Инобат Нормуродова. Кунларимни учирди еллар. 12 — 90
Тўлан Низом. Соғинчларинг чўғларини жисмим аро жойладинг. 8 — 114
Қамбар Ота. Навоийдан мадад сўраб. 2 — 71
Нурилла Остонов. Бир оғриқ кезинди менинг жонимда. 7 — 159

Ўткир Раҳмат. Остонада турибди соғинч. 1 — 86
Муҳаммад Ражаб. Жодир бахши қўшиқлари. 2— 2
Қутлибека Раҳимбоева. Тавба. Драматик достон. 3 — 12, 4 — 120
Сулаймон Раҳмон. Кўнглингга умид гулин экавер. 5 — 23
Муҳаммад Раҳмон. Умрим, эрким ул чироққа товондур. 8 — 3
Зебо Раҳимова. Дунё бор, руҳият майдонларида. 10 — 137
Азиз Саид. Қорачиқларимда кўкламнинг расми. 3 — 32
Ғайбулла Саломов. Кўнглимдай синиқ сатрлар. 3 — 139
Сирожиддин Саййид. Таназзул ёки бир бечоранинг изтироблари. 7 — 2
Эркин Самандар. Аждодлар қиличи. Тарихий фожиа. 7 — 73, 8 — 63, 9 — 96, 10 — 120
Яҳё Тоға. Ибодат этганинг надур. 4 — 41
Исмоил Тўхтамишев. Кўнгилни ишқ ёқмаса. 9 — 87
Гуландом Тоғаева. Зумуррат майдонни қонатар тикан. 11 — 2
Зубайда Усмонова. . Шамолга сиғиндим, йўлга сиғиндим. 3 — 74
Фахриёр. Бу ёғдуда қайга борилур. 5 — 87
Равшан Файз. Мен сени танидим. 9 — 81
Исмат Худоёр. Нидо берсам садолар келмас. 4 — 90
Олимжон Холдор. *Ғазаллар.* 9 — 84
Абдулла Шер. Хоккулар. 4 — 38
Эшқобил Шукур. Ибтидо хатоси. Достон. 5 — 8
Чўлпон Эргаш. Раҳмон ромчи. 11 — 30
Муҳаммадали Кўшмоқов. Ботиним тўлади нури имона. 12 — 18
Усмон Қўчқор. Қувғин. Достон. 1 — 139
Шукур Қурбон. Сўз йўли. Тарихий достон. 2 — 97
Амина Қодирова. Бардошни парчалаб яшар бир илинж. 3 — 76
Абдулла Қўшбоқ. Юрагимни сенга олиб боряпман. 7 — 53
Ойдин Ҳожиева. Нажот. Достон. 12 — 50
Дадахон Ҳасан. Сени танибманки — меҳрли халқсан. 1 — 83
Ўроз Ҳайдар. Дашт оҳанглари. 3 — 141
Одил Ҳотамов. Ям-яшил майсалар кўтарар исён. 5 — 85

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдулла Ҳаким. Ўтли хотиралар ёритар руҳим. 10 — 9

ДРАМАТУРГИЯ

Машраб Бобоев. Тунис «Президент»и. 2 — 73

МУШОИРА

Бир шеър саҳифаси. Гавҳар Ибодуллаева, Марям Турдиева, Ҳалима Оқиева, Раъно Исмоилова, Момохол Элмуродова, Жумагул Сувонова, Нигора Жалолиддин қизи шеърлари. 3 — 82

Талабалар дафтаридан. Абдувоҳид Ҳайит, Зокир Худойшукуров, Бахтиёр Саййид, Норқул Мамиров, Анвар Эмин шеърлари. 4 — 148

Бир поклик сезаман руҳингда. Усмонжон Шукуров, Душан Файзий, Файзи Шоҳисмоил, Мўмин Аваз, Ғойиб Назар, Искандар Халилов, Ўролбой Ўрозов, Эрмамат Нурматов, Йўлдош Эшмурод, Абдусаттор Жуманазаров, Абдумурод Қодиров, Сайфулло Қулиев шеърлари. 5 — 128

Имон тилар бир Ватан бор. Дилбар Донобоева, Нодира Баратова, Хуршида Эшонқулова, Ҳамро Бону, Ойдин Темирова, Гуласал Холмуродова, Дилдора Мардиева шеърлари. 8 — 40

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Ҳабиб Абдиев. Енган булутларни тушун дардини. 12 — 117

Икром Бўрибоев. Дунё, мени бағрингдан қидир. 5 — 90
Шуҳрат Деҳқон. Дарз. Ҳикоя. 7 — 123
Абдурасул Жумақулов. Олиб келди исмингни шамол. 7 — 129
Расулжон Камолов. Даъват. Ҳикоя. 1—93
Муним Муқимов. Ўтмишдан ибратлар. Ҳикоя. 2 — 55
Маннон Отабой. Юракда сенинг маконинг. 12 — 119
Дилшод Ражабов. Оламдан алам кетсин . 8 — 117
Хайрулло. Қадрим. Ҳикоя. 2 — 58
Дилмурод Қуронов. Чинор ҳикояси. Ҳикоя. 1 — 88
Шавкат Ҳасан. Умрим даргоҳига келасан кириб. 2 — 53
Бахтиёр Ҳазратқулов. Таъқиб. Ҳикоя. 2 — 60
Ўлмас Ҳусайн. Тунда Регистонга қўнаркан ҳилол. 7 — 127

Хаёлимда оқ ёлли тулпор. Нормурод Мусомов, Мухтарама Эгамберди қизи, Шакаржон Шаҳризода, Даврон Султонов, Моҳигул Отамирзаева, Маҳмуд Ғафур, Муҳиддин Омон, Мухтор Комил шеърлари. 2 — 46

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Мирзо Абдулқодир Бедил. *Рубоийлар.* 6 — 195
Бадриддин Ҳилолий. Рубоийлар. 12—133

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Ўктам Усмонов. Гирдоб. Романнинг иккинчи қисмидан боблар. 4 — 129

ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

Рюноскэ Акутагава. Ўргимчак уясининг толаси. 10 — 135

Жаброн Халил Жаброн. Вардахоним. 11 — 100

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Бахтиёр Ганжамуратов. Кўнгил дафтаримда сассиз уч нуқта. 5 — 111
Уйғур шеъриятидан намуналар. Абдухолиқ Уйғур, Абдураҳим Ўткир, Абдураҳим Абдулла, Абдуқодир Жалолиддин, Аҳмаджон Усмон шеърлари. 7 — 113

ДУРДОНА

Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. 7 — 162

АСЛ НУСХАДАН ТАРЖИМА

Муҳаббат ҳақида ҳикоялар. Амрита Притам, Ж. Фужер, Кетрин Мексфольд, Зу Винтер ҳикоялари таржимаси. 2 — 145

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — 60

Ортиқбой Абдуллаев. «Қурилиш»дан «Шарқ юлдузи»гача. 2 — 198
«Ўзбекистон шўро адабиёти». 3 — 199
Тахламларни варақлаб. 4 — 185, 5 — 195
Неъмат Аминов. «Қайта қуриш» ҳикоялари туркумидан. 6 — 180
Эркин Воҳидов. Шеърлар. 6 — 33
Жуманиёз Жабборов. Шеърлар. 6 — 81
Абдусаид Кўчимов. Шеърлар. 6 — 173
Президент И. А. Каримов табриги. 6 — 2
Инобат Нормуродова. Лутфихон ая ҳузурида. 1 — 204
Инобат Нормуродова. Эр-хотин мусаҳҳиҳлар. 2 — 202
Инобат Нормуродова. Онажонимиз. 4 — 205
Инобат Нормуродова. Бир даргоҳда ўттиз йил. 5 — 199
Амирқул Пўлкан. Шеърлар. 6 — 144
Турғун Пўлат. Одами эрсанг... *Роман.* 6—145
Абдулла Орипов. Шеърлар. 6 — 38
Худойберди Тўхтабоев. Қамоқхонадаги муштлашув. 6 — 174
Ҳалима Худойбердиева. Ҳимоя сўзи. Шеърлар. 6 — 73
Шуҳрат. Шеърлар. 6 — 80
Ҳусниддин Шарипов. Шеърлар. 6 — 82
Юсуф Шомансур. Шеърлар. 6 — 143
Нортўхта Қилич. Муножот. Ҳикоя. 6 — 186
Ойдин Ҳожиева. Шеърлар. 6 — 78
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси табриги. 6 — 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ўткир Ҳошимов. Изланишнинг машаққатли йиллари. 6 — 4

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Илҳом Зойиров. Жаннат. *Хаёлий ҳикоя.* 7 — 117
Озод Мўмин. «Онг» қурилмаси. *Фантастик қисса.* 5 — 114
Ҳожиакбар Шайхов. Мутамах. *Илмий фантастик ҳикоя.* 8 — 172

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Исломбек Турсунов. Жумҳуриятимиз жаҳон бозорига чиқадими? 11 — 128

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оллоберган Худойберганов. Яйловнинг эгаси ким? 5 — 185
Алиназар Эгамназаров. Ҳавога ўрлаётган заҳар. 8 — 99

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

Авторхонов. Сталин ўлимининг сирлари. 11 — 110, 12 — 174
Абул Бозоров. Аччиқ ҳаёт. 2 — 165
В. Верешчагин. 1868 йилда Самарқанд. Рассом хотиралари. 4 — 192
Қўрқув салтанати фожиаси. 5 — 31
Нуриддин Муҳиддинов. Хрушчёв, Брежнев ва бошқалар. 5 — 92
А. Антонов — Овсеенко. Золим. 10 — 183

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Зоҳир Аълам. Жомбой ҳангомалари. 12—3
Абул Бозоров. Авлодингизни биласизми?. 11 — 141
Меиғзиё Сафаров. Дарё — ҳаёт, мангулик. 9 — 6
Садир Салимов. Бошқариш илми ва бозор иқтисодиёти. 1 — 197
Раит Абдуллаев, Муҳамматвали Муродов. Жамоа хўжалигининг умри тугадими?. 8 — 193
Норбой Мусулмонов. Қонун бор-у, натижа йўқ. 11 — 133
Аминжон Маматов. Коса тагида нимкоса. 10 — 194
Ирисали Тошалиев. Ўрганган кўнгил. 8 — 182
Алижон Ғаниев. Меъморчилик тарих йилномаси. 7 — 189
Шукур Иброҳимов, Ғаффор Иброҳимов. Хитойнинг бугунги қишлоғи. 11 — 136

СИЗ ТАКЛИФ ЭТГАН МАВЗУ

Хайз Хизиш Ровфиг. Чўчқа гўшти ва саломатлик. 3 — 203
Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Холис баҳо. 3 — 202
НУЖ ақл бовар қилмас ҳақиқат. 10—200

ЁДНОМА

Наим Каримов. Битта ўзим биламан. 5 — 137
Мансур Иномхонов. Қалами ўткир эди. 6—198
Ислом Усмонов. Ҳақиқат туғилган йил. 8 — 202
Илҳом Ҳасанов. Икки қисса — бир ҳисса. 10 — 194

БАҲС

Нинель Владимирова. Илдизларга назар солайлик. 8 — 197
Шаҳобиддин Одилов. Танқиддан ҳам тубанми? 8 — 193

ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР

Фозилбек. Дукчи эшон воқеаси. 1 — 146

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Лутфий. Ғазаллар, рубоий ва туюқлар. 6—169
Ҳусайн Бойқаро. Ғазаллар. 5 — 177
Худойберди Дониёров. Афросиёб: афсонами ёки тарихий шахс. 7 — 191
Шоҳ Машраб. 6 — 40
Фахру-л-банот Сиғбатуллоҳ қизи. Иршод ёки кўзгу. 9 — 181
Гулшан Раҳимова. Улуғларнинг этагидан тутиб. 2 — 186
Убайдий. Фароғати бор, дўстлар, ғадолиғнинг. 10 — 151
Абдурауф Фитрат. Шеърлар. 6 — 19
Чўлпон. Вайроналар орасидан. 6 — 23
Муҳаммадали Қўшмоқов. Мулла Гулханий. 1 — 97
Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳоннамойи. 8—119

НАВОИЙХОНЛИК

Ботирхон Акрам. Табиат ва самоват тимсоллари. 3 — 143
Абдурашид Абдуғафуров. Ўтдан ўтга. 6—150
Е. Э. Бертельс. Улуғ ўзбек шоири. 7 — 183
Баҳром Бафоев. «Топдим ул калом ичра камол». 8 — 141
Қудрат Дўстмуҳаммад. Улуғбобо шахсиятлари хусусида. 10 — 2
Муҳаммаджон Имомназаров. Ҳақиқат ва мажоз. 4 — 159
Нажмиддин Комилов, Бобомурод Эралиев. Ишқ оташининг самандари. 11 — 166
Омон Мухторов. Навоий йили. 4 — 3
Алишер Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. 1 — 2, 2 — 62
Султонмурод Олим. Мунда фоний бўлмай иш ўлмас тамом. 2 — 154
Урфон Отажонов. Навоий ижодини ўрганиш тарихидан. 8 — 144
Азиз Қаюмов. Ўлмас сабоқлар. 5 — 2
Валижон Қодиров. Висол йўлида. 9 — 153
Иристой Қўчқортоев. Сўз уммонидаги гавҳарлар. 7 — 180
Ғафур Ғулом. Хоки мусалло. 5 — 146
Кўнгил мулкининг султони эдилар. Суҳбат. 5 — 151
Иброҳим Ҳаққул. Фахру фанолик ҳайрати. 1 — 109

АЛИШЕР НАВОИЙ — 550

Табаррук топилма. 9—2—157—158
Навоий назми жаҳон лисонида. 9 — 187

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС

Ҳамид Зиёев. Қуръони карим асл нусхаси саргузаштлари. 1 — 129
Алоуддин Мансур. Қуръон таржимаси. 1—113, 2—129, 3—147, 4—167, 5—153, 6—153, 7—165, 8—149, 9—159, 10 — 155, 11—171, 12—135.

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Завқий, Сотволди Содиқов. Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслар. 5 — 146
Навоий ғазалига **Муҳий** мухаммаси. 7 — 179
Муқимий. Навоий ғазалига мухаммас. 8—148
Абдураҳим Низорий. Соғари ваҳдат била. 1 — 109

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Маҳкам Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 11 — 145

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамидулла Болтабоев. Талабни қондирмаган инқилоб. 1 — 131
Шониёз Дониёров. Мухторият қисмати. 12—159
Маъмур Нишонов. «Юлдуз» — дўстлик элчиси. 12 — 201
Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. Давра суҳбати. 3 — 169
Ҳамид Зиёев. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги. 5 — 169
Озод Мўмин. Амир Темурнинг ёқути. Эссе. 10 — 142
Л. Олимий. Қонли ва оғир - қайғули кунлар. 5 — 180
Убайдулла Уватов. Хоразмнинг олис юлдузлари. 2 — 183

ҚУТЛОВ

Наим Каримов. Ярим асрлик чинор. 10 — 178
«Умр қисқа, қарз эса катта» Шоир **Абдулла Орипов** билан суҳбат. 4 — 154
Иброҳим Ғафуров. Завқ дарёси. ,3 — 190

АСР САДОЛАРИ

Феруз, Доий. *Ғазаллар.* 7 — 185
Рафиқ Мўмин. *Шеърлар.* 8 — 169
Нодирабону, Манзурабону. Шеърлар 10 — 175

АДАБИЙ ТАНҚИД

Муҳаммад Али. Қайта яратиш заҳмати. 11 — 193
Баҳодир Каримов. Насрдаги назокат. 7 — 196
Умарали Норматов. Сержило кулги. 3 — 191
Абдуғафур Расулов. Шафоат ёғдусидан баҳрамандлик. 10 — 189
Абдулла Улуғов. Ошкоралик очган имконлар. 5 — 189
Озод Шарафиддинов. Отажон Ҳошимов: шахсияти, тақдири, ижоди. 2 — 191
Дилмурод Қуронов. Томчида қуёш акси. 12 — 121

ТАҚРИЗЛАР

Салим Ашур. Кўзларим кўкида куюк юлдузлар. 7—200, Ҳорғин водий манзаралари. 12 — 199
Ғуломжон Ғафуров. Занжирбанд гўша. 12 — 197
Маликхон Боборахимов. Замондошимиз нафаси. 11 — 199
Тўлқинжон Раҳимов. Файзли ёруғлик. 5 — 204
Муҳаммади Жуманов. Кутилган кунлар қўшиқлари. 10 — 204
Ойбек Раҳим. Умр чархпалаги. 5 — 205
Абдулла Улуғов. Дилнинг халоскор садоси. 11 — 201
Мунаввара Фармонова. Булутларга ўралган ҳилол. 10 — 203
Аҳмаджон Эшонқулов. Кураш давом этади. 5 — 202
Абдул Ҳамид. Кенгликларга сиғмаган юрак. 10 — 204

АКС САДО

Абдураҳмон Каримов. Онг иккиламчими?. 10 — 191
Қозоқбой Иўлдошев. Ўқувчи нега зерикади?. 6 — 203
Абдурашид Мирзааҳмедов. Оиланинг ижтимоий бурчи. 9 —201
Мактублар. 9 — 191
Наим Норқулов. Етти ўлчаб бир кесинг. 2—205
Ҳабибулла Зайниддинов. Тиниқ кўзгу. 7—202
Рустам Шамсуддинов. «Дукчи эшон воқеаси»дан сўнг. 6 — 206

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

Тўра Нафасов. «Балиқчи» номининг маъноси. 10 — 198

ГУЛҚАЙЧИ

Қудрат Дўстмуҳаммад. Дардисар «Никоҳ». Ҳажвия. 8 — 206
Ўткир Саидов. Пародиялар. 2 — 207
Абдулла Исомиддин. «Чаққонбой» Ҳажвия. 9 — 206
Темирбек. «Наманган ҳангомалари». 11 — 204
Зулфия Шодиева. Шимпанзенинг ширин ўйлари. Пешонага битилгани. 7 — 204
Ориф Ҳожи. Бош қашиб ўқиладиган ғазаллар. 4 — 207
Абдураззоқ Обрўев. Киноялар... 11—207
Муҳаммад Очил. «Ҳангома халта». 9 — 203

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Зоҳир Аълам. Жомбой ҳангомалари . . . 3

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммадали Қўшмоқов. Ботиним тўлади нури имона . . . **18**

Эргаш Абдулла. Тулпорлар кишнаши эртакда қолди . . . 21

Ойдин Ҳожиева. Нажот. Достон. . . . 50

Инобат Нормуродова. Кунларимни учирди еллар . . . 90

НАСР

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Лайли ва Мажнун . . . 24

Жаҳонгир. Жаҳаннамга йўл. Қисса . . . 63

Ёқуббек Яқвалхўжаев. Уч кўчанинг охири. Романдан боблар . . . 93

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Ҳабиб Абдиев. Ёнган булутларни тушун дардини . . . 117

Маннон Отабой. Юракда сенинг маконинг . . . 119

АДАБИЙ ТАНҚИД

Дилмурод Қуронов. Томчида қуёш акси . . . 121

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Бадриддин Ҳилолий. Рубоийлар . . . 133

ҚУРЪОН . . . 135

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Шониёз Дониёров. Мухторият қисмати . . . 159

Маъмур Нишонов. «Юлдуз» — дўстлик элчиси . . . 201

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

А. Авторхонов. Сталин ўлимининг сирлари. Китобдан боблар . . . 174

ТАҚРИЗЛАР

Ғуломхон Ғафуров. Занжирбанд гўша . . . 197

Салим Ашур. Ҳорғин водий манзаралари . . . 199

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1991 йил сонларининг умумий мундарижаси . . . 204

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 12

Журнал Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Техник муҳаррир **Ю. Абдуллаев** Рассом **Ғ. Алимов** Мусаҳҳиҳ **К. Зиямуҳамедова**

Таҳририятга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилган) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 6.09.91 й. Босишга рухсат этилди 11.11.91 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма тобоғи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 111933. Буюртма 6161. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi